

# ЖАҲОН АДАБИЁТИ

1997 йил июндан чиқа бошлаган

№8 (99)

2005 йил, август

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН  
МАТБУОТ ВА АХБОРОТ  
АГЕНТЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН  
ЁЗУВЧИЛАР  
УЮШМАСИ

РЕСПУБЛИКА  
МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ  
КЕНГАШИ

## МУНДАРИЖА

### НАСР

ГАБРИЭЛ ГАРСИЯ МАРКЕС. <i>Бузрукнинг кузи. Роман</i> .....	3
АМИН МААЛУФ. <i>Самарқанд. Роман</i> .....	61
Миср ҳикоялари:	
ТАВФИҚ АЛ-ҲАКИМ. <i>Вазир Жаъфар</i> .....	104
НАЖИБ МАҲФУЗ. <i>Болалар жаннати</i> .....	114
АБДУРАҲМОН АЛ-ҲОМИСИЙ. <i>Набавия</i> .....	117

### ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ

Асл ўлан боқийдир.....	54
------------------------	----

### ФАЛСАФА. МАДАНИЯТ. САНЪАТ.

Маъбудлар, браҳманлар, одамлар.....	126
-------------------------------------	-----

### АДАБИЙ ТАНҚИД

ГУЛЧЕҲРА ИМОМОВА. <i>Миллий ва умуминсоний характер синтези</i> .....	168
---	-----

ТОШКЕНТ  
АВГУСТ

## КИТОБЛАР ОЛАМИДА

МАРФУА ҲАМИДОВА. Эркин фикрлаш ва илмий таҳлил уйғунлиги..... 171

## САРГУЗАШТ. ДЕТЕКТИВ. ФАНТАСТИКА

ЖОЗЕФИНА ТЕЙ. Давр қизи. Қисса..... 175

Бош муҳаррир:  
Озод ШАРАФИДДИНОВ

Таҳрир ҳайъати:  
Мирпўлат МИРЗО  
(Бош муҳаррир ўринбосари)  
Файзи ШОҲИСМОИЛ  
(масъул котиб)  
Амир ФАЙЗУЛЛА

Жамоатчилик кенгаши:  
Равшан АБДУЛЛАЕВ  
Алишер АЗИЗХЎЖАЕВ  
Бобур АЛИМОВ  
Қуддус АБЗАМОВ  
Одил ЁҚУБОВ  
Туробжон ЖЎРАЕВ  
Абдулла ОРИПОВ  
Файрат ШОУМАРОВ  
Тўлепберген ҚАИПБЕРГЕНОВ  
Рустам ҚОСИМОВ  
Пўлат ҲАБИБУЛЛАЕВ

**Жаҳон адабиёти, 8. 2005.**

ИНДЕКС 828, 829

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган, №172

Уч босма тобоқ ҳажмгача бўлган қўлёзмалар қайтарилмайди.

Таҳририят манзили:  
700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.  
Телефонлар: 144-41-60; 144-41-61; 144-41-62.

Навбатчи муҳаррир Г.МУҲАММАДЁРОВА  
Рассом Ю.ГАБЗАЛИЛОВ  
Техник муҳаррир М.НИЗОМОВА  
Мусахҳиҳлар Д.АЛИЕВА,  
Компьютерда саҳифаловчи Ш.АБДУЖАББОРОВА

Теришга берилди 15.06.2005 й. Босишга рухсат этилди 30.07.2005 й. Бичими 70x108 1/16.  
Газета қоғози. Офсет босма. Шартли босма тобоқ 18,2. Нашриёт босма тобоғи 20,0.  
Жами 1200 нусха. А-212 рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

“Жаҳон адабиёти” журнали компютерида терилиб, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг “Ўзбекистон” НМИУида чоп этилди.  
700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

**Жаҳон адабиёти, 2005 й.**

Габриэл Гарсиа МАРКЕС

**Бузрукнинг кузи***Роман*

**Х**аёт ўз йўлида давом этар, Летисия Насаренонинг ҳам ажойиб-гаройиб тарихи давом этмоқда эди; у бузрукдан ниманики хоҳласа, ҳаммасига эришган ягона аёл, бузрукдан бир арзимас нарсадан бошқа ҳамма нарсага эга бўлди: у бир тўшакда ётиб туришдан ўзга барига етишди. Зеро, у ҳар сафар ишқ лаззатларини тотиб бўлгач, ўз хонасига туриб кетарди, бўйдоқ ётоғининг эшигига қочиш зарурати туғилиб қолса асқотадиган, доим ёниб турадиган тунги чирогини осарди-да, эшикни ичкаридан уч қулф, уч лўкидон, уч занжир билан маҳкамлаб, ерга юзтубан узала тушиб ёлғиз ётар, Летисия Насареногача қандай кийим-пийими билан ётиб ухласа, Летисия Насаренодан кейин ҳам худди шу алфозда ухлайди, чўкиб ўлган ёлғиз кимсадай тушлар кўриб ҳаётининг энг сўнгги кечасигача шундай ухлайди. Аммо ҳар куни тонгда сигирлар соғилишини кўздан кечириб бўлгач, у Летисиянинг хобхонасига қайтиб келар, бунда тунги махлуқнинг ҳидлари гуркиб ётарди, ҳа, у қайтарди, Летисиянинг барча хоҳиш-истакларини адо этиш, унинг доим оч комини қондириш, ҳатто марҳума онаси Бендисйон Алварадога ҳам насиб этмаган ва унинг чексиз бойликлари мероси билан солиштириб ҳам бўлмайдиган, ер юзидаги ҳар қандай одамнинг орзусидан ҳам ошиб-тошиб кетадиган интиҳосиз дов-давлат тортиқ этиш учун қайтарди, лекин фақат Летисия Насаренонинг кўнглини олишнинг ўзигина етмасди, айтиш чоқда унинг сон-саноксиз қариндош-уруғларининг ҳам кўнглини олиш керак эди; улар ҳеч ким эшитмаган номаълум Антил оролларида тўда-тўда бўлиб ёпирилиб келишарди; ҳаммаси саҳрода тентираган кумоқ, ҳаммаси жулдурақи, Насарено уруғига тегишли демасангиз, шундан ўзга ҳеч вақоси бўлмаган қаланғи-қасанғи, юлғич кимсалар ва очкўзлик алангасида ёнаётган, безгакдек қалтираган аёллар эди. Летисиянинг қариндош-уруғлари туз, тамаки, ичимлик сув савдосини ўз қўлларига олишар, бобомнинг замонларидан бери ҳарбийларнинг кунига яраб туриши учун бериб қўйилган, қўшин турларининг қўмондонлари ўртасида уларнинг иззат-нафсини қондириб туриш учун тақсимлаб чиқилган соҳаларга ҳам чангал урмоқчи бўлардилар. Мана эндиликда шу насареноларнинг бари ўзганинг туз-насибасига чанг солар, бошқаларнинг имтиёз ва қулайликларига эга чиқар эдилар, буларнинг бари гўё президентнинг хоҳиш-иродасига кўра қилинар, ҳолбуки, бу хоҳишни фақат Летисия баён этар, бузрук эса фақат розилик билдирарди. Ўша пайтлар у Летисиянинг талаби билан қатл этишнинг ваҳший усулини бекор қилди. Шу кунгача ўлимга маҳкум этилган кимсани тўрт отга боғлаб тўрт томонга тортиб, парча-парча қилиб ташлардилар. Бузрук бу ваҳшийликни электр курсига ўтқизиб қатл этиш билан алмаштиришга қарор берди. Ҳар ҳолда мамлакатда ҳали ҳорижнинг десант қўшинлари турган пайтларда ўлдиришнинг маданий усулларига биз ҳам ўтишимиз учун бузрукка десант қўмондонининг ўзи томонидан шундай бир электркурси совға қилиб

Охири. Боши ўтган сонларда.

топширилган эди. Мана ниҳоят у портдаги қамоқхонанинг зиндонларига қадам ранжида қилди, бу ерни даҳшатлар лабораторияси дейиш мумкин эди. Бу ерда энг ҳолдан тойиб рамақижон бўлиб қолган сиёсий маҳбуслар худди қуёнлардай тажриба учун танлаб олинди – улар воситасида ўлим тахтини бошқариш машқларини эгаллашлари керак эди. Ускуна ишлаб турганда бутун шаҳарнинг барча электр қувватини сарфлар экан. Биз ўлимга ҳукм этилганлар устидан ўтказиладиган тажрибаларнинг аниқ вақтини билардик, буни аниқлаш қийин эмасди – бирдан электр ўчарди ва биз порт исловотхоналарида қатл этилганнинг жони жаннатда бўлсин деб, битта қадаҳ қўтарар, зимистон қоронғида нафасимиз ичимизга тушиб, жонимиз ҳалқумга келар, бир дам сукут сақлар эдик. Лекин биз билардикки, битта маҳқум битта эмас бир неча бор қатл этиларди, кўплари дарров ўлмас эди, жони чала узилиб, тасмаларга осилиб қолар, худди ўт устига қўйилган гўштдай жазиллаб куйиб тутун чиқарар, даҳшатли огриқдан ҳирқирар эдилар. Жаллодлар ичида кимдир электр билан қатл этишга яна икки-уч бор беҳуда ҳаракат қилиб кўргач, иш чиқаролмай охири азбаройи раҳми келиб, шўрлик мақтулни отиб ўлдиради. «– Сенинг хоҳишинг ана шундай адо этиларди, Летисия! Сенинг учун зиндонларни бўшатдим, сенинг учун душманларимни кечирдим ва юртга қайтишларига рухсат бердим!»

У ҳайит арафасида фармон чиқарди. Унга кўра энди ҳеч ким ўзгача фикр учун жазоланмайдиган бўлди, тўла виждон эркинлиги эълон этилди, зеро ўзининг айни кузак айёмида у бир нарасага чин дилдан амин эдики, ҳатто энг қаттол душманлари ҳам андаккина бўлсин бахтли бўлишга ҳақлари бор, зеро, январ ойининг мўъжизавий кечаларида у Летисия Насарено билан биргаликда шундай бахт лаззатини тотиб кўрмоқда; бу хотин дунёда ягона, у бузрукни ёлғиз ички иштонда айвон зинасида ўтирган ҳолда кўришга мушарраф бўлган, унинг ой нурида олтиндай қизариб товланган улкан даббасига юз суртиш шарафига эришган ягона аёл; у Летисия билан бирга Бобулон ҳукмдорлари томонидан Мавлуд шарафига ҳада этиб жўнатилган ва Ёмғирлар Боғига ўтқазилган фусункор кумуш толларни завқ билан томоша қилар, биллур фавворалардан кўкка сапчиётган сув зарраларида, уларнинг жаладай қуюлишларида қуёш нурларининг синиб, жилоланиб ўйнашларини, қуюқ барглар орасида Қутб Юлдузининг чалкашиб, илиниб туришларини кузатишни севарди. Летисия билан биргаликда у радиоланинг мегагерц рақамлари ва пойтахтларнинг номлари кўрсатилган, бутун дунёни қамраб олган жадвалини кўздан кечирар ва масофа-мақонларнинг тўсиқлари оша, ўз орбиталарида учиб бораётган сайёраларнинг масхараомуз чинқирган овозлари оша икковлон Сантяго-де Кубадан ҳар куни эшиттириладиган радиороманнинг навбатдаги бобларини тинглашарди. Ҳар бир бобининг охири юракка хавотир соларди: «Эртагача яшай-да, ишқилиб! Кейин нима бўлганини билсаядим!» Уйқуга ётиш олдидан у болакай билан машғул бўлар, унга қандай қуроллар борлиги, уларнинг қандай қўлланишини гапириб берарди. Бу у миридан сирингача яхши биладиган бирдан-бир соҳа эди, ахир. Сиёсий донишмандлик дарсларига келганда, у ҳар сафар болакайга фақат битта нарсани уқтиргани-уқтирган эди: «– Агар бажаришларига ишончинг комил бўлмаса, ҳеч қачон буйруқ берма!» У болакайни ўзи билан бирга бу сўзни қайта-қайта такрорлатгани-такрорлатган эди, токи ўла-ўлгунча эсидан чиқмасин, қўлида ҳокимият жилови бўлган кимса фақат мана шу хатога йўл қўймаслиги керак – адо этилишига ишонч бўлмаса, буйруқ бериб бўлмайди. Албатта, бу тажрибакор, донишманд ота, етук давлат арбобининггина эмас, айни чоқда қатиқни ҳам пуфлаб ичишга одатланган, қартайиб куч-қувватдан қолган мўйсафид бобонинг васияти ҳам эди; худо умрини берса, болакай ёруғ дунёда қанча яшамасин, то охирги нафасигача бу маслаҳатни эсидан чиқармаган бўларди; чунки бу сўзни биринчи маротаба эшитганда ёши олтида ва яна ўша куни отасининг қўл остида оғир катта тўпдан ўқ узишган эди, инчунин отасининг ўгити унинг хотирасида даҳшатли гумбураган тўп овози билан қўшилиб кетди. Биз эса оғир замбаракнинг отилишини мудҳиш фалокатнинг сабаби деб тушундик, зеро замбарак

овози билан бирга қўрқинчли бўрон турди — гарчи жала қуймасе ҳам, лекин момақалди роқ қасирғалари, чақмоқ чақинлари бошланди; худди вулқонлар отилаётгандай гулдурос эшитиларди, Комодоро Ривадавиа томонлардан эса ваҳимали қутб шамоли эсди, у денгизни онтариб юборди, унинг қалин сув қаватларини ағдар-тўнтар қилиб ташлади, портнинг эски қул бозори майдонидан сайёр циркни бутун ашқол-дашқоли билан бирга бир парча қоғоздай учириб кетди, кейин биз ҳаммамиз тўрлар ташлаб, филлар, чўкиб кетган масхарабозлар ва трапецияларда сузиб юрган — уларни трапецияларга бўрон илк кўзгалгандаёқ улоқтириб ташлаган, сўнг трапецияларга қўшиб денгизга итқитган эди, — жирафаларни тутиб, тортиб олардик. Қутурган бўрон кейинчалик Рубен Дарио номи билан машҳур бўлган ёш шоир Феликс Рубен Гарсиа Сармиенто ҳам ичида бўлган банан ташувчи кемани ҳам тўнтариб ташлашига оз қолди. Хайриятки, бу банандор кема бўрондан бир соат ўтгач, портимизга кириб келди. Пешин пайти соат тўрт эди, момақалди роқдан кейинги мусаффо ҳавода пашша-чивинлар йилтираб яйрашарди, уммон тинчланди, олий ҳазрат хобхона дарчасидан қараб бўрон калапатра қилган кемачани кўрди, у ўнг бортига қийшайганча кўрфазнинг олтин жилоли сатҳида оҳиста сузарди, капитаннинг ўзи шахсан кема бошқарувида туриб, уни причалга томон эҳтиётлаб олиб ўтарди, капитаннинг ёнида қора мовут куртка ва икки ёғи тугмали нимча кийган йўловчи турарди. Генерал кейинги якшанбагача бу одам ҳақида беҳабар қолди. Якшанба куни Летисия Насарено эрига ҳеч қулоқ эшитмаган илтимос билан мурожаат қилди: «Бугун Миллий театрға шеърият кечасига боришимиз керак!» Шунда у бу кечага бирга боришга рози бўлди. Ўша куни оқшом биз президентни тик оёқда туриб уч соат кутдик. Дим залда қора терга ботдик. Охириги дақиқаларда бизга байрамона костюмлар кийиб боришни уқтириб, бўйнимизга қўйишган эди. Мана, ниҳоят, Миллий Гимн янгради ва биз ҳаммамиз қарсак чалиб ҳукумат ложаси томон бошимизни бурдик. Дуркун зоҳида бошига жингалак патли шляпа кийиб, тафта кўйлагининг устидан қорабурул мўйналарини ташлаб пайдо бўлди. У олқишларга жавоб бермай генерал мундиридаги болакай ёнига ўтирди, болакай эса қўлидаги шоҳи қўлқопини худди лолага ўхшатиб буклаб, қарсакларга жавобан силкиб қўйди — онаси ўтмиш замонларнинг шаҳзодалари тобеларини шундай саломлаганлар деб ҳисобларди. Ҳукумат ложасида бошқа ҳеч ким йўқ эди. Лекин унинг ўша ерда эканлигига бизнинг ишончимиз комил эди, кўзга кўринмасе ҳам, биз уни ҳис қилардик, у бизни шеъриятнинг исёнкор гулгулаларидан ўз ҳимоятига олиб, тинчлигимизни асрарди — ахир у эмасми бизнинг муҳаббатимизнинг куч-қудратини белгилаган, бизнинг ҳиссиётларимизнинг куч-қудратини ва ҳатто бизнинг қай вақт ўлиш муддатларимизни кўрсатиб берган! Ҳа, у ложанинг кўринмас қоронғи пучмоғида эди, ҳеч кимсе уни кўролмас, шоир ҳам кўролмасди уни; у шоирни овози момақалди роққа ўхшаган минотавр — қўтос бошли одам<sup>1</sup> деб тасаввур қиларди. Унинг овозининг қалди роқлари тор зал ичида эмас, гўё очик денгиз узра янграр, у олий ҳазратни гайриихтиёрий суратда манов ложаю, манов заллардан ва манови ҳаётнинг тирик дақиқаларидан ҳам юксакроқ кўтарилиб, юксак-юксак ёқларга, олтин сурнайлар чалинаётган, уларнинг нурафшон кумуш оҳанглари мавжларида Марс ва Минерва<sup>2</sup>нинг зафар арклари, шон-шараф арклари бино бўлаётган ёқларга олиб кетарди.

«— Ва лек бу сизнинг шон-шарафингиз эмасди, генерал!» Унинг кўз ўнгига азамат қаҳрамонлар, паҳлавон байроқдорлар, тишлаганда қўйиб юбормайдиган улкан қора итлар, темир туёқли азамат тулпорлар, шляпасига қаттиқ уқпар таққан ойболта ва найза кўтарган валломатлар келарди, бу валломатларнинг галати бир бегона байроқни эгаллаб олганларини кўрарди.

<sup>1</sup> Қўтос бошли одам — юнон асотирларида минотавр — Куёш қизи Пасифая ва Крит подшоҳи Миноснинг фарзанди. Пасифая буқага ишқи тушиб, бундан қўтос бошли одам тугилган.

<sup>2</sup> Марс ва Минерва — қадимги Римда Марс — уруш илоҳи; Минерва — қадимги Римда — санъатлар, ҳунарлар, истеъдодлар илоҳаси.

«— Ва лек сизнинг қуролингиз шон-шарафи учун эмас, бу байроқ эгаллангани, жаноб генерал!» У қизил ёзнинг қуёшларига, қаҳратон қишнинг муздек шамолларига, тунлар, замҳарир совуқлар, нафрат-надоматлар ва ўлимга қарши ватаннинг мангу шарафи ва ўлим билмаслиги учун отланган жўшқин йигитларнинг навқирон сафларини кўрарди; ушбу ватан фуқаролар урушининг ялангоёқ сарбози бўлиб юрган ва безгак титратма-алаҳсирашлари оғушида унинг хаёлида туғилган ватанга қараганда анча-мунча улугвор ва беҳад шарафлироқ туюларди; у ақл бовар қилмас гулдурос қарсақлар ва олқишларни эшитиб, ўз қоронги пучмоғида уларга қўшилиб, ўзини жуда ҳам ожиз ва ночор сезди. «Онажоним Бендисйон Алварадо, мана буни ғалаба деса бўлади! Унинг олдида бу одамларнинг мени олқишлашларини ҳеч нарсага арзимамайди деса ҳам бўлади!» У ўзини бенасиб бўлган, ёлғиз қолгандай ҳис қилди, дим ҳавода эзилди, оёғи узун ёмон чивинлардан диққати ошди, ўзи ўтирган ложа устунларининг олтин безаклари ва ранги ўчган бахмалларидан озурда бўлди. «— Вой онасини эмсин, қандай қилиб бу ҳинду шундай гўзал нарсани ёзган орқасини артадиган қўли билан?» Унга шу чоққача номаълум бўлган шеърийят тилидан юрагининг энг чуқур қаърларигача ларзага тушиб, у худди банди этилган фил мисол тинчини йўқотган, улкан оёқларини тантанавор ва улугвор бандларнинг оҳангида ташлашга ҳаракат қилиб у ёқдан-бу ёққа юрар, дам Летисия Насарено азамат сейба дарахтининг буюк шохлари ҳосил қилган улкан аркнинг соясида ҳовли юзасида овоз чиқариб ўқиган жарангдор ва эҳтиросли хорал<sup>1</sup>нинг мусиқасига фарқ бўлиб қуш уйқусига кетарди. У ўзини ларзага солган сатрларни халажойларнинг деворларига ёзиб чиқарди; у янгигина ташланган сигир таппиларидан иссиқ ўз суг фермасининг олимпиди туриб бутун поэмани ёддан ўқишга ҳаракат қиларди. Аммо шу он ер динамит зарядининг портлашидан ларзага келди. Динамит арава саройда турган президент лимузинининг орқа юкхонасида мўлжалдаги вақтдан олдинроқ портлаб кетган эди. «— Бу жуда даҳшатли бўлди, жаноб генерал! Бунақа портлашни ҳали ҳеч ким кўрмаган. Ундан кўп ойлар ўтгандан кейин ҳам биз шаҳарнинг турли ерларида куйган, мажақланган темир парчаларини ахтариб топдик». Летисия Насарено бу лимузинда ҳар чоршанба куни ўғилчаси билан бирга бозорни талон-торож қилиш учун борарди. «— Суиқасдни унга қарши тайёрлашган экан, жаноб генерал, бошқа бировга эмас!» Шунда бузрук пешонасига қарсиллатиб урди: «— Падарига лаянат, шуни ҳеч ўйламабман!» Ҳақиқатан ҳам, унинг афсонавий сезгирлиги қаерда қолди? Ахир қаторасига бир неча ойлардан бери халажойлардаги ёзувлар одатдагидай унга ёки министрларидан бирортасига эмас, анави генералларнинг нонини туя қилиш пайида юрган сурбет насареноларга, дунёвий ҳукумат томонидан аллада азиз — тўрвада майиз қилинаётган черков князларига қарши қаратилмоқда эди. Рост, бир маҳаллар унинг онажонисини авлиё дейишга қарши шундай ҳақоратомуз сўзлар ёзиб ташлашарди. Тўғри, у бундай ёзувларда у қадар хавф-хатар кўрмасди, халажойларнинг илмилик ҳавосида этилган, хафагарчиликлардан туғилган бу сўзлар вақт ўтиши билан тўтимонанд киноялару заҳархандаларга, кундалик одатий сўкинишларга айланиб қолади, деб ҳисобларди. Баъзан бу хафагарчиликлар кўчаларга ҳам чиқиб ёйилиб кетарди, бунга унинг ўзи ҳам атай ўз ҳиссасини қўшарди, у ёки бу жанжалли воқеадан туғилган норозиликлар тезроқ бақир-чақир, сўкиниш-қаргашлар билан чиқиб кета қолсин, дерди. Лекин қутуриб кетиш ҳам шунчалик бўладими, бирдан икки квинтал<sup>2</sup> ҳам динамит қўядими? Тагин қаерга? Нақ ҳокимиятнинг ўзига-я! Қандай йўл кўйди бунга, қандай қилиб поэзиянинг гатагутларига шунчалар маҳдӣ бўлиб қолиб, ўзининг ички гойибона сезилари — одамхўр йўлбарс сезгирлигини бой берди? Нега ўз вақтида бу эски ҳид — хавф-хатарнинг ҳиссий ҳидини бурни сезмади? Нима бу лўттивозлик? У зудлик билан бутун генералитетни чақирди:

<sup>1</sup> Хорал — кўп овоз бўлиб айтиладиган тантанавор қўшиқ.

<sup>2</sup> Квинтал — 46 кг.

титраб-қақшаб ўн тўрт олий қўмондон йиғилишди; шунча йиллардан бери улар ўзгалар иродасининг ижрочиси бўлиб, бунинг устига барча буйруғу амру фармонларни воситачилар орқали олиб адо этиб, мана яна бурниларининг нақ рўпарасида яна ўша ақл бовар қилмас чолни кўрдилар, унинг борлиқ жисмоний ҳаёти улар учун жумбоқларнинг жумбоғи бўлиб туюларди. «— У бизни мажлислар залида ўз тахти — президент курсида ўтирганча эғнида оддий аскар кийим-боши билан қабул қилди; ундан худди сассиққўзандек пешоб ҳиди келарди, у жуда нозик тилла кўзойнак таққан эди — ҳолбуки, яқингинадаги суратларида ҳам у кўзойнаксиз тушган эди; у беҳад қари ва биздан бениҳоя узоқ эди; у ипак қўлқопини ечиб қўйди, биз унинг қўллари кекса ҳарбийнинг қўлларига ўхшамаслигини кўрдик, улар аёл қўлларидай жуда нафис ва унга қараганда ёшроқ ҳамда раҳмдилроқ одамнинг қўлига менгзарди. Қолган бари тунд ва сув шиммайдиган сариқ шилдироқ қоғозга ўхшарди. Унга разм солиб қараганимиз сари шуни аниқ кўриб турардикки, унинг фоний вужудида ҳаётнинг сўнгги асари қолибди ва бу энгилмас ҳокимиятпарастликнинг асари, якка-ягона, муғлак ҳокимликнинг асари эди. Асов отни ушлаб туриш қанчалар мушкул бўлса, унга ҳам бу ҳукм демонини тутиб туриш шунчалар машаққатли бўлаётгани аён билинарди. Ҳар биримиз унга олий бош қўмондон каби ҳест берарканмиз, у миқ этиб оғиз очмади, ҳатто бошини ҳам қимирлатиб қўймади; биз унинг олдига ярим доира қилиб қўйилган курсиларга ўтиргач, кўзойнагини кўзидан олди-да, ўткир, зийрак нигоҳ билан бизга бирма-бир зеҳн солиб қарай бошлади. У кўнглимиз тубидаги хаёлларнинг барча яширин қавақларини кўриб турарди, бу махфий хаёллар бамисоли командре<sup>1</sup>лар каби ўз қоронғи уяларига кириб кетаётганлигини фаҳмларди ва шафқатсиз суратда уларни фош қилиб ташларди, у бармоғининг учини шундай бир қимирлатиб бизни энг олий унвонлар билан тақдирлаган ўша унут тумани билан қопланмиш кечадан буён ким қанчалар ва қай алфозда ўзгарганлигини аниқлаш учун ҳар биримизга зарур бўлган даражада вақт ажратарди».

Уларга қанча узоқ тикилиб қарагани сайин тажовузнинг ташкилотчилари мана шу ўн тўртта гизли<sup>2</sup> душман ичида эканлигига ишончи тобора ортарди. Лекин улар қаршисида ўзини шунчалар ҳимоясиз ва шунчалар ёлғиз сездикки, итуанадай бир киприк қоқиб, сўнг бошини кўтарди ва уларни аҳилликка чақирди. «— Ҳозир бирик ва аҳиллик бизга ҳар қачонгидан ҳам зарур, бинобарин, гап қуролли кучларнинг шон-шарафи ва равнақи ҳақида бормоқда!» Уларга ақл-фаросат ишлатиш, зиммаларига юкланган шарафли вазифани адо этиш йўлида ғайрат-шижоат билан тезкор чоралар кўришни маслаҳат берди: тажовузкорлар топилсин ва ҳарбий юстиция қўлига топширилсин. «— Тамом-вассалом, сенйорлар», — деб тугатди у гапини ичидан ташкилотчи орангизда ўтирибди ёки ҳаммангиз суиқасд ташкилотчилари бўлсангиз керак, деган ўйни ўтказаркан. Бирдан унинг миясига Летисиянинг тақдири худонинг қўлида эмас, ҳаммаси менинг қандай оқилона йўл тутишимга, унинг бошига ёпирилиб келаётган хавф-хатарнинг олдини олишимга боғлиқ, лекин падарига минг лаънат! Бу албатта, эртами-кечми, муқаррар юз беради, деган фикр ўқдай урилди-ю юрагида жуда оғир бир жароҳат пайдо бўлганини ҳис қилди-да, ларзага тушди. У Летисияни жамоатчилик тадбирларида иштирок этишдан қайтарди, унинг энг суллоҳ қариндош-уруғларини генералитет манфаатлари доирасидан яхшиликча кетишга мажбур қилди; энг билармон ўмбирларини консул қилиб жўнатди, ҳаммадан ашаддийроқларини эса бозордан оқиб ўтадиган каналнинг бўйларини қоплаб ётган қалин тарулия бутазорларидан ўликларни чиқди; у орадан кўп йиллар ўтиб энди бирдан министрлар кенгаши йиғилишига кириб келарди ва ўзининг шунча вақт бўш турган курсисига ўтирарди; у руҳонийларнинг давлат ишларига суқилиб киришларига қатъиян чек қўйиш ниятида эди. «— Сени ғанимларингдан

<sup>1</sup> Командре́ха — сувсар.

<sup>2</sup> Гизли — яширин, пана, махфий.

қутқармасам бўлмайди, Летисия!» Кейин у яна ўз генералитетининг қўйнига қўл солиб кўрди ва шунга ишонч ҳосил қилдики, у билан учрашувдан сўнг етти ҳарбий кўмондон унга анча-мунча хайрихоҳлик билан қарайди; мудофаа вазири эса унинг эски ошнаси эди; шундай қилиб, олти кўмондонга нисбатан ишончи том эмасди, у олти жумбоқни ўйлаб узун тунлар уйқуси қочиб кетарди, кўнгли нимадандир ғам бўлиб, Летисия Насаренога ўлим муҳри босилган деган фикр кўрқув ва даҳшатга соларди; назарида кўриладиган барча эҳтиёт чораларига қарамай уни ўзининг кўз ўнгида ўлдиришгаётганга ўхшарди, у ходимларни унинг овқатини татиб кўришга мажбур қиларди, айниқса, нон ичида балиқ қилтаноғи чиққандан сўнг бунга қаттиқ турди; Летисиянинг хосхонасидаги ҳавони ҳар куни текширтирарди, зеро у флит<sup>1</sup> баллончаларига ёмон заҳар қўшиб юборишларидан кўрқарди, овқатланиб ўтиришганда унинг юзи оқаринқираган бўлса, бундан чўчирди, ишққа ғарқ бўлган чоғларида унинг овози чиқмай қолса, бундан чўчирди; Летисия ичадиган сувга сариқ безгакнинг микробларини қўшиб юборишмасмикин, Летисиянинг кўз дорисига купорос солиб қўйишмасмикин, деб юраги тоза алғов-далғов бўларди. Ўша кунлар ганимларнинг ўлим хатарига тўла фитналарини ўйлаб еган-ичганини билмас, дили ёришмас, ярим кеча кўз ўнгига келган мудҳиш нарсалардан туриб кетарди. Назарида худди шу дамларда Летисия ҳинду сеҳргарларининг ёмон фолларидан қон ютаётганга ўхшарди. У Летисиянинг ҳаётига хавф солаётган юзлаб бўлар-бўлмас хатарларни ўйлаб тамом ақл-хушини йўқотди. У Летисияни энг қаҳрли тунқаторлар кўриқламай туриб, саройдан чиқишини таъқиқлади, булар эса ҳар бир шубҳали кўринган одамни огоҳлантирмай отиш ҳуқуқига эга эдилар. Летисия саройдан ҳар чоршанба куни чиқарди, бузрук эса ойна олдида туриб, унинг болакай билан янги зирҳи автомобилга ўтираётганликларини кузатиб, кўнглини чулғаган васвасаларни ҳайдашга уринар, қўли билан кулфатни қайтарувчи ишоралар қилар ва дуо ўқирди: «— Онажоним Бендисйон Алварадо, уларни ўз паноҳингда асра! Унинг кўксидан ўқларни қайтар, заҳаролуд идишларни ўзинг йўқ қил, сеҳр-жодуларни фош айла!» Летисияни кўриқлаб бораётган эскорт сиренасининг овози де Армас майдони томондан эшитилмагунча ва маёқнинг тонги парпирок шуълаларида нурафшон Летисия ва болакай ҳовли йўлкасида то кўринмагунча, у бир зум тинчлик билмасди, Летисия бозордан очилиб-сочилиб, бахтиёр қайтар, машинадан тирик гулғул товуқлар, Энвигадодан келтирилган орхидеялар, Мавлуд кечаси ёқши учун олинган рангли лампочкалар шодаларини тушираётган аскар болаларга бақир-чақир қиларди. Мавлуд яқинлашиб қолган, унинг арафасида кўчаларга уни улугловчи ранго-ранг алвонлар осилган, ғуж-ғуж юлдуз чироқлар порлар — ўзини ташвиш-хавотирларини хаспўшлаш учун у шаҳарни безашга буюрганди. У хотинини тирик кўрганидан хурсанд бўлиб, уни зинада кутиб олар, қорабурул тулки мўйналаридан анқиган нафталин ҳидини, терлаган баданидан чиқаётган исларни, патак сочларининг бўйларини шимириб димоғига торгарди; унга хобхона учун олинган навбатдаги ўлжани кўтаришга ёрдамлашаркан, ўзини ўз бахт-иқболини охирги ушоқларини териб олаётгандай, маҳкумлик муқаррар эканлигини ишонч билан ҳис қилаётгандай бўларди. Кошкийди бу бахт нималигини бутунлай билмаса! У кулфатнинг олдини олишни қанча кўп ўйласа, бош қотирса, уни шунчалар кучли умидсизлик кўпроқ чулғаб келарди. Кулфатни қайтариш учун қилаётган бутун сеҳр-жодулари уни борган сари кўпроқ муқаррар қилиб қўймоқдайди. У Летисиянинг қисмати учун кўрқа-кўрқа ҳаяжонлана-ҳаяжонлана тамом ҳолдан тойганча ўз ҳаётининг мудҳиш чоршанбасига яқинлашаркан, алоҳа бир кун юракни увиштириб юборадиган бир хотиржамлик билан шундай деб ўйлади: «Падарига лаънат! Нима бўлса-бўлар! Қанча тез бўлса, шунча яхши». У нима деб ўйлаганининг маъносига ҳали охиригача етмай туриб, қандайдир буйруқ келгандай, фикри бирдан яшин тезлигида рўёбга чиқди. Икки адъютант кабинетга ҳовлиқиб

<sup>1</sup> Ф л и т — ҳашаротларга қарши аэрозол.



киришди-да, бозорда Летисия Насарено ва болани қутурган итлар талаб, бурда-бурда қилиб ғажиб ташлашганини айтишди. «— Итлар уларни тириклай ғажиб еб ташлашди, жаноб генерал! Лекин булар оддий кўча итлари эмас. Улар биз билмайдиган аллақандай бўрибосар итлар. Кўзлари сап-сарик, қутурган, териси ақула терисидай сип-силлик! Кимдир уларни Летисиянинг қорабурул тулки мўйналарига ташланишга ўргатибди! Олтмишта ит, жаноб генерал, олтмишта, ҳаммаси бир хил итлар! Ҳеч ким билмай қолди. Бир пайт улар сабзавот расталари орқасидан сакраб чиқишиб, Летисия билан болага ташланишди! Отай десак отолмадик, ўқимиз итларга эмас, уларга тегадими, деб қўрқдик, жаноб генерал!»

Бу иблисона қонли базм, мудҳиш ўлим гирдоби, айқаш-уйқаш ёпирилган итлар галаси, улар аросати узра бир зумгинага дам Летисиянинг, дам боланинг ёлвориб нажот истаб кўтарилиб тушган кўллари; кўз очиб юмгунча ҳар икки қурбон очқўзлик билан апил-тапил ютилаётган, ғажиланаётган гўштга айланди; буларнинг бари бозорчилар, юзлаб одамлар кўз ўнгида рўй берди; баъзиларининг башаралари даҳшатдан қийшайган, баъзилари бадхоҳона ичи қораликларини яширмас, аллакимлар эса хўрлиги келиб йиғлашарди; лекин мана барчаси тамом бўлди ва ҳамма Летисиянинг бинафша гулли похол шляпаси ерда булғаланиб ётганини кўрди; даҳшатдан қарахт бўлиб қолган, ҳаммаёғига қон сачраган, тош ҳайкалдай бўлиб ўтирган кўкчилар овоз чиқармай шипшишарди: «— Оҳ худоим-ей, генерал хоҳламаса, шундай бўлармиди ахир!» Энди президент гвардиясининг боши шармандалиқдан чиқмайдиган бўлди. Улар одам қони сачраган сабзавотлар орасидан ғажиб ташланган оппоқ суякларнигина топиб келишди. «— Шу оқ суяклардан бошқа ҳеч нарса топилмади, генерал!» Рост, суяклардан ташқари яна болакайнинг медаллари, картон қиролнинг қиличи, нима учундир бозордан бир қақирим нарида кўрфазда Летисиянинг сузиб юрган саҳтиён туфличаси ва яна рангли шишалардан ясалган маржон шодаси ва совут парчаларидан ишланган кармончаси топилди. «— Мана шу нарсаларни ўз қўлингизга топширамиз, жаноб генерал, яна манови учта калит, қорайган олтиндан ясалган никоҳ узуги ва яна манов эллик сентаво — ўн сентаволик бешта танга. Мана, санаб олинг, марҳамат! Улардан бошқа ҳеч нарса қолмаган!» Мабодо бир неча йил ўтгач, у ўша кулфатзада чоршанбада бўлган воқеаларни бутунлай эсдан чиқариб юборажагини олдиндан билганда, улардан нима қолганлигининг унга мутлақо аҳамияти бўлмас эди, аммо ўшанда у қаҳр-ғазаб билан ўкириб йиғлаган ва ушлаб занжирга боғланган одамхўр итларнинг увиллашларидан азоб чекиб тун бўйи ухламай чиққан эди. У итларни нима қилиш кераклиги ҳақида ҳеч бир фикрга келолмасди, зеро итларни қириб ташлаш уларнинг жигилдонига кириб кетган Летисия ва болакайни яна қайтадан ўлдириш билан баробар бўлар эди, деган ўй уни саросимага солиб қўйган эди. У бозорнинг темир равоқларини бузиб ташлаб, ўрнида магнолиялар экилган, беданалар сайраб турадиган боғ барпо этишни буюрди, боғнинг ўртасига мрамор хоч ўрнатинлар, деди. Хоч маёқдан кўра баландроқ ва ёрқинроқ нур сочиб туриши керак эди, токи келажак наслар тарихий из қолдирган аёлни унутмасинлар. Аммо генералнинг ўзи уни ҳайкал бузиб ташланмасдан анча олдиноқ унутиб юборди. Ҳайкални бир куни тунда портлатиб юборишди ва ҳеч ким бундан норози бўлиб ўтирмади. Магнолияларни эса сигирлар еб кетди; боғ сассиқ кўлмакка айланди, аммо генерал ҳеч қачон буни кўргани йўқ, чунки ўз шахсий ҳайдовчисига илгари бозор ўрни бўлган бу жойни доим айланиб ўтишни, бунинг учун ер куррасини айланиб чиқишга тўғри келса ҳам, эринмасликни тайинларди, бунинг устига, барча министрликларини ойнаванд биноларга кўчиргандан кейинги ўша даврдан эйтиборан у шаҳарга чиқмайдиган бўлган ва боргоҳда бир тўда хизматчилар билан ёлғиз ўзи қолган эди; сарой энди саройга ўхшамасди, зеро у бу ерда Летисия Насаренонинг қирол бўлиш даъволаридан зигирча ҳам из қолдирмасликни буюрди. У кимсасиз йўлкалар ва бўм-бўш хоналардан мақсадсиз, ишсиз ёлғиз сандирақлаб юрар, фақат онда-сондагина генералитетга майда-чуйда кўрсатмалар бериб кўяр ёки қандайдир мушкул

бир масала ечилаётган ва уни тўқис-тугал ҳал қилиш учун президентнинг фикри зарур бўлиб қолганда министрлар кенгашининг мажлисида қатнашарди. Бундан ташқари, бадкор элчи Уилсоннинг ташрифларига сабри етганча тоқат қиларди; элчи сейба дарахтининг куюқ соясида ўрнашиб олганча, унинг ҳузурда узоқ кўр тўкиб ўтирар, уни Балтимор ширинликлари билан меҳмон қилар, яланғоч хотинларнинг суратлари босилган журналларни унга кўрсатар ва енг учиди мамлакатга тегишли денгиз маконларини ташқи қарз бўйича йигилиб қолган жуда катта миқдордаги фоизларини ёпиш ҳисобига беришга қўндиришга уринарди. У дам барча гапларни оқизмай-томизмай тинглаб, дам умуман бир оғиз ҳам сўз қулогига кирмай элчининг кўнгил бўшатишига қўйиб берарди: эшитиш қулай ва фойдали бўлса эшитар, бўлмаса эшитмай қўяқоларди. Элчининг оғзи тинмай бидир-бидири тоқатини тоқ қилиб зериктириб юборса, суҳбатдоши бу вақир-вуқурларни қулоғи ёнидан ўтказиб юборар ва бу ерга яқин кўшни қизлар мактаби томонда қизлар жўр бўлишиб айтаётган кўк бутоқда ўтирган қушча ҳақидаги қўшиққа қулоқ осарди. Оқшом тушгач, у ўз меҳмонини саройдан кузатиб кўяр, унга сиз денгиздан бошқа ҳамма нарсани мендан сўрашингиз мумкин, дерди. «— Деразамнинг тагида денгиз шовуллаб турмаса, мен қандай яшайман? У бўлмаса бу хайҳотдай уйда мен нима қиламан? Қаранг, у худди ёнаётган ботқоққа ўхшайди, мен кун ботаётганда уни шундай кўриб турмасам, ҳолим нима кечади? Деразаларни чилпарчин қилиб синдириб гувиллаб кириб келувчи декабрнинг шамолларисиз, маёқнинг яшил ёлқинларисиз мен қандай яшайман? Мен ўз ясси тоғларимнинг туманликларидан чиқиб келган одамман. Безгакдан ўлар ҳолатда фуқаролар урушининг жаҳаннамига ўзимни отганман, биография лугатларида буни ватанпарварлик туйғулари билан изоҳлаб ёзишади, ҳеч ундай эмас, баъзилар буни авантюра демоқчи бўлишади, баъзилар федерал гоёлар учун кураш деб кўришади, ҳаммалари омон бўлишсин, лекин асли булар тўғри эмас. Мен фақат ва фақат денгизни кўриш учун шу ишларга бош қўшганман! Бошқа ҳаммаси сариқ чақага ҳам арзимайди, азизим Уилсон, шунинг учун сиз бундан бошқа бир нарсани ўйлаб топинг». Шундан кейин у элчининг елкасига қоқиб хайрлашарди. Элчини жўнатгач, у ўз маконига судралиб борар, илгари идора бўлган, бўшаб қолган хувиллаган хоналардаги чироқларни ёқарди. Бир куни йўлақлар ичида адашиб юрган сигирга дуч келди. Уни зина томонга ҳайдади. Ҳайвон поёндознинг йиртилган жойига туёғи илашиб, зиналардан пастига қараб думалаб кулаб кетди. Боши қоқ ёрилди. Очликдан силласи қуриган моховлар бундан ўзларида йўқ хурсанд бўлишиб, шу заҳотиёқ сигирни сўйиб саранжомлашга тушишди. Летисия Насарено қурбон бўлиб кетгач, барча кўр, шол, моховлар яна бу ерга қайтишган, яна боғда ёввойилашиб кетишган гул бутазорлари ичида яшашарди, яна валинеъматдан бир чимдим шифобахш намак тиланишар, яна юлдузли тунларда қўшиқлар қўйлашар, унинг ўзи ҳам уларга қўшилиб ўтган шонли замонларнинг қўшиғини айтишарди: «Сусанна, кел ёнимга, Сусанна!» Кун тушдан оғиб соат беш бўлганда, у молхонанинг дарчасини очиб олдига мовий этакчалар тутган, сочларини жамалак қилиб ўрган, пайпоқчалар кийган қизчаларнинг мактабдан қайтишларини томоша қиларди. Шоҳи қўлқопини дарчанинг темир таёқчаларига уриб силкитиб ўйнарган, ҳирсу ҳавоси эриб қизчаларни ўзига жалб этиб чақирарди: «— Ҳой, қизча, ҳой қизча, бу ёққа кел, қани кел, сени бир кўриб қўяй-чи!» «— Вой, ойи, ойижон! Биз худди кўр шарпани кўргандек, ундан қочардик, кўзлари бирам ёмон қарарди!» Уларнинг ўзидан ура қочиб кетишаётганини кўриб, ҳафсаласи пир бўлиб ўйларди: «Онажоним Бендисйон Алварадо, ҳозирги қизлар мунча мурғак бўлмаса!» Унинг ўзини ҳеч нарсага яроқсиз деб ҳисоблаб ўз устидан ўзи кулиб юришдан ўзга чораси йўқ эди. Аммо шахсий табиби, ўзининг соғлиқни сақлаш министрини доим қанда қилмай бирга тушлик қилишга чақириб турарди. Бир куни табиби уни кўзини кўриш, томир уришини текшириш билан чекланмай, хотирасининг оқма мазак йўларини тузатиш учун қарилек склерозига қарши суоқ дори ёзиб берганди, у табибни

сўкиб бир жойга жўнатди. «– Нима қиламан бу суюқ дорингни ичиб! Мен ҳеч қачон касал бўлган эмасман, урушда безгак бўлганман, холос!»

У бутун дунёдан қўлини ювиб, ёруғ оламга орқасини ўгирганча ёлғиз бир ўзи овқатлана бошлади. Катта билимдон элчи Мейриленд Марокаш подшоҳлари шундай ёлғиз овқатланишлари ҳақида ҳикоя қилиб берганди. У қаддини тик тутиб, бошини баланд кўтариб, сўл қўлида санчқи, ўнг қўлида пичоқни ушлаб, унутилиб кетган муаллимаси ўргатган жиддий қоидаларга қаттиқ риоя қилган ҳолда овқатланарди. Кейин у асал солинган идишлар яширилган хуфия жойларни қидириб, бутун саройни кезиб чиқарди. Бир-икки соатлардан сўнг ўзининг қаерда юрганлигини унутиб қўяр, яна янгидан излашга тушар ва шу иш орасида девор тирқиш ва ёриқлари орасидан худди сигарет парчасидек ўралиб тиқилиб қўйилган идора дафтарларидан йиртиб олинган ҳошия қоғозларни топиб оларди. Қачонлардир бошқа бир замонларда у мана шу ҳошия парчаларини дафтарлардан йиртиб олар ва уларга ўзи ҳам ҳозир нималигини эсломайдиган сўзларни ёзиб қўярди. «Эртага сешанба», деб ёзилган эди қоғоз ҳошияларидан бирида, бошқа бировида эса қуйидаги сўзларни ўқиди: «Сенинг оқ дастрўмолингда қизил иплар билан бир номнинг бош ҳарфлари тикилган, лекин бу сенинг номинг эмас, ҳукмдорим». У бундан ҳеч нима тушунмай, бошқа бир қоғоз ҳошиядаги сўзларни ўқиб ҳайрон бўлиб қолди: «Жону дилимнинг Летисия Насареноси, кўргил, сенсиз ҳолим не кечар». «Летисия Насарено» – бу исм деярли ҳар бир қоғоз парчасида учрарди. Ким бунчалар бахтсиз бўлган экан-а, деб ўйларди у, – ўзидан кейин шунча оҳ-воҳлар тўла қоғоз қолдирибди. У бунинг фаҳмига ҳеч етолмасди. «– Менинг ёзувларим бу ерда нима қилиб юрибди, тавба!» Лекин булар унинг дастхати эди, чап қўл билан ёзилган ҳеч кимникига ўхшамайдиган гўзал ҳуснихат, бу хат билан у шу вақтларга келиб халажойларнинг ҳам деворларини безарди ва бундан фароғат қилиб, кўнгли тинчланарди: «Яшасин генералимиз!» У сўлакайи оқиб юрадиган бўлиб қолгани, қуруқликдаги қўшинлар, денгиз флоти ёки ҳаво кучларининг ҳар қандай хизматчисидан ҳам пастроққа тушгани, ном-нишонни йўқ, фақат девор ёриқларига тиқилган қоғоз парчаларидагина исми ёзилган битта монастир зоҳидасини деб шунча оҳ-вой, дод-достон қилиб юргани учун ўзидан газабланмас ҳам эди. У фақат машъум чоршанбада, ундан аввал ва кейин бўлган воқеаларни эслолмасди, ўшандан кейин у Летисия ва болакайнинг нарсаларига, адъютантлари унинг ёзув столи устига қўйган нарсаларга ҳатто қўлини тегизишни ҳам истамади; у фақат бир четга қараганча буюрди: «– Бу туфли, манави медалларни олиб кетинг, ҳаммасини олиб кетинг, менга марҳумларни эслатиб турмасин». Шундан сўнг уларга тегишли бўлган барча нарсаларни Летисиянинг хобхонасига олиб кетишди, бунда унинг ҳирсу ҳаволари, телба жунбушлари, тушлик чоғлари ўтган эди. «– У ердаги барча дераза-эшикларни маҳкамлаб ташланг, падарига минг лаънат! У ерга қадам ҳам қўйманг, мен буюрсам ҳам кирманг у ерга!»

Шу буйруқни бергандан кейин у кўп ойлар Летисия ва болакайни гажиган итларнинг занжирда увуллаб ётишларини эшитиб, даҳшат ичида дир-дир қалтирар, лекин итларни қассобхонага жўнатишга юраги бетламас, зеро, назарида итларга қандай бўлмасин зиён етказиш ўз қадрдонларига зиён-заҳмат етказиш билан баробар эди. У ҳалинчак тўшагидан тушмай ҳамма нарсани унутиш, қаҳр-газабини босишга уринарди; бинобарин, у ўз яқинларининг ҳақиқий қотиллари кимлар эканлигини биларди. У ўз уйида қотилларни кўрар, ўзини қаттиқ камситилгандай сезар ва бунга матонат билан дош берарди. Шу билан бирга уларни ҳеч нима қилолмас, сабр-тоқатдан ўзга чораси йўқ эди, чунки ўша пайтда уларнинг бўйниларидан уриб мажақлашга унинг куч-қудрати етмасди. У мотам-марсия маросимларини ҳам қилиб ўтирмади, ўзига таъзия билдириб келишларни ман этди, мотам кунларини белгиламади – улкан сейба дарахтининг қуюқ соясида қаҳр-газаб ҳалинчагида чайқала-чайқала ўз вақти-соати келишини кутди. Мана шу сейбанинг қуюқ соясида энг сўнги жонажон оғайниси бутун генералитетнинг фикрини ифодалаб унга генералитет бу даҳшатли

фожиага халқимиз қанчалар матонат ва обрў-эътибор кўрсатиб дош берганлиги билан фахрланади, деб айтди. Ҳаммаёқда тинчлик-хотиржамлик, тартиб-интизом ҳукм сурмоқда, деди у. Генерал билинар-билинемас лабини бурди: «— Бўлмагур гапларни қўйинг, биродар! Гап ана шунда-да, хотиржамлик, гап ана шунда-да, тартиб-интизом! Одамлар зигирча ҳам қайгурганлари йўқ бу бахтсизликдан!» У газетани ҳукумат матбуот марказининг расмий хабарларига қараганда кўпроқ, муҳимроқ бир нарсалар чиқиб қолармикин деб, ўнгдан чапга, чапдан ўнгга қараб сатрма-сатр ҳижжалаб ўқир, қайта-қайта ўқиб чиқарди, муҳим хабарлардан беҳабар қолмай деб, ёнига радио ўрнатди-да, ва ниҳоят, бир куни ўзи кутган хабарни эшитди: бутун радиостанциялар то Веракрус де Риобамбагача миллий хавфсизлик хизмати тажовуз ташкилотчиларининг изига тушганлигини хабар қилди.

«— Бор экансанлару ўргимчак ғумбаклари!» — тўнғиллади у. Радио ўз хабарини давом эттирди. Шаҳар ташқарисидаги исловатхоналардан бирида суиқасд ташкилотчилари топилиб, исловатхона миномётлардан ўққа тутилган. «— Баракалла, — хўрсиниб қўйди у, — шўрли одамлар!» Бироқ у ҳалинчак тўшагидан қимирламади, ичида тинимсиз дуо ўқиб ёлвораркан, заррача бўлсин кўнглига туккан ниятини юзага чиқармади: «— Онажоним Бендисйон Алварадо қасос олиш учун менга ҳаёт бер, қўлимдан тутиб етакла, онажон, ўзинг қўлла!» У онам илтижоларимни эшитди ва қабул қилди деб қаттиқ ишонди-ю, шу заҳоти ўзини тутиб олди, ғам-аламни жиловлади. Буни унга маълумот бериш учун етиб келган бош штабнинг миллий хавфсизлик хизмати ҳамда жамоат тартиби учун масъул зобитлар ҳам кўришди: «— Жаноб генерал, суиқасднинг учта иштирокчиси тартибни сақлаш кучлари билан отишмада ўлдирилди, иккитаси тутилди ва Сан-Херонимога ташланди!» Олий ҳазрат қўлида мева шарбати тўлатилган идиш билан ҳалинчак тўшагида ўтирганча: «ўху» — деб қўйди ва замбаракчининг қилт этмас қўли билан уларнинг ҳаммаларига бир стакандан шарбат қуйиб узатди. «— Донишманд чолга қойил қолмай илож йўқ, у ҳар қачонгидан ҳам зийрак ва оқил эди, унинг шунчалар ҳушёрлиги ва эътиборини кўрингки, бизни хумор тутиб турганлигини фаҳмлаб, чекишимизга ижозат берди. Ҳеч қачон бундай бўлмаган — хизмат бурчимизни адо этаётганимизда бизга чекишга рухсат этилмаган!» «— Манави дарахт тагида биз ҳаммамиз бир одаммиз», — деди у ва сўнг бозор майдонида рўй берган қотиллик қандай тайёрлангани ва ижро этилганлиги тўғрисидаги батафсил маълумотни хотиржам ўтириб тинглади. Шотландиядан тўда-тўда қилиб саксон иккита овчи итларнинг кучуклари келтирилган, уларнинг йигирма иккитаси турли сабабларга кўра ўлган, қолган олтмиштасини шотландиялик ит ўргатувчи боққан, у оғир жиноий мақсадларни кўзлаб, уларни Летисия Насаренонинг қорабурул мўйналаригагина эмас, унинг ўзига ва болага ҳам қаҳр-газаб билан қутуриб ташланишга ўргатган. «— Уларнинг шахсий буюм-ашёларидан фойдаланиб, итларни хўб машқ қилдиришган, жаноб генерал! Итларга саройнинг кирхонасидан ўгирлаб кетилган манави кийим-бошлар, Летисия Насаренонинг манов корсажи, манави рўмоли, манов пайпоқлари ва боланинг манов мундирини ҳидлатиб туришган, жаноб генерал! Сиз шу буюмларни танийсизми?» У ўзига кўрсатилаётган ашёларга қайрилиб ҳам қармади, фақат: «— Ўху!» — деди-да, яна уларнинг гапларига камоли диққат билан қулоқ осди: «— Бу олтмишта итни акилламаслик керак пайтда акилламасликка ўргатишган, уларга одам гўшти беришган, жаноб генерал, уларга бошқа ҳеч нарсани кўрсатишмаган, ёрғ дунёга чиқаришмаган; уларни марказдан етти қақирим наридаги бир хитойликнинг ташландиқ фермасида бир неча йил роса чиниқтиришган, фермада Летисия Насарено билан боланинг бўйи баравар қилиб ясалган, уларнинг кийим-кечаклари кийдирилган тулумлари бўлган, бундан ташқари, манави суратлар ва газеталардаги расмларни мунтазам равишда итларга кўрсатиб, Летисия билан болани дарҳол танийдиган қилишган». Шундан кейин сардорлар унга ўша сурат ва расмлар ёпиштирилган албомларни кўрсатишди, кўриб

қўйинг, қанчалар ишларни қилиб қўйдик дегандай бўлишди бу силлиққина говфаҳмлар. «— Ҳар ким ўз ишини адо этади, жаноб генерал!» Аммо у уларнинг башарасига боқмай, фақат «ўху» деб қўйди ва шундан сўнг сардорлар энг муҳим гапни айтишди: албатта, галамислар ёлғиз ўзларича иш қўришмаган, улар бари — яширин ташкилотнинг агентлари, марказлари эса ҳорижда жойлашган. «— Манов уларнинг тамгалари, ҳазрати олийлари!» Сардорлар унга фитначиларнинг тамғасини кўрсатишди — унда иккита кесишган гоз пати ва ханжар тасвирланган эди, бузрук яна «ўху!» — деб қўйди. Сардорлар гапнинг давомига ўтишди. Фитначиларнинг ҳаммаси илгари жинояткорона ишлар қилиб жавобгарликдан қўрқиб ҳуқуқ-тартибот идораларидан узоқ вақтлардан бери қочиб юрган кишилар экан. Сардорлар генералга фитначиларнинг полиция архивларидан олиниб албом қилинган суратларини кўрсатишди: «Манави учтаси — ўлдирилди, манов иккиси қўлга олинди, Сан-Херонимо турмасида ўтиришибди, жаноб генерал! Уларни нима қилишни ўзингиз айтасиз! Булар ака-ука Маурисио ва Гумаро Понсе де Леон, ёшлари йигирма саккиз ва йигирма учда. Акаси ҳарбий хизматдан қочган, муқим турар-жойи йўқ, касб-кори ҳам бетайин. Укаси ҳунар билим юртида керамикадан дарс берган, анов итлар бу одамни қўриб, қувонганларидан думларини ликиллашиб сакрашиб, унга ўзларининг вафо-садоқатларини билдиришди. Ҳеч шубҳасиз, бу унинг инкор қилиб бўлмайдиган айби борлигини кўрсатади, жаноб генерал!» Аммо у бунга жавобан ҳам фақат «ўху» деб қўйди. Бироқ расмий ахборот учун куннинг хулосасини чиқараркан, жиноят-қидирув ишларини олиб борган уч сардорни мақтаб, уларни «Ватанга садоқатли аскарлик хизмати учун» медали билан мукофотлади. У медалларни ўзи топширди ва шу ернинг ўзидаёқ ҳарбий-дала суди ташкил этиб, у ака-ука Маурисио ва Гумаро Понсе де Леонни отишга ҳукм қилди. «— Ҳукм ўқилгандан сўнг қирқ саккиз соат ичида ижро этилиши шарт. Албатта, олий ҳазратлари уларни авф қилмоқлари ҳам мумкин».

Шу қирқ саккиз соат ичида у ўз ҳалинчак тўшагида ёлғиз ётди, бутун дунёдан ёгилиб келаётган авф қилиш тўғрисидаги илтимосномаларга қулоқ солмади; радиодан Миллатлар Ҳамжамиятидаги беҳосил сайрашларни тинглади, бир қанча мамлакатларда уни қоралаб сўкишаётганини эшитди, бошқа бир қатор қўшни ўлкаларда уни мақтаб, қўллаб-қувватлашарди; кейин у ўз министрларини қабул қилди, уларнинг ботинар-ботинмай раҳм-шафқатга чақирганларини ҳам, қатъий чоралар кўришни бақириб-чақириб талаб қилганларини бир маромда камоли диққат қўйиб эшитди, папанинг ўзи унга бўтам деб, шахсий хат ёзиб мурожаат этди, унда аъло ҳазратлари икки адашган қўзини авф этишни илтижо этмиш эди, аммо у папа вакилини қабул қилмади. У бутун мамлакат унинг индамай турганлигидан ҳаяжонланиб, тўлқинланаётганлигини ҳам индамай эшитди; узоқдан келаётган отишма овозларига индамай қулоқ тутди, кўрфазга кираверишда рейдда турган ҳарбий кемада ҳеч қандай асосли сабабсиз рўй берган портлашнинг гулдирашларини индамай тинглади. «— Ун бир киши ўлди, жаноб генерал, саксон иккита яраланганлар бор, кема ишдан чиқди!» «— Маъқул», — деди у ётоғининг деразасидан кўрфазга кираверишда ёнаётган улкан машғалага қараб. Сан-Херонимо ҳарбий базасида ўлим ҳукми ижро этилишини кутиб ётган ака-ука учун охирги кеча кирди. Уларнинг суратларини кўрганини эслади: ака-ука туғишган эканлиги шундоқ кўриниб турибди, қош-кўзлари бир хил. Уларни муқаррар ўлим олдида даҳшатдан қалтираган бўйниларига камера ёрлиғи осилган, кимсасиз ночор ҳолда ўтирганларини кўз ўнгига келтирди, чироқ доим ёп-ёруғ нур сочиб ёниб турадиган ўлим камерасидаги аҳволларини тасаввур қилди; уларни фикр-хаёли ўзига қаратилганини, авф умидида хаёлан унга ялиниб-ёлвораётганликларини туйди; бироқ унинг нима қилиши мумкинлигини олдиндан билишнинг сира иложи йўқ эди; у кунни, одатдагидек, кеч қилди, ётоғининг эшигида навбатчилик қилиб турган зобит билан хайрлашди, зобит унинг нима қарорга келганини, гарчи бу қарор биринчи хўроз қичқиригича қабул қилинган бўлса ҳам, дарҳол бошқаларга

етказиши керак эди. «— Тунингиз хайрли бўлсин, капитан», — деди у зобитнинг башарасига қарамай беписандлик билан, сўнг чирогини илгакка илди, эшикни ичкаридан уч қулфга беркитди, уч тамбани туширди, уч занжирни илди, ерга юзгубан чўзилди ва қушдай зийрак уйқуга чўмди, уйқунинг хафиф пардалари аро ҳовлидаги итларнинг безовта хуришларини, санитар машиналарнинг увиллашларини, мушакларнинг пақиллаб отилишларини эшитарди, ҳукмнинг шафқатсизлигидан ларзага тушган шаҳарни чуллаган қалин қоронгилик кўйиндан аллақандай нотайин бир байрамнинг музикаси янграрди; у ярим кечада жоме кўнгироқлари овозидан уйғонди, соат иккида яна уйғонди, учда деразалар ва панжараларга шитирлаб урилаётган йирик ёмғир томчилари товушидан кўзини очди; худди буқа ўрнидан кўзгалаётганда қўллайдиган усулни қўллаб жойидан оғир кўзгалди: буқа нима қилади — аввал орқасини кўтарарди, кейин олдинги оёқларини тирайди, сўнг пўла бўлган қалласини кўтарарди, жағидан сўлаги узун ип бўлиб оқиб туради; у худди буқадай ўрнидан турди; навбатчи зобитга аввало дераза тагидан итларни дарҳол бошқа жойга олиб кетишни буюрди, қаерга бўлса-бўлсин, фақат мен эшитмасам бўлди, деди, лекин итларни ўлдиришмасин, то ўз ажаллари билан ўлгунча ҳукумат ҳисобидан боқилсин; иккинчидан, ўша машъум чоршанбада Летисия билан болани кўриқлаб борган барча кўриқчи аскарлар айби бўлмаганлиги боис, озод қилинсин; ниҳоят, учинчидан, ака-ука Маурисио ва Гумаро де Леон тўхтовсиз суратда қатл этилсин; бироқ уларни ҳарбий-дала суди ҳукм қилгандай отилмасин, балки бунда қатлнинг бекор қилинган усули қўллансин, яъни: тўрт отга боғлаб тўрт томонга тортилсин. Шундан сўнг ака-ука Понсе де Леонларни тўртта отга боғлаб парча-парча қилдилар ва гавдаларининг бўлақларини ҳаммага ибрат бўлсин учун бизнинг фавқулодда гам-гуссали салтанатимизнинг ҳар ёғида энг кўзга кўринарли ерларга осиб қўйдилар. «Бечора болалар», — деб гўлдиради у оғир ярадор бўлган фил каби улкан оёқларини судраб босаркан, кейин ичида жон-жаҳди билан ёлворди: «Онажоним Бендисйон Алварадо бегуноҳ тўкилган қонлар учун қасос олишимга мадад бер!» У кечасию кундузи шундай бир одам ҳақида орзу қиларди, у жиноят қидирув ишларида фавқулодда қобилиятларга эга бўлса, шу маънода илоҳий лаёқат билан иш юритса, дерди. У кекчи хаёлининг алаҳсирашлари ичида шундай одамни кўз ўнгига келтирар, уни ўзи учратган одамлар орасидан гизли ҳаяжон билан ахтарар, кўзларга узоқ телмуриб қарарди; атрофидаги одамларнинг овозларига қулоқ тутиб, уни овозининг қандайдир бир ўзгача оҳангларида билишга уринарди; шу маънода юрагининг овозига ҳам қулоқ тутар, хотирасининг барча бурчакларини титиб чиқарди; кейин бундай одамни ахтариб топишдан умидини ҳам узиб қўйди, лекин нима бўлди-ю, бу одам кутилмаганда бирдан унинг рўпарасида кўзни куйдириб юборгудек мафтункорлик билан пайдо бўлди. «— Бу қачондир, қайдадир менинг кўзларим кўрган одамлар ичида энг назокатлиси эди, онажоним!» Бу одам худди гадолар давридаги каби эскича кийинган эди. Устида ёқасига мангу кўк япроқ тикилган Генри Поул бичимидаги фрак, Пековер бичимли шим, товланиб турувчи кумушсимон парчадан нимча кийган эди. Бу одам Европанинг энг аслзода салонларида довруқ қозонган, у ерларда катталиги бузоқдай келадиган, кўзи одамларнинг кўзига ўхшайдиган бадқовоқ улкан доberman ити билан кўриниш берарди. «— Хосе Игнасио Саенс де ла Барра, — деб таништиради ўзини, — хизматингизга тайёрман, олий ҳазратлари». Бу фуқаролар урушининг бўронлари супуриб ташлаган, каудило федераллари кўшинлари томонидан тору мор этилган оқсуяк аслзодаларимизнинг энг охири эркли вориси эди; бу оқсуяклар улугворликка бўлган даъволари, ўзларининг молихулиёга гарқ кўрғон-қасрлари ва фарангча талаффузлари билан биргаликда юртимиздан қувилган, бадарга қилинган эдилар. Ушбу савлатли зотдор капралнинг ёши ўттиз еттидалиги, етти тилни билишини айтмаса, бошқа ҳеч вақоси йўқ эди. Боз устига, учиб бораётган мўлжалга отиш бўйича Довилада ўтказиладиган овчилик мусобақаларида тўрт маротаба соврин ҳам олган эди. Қомати унчалар баланд эмас, ўзи келишган,

терисининг туси темирнинг рангига ўхшарди, сочи дурагай одамларники каби бўлиб, тўғри таралган, бир бўлак толаси оққа бўялган, қолгани тим қора эди, қаттиқ лабларидан иродали киши эканлиги акс этиб турар, кўзлари қаттиқ ва ўткир, жасорат билан боқарди, у салонларга осилган пат гиламларга тасвирланган муфаррах ҳарбий манзаралар олдида ўзининг гилос таёқчаси билан крикет ўйнагандай бўлиб, рангли суратларга тушишни янши кўрарди. Олий ҳазратларининг кўз қири капралга тушгани ҳамонқо энгил нафас олдилар: «Худди ўзи! Менга керак одам!» Шу-шу Хосе Игнасио Саенс де ла Барра бизнинг генералимизнинг хизматига кирди. Фақат битта шарт қўйди: «Олий ҳазратлари, сиз менга саккиз юз эллик миллион песо миқдориди пул маблағ ажратасиз. Унинг сарф-ҳаражати ҳақида сиз олий ҳазратларидан бошқа ҳеч кимга ҳисоб бермайман. Худди шунингдек, сиз олий ҳазратларидан бошқа ҳеч кимга бўйсунмайман. Уз томонимдан шуни ваъда қиламанки, икки йил ичида сиз олий ҳазратларига Летисио Насарено ва боланинг ҳақиқий қотилларининг бошларини топшираман». Шарт қабул қилинди: «— Маъқул!» Зеро генерал унинг майда-чуйда қилиб ўтирмай ишини кўндаланг ҳал қилишига ишонди. Олдин уни ҳар турли йўллар билан ҳўб синаб кўрди; унинг иродаси қанчалар кучли ва қай ергача этиб боради деб, кўнгил дунёсининг энг чигал, қоронги сўқмоқларига кириб чиқди; унинг феъл-атворида, табиатида биронта ожиз ва заиф томонлари ҳам бормикин деб аниқ билишга ҳаракат қилди. Охирги синов шафқатсиз домино ўйинлари бўлди, Хосе Игнасио де ла Барра гарчи изн олинмаган эса-да, уларнинг барини телба бир жасорат билан ютиб олди. «— Чунки у мен кўрган мард одамларнинг ҳаммасидан ҳам мардроқ эканлигини кўрсатди она! У ҳаддан зиёда сабр-матонатли экан, у ҳаммасини биларкан, қаҳва тайёрлашнинг етмиш икки хил усулидан хабардор экан, моллюскаларнинг жинсини ажратаркан, нота илмини ва кўрларнинг алифбосини ўрганган экан, у узоқ вақт миқ этиб оғиз очмай кўзимга тикилиб тура олар ва мен унинг қадалган кўзларидан ўзимни қаёққа қўйишни билмас, у ўзининг гилос таёғининг қабзасига бепарво таяниб, қўллари билан инжа ҳаракатлар қилган, жимжилоғига таққан олмос узугининг кўзларини ярқиратганда мен ўзимни қайга қўйишни билмасдим, унинг оёғи тагида ётган кўзи пинакка кетиб, барқут терисини қимирлатиб қўядиган сергак ва жаҳлдор итининг олдида мен ўзимни қаерга қўйишни билмасдим, турли лосонлар сепиб ўзини муаттар этган бу одам олдида мен ўзимни қаерга қўйишни билмасдим, мана шу вужуди на эркалаш ва на ўлимдан кўрқувчи фавқулодда кўркам, чиройли ва шу билан бирга, ўзини бениҳоя тутиб олган бу одам олдида ўзимни қаёққа қўйишимни билмасдим, мен бундай одамни кўрмаганман ва айна мана шу кимса менга сиз ҳеч ҳарбийга ўхшамайсиз, сиз олий мақсадларни олдингизга қўйганингиз учун ҳарбий ишга қўл ургансиз», деб айтишга журъат қилди.

«— Сиз анов уришқоқларга ўхшамайсиз, генерал! Улар анча-мунча жўн-одми одамлар, обрў-эйтибор талашишлари ҳам бари жўн-одми. Улар учун унвонлар ҳокимиятдан кўра муҳимроқ, улар ҳокимлик қилишни эмас, буйруқ бериш — қўмондонлик қилишни маъқул кўришади, улар нимагадир хизмат қилишмайди, кимгадир хизмат қилишади, шунинг учун уларни бошқариш осон ва айниқса, бирини иккинчисига қайраб турилса», — қаранг, у шундай деди, мен эса табассум қилмоқдан ўзга чорам қолмади, ичимда бу нурафшон одамдан нимани ҳам яширардим, деб ўйлардим, унга кўп ҳуқуқлар бердим, агар қадрдон дўстим генерал Родриго де Агиларни ҳисобламаганда — унинг жойи жаннатда бўлсин! — бутун ҳукм сурган йилларим давомида ҳеч кимга бунчалик кўп ҳуқуқ берган эмасдим!» Шундан сўнг генерал мана шу Хосе Игнасио Саенс де ла Баррани ўз қарамоғи ичида бутун махфий салтанатнинг тўлақонли ҳўжайини қилиб қўйди. Бу жазоловчи, таъқиб қилувчи ва йўқотувчи яширин хизмат эди. Унинг расмий номи бўлмаганидек, муайян жойи ҳам йўқ эди, у ҳеч ерда йўқ, аммо ҳамма ерда ҳозир у нозир, у борлиқдан ташқаридаги бир нарсага ўхшар, зеро унинг хатти-ҳаракатлари учун ҳеч ким жавоб бермасди. Бироқ у мавжуд эди — даҳшатли рўё каби мавжуд эди; у кўзга кўринмаган ҳолда

давлатнинг бошқа жазоловчи идораларини ўз остига босиб олди, олий қўмондонлар унинг мудҳиш таъсири ва махфиёна ҳар ерда ҳозир у нозирлигини тузук-қуруқ сезиб улгурмаслариданоқ у анча олдин ҳамма ишни ўз қўлига олди. Генералнинг ўзи ҳам ўз даҳшатли режаси нимага айланиб кетишини олдиндан кўрмаган эди. «— Мен шаҳзодаларга ўхшаб кийинган бу юҳо одамхўрнинг чангалига тушиб қолишимни сира ўйламаган эканман, мени шайтондай авраб ўз оҳанрабо тўрига илинтирди». Мана, ниҳоят, кунлардан бир кун ушбу кимса президент саройига дағал бир қоп келтирди. Қоп кокос ёнғоқлари билан тўлатилганга ўхшарди. У қопни ҳеч кимга ҳалал бермайдиган холи жойга қўйишни буюрди. «— Уни анов эски архив қоғозлар турадиган деворга ишланган жавонга жойлаб қўйсанглар ҳам бўлаверади!» Қопни жавонга жойлаб, эсдан чиқаришди, уч кундан сўнг даҳшатли мурда исидан туриб бўлмай қолди, бу ҳид барча деворларга ўтирди, барча ойналарга сассиқ уфунат бўлиб ёпишди; биз бу одам чидаб бўлмайдиган ёмон ҳидни қаердан чиқяпти деб ошхонадан қидирдик, молхоналарни қараб текшириб чиқдик, хушбўй моддалар тутатиб уни хоналардан қувиб чиқаришга уриндик, у эса мажлислар залига ҳам кириб борди. Унинг заҳарли ифлос буғлари худди чириётган гулнинг чучмал исига ўхшаб, ҳеч қачон ҳеч қандай ҳид кирмаган тешик-тирқишларга кириб борарди, вабо вақтида ҳам бундай ҳидларни шамол олиб кира билмаган эди бу ерларга; сассиқ уфунат эса ҳеч кимнинг хаёлига келмаган жойдан чиқмоқда эди. У архив қоғозлари жавонидан, ўша кокос ёнғоқлари тўлдирилгандай туюлган дағал қопдан чиқаётган экан. Уни Хосе Игнасио Саенс де ла Барранинг буйруғи билан жавонга тиқиб қўйган эдилар. Нима экан денг: қопда генерал билан тузилган келишувга биноан, илк бадал жойланган экан: ҳаммаси бўлиб олтига одам калласи, уларнинг ҳар бирига нима сабабдан ўлганлиги ҳақида маълумотнома ҳам ёзилган эди. Бунда туб аслзодаларга мансуб, кўзи кўр қария, тош асрининг намояндаси дон Непомусено Эстраданинг боши ҳам бўлиб, бу чолнинг ёши тўқсон тўртга кирган, ўзи улуғ урушнинг фахрийси ва радикал партиянинг асосчиси бўлиб, у маълумотномада қайд этилишича, ўн тўртинчи май куни қариллик боис, юрак қон томирларининг склерозидан қазо қилган эди; доктор Непомусено Эстрада де ла Фуэнтенинг боши; у олдин баён этилган кимсанинг ўғли, гомеопат, маълумотномага ишонадиган бўлсак, отаси билан бир вақтда юрак ёрилиши туфайли қаза қилган; Элистер Касторнинг боши; йигирма бир ёшда; физиолог-талаби; маълумотномада ёзилишича, маст-аласт жанжал-тўполонда санчилувчи оғир нарса билан зарбалар олиш оқибатида ўлган. Лидиса Сантягонинг боши; ўттиз икки ёшда; яширин ҳаракат фаоласи; жинойий аборт натижасида ўлган; Роки Пинсоннинг калласи, унинг яна бир номи Кўзга кўринмас-Хасинто; ўттиз саккиз яшар; пуфлаб учириладиган шарлар чиқарувчи фабриканинг эгаси, худди юқорида қайд этилганлар сингари ўша куни алкоғол билан қаттиқ заҳарланиб ўлган; Наталисио Руиснинг боши; «Ўн еттинчи октябр» яширин ҳаракатининг йўлбошчиси; ўттиз ёшда; маълумотномада баён этилиши бўйича, юқорида зикр этилган Наталисио Руис бахтсиз севи туфайли тўппончадан ўз оғзига отган. «— Ҳаммаси бўлиб, олтига калла, олий ҳазратлари! Олганингиз ҳақида манави квитанцияга қўл қўйинг». Шунда у даҳшат ва қўлансаликдан жигари ағдар-тўнтар бўлиб, ушбу квитанцияга имзо чекди ва унинг хаёлидан шу нарса ўтди: «Онажоним Бендисйон Алварадо бу одам-подам эмас, гирт ваҳший! Нозик одоб-икромини кўрингу буни кўринг. Ёқасидаги гардения гулини кўрингу ишини кўринг!» Лекин у овозини чиқариб бошқа нарсани айтди: «— Менга бошқа тасаҳо<sup>1</sup> юборманг, Начо<sup>2</sup>. Менга оғзаки маълумот бериб турсангиз, бас!» Бироқ Хосе Игнасио Саенс де ла Барра буни қаттиқ туриб рад этди:

«— Сиз билан аҳдлашиб, эркакча иш қилишга келишдик, олий ҳазратлари! Лекин ҳақиқатга тик қарашга этингиз юпқалик қилса, унда

<sup>1</sup> Т а с а х о — сурланган гўшт.

<sup>2</sup> Н а ч о — Игнасио исмининг кичрайтирилгани.



мана, берган олтинингиз, шу ерда хайрлашамиз! Шу ҳам иш бўлдими? Шахсан мен ўзим агар зарур бўлса, туққан онамни ҳам отиб ташлашга тайёрман!» «— Қўйинг, қўйинг, Начо, — деди генерал сипориш билан, — ваҳима қилманг, бурчингизни адо этинг!» Шундан сўнг кесилган каллалар дағал қопларда пайдар-пай келиб турди, қоплар худди кокос ёнғоқларига тўлатилганга ўхшарди. Генералнинг бутун ичи ағдарилиб кетаётгандек бўларди. «— Буларни йўқотинглар», — деб буюрарди. Кейин ўлим тафсилотларини тинглагач, квинанцияларга қўл кўярди. Шу тариқа у умуман олганда, тўққиз юз ўн саккизта бошга имзо чекди. Булар бари унинг қаттол сиёсий мухолифлари эди. Каллаларнинг умумий сони ана шунча бўлган кечаси у бир туш кўрди, тушида у аллақандай қўрқинчли махлуқ — бир бармоқли ҳайвонга айланиб қолганмиш, у ўз ортидан бош бармогининг узун чўзилиб кетган изларини қолдирармиш — бу излар янги цемент билан қопланган текислик сатҳида муҳрланар эмиш. У оғзи аччиқ бўлиб уйғонадиган бўлди, тонг қоронғиси қўрқувларидан паноҳ истаб молхонага борарди, ўз махзун хотираларининг гўнғонаси олдида туриб кесилган каллаларнинг қайта ҳисобини қилар, ўзининг қари мараз хаёлларига шунчалар чўмар эдики, қулоғидаги қурмағур чигиртканинг тинимсиз чириллашини оёғи остида сўлгин ўт-ўланлар ичида сайраётган ҳашаротлар овози билан аралаштириб юборарди. «— Онажоним Бендисйон Алварado, наҳот менинг фанимларим шунчалар кўп бўлса? Ҳақиқий айбдорлар эса ҳали ҳам топилгани йўқ!» Фанимларнинг сони масаласига келганда Хосе Игнасио Саенс де ла Барра буни унга шундай деб изоҳлади: «— Олтмиштаси учун — олти юзта орттирамиз, олти юзтасига эса — олти мингта, шундай қилиб, олти миллионга бориб қолади!» «— Лекин бу бутун мамлакатнинг аҳолиси-ку, падарига қусур! — қичқириб юборди генерал, — бу аҳволда ҳеч охирига етолмаймиз!» Аммо Хосе Игнасио Саенс де ла Барра парвойига ҳам келтирмай, деди: «— Тинчгина ётиб ухланг, генерал! Улар тугаганда, биз тугатамиз!» Вой, баттол-э!

Бу нусха ҳеч қачон иккиланиб ўтирмасди. Ўзининг дастлабки режаларидан заррача ҳам чекинмасди — бошқача фикрга зигирча бўлсин тешик қўймасди. У худди доberman ити каби ҳеч нарсага чалғимас, алағда бўлмас эди. Ити ёнида бўлганда унинг ўзига ишончи ортарди — унда ишонч ва сабот зўр эди. Ит генералнинг Хосе Игнасио Саенс де ла Барра билан учрашув ва суҳбатларининг ягона гувоҳи эди. Рост, олдинга генерал бунга қаршилик кўрсатишга уриниб кўрди: Хосе Игнасио биринчи бора мана шу тизимчадаги улкан, ақл бовар қилмас, териси остида томирлари ва пайлари худди симобдай билтанглаб бўртиб ўйнаб турган, фақат битта одамга — ҳеч нарсадан қўрқмайдиган, аммо қаҳри ўлардай қаттиқ одамгагина бўйсунадиган шу даҳшатли доbermanни етаклаб кирганда, генерал: «— Итни ташқарида қолдилинг!» деб айтган эди. Бироқ Хосе Игнасио Саенс де ла Барра бунга қулоқ солишни ҳам истамади: «— Иложи йўқ, генерал! Дунёда мен Лорд Кёхелсиз кирадиган жой йўқ». Шунинг учун ит доим кабинетга эгаси билан бирга кирарди ва унинг оёғи тагида бемалол мудраб ётарди; генерал билан хўжайини эса кесилган бошларни ҳафсала билан ҳисоб-китоб қилиб ўтиришарди; бироқ генерал андаккина овозини кўтарса, ит шу заҳоти сергак тортиб ўрнидан кўзгалар, еб ташлашга тайёрдай бутун вужуди таранг тортарди. «— Унинг одамсимон, худди хотинларникидай кўзлари мени ўйлашга қўймасди, мен унинг одамга ўхшаб нафас олишидан қалтираб кетардим; бир куни навбатдаги қоплардан бирида ўзимнинг энг кекса адъютантларимдан бирининг калласига дуч келиб, азбаройи дарғазаб бўлиб, столга гурс этиб мушт урдим, буни қаранг, ит шу заҳоти дик этиб ўрнидан турди, тишларини гажир-ғужур қилди, худди аскар қозончасидай гуп этиб қайнади ва тумшугидан буг чиқиб димоғимга урилди». Ўша адъютант эски кадрдони, бирга доим домино ўйнар эдилар, синалган дўст эди, қаҳр-ғазабга минганининг сабаби шунда эди: «— Бўлди, бас, падарига лаънат! Ажина базм тамом!» Бироқ Игнасио Саенс де ла Барра ҳар доимгидай унинг ғазабига сув сепди — бир жиҳати далиллар келтирган бўлса, иккинчи жиҳати ёввойи итларни қаттиққўллик

билан қўлга ўргатувчилар каби ширин-шакар болохонадор сўзлар билан уни жаҳдидан туширди. Кечалари генерал анов топилмас нусха, у билан худди ўзига тобе одамдай муомала қиладиган тирик махлуқот ичида бирдан-бир ўша Саенс де ла Баррага қарам бўлиб қолаётганидан ўзидан ўзи гижиниб, ўртаниб, тўлганиб чиқарди, генерал ўзи билан ўзи ёлғиз қолган чоғларида ўша тусинг қургурнинг яширин салтанатига қарши бош кўтарар, унга қулларча бўйсунидан бирваракай силкиниб ташлаб қутулишни кўзлар, нега десангиз, ушбу тобелик тобора одат тусига кириб борар ва аста-секин унинг бутун ҳокимиятининг устихонини бошдан-оёқ эгалламоқда эди. «— Эртагаёқ бу от ўйинига чек қўяман, — деб гўлдиради у, — бас, етар, падарига лаънат! Суриштириб келганда, Бендисйон Алварадо мени бировнинг буйруғини бажариш учун эмас, ўзим буйруқ қилишим учун дунёга туққан!» Аммо унинг кечаси билан ўзини яниб чиқарган қарорлари Хосе Игнасио Саенс де ла Барра ўз ити етагида унинг ҳузурига қадам-ранжида қилган заҳоти худди кесакдек сочилиб, уваланиб кетарди. Генерал яна унинг инжа муомалалари, ёқасига тақилган гардения гулига, ўктам овозига, лосонларининг ўтқир ҳидига, крахмалланган манжетларида ярақ-юруқ қилиб турган олмос тугмаларига, салмоқли ҳассасига, «ўз кўзим билан кўрган одамлар ичида» энг зарури ва энг тоқат қилиб бўлмайдиганининг ўзига ярашган кўркамлигига асир бўлиб, кўзи қамашарди-қоларди. Аммо тили калимага келиб шундай дерди: «— Ваҳима қилмайлик, Начо, ўз бурчингизни адо этинг!» Шундан кейин яна кесилган бошлар тўлатилган қопларни қабул қилиб олар, юзига қараб ўтирмай яна навбатдаги квитанцияларга имзо чекар, ўз истибодининг шувиллаб сирганиб оқадиган қумликларига бошдан-оёқ ботар — оёғи остида ҳеч қандай таянчсиз тубсиз қаърларга чўкиб кетарди. У ўзидан ҳар қадамда, ҳар тонг отганда, ўзига денгизни тортиқ қилиб турувчи ҳар дераза олдида сўрагани сўраган эди: «Бу дунёга нима бўлди ўзи? Соат ўн бир бўлиб қолдию, аммо бу ўлик уйда бирон жонзотдан дарак йўқ! Ҳой, борми бу ерда тирик бир инсон?» — деб нидо солар, лекин ҳеч ким жавоб бермас, у ёлғиз ўзи, бутунлай ёлғиз эди, ва назарида, ўз боргоҳида эмас, худди бировнинг қандайдир бегона истинодгоҳида тургандай бўларди. «Эшакларнинг карвонидан юкларни тушириб, мева-чева, қуш, товуқларга тўла саватларни йўлакмай-йўлак кўтариб югурган қатор-қатор хизматчилар қани, тун бўйи сўлиган гуллар ўрнига янгиларини қўйиш учун кўзаларнинг сувини янгилайдиган менинг тили капгирдан тез айланадиган маҳрам хотинларим қайда қолди, қани улар сепган сувлардан қолган қўлмаклар, қушларнинг қафасларини тозалаб, поёндоз гиламларни ташқарига олиб чиқиб тўқмоқлаб қоқадиган, ва шунга ҳамоҳанг «Сусанна, кел ёнимга, Сусанна, ташна бўлдим муҳаббатингга» деб кўшиқ куйлайдиган ўша хотинлар ҳаммаси қайга кетди ҳар бир эшикнинг тагига сиядиган ва отилиб чиққан сийдиги билан мажлислар залининг деворларига икки ўрқачли туянинг суратини чизадиган менинг ориқ-тирриқ чалаларим қани, ёзув столининг тортмаларига тухум кўядиган товуқларни кишқишлаб ҳайдаб юрувчи менинг бесаранжом, жонсарақ амалдор ходимларим қайга кетди, дипломатлар келганда акиллаб турадиган менинг сон-саноқсиз лайчаларим қани, ким менинг шол-шуруқларимни зиналардан тепиб туширди, ким гулбутазорлардан менинг моховларимни ҳайдади, ким менинг тенги-туши йўқ ҳушомадгўйларимни йўқотди?» У ўзининг хавфсизлигига жавоб берувчи янги мулозимларнинг тиккайган елкалари оша ўзининг генералитетдаги яқин кишиларини зўр-базўр кўрар, улар худди баланд девор орқасида қолиб кетгандай эдилар. Янги министрлар таркибини ҳам у тасдиқлагани йўқ ва агар уни кенгашга сўзга чиқиш учун тақлиф этсалар, буни худди унга марҳамат кўрсатаётгандай бўлиб қилардилар. Олтита фан доктори янги министр бўлишган эди, улар қора мотамбоп сюртук кийишар, ёқалари тахтакачдай қотирилган бўлар, улар унинг фикридан ўзишга ҳаракат қилишар ва давлат ишларини у билан маслаҳатлашмай битиришарди. «Падарига минг лаънат! Қаёққа борсанг бор, аммо ҳукумат бу — менман!» деб шовқин-сурон солмоқчи бўлса, Хосе Игнасио де ла Барра унга вазминлик билан

тушунтира бошларди: «— Ундай эмас-да, генерал! Сиз ҳукумат эмассиз. Сиз — ҳокимиятсиз!» Кечқурунлари домино ўйнаб ўтириб, зерикиб ўлай дерди, ҳатто энг пихини ёрган уста ўйинчилар ҳам уни зериктириб юборишарди. Зеро қандай найранг, қандай пистирма қилмасин, барибир биронта ўйинни ҳам ютқазиб имкони бўлмасди. Тушлик овқатини ҳам бир соатлар кутишга мажбур эди, зеро овқатни текширувчилар то ҳар бир лўқмани синовдан ўтказмагунларича уни столга ўтқизмас эдилар. Унинг яшириб қўйган жойларидаги асаллари гойиб бўлди. У Саенс де ла Баррага шикоят қилди: «— Бу лангати қандай ҳокимият бўлди? Мен шундай ҳокимиятни деганмидим?» Бунга Саенс де ла Барра ахир бошқача ҳокимият бўлмайди, деб жавоб қайтарарди. «— Бирдан-бир мумкин бўлгани мана шу бори, генерал!» Ул нурафшон замонларда мисли якшанба бозори каби гавжум, баравж жаннат бўлган боргоҳнинг ҳаёти бамисоли беҳуш уйқуга гарқ эди, бу янги ҳаётда у қўлини нимага уришни билмасди, фақат ҳар куни тушдан сўнг соат тўрт бўлишини интизорлик билан кутарди, соат тўртда маҳаллий радио орқали бериладиган бахтсиз муҳаббат ҳақидаги романнинг навбатдаги бобларини қўйиб ўшитарди. У ҳар янги бобни ўз ҳалинчак тўшагида ётганча, қўлида ичилмаган бир стакан мева шарбатини тутганча, қанда қилмай ўшитар, кўзларида ёш ҳалқаланарди. Навбатдаги бобни тинглаб, романнинг аёл қаҳрамони ўша ёшгина қиз ўлармикин, ўлмасмикин деб изтироб чекарди. Хосе Игнасио Саенс де ла Барра унинг учун суриштириб билди ва айтиб берди: «— Ҳа, генерал, у қиз ўлар экан». «— Ундай бўлса айтинг, ўлмасин-е, падарига! — буюрди у. — Яшасин-е романнинг охиригача, эрга тегсин, бир этак бола туғсин, кейин ҳамма одамларга ўхшаб қариб-чириб юрсин!» Шундан сўнг Саенс де ла Барра генерал ҳокимиятининг ҳузурини кўрсин деб, асарни қайта кўриб чиқишни айтди. Шундан эътиборан радиоқаҳрамонларнинг ҳеч бири унинг ижозатисиз ўлмайдиган бўлди. Унинг хоҳиш-иродасига кўра бир-бирларини яхши кўрмайдиган йигит-қизлар никоҳ ўқитадиган бўлишди, аввалги бобларда жони узилган персонажлар кейинги бобларда тирилишди, унинг хоҳиш-иродаси бўйича; салбий қаҳрамонлар олдиндан жазоланишди, барча ижобий қаҳрамонлар бахт-саодатга эришишди, бинобарин, бахтга унинг буйруғи билан эришилди; шулар боис у ўзини нима биландир машғул бўлаётгандай, ҳаётини қандайдир маъно-мазмун билан тўлдираётгандай сезарди, зеро, кўп вақтлардан буён қўлини нима ишга уришини билмасди; у кечқурун говгумда қўлида фонар чироқ кўтариб ўз мулкларини айланаркан, кимдир аллақачон сигирларнинг емини бериб қўйган ва президент гвардияси турадиган хоналардаги чироқларни ўчирган, кимдир барча хизматчиларни ухлаб дам олишга жўнатган ва мулозимлар бари ухлаб қолишган бўлиб чиқарди. Ошхоналар топ-тоза ярақлар, поллар ювилган, гўшт майдаланадиган кундалар қиртишлаб тозаланган, тозаловчи дорилар суртилган бўларди. Кимдир унинг барча талабларини олдиндан билиб адо этарди; бундан ҳам ортиқ, аллаким деразаларнинг лўқидонларини тушириб ёлган ва барча кабинетларнинг эшикларини қулфлаб беркитган, ҳолбуки, барча эшикларнинг калитлари фақат унда, фақат унинг ўзидагина сақланарди. У ўчирмоқчи бўлиб қўл чўзгунча ташқи эшикдан то ётоқхонасининг эшигигача бўлган йўлакдаги барча чироқлар бирин-сирин ўз-ўзидан ўчарди, у қоронғида ойналарда ўз аксини кўрмай аросатдаги ҳукмдор каби оғир оёқларини судраб босар, ҳеч ким унинг юлдуз қадамларини кўрмасин деб, орқасидан қора бахмал қопчиққа солинган олтин нағалини илаштира борарди. Деразалар ёнидан ўтаётганда ҳамон ўша денгизни, январ ойидаги Қариб денгизини кўрарди. Унга у йигирма уч маротаба қаради ва йигирма уч маротаба ҳам у ўша доим январ ойида бўладиган денгиз эди — у юзини тилларанг бақатўнлар қоплаган ботқоқликка ўхшарди. Ҳамма ойларида, ҳар бир оқшом мана шундай бўларди ва ўша август оқшомида ҳам мана шундай эди. Қоронғуда оёғини судраб босиб ётоғи томон бораркан, Бендисйон Алварадонинг хонасига қараб ўтди. Бу ерда ҳамон тувакда лимон ўт, аллақачонлар ўлиб кетган қушларнинг қафаслари турар, онаси охириги ойларида оғриб ётган, тириклайин чириган

ва жон таслим этган азоб-уқубатлар тўшаги ҳам ҳамон шу ерда эди. «Хайрли тун, она», — дея гўлдиради у, гарчи унга узоқ замонлардан буён: «— Хайрли тун, ўғлим, худо ёринг бўлсин», — деб жавоб айтадиган кимса бўлмаса ҳам. Онанинг хос хонасидан чиқиб у ўз ётоғи сари кетди, қўлидаги ўша-ўша мабодо қочишга тўғри келадиган бўлса асқотадиган чироқ билан йўлини ёритиб борди. Бирдан у қўрқинчдан қақшаб, тўхтаб қолди, ҳов нарида қоронғиликда чироқнинг шуъласи Лорд Кёхелнинг қорачиғларига тушиб, оловли чўғ каки этди. Эркалар сепадиган атир ҳиди анқиди ва генерал бу ҳидни тарқатаётган зотнинг амр қувватини ҳис этди, генерал ўз қўрқинчига бўлган нафратини жонида туйди. «Ким бу?» — деб қичқирди у, гарчи унинг кимлигини аниқ билиб турган бўлса ҳам; тантанавор либослар кийган Хосе Игнасио Саенс де ла Барра боргоҳга бугун тарихий кеча эканлигини эслатгани қадам ранжида қилган эди. «— Ўн иккинчи август, генерал! Улуғ сана! Сизнинг ҳокимият тепасига келганингизга роса юз тўлди! Шунинг учун, генерал, бутун дунёдан меҳмонлар ташриф буюришган. Бўлмаса-чи! Ҳаёт энг узоқ давом этганда ҳам, бундай байрамда фақат бир маротаба қатнашиш мумкин. Бугун мамлакат байрам қиляпти, сиз нима қилиб юрибсиз?» У Хосе Игнасио қанча ялиниб-ёлвормасин, кўндириш учун қанча ҳаракат қилмасин, ушбу байрам кечасини гулдурос қарсақлар ва халқнинг алангали муҳаббати шуълаларига кўмилиб ўтказишни истамади ва одатдагига қараганда барвақтроқ ётоғига кириб, ичкаридан эшикни уч бора қулфлаб, уч бора тамбасини тушириб, уч бора занжир солди, ҳеч қандай белгилари бўлмаган дағал уст-боши, чап этигидаги олтин ниқтов нағали билан қуруқ ерга юзтубан тушиб ётди, ёстикдай қафтларига юзини босди ва шу ҳолатда тек қотди. Ўз вақтида биз уни калхатлар чўқиб ташлаган, қурт-қумурсқа ҳамда денгиз ости сув ўтлари босган ҳолда топган эдик — ҳозир ҳам у ўзининг мана шу азалий ҳолатида ётарди — уйқусизликнинг юмилмас қора чўғларини босган қоронғилик туманлариаро олислардан келаётган байрам мушакбозликлари гулдурослари, шодиёна мусиқа садолари, кўнғироқларнинг хуррам жаранглари қулоғига элас-элас чалинар, уни кўкларга кўтариб шарафлаётган, селдай оқаётган одамлар издиҳомини эшитар, аммо бу шараф унинг шарафи эмасди. Буларни эшитиб у махзун бўлишдан кўра кўпроқ ҳайрону лол бўлиб, гўлдираб кўярди: «— Вой қисматимнинг онаси Бендисейон Алварадо! Ўша вақтдан бери юз йил ўтиб кетибди! Хувори вақтнинг ўтишини қаранг».

Шундай қилиб, бу унинг ўзи эди, шу ерда эди, йўқ, энди бу унинг шериги эмас, у қабуллар залида, банкет столи устида ётарди, худди ўлган пападай улуғвор ва серҳашам либосларга, ранго-ранг гулларга бурканган эди, агар булар орасида ўзи ўзини кўрса эди, эҳтимол, танимас эди — ахир у илгари бир бора ўлиб кўрган ва бир бора мана шу зиёфат столида ётиб ириб-чириган эди — мана яна ҳаётлик чоғларига қараганда ҳам қўрқинчлироқ бўлиб ўлиб ётибди, ичига пахта текилган ипак қўлқоплари шийшган, унинг товусдай товланган ярақироқ тантанавор мундири мўйсафиднинг кўксини янада чорсироқ кўрсатади, кўкраги сон-саноқсиз нишонлар, тамғалар билан худди совутдек қопланган — бу мукофотларни у устомон ва сурбет малайлари тўқиб чиқарган ҳавойи шоколад урушларда қозонган хаёлий галабалари учун олган — сўл этагида ниқтов олтин нағали, елкаларида Коинот Генералининг ўнта маъюс юлдузи (уни ўлимдан ҳам юқорироқ кўтариш учун охирги дамда шошилинч тарзда унга ушбу унвон тақдим этилмиш эди), — четдан қараган одамга у мана шундай оппа-очиқ ётарди. Шунинг учун биринчи маротаба унинг бор эканлигига ҳеч қандай шубҳа-иштибо туғилмади, аслида ҳаммага кўрсатиш учун қўйилган мана шу мурдачалик ҳеч кимса унга оз ўхшамас, ҳеч кимса ундан беҳад-беҳисоб йироқ эмасди, милтиллаб ёнаётган шамларнинг ёруғида у худди қизариб-бўзариб бораётганга ўхшарди. Биз эса қўшни ҳукумат кенгаши залида тун бўйи расмий бюллетеннинг ахбороти устида, ҳар бир сўз устида бош қотирардик — биз бу ахборотнинг тўғрилигига ҳали охиригача ўзимиз ҳам ишониб-ишонмасдик. «— Мен ҳарбий юк машиналарининг босинқи

овозидан уйғониб кетдим. Думалоқ кўк темир қалпоқ кийган аскарлар елкаларидаги автоматлари ва аслаҳа-анжомларининг оғирлигидан қадрларини буккан ҳолда кичик-кичик гуруҳларга бўлиниб кимсасиз йўлақлардан ўтиб боришар, бино йўлақларига яширинишар, чорраҳаларда тўхтаб туришар, давлат идоралари эшиклари олдида ушланиб қолишарди; баъзилари савдо расталари арклари остига сумбалари қуёшда ярқираган қуролларини олдиларига шай қилиб ётишарди, бошқа бирлари эса — буни мен ўз кўзим билан кўрдим — оғир пулемётларини вице-қирол маҳалласи биноларининг томларига олиб чиқишарди, мен ҳозиргина ҳовлидан ҳали ҳўл чиннигулларни узиб чиққан эдим, гулларни солиб қўйиш учун нарса қидириб балконнинг эшигини очган эдим, дарҳол дағал вағир-вуғур овозлар ва дўпир-дўпир оёқ товушларини эшитдим — лейтенант бошчилигидаги соқчилар дам у эшик-дам бу эшикни қаттиқ-қаттиқ тақиллатиб, энди-энди очилаётган дўконларни дарҳол ёпишни талаб қилишарди. «— Юқорининг буйруғи! Бугун — миллий байрам» Мен лейтенантга битта чинни гулни отдим-да, нима бўляпти ўзи, деб сўрадим, кўчаларда мунча кўп аскарлар нима қилиб юришибди, мунча шовқин-сурон солишади. Мен ирғитган гулни сакраб тутиб олди-да, аввалига елкасини қисди: «— Жонгинам, биз ўзимиз ҳам нималигини билмаймиз», — деди. Кейин менга кўзини қисиб қўйди-да, тўхтовсиз хахолаб кулганча бақирди: «— Балки мурдага жон битгандир, а?» Бу тахминнинг ҳеч бир ажабланидиган жойи йўқ эди. Аксинча, бизга унинг ер юзидаги тирик ҳаётининг охири жуда ҳам ҳайратомуз ва англаб бўлмас бир нарса каби туюларди ва биз унинг шунча йиллардан бери давлат ишларини ўз ҳолига ташлаб қўйиб, мана энди тирилиб яна ҳукмронлик жилловини ўз қўлига маҳкам олганига чиппа-чин ишонишимиз ҳеч гап эмасди — назаримизда у яна ҳар қачонгидан ҳам тирикроқ эди — яна қўланкага ўхшаб кўринган Ҳокимият Уйининг узундан-узоқ гилам поёндозларида унинг кенг ялпоқ товонларининг шипиллаган овози эшитиларди; бу ерда худди бир маҳаллардай яна таниш пуфакмонанд чироқлар ёнди; биз бошқа бир аллаким эмас, фақат у де Армас майдонидаги ёрилиб ётган тош плиталар орасидан чиққан майса-қўкатларни чимдиб юрган эринчоқ сигирларни ҳайдаб чиқарганига лаққа тушиб ишонишимиз ҳеч гап эмасди; биз, шунингдек, сўлғин пальма соясидаги тош плиталар устида ўтирган кўр чол туёқларни аскар этиклари деб ўйлаганини ҳам табиий ҳол деб қарардик, кўчаларда дўпир-дўпир ҳамон эшитилиб турар ва кўр чол бу орада ўлимни енгиб, уйга ғалаба билан қайтган бахтиёр валломат ҳақида шеър ўқий бошлаган эди. У қулатилган тош санамларнинг ташландиқ маъбади узра чирмашиб ётган хина гулларни бамайлихотир пишиллаб ямлаётган сигирларга қўларини чўзганча ҳаприқиб, ҳаяжонланиб ўқирди; овқат қидириб, сарой зиналаридан дам тушиб, дам чиқишга ўрганиб қолган сигирларга бу ер маъқул кўриниб, улар оқ-қизил раъно гуллардан чамбарлар таққан мана шу санамлар ва Миллий театрнинг хароба биносини безаган лираларда осилиб турган маймунлар орасида яшашарди. Улар ташналикдан ўртаниб вице-қирол маҳалласининг салқин, нимқоронги йўлақларига шовқин-сурон билан қасир-қусур қилиб кириб боришар, бу ерларда бирданига ўнлаб гултуваклар ағдарилиб тушиб сингандай шарақлаган овозлар чиқар ва шу заҳоти қизиб кетган тумшукларини ҳовлидаги ҳовузга ботирардилар. Лекин улар қанча ичмасин, уларни ҳайдаб юборишга бирон кимса журъат этмас, чунки сигирларнинг сагирлари ва буқаларнинг бўйинларида президент тамғасининг излари аниқ-тиниқ кўриниб турарди. Бу ҳайвонлар муқаддас эди, ҳатто аскарлар ҳам савдо расталарининг тор ва айлана кўчаларида уларга йўл берардилар. Бу кўча аллақачонлар ўзининг аввалги байрамона қувноқлиги ва шайтоний улугвор жозибасини йўқотган, йиллар ўтиши билан худди синдириб ташланган қовурғалардай шпангоутлар<sup>1</sup>, вақт емириб ташлаган бушприт<sup>2</sup> ва мачталар, ҳеч кимга кераги бўлмаган абзал-

<sup>1</sup> Ш п а н г о у т — кема борти қопламасини мустаҳкамловчи кўндаланг қовурғаси.

<sup>2</sup> Б у ш п р и т — кеманинг бурун қисмидаги елканлар мустаҳкамланидиган устун.

анжомларга айланган эдилар, улар сассиқ қўлмақларда чириб ётар эдилар, илгарилар ҳам денгиз бўлган ва юк кемалар тўғри савдо расталари олдида тўхтайдиган вақтларда — бу ерда янги тутилган балиқлар ва мевасабзавотлар сотиларди; бўм-бўш раста дўконлари ачимсиқ ёмон ҳид билан тўла эди — бу ерда бир маҳаллар — у эндигина президент бўлиб ўтирган кезлар — ҳиндиларнинг бозори жуда қизирди; кейин ҳиндилар унга раҳмат ҳам айтмай кетиб қолишди. «— Шимилтириқни ебсанлар! — деб қичқирди уларнинг орқасидан қариларча тоқатсизлик ва газабга миниб. — Жўнаниг ўша англизларингизга, ахлатларини тозаланг!» Лекин бу сўзларни улар эшитишмади; уларнинг ўрнини сеҳрли туморлар, илон чаққанга даво бўладиган малҳамлар сотувчи сайёр бозоргонлар эгаллади, ёнидаги чирик ахлатлар билан тўла ташландиқ жойда эса кичкина каталак уйчалар пайдо бўлди, улар ичкаридан пар девор билан тор хоначаларга ажратилган эди, уларда кун-тун сийқа патефон лаппақларининг зерикарли хириллаган овози ва ижарага бериладиган фаҳш каравотларининг тинмай ғирчиллаши эшитилиб турарди. Даранглаган жом садоси миллий мотам бошланганидан дарак бериши замоноқ аскарлар буларнинг барини милтиқ кўндоқлари билан бузиб ташладилар. Ҳа, ким нима демасин, бу ҳақиқий маънодаги мотам эди ва қайғу ҳам самимий эди, зеро биз узоқ вақт илҳақ бўлиб кутган унинг ўлими кўп нарсаларга бизнинг кўзимизни очди. Ҳа, у ўзининг қиролларга хос касалларидан бирига учраб жон таслим қилишини роса умидсизлик ва ночорлик ичида маҳтал бўлиб кутдик, неча-неча марталаб унинг ўлими ҳақидаги шивир-шивир хабарларни, кейин уларнинг яна неча-неча марталаб ёлғонга чиққанлигини эшитдик, қачон бу ҳақиқатга айланаркин деб зор-интизор бўлдик ва бу орада ўзимиз ҳам тугадик, ёниб-куйиб адо бўлдик, мана энди ҳам унинг батамом, узил-кесил кетганига ишонмадик, бунга ҳақиқатан ишончимиз комил бўлмагани учун эмас, балки юрагимизнинг тубида бундай бўлишини истамас эдик. Биз бундан кейин қандай яшашимизни тасаввур қилолмасдик, усиз умуман ҳаёт қандай давом этишини билмасдик — бизнинг ҳаётимизда у шу қадар беҳад катта ўринни ишғол қилган экан. «— Бу инсон менинг ҳаётимда қанчалар катта маънога эга бўлганини айтиб адо қилолмайман, менинг ёшим ўн иккида, шу ёшимда у менга шунчалар лаззат-фароғатга тўла бахт ато этдики, бундай бахтни кейин менга биронта ҳам эркак ато этолмади, ато этолмайди ҳам! Уни ферманинг кичкина дарчасидан оҳиста мўралаб турган пайтидан буён эслаб қолдим, у биз кичкина қизчаларни шунчалар ташналик билан томоша қиларди, биз матросча ёқалик кўк кўйлақчаларда мактабдан роса соат бешда чиқардик, у бизнинг хипчагина белларимизга пишиқ қилиб ўрилган жамалак сочларимиз илондек тўлғониб тушиб турганлигини кўриб шавқ ўтида ёниб пичирларди: «— Онажонгинам Бендисйон Алварадо, бу тайлоқчалар нақадар мазали!» Биз кўрардик унинг кўзлари оч термулганини, у йиртиқ қўлқопдаги бармоқларида элчи Фоурбис юборган чиройли идишчани қисмлаб, дам-бадам уни юқорига кўтариб, бизни эшитсин деб силкитар, идишча ичидаги ялпизи обакилар тиқирларди. Биз барибир юзимизни буриб қочиб кетардик. Фақат бир марта ҳеч ким қарамаётганига ишонч ҳосил қилгач, мен секин дарча олдига беркиниб бордим ва чиройли рангли идишчага қўлимни чўздим — обакиларнинг ширқиллаши менинг ақлу ҳушимни олиб кўйди. У менинг қўлимни маҳкам ва майин ушлади, мени худди шердек юмшоқ кўтариб олди ва ҳеч қаеримни огритмай дарчадан ичкарига олди, шунчалар эҳтиётлаб, авайлаб кўтардики, мактабга киядиган кўйлагимнинг биронта жойи эзилмади. Кейин у мени хашақлар устига ётқизди, хашақдан ўткир шиптир ҳиди келарди, кейин менга нимадир демоқчи бўлиб оғзини очди; тили худди танглайга ёпишиб қолгандай эди, у мендан ҳам баттар кўрқиб кетганга ўхшайди деб ўйладим. Юраги шунчалар қаттиқ гурсиллаб урардики, кўкрагига чип ёпишган кўйлаги устидан унинг зарбалари шундоқ кўриниб турарди. Унинг ранги ўчган, кўзларида ёш гилтиларди, кейин мен билан бирга бўлган эркакларнинг биронтасида бундай ёшни кўрмадим. Унинг чайир бармоқлари титраб турган баданимни силарди —

шунчалар куч, шунчалар истак ва шунчалар майинликни кейин мен ҳеч қачон учратмадим. Унинг бармоқлари қорнимдан юқорига ўрмалар, титраб қисимлардики, улар остида кўкрагимнинг гунчалари гул-гул очилаётганлигини ҳис қилардим, гарам устида тоқатсизланиб қимирлардим ва нотаниш эркакнинг тер ҳиди анқиган, унинг жиққа ҳўл кўйлагига маҳкам ёпишардим. Кейин унга элчи Бейлдричнинг обакилари ҳам керак бўлмай қолди — энди мен ўзим сигирхона деразасидан ошаб тушардим, бу одамнинг кучоқларида ўзимнинг тўлишиб, камолга етаётганимдан қувонардим. Бу кишининг кўзлари маъюс, юраги соғлом эди, у мени бир сават нозу неъматлар билан гарамхонада кутарди. У менинг ҳидимни яхши кўрар ва менинг ўзимни бу ҳидларни севишга ўргатарди. У биз ейдиган таомларга ҳам менинг ҳидим ва чиқитларим сингиб кетишини жуда ёқтирарди. «— Сен ширинсан, — деб пичирларди у менга, — сендан портнинг мазаси келади... Мен сенинг обиятингда пиширилган, сенинг тузинг кўшилган буйрагингни егим келади...» У ҳар оқшом баданимни бошимдан оёғимгача пийпалаб чиқар, унинг ўз ҳирси-эҳтиросининг ўткир қалампири ва лавр япроғи билан тотли қилар, мени алангали гулхайриларнинг оҳиста ёнган ўтида қайнатар — бизнинг хаёлий муҳаббатимизнинг ҳар оқшоми ана шундай кечар, лекин унинг келажаги йўқ эди. У менга таом едирар ва ўзи ҳам кекса одамнинг ҳирси ва саҳоватига монанд кўшилиб ерди. Мен ундан сўнг мени оғушига олган кўп шошқалоқ, ҳиссиз зиқна пирларни кўрдим, лекин улар ичида унингдек эҳтиросли ва ундай сахий зотни ҳеч учратмадим. Биз бир-биримизга росалик тўйган чоғларда сигирлар бизни сўлакай ва ғадир тиллари билан яламоқчи бўлишар, у шундай пайтлар сигирларни нари италаб, ўзи ҳақида, баъзан дунёдан жуда ҳам безиб кетиши ҳақида оҳиста сўзларди, дунёни бор-е деб ташлаб кетгим келади, дерди. У менинг ачинишимни ҳам истамасди, шикоят ҳам қилмасди, худди ўзи билан ўзи гаплашаётгандай бўларди. Менга унинг ичида даҳшатли бир сукунат бордай ва бу сукунатни фақат даҳшатли чинқириқ билангина очиш мумкиндай туюларди. Аммо унинг овози равон жаранглар ва чайир кўллари яна баданимда чанқоқ ўрмалай бошлар, яна чапдаст ва толмас чавандоздай отга минарди — у менинг борлигимнинг бирдан-бир маъносига айланиб қолган эди. Мен ўн тўртга ҳам тўлдим. Бир куни уйимизга елкасидаги погонлари йирик юлдузларга тўла иккита ҳарбий киши келди. Улар эски олтин тангалар билан лиқ тўлдирилган иккита чамадон келтиришди. Ярим кечаси мени ва ота-онамни чет элнинг кемасига чиқаришди. Шу тариқа чет элга бориб қолдим ва узоқ йиллар унинг ўлганлиги хабарини эшитмагунча ўша ерларда яшадим. Мен ўзимнинг зерикарли ҳаётимда унинг кучоқларини эслаб минг бора ўлиб тирилдим, аммо у буни билмай кетди. Минг бора дунёда ундан ҳам яхши эркак бормикин деб дуч келганининг кучоғига кирдим, лекин нафрат билан юзимни бурдим, чунки уларнинг бари унинг олдида судралган шиллиқ кўртга ўхшарди. Мен ҳар хил эркаклардан бир этак бола орттириб, ёшлигимни йўқотиб, адойи тамом бўлиб қайтиб келдим, ўзимни доим болаларни ундан орттирдим деб ишонтирдим, ўлаётганда мени ҳам зигирча бўлсин эсладимикин деган андак умидим ҳам йўқ эмасди...» Аммо генерал у ферма деразасида кўринмай қолган иккинчи куниеқ уни мутлақо унутган, кейин бошқа бирини имлаб чақирган, кейин яна бошқасини, кейин яна... ҳар оқшом аҳвол шу эди, чунки ўша вақтда у бир хил кийим кийган мактаб қизларининг фарқига бориши қийин эди; назарида ҳаммаси бир-бирига ўхшарди, улар унинг ёнидан бир гала мовий қушчалар каби ўтишар, унга бигиздай тилларини чиқариб кўрсатишар, қари эшак деб ғашига тегиб хахолаб кулишар ва элчи Римпелмейернинг обакилари шиқирлаган чиройли кутичага қиё қараб қўйишарди. У уларни чақирар, дарчадан кўтариб олар, буниси кечагими ёки бошқасими — суриштириб ўтирмасди, уларнинг бари унинг учун матросча ёқали кўк кўйлак кийган битта хилқат эди. У кўзларини ярим юмиб, элчи Штреймбергнинг бир тусдаги зерикарли гапларини қулоғи ёнидан ўтказиб юбораркан, шу хаёлларга берилиб ўзида ширин бир толгинлик туйди. Элчи унга электр кучайтиргичли зўр бир

граммофон совга қилган эди (у анов ит қараб ўтирганга жуда ўхшарди<sup>1</sup>) Бунда у мамлакатга тегишли денгиз сувларини катта қарзни тўлаш ҳисобига бериб юбориш тўғрисида қўйилаётган қаттиқ талабларни ҳар доим эшитиб турсин, деганга ўхшаш маъно ҳам йўқ эмасди. У бу талаблар ва унинг атрофидаги гапларни ёддан билар ва шунинг учун ҳар доим битта жавобни канда қилмай такрорларди: «— Шимилтириқ демайсизми, азизим Стивенсон! Нима сўрасангиз сўранг, фақат денгизни сўраманг».

Шундан сўнг у томирнинг овози ўчсин деб, мурватини бураб қўярди. Унинг иқтисод ва молия ишларини яхши идрок қилувчи одамлари бунинг маъноси нима эканлигини оҳанжама қилмай, гапни кўп чуватмай тушунтириб беришган, яна буни қайта-қайта тилга олган билан ёғи чиқармиди. «— Ширияланғочмиз, жаноб генерал, тўлайдиган бир тийин ҳам пулимиз йўқ!» Дарвоқе, хазина бўм-бўш, барча заҳиралар тасарруф этилиб, мамлакат қарз ҳисобига кун кечираётганлигини ўзи ҳам биларди. Мустақиллик учун урушлар пайтидаги қарзларни тўлаш учун аввал заём олди, кейин муддати ўтган тўловларнинг фоизларини қоплаш учун яна кетма-кет заёмлар олинаверди, кейин фоизларнинг фоизларини тўлаш гали келди, барибир, сира пулни етказиб бўлмас, улар ўрнини босадиган нимадир бериш керак бўлар, қарз берувчиларнинг қаҳр-газабларини нима биландир босиб туришга тўғри келарди: хина ва тамаки монополия қилиб Англияга берилди; каучук ва какао голландларга ўтди; темир йўл қуриш концессияси ва сув йўлларини ишлатиш — немисларга қолди; ҳамма-ҳаммасини бегона чет эл гринголарига очиқ ва ошкора беришга тўғри келди — албатта, бунинг катта қисми яширинча! берилди. Бу шунчалар маҳфий тарзда амалга оширилган эдики, ҳатто айрим маҳфий битимларни у Хосе Игнасио Саенс де ла Барра гавго-тўполон билан асфалософилинга учраб, ҳамманинг кўз ўнгида қатл этилгандан кейингина билди — худонинг марҳамати билан жаҳаннам ўтида мангу ёнсин! Лекин барибир «бизнинг бошқа иложимиз йўқ, жаноб генерал!» — деган гапни эшитарди молия министрининг оғзидан анов зикра Гамбург банкчилари унинг ҳиқилдоғидан бўғиб олганларидан кейин уларга тўловларни кечиктириш тўғрисида буйруқ берган ўша оғир йилдан буёнига. Ўшанда немис эскадраси портни қамал қилди, инглиз зирҳли кемаси эса ҳеч қутилмаганда рейдда пайдо бўлиб, бир бора огоҳлантирувчи тўп отди ва жоменинг қуббасини учуриб юборди. Аммо уларнинг замбаракларидан кўрқиб ўтирмади. «— Инглиз қиролига ҳалигимни қўйдим! Йўқолсин кайзер! Улсам ўламанки, таслим бўлмайман!» — деб бўкирди у охириги дамда ҳаммаси қўлдан кетгандай бўлиб кўринганда, унга ёрдамга етиб келган элчи Чарлз У. Трейколер томонидан кутқариб қолинди, бинобарин, элчи худди унга ўхшаб домино ўйини деса, ўзини томдан ташларди. Уни элчи қилиб юборган мамлакатнинг ҳукумати генералнинг Европа мамлакатлари олдидаги мажбуриятларини ўз кафолатига олди, бунинг эвазига бизнинг тоғ-кон бойликларимизни муддатсиз тасарруф этиш ҳуқуқига эга бўлди. Ўшандан бери биз қашшоқ бўлиб қолдик, мангу тиланчига айландик. «— Биз ҳатто ичингиздан кийган иштонингизни ҳам қарзга олганмиз, жаноб генерал!» Лекин у бундан заррача ҳижолат чекмасди ва у навбатдаги элчини улугворлик билан пиллапоягача кузатиб қўяр — одатда, барча элчилар аср пайти соат бешлардан бошлаб у билан валақлашиб ўтиришарди. — Кейин у хайрлашаркан, элчининг елкасига дўстона қоқиб қўярди: «— Нима, бу сизга, шимилтириқми, азизим Бейкстер! Улсам ўламанки, денгизни бермайман!»

Ҳамма тўланмаган қарзлардан кўра ҳам уни президент саройининг мозорга ўхшаб ҳувиллаб жимжит бўлиб қолгани қаттиқроқ ранжитарди. Булар бари лаънати Хосе Игнасио Саенс де ла Барранинг касофати туфайли рўй берди, у шум қадам олий ишонччи оқламади, ҳақиқатан чопилиши керак бўлган каллаларни чопмай ҳамма бекорчи бошларни чопди — Летисия Насарено билан унинг боласини ҳалок қилган бадкорлар эса ҳамон

<sup>1</sup> Граммофон лаппақларига туширилган фирма белгиси: граммофон эшитаётган ит тасвири.



топилгани йўқ. У тўтиларнинг тумшугини очиб қанча шифобахш малҳамлар томизмасин, миқ этиб оғиз очишмасди, қўшни мактабнинг ўқувчи қизлари кўк бутоқда ўтирган митти қушча ҳақидаги қўшиқни ҳам айтмай қўйишди. Булардан етаётган озорларни унутиш керак эди ва унинг бугун туриш-турмуши кўкраклари худди гўр лиму мевасидай кичкина ва қаттиқ ўқувчи қизни зор-интизор кутиш ва у билан ўйнашга кетадиган бўлди. У кўм-кўк сўрилар остига ўрнатилган стол атрофида ёлғиз ўзи ўтириб узоқ овқатланар, вақтини ёлғизликда ўтказар, пешин чоғининг жазирама ҳовурида ширин мудроқ уйқуга чўмар, қўнглини шунчалар ром этган телевизион филмни ўтказиб юбормаслик учун дам-бадам кўзини очарди. Бу филмда ҳеч нарса ҳаётга ўхшамасди, лекин у ҳақиқий ҳаётни кўряпман, деб ишонарди, лоақал ҳаёт, менинг назаримда, мана шундай бўлиши керак эди, деб ўйлар ва бундан жуда ҳам хурсанд бўларди, довруқ қозонган ва қўли ҳаммаёққа етадиган бу одам ўзини ҳамма нарсани биламан деб ҳисобларди, ҳолбуки, ишлар бошқачароқ эди. Хосе Игнасио Саенс де ла Барра замонларидан эътиборан биз унинг радиоласига махсус мўлжалланган эшиттиришлар тайёрлай бошладик, кейин ёпиқ телевизион канални ишга туширдик, энди унинг телевизорининг экранида фақат унинг диди ва хоҳишига мос филмлар кўрсатилар ёхуд филмлар шунга мослаб ўзгартирилди. Бу филмларда фақат бадкирдорлар ҳалок бўлишар, муҳаббат ўлимни енгар, ҳаёт худди денгиз шаббодасидай енгил ва ёқимли эди, у эса булардан мутлақо беҳабар эди. Биз ҳаммасини тушунардик. Фақат адоғи йўқ қариллик даврида кўп йиллар бахтли юрсин, матросча ёқали кўк кўйлак кийган қалтираган қизчаларни кўксига босиб овунсин, таскин топсин деб, уни кўзимизни лўқ қилганча алдардик. Аммо кунлардан бир кун у тасодифан уларнинг бировидан сўраб қолибди: «— Сени мактабда нималарга ўқитишади?» «— Унга мен ростини айтиб бердим: «Мени ҳеч нарсага ўқитишмайди, сенйор, мен ахир портнинг фоҳишасиман». У дарҳол чамаси бошқача тушундиммикин деб ўйлаб мени сўзларимни такрорлашга мажбур қилди. Шунда мен унга бўгин-бўгин қилиб такрорладим: Мен мактаб ўқувчиси эмасман, портда юрадиган фо-ҳи-ша-ман, дедим. Мени қовоқхонада ушлаб олишди, қатрон совун ва сочиқ билан тозалаб ювишди, кейин манави матросча ёқали кўк кўйлакни кийдиришди, оёғимга яхши қизчаларнинг пайпоқчаларини илдим. Кейин ҳар куни кечки пайт унинг деразаси олдида чопқиллаб ўтишни буюришди. Мен бир ўзим эмасдим. Ёнимда менга ўхшаган бошқа суюқоёқлар ҳам чопқиллашарди. Уларни ҳам санитар полицияси ёллаб ювиб-тараб, худди мана шунақа мактаб кийимларини кийдириб, оёқларига болакайларнинг пойабзалларини бериб, от ёлидан улама сочлар улатиб жўнатишарди. — Мана, қаранг! — бу уламани оппа-осон қадаб қўйса бўлади. Бизга ожиз, ночор, тентак чолдан кўрқиб ўтирманглар, дейишди. Унинг кўлидан ҳеч нарса келмайди. Докторга ўхшаб ечинтириб қарайди, холос. Балки яна андаккина қўллари билан ушлаб, сиқиб, силаб-сийпалаб кўяр — қисқаси, сизнинг олдингизга келганда сиз қиладиган шу ишларни айтишди-да, жаноб генерал, — деб бирма-бир оқизмай-томизмай айтиб бердим унга, — биз олдингизда фақат кўзимизни хуморли сузиб, худди ишқингизда ўлиб қолаётгандай бўлиб: «О, муҳаббатим... О, муҳаббатим...» деб эркаланиб, нози фироқ қилиб шивирлашимиз керак эди. Мен сизга доим шундай деб шивирлайман, сиз буни жуда ҳам яхши кўрасиз. Бизни аввалига роса машқ қилдиришди, бир неча маротабалаб такрорлатишди, кейин озроқ пул беришди, шунча бошоғриғига сариқ чақа тўлашади; санитар солиғи билан сержантга бериладиган ҳақини чиқариб ташлагандан кейин қўлимизда ўпкаси тушган шу тўрт песо кўриб кетгур қолади. Орқангдан шунча сўба уриб, олдингдан шунча банан еганингдан кейин шуни адолатдан деб бўладими асти! Шуларнинг барини тумрайган чолнинг юзига тўкиб солдим. У гапларимни киприк қоқмай эшитди».

«— Онажоним Бендисйон Алварадо, — деб ўйларди у, — нима учун менга бунча жазо?» Бироқ юракдан ўртанаётганини у на бир оғиз сўз ва на бир имо-ишора билан билдирди. У атроф-тумонатни айлантириб аҳвол-

вазиятни аниқлашга киришди, тафсилотларни суриштирди ва тез орада шу нарсаларни билдики, Ҳокимият Уйи билан ёнма-ён жойлашган хотин-қизлар мактабини кўп йиллар бурун ёпишган экан. Епископнинг оқ фотиҳаси билан маориф министри энг баобрў ва давлатманд хонадонларнинг бошлиқлари билан тил бириктириб денгиз соҳилида уч қаватли янги мактаб қуришга маблағ ажратган, бу ерда, албатта, ушбу такаббурларнинг қизчалари тумтайган, қўли қаттиқ ва ҳар ерга етадиган авроқчи чолнинг васваларидан ишончли тарзда муҳофаза этилган эди. Мана энди бу чолнинг қайла ичида тумшугини юқорига қилиб сузиб юрадиган сабало балигига ўхшайдиган жасади қаршимизда банкет столида ётарди. Ўлик тусга кириб оқариб ётарди. Сўлиган гулхайрилар ва кимсасиз саҳродаги ой ўпқонларининг ранги мана шундай оқариб туради, бу бизнинг усиз отган илк тонгимизнинг ранги эди. Оппоқ гулларга ўралиб ётаркан, у ниҳоят озод бўлган эди, мутлақ ҳукмронлигидан қутулган эди, неча-неча замонлар унинг асоратида яшашдан халос бўлганди. Гарчи манави Ҳокимият Уйи деб аталган зиндон, тирик президентлар учун аталган марқадда ким кимнинг асоратида эканини аниқлаш ўта мушкул эди! Бир пайтлар бу мақбар, яъники, боргоҳни хўжайиннинг розилигини сўраб ўтирмаёқ қайта таъмирлай бошлаган, уни ичи ва ташқарисини қандайдир ўлимтик оқ ранга бўяб чиқаётганларида, у – хўжайин хоналар ва йўлакларда оромини йўқотиб, сарсари кезинар, уни ҳеч ким танимас ва шунинг учун қичқириб уришардилар: «– Ҳой, сенйор, нима қиласиз оёқ остида ўралишиб, қочинг, бўялган жойни расво қиласиз!» Шунда у янги бўялган деворларга тегиб кетмаслик учун эҳтиётини қилиб нари жўнарди. Унга яна бақаришарди: «– Ҳой, сенйор, пастга тушманг, ҳавоза қулаб, бошингиз ёрилади!» Шунда у қобилгина бўлиб тепа қаватда қолар, қулоғи болта-болгаларнинг гурсиллаши, гишт терувчиларнинг сўкишларидан гаранг бўларди. Гишт терувчилар ҳам уни ҳоли-жонига қўйишмас, юзинг-бетинг борми, деб қараб ўтиришмасди: «– Қочсанг-чи, ҳой, қари эшшак! Лойимизнинг ҳаромини чиқарма тагин!» Шунда у индамай, оддий аскардай бўйсуниб нари кетарди. Бу бемаъни таъмирни у бошламади, лекин неча ой бу қийинчиликка миқ этмай чидади, айтишларича, бу таъмирлар унинг қулайлигини кўзлаб қилинаётган экан. У ҳар қачонгидан ҳам ёлғизроқ эди ва ўзига ўзи тегишли эмасди. У доим қўриқчиларининг назарини ўзида ҳис қилиб турарди – улар шунчалар бераҳм тикилиб қарардиларки, гўё уни қўриқлашни эмас, назорат қилишни мақсад қилиб қўйганга ўхшардилар. Ҳамма овқатларини бир-бир татиб кўришар, қарийиб ярмини паққос тушириб қўярдилар, асал идишларнинг жойларини алмаштирардилар, юрганда жирингламасин деб, олтин нағалига қопчиқ кийдириб қўярдилар – яна шуларга ўхшаш бошқа кўп эҳтиёт чораларини ҳам қўллашарди, мабодо уларни унинг эски ошнаси Сатурно Сантос кўрса борми, тоза кулган бўларди. Эрталабдан кечгача циркда ўйнайдиган япон дарвозларига ўхшаб, пижак кийиб, галстук таққан бу ўн битта каллакесар уззукун унинг атрофида ўралишиб юришар, тинмай кўк ва қизил чироқли аппаратларига қарашарди. Бу чироқлар эллик метр доирасида кимда қурол-яроқ бўлса тез-тез ўчиб ёна бошларди. Унинг кортежида еттита ҳаммаси бир хилдаги автомобил бўлиб, худди орқаларидан биров қувлаб келаётгандай учиб юришар, бир-бирларини қувиб ўтишар ва шунчалар тез ўринларини ўзгартирардиларки, унинг ўзи ҳам баъзан қайси машинада кетаётганини билмай қоларди. Бироқ калхатларни отиш қанчалик бемаъни бўлса ушбу эҳтиёткорликларнинг барчаси ҳам шунчалар бемаъни эди. У машина дарчасининг пардасини суриб ташқарига қаради, шунча йиллар дунёдан узилиб хилватда яшагандан кейин кўрдик, биронта ҳам кимса президент кортежининг қоп-қора лимузинларининг мугамбирона муттасил ўрин ўзгартириб югуришларига қайрилиб ҳам қарамасди. У ойнадан ясалган қояларга ўхшаш министрлик биноларини кўрди, улар жоме қуббаларидан юқорироқ кўтарилиб, порт атрофидаги тепаликлардаги негр маҳаллаларининг олақуроқ мингашиб ётган кулбаларини яшириб турарди. Аскар соқчилар деворга мўйқалам билан катта-катта қилиб ёзилган

аллақандай шиорни ўчиришарди. У нима ёзилган экан, деб сўради. «— Янги ватаннинг бунёдкорига шон-шарафлар бўлсин!» — деб жавоб беришди. У бошини қимирлатиб қўйди, лекин бунинг ёлгон эканини тушунди: бўлмаса ўчиришармиди. У то денгизгача чўзилиб кетган, кокос палмалари экилган, гулхоналар ясалган, одатдаги олтита хиёбондан ҳам кенгроқ хиёбонни кўрди. Бу ерлар илгари ботқоқ жойлар эди. У шаҳар чеккасида олдида антиқа усулда қурилган айвонли бир хилдаги янги кўрғон уйларни кўрди, яна амазонка усулидаги кўк боғчалар билан қуршалган қатор бўлиб турган отелларга кўзи тушди. Илгари бу ерлар ахлатхона бўлиб ётарди. Иланг-биланг йўллардан тошбақадай ғимирлаётган машиналарнинг кети кўринмасди; йўлкаларнинг офтоб раҳмсиз қиздирган томонида одамлар издиҳоми пешин қуёшидан бетоқат бўлиб судралар, йўлкаларнинг соя томонида солиқ идораларининг амалдорлари эмин-эркин сайр этишар, улар сояда юришни хоҳлаганлардан ҳам ҳақ ундиришарди — бечора авом шунинг учун ҳам офтоб тигида жизгинак бўлиб юрарди! Аммо уни ҳаммасидан ҳам ҳайратга солган нарса шу бўлдики, ҳеч ким салқин ҳаволи тобутга ўхшаган президент лимузинини кўриб кўрқиб сесканиб кетгани йўқ, ҳолбуки ундан ҳукмронликнинг зўравор тўлқинлари ёғилиб тургандай эди, ҳеч ким унинг хира кўзларини, хавотир ва ҳайроналик акс этиб қийшайган лаб-дудоқларини танигани йўқ, ҳеч ким унинг ўрмалаган, гужгон ўйнаган, ҳеч нарсани фаҳмламайдиган издиҳомни саломлаб силкинган ўша машҳур қўлларига эътибор ҳам бергани йўқ; машина уни учуриб олиб борарди, газеталар ва туморлар сотаётганлар, музқаймоқ аравачаларининг ғичирлашлари ва лотерея билетларини худди байроқчалар каби силкитаётган тарқатувчилар — мана шу кўча ҳаётининг кундалик шовқин-суронлари оралаб ўтиб борарди; бу кўча, бу издиҳомнинг салқин ҳаволи тобуту ичида тинимсиз ҳўрсиниб: «— Онажоним Бендисйон Алварато, қаранг, нима бўлди ўзи менинг шаҳримга?» — деб ўртанаётган, генерал мундиридаги чолнинг юрагидан нималар кечаётганлиги билан илло-билло сариқ чақачалик иши-ҳуши йўқ эди. Ҳақиқатан, у ҳеч ерни танимай қолди: қани анов эрсиз хотинларнинг кўчаси? Улар оқшом чоғлари кечки овқатга уч-тўртта балиқ харид қилиш учун дўконга қип-яланғоч бўлиб чиқишар, то кўйлақлари айвонларнинг дорларида қуригунча сотувчи хотинлар билан жанжал-сурон қилишарди, қани улар? Қани дўконларининг остонасига чиқиб ёзилишадиган ҳиндилар? Қани уларнинг мунгли куй-қўшиқлар айтиб, ўлимни аласлайдиган рангпар хотинлари? Қани ота-онанинг юзига оёқ қўйиб чаёнга айланган шумтака қизнинг жуда ваҳимали қилиб чизилган сурати? Қани сассиқ кўлмақларга кўмилган разил қовоқхона, исловатхоналар? Машина муюлишдан қайрилди, унинг кўзи бўйинлари улугвор қайрилган соқоқушларга тушди ва шунда унинг юраги янада қаттикроқ сиқилди: порт! Қани порт? Қани чегара бузувчиларнинг кемалари? Қани десантчилар ташлаб кетган зирҳли кема? Қайга йўқолди бу ердан анқиб турадиган тезак иси? Йўқ, афтидан, ҳақиқатан дунёга бир бало бўлганга ўхшайди, у лимузиндан тушиб вагонга чиқди, лекин бу ерда ҳам ҳеч кимса унинг қўлини — мутлақ ҳукмдорнинг қўлини, бузрук падарнинг нафис қўлини ахир наҳот ҳеч ким танимаса-я, она! Ясси тоғлар томонга янги темир йўл қурилди, мана у бу йўлни очаётган биринчи поезд вағонида боряпти, пардаси ним суриб қўйилган вагон ойнасидан кимгадир, нимагадир қўлларини силкитяпти, лекин кимга, нега, билиб бўлмайди. Поезд безгак ботқоқлар ўрнида ястанган кўм-кўк хушбўй ўтлоқлардан ўтиб боради, бир пайтлар балчиқ қушларининг оламни бузган чағирлашлари тинмайдиган шоликорликлар ортда қолади, президент тамғаси босилган сигир подалари ҳуркиб ўзини четга олади, одамнинг ақли бовар қилмас мовий гуллар гуркираб очилган водийларни кесиб ўтади, у эса мотамсаро барқут қопланган, мамлакатни сайру саёҳат қилиш учун эмас, аччиқ қисматининг жанозасигагина ярайдиган вагон купесидида ўтириб, ўзидан ғам-алам билан сўрарди: «— Қани падарлаънат менинг тўрт оёқли эски поездим? Қани бу ердаги анакондалар билан чирмашиб кетган чирмовуқлар? Қани тинмай қичқирган маймунлар? Қани фусункор сайраган

жаннат қушлари? Қани менинг ўзгармас аждарли диёрим, ўлкам, мамлакатим? Ҳаммаси қайга кетди, она?» Фақат бекатлар ва ярим бекатларда турган, бошларига шляпа кийган индамас ҳинди хотинларгина илгариги замонларни эслатарди; бу хотинлар турли махлуқлар шаклида ясалган шакар сепилган ширинликлар, димланган картошка ва товук гўшларини сотишарди. Бозор арк остида жойлашган, арк пештоқига гуллардан чамбар қилиб ёзилган шу сўзларни ўқиш мумкин эди: «Ватаннинг бузрук отасига мангу шон-шарафлар бўлсин!»

Унинг ҳамон ҳамма нарсага куч-қудрати етарди, шу билан бирга ҳеч кимса унинг айтиши тобда қаерда эканлигини билмасди, асосийси, унинг номидан ҳамма қўрқарди, зотан мамлакатда нима иш қилинмасин, бари унинг номидан қилинарди, гарчи унинг ўзи мудом нимадандир қўрқар, баъзан ўзини таъқиб этилаётган қочқиндай сезарди. «— Бунақа ҳаёт ўлимдан ҳам баттар!» — деб қичқирарди у ҳеч чидаб бўлмайд қолганда назокатли Хосе Игнасио Саенс де ла Барранинг башарасига, лекин жавобига фақат бир гапни эшитарди: «— Асло ундай эмас, генерал. Бу тартиб-интизом доирасидаги Тараққиёт!» Бундан ташқари, у мафтункор табассумлар билан оруланган махрамона ишончга тўла сўзларни ҳам эшитардики, буни фақат тасаввур қилиш мумкин. Шунда у яна нечанчи маротаба бўлсайкин, мана шу қуриб кеткур Саенс де ла Баррага бўйсунар, унинг гапига киришга мажбур бўларди, унингсиз эса ўзини бутунлай ташландиқ, ёлғиз сезарди, бўлмаса бу бераҳм жаллод узоқ уйқусиз кечаларда неча-неча бор орзуларида уни таҳқирлаб, неча-неча бор ер билан яксон этиб ташламас эди дейсиз — лекин тонгда уйқудан кўз очиб, яна унинг ҳамма нарсага ҳукмронлиги ва ҳамма нарсага бениҳоя зарурлигини ҳис етарди. Бу лаънати кўеш чиқиб турганда, лабда мафтункор кулги, етагида кўзи одамнинг кўзига, номи одамнинг номига ўхшайдиган, ўзига асиру жоду қилиб оладиган ити — ҳатто бадрафхонага ҳам бирга олиб борадиган, бир зум айрилмайдиган Лорд Кёхел билан бирга кўз ўнгида пайдо бўлганда бизнинг генералимиз шу аснодаёқ ўзининг тунги қаҳру газабларини унутар, унутибгина қолмай бу валад нима демасин, барини маъқулар ва буни заррача бўйин товламай, итоаткорона, шунчалар осон ва шоша-пиша адо етардики, кейин юрагининг тубида ўз-ўзидан даргазаб бўларди. Аммо бу норозилик узоқ чўзилмасди, Саенс де ла Барра ундаги бирон-бир ўзгаришни пайқаб қолган заҳоти, генерал дарҳол Саенсни тинчлантирар, яна ҳаммасини ўз жойига қўярди: «— Ташвиш қилманг, Начо. Ўз бурчингизни адо етинг!» Шундан кейин Хосе Игнасио Саенс де ла Барра яна ҳамма нарса устидан ҳукмрон, яна тутқич бермайдиган бўлиб ўзининг ўша қийноқлар корхонасига, ўша президент саройидан бор-йўғи беш юз қадам наридаги бир маҳаллар голландияликларнинг жиннихонаси бўлган мустамлака мейморчилигининг намунаси саналган ўша зиндонхонасига қайтарди. «— Бу иморат худди сизнинг саройингиз каби жуда катта, жаноб генерал», — дейишарди унга. Ростдан ҳам бу улкан бино бодомзорларга кўмилиб ётар, олди кўм-кўк ўтлоқ, унда дала бинафшалари чаман очилган эди; биринчи қаватда қидирув хизматлари ҳамда фуқаролик ҳолати актларини ёзиш бюроси жойлашган, бошқа қаватларда эса жаллод ҳаёлининг маккорона маҳсули бўлмиш усталик билан ясалган ваҳшиёна қийноқ асбоб-ускуналари ўрнатилганди. Генерал уларни ҳатто кўришни ҳам истамади, фақат Саенс де ла Баррани огоҳлантириб қўйди: «— Ватан олдидаги бурчингизни иложи борича яхши адо етинг, Начо, фақат эсингизда бўлсин: мен ҳеч нарсани билмайман, мен ҳеч нарсани кўрмаганман ва сизнинг идорангизда ҳеч қачон бўлмаганман!» Хосе Игнасио Саенс де ла Барра ҳурмат-этибор билан тушунадиган йигитлардек таъзим қилди ва жаноб президентнинг хоҳишларини ҳамisha инobatга олишини билдирди. Кейин бу лавант Саенс де ла Барра берган сўзининг устидан чиқди. Шунингдек, унинг беш ёшга тўлмаган болаларни жинсий аъзолар орқали ўтказиладиган ток билан қийнамаслик ҳақидаги буйруғини ҳам оғишмай адо этди. Бўлмаса бу болаларнинг ота-оналари оғизларига келган гапни қайтармай гапиришдан тоймас эдилар. Бу буйруқнинг бажарилиши устида, айниқса, қаттиқ

туришга тўғри келди, зотан ҳазрати олийлари бундай қабиҳликдан яна қаттиқ уйқусизликка дучор бўламан, деб қўрқди, лотерея воқеасида шундай бўлганлиги унинг эсида эди. Буйруқ адо этилди, лекин у барибир ўзининг ёнгинасида ваҳшат устахонаси ишлаб турганлигини сира эсдан чиқаролмади, уни эсдан чиқаришнинг иложи ҳам йўқ эди, чунки у жимжит кечаларда поездларнинг гулдираши ва момақалдироқларнинг қасир-қусуридан ўйғониб кетарди — бу гулдурос ва қалдироқлар Брукнернинг лаппакларига эзиб олинган бўлиб, қийноққа солинаётган одамларнинг дод-фарёдлари эшитилмаслиги учун қўйиларди. Бу жаҳаннам қалдириги тонг қоронғисида худди ваҳший сел келаётгандай эшитиларди, унинг ортидан қийноқлар азобхонасига тушиб қолган ёш келинларнинг никоҳ пўталарининг узук-юлуқ парчалари бодом дарахтлари шохларига илиниб қолиб оқариб кўриниб турарди, бу даҳшатли жиннихонада бир замонлар голланд савдойилари сақланарди. Ҳа, олий ҳазратлари қийноқларда азобланиб ўлаётганларнинг дод-фарёдлари ёпирилиб кириб келадиган уйқусизликдан қўрқарди ва ўзини аямай бурчини адо этаётган анов кимса, Хосе Игнасио Саенс де ла Барра доим ўйлагани ўйлаган эди. Мана шу Саенс де ла Барра деганимизнинг фақат биттагина ожиз томони бор эди: у олифта бўлиб юришни яхши кўрарди, кўкрагига жимжимадор қилиб ҳарфлар тикилган ипак кўйлақлар, энг қиммат ва чиройли оёқ кийимлар, махсус гул қутичаларда тирик очилиб турган гардения гуллари, ёрлиқларида босма нақшлар билан меросий тамга белгилари туширилган фаранг лосонларини сотиб оларди. Бошқа ҳамма нарсаларда у ўзини қаттиқ тиярди: унинг маъшуқалари йўқ эди, ҳожатбарор ва қизбет болаларга қарамасди, на дўстлари ва на ўзига тегишли уйи бор эди, у ўз ҳибсхонасида худди дарвешлардай яшар, ҳориб-чарчаб оёқдан толмагунча ишлайверар, сўнг хонасидаги диванга қуларди; у шундоқ ечинмай уст-боши билан фақат кундузи ухлар, уч соатдан ортиқ ётмас, ухлаганда эшиги тагида соқчи турмас, тўппончасини қўл остида тайёр тутмасди, уни фақат уйқу билмас Лорд Кёхел кўриқлар; оғиздан оғизга ўтиб юрган шивир-шивир гапларга қараганда у агарда янгигина боши узилган одамларнинг ҳали ҳовури чиқиб турган ичак-чавоқларини — ўзининг бирдан-бир овқатини емаса, ичи ёрилиб ўлгудай аҳволга тушарди; унинг девор орқасида нима рўй бераётганини ҳам кўриб турадиган, одамларга ўхшайдиган кўзи кимдир кабинетга яқинлашиб келаётганини сезиши билан худди аскар қозончасидаги сувдай шақиллаб қайнаб, дарҳол хўжасини уйғотарди. Яқинлашаётган кимсанинг ким бўлишининг аҳамияти йўқ эди: Саенс ҳеч кимга ишонмас ва ҳатто ўзининг ойнадаги аксига ҳам шубҳаланиб қарарди; у нима қилмасин, ҳеч ким билан маслаҳатлашиб ўтирмас, фақат сон-саноксиз агентларнинг маълумотларига асосланибгина ўзи бир қарорга келарди; Хосе Игнасио Саенс де ла Барра қўрқитиш, дўқ-пўписа ва катта-катта пул бериш эвазига бутун ер қуррасини кўзга кўринмас ўргимчак тўрлари билан ўраб олган ва шулар ёрдамида сайёрамизнинг истаган бир нуқтасида энг жўн резги қочоқ нима нафас олаётганини мамлакатда қандай катта-кичик воқеалар бўлаётганигача ҳаммасидан дарҳол хабардор бўлиб турарди. Ҳа, унинг қўли жуда очиқ эди, лекин бу давлат ҳисобига ҳам эмасди, у ўз ишига шунчалар берилган эдики, кўпинча тилчилар ва хабаркашларни ўз ёнидан пул сарфлаб сотиб оларди; бундай беғаразлик ёлғиз унгагина хос эмасди; фақат бекорчиликдан қўли бўшамайдиган эзма вайсақиларгина бурчак-бурчакларда ёлланган жаллодлар, хабаркашлар ва жосуслар жуда катта пул олади, шунинг учун ҳар қандай ишга тайёр, деб минғир-минғир қилишарди; аслида эса уларнинг аксарияти ҳеч қандай пул талаб қилмай текинга ўз хизматларини таклиф этишарди; улар ўзларининг одамларни қийнаб-қисташга уста эканликлари, кўнгилли суратда айғоқчилик қилишга ярашларини кўрсатиш, исбот қилиш учун афтидан, ҳатто ўзларини туққан оналарини ҳам нимта-нимта қилиб, қонга бўялган этини чўчқаларга емиш қилиб ташлашга ҳозир нозир эдилар. Зигирча раҳм-шафқатни билмайдиган, гайриинсонийликни қурол қилиб олган фаранг қийноқ усталари — рационалистлари қўл остида ишлаш

имкониятига эга бўлиш учун улар ўз аъло хулқлари ҳақида маълумотнома ва тавсия хатлари ўрнига қандай ёвузликларни амалга оширганликлари ҳақида далолатнома кўрсатардилар; тартиб-интизом доирасидаги Тараққиёт – мана шуларнинг – айдоқчилар ва жаллодларнинг сай-ҳаракатлари билан амалга ошмоқда эди. Уларнинг кўплари – жуда кўпчилиги тўғрисида ҳеч ким ҳеч қандай тасаввурга эга эмасди; улар қаҳвахоналар, музқаймоқхоналарнинг тегиримон парракалари остида фаромушгина салқинлаб ўтиришар, хитой ресторанчаларида газета ўқишар, арзон киноларни кўришар, автобусларда ҳомилалар аёлларга жой бўшатишар, улар электр ва сантехника устаси бўлиб олишган, пойтахт гангстерлари ва маҳаллий қароқчилар билан талай вақтлардан буён ёнма-ён истиқомат қилишар, океанларда сузадиган лайнерларда ва халқаро агентликларда хизматчи қизлар ҳамда фоҳишаларнинг қаллиқлари сифатида Кариб мамлакатлари жаннат диёрига саёҳатлар уюштиришар, Белгия Ташқи ишлар вазирининг шахсий котиби бўлиб хизмат бажаришар – худди мана шулар фитналарни таг-томири билан қуритишга, хавфли кимсаларни ўлдиришга кўмаклашар, ҳаддан ташқари жўшқин ва жасур кишиларнинг каллаларида урчиб пишаётган исёнларни улар ҳали батамом етилмай турибоқ фош қилар ва барҳам берардилар. Улар ўз ишларини ишонч билан ҳеч қандай тап тортмай бажарардилар, ҳолбуки бундай пайтда барча чинакам ватанпарварлар ушбу иблисона ишларнинг бари президентнинг хабари бўлмаган ҳолда қилинаётибди деб ишонардилар. «О, агар сиз билганингизда эди, о, фақат сиз билсайдингиз, жаноб генерал», деб хаёлан унга мурожаат этишарди улар ва хаёлан ўша даҳшатли воқеаларни такрорлашарди ва шунга чин дилдан ишонишардики, агар бизнинг сўзларимиз генералнинг қулоғига етиб борганда эди, унда Саенс де ла Барра аллақачонлар портдаги кўргон мазористонида хиёнаткорлар ичида ётиб ер остидан капалакгул бўлиб униб чиққан бўларди; аммо бир куни ниҳоят амал-тақал қилиб генерал ҳузурига кириб оқизмай-томизмай барини мардона гапириб берган фидокорлардан бири лол қолиб ёқасини ушлади: генералнинг кўзи унга ўқдай қадалди, хомкаллангизда яхшилаб уқиб олинг, деди, мен ҳеч қачон ҳеч нарсани билмаганман, билмайман ва бундан кейин ҳам билишни истамайман, мен ҳеч кимнинг тарафида эмасман, – шунда у яна фидокорга қаттиқ синовчан тикилди, – ҳеч ким билан эмасман ва ҳеч нарсани гаплашмаганман; шундан сўнг у бироз ўзига келди, лекин бу узоқ чўзилмади – унга ҳаддан ташқари кўп – қоп-қоп кесилган бошлар етиб келмоқда эди – шунчалар кўп эдики, энди у Хосе Игнасио Саенс де ла Барра шунча бошларни кесаркан, қон тўкаркан, бундан ўз шахсий гаразини кузатмайди, деб ишонмай қўйди. Унга яна шу ҳолат ҳам мутлақо ғалати ва мантиқсиз бўлиб туюлардики, у уч ҳарбий қўшин турларининг қўмондонлари ўз таҳқирли ҳолларига оппаксонлик билан миқ этмай қўнишган ва ҳатто маошларини ошириш ҳақида илтимоснома ҳам ёзишмасди. У ҳарбийлар ўртасидаги аҳволни зимдан яхшилаб аниқлашга урина бошлади: уларнинг бундай ғалати мўмин-қобил бўлиб қолганликларининг сабаби нима экан – нега улар кўзғолон кўтармаяптилар? Нега улар жуда катта ҳукмдорликка эришган анов ҳарбий бўлмаган кимсани олиб ташлашни талаб қилмаяптилар? Бир куни у уларнинг энг жасур ва энг суллоҳларини йиғиб, сўради: қуролли кучларни шон-шавкати ерга урган қонхўр жўжахўрознинг патини юлиб ташлаш пайти етмадимикин, нима дейсизлар? – деб сўради. У шу жавобни эшитиб жуда ҳайрон бўлиб қолди: «– О, асло ундаймас, жаноб генерал, сиз муболаға қияпсиз», – шундан сўнг у Тартиб-интизом доирасида Тараққиёт деб аталадиган маккорона тизимда ким кимнинг томонида-ю, ким кимга қарши эканлигининг тагига етолмай қолди. Ҳолбуки, бу Тараққиётдан анқийётган ўлакса ҳидига чидаб бўлмас ва ҳар сафар бу унга лотерея билан боғлиқ шўрлик болакайлар қисматини эслатарди. Аммо Хосе Игнасио Саенс де ла Барра жуда ҳушёр эди: у ўз ҳукмдорини чўғдай куйдирган ташвиш-хавотирларини ҳайвон ўргатувчиларга хос совуққонлик ва сабот билан бостирарди. «– Бемалол ётиб ухлайверинг, жаноб генерал, дунё – сизники!» – деб такрорлашни ҳуш кўрарди Саенс ва генерални сизга тегишли дунёда

ҳаммаси жойида, тинчлик-хотиржамлик, белгиланган тартиб-интизомни ўзгартиришнинг сира ҳожати йўқ, деб ишонтирарди, шундан сўнг ҳаёт яна аввалгидек давом этаверар, у яна аслини олганда ҳеч кимга тегишли бўлмаган, ҳаддан ташқари жонига тегиб кетган мана шу президент хилхонасининг гүристондек зулматида тентирагани-тентираган ва умидсизлик ичида ўзидан ўзи сўрагани-сўраган эди: «— Эй, падарига лаънат, мен кимман ўзи, одамманми ёки ойнадаги шарпаманми? Кимдирман ўзи, мана соат эрталабки ўн бир бўлиб қолган бўлса-ю атрофимда эса зог ҳам кўринмаса? Бу сарой саҳросида бир товук, паррихта бир товук ҳам кўринмайди?» — деб ўзи билан ўзи сўзлашаркан, ўша ўтган нурафшон замонлар ҳақидаги хотираларга бериларди, у пайтлар қуёш чиқиши билан шол-моховларнинг шовқин-суронлари қулоғига чалинар, улар сарқит таллашиб итлар билан уришишарди, сигирлар пиллапояларга хид таратиб турган чалпақларини ташлаб кетишар ва қанчадан-қанча одамлар уларга сирганиб йиқилишарди, узоқ-узоқ ерлардан уни деб келган эр ва хотин кишилар унинг олдида тиз чўкишар — жароҳатларимизни тузатиб қўйинг, болаларимизга оталик қилинг, бизни ич кетишдан қутқаринг, деб илтижо қилишар (у ўзининг салиқаси билан уларни ичбуруқдан халос қила олишига заррача иштибо қилишмасди). Улар ёлворишгани ёлворишган эди: «— Қўлингизни беринг, жаноб генерал, юрагимнинг уриши босилсин — кўксимдаги бу даҳшатли зилзилани фақат сиз тинчита оласиз!» Кейин туганмас бир ишонч билан хитоб этишарди: «— Денгизга бир қаранг, жаноб генерал, — фақат сиз кун тутилишлар зулматидан халос қила биласиз! Заминга бир назар солинг — вабо фақат сизнинг нигоҳингиздан чекингай!» Унга томон интилган минглаб одамлар уни ҳамма нарсага қудрати етади деб қаттиқ ишонишарди, хоҳласа, шамолларнинг йўлини ўзгартиради, хоҳласа, дунёни қайта бошдан қуради, агар керак бўлса, худонинг қорхонасидаги ишларга ҳам бошини қўшаверади. Унинг ўзи ҳам аста-секин бу хаёлий эътиқодга ишониб қолди ва ниманики сўрамасинлар, ҳаммасини қилди. Уларга қўлидан нима келса шуни берарди, нимани таклиф этишса, ўшани сотиб оларди, бунинг сабаби ҳаддан ташқари меҳрибон ва раҳмдил одам бўлганлиги учун эмас, сабаби шунда эдики, унга ҳаддан ортиқ ишонган, унинг куч-қудратини чин қўнғилдан шарафлаган, бор-йўқ эзгуликларини жон-дилдан куйлаганларнинг дари-дунёсига андаккина қувонч ва шодлик бағишламаслик учун одам қанчалар тошбағир бўлмоғи керак. Мана энди унга илтимос билан мурожаат этадиган биронта ҳам кимса қолмаган, унга одмигина қилиб: «— Яхши ётиб турдингизми, жаноб генерал, кунингиз хайрли бўлсин!» — деб айтадиган ҳеч ким йўқ эди. У тунлари бўладиган портлашлардан ҳам ғалати бир тасалли оларди, дераза ойналари чил-чил синиб устига сочиларди, қўшинлар ичида тоза тапир-тупур бошланарди, ўша қўпоришларда у ўзининг тирик эканлигини ҳис қиларди, мана энди бу портлашлар ҳам барҳам топди. Боргоҳни чулғаган бу ўлим сукунатидан кўра ўша гумбур-гумбурлар тузук эди, энди бу сукунатдан бошинг тарс ёрилай дейди, кечалари уйқунг қочади. Ҳа, у тўла ҳукмрон эди, лекин ҳозир деворга тушган ўз сояси ундан кучлироқ эди: у берган ёки энди бермоқчи бўлган барча фармойишлар ҳали оғзини очиб улгурмасиданоқ бажариб қўйилган бўларди, унинг миясида эндигина пишиб етилаётган яширин орзу-истаклар кимдир томонидан шиддат билан адо этилар, бу борада расмий газета ҳам хабар босиб чиқарган бўларди, у газетани, одатда, пешинги тушлик чоғида осма аргамчисида ётганча мутолаа қиларди. Унинг ҳар бир қадами, ҳар бир олган нафаси, ҳар бир истаги одам бўйи ҳарфлар билан ёзиларди. Суратларда эса у қурмоқчи бўлган, лекин бунга буйруқ беришни унутган кўприк, болаларни фақат кўча супуришга ўргатадиган мактаб ва ниҳоят ўзининг бутун нишонларию ленталарини тақиб соғин сигир ва нон дарахти ёнида тушгани тасвирланарди. У ўзига ҳам маълум бўлмаган ниманингдир тантанали очилишида лента қирқиб турарди. У ҳамон аввалгидек тинчини йўқотган, ҳувиллаган ёлғизлик боргоҳида қари филникидек йўғон оёқларини шапиллатганча изгир, йўқотмаган нарсасини изларди, зотан уни йўқотиш ҳиссиёти мудом

таъқиб қилгани-қилган эди ва яна аллаким қушларнинг қафаслари устига қора матолар ёпиб қўйганлигини кўрарди, кимдир унинг учун фермадаги сигирларни санокдан ўтказар ва унинг учун ҳар бир деразадан денгизга нигоҳ ташларди; ҳаммаси бус-бутун ва ўз жойида эди, шундан сўнг у чирогини кўтариб ётоғига жўнарди; бир куни йўлакдан ўтиб бора туриб президент гвардиясининг қоровулхонасидан келаётган ўзининг овозини эшитиб қолди, билинтирмай бориб қараб, бир гуруҳ зобитлар тутун тўла хонада телеэкранни хира ёғдусига тикилиб мудраб ўтирганларини кўрди; телеэкранда ҳам ўзи, фақат ҳозиргидан хипчароқ ва қадди-қомати расороқ. «— Аммо бу ўзим эдим, онажон!» Унинг орқа томонида давлат туғроси, олдидаги стол устида уч жуфт тилла кўзойнак, бу ўша фолбин хотиннинг башорати бўйича у ўлиши керак бўлган хона эди; у давлатда бораётган ишларни таҳлил этарди, яна шу қадар ақлли-илмий сўзларни қўллардики, падарига минг лаънат, бунақасини одам бўлиб ҳеч қачон тилга олган эмас! Бир пайтлар гулларга кўмилиб ётган ўз ўлигини кўрганда ҳам бунчалар ҳаяжонга тушмаган эди. «— Бу менинг тирик ўзим эдим, она! Яна ўз овозим билан сўзлар эдим мен-а, мен халойиқ олдида балконга чиқишни ўзимга уят санардим, халққа қараб туриб нутқ ирод этишдек шармисорликни мен ҳеч қачон енгиб ўтолмаган эдим!.. Бу мен ўзим эдим ясалмаган ҳаммага ўхшаган жайдари ўзим, она! Бу синоатни қандай ясашийкин деб карахт бўлиб қолдим!»

Бу телекўрсатувдан генерал шу қадар газаб отига миндики, узоқ замонлар давом этган салтанат ҳукмронлигида ҳам бунақаси камдан-кам бўлган. Бироқ Хосе Игнасио Саенс де ла Барра унинг ҳузурида пинагини ҳам бузмади. «— Муболаға қилиб ўтирманг, генерал, — деди Хосе Игнасио ниҳоятда тўти такаллум билан, — биз ноқонуний иш услубига қўл урдик, биз тараққиётимиз кемаси — Тартиб-интизом доирасида Тараққиётни ҳалокатдан сақлаб қолишимиз зарур эди; бу бизга кўкдан келган ваҳий, генерал, мана шунинг шарофати билан халқнинг жисму жони бўлган ҳокимиятга — сизнинг мавжудлигингизга ишончини сақлаб қолдик, генерал! Ҳар ойнинг охири чоршанбасида сиз ҳукуматнинг фаолияти ҳақида маъруза қилишингизни одамлар билишлари керак ва буни давлат телевидениеси ва радиоси орқали кўриб, эшитиб туришлари зарур, зеро бундай маъруза жамоатнинг дардларига малҳам бўлади. Мен масъулиятни ўз зиммамга оламан, генерал! Манави вазаларга қўйилган олтига кунгабоқар гули ичига олтига микрофонни мен ўрнатганман — сизнинг овоз чиқариб айтган барча фикрларингиз, сизга ҳар жума куни берган саволларимга жавобларингиз мана шу микрофонлар орқали ёзиб олинган. Менинг саволларимга берган содда-содда жавобларингиз — сизнинг ҳар ойда миллатга қарата айтадиган нутқингизнинг парчалари, ахир, сиз буни тасаввурингизга ҳам келтирмас эдингиз! Лекин мен яна шуни ҳам алоҳида таъкидлаб айтмоқчиманки, сизнинг асл тасвирингиз бўлмаган биронта ҳам сурат ва сизнинг ўз оғзингиздан чиқмаган биронта ҳам гайрисўз ишлатилмаган бу ерда! Мана бунга ўзингиз ишонч ҳосил қилишингиз мумкин — мана кинотасмалар ва мана грамёзувлар!» шундан сўнг Хосе Игнасио Саенс де ла Барра унинг столига кинотасмалар ва лаппакларни қўйди ва бўлиб ўтган ишнинг тушунтириши ёзилган қоғозни берди. «— Мен бу қоғозга сизнинг қошингизда туриб, имзо чекаман, генерал, тақдирим сизнинг қўлингизда, қандай ҳал қилсангиз, ўз ихтиёрингиз!» шунда у Хосе Игнасио Саенс де ла Баррага ажабсиниб тикилиб қолди — Хосе Игнасио унинг ҳузурига биринчи марта ўз итини етакламай, қуролсиз, ранги-қути қум ўчган ҳолда кирганлигига эътибор қилди-да, хўрсиниб, шундай деди: «— Майли, Начо, ўз бурчингизни адо этинг». Шунда у ҳар қачонгидан ҳам қартайиброқ кўриниб, поёнсиз бир ҳорғинлик билан юмшоқ ўриндиққа суянди ва суратлардаги қаҳрамонларнинг сотқин кўзларига тикилди, унинг нигоҳи ҳар қачонгидан кўра ортиқ маҳзунроқ ва хафароқ эди, чеҳрасида эса ҳеч қачон англаб-билиб бўлмас ниятларнинг азалий бир ифодаси қоғоз қолган эди. Хосе Игнасио Саенс де ла Барра икки ҳафта ўтгандан кейин унинг ҳузурига доberman итини тизимчаси билан судраганча хонасига руҳсатсиз



кириб борганида худди мана шу тошдай қотиб қолган чеҳрани кўрди. «— Шошилинич хабар, олий ҳазратлари! Қуролли қўзғолонга тайёргарлик кўрилмоқда. Фақат сиз унинг олдини ололасиз!» Ана шунда генерал ниҳоят бу одамнинг девордай мустаҳкам, сеҳр-жодудай сирли қалбидаги ўзи кўп йиллардан бери қидирган ҳеч тузатиб бўлмас дарз-ёриқни кўришга муяссар бўлди: «Онагинам Бендисйон Алварато менинг қасдим-интиқомим, — деди у ўзига ўзи, — қаранг, бу занчалишнинг рангида қон қолмабди, кўрққанидан ичи ўтиб кетяпти!» Бироқ у Саенс де ла Баррани оталарча гамхўрлик шуълалари билан йўргакларкан, юзи қилт этмади, на қасд қилган ниятлари ва на кўнглидан ўтган хаёлларни билдирди: «— Ташвиш қилма, Начо, ҳали вақтимиз бемалол, ҳеч ким бизга ҳақиқат, чин ҳақиқат қаерда эканлигини каллалаб олишимизга халал беролмайди, падарига лаънат. Ҳамма хабар бир-биридан баттар, бир-биридан қоронғи, уларнинг олдида ўтакетган ёлгон чинга ўхшайди!» Генералнинг бу жумласига қулоқ тутаркан, Саенс де ла Барра тўхтовсиз чўнтак соатига боқарди: «— Соат етти бўлиб қолди, генерал! Учала қўшин турлари қўмондонлари ўз оила даврасида, хотин-бола-чақалари билан бирга овқатни тугатишяпти. Ҳатто оила аъзоларини ҳам шубҳалантирмаслик учун улар уйда овқатланишяпти, улар уйдан кишилиқ кийимида, соқчиларни ҳам олмай орқа эшикдан чиқишади, бу ерда уларни телефон қилиб чақирилган хизмат машиналари кутяпти, улар шу йўл билан бизнинг кузатувчиларимизни чалгитишмоқчи; бироқ уларнинг ҳайдовчилари — бизнинг кишиларимиз, генерал, улар буни хаёлларига ҳам келтирмайдилар!» «— Ўхў! — деди генерал ва кулиб қўйди. — Ҳалеб бундай ҳаяжонланаверманг, Начо. Менга, яхшиси, тушунтириб беринг-чи, агар бизнинг душманларимиз аскарлардан, рўйхат бўйича кесилган бошлардан кўра кўп бўлса, қандай қилиб шу пайтгача ўз каллангизни омон сақлаб келдингиз?» Аммо Саенс де ла Барра фақат ўз чўнтак соатининг эшитилар-эшитилмас чиқиллашигагина қулоқ осмоқда эди, зеро унинг зарблари муаллақ осилиб турган ҳаёт дақиқаларини санаётгандай эди: «— Уч соатдан кам вақт қолди, генерал! Шу тобда қуруқликдаги қўшинлар қўмондони Конде казармасига йўл олди, ҳарбий-денгиз кучлари қўмондони — портдаги қалъага боряпти, ҳаво кучлари қўмондони — Сан-Херонимо базасига кетяпти. Уларни ҳозир ҳам қўлга олса бўлади, ҳар бировининг орқасидан изма-из миллий хавфсизликнинг фургони боряпти, у мева-сабзавот ташийдиган машина каби ниқобланган». Бироқ генерал зигирча пинагини бузмасди, у Хосе Игнасионинг тобора кучайиб бораётган хавотирлари ўзини бу зотнинг хизмати миннатидан халос қилаётганлигини сезиб турар, дарвоқе, бу хизмат унинг ҳукуматпарастлигидан кўра ҳам шафқатсизроқ эди. «— Тинчланинг, Начо, — дерди у, — ўзингизни босинг. Менга тушунтириб беринг-чи, нега сиз ўзингизга худди кемадек катта қўрғон олмадингиз? Агар сизни пул қизиқтирмаса, нега бунча ҳўкиздай ишлайсиз? Нега ёш аскарлардай казармада яшайсиз? Ваҳоланки, мен биламан, энг яхши хотинларнинг иштонлари сизни кўрганда тушиб кетади, бир кечагина бўлса ҳам сиз билан бир тўшакда ётишни хоҳлашади! Нима, сиз зоҳидлардан ҳам авлиёроқмисиз, Начо?» Аммо Хосе Игнасио Саенс де ла Баррага ҳаво етишмай нафаси бўғилди, вужудини муздай совуқ тер босди, бу ер кремация ўти ёниб турган жаҳаннамга ўхшаб қолди, аммо у буни сездирмади. «— Соат ўн бир бўлди, — деди у, — вақтни бой бердик! Худди мана шу дақиқаларда қўзғолон бошланганлиги ҳақидаги шартли сигнални мамлакатнинг барча гарнизонларига узатишмоқда!» Ушбу дақиқаларда аҳвол айни шундай эди: исён кўтарган генераллар янги ҳукмрон хунтанинг расмий суратини олдириш учун тантанали мундирларини кийиб нишонларини тақардилар. Душманнинг кимлиги тайини бўлмаган бу жангда исёнчи генералларнинг адъютантлари улар номидан сўнгги буйруқларни бермоқда эдилар — бутун жанговар ҳаракатлар шундан иборат бўлдики, қуролли кучлар энг муҳим ҳукумат биолари билан алоқа маркази устидан назорат ўрнатди. Президентнинг кабинетида эса барқутдай Лорд Кёхел хавф-хатарни сезиб, баданидаги мушаклари учганча қақдини ростлади, унинг осилиб

қолган пастки жағидан панжаларига битмас-туганмас кўзёши каби сўлаги узун ип каби илиниб қолди. Олий ҳазратлари бунга парво ҳам қилмади. «— Қўрқманг, Начо, — деди генерал, — яхшиси, менга тушунтириб берингчи, сиз нега бунча ўлимдан қўрқасиз?» Шунда Хосе Игнасио Саенс де ла Барра бўйнидан жиққа ҳўл бўлган целлулоид ёқасини юлиб олди, шунда унинг опера қўшиқчилариники каби башараси тошдай қотди. «— Бу табиий, — деди у, — ўлим олдидаги қўрқув — яшаш бахтининг ёниб турган лаққа чўғи. У сизга бегона, шунинг учун унинг нималигини сиз ҳис қилмайсиз, генерал!» Шундан сўнг у одати бўйича калисода чалинаётган жом садоларини бирма-бир санаб борди-да, сўнг ўрнидан қўзғалди: «— Ўн икки! Ҳаммаси тугади! Бу дунёда сизнинг ёнингизни оладиган битта ҳам жон қолмади. Мен уларнинг энг охиргисиман, генерал!» Аммо генерал де Армас майдонининг тош ётқизилган саҳнидан ерни ларзага солиб гулдираб бораётган танкларнинг оғир шовқинини эшитмагунча ўз ўтирган ерида қимирламади. Танкларнинг гувиллашлари қулоғига киргандан сўнг, у кулди: «— Сиз янглишасиз, Начо, менинг ҳали халқим бор». Чиндан ҳам бу шундай эди. Унинг ҳали халқи, мангу бечора халқи бор эди, у ақл бовар қилмас мўйсафиднинг ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаган нидоси билан ҳали тонг ёришмаёқ кўчаларга ёғилиб чиққанди. У давлат радиоси ва телевидениеси орқали бутун миллатга қарата мурожаат қилди, қандай сиёсий қарашларга эга бўлмасин, барча ватанпарварларни бирлашишга чақирди, сўнг қуролли кучларнинг учала қўмондони унинг шахсий кўрсатмасини адо этиб, салтанатнинг ўзгармас идеалларидан илҳомланиб, ҳар қачонгидай халқнинг дахлсиз иродасини ифодалаб мана шу тарихий кечада қонхўр жаллоднинг манфур террор идорасини тугатдилар, жинояткор халқнинг ҳақ газабига дучор бўлди, деб эълон қилди. Хосе Игнасио Саенс де ла Барра де Армас майдонининг фонарига оёғидан осилди, жинсий аъзолари кесиб олиниб, оғзига тиқиб қўйилди, жаноб генерал, сиз олдиндан кўриб айтганингиздай биз ҳорижий мамлакатларнинг элчихоналари жойлашган шаҳар қисмини қуршаб олдик ва буйруғингизни тўла-тўқис бажардик. Қонхўр жаллоднинг биронта элчихонага қочиб беркинадиган ва сиёсий бошпана сўрайдиган йўллари батамом тўсиб қўйилди. Халқ уни осидан илгари тошбўрон қилди, аммо бундан аввалроқ биз ваҳший итни отиб галвир қилиб ташладик, шунга қарамай у тўртта фуқаронинг ичак-чавоғини ағдар-тўнтар қилди, тўртта аскарни тишлаб оғир жароҳат етказди — разил одамхўрнинг қалъасини ҳужум қилиб олаётганимизда ана шу ҳодиса рўй берди, одамлар қонхўрнинг уясидан янгигина, фабрика ёрлиқлари осилган икки юзта мато нимчасини деразадан ташқарига улоқтирдилар, ҳали бирор марта ҳам кийилмаган уч мингта Италия пойабзалини чиқариб олдилар, қаранг, уч мингта, жаноб генерал! Мана, давлат маблағларини нимага сарфлаган! — қанчалаб гардения гуллари солинган қутиларни айтмайсизми — олифта доим ёқасига гардения гулини қадаб юрарди — яна жазо-қидирув партитуралари ёзилган сон-саноқсиз Брукнер лаппаклари денг! Кейин одамлар ертўлалардан маҳбусларни озод қилишди ва собиқ Голландия жиннихонасининг қийноқхоналарига ўт қўйишди. Улар тинмай: «— Яшасин генерал, яшасин чинакам эр! Яшасин ҳақиқатнинг додини берган ҳақиқий инсон!» — деб бақаришарди. Ахир, ҳамманинг ишончи комил эди. — Сиз бу ишларни билмагансиз, жаноб генерал. Сиз юксак кўкларда учиб юргансиз, хавфсизлик хизматидаги қабиҳ жаллодлар сизнинг оққўнгилигингиздан ўз машъум ниятларида фойдаланиб келишган, биз сизнинг мададингизда қўзғолон пайтида уларни каламушдек бирма-бир тутдик, сиз жаллодларни дахлсизликдан маҳрум қилиш ҳақида буйруқ бердингиз, уларга ёрдам беришни ман этдингиз, одамлар қасд олиб аламдан чиқсин, дедингиз. Ахир хавфсизлик хизмати ҳамма нарсага ҳукмрон бўлган узоқ йиллар давомида халқнинг бошига нималар тушмади дейсиз.

У халқ оммасининг бутун хатти-ҳаракатини маъқуллади. «— Маъқул!» — деди. У шодиёна урилган жомларнинг садоларидан, эркни куйлаган қўшиқлардан, де Армас майдонига йиғилган одамларнинг ундан беҳад

миннатдор бўлиб шод-хуррам қичқиришларидан қаттиқ мутаассир бўлди. Одамлар майдонда улкан алвонлар кўтаришган, уларда: «Худойим! Бизни зўравонлик зулматидан халос этган энг улуғларнинг энг улуғи бўлган зотни ўзинг асрагайсан!» деб ёзилганди. Жомлар садоси ва одамлар издиҳомининг гувиллаши унга узоқ нурафшон йилларни эслатиб юборди, гарчи бу воқеалар у замонларнинг фақат олис бир рўёси каби кўринарди, у кўча садолари ва гулувларига қулоқ осаркан, ўз боргоҳида синалган зобитларни ййғи, улар унинг ҳокимиятидан қўллик кишанларини чил-парчин қилиб олиб ташлашга ёрдам беришди. У тўлқинланиб кетиб бармогининг бир ишораси билан ушбу зобитлардан ўз қалтироқ салтанатининг охирги олий қўмондонлигини тузди. Улар Летисия Насарено ва болакайнинг асл қотиллари бўлмиш генералларнинг ўрнига тайинландилар. Қотиллар ҳорижий мамлакатларнинг элчихоналари олдида сиёсий бошпана олмоқчи бўлиб турганларида тунги ички кийимларда қўлга олинди. Бироқ, у уларнинг биронтасини ҳам танимади, номларини ҳам эслолмади, бир маҳаллар у юрагимдаги ғазаб ва қаҳр учқунларини то ўлғунимча асрайман, деб аҳд қилганди, мана энди энг муҳими, юрагидан ўша учқунларни кидириб, таҳқирланган ориятдан бошқа ҳеч нима топмади, у ҳам ёниб кулга айланиб бўлган эди — бу кул уюмидан аланга чиқараман деб беҳуда уринишга ҳожат қолмаган эди — аланга чиқмас эди! «— Йўқолсин ҳаммаси!» — буюрди у, шундан сўнг одамқуш генералларни кемага ўтқизиб, улар ҳеч кимга керак бўлмаган ва ҳеч ким эсламайдиган ерга жўнатди, шўрлик занчалишлар! У янги ҳукуматнинг илк мажлисини ўтказаркан, кўнглида шуни аниқ ҳис қилардики, манави бари янги асрнинг янги наслининг сара нусхалари — ўша-ўша олис замонлардаги қурби йўқ кўксини чанг босган камзуллар остида яширган жайдари министрларнинг баайни ўзи, фақат манов янгилар ановлардан кўра шуҳратпарастроқ, улардан кўра кўрқоқроқ ва лаганбардорроқ, олдингиларга қараганда бемаънироқ ва бефойдароқ эдилар, ҳолбуки буюқда ташқи қарз ақл бовар қилмас даражага етган, тўла тушқунликка учраган қайғу салтанатида сотишга яроқли жами нарсаларнинг қийматидан ҳам ортиқроқ эди. «— Темир йўлнинг охирги поезди ясситоғларда тубсиз жарга, орхидеялар чангалзорига кулади, жаноб генерал. Унинг юмшоқ ўриндиқларида қоплонлар мудраб ётибди, доқиюнусдан қолган чархпалакли кеманинг вайрона парчалари шолиторларнинг балчиқларига ботган, бу кема олиб бораётган хатлар почта халталарида чириб кетди, омон қолган бир жуфт Стеллер сигири<sup>1</sup> президент қаютасининг ойнаванд саҳнида биланглаб юришибди, гўзал сиреналар тугармикимиз деб ҳўб уринишади, лекин — пуч!

Ва фақат сизгина булардан беҳабарсиз, жаноб генерал! Албатта, сиз Тартиб-интизом доирасидаги Тараққиётга осонгина ишондингиз, фақат сиз учун биргина нусхада чиқариладиган расмий газетани ўқишдан нарига ўтмадингиз, борлиқ ҳаёт билан алоқаларингиз шунинг ўзигина билан чекланиб қолди, шу газетада фақат сизга маъқул маълумотлар, сизга ёқадиган суратлар ва реклама эълонлари босилар, улар сизни кўнгил сўст кетадиган, роҳат-фароғат оламларига ундар, ахир бу дунё сизнинг ҳар кунги одми тушлик чоғидаги ҳаётингиздан кўра бошқачароқ эди-да!»

«Балки шундай бўлса бордир, кейин мен ўз кўзларим билан кўриб шунга ишондимки, ҳукуматнинг ойнаванд юксак бинолари ортида порт атрофларидаги тепаликларда олақуроқ негр қулбалари сочилиб ётарди, то денгиз соҳилигача чўзилган хиёбонларга ўтқазилган палма дарахтлари ва шунингдек, сохтаклассицизм усулида қурилган кўргон-қовлиларнинг устунли айвонлари бизнинг сон-саноқсиз довулларимиз вайронага айлантирган харобазорларни кўздан яшириб турарди, темир йўлнинг икки томонига қурилган гулхоналар эса президент вағони ойнасидан дунё менинг нигоҳимга гўзалроқ бўлиб кўринсин деб қилинган эди бамисоли суоқли онажоним Бендисйон Алварадонинг кўримсиз қушчаларни бўяб улардан зарғалдоқ ясашига ўхшаб!» Бир пайтлар нурафшон замонларда генерал Родриго де Агилар унга ёқиш учун уни алдарди, Летисия Насарено эса уни яхши кўргани учун эмас, балки ачингани учун ортиқча ташвишга

<sup>1</sup> Стеллер сигири — XX асрда йўқолиб кетган денгиз сўт эмизувчиси.

ботирмаслик учун уни алдарди, янги ҳамтовоқлар эса бундай эмас, унга ёқиш учун алдамайдилар, балки уни ўз ҳокимиятининг батамом қулига айлантиришни кўзлаб алдайдилар, у кексалик иллатларига бошдан-оёқ ботиб шундай нарсага айланди ҳам, ҳовлидаги сейба дарахтининг қуюқ соясида аргамчи тўшагида ётиб у бу иллатга тобора чуқурроқ ботиб бормоқда. Бари ёлгон, рўё ва хулё эди, ҳатто кўк бутада ўтириб сайраётган кулранг қушча қўшиғини куйлаган мактаб қизчалари ҳам рўё эди, атрофдаги ҳаммаси хаёл. «— Ҳаёт эмас бу, шимилтириқ!» Бу ёлгон рўёларни юрагига яқин олмасликка тиришди, борлиқ ҳаёт билан келишиш, муроса қилишга уринди, у мамлакатда ишлаб чиқариладиган, хина ва бошқа дори-дармонлар корхоналарини тиклаш ҳақида фармон чиқарди, бу давлатнинг гуллаб-яшнаши учун зарур эди, бироқ воқеалик ҳар қалай сира ҳам кутмаган ишлар билан тўлиб-тошиб ётарди. У дунё шунчалар ўзгаради деб ўйламаган, дунёда унга тобе, унга боғлиқ бўлмаган алланималар ҳам борлигига ҳисоб бермаган эди. «— Қандайдир саноатни тиклаш ҳақида нима гап бўлиши мумкин, жаноб генерал, агар бизни битта ҳам хино дарахтимиз қолмаган бўлса, какао ҳам қолмади, индиго ҳам қолмади, бизнинг шахсий бойликларимиздан бошқа ҳеч нарса қолмаган, бу бойликлар беҳисоб, лекин улар сояда қолиб хароб бўляпти!» Шунга қарамай у бундан хабардор бўлгач, ўзини йўқотиб қўймади ва эски элчи Рауксберига писанда йўсинида бир хат ёзиб юборди, у бир қўл домино ўйнаб туриб қандай бўлмасин халос бўлиш йўлини кўрсатар, деб умид қилди. Аммо элчидан унга пайров йўсинида шундай жавоб бўлди: «Сизнинг бу ниятингиздан шимилтириқ ҳам чиқмайди, олий ҳазратлари! Мана бу мамлакатнинг бари сариқ чақага арзимади, албатта, ёлғиз денгизгина бундан мустасно. У шунчалар тиниқ ва одамнинг иштаҳасини шунчалар кўзгамоқдаки, бутун дунёга етадиган чавақ балиқ шўрвасини пишириш учун унинг тагидаги ўз ўчоғига ўт ёқишгина қолди. Шундай экан, олий ҳазратлари, яхшилаб ўйланг, биз денгизни қарз тўловлари ҳисобига қабул қилишимиз мумкин, акс ҳолда сизга ўхшаган уддабурон қаҳрамонларнинг юзта авлоди келса ҳам бу қарзларни қоплашга қурби етмайди, олий ҳазратлари!» У элчи Рауксберининг таклифига жиддий эътибор бериб ўтирмади ва уни пиллапоягача кузатиб қўяркан, шу нарсаларни хаёлидан ўтказди: «Онажоним Бендисён Алварато, ўзингиз бир қаранг-а, бу гринголарнинг ваҳшийлигини! Бутун бошли битта денгизни ютиб юборишдан бошқа нарса йўқ хаёлларида!» У одатдагидай меҳмоннинг елкасига қоқиб у билан хайрлашди ва яна ўзи билан ўзи ёлғиз қолди, туман босган ясси тоғларнинг юпқа ҳарир булутларига хаёли чулғанди, улар ичида сарсари кезди, зеро атрофи бўм-бўш ҳувиллаб ётарди; одамлар издиҳомлари де Армас майдонини тарк этди, ўзлари билан бирга андозага солинган плакатлар ва идоралар томонидан тарқатилган бир тусдаги шиорларни олиб кетишди, уларни ишончли жойга беркитиб қўйишади, мабодо куни кечагиндай ҳодисалар рўй бергудай бўлса, яна улардан фойдаланишади; аскар болалар гулдурас қарсақлар орасидаги қисқа танаффусларда текин овқат ва ичкилик тарқатишни тўхтатганларидан сўнг одамлар издиҳоми тарқади, де Армас майдонида кимса қолмади, сарой ҳам кимсасиз ҳувилларди, ҳолбуки у дарвозаларни ёпмасликни буюрган эди, майли, истаган одам истаган вақтида кириб кўрсин, бир замонлар бу ер ҳамманинг ўз уйи эди, мотам идораси эмас! Лекин у бутунлай ёлғиз эмасди, зеро унинг кўр, шол, моховлари яна қайтиб келишганди, булар ўша-ўша Ҳокимият Уйи деворлари тагида йилларча яшаган кўр, шол, моховлар эди, булар ўша-ўша Деметрио Алдоус Байтулмақаддас дарвозалари тагида офтоб тигида ўтириб тахаюл дунёларидан ўтказган кўр, шол, моховлар эдики, улар қанча қиргин қилинмасин, йўқотилмасин, яна худди илгаригидай қайтиб келаётганликлари унинг кўнгил кўзгусида аниқ кўринган эди; ҳа, булар бу ҳокимият маконига эртами-кечми, барибир яна албатта қайтажакларини доим билардилар ва тақдирнинг барча зарбаларини бошидан кечирган, энг шафқатсиз ҳирсу ҳаволарга ҳам бўйсунмаган, ўзи мангу бўлганлиги боис, унутилмоқнинг барча маккор тузоқларига чап берган зотнинг қўлидан

даво топиш учун малҳам туз тиланишларини билардилар. Шундай, Деметрио Алдоуснинг кўз ўнгидан ўтган хаюло рўёбга чиқди: тонгги сут соғишдан кейин фермадан қайтаркан, генерал мана шу ёр-биродарларни яна кўришга муяссар бўлди; ахёрлар синиқ гишт парчаларидан қандайдир ўчоқлар ясаб, тунука консерва қутиларида алланечук чиқит-чиқиндилардан овқат қайнатишарди. Ахёрлар яра-чақа маразларидан оққан заҳарли иркитлардан қорайиб кетган тўшама шолчаларини муаттар ҳидлар таратган атиргуллар буталари остига тўшаб уларда оёқларини кўтариб, қўлларини қовуштириб ётишарди, бутун ҳовли улар билан тўла эди. Генерал уларга овқат пишириш учун ҳақиқий ўчоқ қуриб беришни буюрди, уларга янги шолчалар сотиб олиб берди, ахёрлар Ҳокимият Уйига тарқалиб кетмасин деб, ҳовлининг ичкарасида уларга палма япроқларидан шийпон қуриб беришни айтди. Лекин бирон кун йўқ эдики, дам у, дам бу моховни қабуллар уйидаги эроний гиламларда ағанаб ётмаган ҳолда топишса, боргоҳ хоналарида биронта адашиб туртиниб-суртиниб юрмаган бўлса, аллақандай шоллар зиналардан йиқилиб тил тортмай ўлмаса; у моховлар кирмасин, деворларга суяниб, суркалишиб уларда йиринг ва балғам изларини қолдиришмасин деб, эшикларни беркитиб юришни буюрди, аммо у бутун боргоҳдан карбол ҳиди келиб туришини истамасди, чунки санитария хизмати барча хоналарни карбол кислотаси сепиб тозаларди; бироқ моховлар, кўрлар ва шоллар уларни қанча ҳайдашмасин, барибир Ҳокимият Уйига, боргоҳ ичкарасига кириб бораверишар, зеро уларни лиқиллаб қолган қари мўйсафиднинг мўъжизакор малҳамлари даво бўлади, деган қадим ёввойи кўр-кўрона ишонч ўз ҳолларига қўймасди, ҳолбуки, падарнинг ўзидан энди ҳеч ким ҳеч нарса кутмасди, у эса худди ойкезикдай ўз хотираси ботқоғининг оқ буғлари ичра туртини, пайпаслана кезинар, ҳар қайдаги дуч келган ёриқ, тирқишларга ўраб-тиқиб ташланган ёзувлар битилган парча қоғозларни топиб ўқир, аргамчи тўшагида соатлаб ётиб, қуриб кеткур янги келган элчи Фишерга қандай қилиб чап беришни ўйларди, зеро янги элчи мамлакатда сариқ безгак касали кенг тарқалмоқда, деб эълон қилишни қаттиқ туриб талаб этмоқда эди. Элчининг буни талаб қилаётганининг сабаби шунда эдики, агар эпидемия эълон қилинса, бу албатта, элчи мансуб мамлакатнинг кемаларидан денгиз пиёдаларини десант қилиб киритишга имконият яратарди; ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартномага мувофиқ денгиз пиёдалари номаълум бир муддатга — бизнинг ўлиб бораётган мамлакатимизни янгидан тирилтириш учун зарур бўлган муддатга киритилиши кўзда тутилди. Унинг нима қилсамикин деб боши қотарди. Ҳокимиятнинг дастлабки йилларини эсларди, ўша пайтлар у эпидемия баҳонасида ўз зиммасига фавқулодда ваколатлар олган ва хавфли галаёнларнинг олдини олиш учун ҳарбий шароит қонун-қоидаларини жорий этган эди. Аммо ўшанда у сариқ безгак деб эмас, мамлакатда ўлат тарқалди, деб эълон қилди. Маёқ узра сариқ байроқ кўтарилди, порт ёпилди, якшанба кунлари бекор қилинди, марҳумлар устида йиғи-сиғи, таъзия маросимлари ўтказиш, кўмаётганда мотам мусиқалари чалиш тақиқланди; қуроли кучлар президентнинг фавқулодда чораларини бажаришга ташланди ва юқумли касалга чалинганлар қисматини ўзлари билганча ҳал қилиш ҳуқуқига эга бўлдилар — энгларига санитария боғичини боғлаган аскар болалар турли табақага мансуб кишиларни ҳаммининг кўз ўнгида қатл этардилар, ҳокимиятдан норози деб гумон қилинган одамларнинг уйларининг эшикларига қизил доира чизиб белги қўяр, жиноятчилар, акабачча хотинлар ва гиёҳванд бангиларнинг манглайига ҳам худди қорамолдек махсус белги чизардилар. Элчи Митчеллнинг талабига кўра етиб келган санитар ёрдами миссияси эса президент саройи хизматчиларини ўлат юқисидан сақлаш билан шуғуллана бошлади. Санитария миссияси ердан чала болакайларнинг ахлатини йиғиштириб олишар, лупага солиб қарашар, бунинг отини анализ деб аташарди; сув тўлдирилган идишларга дезинфекция дорилари солишар, лабораторияда турли махлуқларга аллақандай бемаъни аталалар беришарди, генерал эса кула-кула тилмочлар орқали уларга айтарди: «— Мистерлар, бунча тентак бўлманглар, ахир, бу ерда сизлардан бошқа ҳеч қандай юқумли

касал йўқ!» Аммо улар шундай жавоб қилишарди: «— Йўқ, касал бор, олий ҳазратлари! Унинг борлигига юқоридан буйруқ олганмиз. Буйруқ бўйича у бўлиши керак!» Шундан сўнг улар худди мисга ўхшаб кетадиган аллақандай кўкимтир ва қуюқ дори тайёрлашди, мана шу ярамас малҳамни саройга ким келмасин, барига бошдан-оёқ суртиб чиқишар, арзийдими, арзимайдими, ҳеч кимнинг юзига, мавқеига қараб ўтиришмас, барча президент қабулига келган кишилар белгиланган бир масофада туришлари керак эди; у зал ичкарисиди ўтирар, бу ерга ташриф буюрганларнинг нафаси эмас, фақат товушигина етиб келарди, у энг юқори мартабали яланғоч кишилар билан ишларни овози борича қичқариб муҳокама қиларди. Улар остона ёқасида туриб бир қўлларини кўтариб унга мурожаат этардилар: «— Олий ҳазратлари!» — иккинчи қўллари билан эса ярамас малҳам суртилган ночор осилиб турган олатларини тўсардилар — битта одамни касалдан сақлаш учун мана шундай ишлар қилинарди; у эса уйқусизликдан қийналиб ётиб бу касални ўйлаб чиқарган эди. Бутун кулфатнинг ёйилишини миридан сиригача тўқиб, ишлаб чиққан эди; эшитганда одамларни оғир қалтироқ босадиган хабарларни тарқатди ва одамларни қиймат қойим башоратларига ишонишга мажбур этди ва буларнинг барини одамлар қанча кам тушунса, шунча кўп қўрқадди, деган ишонч-этиқоддан келиб чиқиб қилди. Қўрқанидан ранги ўчиб кетган адъютантларидан бири унинг олдида гоз туриб маълумот бераркан, у қилт этмай эшитди: «— Жаноб генерал, ўлат бутун аҳолини қириб ташляпти!» Шунда у президент каретасининг хира ойнасидан қараб кимсасиз кўчаларда ўзининг амри фармони билан қогириб қўйилган вақтни, жонсиз осилиб турган байроқларни кўрди, қизил тўгарак чизилмаган хонадонларнинг ҳам ҳатто эшиклари тапа-тақ михлаб ташланганини кўрди, уйларнинг бўғотларида роса тўқ ўтирган калхатларни кўрди, яна ўликлар, ўликлар, ҳамма ёқда ўликлар ётганини кўрди... Улар шунчалар кўп эдики, санаб улгуриб бўлмасди, улар ифлос қўлмакларда чўзилиб ётар, офтоб нури ярақлаб тушиб турган айвонларда саржиндай қалаб ташланган, бозорнинг ўртасида сабзавот уюмлари орасида сасиб, чириб айнирди. Ўликларнинг қанчалигини ҳеч ким билмасди, ҳар ҳолда унинг сон-саноқсиз ганимларининг ҳисоб-китобига қараганда ҳам кўпроқ, ҳатто шахсан ўзининг чамасидан ҳам анча ортиқроқ эди; мурдаларнинг кўпи бамисоли ўлган итнинг лошидай ахлатхоналарга улоқтирилган эди; чириётган мурдаларнинг қўланса ҳиди, кўчалардан анқийган одатдаги бадбўйликдан у ўлат исини, қичима-қўтир, ҳақиқий тоун ҳидини аниқ ажратиб олди, лекин қилт этмади, ўзини бутун ҳокимиятининг мутлақ хўжаси деб ҳис қилмагунича офатни тўхтатиш, унга барҳам бериш ҳақидаги ҳеч кимнинг ялиниб-ёлворишлари, илтижоларига қулоқ осмади, чекинмади. Фақат ўлат офатини тўхтатиш на инсон ва на худонинг қўлидан келади, деб умидсизликка тушган чоғимизда биз кўчада номаълум бир каретани кўрдик; ундан анқиб турган ҳокимиятнинг совуқ нафасини аввал ҳеч ким пайқамади — ичи мотамсаро қора барқут билан қопланган ўша каретанинг хира дарчасидан биз фақат ўлаксадай қимтилган юпқа лаблар, ўлик кўзлар ва уйларнинг дарвозаларига ҳовуч-ҳовуч туз сочаётган оқ қўлқопли қўлларнигина илғаб олдик; биз қоплонларни ҳуркитиб гардения чангалзорлари оралаб бораётган, юксак тоғлар билан қуршалган вилоятларнинг ўтиш қийин довларидан худди чангал ураётгандай ўрмалаётган, миллий байроқнинг рангларига бўялган поездни кўрдик — ёлғиз вагон даричаларининг дарпардалари ортида қайғуга ботган кишининг юзи ва хира, мунгли кўзларини, ўз болалигининг ўлик саҳросига ҳовучлаб туз сочаётган ўша-ўша оқ қўлқопли қўлларни кўрардик; биз яна алмисокдан қолган чархли кемани кўрдик, унинг граммофонидан шўх лаппакларнинг даранглаган куйлари отилиб чиқар, кема тошлоқ маржонзорлар, қумлоқ оролчалар, баҳорги сув тошқинлари аждаҳоси бус-бутун ютиб юборган, инсон қадами етмаган кўҳна ўрмонзорлардан қолган, ағдарилган, тўнтарилган дарахтларнинг уюмларини айланиб ўтар — президент каютасининг дарчасида биз кунботар шафағидай хиралашаётган кўзлар, оқарган, қимтилган лаблар ва ўша-ўша қурғоқчиликдан ўртаниб

шалвираган дарахтларга шифобахш тузларни ҳовучлаб сочаётган кафтларни кўрдик. Бу туздан тотинган ёки у тушган ерни ялаганлар дарҳол дарддан фориг бўлишар ва уларга касалликлар, кўз тегишлар ва бошқа нарсалар таъсир қилмай кўярди.

Мана энди у ҳаётининг шомига қараб бораркан, янгидан қўшин киритишга рози бўлиш тўғрисидаги таклифларга ажабланиб ўтирмади, бу нарса сиёсий талбасларнинг олдини олиш деган кўҳна ёлгон сафсаталар билан никобланарди, у мияси йўқ министрларининг важ-корсонларини рад этарди, улар хитоб қилиб шундай дейишарди: «— Майли, денгиз пиёдалари қайтиб келишсин, генерал, майли, улар пестицидлар пуркайдиган машиналарини олиб келишсин, майли, оппоқ касалхоналар олдидаги кўм-кўк ўтлоқларда айланиб сув сочадиган фонтанлар ўрнатишсин, майли, касалларимизнинг ёшини юзга узайтиришсин, — майли, келсин улар ва хоҳлаганларини, майли, олишсин!» У эса бу сўзларга жавобан столни мушти билан гурсиллатиб уради. У элчи Мак-Куин такаллуфсизлик билан очигини рўй-рост айтмагунча қаршилик қилди: «— Бундан бу ёнги баҳс-мунозараларнинг фойдаси йўқ, олий ҳазратлари, режимни ваъдабозликлар эмас, руҳсизлик, хафсаласизлик тутиб турибди, террор эмас, фақат эски, жуда эски сусткашлик тутиб турибди, режим иложсиз равишда тўкилиб бормоқда, олий ҳазратлари, кўчага чиқиб, ҳақиқатнинг бетига тик қаранг, сиз охириги бурилишга етиб келдингиз — ё денгиз пиёдалари киришади, ё биз денгизни олиб кетамиз, ўзга чора йўқ». «— Бошқа иложи қолмади, она, улар Кариб денгизимизни тортиб олиб кўйдилар!» Элчи Эуингнинг инженерлари денгизни бўлак-бўлақларга ажратишди, ҳар бир бўлакка алоҳида рақам кўйишди, бизнинг тўфон, довулларимиздан узоқда, Аризона осмони тагига элтиб ўрнатиш учун шундай қилишди, сўнг денгизимизни бутун бойликлари, унда акс этган шаҳарларимиз, бизнинг телбавор тошқинларимиз ва барча чўкиб ўлувчиларимиз билан бирга кўшиб олиб кетишди. У ўзининг ҳўб мукамал ишлаб чиқилган устомон, маккор усул-идораларининг қайси бир тугмасини босмасин, талончиликка қарши миллий норозилик тўлқинларини кўзғатишга ҳаракат қилмасин, — кўчага, бизни маъзур кўринг, генерал, ҳеч ким чиқмади, на дўқ-пўписалар ва на зўравонлик таъсир қилди, — бизга бу ишлар одатдаги чалғитишдан бошқа нарса эмасдай туюлди, унинг мақсади ўша-ўша битта эди — ҳужмронлик ҳирсини қондиришга уриниш эди; майли, нима бўлса бўлсин, деб ўйлардик биз, майли, денгизни ҳам орқалаб кетишсин, садқаи сар, майли, миллий байроғимиздаги аждаҳо билан бирга кўшиб бутун ватанимизни ҳам орқалаб олиб кетишсин, майли. Ҳарбийлар кишилиқ кийимларида уйларимизда пайдо бўлишарди, биз уларнинг мўлтони, тилёғлама гапларига, ширин ваъдаларига асти қулоқ солмасдик, улар бизни ватан учун кўчаларга чиқишга, бақириб-чақириб шиорлар ташлашга кўндирмоқчи бўлиб ялинишарди: «— Йўқолсин оқ танли босқинчилар!» — деб қичқириб юришимизни ва талон-торожга барҳам беришимизни сўрашарди. Аммо, буни қарангки, уларнинг ўзлари бизни ҳорижий кишиларнинг дўконлари ва хонадонларини талаш, ўт кўйишга даъват этишар, бизни гўё халқ билан бирлиги туфайли кучли бўлган армиянинг ҳимояси остида сурбетларча босқинга қарши намойишга чиқишимиз учун қўлимизга пул тиқиштиришарди; бироқ, жаноб генерал, ҳеч ким кўчага чиқмади, зеро, ҳеч ким ҳарбийлар авваллари ҳам чин ваъда қилиб, сўнг ваъдаларини бузиб, намойишчилар орасига кириб олган иғвогарлар ҳарбий қисмларга қарата ўт очдилар, деган баҳонада одамларни қирганларини ҳали ҳеч ким эсидан чиқаргани йўқ. «— Шундай қилиб, бу сафар, жаноб генерал, халқ бизнинг томонимизда эмас».

Шунинг учун бир қарорга келиш юкини ўз зиммамга олишга тўғри келди ва мен бу ҳужжатга имзо чекдим, онажоним Бендисйон Алварадо, ҳолбуки, ҳаммадан кўра яхшироқ биларди денгиз пиёдаларининг босқинига чидагандан кўра денгизсиз қолган яхшироқлигини. Ахир ўша денгиз пиёдалари буйруқ тайёрлашар ва мени уларга имзо чекишга мажбур қилишарди. Улар эмасми, биз томонларга Инжил ва захм касалини

келтирган. Улар эмасми, санъаткорларимизни акабачча қилиб қўйган. Улар эмасми, ҳаммага ҳаёт бу осон нарса деб уқтирган ҳамма нарса сотилади ва ҳамма нарса сотиб олинади деб ўргатган. Улар эмасми, қоралар сассиқ деган. Улар-ку, менинг аскар болаларимнинг миясига қаерда яхши пул берса ватан ҳам ўша ерда деб қўйган ва ҳарбий шон-шарафни икки пулга қиммат нарса, уни ҳукуматлар ҳарбийларни текин жангга солиш учун тўқиб чиқарган деб бошини қотирган. Мана шуларнинг ҳаммаси яна такрорланмаслиги учун, она, мен уларга бизнинг денгиз сувларимиздан хоҳлаганча фойдаланиш ҳуқуқини бердим, инсоният манфаатлари ва халқлар ўртасидаги тинчлик мана шуни тақозо қилади!» У ўз ётоғидан то уфқларгача кўриниб турадиган моддий сувларнигина эмас, бутун сув ости ва сув усти бойлиқларини, улар узра эсадиган шамоллар вақти-соатини, обу ҳаволарнинг барча инжиқликларини ва охирги миллибар<sup>1</sup>гача бутун атмосферанинг барини бериб юборди. У уларнинг қилган ишларини ҳатто тасаввурига ҳам сиғдирилмасди: улар олдин шлюзлар билан тўсилган, худди шоҳмот тахтаси каби аввалдан рақамлар қўйилган бўлақлардан улкан насослар ёрдамида сувни, эски денгизимизнинг тўлқинларини тортиб олишди, денгизнинг таги, ўчган қадим вулқонларнинг оғзи кўринди – битта вулқоннинг улкан комида кутилмаганда кўҳна Санта-Мария-дел-Дариен деган шаҳаримизнинг қолдиқлари чиқди, бир замонлар уни денгиз ютиб юборган эди. Сўнг биз барча денгизлар ва океанларнинг энг улуғ адмиралининг энг катта кемасини кўрдик. «– Мен унинг шундайлигини деразамдан кўрганман, она!» Кема маржон тошлар орасида тиқилиб ётарди. Тарихий кема ҳалокати муносабати билан унга муносиб шон-шараф кўрсатилишига амр-фармон чиқмай турибоқ кема маржон тошлар орасидан таг-туғи билан земснарядлар воситасида суғуриб олинди. Шу тариқа улар генерал ҳокимиятининг асоси ва унинг олиб борган урушларининг маъноси бўлмиш барча нарсаларни ташиб кетишди; улардан кейин фақат ой сиртига ўхшаш саҳрогина қолди, у ҳар гал деразалар ёнидан ўтганда уларга қараб юраги орзиқар, оғир хўрсинар ва ичидан бир нидо келарди: «– Онажоним Бендисйон Алварардо, оқилалигинг нури билан мени шафоат эт!» У кўрқиб уйғониб кетарди. Ватан учун ҳалок бўлган муборизлар қабрларидан туриб сотиб юборилган денгизнинг жавобини талаб этаётгандай бўлишарди; уларнинг деворлардан ўрмалаб келаётганликларини аниқ эшитарди, уларнинг қабрдан чиқаётган бўғиқ товушлари қулоғига чалинарди, калит тешигидан қараётган уларнинг нигоҳи кўзига кўринарди, улар унинг худди буюк калтакесакники каби улкан оёғига қарашарди, бу оёқ қоронғи бадқовоқ уйнинг балчиқларига аста ботиб бораётгандай бўлиб туюларди. У тинмай хонани кезарди. Уни пассат<sup>2</sup> ва мистрал<sup>3</sup> шамоллари ўраб оларди. Бу шамолларни элчи Эбергейт тортиқ этган ҳаво қурилма чиқарарди. Улар йўқолган денгизнинг шамолларини эслатиб ва балки уларнинг ўрнини босиб турарди. У улкан қоя тепасидаги ағдарилган диктаторлар учун қурилган уйнинг ёлғиз чирогини кўрарди. «– Уларга мазза, тўйган чўчкалардай роҳат қилиб ухлашади, ҳамма азоб менда!»

У қўли меҳнатдан бўшамайдиган онаси Бендисйон Алварардонинг ҳатто ўлими арафасида ҳам ореганонинг муборак шоҳчаси осилган хонада соғлом хуррак отиб, осуда ухлашини эслади. «Қани эди мен унинг ўрнида бўлсам – ҳеч қачон ўлатдан кўрқмайдиган, севишдан чўчимайдиган ва ўлимдан тап тортмайдиган она ўрнида бўлсам эди!» У шунчалар ҳолдан тойган эдики, денгиз бўлмаган ҳолда маёқ чироқларининг ёниб туриши унга шубҳали, ўликларнинг ўз қабрларидан туриш ниятлари билан боғлиқ бир нарса бўлиб туюлди, у ваҳшатга тушиб бу беозор чироқдан қочишга уринарди, у маёқ айланиб шуъла сочиб атрофга ўликларнинг илик суякларидан чиқаётган нурли губорни тажаллий этиб таратади, деб

<sup>1</sup> М и л л и б а р – атмосфера босимини ўлчаш бирлигининг мингдан бир улуши.

<sup>2</sup> П а с с а т – океанларнинг тропик кенгликларида йил бўйи барқарор эсиб турувчи ҳаво оқимлари.

<sup>3</sup> М и с т р а л – шимоли ғарбдан эсувчи кучли совуқ шамол.



хаёлидан кечирди. «— Ўчиринглар!» — деб қичқирди у; маёқни ўчиришди; у уйни ичкаридан барча тешик-тирқишларни маҳкам беркитишни буюрди, битта ҳам ёриқ жой қолмасин, уйга ўлим билан тўйинган тунги ҳавонинг ҳатто бир зарраси ҳам кирмасин; у зулмат кучоғида ёлғиз ўзи қоларди, нам, тигиз ҳавода нафас ололмай бўғиларди, ҳатто ойналар ҳам кўзига жуда хунук кўринадиган бўлди, ҳолбуки, уларни кўрмас, фақат ёнидан ўтарди, ҳолос; улар туфайли хаёлига хонада бир ўзим эмасман, деган фикр келарди. У денгиз вулқонининг комида от миниб елиб бораётган чавандозни кўрди, унинг отининг туёғи остидан юлдузлардай катта учқунлар сачрарди, лекин бу оқиш ўлимтик ёғдулари билан ой кўтарилиб келмоқдайди. «— Йўқотинглар уни! — ўқирди у. — Юлдузларни ўчиринг, падарига лаънат! Худо номи билан буюраман!» — бироқ ҳеч кимса жавоб бермади, ҳеч ким уни эшитмасди, фақат собиқ министрларнинг хоналаридаги шоллар чўчиб хавл олиб уйғонишди, пиллапоялардаги кўрлар ва тунги шудрингдан уст-бошлари нам моховлар жойларидан қўзғалишиб, унинг йўлини тўсиб чиқишди, ўз қўлингиздан бизга шифобахш туз беринг, деб ялиниб-элаишди. «— Ҳей, сиз мункирлар, ахир шундай бўлган эди-ку: у ёнимиздан ўтиб бора туриб ҳаммамизнинг бошимизни силарди, ҳар биримизнинг жароҳатимизга оқил қўлини, ҳақиқат қўлини теккизарди ва биз ўша ондаёқ яна танамиз соғаяр, кўнглимизга хотиржамлик чўқарди, вужудимиздан куч ёғилар ва яшашга завқ-шавқ туярдик, биз кўзлари ярқ этиб очилган ва яна ёпилган кўрларни кўрдик — лекин гулларнинг ярқироқ очилганини кўриб уларнинг кўзлари қамашди; биз пиллапояларда югуриб юрган шолларни кўрдик; мана менинг ўз аъзои баданимни кўринг, бу янги онадан туғилган гўдакнинг териси эмасми, жароҳатларим битгандан сўнг мен шундай бўлиб қолдим, бу илк очилган лолаларнинг атрини эмган тери, мен уни бутун дунёнинг бозорларида намоёиш қилиб кўрсатаман, мункирларнинг юзи қора бўлсин, бузуқлар эса огоҳ топсин, ибрат олсин!» Шаҳарлару қишлоқларда халқ сайлларию байрамларида сарсари кезиб бу сўзларни қичқириб айтиб юрувчилар бизни мўъжизага ишонтирмоқчи ва ҳам унинг билан кўрқитмоқчи бўлардилар; анча вақтлардан бери уларга ҳеч ким ишонмасди, биз уларни сарой хизматчилари бўлса керак, деб ўйлардик, илгари улар ҳукмдорларнинг амру фармонларини халқ ўртасида ёярдилар, эндиликда эса бизни бояги анов нарсга ишонтирмоқчи бўлишарди. Лекин унга ишонишнинг сира иложи йўқ эди — қандай қилиб у моховларни тузатсин, кўрларнинг кўзини очсин, шолларни юргизиб юборсин. Назаримизда ҳукумат шу йўл билан гўё президентнинг мавжудлигига бизни ишонтирмоқчи бўлиб уринарди. Унинг шахсий фармойиши бўйича боргоҳнинг кўриқчилари сони соқчилик даражасида қисқартирилди ва бу иш оғзидан сути кетмаган ёш аскар болаларга топширилди. Давлат кенгашининг барча аъзолари бунга яқдиллик билан қаршилиқ билдирдилар: «— Йўқ, жаноб генерал, кўриқчилар бир рота карабинерлардан кам бўлмаслиги керак. Эҳтиёт чоралари кўрилиши шарт», — деб қаттиқ турдилар. У бунга сира рози бўлмай эътироз билдирди: «— Ҳеч кимнинг мени ўлдиришга зарурати ҳам, хоҳиш-истағи ҳам йўқ. Магарким, агар сиз ношуд министрлариму такасалтанг кўмондонларим буни хоҳламаса, аммо сизга келсак, сиз ахир мени ўлдиришга журъат этмайсиз, чунки жуда яхши биласизки, мени йўқотганингиздан сўнг бир-бирларингизни ўлдиришга тушасиз». Шундан сўнг фақат мурти чиқмаган йигитчаларгина байталмон боргоҳда соқчилик қиладиган бўлишди. Бу ерда сигирлар то дарвозадан тортиб давлат кенгашининг залигача саланглаб юришарди. «— Уларингиз чаман ўтлоқ сурати солинган патгиламни чайнай ташлашди, жаноб генерал, архив ҳужжатларини еб қўйишди». У бунга эшитмасди. Фақат бир маротабагина у октябрнинг шиддатли жаласидан қочиб боргоҳга кирган сигирни ҳайдашга уриниб кўрди. Лекин шунда «— Сигир... сийир...» — деб такрорлади-да, уларни ҳайдамай қўя қолди ва шунда «сигир» сўзи «г» билан ёзилишини эслади. Бошқа бир сафар нурафшон замонларда бу ерда шуъла сочиб турган лампанинг қалпоғини сигир чайнаётганини кўриб, у пиллапояларда ҳайвонларни қувиб юришнинг ҳожати йўқ деган фикрга

келди-да, зиёфатлар залида юрган икки сигирнинг устига товуқлар чиқиб, уларнинг танасига ёпишган сўналарни чўқишаётганига дуч келиб, индамай ўтиб кетди. Ўша кечаларда биз баъзан деразалар ортида липиллаган шуълаларни кўрар, ойнаванд сарой деворлари орқасида йирик ҳайвонларнинг оғир дупурлаган товушларини эшитардик – шу пайт у кемаларда бўладиган фонарини кўтариб сигирларни тунги жойига ҳайдарди.

Расмий ҳаёт унинг борлигида қандай кечса, унинг йўқлигида ҳам шундай кечарди – ҳукуматнинг газеталари тантанали қабул маросимларида олинган сохта суратларни босардилар; уларда қабулнинг хусусияти қандайлигига қараб, у турли мос либосларда кўринарди. Унинг миллий байрамлар чоғида сўзлаган, неча-неча йиллардан бери биз эшитиб юрган нутқларини радио тўхтамай эшиттириб турарди; у орамизда яшашда давом этарди – саройдан чиқар, калисоларга кирар, суратларда ёритилишига қараганда, ҳамма қатори ухлар, еб-ичарди, ҳолбуки у одати бўйича йўлга киядиган этигида ивирсиган сарой гўшаларида базўр оёғини судраб босишини ҳамма биларди, унинг хизматчилари сони қисқариб, уч-тўрт хос ходимгина қолди, улар уни овқатлантиришар, асал идишларни тўлдириб туришарди. Улар бари бир кунлардан бир кун сигирларни ҳайдаб чиқаришди; ўшанда махлуқлар бош штабнинг масканини батамом вайронага айлантириб, хуфия хонадаги маршаллар тасвирланган чинни идишларнинг барини кунпаякун қилиб ташлаган эдилар, ҳар нечук фолбин кампирнинг башоратига кўра у худди мана шу хонада жон таслим қилиши керак эди; дарвоқе, у фолбин кампирни аллақачонлар унутган эди. Унинг хос ходимлари ундан қандай бўлмасин амру фармонларни муштоқ бўлиб кутишарди, қачон у остона ёқасида фонарини осаркин, қачон эшик гумбурлаб ёпилиб, учта тамба тушаркин, учта занжир, илгак илинаркин, деб илҳақ бўлиб туришар ва фақат ана шундан кейингина у энди эрта тонггача ўликдай қотиб ухлайди деган ишончда ўзларининг биринчи қаватдаги хизматкорлар хонасига тушиб кетишарди. Энди денгиз йўқ, унинг ётоғида ҳаво етишмасди. У сесканиб, титраб-қақшаб уйғониб кетарди, уни уйқусизлик кўрғарди, тумтайган қоронғи саройда йўгон оёқларини судраб босиб шарпадай кезинарди, на сигирларнинг бир маромда кавш қайтаришлари ва на вице-қиролларнинг кийим жавонларида мудраётган товуқларнинг осуда нафасларига эътибор қиларди; аввалги денгиз ўрнида ҳосил бўлган ой сатҳи каби саҳродан келаётган шамолнинг увиллашларигина унга вақтнинг ўтишини эслатиб турарди. Унинг кўз ўнгида қўлига кўк буталардан супурги ушлаган онаси Бендисйон Алварадо гавдаланарди. У қўлидаги шу кўк супургиси билан Корнелий Напотнинг илк нашрлари, Ливио Андронико ва Сесилий Эстато каби унутилиб кетган воизларнинг китобларининг куйган, ёнган саҳифаларини супуриб юрарди, у илк бора ўзи учун бўшатишган Ҳокимият Уйига кириб борган ўша қонли кечада буларнинг ҳаммаси бир уюм ахлатга айланган эди; ўшанда шаҳар кўчаларида машҳур лотиншунос, жойинг жаннатда бўлгур, тентак генерал Лаутаро Мунос мужоҳидларининг охириги баррикадалари ҳали қаршилик кўрсатарди. У безгақдан титраб-қақшаб, кўк супурги кўтарган онаси Бендисйон Алварадо билан бирга ловуллаган ёнғин алангаларида, муҳтарам президентнинг шахсий кўриқчиларининг мурдалари устидан сакраб ўтиб, ҳовли ичида илгарилаб бордилар, президентнинг пурвиқор сайисхонасига тегишли отларнинг ўлик лошларига қоронғида қоқилиб-суқилиб, дахлиздаги зинадан юқорига кўтарилдилар ва мажлислар залига етдилар. Порох ва отлар қонининг қалин аччиқ ҳидидан нафас олиб бўлмасди. «– Бу ерда биз ялангоёқларнинг қонли изларини кўрдик, зеро бу ердан отлардан оққан қонларнинг кўлмаклариде юрган кишилар ўтишган эди, йўлакларнинг деворларида ҳам худди қулларнинг қонли изларини кўрдик, мажлислар залида эса юрагига жанговар қилич санчилган қонга ботган Флоренция гўзалининг жасадига дуч келдик. Бу президентнинг хотини эди. Унинг ёнида кўғирчоқ балеринага ўхшайдиган, пешонасидан отилган кичкина қизча ётарди. Бу президентнинг тўққиз яшар қизчаси эди. Гарибалдига ўхшаган президент Лаутаро Муноснинг жасади ҳам шу ерда

эди. У Федералчиларнинг ўн тўртта генерали ичида энг чапдаст ва ақллиси эди. Улар ўн бир йил ичида ҳокимият учун қонли талашлар ичига шўнғиб, бири кетидан иккинчиси келиб турган кишилар эди. Лаутаро Мунос инглиз консулининг башарасига тик қараб ўз она тилида «йўқ» деб айтолган ягона инсон эди. Мана энди шунинг учун жазосини тортиб ётибди, у ёнбошида оғзидан отилган ўқ туфайли бош чаноғи иккига ёрилиб ётарди. Унинг оёғи яланғоч эди. У ўзини отишдан аввал хотинининг кўксига қилич санчган, қизчасини отган, Британия эскадрасининг жазо отряди қўлига тушмасин деб, қирқ иккита Андалузия тулпорини ҳам ўқ узиб ўлдирган эди. Худди мана шунда қўмондон Китченер жасадга ишора қилиб бизнинг генералимизга шундай деган эди: «— Кўрдингми, генерал, ўз падарига қўл кўтарганнинг ҳоли нима кечади? Ҳукм сурадиган пайтингда, бунни унутма!» У «пайтингда» деб айтди, ҳолбуки, узун уйқусиз тунлар ва кўп галга солишлардан сўнг мени қуролли кучларнинг учала тури бўйича бош қўмондон ва республика президенти қилиб кўтаришган эди. Мамлакатда тартиб-интизом ва иқтисодий барқарорлик тиклангунча қанча вақт талаб қилинса, шунча муддат белгиланган эди». Сенат ва депутатлар палатасининг розилиги билан федералларнинг охирига каудилолари яқдиллик билан шундай қарорга келган эдилар. Бу қарорни инглиз эскадраси тасдиқлади ва домино ўйинларида шарақлатиб тамға урилгандай бўлди. У узун кечалар консул Мак-Донейл билан домино ўйнаб куч синашарди. «— Албатта, бошида на мен ўзим ва на бошқалар ишимиз юришиб кетишига ишонмас эдик». Айниқса, ўша тунги бесаранжом саросимада ким ҳам бунга ишонарди дейсиз. Бошқалар майли-ку, Бендисйон Алварадонинг ўзи охириги пайтларгача ва ҳатто ўлим тўшагида ётганида ҳам ўглининг салоҳиятига кўзи етмаган эди; ўгли ўша бошбошдоқлик аросати ичида бошқаришни нимадан бошлашни билмай мутлақо бошини йўқотиб қўйган эди. Бу мебелсиз улкан саройда вице-қиролларнинг пашша ўтирган ва ўтмишга айланган испан ҳукмронлиги даврларидаги архиепископларнинг суратларидан бошқа тузук-қуруқ ҳеч нарса қолмаганди; она-бола бу ҳайҳотдай гўшадан безгакка қарши қайнатма қилиб ичиш учун гиёҳ излаб топа олмасдилар. Ҳамма нарсалар аввалги президентлар томонидан ташиб олиб кетилганди, буюк тарихий воқеалар акс эттирилган осма гиламларнинг ўрни чорси бўлиб билиниб қолган, вақт ўтиб уларнинг ўрни девор билан бир тусга кирган эди. Ётоқ гўшалар қазарма каби ахлат босган эди; деворлар бир кечага президент бўлмишларнинг қонли бармоқлари билан ёзилган тарихларга тўла эди; ўралиб ётиб терлайман деган одамга ҳеч ердан бир парча шолча топилмасди. «— Шунинг учун жонажоним Бендисйон Алварато деразанинг чанг босган дарпардасини тортиб олиб мени ўшанга ўраб-чирмаб катта пиллапоянинг бир четига ётқизиб қўйди, ўзи кўк супургиси билан президентга ажратилган хоналарни супуриб-сидиришга тушди, бу хоналар қип-яланғоч бўлиб қолган, инглиз десантининг талончиларига бу ерда талайдиган нарсанинг ўзи қолмаганди». Онаси ҳар бир эшик орқасида уни ётқизиб зўрлашга ҳозир у нозир талончиларни кўк супургиси билан ҳайдаганча оёқ остини амаллаб супуриб олди ва тонг оқариб келаётгандагина катта пиллапоянинг тепасидаги зинага ўтирди, дераза дарпардасига ўраб-чирмалган, қора тер босиб тўлғанаётган ўгли шундоқ ёнгинасида ётарди; унинг алангаи оташ иситмасини ўзининг вазмин мулоҳазалари билан совутишга уринарди, ўғлим, бу тартибсизликларга эътибор бериб ўтирма, бир қанча тери билан қопланган ўриндиқлар сотиб олишга, уларни ранг-баранг гуллар ва ҳайвонларнинг тасвири билан безатишга тўғри келади. «— Бунини мен ўзим қиламан, яна аллақанча аргамчи тўшақлар олишимиз зарур. Энг биринчи навбатда аргамчи тўшақ керак. Нега десанг, бу ер меҳмон кўп келадиган жойга ўхшайди; ундан кейин, — дея мулоҳаза қиларди у, — биз узун зиёфат столи сотиб оламиз, темир қошиқ ва санчқилар, алюмин тақсимчалар харид қиламиз — аскарча ҳаётга шулардан бошқаси ярамайди; ичиладиган сув учун пишиқ сопол кўзалар ва кўмир ёқиладиган ўчоқ оламиз; буларнинг ҳаммаси давлат

ҳисобидан бўлади», — деб таскин берарди у ўглига, аммо ўглининг қулоғига унинг гаплари кирмасди. Субҳидамнинг илк гулхайрилари очиларди, оқ-қирмизи гулхайрилар, худди қутлуғ қон каби алвон ва худди бу кеча қонлари тўкилган баданлар каби оппоқ, — ва мана шу жуфай рангда ҳақиқатнинг яширин ўзаги очилди, у пиллапоя кунжида безгак тутиб, иситмалаб, увишиб, қалтираб ўтирган қартайган қариядан бошқа ҳеч ким эмаслиги англашинилар ва тўхтовсиз ўй босарди: «Шуми ҳаммаси? Шуми ўтда ёнган от гўштининг ҳиди, шуми жизғинак бўлган ёлнинг иси, шуми бўм-бўш хувиллаб қолган юрак, шуми ҳалокатга учраган кема каби уй, шуми ўн иккинчи август тонгига ўхшаб кетадиган барча тонглар ҳоқимият, ҳаммаси шуми? Қандай бемаза даҳмазага йўлиқиб қолдик ўзи, она!» Бу унинг учун кутилмаганда кириб кела турган зулмат олдидан бўладиган ҳайвоний бир кўрқув эди; гарчи денгиз ёқларда тонг отганидан қувониб хўрозлар қичқирди; гарчи инглизлар саройдаги ўликларни йиғиштириб олишаркан, бақириб шўх-қувноқ қўшиқлар айтишди; унинг онаси Бендисйон Алварадо эса ўзининг ҳисоб-китобларидан таскин-тасалли топди-да, мени бу уйда истиқомат қилувчилар учун ювиб тозаланадиган бир уюм чойшабардан ортиқ ҳеч нарса ташвишга солмайди, деб айтди; генералнинг хафсаласи пир бўлди, у ўзи тушган умидсизлик чоҳининг энг тубида туриб, қандайдир оёғи остида заминни ҳис қилди-да, ҳатто онасини юпатишга тушди: «— Ҳечқиси йўқ, она, бежавотир ухлайверинг, бу саройда президентлар узоқ ўтириб қолмайдилар, жуда бўлмаганда ярим ой бу ерда турмоғимизни худойим насиб этсин», — у ўзининг сўзлаётган бу гапларига ишонарди, бунга ҳозиргина эмас, балки мустабид ва дарвеш каби яшаган умрининг барча дамларида ишониб келди. Хукмдорнинг бир-бирига ўхшовчи иккита бир хил куни бўлмаслигига қанча кучлироқ амин бўлса, бунга ҳам шунча қаттиқ имон келтирди. Бош вазир унга кунда маълумот беради, мана шу маълумотларнинг яшнаган гулдастаси орасига у ҳар куни битта оддий дала чечагини — ҳақиқатнинг чечагини ҳам қистириб ўтади, мана шу ният ичида унга аллақандай яширин бир мақсад бордек туюларди; у ним табассум қиларди: «— Менга ҳақиқатни гапирманг, лицензиат<sup>1</sup>, қийналиб қоласиз — мен унга ишонсам!» У мана шу бир оғиз сўзи билан давлат кенгашининг унинг сўраб-суриштирмай имзо қўйишига қаратилган улкан йўл-йўригини барини йўққа чиқарар эди.

«— У расмий қабуллар пайтида ўзи билмаган ҳолда иштонига сийиб қўяди, деган миш-мишлар юрарди, уларга тобора одам ишонса бўладигандек туюларди, лекин худди мана шундай гаплар тарқалаётган вақтда у менга ҳар қачонгидан ҳам заковатлироқ бўлиб кўринарди»...

«— У жуда қартайиб қуриб-қувватдан қолган, яланг оёғига шиппак кийиб юрадиган ва кўзойнагининг битта банди ўрнига одми ип тақиб тутадиган бўлганидан бери менинг назаримда борган сари вазмин ва жиддий торгарди»...

«— Унинг матонати тобора кучайиб борарди, фаросати ўткирлашарди, уюм-уюм қоғозлар ичидан у ўқимаёқ керагини бехато танлаб олиб қўл қўярди»...

«— Сизга нима керак ўзи? — жилмаярди у. — Ахир, охир-оқибат ҳеч ким менга қулоқ солмаяпти»...

«— Ўзингиз бир тасаввур қилиб кўринг-а, у ҳар қалай сигирлар саройда тўзғиб юрмасин деб, ферманинг дарвозасига катта ёғоч тамба ўрнаттирди. Кейин бари бир улардан биттаси — «Сигирми?.. Сийирми?..» — унинг кабинетигаги деразага бошини суқиб, диёримизнинг муқаддас меҳроби бўлмиш унинг ёзув столидаги қоғоз гулларни ямлаётганини кўриб қолишди. У шунда ҳам, ҳеч нарса демай, фақат жилмайиб қўйди: «— Мана кўряпсизми, лицензиат, мен айтувдим-ку, сизга. Б44у мамлакатнинг бутун кулфати шундаки, ҳеч кимса менга қулоқ солмайди — шунча ёшга кириб ҳам ақлининг тиниқлигини қаранг». Ҳар ҳолда элчи Кипплинг

<sup>1</sup> Л и ц е н ц и а т — дипломли юристга ҳурматан қилинадиган мурожаат.

Ўзининг тақиқланган хотираларида ҳикоя қилишича, уни болаларга ўхшаб қолганлигини кўрган, у ўз ҳолича ҳаракат қилиш салиқасидан мутлақо маҳрум бўлган; унинг аъзойи бадани сувга чўкиб ўлган одамдай сув босиб шишиб кетган ва доим нам чиқариб, терчираб турган, унинг бутун хатти-ҳаракатлари ҳам худди сувга чўккан кишининг гавдасидай тўлқинлар бетида осуда қимирлаб, чайқалиб турган. — У ҳатто ўзининг кўп сув йиғилган чўкиб ўлган одамникидай оппоқ баданини кўйлагини ечиб кўрсатди, унинг лошини мисоли тўлқинлар қуруқликка чиқариб ташлаган ва салқиган терисининг қавагларидан денгиз қаърининг ҳашаротларини кўтариб чиққандай эди. Менинг елкамга реморалар<sup>1</sup> ёпишиб олган, қўлтиқларимга полиплар ва майда қисқичбақалар ин қурган, деб унинг ўзи айтарди. У яна шунга ҳам амин эдики, буларнинг ҳаммаси денгизнинг табиий суратда қайтиб келаётганидан дарак беради, бу денгизни биздан сиз тортиб олган эдингиз, азизим Жонсон, нега десангиз, денгизлар худди мушуклар каби ҳамиша қайтиб келадилар; у яна шунга ҳам амин эдики, унинг қовуғида ўрнашиб олган қисқичбақасимонларнинг тўдалари бу ўша яқинлашиб келаётган бахтиёр субҳидамнинг чин даракчилари, ўша тонг қоронғисида у ётоғи деразасини очдию, барча уммонлар ва океанларнинг сардори бўлмиш адмиралнинг учта катта кемасини кўрди, зеро мен уларни излайвериб бутун ёруғ дунёни кезиб чарчадим, унинг ҳам кафтлари худди менинг кафтим каби, инсоният тарихининг барча буюк инсонлариники каби чизиқларсиз, сип-силлиқ ва текисми, шу ростми, аниқ шундайми, билмоқчи бўлдим». Ҳа, у адмирални қидиранди, уни ҳатто куч ишлатиб бўлса ҳам топиб келишни буюрди, у денгиз сайёҳларининг ҳикояларини эшитган эди, гўёки улар атрофдаги денгизлардаги мавжуд сон-саноксиз катта-кичик оролларни харитага туширишаркан ва уларга конкистадорлар<sup>2</sup> ўрнига қироллар ҳамда авлиёларнинг номини кўйиб юришаркан, уни ерли халқларнинг таълимотларидан фақат битта сирни — соч тўкилиб кал бўлиб қолишга қарши малҳамнинг сирини қидириб юрганини кўришган. Бир куни президент ўз лимузинида кета туриб уни кўриб таниб қолмагунча биз у билан яна учрашиш умидини йўқотган эдик. Ўшанда у якшанба бозорининг издиҳоми орасида франциск зоҳидларининг жигаранг ридосини кийган ҳолда тавба қилувчи гуноҳкорлар кўтариб юрадиган шақилдоғини чалиб борарди, у шунчалар тубанлашиб қолган эдики, биз бу бир маҳаллар қабуллар залида кўрган қирмизи камзул кийган, этигида тилла нағаллари жиринглаган ўша одам эканлигига сира ишоналмасдик; биз уни голиб сардор каби ҳарбийларча қадам ташлаб соҳилга тушиб келганини ҳам кўрганмиз; бироқ уни лимузинга чиқариш тўғрисида буйруқ олганимиздан сўнг қарасак, жаноб генерал, унинг ном-нишони ҳам қолмабди — бамисоли ер ютгандай; халқ орасида юрган гапларга қараганда, у мусулмон бўлган эмиш, қичима касалига дучор бўлиб, Сенегалда ўлган эмиш, дунёнинг учта турли шаҳарларида бир маҳалнинг ўзида учта қабрга кўмилган эмиш; лекин аслида у умуман ҳеч қаерга кўмилмаганди, зеро ер ўзининг бирон- бир мазорига уни қабул қилмасди ва шунинг учун то қиёмат қойим бўлгунча у қабрдан қабрга кўчиб юришга маҳкум этилган эди — барча иш-амалларининг қинғир-қийшиқ йўллари учун худо уни шундай қисмат билан жазолаганди; нега десангиз, бу одам каззоб эди, жаноб генерал, у энг разил олтин-кумуш пуллардан ҳам разилроқ эди; бироқ генерал ҳеч қачон бундай гапларга ишонмасди, у ўз маъбудининг қайтиб келишига ишонарди, қариб-қартайган чоғларида ҳам унинг келишига умидини узмаганди, бу пайтлар соғлиқни сақлаш вазири унинг баданига ёпишган кана-жўлакларни қисқич билан бирма-бир териб ташларди; шунда у вазирни булар кана эмас, улар денгизнинг қайтиб келишидан дарак беради, деб ишонтирмоқчи бўларди. Унинг сўзлари шунчалар мантиқли ва ишончли бўлардики, вазир ичида ўйларди: «У одамларга ўзини кардай кўрсатади,

<sup>1</sup> Р е м о р а — кема тагига ёпишиб яшовчи балиқ.

<sup>2</sup> К о н к и с т а д о р — Америка қитъаси очилгач, у ерларни ўзлаштириш учун отланган испан босқинчилари (Писарро, Кортес кабилар). Улар ерли аҳолини қириб ташлаганлар.

лекин кар эмас, ўзи учун нозик қабул маросимларида ўзини соддалик, гўлликка олади, лекин аслида ундаймас». Лекин беҳад қариган эди, ҳар томонлама текширишлар шунини кўрсатдики, унинг шоҳ томирлари шишадан ясалган, буйраклари худди умр бўйи қумлоқда яшагандай қум билан тўлиб қолган, жимо ва ишқ бўлмаганлиги сабабли, юраги ҳилвиноқ эди, буни кўрган эски қадрдони бўлмиш шифокор оғайниларча тап тортмай тўғриси айтиб қўя қолди: «— Омонатни топширадиган вақт келибди, жаноб генерал! Ҳар қалай ҳокимият жиловини кимга топширишни айни ўйлайдиган пайт. Бизни бу бебақо дунёга етимча қилиб ташлаб кетмасиз, ахир!» Аммо у ажабланиб сўради: «— Азизим доктор, мени ўлади деб сизга ким айтди? Бу қандай бемаънилик? Ўладиганлар ўлаверсин, мен шошилаётганим йўқ. — Кейин гапни ҳазилга бурди: — Ўтган куни оқшом мен ўзимни телевизорда кўрдим, ҳали ҳам чакки эмасман. Жангга шай бўқадайман!» У қаҳ-қаҳ отиб кулди ва бошига ҳўлланган сочиқ қўйиб телевизор олдида ҳадеса ер чўқиб ўтирган ўша оқшомни эслади, ёлғизликда ўтадиган ушбу оқшомлар у телевизорнинг овозини ёқмас — ўзининг шахд-шиддатли ҳаракатларига ҳайрон қолиб ўтирарди (Ростдан ҳам майдонга кирган буқага ўхшарди!), Франциянинг латофатли элчисига ўктамона илтифотлар қиларди, ким билади, балки Туркия ё бўлмаса Швеция элчисидир — нима фарқи бор, ҳаммаси назарида битта одамга ўхшарди, бунинг устига ушбу суратга олишгандан буён шунча кўп вақт ўтган эдики, мафтункор хонимлар даврасида турган, кечки қабул маросимида муносиб либослар кийган, қўлида ҳўпланмаган шампан қадаҳи кўтарган ҳақиқатан унинг ўзими, ва бу ҳақиқатан ҳокимият тепасига келган куни — ўн иккинчи августнинг навбатдаги тантанасими ё ўн тўртинчи январ — галаба куни шарафига ўтказилаптими, ё ўн учинчи март — таваллуд куни нишонланаптими, қуриб кетгур бу саналарни асти билиб бўладими! Унинг салтанати даврида саналар шунчалар болалаб кетдики, охири у чалкашиб қоладиган бўлди, қайси сана нимага ўтказилаётганини сира ажратолмасди, бир маҳаллар у қоғоз парчаларига воқеаларни ёзиб, найча қилиб ўраб ҳафсала билан турли тирқишларга қистириб қўярди, пайти келиб эслашимга ёрдам беради деб ўйларди соддадиллик билан; энди айқаш-уйқаш бўлиб кетган тарихий воқеаларни аниқлаб олишда бу қоғоз парчалари ҳам асқотмай қўйганди; мана шу қоғозларига ишониб, у ҳаммасини унутган эди ва уларга турли жойларда дуч келиб, нималигини сира тушунмасди; бир куни асал сақланадиган хуфия жойларнинг бирида у шундай қоғоз парчасини топиб олди ва уни ҳижжалаб ўқиб чиқди: «Ет-тин-чи ап-рел док-тор Мар-кос Ле-он-нинг ту-ғил-ган ку-ни-да ун-га бир неч-та я-гу-ар<sup>1</sup> жў-нат-моқ ке-рак». Хат, шубҳасиз, унинг қўли билан ёзилган эди, лекин гап ким ҳақида бораётганлигини мутлақо тасаввур қилолмасди, доктор Маркос дегани ким бўлсайкин, шунда у инсон учун ўз тийнатиининг ўзгариши, ўз вужуди ва хотирасининг путурдан кетишидан ортиқроқ таҳқиромуз ва шу билан бирга бундан ортиқроқ адолатли бир жазо йўқлиги устида ўйлади. Буни у Хосе Игнасио Саенс де ла Барранинг сира унутилмас замонларидан анча илгарироқ тушуниб етган эди; бир куни кўп одамлар қатнашган қабул маросими чоғида бирдан қарийб ҳеч кимни танимаслиги, кимнинг кимлигини эслолмаслигини кўрди — ҳолбуки, у бир маҳаллар ўз ғамгузор поёнсиз салтанатининг қанчадан-қанча ува-ю қишлоқларида яшовчи кишиларнинг кўпларининг исми шарифларини билар, уларни юзларидан танирди! Мана энди аҳвол шу даражага бориб етдики, у каретанинг дарчасидан қандайдир бир йигитчага кўзи тушиб, уни танигандай бўлди, лекин йигитчанинг кимлигини сира эслолмади, ўзининг эси йўқлигидан кўнгли бузилиб, қўриқчиларга йигитчани тутишни буюрди. «— Мен унинг кимлигини эслагунимча ўтириб турсин», деди. Бечора қишлоқлик йигитча турмада йигирма икки йил ўтирди. У ҳар худо берган куни битта гапни қайтарар, унинг бу гапини суд амалдорлари ҳам аниқ

<sup>1</sup> Я г у а р — Жанубий Америка юксак тоғлари ва чангалзорларида яшовчи ваҳший ҳайвон.

тасдиқлаган эдилар. Тўла-тўқис исботланган ҳақиқат шундан иборат эдики, йигитчанинг исми шарифи Браулио Линарес Москоте, у дарё флоти хизматчиси Маркос Линарес билан Делфина Москота деган қизнинг никоҳсиз фарзанди; Делфина ягуар овига ярайдиган итлар етиштиради, улар Росале-дел-Виррей деган жойда яшашади, йигитча ҳам ўша ерда туради. Умрида биринчи маротаба пойтахтга келиши; онаси март ойида бўладиган халқ сайларида иккита кучукни сотиб кел, деб жўнатган; у мен бир хўтикни ижарага олиб, ўшанда шаҳарга етиб келдим, деб такрорлашдан чарчамасди, устимдаги уст-бошимдан бошқа кийим-кечагим ҳам йўқ, шу кийим-бошда бозорвошидаги усти мато билан ёпилган қовоқхонада арзон қаҳва ичиб ўтирган эдим, бозорчи хотинлардан овчи итлар сотиб оладиган одам борми, деб сўраб-суриштирадим; хотинлар билмаймиз дейишди, шунда бирдан аллақандай тўс-тўполон, югур-югур бошланди, ноғоралар тарак-тарак қилди, сурнайлар чалинди, осмонга ранг-баранг мушаклар отилди, бозор олдига йиғилган одамлар: «Келяпти! Келяпти! Ҳақиқий эр келяпти! Ана у!» — деб қичқирдишарди. Йигитча бозорчи хотинлардан «Ҳақиқий эр ким?» — деб сўради. Хотинлар эса унга: «Нима, хотинлигини билмайсанми? Давлатнинг эгаси-да!» — деб жавоб беришди. Шунда йигитча кучукларни картон яшикка жойлади-да, бозорчи хотинлардан мен қайтиб келгунимча қараб туринглар, деб илтимос қилди. Ўзи бўлса кўчага югуриб, аллакимнинг деразасига чиқиб олди ва одамлар издиҳоми оша қараб отлар қатор келаётганини кўрди, эшигига аждаҳо сурати солинган каретага ҳамроҳ бу отларнинг ҳашаматли жигалари ҳилпираб, олтин ҳалли ёпиқлари елпинарди, карета дарчасидан ипак қўлқопли қўл одамларни саломлаб силкинарди, йигитча давлат эгасининг оқарган башараси, табассуми ўчган сўлгин дудоқларини кўрди, унинг гоятда мунглик кўзларини кўрди, шунда баногоҳ бу кўзлар минглаб одамлар орасидан йигитчани илғаб олди, игналар денгизидан игна топгандай бўлди ва шунда карета дарчасидан сўқилган бармоқ йигитча томонга ўқдай санчилди: «— Ушланглар анов деразадагини! Уни қаерда кўрганлигимни эслагунимча қамоқда ўтирсин». Ана шундай қилиб йигитчани ушлаб олишди, уни ёниб турган чўғларга ўтқазишди, терисини қилич билан шилишди, айт, давлат эгаси сени қаерда кўрган эди, деб қийноқ-қистовга солишди. Лекин порт қалъаси орқасидаги қийноқхонада қанча азоблашмасин, йигитча ўз билганидан бошқа ҳеч бир гапни айтолмади, у ўз гапи устида шунчалар қатъий ишонч ва енгиб бўлмас матонат билан туриб бердики, генерал охири янглишганига иқрор бўлди ва илгари ҳеч қачон Браулио Линарес Москотени кўрмаганлигини тан олди. «— Лекин энди бошқа илож йўқ — ўтираверсин! Унга қаттиқ адолатсизлик бўлди, агар аввал душман бўлмаган бўлса, энди албатта бўлади». Шу-шу бечора йигит қамоқхонада чириб кетди. Генерал бўлса, ҳеч нарсани эслолмас ва ҳамон тумтайган Ҳукумат Уйида тинимсиз кезиб, тўхтовсиз гўлдирадди: «— Онагинам Бендисйон Алвардо, эй менинг гуллаб-яшнаган кунларим, ўзинг менга мадад қил, юзингни пардасини кўтар, жамалингни кўрай, ахир. Онагинам, мадад қил, менга на ҳожат шунча доврўқли ишлару шунча галабалару зафар нашидалари агар уларнинг биронтасини эсламасанг, эслаб таскин-тасалли ололмасанг, қарилик ботқоғига ботганда улар кучингга куч қўшолмаса?» Аммо ҳаётининг энг аччиқ аламангезликлари ва энг бахтиёр лаҳзалари ва улуғворлигининг энг шарафли дақиқалари — бари унут чоҳининг қора ўпқонига чўкиб йўқолди, бу ўпқонларни найча қилиб ўралган, тирқишларга беркитилган қоғоз парчалари билан ёпишга уринишлар ҳам кор қилмади. Содда хаёл! У, айтилик, тўқсон олти ёшга кирган Франсиска Линеро ким эканлигини абадулабад билмай ўтишга маҳкум этилган эди; у кампирни маликаларга хос шон-шараф билан кўмишга амр этди, сабаби: тирқишлардан бирида тасодифан топилиб қолган қоғоз парчасида унинг ўз қўли билан шундай қилиш кераклиги ёзиб қўйилган эди. Бундан ташқари, унинг кўзлари кўрмай қолмоқда эди, ҳукм-ҳиккасини кўр-кўрона ўтказишга тўғри келарди — ўн бир жуфт кўзойнак унинг мушқулини осон этолмасди. Аммо ёзув столининг

тортмасидан улар ичидан хоҳлаганини олиб, бурни устига қўндириб, фойдалангандай бўларди. Бу ўзи билан гаплашаётган одамларни жуда яхши кўриб тургандай таассурот уйғотарди. Ҳолбуки, аслида унга суҳбатдошлари жонсиз шарпа бўлиб туюлар, уларнинг овозларини ҳам эшитмас, фақат хузурида ўтирган одамни сезги билан англаб оларди. У ниҳоятда ночор бўлиб қолганди, ана-мана жони узиламан деб турганга ўхшарди.

— Бир куни қабул чоғида мудофаа вазири бундан ҳаддан ташқари қўрқиб кетди; генерал бирдан акса урди ва мудофаа вазири: «— Соғ бўлинг, жаноб генерал!» — деди. У шу заҳоти иккинчи мартаба акса урди ва мудофаа вазири иккинчи мартаба айтди: «— Соғ бўлинг!» Аммо акса уриш тўхтамасди. «— У тўққизинчи марта акса урганда, мен соғлик тилаб ўтирмадим. Менга талваса зулматидан ночор қараб турган кўз ёшлари ғарқоб бўлган, ўқрайган кўзлари, бўғриқиб кетган башарасини кўриб қўрқдим, унинг тили дирвайиб, бўғилиб ўлган ҳайвоннинг тилидай осилиб қолди, мен тезроқ бу ердан қочиб чиқишга ҳаракат қилдим, у менинг нақ кўз ўнгимда ўлиб борарди, менинг бунга ҳеч қандай алоқам йўқлигини айтадиган биронта ҳам гувоҳ — бирон-бир тирик жон ёнимда йўқ эди. Лекин мен энди секин чиқиб қочмоқчи бўлиб турсам, у акса уришлари орасида бақириб берса бўладими: «— Қўрқманг, бригада генерали Росендо Сакристан! Тусингизни ел есин, тек тулинг, — мен сизнинг кўз ўнгингизда ўладиган тентак эмасман!» Мудофаа вазири тек қотди, у эса худди ўлим ёқасида тургандай акса уришда давом этар, ҳуши бошидан учғудай бўларди. Унинг кўз ўнгида минглаб оқ йилтироқ чивинлар каби учқунлар сачрарди, лекин у жони борича бир фикрга ёпишиб олган эдики, онагинаси Бендисйон Алварадо унинг шармандаи шармисор бўлиб акса уришдан ўлишига, бунинг устига ўз хизматчисининг кўз ўнгида ўлишига ҳеч қачон йўл қўймайди. «— Хап тур, ўладиган аҳмоқ йўқ! Ўлсам ҳам юзимни ерга қаратмайман!» Шу воқеадан кейин у шундай бир хулосага келдики, одамлар орасида ўлгандан кўра сигирлар ўртасида ўлган авло, чунки одамлар киши ўлаётганда ориятини сақлолмади деб айбсотишлари мумкин. «— Нега булар ҳаммаси ўкчасини қўлтиқлаб кўтариб юришибди?» Бузрук папанинг элчисини ҳам қабул қилмай, у билан худо ҳақида баҳслашмай қўйди, зеро худди чақалоқ каби чой қошиқда шоколад ичишига тўғри келар ва элчи буни кўришини истамасди. У кимлардир менга раҳми келганидан атай ютқазиб бермасин деб, қўрқиб домино ўйнашни ҳам бас қилди. У ҳеч кимни кўргиси келмасди. У ўзини жуда қаттиқ назорат қилишига, товони ясси оёқларини судраб босмасликка шунча уринишига қарамасдан, гарчи уни умр бўйи судраб босган ва бу ерда яшириб ўтирадиган нарсанинг ўзи йўқ эди, у ёшини беркитишнинг сира эпини қилолмас, лекин ўзининг ҳақиқий аҳволини биров билишини хоҳламасди. У ўзининг ёшидан ҳижолат чекарди, ўзини умидсизлик қаърининг энг чеккасида тургандай сезарди, охириги гамбода диктаторларни у шундай ҳолатда топарди, уларни бошпана ҳуқуқини олган одамлар каби эмас, худди маҳқумлар сингари сақларди — улар яна дунёга юқумли мараз вабосини тарқатмасинлар деб, уларни ўша қоя устидаги дориляттомда тутарди. У бунинг нималигини биларди, ўзи билан ўзи ёлғиз қолган чоғида ожизлик, ночорлик, ҳеч нарсага қурби етмасликдай мудҳиш, жирканч ҳиссиёт нималигини бошидан кечирганди, ўша бадбахт эрталабда у ичкари ҳовлидаги ҳовузида шифобахш малҳам сувда ётиб кўзи илиниб ухлаб қолди. «— Онагинам, сиз тушимга кирдингиз, гуллаб ётган бодом дарахтининг япроқлари аро менинг бошим узра чириллаган ва чарсиллаган қора чигирткаларни худди сиз яратгандай бўлиб туюлдингиз, назаримда, сайроқи зарғалдоқларнинг рангин хонишларини ҳам сиз ясагандай эдингиз, аммо, онагинам, ичкаларим бирдан бўшашиб, ичимдаги ҳамма нарсалар пўриллаб отилиб чиқди-ю, мен уйғониб кетдим, уят-шармисорликнинг макруҳ сувларида ғазаб-қаҳрдан қалт-қалт титраб уйғондим, макруҳга айланган сув бетида орегано ва гулхайрининг муаттар япроқлари сузарди, норинж дарахтининг япроқлари тўкиларди ва шунда икотеа тошбақалари менинг ичимдан буралиб отилиб чиқиб саргимтир



сариклик сари шодон ташланишди, мана шундай юз қоралик бўлди, она!» У ўз чириган вужудининг бу ёмон қилиғини ичига ютди, ўз қарилигининг бошқа яна кўп номардликларига чидади, қартайишнинг яна янгидан-янги шумликларини ортиқча шоҳидларсиз қарши олиш учун хизматчилар сонини мумкин бўлганча қисқартирди: ҳар қалай ҳўл сочиқ билан ўралган бошини лиқирлатиб бу ҳувиллаган кимсасиз Ҳукумат Уйида нима қилишни билмай тентиращларини ҳеч ким кўрмайди, ҳеч ким кўрмайди унинг сигирларнинг сўналаридан азоб чекишлари, ҳар бир девор қошида сўнгсиз-интиҳосиз кадардан инграб инқиллашлари, чидаб бўлмас боши огригидан телба бўлиб увиллашларини ҳеч ким кўрмайди ҳар қалай; у боши қаттиқ оғриши ҳақида шахсий табибига миқ этиб оғиз очган эмас, чунки бу оғриқ яна ўша қартайиш туфайли эканлигини биларди; оғриқ аввал ўзининг оғриқлигини сездириб келарди – у аввал чақмоқнинг олис қалдироқлари билан ҳали кўкда оғир қора булутлар пайдо бўлмасдан бурун яқинлашиб келарди, ана шунда у ҳеч кимса мени безовта қилмасин деб буюрарди; кейин оғриқ икки чаккасига бурув соларди, шунда у нима бўлганда ҳам, уйга ҳеч кимни киритманглар, ҳеч кимни, деб қичқирарди, калла чаноғи ичидаги пўлат гаров айланиб тургандай боши ёрилиб кетар даражага етганда, у уйга ҳеч кимни қўйманглар, ҳатто худо келса ҳам қўйманглар, деб бўқирарди. «– Ҳеч зот бу ерга киритилмасин! Ўлиб қолсам ҳам киритманглар!» Оғриқ уни шафқатсиз суратда пийпалар бир зумгина тин олдирмас, ҳатто ўзининг қиёмат-қойими билан баробар чорасизлигини тушуниб етишига йўл қўймасди, аммо узоқ кутилган саховатли жала қуйиб юборгач, оғриқ босилар ва ниҳоят у бизни ҳузурига чорлар ва худди янгидан туғилгандай бўлиб ўтирарди. У овози чиқмайдиган телевизор қаршисида ўтирар ва биз унинг олдидаги мўъжаз столга кечки овқатни келтирардик: чўчка гўшти ва ловиядан қовурдоқ, қирилган кокос ва қовурилган бананлар – унинг ёшига мутлақо тўғри келмайдиган таомлар! Аммо у кечки таомларга қўл урмасди, зеро у алмисоқдан қолган телефилмни томоша қилиш билан андармон бўларди. Бу телефилмнинг махсус кўрсатув канали орқали яна қўйилгани, қўйилганда ҳам, жуда шошилиш ичида, тасма онтар-тўнтар қилиб ташлангани – давлат ишларида қандайдир нохушликлар борлигини кўрсатарди – ҳукумат аниқ ниманидир яширарди. «– Нима шимилтирик бўляпти бу ўзи?» – деб гудранарди у, лекин шу заҳоти ўзини ўзи овутиб мендан ҳеч нарса ни беркитишмайди, мабодо бирон-бир жиддий воқеа бўлганда, албатта менга хабар қилишарди, деб ўзини ўзи ишонтирарди; у шундай хаёллар билан ёлғиз ўзи совиб қолган кечки таомлар рўпарасида ўтирар, жоменинг соатлари саккиз карра занг ургач эса у ўрнидан туриб, идишдаги кечки овқатларни унитазга тўқарди. У кечқурун анчадан бери шундай қиларди, ўзининг аянчли аҳволини ҳеч ким билмасин дерди: унинг қурсоғи ҳеч қандай овқатни қабул қилмай қўйганди; одамлар уни илгаригидай деб билишларини хоҳларди, ҳамон ўша-ўша нурафшон замонларнинг афсоналарида битилгандай, уларнинг ёсларида қолишни истарди, ўзи ҳам ўша афсоналардан тасалли оларди, улар боис ўз-ўзига нафратдан чалғигандай бўларди, аъзойи вужуди ҳар сафар яна панд бериб, яна бир ишқал чиқарганда уни чулғаб оладиган жирканч ижирғанишдан бир зум халос топгандай тин оларди. У базўр нафас олиб турганлигини унутмоқчи бўлар, халажойларнинг деворларига: «Яшасин генерал! Яшасин чинакам эр!» – деган сўзларни ўзи ёзаётганлигини ўйламасликка уринарди. У бир кечада учта аёлнинг кўнглини олиш учун яширинча табиб тайёрлаб берган малҳамни ичгани ва мана шу кексаликнинг соддалиги боис, ожизона аччиқ кўзёшлар тўкишга мажбур бўлганини сира ёсласи келмасди. У эркаклик нафсонияти ер билан яқсон бўлгач, бўшаниш учун ўтириб сувни оқизмоқчи бўларкан, йилларди: «Жону жаҳоним онажоним Бендисйон Алварадо, мени газабингга ол, ўз ўтли сувларинг била мени муфарраҳ айла!» Бироқ бу шармисорлик унга тушунарли эди, нимага сон-саноксиз маротаба ишни эпполмаганлиги сабабини у биларди: тўшакда унга етмаётган нарса эркаклик қуввати эмас, балки ҳар доимгидай муҳаббат етишмасди. Ошнаси бош вазир унинг қўйнига

турли аёлларни солишга ҳаракат қиларди, лекин улар ҳаммаси унга жуда совуқ кўринишарди, қанийди энди истараси иссиқроқ бўлса уларнинг. «— Ахир қўшни қизлар мактабини ёпиб қўйишган бўлса, демак, мен бу ажойиб ёқимли ишни унутиб юбормаслигим керак-ку!» Анов аёлларнинг худди суяги йўққа ўхшарди. «— Фақат сиз учун махсус танлаб олинган, жаноб генерал!» Улар тўғри Амстердамнинг кўрғазмаларидан, Будапештнинг кинофестивалларидан, Италиянинг Ўрта Ер денгизи мовий соҳилларидан самолётга ўтқизилади олиб келинарни. «— Ўзингиз бир қаранг, жаноб генерал, мўъжиза-я, мўъжиза! Дунёнинг энг офатижон маҳбубалари!» Маҳбубалар ним қоронғилатилган хоналарда камтарин ашула дарси муаллималари қиёфасида уни кутиб олишар, нафис баданларини ечиниб кўрсатишарди; уларнинг болдай иссиқ баданларида чўмилиш либосларининг рангин излари муҳрланиб турарди; уларнинг тишларидан муздек ялпиз ислари: гул сувларининг муаттар ҳидлари таралар ва улар бахмал диванга қўйма темирбетон ғўлага ўхшаб кетадиган улкан буқанинг ёнига ётишарди. «— Аммо у ҳеч устидаги кийимини ечмайди, умуман, ечинишни истамайди! Қанча ҳаракат қилмадим, нималарни ўйлаб топмадим, барибир! Шунча уриниб уни ҳатто қимирлатолмадим!» «— Ўлган балиқдай совуқ чиройли бу ойимча жонимга тегиб кетди, вой мунинг қилиқлари-ей! Очиғини тик юзига айтдим: бўлди, бас, яхшиси, бориб пардага кириб хонақода ўтир, қизим!» Узоқ-узоқлардан олиб келинган чиройи ҳар қандай одамни довдирагиб қўядиган, энг қиммат нархларда баҳоланган қизлар билан сира ишлари юришмас ва бундан у гоятда эзиларди. Аммо бир куни хуфтон пайти соат саккизларда сарой кирхонасида аскар кийимларини юваётган кирчи хотинга дуч келди ва бир шапати уриб уни катта тос тоғора ичига ағдарди; хотин дафъатан ўрнидан сакраб туриб кетди ва: «— Мен бугун ярамайман. Мени ҳайз босган!» — деб қўрқиб ўзини оқлаганча қочиб қолмоқчи бўлди. Аммо генерал уни индамасдан икки букди-да, юзини дазмол тахтасига босди ва орқасидан туриб шунчалар иштиёқ билан ишга берилиб кетдики, хотин шўрликнинг барча қовурғалари қисирлаб, кўксидан пайдарпай ингроқ отилиб чиқди ва дод деб оҳ-воҳ қилди: «— Кўтос бўлиб кетибсиз-е, генерал! Нима бало, эшакдан улги олдингизми!» Генерал унинг бу оҳ-воҳларидан кўп ҳузур қилди, ўзининг хушомадгўйларидан кунда мадҳу сано эшитиб ҳам мунчалик роҳат қилмаганди. Шундан кейин кирчи хотинга болаларини умр бўйи боқиш учун нафақа тайинлади; кўп йиллар ўтиб у шу куни сигирларга тунги емини бераркан, яна хиргойи қилди: «О, сўлим январнинг моҳи!» У хиргойи қилар ва ўлимни ўйламасди. У аниқ билардики, ҳатто ўзининг охириги кунда ҳам ожизлик ва заифликка асло даст бермагай ва ақлга сигмайдиган нарсаларни ўйлаб ўтиришга ўзига йўл қўймагай; у сигирларини яна бир бошдан санаб чиқди ва хиргойи қилиб роҳатланди: «Сенсан қоронғи йўлларимнинг машғали. Сенсан менинг йўлчи юлдузим». У икки марта қайталаб санаб, тўртта сигир йўқлигини кўрди, шундан кейин сарой томон юриб вице-қироллар замонидан қолган либос тахмонларида ухлаётган товуқларни санаб чиқди, қушларнинг қафасларини саноқдан ўтказди: «Қирқ саккизта» ва уларнинг устига қушлиқ рўмолларни ташлади. Кейин у сигирлар уззукун сарой кезиб ерга ташлаган ва қуриб қолган таппиларни йиғиб ёқди, шунда янги ёқилган таппининг ҳиди ва тутуни унга ҳар сафаргидай болалигини эслатди. Лекин бу гал кўз ўнгида гавдаланган манзара, одатдагидай, туманлар ичра кўриниб, сўнг бир зумда ғойиб бўлмади, балки нигоҳида аён қад ростлаб турди. Ясси тоғликларнинг муздай совуқ шамоли эсарди, у кичкинтой болакай совуқда қалт-қалт титрарди, ёнида онажониси Бендисён Алварато, у ҳозиргина ахлатхона узра учган калхатлар чангалидан қўй ичак-чавоқларини тортиб олди-да, суягигача совқотиб дағ-дағ қалтираётган ўғилчасига таом тайёрлаш пайига тушди.

Тун соат ўн бирга жом чалинди, у йўлаклар ва бўм-бўш хоналардаги чироқларни бирин-сирин ўчирди, қўлида лампа билан яна бир қарра саройни айланиб чиқди, ўн тўртта қоронғи тортган ойналарда ўн тўртта ўз соясини кўрди. Қўлида ёниб турган чироқ кўтарган ўн тўртта бир тусли

генерал. Аммо ойналардан бирининг теран сатҳида концерт зали ичида у оёқлари осмонга тўнтарилиб ётган сигирни кўрди ва уни чақирди: «— Сигир! Сигир! Бу нима қилиқ? Нима бало, ўлиб қолганми?» У кўриқчилар хонасига йўл олди, сигир ўлиб ётганлигини уларга эслатди. «— Эрта тонгда албатта олиб ташланглар, бўлмаса қузгунлар учиб келишади!» У буйруқни бергач, қўлида чироқ билан бошқа учта сигирни бутун саройнинг биринчи қаватидан ахтара бошлади — халажойларни қаради, столлар остини кўрди, ойналарнинг орқасига кўз югуртирди, кейин у юқори қаватга кўтарилиб, сигирларни қидириб барча хосхоналарни қараб чиқди, лекин ҳеч ердан уларни топмади. Бу хайҳотдай маконларда фақат биттагина она товуқ истиқомат қиларди: у унут бўлиб кетган замонлардаги аллақандай зоҳиданинг нимпушти гулчамбарли кўшикида тухум босганча ўтирарди. Генерал ўша зоҳиданинг исмини ҳам эслолмади. Кейин у уйку олдидан бир қошиқ асал ялади, асал идишни яширилган жойига қайтариб қўяркан, бу ерда ўзининг кўпдан-кўп қоғоз парчали ёзувларидан бирини топиб олди. Бу қоғоз парчасида машҳур шоир Рубен Дариога дахлдор қандайдир муҳим сана ёзиб қўйилганди. Худо уни ўзининг энг олий тахти салтанатига муяссар қилган бўлсин! Қоғоз парчасини ўқиб, у ҳеч нарсани тушунолмади, кейин уни найча қилиб ўраб, яна жойига қўйди ва тилида дуо айтиб пичирлади: «Эй бизнинг падаримиз, самолардаги бизнинг мўъжизапардоз раҳнамоимизсан, ўз қудратинг шаҳди билан осмонларда тайёраларни кўтариб турувчи ва баҳри муҳитларда кемаларни тутиб турувчисан, эй...» У тилида ушбу дуо калималарини такрорлаб, фурқатда қолган фил каби улкан оёқларини судраб босиб нари кетди, уни уйқусизлик абгор қилган, айлангувчи маёқ унга ўзининг сўнгги липирлаган шуълаларини ташлар, уни кўкимтир нурларининг охири гарамлари билан кузатарди; у ўзи сотиб юборган денгизни қайғуриб излаётган шамолларнинг шовқинларини эшитар, узоқ замонларнинг ҳарир шарпалари аро қандайдир тўйда чалинаётган мусиқа садоларини эшитар, ўшанда жаноблар эҳтиётсизлик қилиб унинг курагига пичоқ санчишларига оз қолган эди; кутилмаганда у адашиб юрган сигирнинг устидан чиқди ва унинг йўлини тўсди: «— Сигир, ҳай сигир! Жўна бу ердан!» Сигирни орқасига қайтаргач, ўз хобхонаси томон йўл олди, йигирма учта деразанинг ҳар бирида денгиздан айрилган шаҳарнинг чироқлари кўзга ташланарди; ҳар бир деразадан унинг димоғига шаҳар ичкараси сирларининг жазирама ҳовури уриларди, минг-минглаб одамларнинг ғалати бир нафаси келарди — шаҳар ягона вужудга айланиб нафас оларди, ҳар бир деразада у шаҳарни йигирма уч маротаба кўрди ва ҳар сафаргидай халқ деб аталадиган англаб бўлмас, бепоён баҳри муҳитнинг улуғвор ва шиддатли эврилишларини яна янгидан ҳис қилди; бу халқни у кўксига қўлини қўйиб уйқуга чўмган ҳолда тасаввур этди ва шунда бирдан ўз генералини ҳаммадан кўра ортиқроқ севгандай бўлиб кўринган кимсаларнинг унга нисбатан ғарази қанчалар теран эканлигини ҳис қилди! Уни авлиёдай кўриб, шарафига шамлар ёқишарди, ҳомиладорларнинг кўзи омон-эсон ёрисин деб, жон таслим қилаётганларнинг ўлим шарпасини даф қилиш учун унинг номини асрорий бир эътиқод билан дам-бадам тилга олардилар, бошқа бировлар эса унинг игуана каби маҳзун кўзлари, ғамбода дудоқлари, аёлманд нафис қўлларини узоқ замонларнинг телбакезик лимузинининг ўқ ўтмас ойналари ортида кўрган чоғларида уни тугиб берган онани, унинг онасини қаргаб, лаънат ўқирдилар. Лой-балчиқда қолган этигининг изларини ўпардилар, орқасидан қарғишлар ёғдирардилар, кимсасиз Ҳокимият Уйининг жонсиз деразаларида липирлаб учган шуълалар шаҳарнинг ҳар бир ҳовлисидан кўриниб турадиган жазирама исиқ кечаларда унинг бошига тинмай ўлим тилардилар. «— Ҳеч ким бизни севмайди», — деб хўрсинди у зарғалдоқларнинг мусаввири, чевар қушчи, марҳума онаси Бендисйон Алварадонинг хосхонасига бошини суқиб қараркан, шўрлик аллақачонлар хоки туробга айланиб ётади ўз мақбариди. «— Хайрли тун, она», — дея шивирлади у. «— Ўлимнинг эзгу бўлсин, ўғил», — мақбардан овоз келди.

У хобхонаси эшигидаги илгакка лампасини илганда соат тунги роса ўн икки эди. Даббасида шу он жуда қаттиқ санчиқ сезди — дабба оғриқнинг зўридан чириллаб юборди. Бутун дунёни, ҳамма нарсани, барча маконларни оғриқ тутди, оламда шу оғриқдан бошқа ҳеч нарса қолмаган эди. У охири марта эшикни учта қулфини буриб беркитди, уч занжирни илди, уч илгакни туширди, ўз хос тувагига охири марта ўтирди, охири бор қурбонлик қилгандай жичча пешоа билан жилдиратди ва ечиниб ўтирмай бор уст-боши билан ўзини саҳт ерга ташлади у ҳар қандай қабул маросимлари, учрашувларни бекор қилгандан сўнг доим дағал матодан тикилган иштон киядиган одат чиқарган, ҳозир эғнида йўл-йўл ёқасиз кўйлак, оёғида одми, жўн шиппак бор эди, у ёстиқ ўрнига очиқ кафтларига юзини босди ва шу заҳоти оғир уйқуга кетди, бироқ иккидан ўн дақиқа ўтганда у боши тамомила оғирлашиб, гаранг бўлиб уйғонди, у қора терга ботгани — ҳатто бутун кийим-боши жиққа тер эди, одатда, у момақалдироқдан олдин шундай кўйга тушарди. «— Ким у?» — деб сўради у қалтираган овозда, зеро кимдир уни уйқуда чақиргани эсида эди, лекин унинг исмини айтиб эмас, мана бундай деб чақирди: «— Никанор! — Яна бир қарра: — Никанор!» Бу қулф-калитларга тегмай деворлар оша тўсиқ билмай кириб келадиган аллаким эди. У диққат билан яхшироқ разм солиб қаради, шунда бу ўлим эканлигини кўрди. «— Бу сизнинг ажалингиз эди, жаноб генерал, у тавба қилаётган гуноҳкорнинг увалаларига бурканган, қўлида тутқиси эгри ҳасса тутгани; унинг бош чаноғига мазористон гиёҳлари чамбарак қилинган, суяк ёриқлари орасида ер ости чечаклари ўсган, кўз косаларида кўҳна фолбин кампирнинг ўткир кўзлари учқун сочарди». У ажални унинг бутун бўйи баробарида кўргач, у нима учун ўзини: «Никанор! Никанор!»<sup>1</sup> — деб чақирганини билди. Ахир ажал ҳар бир одамнинг жонини олгани келганда, уни шу исм билан чақиради. Аммо у нидо қилди: «— Ажал, шошмай тур! Ҳали менинг паймонам тўлгани йўқ. Мен уйқу ичра ўламан. Ўз қоронғи хобхонам ичра ўламан. Алмисоқдан қолган замонларда фолбин кампир азал сувига қараб туриб, шундай фол очган». Аммо ажал шундоқ жавоб қилди: «— Йўқ, генерал! Бу ҳозир ва шу ерда рўй беради! Сиз ялангоёқ бўлиб, тиланчи уст-бошида ўласиз. Бироқ сизнинг жасадингиз устидан чиққанлар, сизни кабинетдан топдик, устига ҳеч қандай нишонларсиз ҳарбий дала кийимини кийган экан, чап оёғининг этиги кўнжида олтин нағали бор экан, деб айтишади. Улар афсонага қарши бормаслик, башоратларга ишонч сақланиб қолиши учун шундай қиладилар». Ниҳоят, у ажал қандай деган бўлса, шундай жон берди. У буни шу тобда сира хоҳламагани. Зеро шунча йиллар беҳосил рўёлар ва ўз-ўзини алдашлардан сўнг эндигина шуни англай бошлаган эдики, одамлар яшамайдилар, балки тирикчилик қиладилар, тусини ел олсин, ҳар қанча узоқ ва ҳар қанча уриниб яшамагин, барибир у фақат қандай яшашни ўрганишгагина етади — бу ҳам умрнинг энг сўнги дамида муяссар бўлади! У умр борасида бир хулосага келганда, ўлди. У ҳаётининг ибтидосида севишга қобил эмасман, деган хулосага келгани, бунга гўёки қўлларининг кафтларида толе чизиқларининг йўқлиги, улар теп-текис, сип-силлиқ яратилгани ва фолбинлар очган фоллар далолат бўлгани, у жисмоний, ҳирсий муҳаббат ўрнини ҳокимиятга муҳаббат билан босишни мўлжалга олди, кўнгил мулкида ҳокимиятпарастлик девини тарбиялади, ҳамма нарсани бу девга бағишлади; у ихтиёрий суратда қурбон бўлди ва бир умр қурбонгоҳнинг мудҳиш паст алангасида ёнди; у нафсини каззоблик ва жинойтлар билан боқди, шафқатсизлик ва номуссизликда қад кўтарди, у ўз тўймас юқолиги ўтини ўчириб турди, туғма қўрқоқлигини босди, шундай қилсам, кафтимда маҳкам турган биллур шарни ҳеч ким тортиб ололмайдди, деб ўйлади. У фақат бир нарсани тушунмади, ҳокимиятпарастлик ҳеч тўймас ҳокимиятпарастликни келтириб чиқаради, у тушунмади, ҳокимиятга то қиёмат-қойимгача тўйиб бўлмайдди, балки яна бошқа дунёлар тура тургунча унга тўйиб бўлмас, жаноб генерал!

<sup>1</sup> Н и к а н о р (юнон.) — галабани кўрувчи, бу ўринда ўлимнинг мангу галабаси.

Лекин у ахир биларди бошданоқ: унга хушомад қилувчилар уни алдайдилар, у биларди хушомад учун нақдина оладилар, у биларди, уни шодумон шарафлаган ва унга мангу бахтиёр ҳаёт тилаган издиҳомлар ҳарбийларнинг қурол кучи билан ҳайдаб келтирилади; у буларнинг барини билар ва ўзини шу ёлгонга, шон-шухратнинг шу тубан ўлпонига суяниб яшашга ўргатганди. Зеро ўзининг сон-саноқсиз умргузаронлик йилларида шунга такрор-такрор амин бўлардики, ёлгон шубҳалардан қулайроқ, муҳаббатдан нафлироқ, ҳақиқатдан боқийроқдир; у номигагина ҳукмронлик қиладиган бўлиб қолган пайтларгача яшаб, энди ҳеч нарсага ажабланиб ўтирмайдиган даражага етганди; у ҳамма нарса унинг ҳукмидан чиққан бир маҳалда ҳукм юритарди, у шон-шарафни батамом йўқотганда, шон-шарафларга чулганарди, ҳеч қандай обрў-эътибори бўлмаган ҳолда қўл остидагиларнинг бўйсунушидан таскин-тасалли топади. Умр кузининг хазонгарчилиги бошланганда, у шунга ишонч ҳосил қилдики, ўз ҳокимиятига ҳеч қачон тўла эга бўлолмайди, бутун ҳаётни ҳеч қачон тўлалигича қамраб ололмайди, зеро бу ҳаётнинг ёлғиз орқа томонинигина билишга маҳкум, оқларнигина кўздан кечиришга маҳкум, таг ўзакнинг чалкаш чувалган ипларинигина тўғрилаш, суратли гиламдаги рўёларнинг тугунакларини ечишга маҳкум бу рўёга ўхшаган борлиқнинг гилами; у ҳатто тахмин ҳам қилолмади, ҳатто охириги дамларда ҳам англолмадики, ҳақиқий ҳаёт, чин ҳаёт барчанинг кўз ўнгида эди; лекин биз бу ҳаётни бутунлай бошқа томондан кўрардик, жаноб генерал, биз уни хўрланган, маҳрум этилганлар томонида туриб кўрардик, биз уни қайғу-гамларимизнинг битмас-туганмас йиллари оша ичкаридан туриб кўрардик, сизнинг туганмас сарғайган хазонгарчилигингиз йиллари, йиллар оша кўрардик уни, ва шунга қарамай, биз яна барибир яшардик ва ҳар ҳолда бизнинг дардимиз дард эди, ўроз лаҳзалари эса — чин ўроз эди; биз муҳаббатимиз ўлим иллати билан заҳарланганини билардик, аммо у ҳақиқий, чин муҳаббат эди, охиригача етадиган муҳаббат эди, жаноб генерал! У ана ўша ҳаётнинг машғаласи эди, сиз эса унда вагон дарчасининг губорли ойналари ортидаги рўё шарпа эдингиз, холос, биз унда милтиллаб ўтган гилтиллаган кўзларнигина, титроқ оқарган лабларнигина, ипак қўлқопли қўлларнинг видо силкинишларинигина кўриб қолардик, холос. Қарангки, бу қўллар толе чизиқларидан ҳам маҳрум эди, ва мўйсафиднинг аслида ким эканлигини биз шу тариха охиригача ҳам ҳеч қачон билолмадик; ким билсин, балки у бизнинг афсонамиз бўлдимикин, ушбу борлиқ ҳаётнинг ўнгу терсини ажратолмаган бемаънидан бемаъни бу мўйсафид мустабид, биз уни шунчалик битмас-туганмас эҳтирос билан севар эдикки, у бунга ҳатто тасаввурга ҳам келтиролмасди — ахир у биз беш қўлдай яхши билган нарсаларни билишдан шунчалар кўрқар эди: яъники ҳаёт ниҳоятда мушкул ва у елдек тез ўтиб кетгай, аммо бошқа қайтиб келмагай, жаноб генерал! Биз мана шу ягона ҳақиқий ҳаётдан чўчиб ўтирмасдик, чунки биз ким эканлигимизни билардик. У эса бизни ҳам, ўзини ҳам яхши билмай мажхуликда ўтди, бузрук тушмагур, мудом ўзининг чуриллаган даббасига андармон бўлди, тақдир меҳмонининг ногаҳон бир зарбаси билан омонсиз қулади, илдиз-пилдизи билан қўпорилиб йитди. Ўз хазонгарчилигининг охириги музлаган варам япроқларининг сурунган қора издиҳомининг шатирлашларига қўшилиб, у даҳшатга тўлиб, ўлим қайиғининг чириган увада елканларига жонҳолатда ёпишганча унут дунё зулумоти сари учиб кетди, у энди ҳаётга бегона, кўчаларга гурас-гурас ёпирилиб чиққан ва хуррам қўшиқлар куйлаган одамлар издиҳомининг еру осмонларни тўлдирган қувончларини эшитмасди, у энди байрам оташбозликларини эрк ноғораларини эшитмасди, у энди одамлар ва дунёга эзгу хабар тарқатаётган бонг садоларини эшитмасди, мангуликнинг беҳад-беҳисоб вақти ниҳоят тугаган эди.

*Тамом.*

*Рус тилидан  
Иброҳим ҒАҒУРОВ  
таржимаси.*

# Асл ўлан боқийдир...

АБАЙ

КУЗ

**С**ур булутлар қоплаб олар кўкни бутун,  
Куюқ туман босиб келар бамисли тун.  
Тўқлигидан ё совуққа йўқлигидан —  
Уюр тўзар, ҳар томонга чопар қулун.

Майсаю гул-кўкатлар йўқ бурунгидай,  
Ёш-яланг ҳам сурон солмас, ҳар ишга шай.  
Кексайган чол-кампирдайин қовжирамиш  
Баргларини тўкиб бўлган янтоқ, қуврай.

Вақти келиб қор кўтарар бунда қуюн,  
Лекин ҳозир куз чалмоқда мунгли куйин.  
Болаларин бувисига жун йигиртиб,  
Ёш хотинлар ямаб-ясқир ўтов-уйин.

Фоз, турналар учар кўкда жануб сари,  
Кун бир тутам, завқу сурур кўздан нари.  
Овуллар ҳам файзи кетиб, мунгаймишдир,  
Эшитилмас элнинг ўйин-кулгулари.

Ел захридан изиллайди танлар жовраб<sup>1</sup>,  
Қора совуқ яланг қирда кезар довлаб.  
Кўмик суяк, сарқит таом тегмагандан  
Уйда ит ҳам йўқдир, кетган сичқон овлаб.

Қоронғи куз гирдобида адир-тоғим,  
Дил тундлашар қиш забтини туйган чоғим.  
Ахир, олов ёнмас уйда — сурур қайдан,  
Кўрган кунинг қуриб кетсин, ай қозоғим!

\* \* \*

Ўлсам, умрим қордаги из бўлмасми?  
Ўткир тилим тортинчоқ қиз бўлмасми?  
Муҳаббат ва ҳасратда ёниб ўтган  
Менинг оташ юрагим муз бўлмасми?

Олтин деб асраганим, жез бўлмасми?  
Шоҳи деб ўйлаганим, бўз бўлмасми?  
Ҳаприққан бўлса бир пайт асов юрак,  
Кейинча эл оғзида сўз бўлмасми?

Нажотсизман мен ғамда бахти қаро,  
Ҳасратларим адоқсиз, топмам чора.  
Битта қалбга зарурми шунча ёнмоқ,  
Қара, ахир, бир жонман — дили пора.

<sup>1</sup> Совқотиб маъносида.

Юрагиннинг тубини теран бўйла,  
Мен ҳақимда сўйласанг ростин сўйла.  
Мен тақир ерда ўсдим ва бир ўзим  
Мингта билан олишдим, буни ўйла!

Ёшлиқда олғир эдим, ўйдан йироқ,  
Лекин не-не қалбларда ёқдим чироқ,  
Ҳар кимсани шод этмоқ орзум эди,  
Элдаги ношудлардан куйдим бироқ.

Замондан тегмади ҳеч эрк ўзимга,  
Шунданми дунё тордир гоҳ кўзимга.  
Хор бўлдим ўз юртимда топмай қадр,  
Сен, дўстим, мени ая, боқ сўзимга!

Сиртим нур, ичдан қанча қалтирамай,  
Дунё ўтар мендан ҳеч ҳол сўрамай.  
Ўлан — нақ аёл, сиринг ёяр элга,  
Бас, сўзим тўхтатай, кўп алжирамай.

## МАҲАМБЕТ ЎТЕМИС ЎФЛИ

### ЁЛҒОН ДУНЁ

Кўғали қўллар, қум, сувлар  
Кимларга манзил бўлмаган?  
Қирғоқдаги гужум тол  
Кимларга соя бермаган?  
Шойи рўмол ўраган  
Гўзаллар кимдан қолмаган?  
Энг сара, учқур тулпорлар  
Кимни йўлга яёв солмаган?  
Қулонлар ичмас балчиқ сув  
Кимларга шарбат бўлмаган?

Садоғини сариқ тўт босиб,  
Ёв излаган мард эрнинг  
Қайда боши қолмаган?  
Ичайлик-да, кияйлик,  
Минайлик-да, тушайлик,  
Ўйнайлик-да, қулайлик,  
Ўйласанг, ҳей йигитлар,  
Ушбу ёлғон, шум дунё  
Кимлардан ҳам қолмаган?!

### ЁЙИҚНИНГ БЎЙИ КЎК МАЙСА

Ёйиқнинг бўйи кўк майса,  
Уни ўриб, жойлармиз.  
Мағрур ўмров отларни  
Унга кунда бойлармиз.

Худо ишни ўнғласа,  
Омад кулиб боққанда  
Босиб келган ёвларни  
Қўйдаи қилиб ҳайдармиз.

## СУЛТОНМАҲМУД ТЎРАЙФИРОВ

### ҚИМИЗ

Азалдан ҳар ён донғи кетган, қимиз,  
Сени тотган муродга етган, қимиз.  
Табарруксан, ҳаттоки бир томчинг ҳам  
Ҳар қандай дардга шифо этган, қимиз.

Чиққанда адир узра ой чарақлаб,  
Кўясан атрофинга ипсиз боғлаб.  
Томоққа “қулт-қулт” этиб қуйиласан,  
Ташналар таскин топар кўнглин чоғлаб.

Кувининг овозлари бирам ёқар,  
 Кўзини узмас ундан бола-чақа.  
 Дунёда турли-туман неъматлар кўп,  
 Неъматсан — таърифи йўқ сен шунақа.

Кўпирсанг — жаннат бўйи анқиб кетар,  
 Мавжларинг ҳар вужудни сармаст этар.  
 Айқириб оққан дарё садосидек  
 Етти қирдан нарига исинг этар!

Сеҳринг бор — сени тотган тиришмайди,  
 Ёвига дўст тутинар, уришмайди.  
 Лабимга бир-икки кун тегмай қолсанг,  
 Кўнгил қурғур бурушиб, қуруқшайди.

Кувининг саси чоллар эсин олиб,  
 Чиқиб келар улар уйдан “ҳай-ҳай” солиб.  
 Майли, сўк, майли, ҳайқир, майли, жекир,  
 Кек сақламас ҳеч ким сенга, кўнгил қолиб.

Меҳмон исинг олисдан билаверар,  
 Бир салом-чун қошинга елаверар.  
 Бою гадой, яхши-ёмон, тўра, фақир  
 Сен томон ёпирилиб келаверар.

Айниқса, ҳожи, сўфи, хўжа-мулла  
 Тасбеҳларин ошиғич олиб қўлга,  
 Оқ фотиҳа берарлар келганданоқ:  
 “О худойим, арвоҳлар, ҳар вақт қўлла!”

Зиёрат қилар шу тарз юртнинг бари,  
 Кўнгиллар бирам чоғ, дил ғамдан нари.  
 “Ёпирай!..” дея сенга бош ирғашса,  
 Эҳтиром билдирарлар ичган сари.

Шопирсанг чўмич билан қулоч кериб,  
 Йиғилган меҳмонингга қуйиб бериб.  
 Уйини, ўтовини ташлаб буткул  
 Кетмасми ҳар гапида сенга эриб.

Ҳар ён кўзи жавдираган шўрлик гадой  
 Кўярми исинг андиб, тентирамай.  
 Бояқиш обрўингни ёяр юртга,  
 Бир қултум берсанг агар “кет, чиқ” демай.

Киши йўқ — қимиз билан кечган онни —  
 Хуш демас, майли, кезгин кенг жаҳонни.  
 Қимизсиз, менга деса, Афлотун бўл,  
 Кўрмассан сўзинг тинглар ҳеч бир жонни.

Олдиндан қимиз кетса, қизиқ кетар,  
 Қитмир гап савлатингни бузиб кетар.  
 Кечагина бийик бўп ўтирган юрт  
 Бугун сендан умидин узиб кетар.

Сен ортиқ тутақмагин ҳар ён чошиб,  
 Бос аввал ташналигинг қимиз топиб.  
 Қимизга етишгач, сўнг ҳовлиқ, ҳайқир,  
 Ўзингни султондек сез, гапнинг лофи.



Ай, қимиз, изза қилдинг құлга тушмай,  
Юрайин токайгача қуви пишмай.  
Юракнинг гамларини аритгунг сен,  
Топсам гар элга берай, ўзим ичмай.

### КҮЧИШ

Лайлаққорлар розин айтар енгил елга,  
Дашт тўйинар сойдек жўшиб оққан селга.  
Соат сайин кун гуркираб, кўк гулдураб,  
“Кўч”, — деб сурон солар қишлаб ётган элга.

Тарадудга тушиб қолар барча дарров,  
“Керак, — дея, — янги йилда янги яйлов”.  
Тўзган ашқол-дашқолини йигса кимдир,  
Мункиб ётган аравасин созлар биров.

Ночорлар ҳам тадоригин кўриб қўйган,  
Камайтириб йўл ҳақини бир-бир қўйдан.  
Юртнинг бари бўлди бирдан алғов-далғов,  
Чунки қишда кўчиш чиққан эди ўйдан.

Кимдир эски лаш-лушларин гўнг-ла ёпди,  
Юкин енгил қилмоқликнинг эвин топди.  
Узангию юган, эгар эскирган хўб,  
Аравада эса қуруқ савлат қопти.

Қий ва тезак бўй тарайди бад, ачқимтил,  
Тўзган ерда тўзғиғанча қолди сабил.  
“Кўч дегани ростлар ўзин йўлда”, дея  
Кўрасидан кўчди қочоқ апил-тапил.

Аравага от ўрнига сигир кирар,  
Бузоқчалар ҳайрон бўлиб орда юрар.  
Дам туртиниб кетар ҳамма бир-бирига,  
Сўна чақиб сигирни зир югуртирар.

Дим ҳавода бўка қўниб, сўрганда қон,  
Мол ўқалоқ отар, унда қоларми жон!

Бола-бақра “она” деб ув солиб борар,  
Нақ талатўп гирдобида қолиб борар.  
Тутиб кетар аёлларнинг шанғиллаши,  
Ҳар биттаси ношуд эрдан нолиб борар.

Силжир карвон вақт-соати, жойи билан,  
Бўз йигитлар елар ҳар ён тойи билан.  
Аравада борар кимдир, кимдир — яёв,  
Камбағал кас оворадир бойи билан.

Қўзғалганда катта йўлда кўчу кўрон,  
Кўтарилар ўрам-ўрам чангу тўзон.  
Итлар улиб, сигир маъраб, бўта бўзлар,  
Аравалар суронига тўлар ҳар ён.

## ИЛЁС ЖОНСУҒУРОВ

### БЎРОНДА

Қор зўрайиб қаттиқ бўрон ҳарсиллайди,  
 Еру кўкда изгирин чарсилайди.  
 Қўй йигилиб, тўдаланиб пана истар,  
 Бошини қорга тиқиб қалтиллади.  
 Суяниб қўй қошида таёғига,  
 Тоймасни қиров босиб — ялтиллади.  
 Шўрликнинг оёғида тўзган чориқ.  
 Пайтаваси осилиб, ҳалпиллайди.  
 Аёзга ўмовини очиб турар,  
 Бамисли қовурғаси қарсиллайди.  
 Вужудин совуқ ямлаб-ютаман дер,  
 Ҳар ёқдан аччиқ шамол анқиллайди.  
 Бўйнига ёпишган қор қотар зумда,  
 Иягида сумалак шалпиллайди...  
 Иссиқ ичик, тулки тумоқ, кўнжли этик —  
 Дуйсекбой дўнг бошида салқинлайди.  
 “Нарига қўйни кўзгаб қўйсанг-чи” деб,  
 Тоймасга зуғум қилиб шанғиллайди.  
 “Еганинг ош бўлмасин, баччағар!” деб,  
 Қаргадек қор ичида қарқиллайди.

### ЯЙЛОВ

Гилагин ёйиб ташлар бунда баҳор,  
 Уфқда тўкиб турар тоғлар виқор.  
 Яйловнинг ёз лавҳасин таърифида  
 Менинг бир дилдан айтар ўланам бор.

Туни — олтин, кунида — қумуш ранглар.  
 Булоқлари маржон сочиб, куйдек янграр.  
 Ел эсиб гул-гиёҳлар мавжланади,  
 Базмда яйрагандек ёш-яланглар.

Кишнайти қулун, тойлар аҳён-аҳён,  
 Бўзтўрғай бўзлаб қолар куйдириб жон.  
 Қўйларнинг бир четида — кўкаламда  
 Утирар қаттиқ ичиб беғам чўпон.

Ям-яшил қарағайзор яйлов олди,  
 Қалиман ва Бейсенбек қайда қолди?  
 О, улар ҳов ана-ку — ҳалинчакда,  
 Ҳавода тебранишиб қий-чув солди.

Адирда еллар кезар даврон суриб,  
 Хотинлар куви пишар яйраб юриб.  
 Осмонни булут қоплар онда-сонда,  
 Яйловни чўмилтириб — ёшартириб.

Бойбича ҳалак бойга қимиз тутиб,  
 Бойнинг-чи, жойидадир ранги-қути.  
 Димоғни ёргудайин сархуш қилар  
 Тонг пайти анқиб келган оғиз сути.

Тикилиб бўй етган қиз бўйларига,  
 Эрк бериб бебош кўнгил ўйларига —  
 Кўзини уринтирган шу Жаъфар тоз,  
 Эловсиз бўп ишига — қўйларига.

Қамиш чий устида қурт йилтиллайди,  
Бия соққан ёш келин қилтиллайди.  
Эпкиннинг забтидан шип-шийдам ўтов  
Гадойнинг кулбасидек қирсиллайди.

Йилқичи дил туйғусин завққа йўяр,  
Кўшиқнинг сафосига қирлар тўяр.  
Ва уни эшитган ҳар навраста ёш  
Оқ тортиб, сочин кўздан суриб қўяр.

Мол-йилқи кетиб қолмас дайдиб ҳар ён,  
Уларни бир манзилга йиғмоқ осон.  
Ҳовридан тушмай қозон — тонг ёришса,  
Сугур тош узра чиқиб ўқир азон.

Шириндир тун уйқуси бу пайт ташда,  
Қимизлар сипқорилар наҳор-нашта.  
Гулларнинг ифорига тўлиб кўнгли,  
Оқ сулув бир чеккада тикар кашта.

## ТОЙИР ЖАРОКОВ

### ДУТОР БИЛАН ДЎМБИРА

Ўзгамас, ўз элимсан, Ўзбекистон,  
Кўрингунг кўзга кўркам сен олисдан.  
Кўзингда нур ёнганда жонга яқин,  
Шеъримиз етиб борди сенга шу дам.

Қай оқин ўзбек элин зўр ҳурмати,  
Қадрдонлик ҳаққи-чун барқ урмади?!  
Юрагин ўти билан битиб байтлар,  
Қай оқин бу дўстлик деб чарх урмади?!

Биз элдан, эл ҳам биздан олар илҳом,  
Икки эл зафарларда қозонар ном.  
Она сути янглиғ эгиз фарзандларга  
Ойдинда мавжланар Сир ажиб оқшом.

Чирчиқ ва тўлқин отга Буқтарма<sup>1</sup> нинг  
Нурлари ушалтирди эл армонин.  
Пахтаорол оқ пахта гулин сочса,  
Қозоқнинг дашти тўкди олтин донин.

Шеърга солиб узуму анорларин,  
Мақтаган чоғ сиз ўзбек паловларин,  
Ғафур ака, кўрингиз, Собит оға  
Бўз қирда тикди инжу яловларин!

Суямиз олманию анорни биз,  
Тўлдирди ширин болга қанорни куз.  
Бир боғда ўсган нақшин мевадайин  
Эртанги оқ тонгларга хуморлимиз.

<sup>1</sup> Чирчиқ дарёсига қурилган Буқтарма ГЭСи.

О, кўркам қозоқ йигит бармоқлари  
 Думбира чертиб турса сайронлатиб,  
 Ойдин бир кўлда сузган оққувдайин  
 Қизнинг рақси қўяр элни ҳайронлатиб.

Оққувнинг боласидай бўйинларин  
 Нозлатиб, бошлаб латиф ўйинларин.  
 Эврилса тўқсон буриб хипча белин,  
 Ўзига мафтун айлар элнинг барин.

Қалбимга ошно қилиб меҳримни чин,  
 Талпиниб юрагим-ла дуркун-дуркун,  
 Тошкентга ажиб шеърим айтиб келдим —  
 Қабул эт, қучоғинг оч, қардош юртим!

Кўркланиб отса уфқдан ажойиб тонг,  
 Елвагай кийиб дўппи, ола чопон,  
 Боғига ўзбек оғам сув оқизса,  
 Ан солар қир бошида қозоқ чўпон.

Ҳангома чопондамас, чўпондамас,  
 Олқишу ҳамду сано, хандондамас,  
 Жазм этиб парвоз сари элни мудом,  
 Чорласак, мудроқ диллар уйғонса, бас!

Кўшнимиз — битта эрур тақдиримиз,  
 Меҳр ва мурувватдир қалб сиримиз.  
 Севгимиз кўрига кўр кўшмоқликка  
 Маҳшаргача бурчлимиз ҳар биримиз.

Ортда қолсин мозийнинг фарёдлари,  
 Толе кучсин эгиз халқ зурёдлари.  
 Не ажаб, зафарларга эш икки эл  
 Биргаликда учса гар само сари!

## ЎЛАН

Ўлан сулув — уятчан баъзан қиздай,  
 Баъзан қўймас юракдан куй оқизмай.  
 Жонсиз ўлан туйгунгни совутгандай,  
 Босилади юракка баъзан муздай.

Ўлан — гоҳи нозланган гўзал ёрдай,  
 Гоҳ ловуллаб, гоҳ тафтинг босилгандай!  
 Гоҳ осмонни ёргандай ялт-юлт этиб,  
 Ўт-чақмоқнинг қувватин оширгандай!

Ўлан — баъзан боладай талпинади,  
 Баъзан она қалбидай балқимали.  
 Баъзида шўх денгизнинг тўлқинидай,  
 Феъли бордир “тентакнинг” шалқимали!

Гоҳи кибру ҳавода керилган кас  
 Ўлан қадру қимматин ҳеч бир билмас.  
 Менсимаслик мумкинми ўланни, айт,  
 Асл ўлан боқийдир, ҳеч ҳам ўлмас!

*Қозоқ тилидан  
 Мирўлат МИРЗО  
 таржималари.*

Амин МААЛУФ

**Самарқанд**

Роман

*ТЎРТИНЧИ КИТОБ***УММОНДАГИ ДУР**

Мен кетдим, чунки бу жаҳони бедод,  
 Бунда яшамоқнинг охири барбод.  
 Ким қочиб қутулса ажал дастидан,  
 Майли, ўша бўлсин ўлимимдан шод.

*Умар Хайём.***Ўттиз олтинчи боб**

**Ч**анг-губорли тун қўйнидаги тош девор билан ўралган ҳовлидан одамларнинг гала-говур товушлари эшитиларди. Бу ҳовлига кириб, шунчалик кўп бугдойранг кишилар орасидан Баскервилни қандай топсам экан, дея ўйланиб қолдим. Дарахтга суянганимча уларни кузата бошладим. Тузуккина ёритилган бир хужра олдида аллақандай томоша намойиш қилинарди. Ўртада ўтириб олган дарвеш мунгли хониш қилар, уни тинглаётганлар кўз ёшлар тўкиб, нола қилишар, ўзларини қамчилар билан савалаб, баданларида қонли излар қолдиришарди.

Тўсатдан қоронғиликдан ўзини ўзи савалаганича ялангтоёқ, яланғоч танли бир киши чиқиб келди. У қўлидаги занжирни зарб билан силкиб, баданига урар, силлиқ темир ҳалқалар унинг елкасида кўкимтир излар қолдирадди. Ўттиз-эллик зарбалардан сўнг, кўкимтир излардан қоп-қора қон сизиб чиқиб, занжир ҳалқаларига ёпишиб, атрофга сачрай бошлади.

Оломон ҳиссиётларини жунбушга келтирувчи бундай томоша дарвешлар томонидан минг йиллардан бери ижро этиб келинади. Томошабинлар оҳ-воҳининг қучайиши билан ўз-ўзини азоблаётган кишининг зарбалари ҳам тезлаша бошлади. Ўртадаги дарвеш ҳам хониши таъсирини ошириш мақсадида овозини янада баландлатди. Шу пайт қўлида қилич ўйнатиб, ҳаммага таҳдид қилганича, янги бир ўйинчи пайдо бўлди. Томошабинлар унга тош ва кесаклар отиб, саҳнадан ҳайдай бошладилар. Кейин саҳнада боши кесилган, лекин оёғида юриб келаётган мурда пайдо бўлди ва ҳамма ваҳимадан ўкириб юборди. Бошсиз тананинг бўйнидан қон оқар, бироқ у тирик одам сингари судралиб келарди. Уни кўриб мен ҳам ваҳимага тушиб, қичқириб юбордим.

Ўзимни йўқотиб, кўзларим олайиб, ҳазратга қарадим. У совуққонлик билан жилмайиб қўйди-да, мени тинчлантириш мақсадида шивирлади:

— Бу эскидан қолган бир найрангбозлик. Бу томошани тайёрлаш учун бирор ёш бола, ёки пакана киши танланади, унинг боши кийимлари ичига беркитилади ва бўғизланган қўйнинг бўйни боши ўрнига ўрнатилиб, қонга бўялган оқ мато билан мустаҳкамланади. Кўриб турганингиздек, томошанинг таъсири киши тасаввурини лол қолдираяпти.

Шундай деб у трубкасини тортиб қўйди. Бу пайт бошсиз тана саҳнада бир неча бор сакраб, гўё ҳолсизлангандек узала тушиб ётиб олди. Саҳнага кўзларидан шашқатор ёшлар оқизганича бир киши чиқиб келди.

Баскервил! Мен яна ҳазратга саволомуз қарадим. У эса қошларини чимирганича, бепарво ҳолда саҳнага қараб турарди. Энг ажабланарлиси шунда эдики, Баскервил америкача кийим-бошида чиққан, ҳатто саҳнада содир бўлаётган ҳам қулгили, ҳам даҳшатли вазиятга қарамасдан, бошидаги шляпасини ҳам ечмаган эди.

Оломон ҳамон оҳ-воҳ чекишдан тўхтамас ва амин бўлишимча, ҳеч кимнинг қиёфасидан томошага қараб завқланиш эмас, балки, чексиз гам-ҳасрат ифодалари акс этиб турарди. Фақат ҳазратгина бундан мустасно бўлиб, ниҳоят, у менга гап нимада эканлигини тушунтиришга киришди:

– Бундай мотам маросимларини ифодаловчи томошаларда ҳар доим битта оврўпалик иштирок этиши лозим. Гап шундаки у “беғуноҳ”лар тарафини олиб чиқиши керак. Томоша удумига кўра, у умарийлар саройидаги фаранг элчиси ролини ўйнаши ва шиаларнинг бемаврид қурбони бўлган Хусайн ўлимидан қаттиқ азиятга тушиши, ўз қайғусини худди ўзи ўлимга ҳукм қилингандек ифода қилиб бера олиши лозим. Албатта, бундай томоша учун ҳар доим оврўпалик киши топилавермайди. Шунинг учун бундай ҳолларда кўпинча сарғиш танли турк ёки форсий киши танланади. Баскервил Табризга келиши биланоқ, бу томоша ижроси учун энг муносиб номзод бўлиб олди. Кўраётганингиздек, у ўз ролини ажойиб ижро этаяпти ва ростакамига йиглаб, қайғу-ҳасрат чекапти!

Шу пайт саҳнада яна қилич сермаб олдинги ўйинчи пайдо бўлди ва Баскервилга таҳдид қила бошлади. Баскервил бир лаҳза жойида тик қотди, кейин чаққон ҳаракат билан бошидаги шляпасини тушириб юборди ва чап тарафга ҳафсала билан таралган малла сочлари очилиб қолди. Кейин у гайритабиий равишда тиз чўкди, чироқлар ёруғида унинг болаларниқига ўхшаш силлиқ юзлари, кўз ёшдан қизариб кетган яноқлари кўринди. Кейин у тавозе билан қора костюми чўнтагига ясмин бутогини қадади.

Энди мен оломон ғала-ғовурини мутлақо эшитмас, дўстимга кўз узмай тикилиб, унинг ўрнидан туришини бетоқатлик билан кутиб турардим. Томоша менга жуда чўзилиб кетгандек туюла бошлади ва унинг тезроқ тугашини тоқатсизлик билан кута бошладим.

\* \* \*

Бир соатлардан сўнг диний мактаб ҳовлисидagi Баскервилнинг хонасида анор солиб пиширилган шўрва тортилган дастурхон атрофида ўтирардик. Ҳазрат бизни ёлғиз ташлаб чиқиб кетгач, ўртамизда ноқулай сукунат ҳукм сурарди. Баскервилнинг кўзлари йиғидан қизариб кетганди.

– Мен аста-секин шарқона руҳда яшашга ўрганаёпман, – деди у синиқ кулиб, мендан узра сўрагандек.

– Бунча шошилмасангиз ҳам бўларди, аср эндигина бошланаёпти, – дедим унга синовчан тикилиб.

У энгил йўталиб олди, косадаги овқатни оғзига яқинлаштириб ундан шарқликларга хос хўплади ва фикрини жамламоқчидек, яна сукутга чўмди. Кейин тугилиб-тугилиб гап бошлади:

– Мен бу мамлакатга келган дастлабки кунларимда бундан бир минг икки юз йил олдин содир қилинган жиноят учун бунчалар куйиб-пишиб, гам-ҳасратга тушаётган серсоқол, эътиборли қарияларни кўриб, уларни мутлақо тушунмас эдим. Ҳозир ҳаммасига тушунаётгандекман. Билсам, форсийлар узоқ ўтмишларини хотирлаб яшаётган эканлар. Бу уларнинг ўз ватанларини севганликлари ва бугунги ҳаётлари ўзларига тегишли эмаслигидан ҳам экан. Биз учун замонавий ҳаётининг рамзи бўлиб туюладиган барча нарсалар, ҳатто инсон эрки учун курашиш ғоялари ҳам улар учун чет элликларнинг ҳукмронлигидек туюлади. Чунки бу ерда кўчалар – русларники, темир йўл, телеграф, банклар – инглизларники, почта – Австро-Венгрияга тегишли...

– Мактаб ва таълим эса, жаноб Баскервилники ёки америкаликларнинг диний миссияси қўлида, шундайми? – қўшиб қўйдим мен.

– Гапингиз тўғри. Бечора табризликлар нима қилишсин? Бироқ улар фарзандларини XII асрлардан бери давом этаётган ягона усул: ўн йиллаб бир хил арабий жумлаларни ёдлашга ўргатувчи диний мактабларга берганларидан кўра, америкалик болалар сингари замонавий таълим берувчи, лекин байроғига

хоч ва юлдузлар расми солиб қўйилган менинг мактабимга ўқишга берганлари яхшимасми? Менинг ўқувчиларим келажакда ўз юртлари учун фойдалироқ инсонлар бўлиши шубҳасиз, бироқ бу мактабни “даҳрийлар мактаби” деб ишимизга халал берувчиларга буни қандай қилиб тушунтириш мумкин? Бу ерга келган кунларимнинг дастлабки ҳафтасиданоқ, мен бу саволни ўз-ўзимга бердим ва бугун сиз кўрган маросимларда иштирок этиб, унга жавоб излай бошладим. Мен оҳ-нола чекаётган одамлар орасига кириб бордим. Уларнинг кўзларидан ёш оқизиб нола қайётганлигини кўриб, даҳшатдан, дарвешона телбаликдан олайиб кетган кўзларига қараб, асрлар давомида гам-гуссадан силласи қуриган форсийлар қалбини тушуна бошладим. Ва беихтиёр уларга қараб менинг ҳам кўзларимдан ёш оқа бошлади. Улар менинг бу кўз ёшларимни кўриб, дастлаб ажабландилар. Кейин менга ҳам саҳнага чиқиб, фаранг элчиси ролини ижро этишимга рухсат беришди. Томошадан сўнг кутилмаганда хузуримга ўқувчиларимнинг оталари ташриф буюрди. Энди мен улар фарзандларини бизнинг диний мактабимизга ўқишга берганликлари учун уларга таъна қилувчиларга нима дейишларини яхши билардим. Энди улар ўз фарзандларини имом Ҳусайн ўлиmidан қайғу-ҳасратга ботган, унинг учун кўз ёш тўккан ўқитувчи қўлига топширишдан кўрқмайдиган бўлгандилар. Айрим диний арбобларнинг эса, барибир, ҳамон мени кўрарга кўзлари йўқ эди. Менинг саҳнадаги муваффақиятим уларнинг душманона кайфиятини янада орттира бошлади. Уларнинг фикрича, хорижийлар бу юртда фақат ўз қиёфаларида юришлари керак.

Мен дўстимнинг бу ишга нега қўл урганлигини тушунгандек бўлдим, бироқ унинг бундай фаолиятининг муваффақият қозонишига негадир ишончим комил эмасди.

– Демак, форсларнинг мушкулларини уларнинг нолаю фиғонларига қўшилиш орқали ҳал қилмоқчи бўлибсан-да?!

– Мен бундай демоқчимасман. Нолаю фиғондан фойда йўқлигини яхши биламан. Йиғи орқали ўз ҳуқуқларини англаб олишга ўргатиш энг бемаънилик бўларди. Лекин гап йиғламасликка ўргатишда ҳам эмас. Бу ерда энг муҳими бошқаларнинг гам-ҳасратларидан нафратланмаслик, уларнинг дардларини баҳам кўришдир. Улар менинг кўз ёшларимни кўриб, гамларига шерик эканлигимни билгач, хузуримга келиб, насиҳат оҳангида менинг кўз ёшларим ҳеч нарсани ўзгартирмаслигини, Эрон мендек ҳамдардга муҳтож эмаслигини, яхшиси, кучини табризлик ўғлонларни яхшироқ ўқитишга сарфлашим лозимлигини илтимос қилдилар.

– Ақлли гаплар. Мен ҳам сенга шундай деган бўлардим.

– Бироқ улар олдида шундай кўз ёш тўкмаганимда, мен билан гаплашишга келмаган бўлардилар. Агар улар кўз ёшларимни кўрмаганларида эди, ўқувчиларимга, яъни уларнинг фарзандларига Эрон шоҳи золим шоҳ эканлигини, Табризнинг муллаю уламолари ўз шогирдларига ҳеч нарса ўргата олмайдиган хомкалла домлалар эканлигини тушунтиришимга имкон бермаган бўлардилар.

– Наҳотки, ўқувчиларга дарсларингда шу гапларни ўргатаётган бўлсанг?!

– Ҳа, мен, диний миссиянинг кичик, ёш, соқоли ҳам чиқмаган америкалик ўқитувчиси, ўқувчиларимга шу гапларни ўргатаяпман. Мен уларга шоҳдан ва қовоқбош домлаларидан воз кечишни ўргатаяпман. Бундай гапларим ўқувчиларимга ҳам, уларнинг ота-оналарига ҳам маъқул тушаяпти. Фақат пастор ҳазратларининггина гапларимдан энсаси қотаяпти.

У ўйланиб қолганлигимни кўриб, фикрларини чуқурроқ баён қила бошлади.

– Мен ўқувчиларимга Хайём ҳақида, унинг рубоийлари миллионлаб америкалик, оврўпаликларнинг чўнтакларига олиб юрадиган китобга айлиб қолганлиги ҳақида гапириб бердим. Уларга Фитз Жералд таржимасидаги Хайём рубоийларини ёд олдирдим. Кунлардан бир куни бир қария хузуримга келиб, невараси ёдлаган Хайём рубоийларидан хурсанд эканлигини, америкалик шоирларни улар ҳам жуда ҳурмат қилишини айтди. Албатта, у америкалик шоирлардан бирортасининг номини айта олмаса-да, бу унинг набираси ютуқларидан фахрланиши ва менга билдирган миннатдорчилигининг белгиси эди. Бахтга қарши ҳамма оталар ҳам шундай фикрда эмас. Яқинда улардан бири шикоят қилиб келди ва ҳазрат пасторнинг олдида: “Хайём майпараст ва даҳрий

шоир бўлган”, – деди. Мен унга: “Бу билан сиз Хайёмни ҳақорат қилиб, майпарастиликни ва худосизликни тарғиб қилаяпсиз”, – дедим. Ҳазрат эса, менинг гапларимдан бўғилиб қолай деди.

Баскервил болаларча ҳақолаб қулиб юборди. Ҳа, унинг гаплари ростдан ҳам ҳар қандай кишини мулзам қилиб қўядиган, тап тортмас жиннивойларникага ўхшарди.

– Барча рақибларингни шундай қилиб енгмоқчимсан? Нима бало, сен ҳам “Одам Ато фарзандлари” жамиятининг аъзосимсан?

– Буни ҳам сизга ҳазрат айтиб бердим? Афтидан, мен ҳақимда анчагина гаплашиб олганга ўхшайсизлар!

– Биз танишиб олишдан нарига ўтмадик.

– Сиздан ҳеч нарсани яширмоқчи эмасман. Менинг виждоним худди янги тутилган гўдакники каби соф. Бундан икки ойча олдин бир киши ҳузуримга келди. Баҳайбат гавдали бу мўйловдор одам тортинчоқлик билан ўзи аъзо бўлган анжуманда нутқ сўзлаб беришимни илтимос қилди. Нима мавзуда эканлигини биласизми? Ҳа, буни ҳаёлингизга ҳам келтира олмайсиз. У мендан мажлисда Дарвин назарияси ҳақида сўзлаб беришимни сўради! Сиёсий курашлар айни қизиётган мамлакат муҳитида бу мавзуда суҳбат уюштириш менга ҳам қулгили, ҳам ҳайратланарли туюлди. Бироқ, мен рози бўлдим. Мен Дарвин ҳақида имкони борича кўпроқ маълумот тўплашга уриндим. Бу назарияга қарши чиққанларнинг фикрларини ҳам ўрганиб чиқдим. Фикримча, суҳбатим жуда зерикарли ўтди, бироқ, зал тўла одамлар ҳайратда қолдирадиган даражада, худди атоқли диний арбоб нутқини тинглаётгандек, мени диққат билан тинглади. Кейин бошқа мажлисларга ҳам тақлиф қилишди, менга турли мавзуларда сўзлаб беришга тўғри келди. Билангиз, бу форсийлар ўз билимларини оширишга ўта чанқоқ одамлар. Уларнинг кўпчилиги конституция тарафдорлари. Энди мен улар учун Техрон янгиликларини шарҳлаб берувчи доимий вакилга айланиб қолдим. Сиз уларни яхшилаб ўрганиб олсангиз маълум бўларди. Чунки улар ҳам сиз ва мен кутаётган яхши замон ҳақида орзу қиладилар.

### *Ўттиз еттинчи боб*

Кечқурунлари Табриз бозоридаги дўконларнинг кўплари ёпиқ бўлса-да, кўчалар гавжум бўлади. Одамлар чорраҳаларда тўқима курсиларга ўтириб олишиб, алоҳида гуруҳларга бўлиниб суҳбатлашадилар. Чилим чекувчилар гуруҳидан чиқаётган тутун аста-секинлик билан кундузги барча ҳидлар ўрнини эгаллай бошлайди. Мен Баскервил ортидан эргашиб борардим. У кичик ва тор кўчалардан ҳеч бир адашмасдан илгарилаб борар, вақт-вақти билан ўқувчиларининг оталаридан бири билан саломлашиш учун тўхтаб қолар, баъзан уни кўриб, гурра қочаётган болаларга тикилиб, энсаси қотарди.

Ниҳоят, занглаб кетган бир темир эшик олдида тўхтадик. Шеригим уни итариб очди ва биз қаровсиз боғни кесиб ўтиб бир уйга яқинлашдик. Шеригим эшикни етти марта тақиллатгандан сўнг, у нижираб очилди ва биз шифтларига бир неча фонус осилган ёруғ бир хонага кириб бордик. Ичкарида елвизак ўйнар, бу ерда ўтирганлар бундай муҳитга қўниқиб кетганлар, шекилли, ўзларини бемайлихотир сезишар, мен эса, худди дарёдаги кичик қайиқчада ўтиргандек ўзимни омонат ҳис қилардим. Энди мен ҳеч кимнинг юзига тикилиб қарамасликни, кўзларимни юмганча жимгина тинглашни ўрганиб олгандим. Баскервил “Одам Ато фарзандлари” жамиятида бегона ҳисобланмайди шекилли, уни мулозамат билан кутиб олдилар. У билан келганлигим учун менга ҳам тегишли равишда илтифот кўрсатилди. Баскервил ўзини Эронга келишига мен сабабчи бўлганимни айтгач, менинг обрў-эътиборим янада кўтарилиб кетди. Ниҳоят, елкамни деворга тираб ўтириб олиб, дам олишга чоғланаётган пайтимда хона тўридан баҳайбат гавдали бир киши ўрнидан туриб, мен томон кела бошлади. Унинг эгнида узун оқ кийими бўлиб, агар адашмасам миллий ассамблеянинг энг эътиборли намоёндаларидан бирига ўхшарди. У мен томон яқинлашди ва “Бенжамен!” деди.

Мен ҳам у томон икки одим ташлаб, кўзларимга ишонмай қолдим. Ё танграм, бу Фозил-ку!



Биз кучоқлашиб кетдик. У ўз мартабасига мос келмаётган бундай ҳаяжон сабабини тушунтириш учун хонадагиларга мурожаат қилди:

– Бу киши жаноб Лессаж ва раҳматли Саййид Жамолиддиннинг энг яқин дўстларидан бири!

Бир лаҳзанинг ўзида мен эътиборли меҳмондан – тарихий ёки авлиё бир шахсга айландим. Энди улар менга энг нуфузли кишидек иззат-икром кўрсата бошладилар.

Мен Фозилга Баскервилни таништирдим. Улар бир-бирларининг номини билсалар-да, яқиндан таниш эмас эканлар. Фозил табризлиқ бўлса-да, бу ерга бир йилдан бери келмаган экан. Ҳар ҳолда шу оқшом, бу яланғоч деворли уйда, фонусларнинг липиллаётган нурида Фозилнинг пайдо бўлиши қандайдир гайритабиий ва ташвишли воқеа рўй берганлигидан дарак берарди. Мен ундан парламент аъзоларидан бири, конституциявий инқилобнинг устунларидан бири бўлгани ҳолда, нега бундай вазиятда пойтахтдан узоқда юрганлигини сўрадим. У бироз саросимага тушиб қолгандек бўлди. Мен унга паст овозда французчалаб гапирардим. У шерикларига яширинча қараб қўйди ва саволларимга жавоб бермасдан сўради:

– Қаерда яшаяпсан?

– Арманилар маҳалласидаги карвонсаройда.

– Эртага оқшом сени кўришга бораман.

\* \* \*

Эртасига ярим оқшомда менинг хонамда олти киши тўпландик. Булар Баскервил, мен, Фозил ва унинг учта шериги бўлиб, улар мен билан таомилга кўра, ўзларининг яширин лақабларини айтиб кўришдилар.

– Сен кечаги йиғилишда нега мен Техронда эмас, бу ерда эканлигимни сўрадинг. Сенга айтсам, конституция учун пойтахт қўлдан кетди. Бу гапни сенга кеча ўттиз кишининг олдида айтганимда, улар қалбида саросима уйғотган бўлардим. Лекин бу ҳақиқат.

Бу гапдан ҳаммамизнинг руҳимиз тушиб кетди. У гапини давом эттирди:

– Бундан икки ҳафта олдин менинг олдимга Санкт-Петербургда “Рейх” газетасининг мухбири келди. Унинг исм-шарифи Панов, лекин у газетага “Танэ” тахаллуси билан ёзади.

Мен бу мухбир ҳақида кўп эшитгандим. Унинг мақолалари кўпинча Лондон газеталарида кўчирилиб босилади.

– У социал-демократлардан, – давом этди Фозил, – чоризмнинг ашаддий душмани, бироқ бир неча ой олдин Техронга келиб, ўз эътиқодини яшириб, рус дипломатик миссияси идорасига ишга жойлашиб олишга эришди. Билмайман, тасодифми ёки ҳийла йўли биланми, унинг қўлига муҳим бир фош қилувчи ҳужжат тушиб қолибди. Бу казак ҳарбий корпуси томонидан амалга оширилиши лозим бўлган давлат тўнтариши ҳақидаги режа бўлиб, Эронда яна абсолют монархия – шоҳ салтанатини тиклашни кўзда тутди. Ҳамма қилинадиган ишлар режада очиқ-ойдин белгилаб қўйилган. Жумладан, бозорга махсус айғоқчилар киритилиб, уларни савдо аҳлига аралаштириб юбориш, савдогарлар орасида янги тизимга ишонсизлик уйғотиш, бир неча нуфузли руҳонийлар шоҳга мурожаат қилиши, ислом ақидаларига мутлақо зид бўлган конституцияни бекор қилишликни сўрашлари белгиланган. Албатта, Панов бу ҳужжатларни менга келтириб бериб, ўз ҳаётини хавф остига қўйганди. Мен унга самимий миннатдорчилик билдирдим ва тезда парламентнинг фавқулодда йиғилишини чақиритишни таклиф қилдим. Йиғилишда бор ҳақиқатни очиқ-ойдин баён қилдим. Шоҳ ўрнига унинг ўғилларидан бирини эмас, монархияни бутунлай ҳокимиятдан четлатишни, рус казак корпуси фаолиятига чек қўйишни, айбдор деб топилган руҳонийларни ҳибсга олишни талаб қилдим. Менинг бу талабларим парламентнинг қўллаб-қувватланди. Шу пайт бир суд хизматчиси парламент йиғилишига кириб келиб, Русия ва Англиянинг фавқулодда ва мухтор элчилари ўз ҳукуматларининг баёнотларини топширишга келганлигини маълум қилди. Мажлис тўхтатилиб, раис ва бош вазир улар ҳузурига чиқишди. Орадан бироз вақт ўтгач, улар башаралари мурданикидек оқариб қайтиб кириб келишди. Элчилар уларга: “Агар шоҳ тахтдан кетадиган бўлса, ҳар иккала буюк давлат бу

ишга қурол ишлатиб аралашинга мажбур бўлишларини” маълум қилишибди. Шундай қилиб улар нафақат бизни эзиб ташлашга, балки ўзимизни ҳамоя қилишимизга ҳам тўсқинлик қилишмоқчи!

– Нега энди улар бунчалик қаттиқ талаб қўйишяпти? – сўради Баскервил ҳайрон қолиб.

– Рус подшоси ўз чегаралари ортида демократия ўрнатилишини хоҳламайди. Парламент деган сўз унинг безгагини кўзитади.

– Лекин Британияда қирол ҳам, парламент ҳам бор-ку!

– Гап бунда эмас, агар форсийлар ўзларини ўзлари бошқарадиган ҳукумат тузсалар, бу янгилик қўшни Ҳиндистонда ҳам янги ғоялар туғилишига сабаб бўлиши мумкин. Қолаверса, инглизларнинг ҳинд ерларидаги насибаси ҳам узилиш арафасида. Кейин, нефть масаласида улар Эрондан кетилари йўқ. Чунки 1901 йилдаёқ мистер Кнос Арси деган корчалон 20 минг ливр стерлинг эвазига бутун Эрон салтанатидаги нефть конларини ишлатиш ҳуқуқини сотиб олган. Бугунгача бу конлардан жуда кам миқдорда нефть ишлаб чиқарилар эди. Бироқ бир неча ҳафта олдин бахтиёрийлар қабилалари яшайдиган ҳудудлардан улкан нефть конлари топилганлиги ҳақида хабарлар тарқалди. Бу гаплардан, шубҳасиз, хабарингиз бўлса керак. Бу кон мамлакат учун улкан даромад манбаи вазифасини бажариши мумкин. Мен парламент аъзоларига Лондон билан тузилган шартномани бизга маъқул келадиган шартлар билан қайта кўриб чиқишни таклиф қилдим. Кўплаб ноиблар менинг бу таклифимни кўллаб-қувватладилар. Қолаверса, инглиз элчихонаси вакиллари ҳам бу масалада бизлар билан тегишли келишувга эга эмаслар.

– Улар билан элчихона боғида иш ташлашини уюштирганларингдан бери учрашмагандирсан? – дедим мен ўйчан.

– Инглизлар бизларни бу ерда руслар таъсири кучлироқ пайтларда, ўзларига ширин форс пирогидан тегишли улуш қолмаётган пайтларда кўпроқ ҳурмат қилишарди. Шу сабаб улар бизнинг қаршилиқ ҳаракатларимизга ҳамдард эдилар ва элчихона эшикларини бизларга ланг очиб бергандилар. Айтишларича, жаноб Ноуснинг шармандасини чиқарган машҳур расмини тарқатилишига ҳам инглизлар бош-қош бўлганлар. Бизнинг ҳаракатимиз галаба қозонгач эса, Лондон рус подшоҳидан форс қозонидаги ўз улушини олишга эришди: Эроннинг шимолий ҳудудлари руслар тасарруфида, жануб эса, Англиянинг луқмаи ҳалоли бўлишлигига келишиб олинди. Инглизлар ўз ниятларига эришишлари биланоқ, форсларнинг демократия учун курашлари уларни муғлақ қизиқтирмай қўйди. Энди улар бизга худди рус подшоси каби ўз манфаатларига мос келмайдиганлар сифатида қарай бошлашди ва бизларнинг йўқ бўлишимизни афзал кўриб қолишди.

– Бундай қилишга ҳақлари йўқ! – Портлаб кетди Баскервил. Фозил унга оталарча жилмайиб қараб қўйди ва ҳикоясини давом эттирди:

– Уларнинг икки элчиси баёнотни топшириб кетганларидан сўнг, кўпчилик ноибларнинг попуги пасайиб қолди. Бирйўла икки душманга бас келиш чораларини топа олмаган ноиблар бечора Пановни айблашга киришиб кетдилар. Айрим сўзга чиққан ноиблар уни қаллобликда ва бузгунчиликда айблаб, “унинг мақсади Эрон ва Русия ўртасида жанжал чиқариш” дейишгача бордилар. Ўша кунни Панов ҳам мен билан парламентга келган ва лозим бўлса, шахсан гувоҳлик беришга тайёр туришлиги учун қўшни хоналардан бирига ўтқазиб қўйгандим. Воқеалар ривожини шу даражага етдики, энди ноиблар уни зудлик билан қамоққа олиб, казак аскарлари қўлига топширишни талаб қила бошлади. Ҳар доим босиқ юришга одатланган бўлсам-да, ўша лаҳзада ўзимни тута олмадим. Курси устига чиқиб олиб, телбаларча қичқира бошладим:

– Отам жасади кўмилган мана шу Муқаддас замин ҳаққи, қасам ичиб айтаманки, агар бу одам ҳибсга олинса, “Одам Ато фарзандлари” жамиятининг барча аъзоларини оёққа тургазаман ва бу парламентни қонга ботираман! Пановга тўхмат қилаётган барча ноиблар бу ердан тирик чиқмайди! Айтиш жоизки, обрў-эътиборимни ҳисобга олмасдан, мени ҳам ҳибсга олишлари мумкин эди. Ўша тундаёқ пойтахтдан чиқиб кетдим ва мана бугун ўз она шахримга келиб турибман. Панов ҳам мен билан келди. У бу ердан жўнаб кетиши учун бир неча кун яшириниб туриши керак.

Сухбатимиз жуда чўзилиб кетди. Тез орада азон товуши эшитилиб, тонг ҳам отиб қолди. Биз қилинажак ишлар ҳақида минглаб таклифлар киритсак-да, ҳамон ягона ечимга кела олмасдик. Баскервил худди ойкезар одамдек ўрнидан сакраб туриб соатига қаради ва ҳафсала билан қаншарини уқалаб гап қотди:

— Ё тангрим, соат олти бўлипти-я! Энди ўқувчиларим олдига шу афт-башарам билан қандай бораман! Агар ҳазрат бу пайтда кириб борганимни кўрса, нима дейди!

— Бирорта аёлникида тунадим, дея қоласан-да!

Бироқ Баскервилнинг кайфияти ҳазил кўтарадиган даражада эмасди.

\* \* \*

У ёки бу воқеа содир бўлишида тасодифларга унчалик ишонмасам-да, Фозил бизга Панов томонидан қўлга киритилган ҳужжатлар асосида рус казак корпуси форсларнинг ёш демократиясига қанчалик таҳдид солаётганлиги ҳақида гапириб бераётган бир пайтда, пойтахтда аллақачон давлат тўнтаришига оид ишлар бошланиб кетган экан.

Кейинчалик маълум бўлишича, 1908 йилнинг 23 июл куни эрталаб соат тўртларга яқин полковник Ляхов кўмондонлигидаги минг кишилик казаклар корпуси Техроннинг марказида, Баҳористонда жойлашган парламент биноси томон юриш бошлаган. Тез орада бино қуршаб олиниб, у ерга кириш ва чиқиш қатъий назорат остига олинган. Анжуман аъзолари рус кўшинларининг бу хатти-ҳаракатларини кўриб, ноиблар ва эътиборли диний демократия вакиллари Оятилла Бехбахний ва Тебатабойларни хабардор қилиш учун телефон ўрнатилган кўшни коллеж биносига қочиб ўтишга улгуришган. Тонг отишдан олдин улар ҳам конституция тарафлари эканликларини исботлаш учун парламент биносига, воқеа содир бўлаётган жойга қайтганлар. Қизиги шундаки, казаклар уларга ҳеч қандай қаршиликсиз ичкари киришга рухсат берганлар. Чунки улар бинодан ҳеч кимни чиқармаслик ва фақат киришга рухсат бериш ҳақида бўйруқ олгандилар.

Айни пайтда казакларга қаршилик кўрсатувчилар сафи ҳам тинмай ортган. Тонг отиш арафасида уларнинг сони бир неча юз кишиларни ташкил қилган. Улар сафида, шубҳасиз, “Одам Ато фарзандлари” жамиятининг кўплаб аъзолари ҳам бор эди. Улар карабинлар билан қуролланиб олишган ва ҳар бирида олтитадан ўқ заҳиралари бўлиб, мудофаани янада мустаҳкамлаш учун бошқа ҳеч қандай қурол-аслаҳалари йўқ эди. Бундай арзимас қурол-яроғлару ўқ-дори заҳиралари билан улар ҳамон ҳужумга ўтишга журъат қилишмас, бироқ томлар устига чиқиб, дераза ортларига беркиниб олиб, энг қулай ўт очиш нуқталарини эгаллагандилар. Бироқ улар биринчи бўлиб ўқ отиб, умумий ҳужумни бошлаб беришни ҳам ёки давлат тўнтариши тугалланишини жимгина кутиб туришни ҳам билмасдилар.

Рус аскарлари ҳам негадир ҳужум бошлашмасди.

Рус ва форс зобитлари орасидаги полковник Ляхов аскарларни қулай ўт очиш нуқталарига жойлаштириш билан банд эди. Улар ихтиёридаги энг даҳшатли қирғин қуроллари — олтига замбарак ҳам Тўпхона майдонига ўрнатилди.

Полковник отига миниб олиб, бир неча бор қўзғолончилар жойлашган ўт очиш нуқталари олдидан ўтди. Бироқ “Одам Ато фарзандлари” жамиятининг бошлиқлари жангчиларига “бу рус подшоси учун Эронга қарши кўшин тортишга баҳона бўлмасин” дейишиб, казакларга қараб ўт очишга рухсат беришмади.

Пешинларга бориб казаклар ҳужум бошлашди.

Кучлар тенг бўлмаса-да, олти-етти соат мобайнида мислсиз отишма давом этди. Бир неча жасур қўзғолончиларнинг хатти-ҳаракатлари натижасида казакларнинг учта замбараги портлатиб юборилди.

Бироқ, бу ноиложлик тўфайли рўй берган қаҳрамонлик эди.

Куёш ботиши арафасида форс тарихидаги биринчи парламент биноси устида мағлубият тимсоли — оқ байроқ кўтарилди.

Бироқ полковник Ляхов ўз замбаракчиларига ўт очишни давом эттиришга бўйруқ берди. Бу масалада чор подшосининг нияти очиқ-ойдин эди: нафақат парламентни бекор қилиш, балки Техрон аҳолисига бир умр сабоқ бўлиши учун унинг биносини ҳам вайронага айлантириш вазифаси кўйилган эди.

## **Ўттиз саккизинчи боб**

Табризда дастлабки отишмалар бошланган пайтда Техрон кўчаларида ҳамон жанг давом этарди. Мен Баскервилнинг дарслари тугагини кутиб турдим. Биз ҳаммамиз анжуман навбатчилари хонасида тўпланиб, Фозилнинг қариндошларидан бириникига нонуштага боришимиз лозим эди. Бозор йўлакларидан ўтиб бораётганимизда, яқин орадан ўқ товушлари эшитилди.

Биз хавотир билан отишма бошланган тарафга йўл олдик. Юз метрлар нарида шовқин-сурон ва чанг-тўзон аралаш қўлларида калтаклар, милтиқлар, машғалалар кўтариб келаётган оломонни кўрдик.

Улар турк тилида гапирувчи табризлиқ озарбайжонлар бўлиб, мен уларнинг тилларини тушунмасдим.

Баскервил уларни :“Йўқолсин конституция! Парламентга ўлим! Даҳрийларга ўлим! Яшасин шоҳ!” деб қичқираётганларини тушунтирди.

Кўчаларда ўнлаб шаҳарликлар ўз ташвишлари билан чоппи юришарди. Бир қария шовқин-сурондан эсанкираб қолган эчкиси арқонидан зўр бериб судраб борар, туртиниб, йиқилиб тушган бир аёлни олти ёшлардаги ўгли тургазишга уринар, аёл базўр ўрнидан туриб, оқсоқланганича қочиб борарди.

Биз учрашув жойига етиб бориш учун қадамларимизни тезлатдик. Йўлда бир гуруҳ ёшлар баррикада қуришар, улар иккита дарахт танасини кўча ўртасига судрашар, у ерда столлар, гиштлар, курсилар, сандиқлар, бочкалар тартибсиз равишда уйиб ташланганди. Баррикадачилар бизни таниб, ўтиб кетишимизга рухсат беришди ва: “Душман шу ердан ўтади, улар маҳаллага ўт қўймоқчилар, барча “Одам Ато фарзандлари”ни қириб юбормоқчилар”, — дейишиб, бизга бу ердан тезроқ кетишни маслаҳат бердилар.

Анжуман қароргоҳида қирқ-эллик киши ўртасида турган Фозилни кўрдик.

Унинг қўлида Австрияда ишлаб чиқарилган манлихер тўппончаси бўлиб, бу қурол ҳозир унга ҳар бир қўзғолончига у эгаллаши лозим бўлган жойни кўрсатиш воситаси вазифасини бажарарди. У кечагига нисбатан анча хотиржам, худди аччиқ қисматга тан берган кишидек босиқ эди.

— Мана шундоқ, — деди у, ярим-яширин тантанали оҳангда. — Панов бизга етказган маълумотлар ҳақиқат эканини кўраяпсизми?! Полковник Ляхов давлат тўнтаришини амалга оширди. У ўзини Техроннинг ҳарбий бошлиғи деб эълон қилди ва у ерда комендантлик соатини жорий қилди. Бугун эрталабдан бошлаб пойтахтда, барча шаҳарларда, жумладан, Табризда ҳам конституция тарафдорларини қамоққа олишга буйруқ берилди.

— Ҳаммаси бунчалик тез бошланди-я! — ҳайрон қолди Баскервил.

— Давлат тўнтариши ҳақидаги хабарни рус консули телеграмма орқали барчага маълум қилган. Бундай телеграммани бугун эрталаб Табризнинг юқори мартабали уламолари ҳам олганлар. Улар ўз тарафдорларини бугун тушда туячилар маҳалласи — “Девечи”да тўпланишга даъват қилганлар. Ўша ердан улар бутун шаҳарга тарқалганлар. Улар дастлаб менинг дўстларимдан бири — журналист Али Машҳадийнинг уйига кириб, уни хотини, бола-чақалари, онасининг кўз олдида бўғизлаб, ўнг қўлини кесиб ташлаб, ҳовлини қонга ботириб чиқиб кетганлар. Бироқ, дўстларим, бундан ваҳимага тушманглар. Али учун шу бугун кечкурунғача, албатта, қасос оламиз.

Фозилнинг овози титраб кетди, кейин у бир лаҳза тин олиб, чуқур хўрсиндида, гапида давом этди:

— Модомики, мен Табризга келган эканман, демак, бу шаҳар ўзини ҳимоя қила олишини биламан. Биз оёқ босиб турган бу замин бугун Конституция томонидан бошқарилаяпти. Бугундан бошлаб Парламентнинг, қонуний ҳукуматнинг қароргоҳи, мана шу ер бўлади. Олдимизда муқаддас жанг турибди ва ишонаманки, биз, албатта, галаба қозонамиз! Менинг ортимдан олга!

Унинг ўнлаб тарафдорлари орқасидан биз ҳам йўлга тушдик. У бизни бир боққа бошлаб борди. Боғ ўртасидаги уйни айланиб ўтиб, учи қалин дарахт шоҳлари орасида кўринмай турган бир нарвон орқали томга чиқдик. Бир неча йўлақлар ва зиналар орқали ўтиб, кичик дераза, қалин деворли, худди мурдаларга мўлжалланганга ўхшайдиган бир уйга кириб бордик. Фозил бизга деразалардан қарашни таклиф қилди. Биз олди баррикада билан тўсилган, мустаҳкам

ҳимояланган кўчаларнинг бири бошида қурилган уйда турардик. Баррикада ортида йигирматача киши милтиқларини шайлаганча душман йўлига тикилиб турарди.

– Бундан ташқари, бошқа чоралар ҳам кўриб қўйилган, – тушунтирди Фозил. – Маҳалладан чиқиб кетишга уринганлар ҳам тўхтатиб қолиниши керак. Агар “итлар галаси” шу томондан келсалар, улар тегишли улушларини оладилар.

Тез орада у айтган “итлар гала”си кўринди. Улар йўл-йўлакай “Одам Ато фарзандлари” яшайдиган бир неча уйга ўт қўйишди. Бироқ, улар ҳеч кимни қуролсизлантиришга уринмас, фақат шовқин- сурон солиб яқинлашиб келарди.

Бирдан юрагимни аллақандай даҳшат қамраб ола бошлади. Девор ортида “Ўлим!” деб қичқириб, ваҳшийларча бостириб келаётган оломонни кутиб туриш, дарҳақиқат, энг даҳшатли синов эди.

– Уларнинг сони қанча экан-а? – дедим онгсиз равишда кўрқув билан шивирлаб.

– Мингга, ошиб борса бир ярим мингга! – деди Фозил аниқ, баланд ва ишончли овозда. – Энди уларни даҳшатга солиш бизнинг навбатимиз!

У ёрдамчиларига бизларга ҳам қурол беришни буюрди.

Баскервил иккаламиз ажабланиб, бир-биримизга қараб қўйдик. Биз бу совуқ жисмларни қўлимизга олиб, ҳам қизиқиш, ҳам жирканиш ҳисларини туйдик.

– Дераза ортига туринглар ва ким яқинлашса отинглар! Мен эса бу ердан кетишим керак, бу лаънатиларга ажойиб совға тайёрлаб қўйганман! – қичқирди Фозил.

У жўнаши билан отишма бошланиб кетди. Буни ҳақиқий жанг деб аташ, шубҳасиз, муболаға бўларди. Душман жон аччиғида қичқириб, тартибсиз равишда бостириб келар, уларнинг олдинчилари худди чопиш мусобақасида қатнашаётган спортчилар каби баррикада томон югурардилар. “Одам Ато фарзандлари” ўт очдилар. Ўнлаб душманлар йиқилиб тушди. Тўсатдан улар орқага қоча бошлади. Улардан бири баррикада устига чиқиб олишга улгурди, бироқ у ҳам кимнингдир милтиғи найзасига учраб, ағдарилиб тушди. Жон аччиғидаги додлаш эшитилди. Мен кўзларимни юмиб олдим.

Айни пайтда баррикада орқасидан ҳам бир овоздан “Душманларга ўлим!” деган хитоблар янграб турарди. Кейин баррикадани ишғол қилиш учун душманнинг янги бир гуруҳи ҳужумга ташланди. Энди улар биров тартибли равишда ҳимоячилар турган том ва деразаларга ўт очиб, яқинлаша бошладилар. “Одам Ато фарзандлари” дан бири пешонасидан ўқ еб йиқилди. Бироқ, бу ҳимоячилар ичидаги ягона қурбон бўлди. Унинг шериклари бирваракайига ўқ узишиб, душманларнинг биринчи сафидагиларини қира бошладилар.

Душманнинг бу ҳужуми ҳам беҳуда кетди. Улар орқага чекиниб, шовқин-сурон солганларича маслаҳатлаша бошладилар. Улар янги ҳамлага ташланган пайтида жанг майдони узра даҳшатли гумбурлаш янгради. Замбарак ўқи нақ душман тўпланган жойга тушиб, портлади ва кўплаб одамларнинг мажағини чиқариб юборди. Душман сафида поракандалик, тартибсиз қочиш бошланди. Ҳимоячилар эса бошлари узра милтиқларни кўтаришиб, шод-хуррам овозда: “Машруте! Машруте! – Конституция!” – деб қичқира бошлади. Баррикада ортида ўнлаб душманларнинг жасаdlари чўзилиб ётарди.

– Менинг милтигим ҳамон совуқ. Мен биттаям ўқ узмадим. Сиз-чи? – шивирлади Баскервил.

– Мен ҳам.

– Милтиқ нишонидан нотаниш кимса калласини кўриш ва уни ўлдириш учун тепкини босиш ...

Бир неча лаҳзадан кейин шодон қиёфада Фозил пайдо бўлди.

– Ҳўш, менинг совғам ҳақида нима дейсизлар? Бу “Банж” деб аталувчи эски француз замбарағи эди. Уни мен империя армиясининг бир зобитидан сотиб олдим. У том устида турибди. Уни томоша қилишга боринглар. Келажак кунларидан бирида у Табризнинг кенг майдонларидан бирига ўрнатилади ва остига: “Бу замбарак Конституцияни қутқариб қолди!” деб ёзиб қўйилади.

Бир неча дақиқа олдин муҳим галаба қўлга киритилган бўлса-да, бу гаплар менга биров беўриндек туюлди. Бироқ Фозилнинг мақсади аниқ: у бу ерда барча конституция тарафдорларини тўплаб, ҳимояни ташкил қилиши,

баҳамжиҳат ҳаракат қилиб, мамлакатнинг бу кичик ҳудудини ўз қўлларида сақлаб туриши лозим эди.

Агар сизга кимдир июн ойида Табриз бозори ёнидаги чалкаш кўчаларда содир бўлган воқеалар ҳақида гапириб, бир неча милтиқ ва ягона замбарак туфайлигина бутун Эроннинг бой берилган озодлигини қайтариб олдиқ — деса, бу гапга ишонармидингиз?

Биз эса, содир бўлган воқеаларнинг барчаси ҳаммамизнинг ҳаётимиз эвазига қўлга киритилганлигини яхши ҳис қилиб турардик.

### ***Ўттиз тўққизинчи боб***

Хайём диёри тарихида қора кунлар бошланди. Эҳтимол, бу кунлар кутилаётган янги тонг даракчисидир? Исфаҳондан Қазвингача, Шероздан Ҳамадонгача барча тарафлардан юзлаб, минглаб оғизлардан биргина сўз: “Исёнчиларга ўлим! Ўлим!” деган хитоблар янграрди. Эндиликда озодлик, демократия, адолат сўзларини фақат шивирлабгина талаффуз қилиш мумкин эди. Келажак ҳақидаги орзулар энди тақиқланган ҳаёлларга айланди. Конституция тарафдорлари барча жойларда таъқиб қилина бошланди. “Одам Ато фарзандлари” қароргоҳлари хувиллаб қолди, уларнинг барча китоблари йиғиб олиниб, куйдириб юборилди. Эроннинг барча ҳудудларида, Табриздан бошқа бундай аксилинқилобий бирор ҳаракатга қаршилик кўрсатувчи шаҳар топилмади.

Давлат тўнтариши ҳақидаги хабар бу қаҳрамон шаҳарга етиб келганида, ўттиз маҳалладан фақат биттасидагина, бозорнинг шимоли-ғарбидаги Амирқиз маҳалласигина инқилобий ҳаракатни давом эттирарди. Уша оқшом конституция тарафдорларидан ўнлаб кишилар маҳалла кўчаларида навбатчилик қилишга кўйилди. Бу пайт Фозил шаҳар ўртасида жойлашган анжуман қароргоҳида гижим бўлиб кетган харита устига энгашиб олиб, унга галаба ишоралари бўлмиш найзали чизғилар битарди.

Биз ўн-ўн беш киши фонуснинг тебраниб турган нурида унинг харита устида югураётган қалами учига қизиқиб тикилиб турардик.

У қаддини ростлаб, гап бошлади.

— Душман ҳамон берган зарбамиздан ўзига келолмай турибди. Улар бизнинг қанча эканлигимизни билмайди ва шунинг учун бизни жуда кучли деб ўйлапти. Уларда замбараклар йўқ ва бизнинг замбаракларимиз сони ҳам билмайдилар. Биз вақтни қўлдан бой бермаслик ва ўз ҳудудларимизни кенгайтириш учун бу вазиятдан фойдаланишимиз зарур. Шоҳ тез орада бу ерга ўз қўшинларини юборади ва улар бир неча ҳафтадан кейин Табризга етиб келиши мумкин. Демак, бутундан бошлаб бутун шаҳарни ўз тасарруфимизга ўтказишимиз лозим. Бу мақсадни амалга ошириш учун шу оқшомдаёқ ҳужумга ўтамиз.

У яна харита устига энгашди. Унинг ортидан барча ялангбош, саллали, телпакли каллалар ҳам харитага энгашдилар.

— Биз билдирмасдан дарёдан ўтиб, шаҳар маркази томон йўналамиз, — тушунтирди у, — ва икки томондан, яъни бозор ва қабристон тарафдан ҳужумга ўтамиз. Куёш боғишидан олдин шаҳар бизники бўлади!

Бироқ шаҳар маркази ўн кундан кейингина қўлга киритилди. Ҳар бир кўчани эгаллаш учун ўнлаб қурбонлар берилса-да, янгилик тарафдорлари ҳамон илгарилашда давом этишар ва барча жанглар улар фойдасига ҳал бўларди.

“Одам Ато фарзандлари” жамиятининг бир неча жасур ўғлонлари шанба куни “Ҳинд-Оврўпа-Телеграф” агентлиги биносини ишғол қилишга муваффақ бўлишди. Энди Техрон, Лондон, Бомбей ва бошқа шаҳарлар билан телеграф алоқаси ўрнатиш имконияти қўлга киритилди. Уша куни маҳаллий полиция маҳкамаси қўшинлари конституция ҳимоячилари сафига келиб қўшилди ва ҳимоя битта ажойиб “Максим” пулемёти, ўттиз кути ўқ-дори захираси билан мустаҳкамланди. Бу муваффақиятлар шаҳарликларни ҳам руҳлантириб юборди. Юзлаб ёш ва қариялар, баъзан ўз қурол-яроқлари билан қалблари жанговарлик ҳислари билан тўлиб-тошган ҳолда озод қилинган маҳаллалар сари оқиб кела бошладилар. Бир неча ҳафта ичида душман шаҳар чеккаларига қувиб чиқарилди. Уларнинг қўлида биргина маҳалла, шаҳар шимоли-шарқида жойлашган кам аҳолили Туячилар ва Соҳиб Девон ҳудудларигина қолди.

Июл ойининг ўрталарига келиб ихтиёрий мунтазам ҳарбий қўшинларга асос солинди. Бу қўшинни озиқ-овқат билан таъминлаш бошқармасининг жавобгарлиги тиниб-тинчимас Говард Баскервилга ишониб топширилди. Энди у барча вақтини бозорларда кезиб, озиқ-овқат гамлаш билан ўткази бошлади. Савдогарлар ҳам у билан осонгина тил топишарди. Ўша кунлар Баскервил форсий оғирлик ва ўлчов бирликларини ислоҳ қилишга жуда берилиб кетганди.

– Эдилликда, – деди у бир кунни менга, – литр, кило, грамм каби оғирлик ўлчовларини бекор қилиб, форсча – “жав, мисқол, сир” ва бир эшак юкни ифодаловчи “харвар” каби атамаларни жорий қилишимиз керак. Энг кичик оғирлик бирлиги “жав” ва у ўртача катталиқдаги арпа донига тенг келади. Буни янада аниқроқ бўлиши учун арпа донининг учидоги ихтинни кесиб ташлаб, оғирлик ўлчовининг энг кичик бўлаги вазини белгилаш лозим.

– Бироқ бу жуда қийин иш-ку, – дедим мен ўзимни кулгидан тўхтата олмай.

Ўқитувчим менга нўноқ шогирдига қарагандек кинояли қараб қўйди. Хатоимни тўғрилаётгандек бўлиб, уни тинглаётганимни исботлаш учун қўшиб қўйдим:

– Бўпти, “жав” энг кичик оғирлик ўлчов бирлиги бўлақолсин.

– Шошмасанг-чи, – аччиқланди Баскервил ва ўз тушунтиришларига шошилмасдан аниқлик кирита бошлади:

– Битта арпа донининг оғирлиги етмиш дона хантал уруғи оғирлигига тенг бўлиши ёки бошқача айтганда, у хачир думининг олтита ёлига тенг бўлиши лозим.

\* \* \*

Менинг зиммамга юкланган вазифа Баскервилникига нисбатан осонроқ эди. Маҳаллий тилда гаплаша олмаслигимни ҳисобга олишиб, менга хорижий ваколатхоналар билан алоқа ўрнатиш, уларни Фозилнинг хатти-ҳаракатларига ишонтириш, шунингдек, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш вазифаси топширилди.

Шуни унутмаслик керакки, бундан йигирма йил бурун Транскавказ темир йўли қурилмасидан олдин, Табриз – сайёҳлар, савдогарлар, шунингдек, эркин фикрли йўловчилар оқиб келувчи ўзига хос Шарқ дарвозаси вазифасини ўтарди. Бу ерда эндиликда кўплаб Оврўпа муассасаларининг бўлимлари мавжуд. Германиялик М.М.Моссинг ва Шюнеманлар компанияси, Австриянинг муҳим фирмаларидан бири “Шарқий савдо жамияти” кабилар шулар жумласидандир. Шу билан бирга бу ерда кўплаб элчихоналар, Америка диний миссияси мактаби ва бошқа кўплаб хорижий муассасалар мавжудки, узоқ ойларга чўзилган оғир қамал ойларида хорижий вакиллардан бирортаси азият чекмади дейишдан бахтиёрман. Шаҳар ҳимоячилари ва хорижийлар ўртасида ҳайратга солар даражада биродарлашув муносабатлари ўрнатилган эди. Узимнинг, Баскервилнинг ва ҳатто тез орада конституция тарафдорлари ҳаракатига қўшилиб кетган Пановнинг фаолияти ҳақида гапирмасам ҳам бўлади. Бу ўринда “Manchester Gardian” газетасининг муҳбири, мистер Моор фаолияти ҳақида алоҳида тўхталишни истардим. У бир лаҳза ҳам иккиланмасдан Фозил тарафдорлари сафига қўшилиб, кўлига қурол олиб, ҳатто жангларнинг бирида ярадор ҳам бўлди. Ёки бизнинг таъминот масалаларимиздаги кўплаб муаммоларимизни ечишга ёрдам берган, “Asie française” газетасидаги мақолалари билан Парижда ва ҳатто бутун дунёда бизга ҳамдардлик уйғота олган, шу туфайли Табризни даҳшатли қисматдан қутқариб қолган капитан Анжинийўрнинг фаолиятини олайлик. Бироқ, бу ердаги хорижий ваколатхоналарининг фаолиги айрим маҳаллий руҳонийлар учун конституция тарафдорларини ёмонотлиқ қилишга баҳона бўлди. Улар учун биз “бир тўда кўчада қолган оврўпаликлар, арманилар, бобийлар, барча миллатларга тегишли худосизлар” эдик ва конституция тарафдорлари сафида бўлишимиз уларга ёқмас эди. Ҳар ҳолда оддий халқ бу тарздаги ташвиқотларга бефарқ эди ва улар биздан миннатдор бўлиб, жуда ҳурмат қилишар, бизларни ўз биродарларидек ҳисоблашар, ўз навбатида ҳар бир форс аёли биз учун она ёки сингилдек бўлиб қолганди.

Дастлабки кунларданок форсларнинг ўзлари қаршилик ҳаракатига ихтиёрий, оммавий хайрихоҳлик кўрсатишиб, кўмак берганини айтишим жоиз. Дастлаб табризлик эрксеварлар, кейин эътиқодлари туфайли ўз шаҳарларидан, қишлоқларидан қочган кўплаб одамлар конституциянинг охириги кўргони —

Табриздан паноҳ излаб, бу ерга оқиб кела бошлади. Улар ичида “Одам Ато фарзандлари” жамияти аъзолари кўпчиликини ташкил қилар, салтанатнинг турли бурчакларидан келаётган бу сиёсий қочоқларнинг ягона ўтинчи: қўлларига қурол олиш эди. Бундай қисмат теҳронлик кўплаб ноиблар, вазир ва журналистларнинг ҳам бошига тушгандики, улар полковник Ляхов қўйган тузоқлардан зўра қутулиб, кичик гуруҳларга бўлинган ҳолда ҳориган, асабийлашган қиёфаларда Табризга кириб келардилар.

Қочоқлардан энг иззат-эътиборлиси. шубҳасиз, бу малика Ширин эди. У пойтахтда ўрнатилган комендант соатига ва казакларнинг кўплаб назорат пунктларига чап бериб, машинасига ўтириб шаҳардан чиқиб кетишга муяссар бўлганди. Унинг машинаси табриз аҳли томонидан тантана билан кутиб олинди. Машина ҳайдовчиси ҳам табризлик бўлиб, бу касбни ўрганиб олган дастлабки форслардан бири эди.

Маликага ҳувиллаб қолган шоҳ қасридан бошпана ажратилди. Бу қаср унинг марҳум бобоси томонидан ҳукмдор бу ерда ҳар йили бир ой истиқомат қилиши учун қурилганди.

Айтишларича, шоҳ бу қасрда илк бора тунаган оқшом ёмон тушлар кўриб чиққан ва унинг мунажжимлари бу тушни ёмонлик аломатлари дея башорат қилишиб, шоҳга бу қасрга бошқа қадамранжиди қилмасликни маслаҳат берганлар. Шундай қилиб қаср ўтгиз йиллардан бери ҳувиллаб ётар, шу сабаб “Хувиллаган қаср” деб ном олган ва бу ваҳимали ном унга жуда мос келарди.

Ширин беҳосият деб ном олган бу қасрда ҳеч иккиланмасдан жойлашиб олди ва унинг қароргоҳи тез орада кўзғолончилар марказига айланди. Қасрнинг кенг боғлари ёзнинг жазирама кунларида шаҳарнинг энг салқин гўшаси эди ва қаршилиқ ҳаракати раҳбарлари бу ерда тез-тез йиғиладиган бўлдилар ва мен ҳам улар сафида эканлигимдан бахтиёр эдим.

Ҳар сафар мен кўрганида маликанинг юзлари ёришиб кетар, ёзишмаларимиз ўртамызда қандайдир илиқ яқинлик муносабатларини ўрнатган ва албатта, бизнинг бундай яқинлигимиз сири ҳеч кимга маълум эмасди. Биз ҳеч қачон ёлғиз учрашмасдик, чунки ҳар бир йиғинда ўнлаб одамлар иштирок этарди. Бу ерда тинимсиз баҳслар давом этар, баъзан пардали ҳазил-хузуллар ҳам эшитилиб турарди. Форслар муомалада ҳеч қачон расмиётчиликини хуш кўрмайдилар. Улар ҳушмуомалалик, олижаноблик билан ўз суҳбатдошларининг нозик ҳисларига тегиб, озор беришни севадилар. Улар кимгадир мурожаат қилса “ҳазрат, сизнинг соянгизнинг қулиман” дейишга одатланганлар. Мабода бирор нуфузли киши ёки, айниқса, аёллар олдида сўз қотиш лозим бўлиб қолса, албатта, таъзим бажо келтириш, атрофга ёмон назар билан қарамасдан, нутқда дабдабали жумлаларни ишлатиш лозим.

Ниҳоят, ўта ҳаяжонли жума оқшоми, аниқроғи, 17 сентябр кунига етиб келдик. Бу оқшомни ҳеч қачон унута олмасам керак.

Ҳамроҳларим турли юмушлар билан чиқиб кетишгач, мен ҳам ўрнимдан кўзгалдим. Ҳовли четидаги панжараларга етгач, муҳим ҳужжатларни солиб қўйган портфелим ишхонамда қолиб кетганлигини эслаб, изимга қайтдим. Бироқ қайтиб бориб, яна маликага учрайман деган фикр хаёлимда ҳам йўқ эди. У ҳам ҳамма билан хайрлашиб, хонасига чиқиб кетганлигига ишончим комил эди.

Хонага кириб, йигирматача бўш курсилардан бирида ёлғиз ўтирган маликага кўзим тушди. Унинг қиёфаси ташвишли, хаёллари узоқ-узоқларда кезиб юргандек туюларди. Ундан кўз узмай, иложи борича секинлик билан портфелимни олдим. Ширин мен кирганимни сезмагандек, ён томонга тикилганича қимирламай ўтирарди. Мен эҳтиёткорлик билан курсига ўтириб, унинг гўзал юзига завқланиб тикила бошладим. Мен унга худди бундан ўн икки йил аввалгидек, Жамолидиннинг меҳмонхонасидаги учрашувимиз пайтидагидек мафтун бўлиб тикилардим. У ўша пайт ҳам худди шундай ён томони билан кўриниб турганди, бошида эса курси оёғигача осилиб турган латиф мовий тўр рўмоли бор эди. Ушанда у неча ёшда бўлган экан? Ун еттими, ўн саккизми? Бугун у ўтгиз ёшлардаги хотиржам, етилган, худди биринчи учрашувимиздагидек, нозик қомадли, бироқ, мустақил фикрли аёл сифатида кўринарди. У ўз нуфузидаги аёллар мавқеасидан намоишкорона воз кечган, бироқ яхши ва мўл-кўлчиликка ўрганган, саройдаги дабдабали ва фаровон ҳаётни татиб кўрган бир аёл эди. У турмушга чиқдимикан?



Биз бу ҳақда ҳеч қачон гаплашмасдик.

Мен унга чин юракдан: “Сенга Истанбулда кўрганимдан бери ошиқман”, дегим келарди. Бироқ, титроқ лабларимдан бирор сўз чиқмасди. Шу пайт Ширин ҳам секингина мен томон ўтириди. У жўнаб кетмаганимни ёки қайтиб келганимни ҳам билмай, менга ҳайрон бўлиб тикилди.

– Нима ҳақда ўйлаяпсиз? – деди у уялинқираб.

– Сен ҳақингда. Истанбул ва Табриз ҳақида, – дедим ҳаяжонланиб.

Унинг юзларига уятчан бир табассум қалқиди. Ва мен бир пайтлар у талаффуз қилган, иккаламиз ўртамизда сирли жумлага айланган гапни яна бир бор такрорлашдан ўзга чора тополмадим:

– Ким билсин, яна йўлларимиз кесишармикан?

Ҳар иккимиз бир лаҳза хотиралар уммонига чўмдик.

– Мен Теҳрондан ўша китобни ҳам олиб келдим, – деди Ширин.

– “Самарқанд қўлёзмаси” ними?

– Ҳа, у тўшагим ёнидаги пардоз столи устида турибди. Мен ҳар куни уни варақлашдан чарчамайман ва унинг барча рубойларини, ҳошияларига ёзилган солномаларни ёдлаб олганман.

– Агар бу китобни бир кеча ўқисам, ҳаётимнинг ўн йилидан воз кечган бўлардим, – дедим ҳаяжон билан.

– Мен эса, ҳаётимнинг ҳар бир оқшомини унга бағишлаган бўлардим.

Юзим Шириннинг юзига яқинлашди. Кўзларимиз юмуқ ҳолда лабларимиз бирлашди. Бу пайт биз учун бутун олам ташвишлари унутилган, фақат бошимиз узра чигирткаларнинг чириллашигина эшитиларди, холос. Узоқ йиллик ҳижрондан кейин барча тўсиқларни чилпарчин қилиб юбораётган қайноқ, давомли бўсалар бошланди.

Бирор киши келиб қолишидан ҳадиксираб, тезда ўрнимиздан турдик ва гиламлар тўшалган йўлақлар, рўпарамиздан чиқиб қолган кичик эшик ва шалоғи чиққан ёғоч зинапоялардан ўтиб, шоҳнинг хонасига, эндиликда унинг набираси эгаллаган бўлмага кириб бордик. Икки табақали эшик ичкаридан ёпилиб, тамбаланди ва улкан хонада иккаламиз ёлғиз қолдик. Менга энди Табриз дунёнинг бир бурчагидаги шаҳар эмас, балки дунёнинг ўзи Табриздан узоқлашгандек туюларди.

Фаройиб тарзда нақшланган қаравот устида мен шоҳ авлодига мансуб севгилимни бағримга босдим. Ўз қўлларим билан унинг кийимларидаги боғичларини, тугмаларини ечдим, бармоқларим, кафтим, лабларим билан унинг баданидаги барча жойларини эркалаб чиқдим.

У менинг барча эркалашларимга, бесўнақай бўсаларимга кўзларидан илиқ ёш оқизганича жавоб берарди.

Тез орада тонг отди. Мен эса “Самарқанд қўлёзмаси” ни ҳали ҳам варақлаб кўрмагандим. У пардоз столи устида турар, Ширин эса, елкамга бош қўйганича ҳамон ухлаб ётар, мен унинг нафаси билан, ундан таралаётган ёқимли ҳидлар билан нафас олардим. Унинг юмуқ киприкларига завқланиб қараб, умидсиз бир ҳолатда нега у уйқусида хўрсиниб-хўрсиниб қўяётганини фаҳмлашга уринардим. Малика кўзини очганида, аллақачон шаҳар кўчаларида шовқин-сурон бошланганди.

Мен Хайём қўлёзмаси билан навбатдаги висол оқшомида танишарман”, деган умидда ҳеч кимга сездирмасдан малика ҳузуридан чиқиб, ғойиб бўлдим.

### **Қирқинчи боб**

“Ҳувиллаган қаср”дан чиқиб, Табриз тонгларидаги салқиндан жунжикиб, йўлни қисқартиришни ҳам ўйламай, карвонсарой томон йўл олдим. Мен йўл-йўлақай фикрларимни жамлаб олишга уринардим. Тунги эҳтиросларим ҳали пасаймаган ўша пайтдаги ҳолатим, ҳаракатларим, шивирлаб айтилган сўзлар, барчаси хаёлимдан ўта бошлади. Негадир ўзимни бахтиёр ҳис этаётганимни ҳам сезмасдим. Қандайдир қониқишни ҳис этардим, холос. Бироқ бу қониқиш тақикланган ишқ-муҳаббатга, аниқ бир гуноҳкорликка боғлиқдек туюларди. Кечани бедор ўтказган кишидек фикру хаёлимга тўхтовсиз бостириб келаётган саволларга жавоб излардим. “Кетганимдан кейин у тинч ухладимикин?” “Ёки

бўлиб ўтган ишлардан афсус-надомат чекаяптимикин?” “Уни одамлар орасида учратганимда, ўзини бегоналардек тутмасмикин?” “Бугун кечқурун унинг кўзларида муҳаббат учқунларини кўрармиканман?”

Тўсатдан замбарак гумбурлади. Мен тўхтаб қолдим ва кулоқларимни динг қилиб тинглай бошладим. Бу бизнинг матонатли “Банж” замбарагимизмикин? Бироз жимликдан кейин отишма овози эшитилди ва яна сукунат чўкди.

Мен иккиланган ҳолда атрофни синчковлик билан кузатиб, йўлимда давом этдим. Кейин кетма-кет иккинчи ва учунчи замбарак овози гумбурлади. Хаёлимга нохуш фикрлар кела бошлади. Биргина замбарак ҳеч қачон бундай кетма-кет ўқ узмайди, бу ўринда икки ёки уч замбарак ўқ узаётганлиги аниқ. Мен турган ердан бир неча кўча нарида иккита снаряд портлади ва мен шаҳар маркази томон чопа бошладим.

Фозил менинг шубҳаларимни тасдиқловчи хабарни маълум қилди: шоҳ томонидан юборилган жазо қўшинлари бу оқшом Табризга етиб келган. Улар диний бошлиқлар қўлидаги маҳаллаларга жойлашган ва улар ортидан янги қўшинлар ҳам келаётган эмиш.

Табризда қамал ҳолати бошланганди.

\* \* \*

Техроннинг ҳарбий бошлиғи, давлат тўнтаришининг сабабчиси полковник Ляхов Табризга юборилаётган қўшинлар олдида қуйидаги мазмунда нутқ ирод қилди:

“Довюрак казаклар, шоҳ ва унинг салтанати хавф остида. Табризликлар унинг обрў-эътиборини оёқости қилиб, конституцияни тан олдириш мақсадида унга қарши уруш эълон қилди. Конституция эса, унинг барча ҳуқуқларидан воз кечишни ва казак корпусини тарқатиб юборишни талаб қилмоқда. Агар конституция галаба қозонса, сизнинг хотинларингиз ва фарзандларингиз очликка маҳқум бўлажак. Конституция сизнинг разил душманингиз ва шу туфайли сиз унга қарши қутурган шерлардек жангга киришингиз лозим. Парламент биносини вайронага айлантириб, сиз бутун дунё аҳлининг миннатдорлигига сазовор бўлдингиз. Ўз халоскорлик вазифангизни давом эттириб, исёнчи шаҳарни ер билан яксон қилинг! Мен эса, Русия ва Эрон ҳукмдорлари номидан сизларга туганмас бойликлар ва шон-шуҳрат ваъда қиламан. Табризнинг барча мол-мулки, бойликлари сизларники бўлади. Уни қўлга киритсангиз, бир умр роҳат-фароғатда яшайсиз!”

Техрон ва Санкт-Петербургда баралла, Лондонда шивирлаб янграган бу буйруқ Табризни ер юзидан супуриб ташлашни, шаҳар барчага намуна сифатида жазога тортилиши лозимлигини ифодалар эди. У мағлۇб бўлиши, бундан кейин ҳеч ким конституция, парламент, демократия ҳақида оғиз очмаслиги лозим эди. Шарқ яна бир бор битар кунини кутиб яшаши керак эди.

Шундай қилиб бутун дунё аҳли кейинги ойлар давомида содир бўлажак ақл бовар қилмас даҳшатдан огоҳ бўлдилар. Табриздаги воқеалар Эроннинг турли бурчакларида халқ қаршилиқ ҳаракатининг жонланиб кетишига сабаб бўлди. Шоҳнинг ўзи ҳам энг оғир сиёсий таҳликаларни бошидан кечирарди. Конституция тарафдорларининг ҳарбий кучлари жангга киришдан олдин ўз сафларини қайта ташкил қилишга, ҳаммани куроллантиришга улгурдимикин?

Январ ойида конституциячилар ўзларининг дастлабки галабаларини қўлга киритди: Шириннинг она томонидан тоғалари ҳисобланмиш бахтиёрийлар қабиласининг даъватига жавобан Исфaxonда, Эроннинг қадимий пойтахтида кўзғалон кўтарилиб, бутун аҳоли конституцияни ва табризликларни қўллаб-қувватлашини билдирди. Бу хабар қамал ҳолатидаги Табризга етиб келганида, бутун шаҳар аҳли руҳланиб кетди. Тун бўйи кўчаларда одамларнинг “Табриз! Исфaxon! Биз доим биргамиз!” — деган шодиёна хитоблари янграб турди. Лекин кейинги кун эрталабданоқ шоҳ қўшинларининг оммавий ҳужуми бошланиб, ҳимоячилар шаҳар жануби ва ғарбидаги кўплаб истеҳкомларидан чекинишга мажбур бўлди.

Энди Табризнинг ташқи дунё билан алоқа қилиши учун ягона бир йўл, шимолдаги рус чегаралари яқинидан ўтадиган йўл қолганди.

Орадан уч ҳафта ўтгач, Раст шаҳрида ҳам қўзғалон бошланди. Шаҳар халқи Исфaxonдан намуна олиб, шоҳ ҳукуматидан воз кечди ва конституция, яъни Фозил тарафдори эканлигини эълон қилди. Табризда яна кўтаринки кайфият ва шодиёналар бошланди. Бироқ ўша кунийёқ истилочиларнинг янги ҳужуми бошланди: охири йўллар ҳам кесиб ташланди. Табриз тўрт томондан қамал ҳолатига тушиб қолди. Энди ҳеч қаердан на хат-хабар, на озиқ-овқат олишнинг иложи қолмади. Икки юз минг кишилиқ шаҳар аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлаш учун қатъий белгиланган улуш асосида тақсимлаш вазифаси кўндаланг бўлди.

1909 йилнинг феврал-март ойларида қўзғалончи шаҳарлар сони янада кўпайди: Шероз, Ҳамадон, Машҳад, Астробод, Бандар-Аббос, Бухир шаҳарлари ҳам қўзғалончилар тасарруфига ўтди. Айнан ана шу кунларда Парижда машҳур шарқшунос, жаноб Дийўлафуа бошчилигида Табризни ҳимоя қилиш кўмитаси тузилди.

Бундай хайрихоҳона кўтаринки кайфият лорд Ламингтон раҳбарлигида Лондонда ҳам юз берди. Энг муҳим воқеалардан яна бири Карбалода рўй берди: шиаларнинг энг эътиборли руҳонийлари реакция кайфиятдаги дин арбобларидан юз ўгириб, тантанали равишда ва узил-кесил конституция тарафдорларини ёқлаб чиқдилар.

Табриз тантана қиларди. Бироқ шаҳар ўлим талвасасида эди.

Рўй бераётган тўс-тўполонлар ва бутун дунё халқлари билдираётган салбий муносабатлардан эсанкираб қолган шоҳ биргина фикрга ёпишиб олди: барча балоларнинг ини Табризни тезроқ тиз чўктириш керак! Агар у бўйсиндирилса, қолган шаҳарлар ўз-ўзидан итоатга келади!

Шаҳарни тиз чўктиришга қаратилган барча ҳаракатлари беҳуда кетаётганини пайқаган шоҳ энди шаҳарни очликка маҳкум қилишга қарор қилди.

Шаҳарда озиқ-овқат қатъий улуш орқали тақсимланаётган бўлса-да, нон ноёб неъматга айланди.

Март ойининг охириларига бориб, қариялар ва гўдаклар орасида очликдан ўлаётганлар сони кўпайди.

Лондон, Париж, Санкт-Петербург мағбуотларида қамал туфайли шаҳарда кўплаб хорижийлар ҳаёти ҳам хавф остида эканини, давлат бошлиқлари эса бу ҳолатдан ташвишланмаётганини танқид қилувчи кинояли мақолалар эълон қилина бошланди. Биз бундай акс-садолардан телеграф орқали боҳабар бўлардик.

Кунлардан бир кун Фозил мени чақириб, қуйидагиларни айтди:

— Руслар ва инглизлар шоҳ қўшинлари шаҳарда тез орада оммавий қирғин уюштиришидан қўрқиб, агар шундай бўлса, бутун жаҳон аҳли жунбушга келишидан хавфсираб, Техрондан ўз ваколатхоналарини чақириб олишлари мумкин. Бу биз учун оғир зарба бўлади. Лекин мен бундай эвакуацияга мутлақо қарши эмаслигимни билишларини истайман. Бу ерда ҳеч кимни зўрлаб олиб қолишни ҳам хоҳламайман.

Шундай қилиб, у менга шаҳардан чиқиб кетишни хоҳловчи ҳамма хорижийларга барча шарт-шароитлар яратиб беришни топширди. Бироқ, топшириқни бажаришим жараёнида қутилмаган гайритабиий ҳодисаларнинг гувоҳи бўлдим. Рўй бераётган воқеаларнинг имтиёзли гувоҳи сифатида иштирок этиб, одамлар томонидан содир қилинаётган кўплаб инжиқликлардан кўз юмишимга ҳам тўғри келди. Мен топшириқни бажаришни Америка диний мактабига ташрифимдан бошладим. Тўғриси, мен у ерга ҳазрат пасторнинг янги пичинглари эшитаман, деб боргандим. Чунки Баскервилнинг ақлини жойига келтириб қўйишни менга ишонган одам, унинг бу йўлга кириб кетишига мен сабабчи бўлганимни билганида қандай аҳволга тушгани ёдимда. Хуллас, у мени зўрма-зўраки хушмуомалалиқ билан, хушламайгина қабул қилди. Бироқ келишдан мақсадни билиши биланоқ, ҳеч бир иккиланмай фикримни рад қилди:

— Мен бу ердан ҳеч қаёққа кетмайман. Агар улар хорижий ваколатхоналар ўз одамларини бу ердан хавф-хатарсиз жўнаб кетишлари учун махсус ҳарбий кузатувчилар ташкил қилишга қўрблари етган бўлса, уларни оч қолаётган шаҳарга озиқ-овқат маҳсулотлари олиб келишга юбора қолсинлар, — деди у қовоғини уюб.

Мен унга миннатдорчилик билдириб чиқиб кетдим.

Ростини айтсам, ҳазрат бу гапларни диний эътиқоди ва инсонийлик нуқтаи назардан айтди деб ўйладим.

Кейин шаҳар чеккасида жойлашган учта хорижий савдо компанияларига ташриф буюрдим ва худди юқоридагидек жавобларни эшитиб, ҳайратдан лол қолдим. Нафақат ҳазрат, балки савдогарлар ҳам бу ердан жўнаб кетишни мутлақо истамасди.

Италян савдогарларидан бири ўз фикрини қуйидагича изоҳлади:

— Агар Табризни бундай оғир вазиятда ташлаб кетсам, кейин яна бу ерга қайтиб келиб ишлашдан номус қиламан. Йўқ, мен бу ерда қоламан. Эҳтимол, менинг бу ерда қолишим ҳукуратимни бу вазият ҳақида бироз ўйлаб кўришга мажбур қилар.

Мен борган барча хорижий муассасаларда худди келишиб қўйгандек бир хил аниқ, қатъий жавобларни эшитдим. Ҳатто инглиз полковниги мистер Вратислав ҳам, Русия элчихонасининг вакиллари ҳам, жаноб элчи Похитановдан ташқари, барчаси яқдил шу фикрда: “Биз жўнаб кетмаймиз!” дейишди. Уларнинг бу жавоблари ҳатто ўз ҳукуратларини ҳам лол қолдирди.

Шаҳарда эса, хорижийларнинг бундай қувонтирувчи бирдамлиги барчани руҳлантириб юборди. Лекин вазият жуда қалтис эди. 18 апрелда мистер Вратислав Лондонга қуйидаги мазмунда телеграмма жўнатди:

“Бугун бу ерда нон жуда тақчил, эртага бундан баттар бўлиши мумкин”. 19 апрелда эса навбатдаги телеграмма жўнатилди: “Вазият бутунлай умидсиз. Бу ерда қамални ёриб ўтиш ҳақида гапирмоқдалар”.

Ўша куни шаҳар марказида қўзғалон раҳбарларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Фозил конституциячи қўшинлар Райдан Табризга томон келаётганини, шоҳнинг тахти қулаш арафасида турганини айтиб, галабамиз яқинлигини маълум қилди. Ундан кейин сўзга чиққан Баскервил эса, бозорларда бирорта озиқ-овқат маҳсулотлари сотилмаётгани, аҳвол ниҳоятда мушкул эканини баён қилди:

— Одамлар аллақачон уй ҳайвонлари, ҳатто мушукларни ҳам сўйиб еб қўйдилар. Кўплаб оилалар кеча-кундуз кўчаларда тентираб, чириган анорларни, ташлаб юборилган куйган нон бўлақларини қидириб топиб кун кўрмоқдалар. Яқин орада одам гўштини ейишга ўтиш хавфи бор.

— Икки ҳафта, бор-йўғи икки ҳафтага чидасак эди! — деди Фозил ўқинч билан. Бироқ, Баскервил бунга эътибор бермай, гапида давом этди:

— Бизнинг захирамиз шу кунгача бир амаллаб кун кўришимизга етди. Энди одамларга бериш учун ҳеч нарсамиз қолмади. Ҳеч нарса! Икки ҳафтадан кейин улар очликдан қирилиб кетади ва Табриз кимсасиз шаҳарга айланади. Кейинги кунларда саккиз юз киши очликдан ёки очлик билан боғлиқ касалликлар туфайли ҳаётдан қўз юмди!

— Икки ҳафта, фақат икки ҳафта. Ҳатто рўза тутсак ҳам чидашимиз лозим! Хўш, бўлмаса нима қилайлик? Таслим бўламизми? Шунча машаққат билан эришган эркимизни яна қўлдан берамизми? Наҳотки, курашни давом эттиришнинг ўзга чораси топилмаса?!

Давом эттирмоқ, очликка қарамасдан давом эттирмоқ!

Қиёфалари тунд, очлик даҳшатидан қарахт бўлиб қолган, бироқ ўз қўллари билан эришилган галабадан маст ҳолдаги ўн икки киши “курашни давом эттириш керак” деган фикрдан ўзга хулосага кела олмасди.

— Фақатгина бир йўл қолди, — деди Баскервил, — эҳтимол...

Барча тўпланганлар Баскервилга тикилиб қолишди.

— Тўсатдан ҳужум қилиб, душман қамалини ёриб ўтишимизгина қолди. Агар биз мана бу жойни эгаллаб олсак, — деди у бармоғи билан харитадаги бир нуқтани кўрсатиб, — бизнинг қўшинларимиз ташқи дунё билан алоқани қайта тиклаши ва душманларимиз ўзига келиб олгунга қадар, озиқ-овқат муаммосини ҳал қилишимиз мумкин.

Мен бу фикрга ўша заҳотиёқ қарши чиқдим. Ҳарбий бошлиқлар ҳам “бу қўшинларни тўғридан-тўғри ўлимга маҳкум қилиш бўлади”, — дея фикримга қўшилишди. Чунки душман қўшинлари биздан бор-йўғи беш юз метрлар

наридаги тепалик устига жойлашган, гап мана шу оралиқдаги масофани босиб ўтиб, душман истеҳкомларини эгаллаш ҳақида борарди.

Фозил ҳамон бир қарорга келолмас, харитага ҳам қарашни истамас, кўпроқ рўй бериши мумкин бўлган воқеанинг тарихий натижаси ҳақида қайгурарди. Бу вазият бир неча кун вақтдан ютишга имконият яратармикан? Бу борадаги баҳслар яна қайтадан бошланди.

Баскервил ўз фикрини ўтказиш учун далиллар келтирар, уни жон-жаҳди билан асослашга уринарди.

Унинг фикрини ҳозирча фақат Моор қўллаб-қувватлай бошлади. У “Manchester Guardian” газетасининг мухбири бўлиб, бу борадаги ўз ҳарбий тажрибасини баён қилди. Унинг фикрича, тўсатдан бериладиган зарба ҳал қилувчи натижаларга олиб келиши мумкин. Ниҳоят, Фозил қатъий фикр билдирди:

— Мен бу ҳужумнинг натижасига унчалик ишонмайман, лекин бундан ўзга чорамиз йўқлиги учун Баскервилнинг фикрига қўшилмасдан иложим йўқ.

Эртасига, 20 апрелда эрталаб соат учда, қўшинларимиз ҳужумга ўтди. Келишувга кўра соат бешларда душман истеҳкоми эгалланса, улар қарши ҳужумга ўтмаслиги учун бизнинг қўшинларимиз бир неча жойлардан қарши ҳужумга ўтиши лозим эди. Лекин ҳужумимизнинг дастлабки дақиқаларидан бошлаб барча режаларимиз беҳуда эканлиги маълум бўлди: Моор ва Баскервил бошлиқ бўлган олтмишгача жангчиларимиз ҳужуми душманнинг қатъий зарбасига дуч келди. Негадир тўсатдан қилган ҳужумимиз душманни эсанкиратиб қўймади. Эҳтимол, бизнинг режаларимиз бирорта хуфий орқали уларга етказилгандир? Жанг ҳудуди ва истеҳкомларимиз ҳар томонлама мустаҳкам эканлигига ким кафолат бера олади? Эҳтимол, полковник Ляхов бу ҳудудлар ҳимоясига энг уддабурон зобитларини қўйгандир?

Қўшинларимизнинг ҳужуми беҳуда кетаётганини сезган Фозил, тезда чекиниш ҳақида буйруқ берди. Жуда кўпчилик жангчилар, жумладан, Моор ҳам бу бемаъни жангдан ярадор бўлиб қайтди.

Бу жангдан фақат бир киши, Баскервил қайтиб келмади. У душманнинг дастлабки ўқиданоқ ҳалок бўлганди.

Уч кун давомида Табриз ҳимоячилари Америка диний мактабининг арзимас хайр-эҳсонлари ҳисобига яшади. Бироқ бу хайр-эҳсонлар “Одам Ато фарзандлари” жамияти аъзолари яшайдиган маҳаллаларда нафсониятни топтайдиган, инсонийлик қадр-қимматларини ерга урадиган садақа сифатида қабул қилинди. Мен эса, бу садақаларни нотаниш одамларнинг қўлларини сиқиб, бағримга босиб, кўзларим чарчоқдан қизарган ҳолда қабул қилардим.

Хайрия келтирувчилар орасида Англия элчиси ҳам бор эди. У мени чеккага тортиб, қуйидагиларни маълум қилди:

— Менинг бу гапларим, эҳтимол, сизга ўлдирилган дўстингиз учун биров тасалли бўлар. Менга Лондондан хабар беришларича, буюк давлатлар, яъни Русия ва Британия Табриз масаласида ягона қарорга келишган. Демак, жаноб Баскервилнинг ўлими беҳуда кетмабди. Махсус тайёрланган бир корпус шаҳар аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлаш, яъни, очликдан қутқариш учун, ҳамда хорижий фуқароларни бу ердан чиқариб кетиш учун Табризга келиши режалаштирилмоқда.

— Бу корпус русларникими?

— Худди шундай. Улар Эрон чегарасига энг яқин турган ҳарбий корпусдир. Сиз бекорга хавфсираяпсиз. Биз лозим бўлган барча хавфсизлик чораларини кўраимиз. Конституция тарафдорларига бирорта зарар етказилмайди ва рус аскарлари ўз вазифаларини бажариши биланоқ, чегара ортига қайтиб кетишади. Фозилни бу ишларга, қуроолларини ташлашга сиз кўндириб берарсиз деган умидаман.

Бироқ мен, бу вазифани қандай зиммамга оламан? Наҳотки бирор бошқа иложи бўлмаса? Наҳотки форсийлар сингари “қисматим шу экан-да”, — деб унинг бу таклифига рози бўлишим керак? Эҳтимол, бу машғум вазифа менинг зиммамга юкланаётганидан мағрурланиб, инглиз элчисига рад жавоби бера олмагандирман? Нима бўлса-да, бу хабарни дарров Фозилга етказмасликка қарор қилдим. Бу мушкул вазифани бажаришни энг қурса, бир неча соатга кечиктириш мақсадида Ширин ҳузурига йўл олдим.

\* \* \*

Охирги висол кечасидан кейин Ширин билан ҳамон ёлғиз учраша олмаган эдим. Қамал ҳолати Табризда янғича бир вазият яратганди. Ҳаммаёқда шаҳарга яширинча кириб олган душман хуфиялари ҳақида миш-мишлар эшитилар, кўчаларда қуролли посбонлар кезар, шаҳардаги асосий бинолар зийраклик билан қўриқланар эди. “Ҳувиллаган қаср” олдида ҳам беш-олти, баъзан ундан кўпроқ қўриқчилар навбатчилик қилишарди.

Улар мени ҳар гал очик чеҳра билан қарши олишса-да, баъзан уларнинг қиёфаларидаги яширин табассумни сезиб, бу ерга тез-тез келаверишдан ўзимни тиярдим.

Ўша кеч қўриқчилар сони анча кўпайтирилган бўлса-да, бир амаллаб, ҳеч кимга сезирмай, маликанинг хонасига тўғри кириб бордим. Хона эшиги қия очилган, Ширин жойида ўтирганча, тиззаларига “Самарқанд қўлёмаси”ни қўйиб, уни ўқиш билан банд эди. Хонага кириб, унинг ёнига ўтириб олдим. Ҳар иккимизнинг қалбимизда бу кеч негадир севги эҳтиросларига иштиёқ йўқ эди. Бу оқшом биз ўз севгимизни Хайём қўлёмасини ўқиш орқали бир-биримизга изҳор қилдик. У менинг кўзимга, лабимга тикилар, унга ёд бўлиб кетган ҳар бир рубойини ўқишимни, ҳар бир расмни томоша қилишимни кузатарди.

Баъзан у рубойларни ўзига хос усулда французчага таржима қилар, доноликни, олам фалсафасини ифодаловчи бу жумлалар илк бора бундан саккиз аср илгари Нишопурда, Исфохонда ёки Самарқандда янтрагани хаёлимизга ҳам келмасди.

Эй онгсиз, билмайсан, бу олам ҳечдир,  
Негизинг шамолдир, бир тутам, ҳечдир.  
Икки йўқлиқ аро қолмиш борлигинг,  
Атрофинг йўқлигу, ўрта ҳам ҳечдир.

Бу сатрларни ўқиб, дунё ташвишларига қўл силтаган, ўзини-ўзи юпатаётган нуроний бир кимса кўз олдингизга келади. Кейинги сатрларда олам шодликларини баралла қуйлаётган, олам ташвишларини май орқали унутишга уринаётган ўша қариянинг бошқача қиёфаси пайдо бўлади.

Дилингда бўлмасин қайғудан нишон,  
Хуррамлик китобин ўқигил ҳамон.  
Май ичиб, орзуга эришмоқ керак,  
Маълум-ку, беш кунлик, ахир бу замон.

Қўлёмздаги барча рубойларни бирма-бир ўқиб чиққач, ундаги миниатюраларни томоша қилдик. Кейин, саҳифа ҳошияларига ёзилган солномаларни ўқий бошладик. Китобнинг охирги қисмлари арманистонлик Вартан томонидан тўлғазилган ва бу оқшом айнан шу ёзувлар орқали мен Хайём ҳаёти саҳифалари, Жаҳонга нисбатан оташин севгиси ҳамда Низом ул-Мулк, Ҳасан Саббоҳнинг ҳаёти тарихи билан танишдим. Шундан сўнг, қирқ саҳифаларча келадиган, Аламут кутубхоначилари томонидан битилган тарихни ўқидик. Унда Аламут ҳукмдори, унинг ўғли, набираси тарихи, оламда тенги йўқ қўлёмзанинг Марв шаҳрида йўқолиб қолгандан кейинги қисмати, унинг ассасинлар жамиятининг тарқалиб кетишига таъсири, мўғуллар босқинигача рўй берган воқеалар тарихи баён қилинганди.

Ширин қўлёмза охиридаги сўнги битикларни ўқиди: “Мен Аламут мўғуллар томонидан ер билан яқсон қилинишидан олдин, оламда тенги йўқ инсон — нишопурлик Хайём қўлёмзасини олиб, она юртим Кирмонга қочиб кетишга азм қилдим. Ўз юртимга келибоқ, бу хазинани қўлида ушлаб, уни варақлашга арзийдиган одам топилмагунча яшириб қўйишга қарор қилдим. Уни яратган Эгам паноҳига топширдим. Ёлғиз угина назари тушган бандасини тўғри йўлга салади ёки йўлдан оздиради”.

Бу жумлалар менинг ҳисоб-китобларимга кўра милодий 1257 йилнинг 14 мартда ёзилган эди. Мен ўйланиб қолдим.

— Қўлёмза XIII асрда гойиб бўлган. Уни Жамолиддинга XIX асрда совға қилишган. Олти аср давомида у кимнинг қўлида бўлди экан?

— Бу вақт жараёнида у Шарққа хос узоқ муддатли уйқуда бўлган, — деди Ширин. — Кейин, бирдан уйғониб, ана у телба Мирзо Ризонинг қўлига тушиб қолган. У ҳам Аламут кутубхоначиси сингари кирмонлик эмасмиди? У ҳам ассасинлар авлодидан, яъни бу китобни яшириб кетган кутубхоначининг авлодидан бўлиши мумкин-ку, бунга нима дейсиз?

Ширин ўрнидан туриб, юмалоқ ойнаси олдидаги курсига ўтириб, қўлига тароғини олди. Мен анча вақт унинг яланғоч қўлларини, мулойим ҳаракатларини завқланиб томоша қилдим. Бироқ тезда у менинг ширин хаёлларимни бузиб, деди:

— Менинг тўшагимда бемалол ўтирганингизни биров кўриб қолишини истамасангиз, тезроқ бу ердан кетишга шошилинг.

Ростдан ҳам аллақачон тонг ота бошлаган, хона ичкараси анча ёришиб қолганди.

— Тўғри айтасан, — дедим ўкинч билан. — Сал бўлмаса сенинг шоҳона обрў-иззатингни унутиб қўяёзимман.

У шўх жилмайиб, менга қаради:

— Уни қаранг-а! Мен ҳам малика бўлсам-да, мусулмонларга хос номус-оримни сақлашим лозимлигини унутиб қўйибман, шекилли. Бутун Эронда тунни ётоқхонамда ечинишни хаёлига келтирмаган чиройли бир хорижий йигит билан ўтказганим ҳақида миш-мишлар тарқалиб кетса, кейин менга ким ҳам совчиликка келади!

Қўлёмани олтин сандиқчага жойлаштиришдан олдин севгилим лабларидан эҳтиросли бўса олдим ва узун йўлақдан ўтиб, яширин эшик орқали қасрдан чиқиб, қамалдаги шаҳар шовқин-суронига шўнғидим.

### *Қирқ биринчи боб*

Бундай азоб-уқубатли ойлار мобайнида ҳалок бўлган кўплаб кишилар орасидан нега Баскервилнинг ўлими сира ёдимдан чиқмаяпти? У менинг дўстим ва ҳамюртим бўлгани учунми? Эҳтимол, шундайдир. Қолаверса, ўзи учун бегона юрт бўлган мана шу Шарқда озодлик ва демократиянинг туғилишини у ўз кўзлари билан кўришни истарди. У ўзини беҳуда қурбон қилдими? Ўн, йигирма, борингки, юз йиллардан кейин, эронликлар у кўрсатган гайрат ва жасоратни эслашармикан? Негадир бу ҳақда ўйлашни ҳам истамасдим. Бугунги ва келажак замонда, ҳар иккала умидли ва алдамчи замонларда яшовчиларнинг турмуш ташвишларига, курашларига яна аралашиб қолишдан қўрқаман. Аммо Баскервилнинг ўлими арафасидаги воқеаларни кўз олдимга келтирсам, ҳар ҳолда у бекорга қурбон бўлмади, дея оламан. Чунки бу орада казакларнинг шаҳарга бостириб кириши тўхтатилди, қуршов ҳалқаси узиб ташланди ва шаҳарга озиқ-овқат кириб кела бошлади. Буларда Баскервилнинг ҳиссаси йўқ деб ўйлайсизми? Эҳтимол, унинг қисмати шундай битилгандир?! Шундай бўлса-да, дўстимнинг ўлими шаҳарни, очарчилик туфайли унинг қисматига шерик бўлиши лозим бўлган минглаб шаҳарликларни ўлим балосидан қутқариб қолди-ку, ахир!

Озиқ-овқат маҳсулотлари олиб келадиган карвонни шаҳарга рус ҳарбий қисмлари бошлаб кириши ҳақидаги гаплар, албатта, Фозилни қувонтира олмасди. Мен унга инглиз элчихонаси таклиф қилган бу хабарни иложи борида мулойимроқ қилиб тушунтиришга уриндим.

— Аҳоли курашни давом эттирадиган аҳволда эмас. Уларга қиладиган ягона яхшилигинг — бу уларни очликдан қирилиб кетишларининг олдини олишингдир. Очарчилик азоб-уқубатларини бошидан кечираётган барча шаҳарликлар тирик қолишлари учун инглизлар таклифига рози бўлишинг лозим.

— Ўн ойдан бери шоҳнинг ҳимоячиси Николай подшога қарам бўлиш учун беҳуда қон тўкибмиз-да!

— Бироқ руслар бу ишга барча байналминал ташкилотлар ваколати билан қўл уришмоқда. Бутун жаҳонда бизга хайрихоҳлар бу хайрли ишни қўллаб-қувватламоқда. Уларнинг бу таклифини рад этиш, уларга қарши чиқишни ифодалайди ва бугун бизга нисбатан кўрсатилаётган барча хайрихоҳликларни йўққа чиқаради.

— Эндигина галаба қозона бошлаганимизда таслим бўлиш, қурооларни топшириш, бу бемаънилиқ-ку!

— Сен бу гапни менга айтаяпсанми ёки қисматгами?

Фозил сакраб ўрнидан туриб кетди. Унинг нигоҳидан отилган беҳисоб таъна тошлари вужудимга қадалди.

— Табриз халқи бундай таҳқирлашга қўнмайди.

— Қисматга на мен, на сен қарши чиқолмаймиз. Шундай пайтлар бўладики, барча ечимлар, хулосалар ёмон туюлади. Бироқ, икки ёмон фикрнинг яхшироғини танлаган маъқул.

Фозил чуқур ўйга толганича, бироз хотиржам тортди.

— Дўстларимнинг тақдири нима бўлади?

— Уларнинг хавфсизлигини инглизлар ўз зиммасига олган.

— Қурооларимизни топширамизми?

— Ҳар ким ўз қуролини ўзида олиб қолади. Ўқ отилмаётган барча уйлар вайрон қилинмайди. Бироқ оғир қуроолар, яъни замбараклар топширилиши лозим.

Фозилнинг қиёфасидан гапларимнинг бирортаси уни қаноатлантирмаганини сездим.

— Эрта бир кун русларни бу ердан қайтишга ким мажбур қила олади?

— Бу масалада қисматимизга нима ёзилган бўлса шуни кўрамиз. Бу ёлғиз танрига аён.

— Уни қара-я! Бутунлай шарқчасига фикрлашга ўтаяпсан-а!

Аксинча, ҳеч кимга ҳеч қачон ошкора илтифот қилмайдиган, қиёфасидан доимо енгил шубҳа аломатлари сезилиб турадиган Фозилнинг ўзини ҳақиқий шарқлик деса бўларди. Мен гапириш оҳангимни ўзгартириш лозимлигини сездим ва қаттиқ чарчаганимни билдириш учун чуқур хўрсиндим.

— Албатта, сен ҳақсан. Мен эса, фикримни сенга тузукроқ баён қилиб бера, олмадим, шекилли. Инглиз элчихонасига бориб, сени ишонтира олмаганлигимни айтмоқдан ўзга иложим йўқ. Кейин бу ерга қайтиб келиб, охиригача сенинг ёнингда бўламан.

Фозил енгимдан тортиб, тўхтади:

— Сени ҳеч нарсада айбламоқчи эмасман. Ҳатто сенинг таклифингни рад қилмоқчи ҳам эмасман.

— Таклифинг дейсанми? Биринчидан, бу менинг таклифим эмас. Мен сенга инглизлар айтган гапни етказдим, холос.

— Тинчлан ва мени тушунишга урин. Мен Табризга руслар кириб келишига қаршилиқ кўрсатиш учун ҳеч қандай имкониятга эга эмаслигимни жуда яхши тушунаман. Яна шуни яхши биламанки, агар мен уларга озроқ қаршилиқ қилсам ҳам, бутун дунё мени ёмонотлиққа чиқаради. Биринчи навбатда, аллақачон ҳеч кимдан, ҳеч қаердан нажот кутмаётган ҳамюртларим шундай қилишади. Шунингдек, шаҳар қамалининг тугаши — шоҳнинг мағлубияти эканлигини ҳам яхши биламан.

— Сен бошлаган курашнинг асосий мақсади шу эмасми?

— Бундай эмаслигини кўриб турибсан-ку! Мен бу шоҳни синовдан ўтказаяпман, холос ва ҳеч қачон шахсан унинг ўзига қарши курашган эмасман. Бир золим шоҳ устидан галаба қозониш — ҳеч қачон ягона мақсад бўлмаслиги керак. Мен форсийлар эркин фикрли кишилар бўлишлиги учун, “Одам Ато фарзандлари” дек ўз эътиқодларига, ўз қудратига эга бўлишлари учун, уларнинг бугунги дунёда ўз ўринлари бўлишлиги учун курашяпман. Табризда мен бу мақсадга эришдим. Бу шаҳар Русия ва Англия ҳукмдорлари талабларини бажаришдан бош тортди ва дунёдаги барча соф виждонли кишиларнинг хайрихоҳлигига сазовор бўлди. Табризликлар узил-кесил галаба арафасида эдилар. Бироқ, бу галаба кимларгадир ёқмаяпти. Чунки бизнинг жасоратимиз уларни ваҳимага солаяпти. Энди улар бизнинг олий ватанпарварлик туйғуларимизни топтаб, таҳқирламоқчилар. Мағрур табризликлар бир бурда нон эвазига рус подшоси аскарлари олдида тиз чўкишликни хоҳламайдилар. Сен озод мамлакатда туғилган эркин инсонсан ва буни тушунишинг лозим.



Орага бир неча лаҳзага чўзилган оғир сукунат чўкди.

— Инглиз элчихонасига бориб, нима деб жавоб айтишимни истайсан? — дедим мен ниҳоят.

Фозил ясама равишда баралла қулиб юборди.

— Унга бориб айт, иккинчи марта жаноби олийларининг олдига яна паноҳ излаб боришлигимдан жуда бахтиёрман.

\* \* \*

Фозилнинг бу гаплари маъносини тушуниб олишлигим учун орадан бир неча кунлар ўтди. Тез орада содир бўлган воқеалар Фозилнинг шубҳалари беҳуда эмаслигини тасдиқлади. Мистер Вратислав уни ўз машинасига ўтқазиб, руслар эгаллаган марралар бўйлаб Қазвингача кўрсатиб чиқди. Фозил у ерда узоқ вақтлардан бери Техронга ҳужум бошлашга пайт пойлаб турган конституция тарафдорлари қўшинларига қўшилиб олишга эришди.

Табриз оғир кунларни бошидан кечираётганига қарамай, шоҳ ўз душманларини кўрқувда сақлаб туриш учун барча имкониятларга эга бўлса-да, конституция тарафдорлари энди янада дадилроқ ҳаракат қила бошладилар. Улар вақтни қўлдан бой бермасдан, икки томондан икки армия корпуси билан, биринчиси, шимолдан — Қазвин томондан, иккинчиси, жанубдан — Исфохон тарафдан пойтахт томон юриш бошлади. Иккинчи армия асосан бахтиёрлар қабиласи аъзоларидан иборат бўлиб, улар 23 июн куни Кум шаҳрини эгаллашга муваффақ бўлишди. Орадан бир неча кун ўтгач, инглиз-рус қўшма баёноти эълон қилиниб, унда конституция тарафдорларидан шоҳга нисбатан гиналарни унутиш, у билан келишувга эришиш талаб қилинди. Акс ҳолда икки буюк давлат масалага ҳарбий куч орқали аралашувга мажбур эканлигини баён қилдилар. Бироқ Фозил ва унинг дўстлари ўзларини бу баёнотдан беҳабардек тутиб, ҳаракатларини тезлатдилар.

9 июл куни икки армия қўшинлари Техрон деворлари ёнида бирлашди. 13 июл куни икки мингта конституциячилар қўшини “Темп” газетасининг ҳайратдан лол қолган мухбирлари кўзи олдига француз элчихонаси яқинидаги яхши қўриқланмаётган шимоли-ғарбий дарвозасидан пойтахтга кириб бордилар.

Шаҳар ичида фақат Ляхов қўмондонлигидаги рус-казак корпуси қаршилик қилишга уринарди. У уч юзгача аскар, бир неча замбарақ, иккита тез отар тўплари ёрдамида шаҳар марказидаги бир неча маҳаллани ўз назорати остида сақлаб турарди. Қизгин жанглар 16 июлгача давом этди.

Ўша куни эрталаб соат саккиз яримда шоҳ ўзининг беш юз аскар ва гумашталари ҳамроҳлигида, тантанали равишда рус элчихонасига келди. Унинг бу хатти-ҳаракати тахтдан воз кечиши билан баробар эди.

Казаклар қўмондони Ляхов ўт очишни тўхтатишдан ўзга илож тополмади. У ўша куни бригадасини тарқатиб юбормаслик шарти билан, бундан буён конституцияни тан олишга ва голиблар хизматида бўлишликка қасам ичди.

Унга бу шартлар қабул қилинганлиги маълум қилинди.

Тахтга истеъфога чиққан шоҳнинг эндигина ўн икки ёшга тўлган кичик ўғли чиқарилди.

Шириннинг фикрича, у гўдаклигидан бери яхши танийдиган бу бола — ҳиссиётга тез берилувчан, юрагида на золимликка, на фаҳш-разолатга рағбати бўлмаган мулойимтабиат бир ўсмир эди.

Жанглар тугаганидан бир кун ўтгач, янги шоҳ ўз саройига бориш учун янги васийи — мистер Смирнов ҳамроҳлигида шаҳар кўчаларидан ўтаётганида оломон уни “Яшасин шоҳ!” деган хитоблар билан кутиб олди. Ваҳоланки, мана шу кишиларнинг ўзлари яқингинада “Шоҳга ўлим!” деб хитоб қилгандилар.

### ***Қирқ иккинчи боб***

Ёш шоҳ меҳрибон ва олийжаноб қиёфада тез-тез одамларга кўриниб турар, тинмасдан жилмайиб, ўз фуқароларини олқишлаш учун оппоқ қўлчаларини силкитарди. Бироқ саройга қайтиб келиши биланоқ, гумашталарининг туганмас безовталиклари сабаб бўларди. Ота-оналаридан зўрлик билан ажратиб олинган навқирон шоҳ уларни соғиниб, тинимсиз йиғларди. Ўша ёз у ота-оналари

ёнига қочиб кетишга ҳам уриниб кўрди. Бироқ, тутиб олиниб, яна саройга келтирилди. Бутунлай тушкунликка тушиб, сарой шифтига ўзини-ўзи осигна уринди. Арқон уни бутунлай бўга бошлагач, кўрқиб кетганидан ёрдамга чақиришга мажбур бўлди. Уни ўз вақтида дор ҳалқасидан ечиб олишга улгурдилар. Бу кўнгилсиз воқеа унга биров ижобий таъсир қилгандек бўлди. У ўз кўркувларидан қутулиб олгач, конституциявий ҳукмдор ролини салоҳият ва софдиллик билан ижро этишга киришиб кетди.

Ҳокимият эса, расман Фозил ва унинг дўстлари қўлида эди. Улар Эрон тарихидаги янги даврни мамлакатда оммавий тозалаш ўтказиш билан бошладилар. Эски тузумнинг олтига ашаддий тарафдорлари қўлга олиниб, қатл қилинди. Улар ичида “Одам Ато фарзандлари” жамияти аъзоларига қўплаб азият етказган Табризнинг етакчи руҳонийлари, жумладан, шайх Фазлаллоҳ Нурий ҳам бор эди. Айнан мана шу шайх ўтган йили давлат тўнтаришидан олдин қўплаб қотилликларга фатво берганди. Унинг ўлимга ҳукм қилиниши шиалар бошлиқлари томонидан ҳам тасдиқланди.

Бироқ, бу руҳоний ўзига белгиланган ўлим ҳукми рамзий маънода эканлигига ҳеч ҳам шубҳаланмасди. У конституция даҳрийлик эканлигини эълон қилган ашаддий руҳонийлардан бири эди. У 1909 йилнинг 31 июлида Тўпхона майдонида, халойиқ кўз олдида дорга осилди. Ўлимидан олдин у “Мен бидъатчи эмасман!” дейишга улгурди. Менимча, у бу жумлани халойиқ ичида турган ўз тарафдорларига конституция динга хилоф эканлигини яна бир охириги марта уқтириш учун айтди.

Янги раҳбарларнинг асосий вазифаси — парламент биносини қайта тиклаб, унда янги сайловлар ўтказиш эди. 15 ноябрда навқирон шоҳ форслар тарихидаги иккинчи миллий мажлисни тантанавор очди:

“Бисмиллоҳир раҳманир роҳийм, бизга озодлик инъом этган яратган Эгамга ҳамдусанолар бўлсин. Муқаддас Имоми замоннинг қўллаб-қувватлаши остида, унинг энг эзгу ниятларини амалга ошириб, шод-хуррамлик билан миллий Маслаҳат кенгашини очик деб эълон қиламан.

Интеллектуал тараққиёт ва онгимизнинг ривожланиши бизни муқаррар ўзгаришларга олиб келди. Бу ўзгаришлар эса, энг машаққатли синовларни енгил орқали қўлга киритилди. Эрон асрлар давомида бундай машаққатларни сабот билан енгил келган ва унинг халқи бугун ўз орзу-умидлари ушалаётган кунни кўраётти. Биз қувонч билан таъкидлаймизки, янги, тараққийпарвар ҳукуматимиз буюк ислоҳотларни амалга оширишда ўз халқига таянади ва мамлакатимизда осойишталик ва фуқаролар қалбида ишонч уйғотиш учун хизмат қилади.

Ҳукумат олдимизда турган ислоҳотларни сабот билан ҳаётга жорий қилиши лозим. Ҳукумат ва парламент давлатни қайта тузишда, жумладан, молиялаштиришни энг маданийлашган миллатлар сингари қайта тузиш ваколатини олади. Биз миллат вакилларига яратган Эгамнинг ўзи йўл кўрсатишини, ундан Эронни мустақил, бахтиёр, хуррам замонларга бошлашини тилаймиз”.

Уша кунийк Техронда оммавий хурсандчиликлар бошланиб кетди. Одамлар кўчаларда, чорраҳаларда тўпланишиб, тантана қилишар, жарангдор оҳангларда шеърлар ўқишарди. Шеърларнинг қофияси албатта “конституция”, “демократия”, “озодлик” сўзлари билан тугарди. Савдогарлар қичқиришиб, байрам иштирокчиларига ичимликлар, ширинликлар таклиф қилишар, давлат тўнтаришидан кейин тақиқлаб қўйилган ўнлаб газеталар махсус сонлар нашр қилишиб, қайта ишга тушганликларини эълон қилишарди.

Кеч кириши билан шаҳар осмонини мушаклар ёрита бошлади. Тантана шохсупаси Баҳористон боғида ўрнатилганди. Фаҳрий курсиларда дипломатик корпуслар вакиллари, ҳукумат аъзолари, ноиблар, диний арбоблар, савдо аҳлининг бошлиқлари ўтиришарди. Баскервилнинг дўсти бўлганлигим учун мен ҳам олдинги ўринларидан бирига ўтиришга ҳақли эдим. Менга Фозил ўтирган курси ортидан жой ажратилганди. Мушакларнинг гумбурлаб отилиши давом этар, осмон дамба-дам ёришиб кетар, ҳамма осмонга қарар, ҳамманинг юзида болаларча шодлик аломатлари ўйнар эди. Биздан анча узоқларда, бир соатлардан бери “Одам Ато фарзандлари” яқдил хитоблар янграпти тантана қилардилар.

Шодиёна хитоблар ҳаёлларимнинг яна Баскервилни хотирлашга бошлаганини сезмай қолдим. У бундай тантананда иштирок этишга қанчалик арзийдиган одам эди-я! Уша пайт Фозил мен томон ўгирилди:

– Нимагадир гамгин кўринаяпсан?

– Йўғ-э, нималар деяпсан? Мен қачонлардан бери Шарқ заминида “Озодлик!” шиорининг тантана қилишини кутиб юрибман. Бироқ, ҳозир мени хотираларим безовта қилапти.

– Хотираларни унут! Кайфиятингни кўтар! Умумхалқ шодиёнасининг тотли лаҳзаларидан баҳра ол!

\* \* \*

Ўша кеч Фозил айтган бу сўзлар менинг байрамона кайфиятимни бутунлай бузиб юборди. Наҳотки Фозил бундан етти ой илгари Табриздаги баҳсимизни ҳали ҳам эслаб юрган бўлса? Ёки унинг ҳали ҳам янги, ечилмаган муаммолари бормикан? Мен масалани ойдинлаштириш мақсадида, эргаси кунни унинг олдига боришни ният қилиб кўйдим. Бироқ яна фикримдан қайтдим.

Қарийб бир йил давомида у билан учрашувдан қочиб юрдим.

Нима сабабдан дейсизми? Бу ердаги машаққатли ҳаётим, Табриздаги фаолиятим энди мен учун болаларча бемаъ依ликдек туюла бошлаганди. Бу ерга, Шарққа, Хайём кўлёмаси изларини қидириб келган мендек бир кишига, менга алоқаси бўлмаган курашга аралашшига нима ҳаққим бор, деган шубҳалар мени қийнай бошлаганди. Қолаверса, Баскервилга Эронга боришни маслаҳат беришга ҳаққим борми? Фозил ва унинг дўстлари фикрича, Баскервил муқаддас курашдаги шаҳидлардан бири эди. Менинг ҳаёлимда эса, у бегона юртда, бегоналар курашида ҳалок бўлган энг яқин дўстим эди. Унинг ота-онаси бир кун келиб, менга хат ёзиб, жон олар даражадаги хушмуомалаликлари билан нега ўглини йўлдан оздирганлигимни сўрасалар, нима дейман?!

Демак, виждон азобим Баскервилнинг ўлими туфайли экан-да? Мен буни аниқроқ қилиб, одамшавандалик нуқтаи назаридан пайдо бўлган виждон қийналиши деган бўлардим. Билмайман, бу сўз менинг ички туғёнларимга мос келадими, йўқми, дўстларимнинг галабасидан сўнг, менинг Табриз қамалидаги “жасорат”ларимни кўкка кўтариб мақташларини эшитиб, Техрон кўчаларида гердайиб юришни мутлақо хоҳламай қолдим. Мен бу ерга тасодифан келиб қолган, бу ишларга унчалик дахли йўқ иккинчи даражали бир кишиман. Бироқ, бу ерда менинг ҳақиқий қаҳрамон ҳамюртим, ягона дўстим бор эди. Унинг порлоқ хотираси соясида имтиёз ва иззат-ҳурматга кўмилиб юриш ниятим йўқ эди. Виждон азобидан қутулиш учун, бу ердан гойиб бўлишим лозимлигини сезардим. Ўзимни ҳамма томонидан унутулишимни, сиёсатдонларнинг йиғилишларига бошқа қатнашмасликни, турли жамият вакиллари ва дипломатлар билан учрашмасликни истардим. Мен ҳар кунни кўришни хоҳлайдиган, ҳеч қандай қайғу-ҳасратларга солмайдиган ягона киши, бу – Ширин эди. Мен уни Зарганда тепалигида, шаҳар чеккасидаги боғ-ҳовлилардан бирига кўчиб ўтишга кўндирдим. Ўзим ҳам ўша атрофдаги кичик уйлардан бирида ижарага тура бошладим. Албатта, бу ижара номигагина эди. Менинг кунларим, тунларим малика ҳузурда ўта бошлади. Албатта, унинг хизматкорлари ҳам биз билан ҳамфикр эдилар.

Ўша қишни биз ҳафталар давомида унинг кенг хонасидан чиқмасдан ўтказдик. Ажойиб чўян печка билан иситиладиган бу хонада биз “Самарқанд кўлёмаси”ни ва бошқа китобларни қайта-қайта ўқидик. Ажойиб висол оқшомларимизни чилим чекиб, Шероз шаробидан, баъзан шампан виносидан ичиб, Кирмон бодомлари ва Исфаҳон нўхотларидан еб, фароғат билан ўтказдик. Менинг маликам бир пайтнинг ўзида ҳаётнинг барча гам-ташвишларини чекиб улгурган сермулоҳаза аёл, ҳамда беғам бокира қизча ролини ўйнашни назокат билан удаларди. Ҳар иккаламиз ҳам бир-биримизга ҳар лаҳзада туганмас меҳрибончиликлар қилишга тайёр эдик.

Ёзнинг дастлабки кунлариданок Заргандада янги ҳаёт қайнай бошлаганди. Хорижийлар, энг бадавлат техронликлар бу ерда ажойиб дала ҳовлилар куриб олгандилар. Улар ёз ойларида ям-яшил дарахтлар билан қопланган бу ерларга кўчиб келишарди. Шубҳасиз, сон-саноксиз дипломатлар учун ҳам Техрондаги жазирама ёздан қутулиб, жаннатнинг бу бурчагига қочиб келиш ҳузур бағишларди. Қишда эса Зарганда бўм-бўш бўлиб қоларди.

Бу ерда фақат боғбонлару қоровуллар, жуда кам сонли маҳаллий одамларгина қоларди. Ширин ва мен мана шу осойишталикни, жимжитликни ёқтирардик.

Апрел ойидан бошлаб, афсуски, дам олувчилар худди тоғларга ҳайдалаётган кўй подаларидек бу ёққа ёпириллар, бекорчихўжалар ҳар бир дарвоза, ҳар бир йўлакда изгиб юришарди. Ҳар куни эрталабки ёки тушлик уйкудан турган Ширин барча синчков ташрифчиларни чойга таклиф қилар, мен эса тинимсиз равишда узун даҳлизлар бўйлаб яширинишга мажбур бўлардим. Қишки роҳат-фароғатлар тугаб, энди бу ердан жўнаш пайти етиб келганди.

Бу гапни маликамга айтгандим, у тақдирига тан бергандек маъюс тортиб қолди:

— Бу ерда сизни бахтиёр деб ўйлагандим.

— Мен бу ерда умримнинг энг бахтли кунларини ўтказдим. Уни яна қайта давом эттиришга келиш учун бироз узоқлашмоқчиман, холос. Мен бу бахтдан лаззатланишдан чарчамайман. Унга ҳайрат билан, бугун вужудим билан севиб тикиламан. Бегоналар бу бахтимни кўзларимдан сезиб, тортиб олиб қўйишидан кўрқаман. Шу сабаб бу ердан ёзда кетиб, қишда қайтиб келиш учун узоқлашаман.

— Ёзда, қишда, сиз доим мени ташлаб кетасиз, кейин яна қайтиб келасиз. Сиз ҳеч нарсадан кўрқмасдан фаслларни, йилларни, умрингизни, менинг умримни аралаш-қуралаш қилиб ташлашни ўйлайсиз. Наҳотки, Хайём сизни ҳеч нарсага ўргатмаган бўлса?

Унинг кўзлари худди очиқ китобни ўқиётгандек менинг кўзларимга қадалди. У ҳаммасига тушуниб, маъюс хўрсинди.

— Қаёққа бормоқчисиз?

Буни ҳали ўзим ҳам билмасдим. Мен Эронга икки марта келиб, икки марта ҳам яширинча яшадим. Энди мен бугун Шарқни кўришим, Босфордан Хитой денгизигача, Эрон сингари бош кўтарган, ўз султон-халифаларини тахтдан ағдариб, эндиликда ноибларга, сенаторларга, мухолиф газеталарга эга бўлган Туркияга, британияликлар бўйсундиришга муваффақ бўлган магрур Афғонистонга боришни хоҳлардим. Албатта, бугун Эронни ҳам кезиб чиқишим шарт. Мен Табриз ва Техрондагина бўлганман. Исфаҳон, Шероз, Қатон, Кирмон шаҳарларини кўрмайманми? Нишопур-чи? Хайём қабрини зиёрат қилишга бормайманми? Унинг асрлар давомида заҳматкаш авлодлари томонидан кўриқланаётган қабри устидаги кўнғир тошни кўрмай кетаманми?

Орзуларим ҳисобланмиш бу йўлларнинг қай бирини танласам экан? Бу йўлни менга Хайёмнинг “Самарқанд кўлёмаси” танлаб берди. Красноводск поездига чиқиб, Ашхобод, Марв шаҳарларидан ўтдим. Бухорони томоша қилдим. Кейин Самарқанд сари йўл олдим.

### ***Қирқ учинчи боб***

Хайёмнинг ёшлик йиллари ўтган шаҳардан нималар қолганини кўришга ошиқардим. Арфизар маҳалласи қандай ўзгаришларга дучор бўлди экан? Хайём ва Жаҳон висол онларини ўтказган боғдаги шийпон қаерда бўлган экан? Х асрдаёқ қадимий хитой усулида оқ тут ёғочидан нафис қоғоз тайёрлаган яхуди усталар яшаган Мотруд қишлоғидан бирор из қолдимикан?

Ҳафталар жараёнида шаҳарни пиёда кездим, кейин томошамни хачир устига миниб олиб давом эттирдим.

Мен савдогарларни, йўловчиларни, масжид имомларини саволга тутардим. Бироқ улардан инкорни ифодаловчи бош силкитишу қизиқувчан табассум ва илтифот билан ўзлари ўтирган ҳаворанг чорпояга чойга таклиф қилишларидан ўзга янгилик эшита олмасдим.

Бир куни Регистон майдонида омад менга кулиб боққандек бўлди. Йўлдан бир неча туялардан иборат карвон ўтиб борарди. У олти-етти қалин жунли, япалоқ туёқли Бақтрия туяларидан иборат эди. Қари туякаш мендан бир неча қадам наридаги кулолчилик дўкони ёнида кучоғида янги туғилган кўзичоқни тутганича тўхтаб қолди. Кулол қўлларини чарх устида айланаётган кўзадан олмасдан, ияги билан бир уюм ялтироқ тупроқни кўрсатди.

Мен бу икки кишини, уларнинг бошларидаги ҳошияли қалпоқни, олабула кўйлақларини, қизғиш соқолларини, минг йиллик хатти-ҳаракатларини синчковлик билан кузатдим. Бу манзара менга Хайём замонларидан бери айнан шундай сақланиб қолгандек туюлди.

Енгил шамол эсиб, майдон узра қум зарраларини учирди, кийимларимиз шамолда ҳилпирай бошлади. Бутун майдонни ғайритабиий бир ғубор қоплаб олгандек бўлди. Мен атрофга қарадим. Регистон майдонидаги уч баҳайбат обидага, миноралар, гумбазлар, равоқлар, ҳафсала билан ишланган баланд деворлар, олтин, сафсар, феруза рангли нақшлар ва ажойиб арабий ёзувларга назар ташладим.

Барчаси ҳамон мўъжизавий ҳолда яхши сақланган, бироқ, миноралар бироз қийшайиб қолган, гумбазлар эса, худди даврлар ўтиб, шамолдан рангини йўқотиб қўйгандек, пештоқлардаги нақшинкор кошинларнинг кўплари тушиб кетиб, сепкилдор қарияларга ўхшаб қолганди. Энг ажабланарлиси шунда эдики, бу ажойиб обидаларга худди арзимайдиган томошадек ҳеч ким қайрилиб қарамас, улар ёнидан бепарво ўтиб кетаверарди. Вақт ва замон рангу тусини ўзгартириб юборган бу мўъжизавий ёдгорликларга тикилганимча орқамга юриб, унинг мафтункор жилваларини кашф қила бошладим. Тўсатдан кимнидир туртиб юбордим. Узр сўраш учун орқамга ўтирилдим ва гўё мендек ўзга сайёрадан бу ерга тушиб қолган, менга ўхшаб кийинган бир оврўпаликка рўбарў бўлдим. Биз танишиб олиб, дарров суҳбатга киришиб кетдик. Бу бир рус археолоғи бўлиб, у ҳам бу ерга минглаб саволларига жавоб излаб келган экан. Афтидан, у айрим саволларига жавоб ҳам топганга ўхшарди.

— Самарқандда янги даврлар ҳар доим алғов-далғов билан бошланган ва шу тарзда яқун топган. XIII асрда мўғуллар шаҳарни бутунлай ер билан яқсон қилиб ташладилар, одамлар яшайдиган маҳаллалар мурдалар билан тўлган вайроналарга айланди. Бундай бало-қазолардан омон қолганлар шаҳарни ташлаб чиқиб, шаҳар жанубидаги янги бир шаҳарга асос солдилар. Шундай қилиб салжуқийлар давридан қолган эски шаҳар вайроналари аста-секин тупроқ остида қолиб кетди. Ҳозир у кенг ва баланд тепаликни эслатади. Чорва учун яйловга айланган бу тепалик остида қадимий Самарқанднинг асрий сирлари яширинган. Кунлардан бир кун уларнинг барчасини, уйларни, кўчаларни ер остидан қазиб чиқариб олишга тўғри келади. Ана шунда Самарқанд бизга ўз тарихини ҳикоя қила бошлайди.

У бирдан гапидан тўхтаб, менга саволомуз тикилди:

— Сиз ҳам археолоғ эмасмисиз?

— Йўқ. Бу шаҳарга мен бошқа ниятда келдим.

— Айбга буюрмасангиз сўрасам, қандай мақсадда келганингизни билсам бўладими?

Шунда мен унга “Самарқанд қўлёзма”си, ундаги рубоийлар, солномалар, ошиқ-маъшуклар тасвирланган миниатюралар ҳақида гапириб бердим.

— Қани эди бу китобни мен ҳам жилла курса бир бор кўрсам! Уша замондан қолган барча осори-атиқалар аллақачон бузилиб кетганингизни биласизми? Худди уларга ёвуз қисматнинг қўли теккандек, саройлару боғлардан, сув қувурларию муқаддас жойлардан, китоблардан, санъат асарларидан бирортаси сақланиб қолмаган. Бугун биз завқланиб томоша қилаётган обидалар кейинги даврларда Темур ва унинг авлодлари томонидан қурдирилган. Уларнинг барпо қилинганига ҳам сал кам беш юз йил тўлаяпти. Афсуски, Хайём замонасидан бизга сопол парчаларигина мерос бўлиб қолган. Сиз гапириб берган Хайём қўлёзмаси эса, мўъжиза туфайлигина сақланиб қолган бўлиши мумкин. Агар уни қўлларингизга ушлаган, завқланиб ўқиган бўлсангиз, сиз Худонинг энг севган бандаси экансиз. Бироқ бу шараф ўта масъулиятли ҳамдир.

— Ишончингиз комил бўлсинки, мен буни яхши тушунаман. Бу қўлёзма мавжуд эканлигини билганимдан сўнг, узоқ йиллар фақат уни излаб топиш учун яшадим. Уни деб машаққатли ва завқли саргузаштларга дуч келдим. Унинг олами менинг оламимга айланиб қолди. Унинг бекаси менинг севикли ёрим бўлиб қолди.

— Сиз Самарқандга бу қўлёзмада тасвирланган жойларни қайта топиш учун келдингизми?

— Шаҳар аҳли менга энг курса қадимий маҳаллалар ўрнини кўрсатар деган умиддаман.

— Сизнинг бу ниятингиз амалга ошмаслигини айтишдан афсусдаман. Сизни қизиқтираётган замон ҳақида фақат ривоятлар ёки жин ва девлар ҳақидаги эртақларгина қолган. Бу шаҳарда уларни ҳавас билан тўқишади.

– Осиёнинг бошқа, шаҳарларида ҳам шу аҳволми?

– Худди шундай, дея қўрқаман. Бу вайроналар замондошларимизнинг тасаввурларини нега уйғотмаяпти дея ўйлаиб қоламан. Нима бўлганда ҳам ер остида қолган шаҳар ҳали ҳам мавжуд. Асрлар давомида бу шаҳар вайроналари ўрнида мол боқиб юрган болалар аллақандай говакларга тушиб кетишгани ва у ердан чиқолмай бир умр қолиб кетганлари ҳақида ривоятлар бор. Бу говаклардан чиқаётган аллақандай шовқинларни тинглаб, худди заминнинг ичак-чавақлари гулдираётганини эшитгандек бўласиз. Самарқанд ҳақидаги машҳур афсоналардан бири худди шундай пайдо бўлган. Чунки бу шаҳарнинг номи ҳам кўплаб сирли афсоналар билан боғлиқ.

Мен унинг гапини бўлмайд тинглай бошладим.

– Нақд қилинишича, Самарқанд подшоши бутун инсониятнинг ушалмас орзусини, яъни ўлимдан қутулиш режасини амалга оширишга бел боғлабди. Улим Тангри томонидан осмондан келишига ишонган подшоҳ, бу қисматдан қочиб қутулиш учун ўзига ер остида улкан темир қаср қурдириб, ҳамма кириш жойларини беркитиб ташлатибди. У темир қасри ичида эргалаб чиқадиган, кечқурун ботадиган, қасрни иситадиган, кунлар ўтишини билдирадиган сунъий қуёш ҳам ясаттирибди. Афсуски, ўлим фариштаси ўз вазифасини бажариш учун темир қаср ичига ҳам кириб келибди. У подшоҳга ва барча ер юзидаги инсонларга, мавжудотларга уларнинг куч-қудратию бойлиги, ишбилармонлигию мағрурлиги қанчалик юксак бўлмасин, ўлим ҳақ эканлигини исботлабди. Шундай қилиб, Самарқанд шаҳри инсон ва унинг қисмати учрашган жой тимсолига айланиб қолибди.

\* \* \*

Самарқанддан дунёнинг қайси томонига йўл олсам экан? Мен учун бу ер Шарқнинг энг чекка жойи, барча мўъжизалар макони ва туганмас соғинч маскани бўлиб қолди. Шаҳардан жўнаётиб, ўз она юртимга қайтишни ниёт қилгандим. Мен она шаҳрим Аннаполига қайтиб, бир неча йил ҳеч ёққа чиқмай, туганмас саёҳатларим чарчоғини чиқармоқчи эдим.

Бироқ режамни яна телбаларча ўзгартирдим. Эронга қайтиб, Ширинни ва Хайём қўлёмасини олиб, биргаликда дунёнинг энг катта шаҳарлари – Париж, Вена ёки Нью Йоркка бориш, маликам билан биргаликда гарбда шарқона яшаш, бу жаннатда яшамоқ билан тенг эмасми?!

Қайтишда ўзимни унутган ҳолда фақат Ширинни бу гапларимга қандай кўндириш ҳақида ўйладим. Унинг “фақат қаёққадир жўнаш, жўнаш, наҳот бахтингиздан қаноатланмаётган бўлсангиз!” – деган сўзлари қўлоқларим остида жаранглагандек туюлди. Бироқ, унинг иккиланишларига чек қўяоламан, деган ишонч мени яна руҳлантирарди.

Каспий денгизи қирғоғида кира қилган кабриолетим мени Заргандадаги уйим эшиги олдида тўхтаганида, у ерда қанотига юлдузли байроқ қадаб олган “Жавел-40” автомобилига кўзим тушди. Унинг ҳайдовчиси ерга тушиб, менга яқинлашди ва кимлигимни суриштирди. “Бу машина жўнаб кетганимдан бери мени кутиб турибдимикан”, – деган аҳмоқона хаёлга бордим. Ҳайдовчи мени бу ерда эргалабдан бери кутаётганлигига ишонтирди.

– Хўжайиним менга сиз келгунингизча бу ерда кутишни буюрган, — деди у.

– Мен бир ойдан кейин ёки бир йилдан кейин, ёки ҳеч қачон қайтиб келмасам нима бўларди?

Менинг ҳайратим уни хижолатга солди.

– Ҳар ҳолда бугун келдингиз-ку!

У менга Кўшма Штатларнинг мухтор элчиси Шарл В. Руссел имзолаган хатни узатди:

“Қадрли жаноб Лессаж!

Бугун тушдан кейин илтифот қилиб соат тўртда элчихонага келсангиз. Гап жуда муҳим ва жиддий масала устида бўлади. Мен ҳайдовчимга сизнинг ихтиёрингизда қолишликни буюрдим”.

## **Қирқ тўртинчи боб**

Америка элчихонасига келиб, жаноб Руссел ва Фозил мени тоқатсизлик билан кутаётганларини кўрдим.

Кўнғир костюм-шим кийиб, қўйлаги ёқасига капалакнусха галстук тақиб олган, мўйлови осилиб тушган Руссел худди Теодор Рузвельтга ўхшаб кетар, Бироқ унинг юз тузилишлари бироз хушбичимроқ эди. Фозил эса, ўзининг доимий оқ халатида бўлиб, бўйнига қора бўйинбоғ ташлаб, бошига ҳаворанг салла ўраб олганди. Одатга кўра элчихонада ҳар қандай йиғилишни элчи жанобларининг ўзи очарди. У ҳозир ҳам французчалаб бироз тутилиб, бироқ жуда тўғри талаффуз билан гап бошлади:

— Бугунги йиғилишимиз тарихга муҳим ўзгаришлар киритувчи учрашув бўлади деган умидман. Чунки биздек кишиларнинг бундай учрашуви масофа ва фарқларимизни тан олмайдиган, ўзаро бирдамлашаётган икки миллатнинг учрашуви бўлаяпти. Биз ўзлигимиз билан Кўшма Штатларнинг навқирон миллати ва аллақачон анча ёшга кириб қолган демократиясининг вакиллари бўлсак, сиз эронликлар қадимий миллатнинг, бир неча минг йиллик миллатнинг, бироқ бутунлай гўдак демократиянинг вакилларисизлар.

Бундай сирли ва тантанавор гаплар орасида у нутқи қандай таъсир қилаётганини кўрмоқчидек, Фозилга яширин нигоҳ ташлаб қўйди-да, сўзида давом этди:

— Бундан бир неча кун олдин мен Техрон демократик клубига таклиф қилингандим. У ерда мен конституцион инқилобга нисбатан ўзимнинг чуқур ишончимни изҳор қилиш шарафига муяссар бўлдим. Менинг бу ишончимни президент Кафт ва Давлат котиби мистер Кнокс ҳам қўллаб-қувватладилар. Яна шунга айтишим жоизки, мистер Кнокс бизнинг бугунги учрашувимиз қандай натижалар билан тугагани ҳақида телеграф орқали хабар кутаяпти.

Менга Фозил гап нимада эканлигини тушунтириши учун у бир неча дақиқа жим қолди.

— Чор ҳукумати аскарларига қаршилик қилмасликни уқтирмоқчи бўлган кунингни эслайсанми?

— Ҳа, менинг ёқимсиз вазифамними?

— Бу туфайли сени ҳеч нарсада айбламоқчи эмасман. Сен ўз бурчингни бажардинг ва бу маънода сен ҳақ эдинг. Лекин мен кўрққан нарса, бахтга қарши, рост бўлиб чиқди. Руслар Табриздан чиқиб кетмадилар ва аҳоли ҳар куни уларнинг одатий таҳқирлашларига дуч келиб турибди. Казаклар кўчаларда аёлларнинг паранжиларини ечишга мажбур қилишмоқда. “Одам Ато фарзандлари” арзимас баҳоналар билан қамоққа олинаяпти. Қолаверса, бундан баттарроқ нарсалар ҳам содир бўляпти. Бу Табриз қамалидан ҳам жиддий, менинг ҳамфиқрларим қисматидан ҳам муҳимроқдир. Бу хавф бизнинг демократиямизнинг тагидан зил кетаётганлигидир. Жаноб Руссел “гўдак” демократия, деди. У бу сўзга “нимжон”, “бемор” сўзларини қўшганида тўғрироқ бўларди. Ташқи тарафдан қаралса, ҳамма иш жойида, халқ бахтиёр, бозорлар гуллаб-яшнаяпти, руҳонийлар бизни қўллаб-қувватлаётгандек. Бироқ бу демократиянинг кулаб тушишидан сақлаб қолиш учун бизга илоҳий бир мўъжиза етишмаётгандек. Нега? Чунки бизнинг хазинамиз худди бурунгидек бўм-бўш. Эски тузумдаги ҳокимият одамлардан солиқ йиғиб олишнинг қизиқ бир усулини ўйлаб топганди. У ҳар бир вилоятга халқнинг қонини сўриб олиб, солиқ ундирадиган, унинг бир қисмини ўзи олиб қоладиган, шунинг ҳисобидан сарой амалдорларининг ҳомийлигини сотиб оладиган кишиларни вакил қилиб қўйганди. Бизнинг ҳамма бахтсизлигимизнинг бош манбаи ҳам худди мана шунда. Хазина бўшаб қолиши биланоқ, ҳукумат ўз-ўзини таъминлаш ва имтиёзларини сақлаб қолиш учун Русиядан ёки Англиядан қарз кўтарарди. Худди шу ҳийла билан рус подшоси бизнинг ички ишларимизга аралаша бошлади ва биз уларга бор бойлигимизни энг арзон нархларда сотиб юборишга мажбур бўлдик. Янги ҳукумат солиқ ҳукуматнинг ана шу оғир аҳволига тушиб қолди. Агар у солиқ йиғишни замонавий давлатлар сингари ташкил қилмаса, буюк давлатларнинг қўлига қараб қолишга мажбур. Бизнинг энг асосий муаммоларимиздан бири биринчи галда молиявий тизимимизни қайта қуришдир. Эроннинг озодлиги ҳам шу орқали мустаҳкамланади.

– Хўш, муаммо аниқ экан, нега уни ечишга киришмаяпсизлар?

– Бундай қийин муаммони ўз зиммасига оладиган бирорга форсий топилмаяпти. Ўн миллионли аҳолиси бўлган мамлакатда буни тан олиш жуда ачинарли. Бу ўринда мамлакатдаги саводсизлик даражасини ҳам эътиборга олиш лозим. Биз бу ерда илғор мамлакатлар халқлари каби таълим олган кишилар бир ҳовучгинамиз. Биз улар билан тенглашадиган ягона соҳа — бу дипломатиядир. Агар гап армия, транспорт, айниқса, молия соҳасида кетадиган бўлса, ақл-салоҳиятимиз ҳеч нарсага арзимаёди. Агар бизнинг демократиямиз йигирма, ўттиз йил яшаса эди, шубҳасиз, бу соҳаларда бемалол фаолият кўрсата оладиган янги ходимлар, хизматчилар шаклланган бўларди. Бу даврлар келишини кутиб, ҳозирги муаммоларимизни ҳал қилиш учун энг обрўли, энг софдил хорижий мутахассисларни ёрдамга чақирришга мажбурмиз. Биламан, бундай хорижийларни излаб топиш жуда мушкул. Ўтмишда биз бу борада жаноб Ноус, Ляхов ва бошқаларни ёрдамга чақириб, мудҳиш хатоларга йўл қўйдик. Бироқ мен умидсизликка тушмайман. Яқинда парламентда, ҳукумат аъзолари билан бу масала юзасидан узоқ маслаҳатлашдик. Фикримизча, бу масалада Қўшма Штатлар бизга ёрдам бериши мумкин.

– Жуда қувонтириб юбординг-ку, лекин нега менинг мамлакатимни танлаяпсизлар? — сўрадим мен гапни чўзмай.

Жаноб Руссел гапимни эшитиб, менга ҳадик ва ҳайрат аралаш қараб қўйди. Бироқ Фозилнинг жавоби уни хотиржам торттирди:

– Биз барча буюк мамлакатларнинг имкониятларини чамалаб кўрдик. Руслар ва инглизлар бизга кўпроқ хўжайинлик қилишлари учун, бизни тезроқ иқтисодий таназзулга учрашимизни кутиб турибдилар. Французлар эса, бизнинг тақдиримизга қизиқишдан кўра, рус подшоши билан муносабатларини яхшилашни афзал кўрадилар. Умуман олганда, бутун Оврўпа иттифоқлашув ва рақобатлашув ўйинига берилиб кетган. Бу ўйинда Эрон улар учун соққа вазифасини ёки шахмат тахтасидаги пиёда донна вазифасини ўтаяпти. Фақат Қўшма Штатларгина бизни ўзларига бўйсундиришни ўйламасдан, ҳолисона ёрдам бериши мумкин. Шу фикрга келиб, жаноб Русселга мурожаат қилдим ва ундан бу огир вазифани ўз зиммасига оладиган бирорга ўқимишли америкаликни топиб беришини илтимос қилдим. Тан олиб айтишим лозимки, у биринчилардан бўлиб сенинг номингни тилга олди. Мен эса сенинг молия ишлари бўйича мутахассис эканлигингни бутунлай унутиб қўйибман.

– Ишончинг учун миннатдорман, бироқ мен мулақо сиз излаётган киши эмасман. Бу соҳада дипломим бўлишига қарамасдан, мен энг чаласавод молиячиман, чунки ҳеч қачон ўз билимларимни амалда синаб кўришга имконият топмаганман. Бунинг учун кўпроқ отамни айблашимга тўғри келади. Чунки у ўз маблағи ҳисобига қанчалаб кемалар қурган бўлса-да, мени бу ишларга аралаштирмади ва мен ўз кунимни кўриш учун бошқа ишлар билан шуғулланишга мажбур бўлдим. Мен бир умр майда-чуйда ишлар билан машғул бўлдим, саёҳат қилдим, ўқидим, севдим, ўйлашни, шубҳаланишни, ўзим учун курашишни, бирор нарса ёзишни ўргандим, холос.

Тўпланганлар ийманибгина кулишиб, бир-бирларига безовта қараб қўйишди. Мен давом этдим:

– Агар кўнглингиздагидек кишини топсангиз, мен унинг ёнида туриб, айрим масалаларда ёрдамимни аямасликка тайёрман. Бироқ асосий масалаларни у ҳал қилиши лозим бўлади. Бу вазифани бажариш мен учун катта шараф, афсуски, мен бу масалада саводсиз ва дангаса бир одамман.

Фозил тўпланганларнинг эътирозларига қарамасдан, худди менинг гап оҳангимда сўз қотди:

– У тўғри айтаяпти, бунга ўзим гувоҳман. Бундан ташқари, сенинг бошқа, муҳимроқ камчилигинг ҳам бор. Чунки сен менинг дўстимсан, буни ҳамма билади. Бу менинг сиёсий рақибларим учун катта баҳона бўлиб, улар сенинг муваффақият билан ишлашингга халал беришлари мумкин.

Руссел бу гапларни сукут билан, қиёфасида қотиб қолган ним табассум билан тинглади. Ўртамиздаги бу ҳазил-мазах сўзлар, албатта, менга ёқмаётган эди. Буни кўриб турган жаноб элчи ҳамон совуққонлигини йўқотмади.

Фозил буни кўриб унга гапира бошлади:



– Мен Бенжаменнинг қўрқоқлигидан афсусдаман. Бироқ бу бизнинг келажакимизга ҳалал бермайди. Эҳтимол, бу вазифани форслар ишига мутлақо дахли йўқ бирор киши зиммасига юклаганимиз яхшироқ бўлар?

– Қимнидир назарда тутаяпсизми?

– Йўқ. Мен бу вазифага қатъиятли, софдил ва мустақил фикрли кишини кўйсак дейман. Бундай кишилар сизнинг юртингизда кўплаб топиллади, мен бунди билман. Мен бундай кишини тасаввур қилаяпман: у жуда ораста, озода кийинган, юришлари, қарашлари, гапиришлари тўппа-тўғри. Назаримда, у Баскервилга ўхшаши керак.

\* \* \*

1910 йил 25 декабрда якшанба, Роджество байрами кунинда Эрон ҳукуматининг Вашингтондаги элчихонасига телеграф орқали қуйидаги хабар юборилди: “Зудлик билан Давлат Котиби олдига кириб, америкалик молия вакиллари билан алоқа ўрнатишингизни сўрайман. Унга Эрон молия ишларини бошқариш қўлидан келадиган, сиёсий жиҳатдан эркин фикрли кишини излаётганимизни маълум қилинг. Бундай киши топилса, у билан ҳозирча уч йилга шартнома имзоланишини, бу шартнома парламентда тасдиқланишини тушунтиринг. Унинг зиммасига давлат молия ишларини ислоҳ қилиш, миллий даромад ва уни сарфлаш вазифалари юкланишини маълум қилинг. Унга тажрибали ҳисобчи ва назоратчилар ҳамроҳ бўлишларини, уларга барча виллоятларда ҳисоб-китобларни текшириш ваколати берилишини маълум қилинг. Техрондаги Қўшма Штатлар элчиси бизга маълум қилишича, Давлат Котиби бу ишга розилик берган. У билан бевосита учрашувга боринг, воситачилар орқали иш битиришдан эҳтиёт бўлинг. Унга бу хабар мазмунини шахсан ўзингиз етказинг ва вазиятга кўра иш юритинг”.

Ўша йили 2 февралда Олий мажлис америкалик молия вазирини ва унинг ёрдамчиларини тасдиқлаш маросимини ўтказди. Уларнинг номзоди гулдурас қарсақлар остида кўпчилик ноиблар томонидан қўллаб-қувватланди.

Орадан бир неча кун ўтгач, ислоҳот лойиҳасини тайёрлаб, Олий мажлисга тақдим этишга бораётган америкалик Молия вазирини кўчада икки грузин томонидан ўлдириб кетилди. Ўша кунни кечкуруноқ Русия элчихонасининг таржимони Эрон ташқи ишлари вазирлигига келиб, қотиллар рус фуқаролари эканлигини ва уларни жазолаш учун рус ҳукуматига топширишни талаб қилди. Барча техронликлар бу жиноят Санкт-Петербургнинг Эронда парламент сайловлари ўтказилишига нисбатан берган жавоби эканлигини яхши тушунишди. Бироқ мансабдорлар қудратли кўшни билан муносабатларини янада кескинлаштирмаслик учун бу талабга кўнишга мажбур бўлишди. Шундай қилиб, қотиллар рус элчихонасига топширилди. Улар чегарадан ўтказилиб, шубҳасиз, қўйиб юборилди.

Бунга жавобан норозилик ҳаракатлари бошланиб кетди, бозорлар ёпилди. “Одам Ато фарзандлари” рус маҳсулотларини харид қилмасликни тарғиб қила бошлади. Бу ерда жуда кўпчилик бўлган грузин миллатига мансуб кишилардан ўч олиш ҳоллари ҳам содир бўлди. Бу пайтда матбуот томонидан кескин танқидга учраган ҳукумат ҳақиқий ислоҳотлар эндигина бошланаётганини, янги хорижий экспертлар чақирилаётганини, тез орада давлат хазиналари тўлиб кетишини, қарзлардан қутулишимизни, барча ҳомийлардан воз кечиб, ўз мактабларимизни, касалхоналаримизни қуришимизни, Табриздаги бизга хавф солиб турган рус подшоҳи аскарларини кетишга мажбур қила оладиган замонавий армиямиз бўлишлигини айтиб, аҳолини тинчлантиришга уринарди. Эрон мўъжизалар кутарди. Ва тез орада бу мўъжизалар содир бўла бошлади.

### **Қирқ бешинчи боб**

Биринчи мўъжизани менга Фозил қувонган ҳолда шивирлаб маълум қилди: – Унга қара! Мен сенга у Баскервилга ўхшаш бўлишлигини айтгудим-а!

У биз билан саломлашишга яқинлашаётган, Эроннинг янги бош хазиначиси Морган Шустер ҳақида гапирарди. Биз уни кутиб олиш учун Казвин йўлига чиққандик. У ўз ҳамроҳлари билан шалоғи чиқиб кетган почта аравасида келганди. У ростдан ҳам Баскервилга жуда ўхшаб кетарди: худди ўша кўзлар, ўша бурун, тозалаб қирилган ияклар, лекин бироз юмалоқ юзли, худди Баскервил сингари

малла сочларини фарқ очиб тараган, худди у каби хушмуомалалик билан дадил қўл узатарди...

Бизнинг тикилиб қарашларимиз уни хижолатга солаётган бўлса-да, у буни билдирмасликка уринди. Албатта, ҳар қандай бегона юртга келиб қолган киши бундай вазиятга тушиб қолса, ҳамманинг синчков кузатувиға сабаб бўлиши тайин. Унинг бу ерда ўтказган дастлабки кунлари айнан шундай синчков кузатувлар ва синовчан саволлар остида ўтди. Бу савол ва кузатувларнинг айримлари, шубҳасиз, гаразли ниятлар туфайли бўлганлиги ҳам аниқ. Унинг ҳар бир ҳаракати, ҳар бир эътиборсиз гапи, албатта, пинҳоний миш-мишларга сабаб бўлар, баъзан мақталар ёки танқид қилинарди.

У келгандан сўнг бир ҳафта ўтгач, дастлабки нохуш ҳол юз берди. Ҳар кун табриклашга келувчи юзлаб ташрифчилар орасидан ундан қачон у инглиз ва рус элчихоналарига ташриф буюрмоқчилигини сўрайдиганлар ҳам топилиб қолди.

Бу саволга у мужмалроқ жавоб бергач, бу савол тобора кўпроқ такрорлана бошлади ва Шустернинг бу жавоби оммавийлашиб, бозорларда қизғин баҳсларга сабаб бўла бошлади: америкалик янги бош ҳазиначи хорижий элчихоналарга дўстона ташриф буюриши лозимми, йўқми? Хорижий элчихоналар эса ўзларини камситилган ҳисоблаб, Шустерни калондимогликда айблай бошлашди, натижада, вазият янада кескинлашди.

Шустернинг Эронга келишига асосий сабабчи бўлган Фозил бундай дипломатик нохушликлардан, айниқса, кўпроқ ташвишга тушиб қолди. Чунки буларнинг барчаси умумий ишга анча халал бериши мумкин эди. У менадан масалани ойдинлаштиришга ёрдам беришимни сўради.

Шундай қилиб, ҳамюртим қароргоҳига, Шустер ҳузурига ташриф буюрдим. Оқ тошдан қурилган, ўттизта хонанинг ярми шарқона, ярми оврупча жиҳозланган, гиламлар ва санъат асарлари билан безатилган Шустернинг маҳкамаси ингичка устунли айвонлари ҳовуз сувларида акс этиб турган Отабек саройида жойлашган эди. Сарой атрофида улкан боғ бўлиб, боғ оралаб ариқ тўла сув оқиб турар, соя-салқин бу боғ ҳақиқий форс жаннати ҳисобланиб, чигирткаларнинг чириллашигина шаҳар шовқинини босиб турарди. Техрондаги энг гўзал масканлардан бири бўлган бу боғ ва бино илгари собиқ Бош вазирга тегишли бўлиб, кейинчалик ашаддий конституция тарафдорларидан бири бўлган бой бир савдогар томонидан сотиб олинган ва у илтифот юзасидан уни америкаликлар ихтиёрига берган эди.

Шустер мени ҳовлида кутиб олди. Бу гал чарчоқларидан ўзига келиб олган Шустер кўзимга анча ёшроқ кўринди. У ўттиз тўрт ёшга кирган бўлса-да, ҳали навқирон йигитдек кўринарди. Мен эса Вашингтон бу ерга ҳазрат пасторга ўхшайдиган тақир бош бир қарияни юборган бўлса керак деб ўйлагандим.

— Мен сиз билан элчихоналар масаласидаги нохуш вазият ҳақида гаплашгани келдим.

— Ана холос, сиз ҳам шу масаладами? — сўради у бироз саросимага тушиб.

У бу масалага жуда қизиқётгандек, мени эътибор билан тинглашга тутинди.

— Сиз бу масала халқаро жанжалга сабаб бўлиши мумкинлигини ўйлаясизми- йўқми, билмайман. Бироқ ҳозир биз турли фитналар диёрида яшаётганимизни унутмасангиз, — дедим гапни пўсткалласидан бошлаб.

— Мен ҳеч қандай фитналарга аралашмоқчи эмасман.

У кулиб қўйди ва бирдан ўз лавозимига хос жиддий тус олиб гапида давом этди:

— Жаноб Лессаж, гап бу ерда халқаро жанжал ҳақида эмас, оддий инсоний ахлоқ қоидалари ҳақида кетаяпти. Бу лавозимни ўз зиммамга олишдан олдин бу мамолатга келган барча хорижий экспертлар ҳақида роса сўраб-суриштирдим. Уларнинг кўпчилиги тажрибали ва қатъиятли кишилар эдилар. Бироқ, уларнинг барчаси бу ерга келиб, зигирча ҳам муваффақият қозона олмадилар. Хўш, нима учун шундай бўлганини биласизми? Чунки уларнинг барчаси гализ ниятли кишиларнинг тўрларига илиниб қолгандилар ва бугун шу тўрга мени ҳам илинтирмоқчилар. Мен Эрон парламенти томонидан Бош ҳазиначи қилиб тайинландим. Демак, мен шоҳ ёки ҳукумат аъзолари ҳузурига келганлигимни маълум қилиб, ташриф буюрсам, буни мен ўзимнинг инсонийлик бурчим деб ҳисоблайман. Мен ҳам америкаликман, демак, бемалол Америка элчихонасига

бориб, жаноб Русселни кўриб келишим мумкин. Бироқ, нега мени рус, англиз, Белгия ёки Австрия элчихоналарига дўстона ташриф буюришимга мажбур қилишмоқчи? Буни ҳозир сизга тушунтириб бераман. Чунки улар ҳаммага, бутун дунёга, ҳатто форсларга ёрдам қўлини чўзаётган биздек америкаликларга ҳам, турли таълимчиларга қарамасдан, менинг зиммамга бу оғир вазифани юклаган парламентга ҳам, Морган Шустер оддий бир хорижий, қандайдир бир фаранги эканлигини эслашиб қўймоқчи. Бу ерга келган биринчи кунимданоқ хорижий ваколатхоналардан менга таклифлар ёмғирдек ёғилди. Дипломатлар жуда нозиктаъб, меҳмондўст ва яхши тарбия олган одамлар эканлигини яхши тушунаман. Улар мен тушунадиган тилларда гаплашадилар, мен севадиган ўйинларга қизиқадилар. Мен бу ерда албатта карта ўйинларида, чой ичишларда, тинимсиз мусобақаларда, от миниб сайр қилишларда, ниқобли балларда иштирок этиб, ўзимни бахтли яшайман деб ўйлашим мумкин. Уч йилдан кейин эса, уйимга қувноқ, соғлом ва қуёшдан қорайган ҳолда, бой-бадавлат бўлиб қайтиб кетишим ҳам мумкин. Бироқ мен бу ерга фақат шу учун келдимми, жаноб Лессаж?!

У салкам қичқириб гапира бошлади. Қандайдир қўл, эҳтимол хотининикидир, секингина келиб, меҳмонхона эшигини ёпиб кетди. У буни сезмади ҳам ва гапида давом этди:

— Мен бу ерга аниқ бир вазифа билан, Эрон молия тизимини замонавийлаштириш учун келдим. Бу ерга форсийларнинг америкалик муассасаларга, одамларимизга, яхши ниятларимизга бўлган ишончларини оқлаш ниятида келдим. Форсийларни бу ниятимга ишончсизлик билан қарашга ўргатаётган кишиларга ҳам соф виждонли эканлигимни кўрсатиб қўймоқчиман. Мен христиан миллати вакилиман, жаноб Лессаж, бу мен учун жуда аҳамиятли гап. Лекин, бугун форсийлар христиан миллатига мансуб миллатлар ҳақида қандай тасаввурга эгалар? Ўзларини чинакам христианлар деб ҳисобловчи англизлар уларнинг нефт захираларини ўзлариники қилиб олишган-ку?! Ҳақиқий христиан ҳисобланмиш руслар эса, турли беҳаё қонунлар чиқариб, бу ерда форсларни ўз хоҳиш-иродасига бўйсундиришга уринаётганлиги ёлғонми? Бу ерга келиб ўрнашиб олган христианлар аслида кимлар ўзи? Улар фирибгарлар, сурбетлар, динидан қайтганлар ва казаклардан иборат десам муболаға бўлмас! Хўш, шундай экан, ҳозир форсийлар биз ҳақимизда, америкаликлар ҳақида қандай фикрда деб ўйлайсиз? Биз улар билан қандай дунёда бирга яшамоқчимиз? Уларга бизнинг қулларимиз ёки душманларимиз бўлишни таклиф қилишимиз керакми? Наҳотки, улар бизга тенг кела оладиган шериклар бўла олмайдилар? Бахтимизга улар ичида бизга ишонадиган кишилар анча бор. Бироқ улар оврўпаликларни иблисларга чиқариб қўяётган минглаб одамларининг қачонгача оғизга уриб юришади? Эроннинг келажаги қандай бўлади? Бу бизнинг хулқимизга, уларга нисбатан муносабатларимизга, уларга кўрсатаётган ўрнагимизга боғлиқ. Баскервилнинг ўлими кўпчилик хорижийларга хасислик қилмасликни ўргатиб қўйди. Мен уни жуда ҳурмат қиламан, лекин сизни ишонтириб айтаманки, мен у сингари ўлиб кетишни хоҳлайман. Мен оддийгина, виждонли инсон бўлишни истайман. Эронга эса, худди Америка компаниясига хизмат қилгандек, сидқидилдан хизмат қилмоқчиман. Менинг ниятим бу юртни талон-тарож қилиш эмас, балки гуллаб-яшнашига хизмат қилишдир. Мен форс бошқарув органларини ҳурмат қиламан, уларга соф виждоним билан хизмат қиламан, лекин буларнинг барчасини тиз чўкмасдан, уларга таъзим бажо келтирмасдан бажармоқчиман.

Кўзларимга болаларча севинч ёшлари тўлди. Шустер гапидан тўхтади, менга синовчан ва ажабланиб тикилди.

— Агар гапириш оҳангим, сўзларим сизга қаттиқ теккан бўлса, мени маъзур тутинг.

Мен ўрнимдан туриб, унинг қўлларини маҳкам сиқиш учун қўлимни узатдим.

— Йўқ, мени хафа қилмадингиз, жаноб Шустер, мени бироз тўлқинлантириб юбордингиз, холос. Мен гапларингизни форс дўстларимга етказаман. Улар ҳам мендан камроқ тўлқинланмасалар керак.

Шустер ҳузуридан чиқиб, Баҳористонга югурдим. У ердан Фозилни топиб олишимга ишонардим. Уни узоқдан кўришим билан қичқирдим:

– Фозил, мен яна бир мўъжиза кўрдим!

13 июнда форс парламенти Морган Шустерга бир овоздан мамлакатнинг молиявий аҳволини қайта тиклаш вазифасини топширди. Шу кундан бошлаб у вазирлар кенгашининг мажлисларида қатнашиш ваколатини ҳам олди.

Бу орада бозор аҳли ва ҳукумат идораларини янги бир миш-миш ташвишга солиб қўйди. Аллақандай ғаламис Морган Шустер форс диний мазҳабларидан бирининг аъзоси эмиш деган миш-миш тарқатди. Бу миш-миш бемаъни туюлса-да, уни тарқатувчилар пашшадан фил ясаб, миш-мишни ҳақиқат дея шишириб талқин қила бошладилар. Бугун-эрта барча америкаликлар халойиқ кўзи олдида шубҳали кишилар бўлиб кўриниши лозим эди. Бу масалани ойдинлаштириш учун яна бош ҳазиначининг олдига равона бўлдим. Биринчи учрашувимизда ноқ у билан ўртамизда илиқ, самимий муносабатлар ўрнатилган эди. У мени олдийгина Бен деб атаб, мен эса уни Морган деб қақирардим. Унга масалаларнинг моҳиятини баён қилдим.

– Айтишларича, сенинг хизматчиларинг орасида бабийлар ёки баҳойлар бор эмиш. Буни менга Фозил гапириб берди. Баҳойлар яқинда Кўшма Штатларда ўзларининг энг фаол ташкилотини тузган эмиш. Бу ердаги америкалик вакилларнинг барчаси баҳойлар эмишлар ва улар мамлакат молия тизимини ишга тушириш баҳонасида бу ерга ўз тарафдорларининг сонини кўпайтириш учун келганмишлар.

Морган бир лаҳза ўйга чўмиб қолди.

– Мен бу саволингнинг энг муҳим бир қисмига жавоб бермоқчиман. Йўқ, мен бу ерга кимгадир ақл ўргатиш ёки динини ўзгартириш учун эмас, энг зарур иш — форсийларнинг молия тизимини ислоҳ қилгани келганман. Ахборотинг учун қўшиб қўй, мен баҳойий эмасман, албатта. Бундай мазҳаб борлиги ҳақида эса бу ерга келишимдан олдин профессор Бровннинг китобидан ўқиб билгандим. Бундан ташқари, бабийлар ким-у, баҳойлар ким эканлигини ҳам аниқ фарқлай олмайман. Идорамдаги ўн бешга яқин хизматчилар ҳақида гап кетадиган бўлса, ҳамма биладикки, улар бу ерга мен келишимдан олдин келишган. Мен уларнинг ишидан қаноатланаятман, бу масаланинг энг муҳим жиҳати. Қолаверса, ўз хизматчиларим ҳақида, уларнинг диний эътиқодлари ёки галстукларининг рангига кўра хулоса чиқаришга одатланмаганман.

– Фикрингга қўшиламан. Мен ҳам худди шундай фикрдаман. Бироқ, биз Эрондамиз. Бизнинг дунёқарашларимиз уларникидан фарқлигини тушун. Мен ҳозиргина янги молия вазирига учрашиб келдим. Унинг фикрича, бўҳтончиларнинг оғзини юмиш учун хизматчилардан энг қурса бир нечтасини орқага қайтариб юбориш керак.

– Молия вазири ҳам бу гапга ишонаяптими?

– У сендан кўра кўпроқ қизиқяпти. У бу соҳадаги ишлар жойидан жилмай қолишидан кўрқаяпти. У сенинг ҳузурингга қилган бугунги ташрифим натижаларини кутаяпти.

– Сенинг бу хайрли ишингни кечиктирмоқчи эмасман. Унга менинг номимдан бирорта хизматчимни қайтариб юбормоқчи эмаслигимни ва бу менинг қатъий фикрим эканлигини бориб айтақол.

У ўрнидан турди. Мен уни фикридан қайтаришга уриндим:

– Морган, бу жавобинг уни қаноатлантиришига ишончим комил эмас!

– Хўш, яна нима деяй? Бўлмаса, менинг номимдан унга: “Жаноб молия вазири, агар боғбонларнинг эътиқодини аниқлашдан бошқа ишингиз бўлмаса, Морган вақтингизни бекор кеткизмаслигингиз учун сизга аҳамиятли энг муҳим хужжатларни жўнатиши мумкин”, деб айт.

Албатта, Морганнинг бу гапларини молия вазирига бориб айтмадим. Бироқ, биринчи имконият туғилиши биланоқ, унга бу гапларни сўзма-сўз етказишимга ишончим комил. Чунки ҳамма гап очиқ-ойдин айтилса, бу ишнинг ривожига ижобий таъсир қилиши аниқ.

Кунлардан бир кун Ширин бу масалада ўз фикрини баён қилиб қолди.

– Шустер бу ерга келганидан бери жамиятимиз анча тозаланиб қолгандек. Илгари бирор-бир мураккаб вазият вужудга келиб қолса, ундан қутулиш учун асрлар керакдек туюларди. Бу одам пайдо бўлди-ю, мўъжиза содир бўлди, қуриб қолган дарахтлар ҳам барг ёза бошлади. Бу одам менга юртимиз одамларига

бўлган ишончимни қайтариб берди. У одамларга одамдек муомала қилишни ўргатаяпти. У бўҳтонларни, шубҳаларни тан олмаслиги билан одамларда инсонийлик қадриятларини қайта шакллантираяпти. Бизнинг оиламиздаги кекса аёллар унинг ҳаққига дуо қилаётганлигини биласизми?

### **Қирқ олтинчи боб**

1911 йилда бутун Эрон мана шу “ғайратли америкалик”ни шарафларди, десам муболага бўлмас. У ўзини барча нарсага масъул сезар, обрў-эътибори кун сайин ошиб борарди. Газеталар унинг ҳар бир янги қадамини кўтаринки руҳда мақташар, баъзан унинг ўзи газета муҳаррирларини йиғиб, уларга ўз лойиҳалари ҳақида гапириб берар, ўз навбатида улардан айрим нозик масалаларни ойдинлаштиришда маслаҳат сўрарди.

Энг муҳими шунда эдики, унинг зиммасига юкланган мураккаб вазифалар аста-секинлик билан ижобий натижаларга олиб келаётганди. Солиқ тизимини қайта тузишдан олдин Шустер давлат бюджетини изга тушириб олди. Бу масала ҳар қандай ўғирлик ва талон-тарожларнинг олдини олиш йўли билан оддийгина ҳал қилинди. У бу вазифага тайинланишидан олдин кўплаб амалдорлар, шахзодалар, вазирлар ёки мансабдор шахслар давлат хазинасига ҳисобсиз равишда ўз талабларини жўнатишар, хазина хизматчилари эса, ўз мансабларидан ёки ҳаётларидан айрилиб қолмаслик учун бу талабларни бажаришга мажбур эдилар. Морган бош хазиначи бўлиб тайинланиши биланоқ, бундай ғайриқонуний харажатларга чек қўйилди. Яқингинада содир бўлган бир воқеа унинг обрў-эътиборини айниқса ошириб юборди. 17 октябрда ўтказилган вазирлар кенгашида Шустердан илтифотли оҳангда Техрон ҳарбий қисмларига мойна тўлаш учун 42 минг туман миқдорда пул талаб қилинди.

— Акс ҳолда қўшинлар орасида исён кўтарилиши мумкин ва бунинг масъулияти бош хазиначининг зиммасида! — деди Амири Аъзам, яъни ҳарбий вазир кенгашида сўзга чиқиб.

Шустер совуққонлик билан жавоб берди:

— Жаноб Ҳарбий вазир бундан ўн кун олдин шунча миқдордаги маблағни олган эди. Уни нимага сарфлади?

— Мен уни кечиктирилган мойналарнинг бир қисмини тўлаш учун ишлатдим. Аскарларнинг оилалари оч қолишяпти, зобитлар қарзга ботиб кетган, вазият ҳалдан ташқари оғир!

— Жаноб вазирнинг олинган маблағнинг барчаси сарфланганига ишончи комилми?

— Ҳатто бир чақа ҳам қолмади!

Шунда Шустер чўнтагидан маълумотлар майдалаб ёзилган кичик ён дафтарчасини чиқариб, атайлаб синчиклаб ўқиди ва Амири Аъзамга мурожаат қилди:

— Бундан ўн кун илгари давлат хазинасидан берилган барча маблағлар жаноб вазирнинг шахсий ҳисобига бориб тушган ва ундан бир туман ҳам сарф қилинмаган. Менда бу пулни қабул қилиб олган хазиначининг исми ва у олган пул миқдори ҳам ёзиб қўйилган.

Амири Аъзам баҳайбат, семиз гавдасини базўр кўтариб ўрнидан турди. У қўлларини кўкраклари устига қўйиб, ҳамкасбларига қаҳрли нигоҳ ташлади:

— Менинг виждоним пок эканлигига шубҳа билдирмоқчимисизлар?

Унга ҳеч ким миқ этиб жавоб беришга журъат қилмади. У залга виқорли назар ташлаб, гапида давом этди:

— Қасам ичиб айтаманки, шунча миқдордаги пул менинг ҳисобимга келиб тушганлигидан беҳабарман.

Бу сафар унга шубҳа билдирувчилар топилди ва ҳарбий вазирликнинг хазиначисини бу ерга қаҳириб келишга қарор қилинди. Шунда Шустер барча кенгаш аъзоларидан зални тарк этмасликни илтимос қилди.

Хазиначи кенгашга етиб келгани ҳақидаги хабар келиши биланоқ, ҳарбий вазир уни қаршилашга югурди. Ташқарида учрашиб, бир лаҳза шивир-шивир қилишганидан сўнг, Амири Аъзам аноий қиёфада кулимсираганча ҳамкасблари олдига кириб келди.

— Бу лаънати хазиначи менинг буйруғимни яхши тушунмабди. У ҳали ҳам қўшинларга мояна тарқатмабди. Тушунмовчилик рўй берибди.

Можаро қийинчилик билан бартараф қилинди, бироқ шу кундан бошлаб давлатнинг мансабдор шахслари асрлар бўйи давом этиб келаётган хазинани талон-тарож қилишга бошқа журъат қила олмайдиган бўлдилар. Албатта, бундан норози амалдорлар ҳам топиларди, бироқ улар бўйсинишга мажбур эдилар, чунки уларнинг кўпчилиги, ҳатто ҳукумат аъзолари ҳам, барча хизматчилар, аскарлар ҳам худди хориж ва форс дипломатлари каби тарихда биринчи мартаба ўз вақтида мояналарини оладиган бўлгандилар. Ҳатто халқаро савдо идораларида ҳам Шустер яратаётган мўъжизаларга ишона бошладилар. Жумладан, лондонлик банкирлар, ака-ука Селигманлар ҳеч қандай қўшимча шартлар қўймасдан, Эронга тўрт миллион ливр стерлинг қарз беришга рози бўлди. Илгарилар бундай халқаро қарзлар, одатда, қарз олувчи томонининг манфаатларини анча чеклаган ҳолдагина бериларди. Бу сафар эса Эронга берилган бу қарз божхона ва бошқа тўловлардан бутунлай холи ҳолда, худди тўлов қудратига эга бўлган, ишончли, қудратли мижозга берилгандек амалга оширилди. Бу муҳим ғалаба эди. Эронни тиз чўктиришни истаётган мамлакатлар эса, бу қарзни бердирмаслигининг турли чораларини кўра бошладилар. Июл ойида собиқ шоҳнинг икки укаси ва бир тўда ёлланма аскарлари давлат тўнтаришини амалга ошириш учун Эрон томон келаётганлиги маълум бўлди.

Аслида рус ҳукумати берган ваколатга кўра шоҳ Одессадаги махсус қўриқланаётган қароргоҳдан чиқмаслиги, Эронга қайтиб келиш учун рухсат берилмаслиги лозим эди. Бу ҳақда тезда Санкт-Петербургга маълум қилинди. Петербурглик ҳукумат раҳбарлари эса собиқ шоҳ уларни огоҳ қилмасдан, сохта паспорт билан йўлга чиққанлигини, ҳарбий аслаҳаларни минерал сув дея, яширинча қутиларга жойлаб олиб ўтганлигини ва унинг бу исёнкорона хатти-ҳаракатлари учун рус ҳукумати барча масъулиятни ўзидан соқит қилишлигини билдирди. Шундай қилиб, собиқ шоҳ Одессадаги ўз қароргоҳидан чиқиб, Украина тарафдан Эронга томон бир неча минг мил йўл босиб ўтди ва бу қуролли интервенция рус подшосининг, армиясининг, махфий полициясининг сурбелгарча аралашувисиз руй бериши амри маҳол эди.

Албатта, бунга қўшимча далил келтириб ўтиришнинг ўзи қулгили эди. Россия ёш Эрон демократиясини ҳар томонлама қисиб қўйиш, унинг ҳалокатини тезлатувчи чоралар излашда давом этарди. Парламент Шустердан бундай интервенциянинг олдини олиш учун хорижий кредитлар олишни талаб қиларди. Бироқ бу сафар Шустер улар билан баҳслашиб ўтирмади. Бунинг ўрнига у бир неча кун ичида энг яхши жиҳозланган, етарли ўқ-дори билан таъминланган ҳарбий қисмни оёққа турғазди. Унинг тавсияси билан бу ҳарбий қисмга жанговор зобит Иброҳимхон қўмондон қилиб тайинланди ва у уч ой ичида собиқ шоҳ армиясини нафақат етди, балки чегаранинг нариги томонига улоқтириб ташлашга ҳам муваффақ бўлди.

Бутун дунё мамлакатларининг давлат маҳкамаларида Эрон замонавий мамлакатга айланармикин дея бош қотиришарди. Одатда, бундай янгиликнишга кўплаб йиллар давомида эришилади. Техрондаги ва хориждаги кўплаб кузатувчиларнинг фикрича, фақат мўъжизакор Шустергина буни тезроқ амалга ошириши мумкин эди. Энди унинг обрў-эътибори Бош хазиначи даражасидан анча ошиб кетганди. Айнан у парламентни собиқ шоҳни қонундан ташқаридаги шахс дея қарор чиқартиришга шоҳ ва унинг укаларини тутган кишиларга кўп миқдорда мукофат берилиши ҳақида эълон чиқартиришга эришди. Айнан мана шу қарор собиқ шоҳни аҳоли иззат-ҳурматидан маҳрум бўлишини тезлатди.

Бироқ буларнинг барчаси рус подшосини қабих ниятларидан қайтара олмади. Энди у Эронда Шустернинг тагига сув қўймасдан ўз ниятларига эриша олмаслигини яхши тушуниб етган. Уни бу мамлакатдан жўнаб кетишга мажбур қилиш керак! Бунинг учун можаро, жуда ҳам катта можаро уюштириш лозим! Буни мажорони ташкил қилиш ва амалга ошириш бир пайтлар Табризда консул бўлиб ишлаган, эндиликда Техронда бош элчи вазифасида ишлаётган Похитанов зиммасига юкланди.

Ҳар қандай вазифани амалга ошириш баъзан уят-андишани йиғиштириб қўйишни, вазиятга кўра тинмасдан баҳоналар топишни, баъзан кимлар

биландир тил бириктиришни, барча хатти-ҳаракатларни уддабуронлик билан ташкил қилишни талаб қилади.

Форс Парламенти исёнда иштирок этган собиқ шоҳнинг икки ака-укаларининг мол-мулкини давлат ҳисобига мусодара қилишга қарор қилди. Бу вазифани амалга ошириш ҳам иши бошидан ошиб-тошиб ётган, ҳар қандай ишни қойилмақом қилиб уддасидан чиқаётган Шустер зиммасига юкланди. У бу вазифани расман ва қонуний бажаришга бел боғлади. Гап шоҳ оиласига тегишли, Отабек саройи ёнида жойлашган, “Салтанат қуёши” деб ном олган шаҳзода қасрини мусодара қилиш ҳақида борарди. Шустер бу ишни амалга ошириш учун расмий рухсатномалари бўлган бир гуруҳ хизматчиларни ва жандармларни жўнатди. Улар қасрга боришиб, рус элчихонаси зобитлари бошчилигидаги бир гуруҳ казакларга дуч келишди. Улар қасрга киришга рухсат беришмай, бу ердан тезроқ жўнаб кетишни талаб қилишди.

Шустер бу можарони эшитиб, ўз ёрдамчиларидан бирини рус элчихонасига жўнатишга шошилди. У Похитанов томонидан қабул қилиниб, таҳдидона айтилган қуйидаги тушунтиришни олди: “Салтанат қуёши”нинг эгаси, шаҳзоданинг онаси малика рус подшосига хат ёзиб, уларни ўз ҳимоясига олишни илтимос қилган ва бу илтимос инобатга олинган. Эндиликда улар рус подшоси паноҳида ва уларнинг ҳаётлари ва мол-мулки дахлсиздир.”

Шустер ўз қўлоқларига ишонмади. Наҳотки, Эронда яшаётган хорижийлар жиноий ҳаракатлари учун ҳукумат қонунилари олдида жавоб бермасалар! Наҳотки, форсий вазирни ўлдирган қотил рус подшоси ҳимоясида бўлганлиги учун жавобгарликка тортилмаса? Ахир, бу барча мамлакатларда тан олинган умуминсоний қоида-ку! Агар бу қоидага риоя қилинмаса, эрта-индин барча жиноятчи форслар ўз мол-мулкларини, ҳаётларини хорижий ҳукмдорлар паноҳига ўтказиб, мамлакатда жорий қилинган барча қонунларни оёқ ости қилишади-ку! Ахир уларнинг бу ғайриқонуний хатти-ҳаракати ғирт бемаънилик-ку!

Бироқ Шустер бундай бемаъни тўсиқларни тан олишни истамади. У жандармларга қасрга бориб, зўравонликка йўл қўймасдан, қатъият билан мусодарани амалга оширишни буюрди. Бу сафар Похитанов негадир қаршилик кўрсатмади. Чунки у зарур сиёсий можароли вазиятга замин ҳозирлаб, ўз вазифасини бажарган эди.

Тез орада бу фитна ўз натижасини кўрсата бошлади. Санкт-Петербургда эълон қилинган баёнотда Эрон ҳукуматининг бу саъй-ҳаракати Русияга қилинган тажовуз, подшоҳ ва малика шаънига қилинган ҳақорат деб баҳоланди ва Техрон ҳукуматидан зудлик билан расмий жавоб талаб қилинди. Боши қотган Эрон бош вазири маслаҳат сўраб, Британия ҳукуматига мурожаат қилди.

“Foreign Office” — Британия ташқи ишлар вазирлиги ўз жавобида рус подшоси ҳазил қилмаётганини, у Эронга ташлаш учун Бокуда ҳарбий қўшинлар жамлаётганини, ҳар эҳтимолга қарши ултиматумни қабул қилиш лозимлигини маълум қилди.

Шундай қилиб, 1911 йилнинг 24 ноябрида Эрон Ташқи ишлар вазири юрагини ҳовучлаб рус элчихонасига ташриф буюришга мажбур бўлди ва итоаткорона руҳда элчининг қўлини сиқиб, узрини баён қилди:

— Жаноби олийлари, менинг ҳукуматим менга рус элчихонаси вакилларига қилинган дилсийҳлик учун сизга таассуф билдиришликни топширди.

Рус элчиси унга узатилган қўлни ҳамон қўйиб юбормай, унга таънаомуз тикилиб жавоб қилди:

— Сизнинг узрингиз биз йўллаган биринчи ултиматумга жавоб сифатида қабул қилинди. Бироқ мен сизга Санкт-Петербургда иккинчи бир ултиматум тайёрланаётганини маълум қилишга масъулман. Мен уни олишим биланоқ сизга етказишга уринаман.

Ваъда бажарилди. Орадан беш кун ўтгач, 29 ноябр пешинга яқин дипломатлар Эрон Ташқи ишлар вазирлигига рус ҳукуматининг иккинчи ултиматумини топширди ва оғзаки равишда бу ултиматум Лондон ҳукуматининг розилиги билан ёзилганлигини, унга жавоб қирқ саккиз соат давомида берилиши лозимлигини қистириб қўйди.

Ултиматум икки банддан иборат эди:

Биринчиси: зудлик билан Морган Шустерни мамлакатдан чиқариб юбориш.

Иккинчиси: бундан кейин олдиндан Рус ва Британия элчихоналарининг розилигини олмасдан, мамлакатга ҳеч қачон хорижий экспертларни олиб келмаслик.

Парламент мажлисида етмиш беш ноиб хавотирли сукунатда Бош вазирни кутарди. Уларнинг кўпчилиги саллада, кимлардир хождидўппи ёки оддий қалпоқ кийиб олганлар. Энг жанговор қисм — “Одам Ато фарзандлари” жамияти аъзолари эса, оврўпача кийимларда эдилар. Соат ўн бирларда Бош вазир худди жаллод тўнкасига бораётгандек мажлис минбарига кўтарилди. У ташвишли овозда ултиматум матнини ўқиди, Лондоннинг рус подшосига ён босаётганлигини қоралаб, ўз ҳукуматининг қарорини эълон қилди. Қарорда қаршилик қилмасдан ултиматум шартларини бажариш, Шустерни мамлакатдан чиқариб юбориш, бир сўз билан айтганда, уларнинг этиклари остида эзилиб кетмасдан, қайтадан буюк давлатлар ҳомийлигини қабул қилиш баён қилинган эди.

Эрон бошига бундан ҳам ёмон кунлар тушишини олдини олмоқ учун бош вазир ўзига махсус ваколатлар берилишини талаб қилиб, ултиматум муддати тугашига бир соат қолганини, баҳслашиб ўтиришга вақт йўқлигини маълум қилди. У бу гапларни айтар экан, ҳеч ким киришга журъат қилмайдиган бу мажлисга чақирилмаса ҳам келиб, меҳмонлар учун қўйилган курсида талтайиб ўтирган рус элчиси Похитановга тинмасдан қараб кўярди.

Бош вазир жойига ўтирганида ҳар сафаргидек ҳеч ким уни олқишламади, ҳеч қандай хитоблар ҳам эштилмади. Мажлис залига нафасни қисиб юборадиган оғир сукунат чўкди.

Кейин минбарга пайғамбар авлодидан бўлган, Шустерни доим қўллаб-қувватлаб келган бир ноиб чиқди. Унинг нутқи жуда қисқа бўлди.

— Озодлигимиз, мустақиллигимизга бу тарзда тазйиқ қилиниши худонинг хоҳиши бўлса керак. Бироқ озодлик ҳақида ўйлашни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

Залга яна оғир сукунат чўкди. Яна кимдир сўзга чиқиб, ўша маънода гапириб, сўзни қисқа қилди. Жаноб Похитанов намоийшкорона соатига қараб кўйди. Бош вазир ҳам ўз навбатида занжирли юмалоқ чўнтак соатини чиқариб, кўзларига яқинлаштирди. Соат йигирмата кам ўн икки бўлаётганди. У ҳассасининг учини ерга тапиллатиб ўтирганича ўзини босишга уринар, ноиблардан ўз таклифини овозга қўйишни талаб қиларди. Турли баҳоналар билан тўрт ноиб мажлисдан чиқиб кетди. Қолган етмиш икки ноиб баробарига қарши овоз бердилар.

— Рус подшосининг ултиматуми қабул қилинмасин! Шустер мамлакатдан чиқариб юборилмасин! Ҳукумат қарори рад қилинсин!

Бош вазир бу хитобларни эшитиб, ўзини вазифасидан озод қилингандек ҳис қилди ва ўз кабинети аъзолари ҳамроҳлигида Парламент мажлисини тарк этди. Похитанов ҳам ўрнидан турди. У Санкт-Петербургда жўнатиши лозим бўлган телеграмма матнини аллақачон тайёрлаб қўйганди.

Катта эшикнинг тақиллаб ёпилиши залда узоқ вақт акс садо бериб турди. Залда энг содиқ ноиблар қолдилар. Улар галаба қилдилар, бироқ ҳеч кимда бу галабани олқишлаш истаги йўқ эди. Ҳокимият уларнинг қўлида. Мамлакатнинг, ёш конституциянинг тақдири уларга боғлиқ. Нима қилишликни, қандай йўл тутишликни ҳеч ким билмасди.

Одатдан ташқари ҳаммани лол қолдириб тартибсиз ўтаётган бу мажлис кимларнингдир назарида болаларча ўйинга ўхшаб кетарди. Аҳён-аҳёнда кимдир умидли бир фикр айтиб қолар, лекин тез орада бу фикр ҳам бемаъни топилиб, рад қилинарди.

— Қўшма Штатлардан ҳарбий ёрдам сўрасак-чи?

— Улар русларнинг дўслари ахир, улар ҳеч қачон ҳарбий ёрдам бермайдилар. Президент Рузвельт рус подшосини японлар билан яраштирганлигини унутиб қўйдингизми?

— Ахир Шустер бу ерда-ку, наҳотки, унга ёрдам беришни истамасалар?

— Шустер бу ердагина машҳур одам. Қўшма Штатларда унинг номини ҳам билмасалар керак. Америка раҳбарлари Санкт-Петербург ва Лондон билан боғлиқ бўлган бу можарога аралашмайдилар.



– Агар уларга мамлакатимизда темир йўл қурилишини таклиф қилсак-чи? Эҳтимол, бу иш уларни бу ерга келиб, бизга ёрдам беришларига туртки берар?

– Эҳтимол. Бироқ, улар бу ерга олти ойдан кейин келишлари мумкин. Руслар эса, бу ерга бир ҳафтадан кейин кириб келишади.

– Турклар-чи? Немислар-чи? Ёки японлар-чи? Улар русларни Манжурияда таъзирини бериб қўйишганди-ку?

Бу сўзларни ёш кирмонлик ноиб худди японлар унга Эрон тахтини олиб бераётгандек қизишиб айтгаётганида, Фозил унинг гапини бўлди:

– Эътиборингизга шуни маълум қиламанки, биз ҳатто исфахонликларни ёрдамга чақиришга ҳам улгурмаймиз. Агар биз жангга киришсак, бу жанг фақат Техронда юз беради ва бу ерда жойлашган ҳарбий қисмларгина иштирок этиши мумкин. Айнан шундай воқеа бундан уч йил илгари Табризда юз берганди. Бу сафар биз мингтача казак билан эмас, эллик минглик рус ҳарбий қисмларига қарши жангга киришишимизга тўғри келади. Сизларга айтишим жоизки, агар биз жангга киришсак, галабага зигирча ҳам умид қилмасдан киришишимиз лозим бўлади.

Фозилнинг умидсиз бу гаплари барчани қизгин норозилигига сабаб бўлди. Табриз қаҳрамонларидан бири, “Одам Ато фарзандлари” жамиятининг кўзга кўринган арбобининг бу фикри вазият ниҳоятда оғир эканлигини билдирарди. Қаршилиқ қилишдан қайтармоқ, бу ниҳоятда ачинарли ҳол. Бироқ, бу фикрни Фозил илгари сураётган эди.

Юрагида озодлик, эркинлик олови сўнмаётган бошқа ноиблар ўзгача фикрда эдилар.

– Агар биз мағлубият учун жангга киришсак ҳам, бу келажагимизни сақлаб қолиш учун охири жангимиз бўлади. Эрон ҳозиргача Имом Ҳусайн хотирасини Муқаддас сақлаб келди. Ахир у ҳам мағлубиятга учрашини билиб жангга кириб шаҳид кетмаганмиди? У мағлубиятга учради, енгилди, ўлдирилди. Биз унинг хотирасини худди шунинг учун Муқаддас сақламаймиз-ку?! Эрон бунга ишониш учун қон тўкишга муҳтож. Биз худди Имом Ҳусайннинг ҳамфикрлари каби етмиш икки кишимиз. Агар биз шаҳид кетсак, Парламент биноси Муқаддас саждагоҳга айланади, демократия Шарқ тупроғига яна бир неча асрларга кўмиб ташланади.

Ноибларнинг барчаси ўлимга тайёр эканлигини билдирдилар. Бироқ улар тирик қолдилар. Йўқ, бунга уларнинг ожизликлари ёки сотқинликлари сабаб бўлмади. Аксинча, улар шаҳарни ҳимоя қилиш чора-тадбирларини кўрдилар. Худди Табриздагидек фидойилар, айниқса, “Одам Ато фарзандлари” ҳар томондан оғиб кела бошлади. Бироқ, буларнинг барчаси беҳуда эди. Эроннинг шимолини эгаллаган рус аскарлари энди пойтахт сари бостириб келарди. Уларнинг сай-ҳаракатларини қалин ёққан қоргина бироз секинлаштирарди.

24 декабрда истеъфого чиққан Бош вазир ҳарбий куч ёрдамида яна ноқимият тепасига чиқиб олишга эришди. Казаклар, бахтиёрийлар қабиласи қўшинлари, армия ва жандармларнинг катта бир қисми унга бу ишда катта ёрдам берди. Парламент тарқатилган деб эълон қилинди. Кўплаб ноиблар қамоққа олинди. Энг фаол ноиблар сургунга ҳукм қилинди. Рўйхат бошида албатта Фозил турарди.

Янги ҳукуматнинг биринчи ҳаракати Россия ҳукуматининг ултиматумини расмий равишда тан олишдан бошланади. Морган Шустерга ҳушмуомала оҳангда хат ёзилиб, унинг зиммасига юкланган бу хазиначилик вазифасидан озод этилганлиги маълум қилинди. У Эронда саккиз ойгина ишлади. Унинг ҳолдан тойиб, жон фидо қилиб ўтказган бу саккиз ойлик фаолияти Шарқнинг қиёфасини анча ўзгартириб юборишга етарли бўлди.

\* \* \*

1912 йил 11 январда Шустер иззат-икром билан кузатиб қўйилди. Навқирон шоҳ уни Энзели портигача олиб бориб қўйиш учун француз ҳайдовчиси билан ўз автомобилни ажратди. Жуда кўпчилик хорижийлар, форсийлар ҳовлига, йўл бўйига чиқиб, уни кузатиб қолдилар. Минглаб одамлар унга самимий қўл силкитишди, эркаклар, аёллар кўзларида ёш билан у билан хайрлашдилар. Аллақандай бир телбанома аёл эса худди жазманидан айрилиб қолаётгандек уввос солиб йиғлади. Ҳеч кимнинг оғзидан тантанали хитоблар отилмас, хайрлашув

оғир сукунатда юз берарди. Йўл-йўлакай кичик бир нохуш ҳол юз берди, холос. Аллақандай казак унинг ортидан тош отмоқчи бўлди. Бироқ у мақсадига эриша олмади.

Шустер тушган автомобил Қазвин портидан жўнаб кетиши билан Шириннинг саройига томон ёлғиз, пиёда йўлга тушдим.

— Жуда кайфиятингиз тушиб кетибдими? — сўради у мени кутиб оларкан.

— Ҳозиргина Шустерни кузатиб келаяпман.

— Э-ҳа! Ниҳоят, у жўнаб кетибди-да!

Мен гапириш оҳангидан ҳайрон қолиб, унга қарадим. У фикрини ойдинлаштирди:

— Бугун мен у мамлакатимизга ҳеч қачон қадам ранжида қилмаганида яхши бўларди, — деган фикрга келдим.

Мен унга лол бўлиб тикилдим қолдим:

— Бу гапни сен гапираяпсанми?

— Ҳа, мен гапираяпман. Бу америкаликнинг мамлакатимизга келишини олқишлаган, унинг ҳар бир хатти-ҳаракатини маъқуллаган, унинг қиёфасида юртимизга янгилик келтирувчи инсонни кўрган бўлсам ҳам, ҳозир у ўз юртида қолмаганлигидан афсусланаяпман.

— Бироқ, унинг гуноҳи нима?

— Тўгриси, унинг бирорта гуноҳи йўқ. Бироқ у Эронни тушунмади.

— Мен нима демоқчилигингни англамаяпман.

— Ўз шоҳига қарши чиққан вазир, ўз умр йўлдошига қарши чиққан хотин, ўз зобитига бўйсунмаган аскар икки карра жазога лойиқ эмасми? Қолаверса, кучсизлар ҳеч қачон ҳақ бўлмаслигини билмайсизми? Руслар ва инглизлар олдида форсийлар ана шундай кучсиз халқ ва Эрон ўзининг кучсиз эканлигини бу тарзда ҳаммага рўй-рост ошкор қилмасдан, аввалдан тан олиши лозим эди.

— Наҳотки, бундай дунёқараш мангу давом этаверса? Наҳотки, форсийлар бир куни ўзлигини таниб, замонавий, илғор, эътиборли миллатлар билан келишиб яшашни истамаса? Ахир Шустер шундай қилишга уринганди-ку!

— Айнан шу туфайли мен уни жуда иззат-ҳурмат қилардим. Бироқ бизнинг бундай аянчли аҳволга тушиб қолишимизнинг олдини олиш учун у ҳеч нарсга қилолмади дейишга мажбурман. Натижада демократиямиз барбод бўлди, ҳудудларимиз яна руслар томонидан босиб олинди. Рус подшосининг нияти ҳам айнан шу эди ва бу эртами, кечми, барибир, рўй бериши лозим эди.

— Бахтсизлик ҳар доим кечроқ келгани яхши.

— Мулла Насриддиннинг гапирадиган эшаги ҳақидаги латифани эшитганмисиз?

Мулла Насриддин Эронда, Мовароуннаҳрда, бутун Ўрта Осиёда энг машҳур латифалар қаҳрамони эди. Ширин уни гапириб берди:

— Айтишларича, ярим жинни бир шоҳ Насриддинни эшак ўғирланганликда айблаб, ўлимга ҳукм қилибди. Уни қатл қилишга олиб бораётганларида Насриддин: “Бу эшак менинг ҳақиқий укам, бир сеҳргар уни шу аҳволга солиб қўйди. Агар менга ишониб, бир йил муддат берсангиз, мен уни худди сиз ва мендек гапиришга, ҳақиқатни айтишга ўргатган бўлардим!” — дебди. Қизиқиб қолган шоҳ: “Жуда яхши, лекин билиб қўй, агар бир йилдан кейин худди мана шу кун эшак гапирмаса, сен, барибир, ўлимга ҳукм қилинасан!” — дебди. Ўлимдан олти йил аввалгидек қолган Насриддинни хотини қарши олиб: “Буни қандай қилиб бажарасиз? Ахир эшак ҳеч қачон гапирмайди-ку!” — деб сўрабди.

— “Э, хотин, мен ҳам буни биламан. Бироқ бир йилгача ё шоҳ, ё эшак, ё мен ўламан. Бу ёғига худо подшодир”, жавоб берибди Насриддин.

Малика бироз жонланиб, гапида давом этди:

— Агар биз вақтдан бироз ютганимизда эди, руслар, эҳтимол, Балқонда ёки Хитойда урушга киришиб кетган бўлармиди? Қолаверса, рус подшоси ҳам мангу яшамайди-ку! У ҳам бир кун оламдан кўз юмиши мумкин. Эҳтимол, у худди бундан олти йил аввалгидек яна ўз юртидаги исён ва кўзғолонлар билан овораси чиқиб қолган бўлармиди? Биз сабр билан кутишимиз, айёрлик қилишимиз, усталик билан турли сиёсий ҳийлалардан фойдаланишимиз, ўзимизни бўйсунгандек тутишимиз, алдашимиз, турли нарсаларни ваъда қилишимиз тўғри бўларди, деб ўйлайман. Билсангиз, Шарқ донолиги ана шуни талаб қилади. Шустер бизни ғарбликларга хос қадамлар билан олдинга бошламоқчи бўлди, бироқ у бизни тўппа-тўғри ботқоққа бошлаб борди.

У бу гапларни айтиб, ўзи ҳам хижолат бўлаётганга ўхшар, мен эса, унинг гапларини инкор қилишдан ўзимни тиярдим. У гапида давом этди:

– Эрон менга уммонда адашиб юрган омадсиз бир елканли кемани эслатади. Бу кеманинг денгизчилари эса, кемани илгари сурадиган шамол йўқлигидан доим оҳ-нола чекадилар. Кейин, Худо худди уларни жазоламоқчидек бошларига даҳшатли довул жўнатади.

Биз хаёлларимиз огушида анчагина жим қолдик. Кейин мен уни меҳрибонлик билан кучиб:

– Ширин! – дедим.

Мен уни биринчи бор исми билан атаётган эдим. У ўрндан туриб кетди, кейин секингина кучогимдан чиқиб, менга шубҳаланиб тикилди:

– Кетмоқчимисиз?

– Ҳа, лекин бошқача кетмоқчиман.

– Бу нима деганингиз?

– Мен сен билан кетишни истайман.

### ***Қирқ саккизинчи боб***

1912 йил 10 апрелда Шербург портидан кемага чиқдик. Ламанш бўғозидаги кўз илгамас уфқда денгиз мавжланиб турибди. Ёнимда гўзал ёрим – Ширин. Юқларимиз ичида тенги йўқ “Самарқанд қўлёмаси”. Атрофимизда минглаб оломон ини бузилган чумолилардек ҳар томон чопишарди. Бу манзара менга яна узоқларда қолиб кетган Шарқни эслатарди.

“Титаник”га чиққан казо-казолар ҳақида шунчалик кўп гапиришар эдики, тўё одамлар бу улкан кема нима учун қурилганини ҳам унутиб қўйишгандек туюларди. Уз Она-ватанларини ташлаб кетаётган бу минглаб эркаклар, аёллар, болалар худди ўз юртларида ризқ-насибаларини топишга ишонмаганларидек, нуқул Америка ҳақида орзу қилишарди.

“Титаник” ростдан ҳам худди бутун ер юзидаги йўловчиларни териб олишга киришганди. У Сутгамптондан инглизларни, скандинавларни, Кенстовндан ирландларни, Шербургдан грекларни, сурияликларни, онадўлилик арманиларни, жуҳудларни ёки бессарабларни, сербларни, форсийларни ўз бортига чиқариб олди. Уларнинг кўпчилиги шарқликлар бўлиб, гайритабiiий шакллардаги юклари олдида нари кетишмас, бундай вазиятга тушганликларидан жонсарақ ҳолда жўнаш ҳақида бирор янгилик эшитилиб қолармикин деган умидда қулоқларини динг қилиб туришарди. Барчанинг нигоҳида нотаниш саргузаштлар арафасидаги саросималик, қандайдир ўкинч сезилиб турса-да, улар ўзларини энг имтиёзли, бахтли кишилардек ҳис қилишарди. Ахир, Шарқдан келиб, инсоният даҳоси билан бунёд бўлган дунёдаги энг қудратли, энг замонавий, энг мустаҳкам кемада дастлабки йўловчи бўлиш ҳаммага ҳам насиб қилавермайди-да!

Менинг ҳам қалбимда айнан шундай ҳиссиётлар жўш урарди. Бундан уч ой илгари Парижда тўйимиз бўлиб ўтган ва мен маликамга у одатланган шарқона дабдабаларга мос келувчи никоҳ саёҳати уюштириш учун бу кунни сабрсизлик билан кутгандим. Албатта, менинг бу ниятимни болаларча инжиқлик деб бўлмасди. Ширин Қўшма Штатларга бориб яшашимизга узоқ вақт норозидек бўлиб юрди. Бироқ унинг бу иккиланиши Эронни ташлаб чиқиб кетишимиздан олдинги чўрткесарлигига ҳеч ҳам ўхшамасди. У пайтлар Ширин менинг ортимдан эргашиб юришни мутлақо хоҳламаган бўларди. Эндиликда у анча мулоийм тортиб қолган, менимча, у энди ўзини турмушга чиққан шарқ аёллари сингари тутишга уринарди. Шу сабаб севгилимга у ташлаб чиқиб келган оламдан гўзалроқ, эртаксимон бир олам яратишга уринардим ва “Титаник”даги саёҳатимиз худди шундай вазифани бажариши лозим эди. Қолаверса, барча одамлардек биз ҳам бу сузувчи қасрда ердагидан қизиқроқ саргузаштларни бошимиздан кечиришимизга амин эдик.

Жумладан, бу ерда Истанбул ёки Қоҳирадаги ҳаммомларга мутлақо ўхшамайдиган турк ҳаммоми, пальма дарахтлари ўтқазилган шарқона айвон, ёғоч отлар, кичик тугмачани босса, пишқириб юборадиган электр туялар мавжуд эдики, улар саҳрода кезиб бораётган сайёҳ тасаввурини уйғотиши мумкин эди.

Бироқ “Титаник”даги саёҳатимиз у ердаги гайритабiiий кўринишларни томоша қилиш билан чекланмади. Биз гирт оврўпача лаззатлардан ҳам ўзимизни

тия олмадик. Ширин ҳаворанг смокинглар кийиб, мусиқа чалаётган оркестр ижрочилари қуйларини тинглар, ўзи учун “ҳаром” саналган денгиз молоскасидан татиб кўрар, 1887 йилда тайёрланган “Кос-Дестурнел” виносидан ичиб, лиончасига қовурилган жўжа гўштидан лаззатланарди.

Ширин ва мен учун энг бахтли дақиқалар бошланганди. Эрондаги муносабатларимиздан фарқли ўлароқ, энди биз ҳис-ҳаяжонларимизни бир-биримиздан яширмас эдик.

Бу ердаги севгимиз Табриздаги, Заргандадаги ёки Техрондаги малика кенг хонасининг тўрт девори ичидаги, хизматкорларнинг қизиқувчан нигоҳлари остида ўтган ишқ-муҳаббат лаззатларидан минг чандон ортиқ эди.

Энди бизни бирга қўришларидан, эр-хотин сингари қўл ушлаб юришларимизга бегона кўзларнинг тикилишларидан лаззатланардик ва мен тиришқоқлик билан танлаган ҳашаматли каютамызга қайтишни истамай, кечалари узоқ сайр қилардик.

Кечки сайрлар бизнинг энг қувончли дамларимиз эди. Овқатланиб олишимиз биланоқ, бир зобит бизни ўзимиз танлаган ва ичига “Самарқанд қўлёмаси”ни солиб қўйган мустаҳкам темир сандиқ олдига бошлаб борар, биз ундан қўлёмани олиб, зобит ҳамроҳлигида узун йўлақлардан ўтиб, каютамызга қайтардик. Кейин худди Париж қаҳвахоналаридагидек тўқима курсиларга ўтириб олиб, бир неча рубойй ўқирдик, сўнг лифт ёрдамида сайргоҳга чиқиб, бизни кўриб қолишларидан сира ҳадиксирамасдан бир-биримизга эҳтиросли бўсалар ҳадя қилардик.

Вақт алламаҳал бўлиб қолганда, “Самарқанд қўлёмаси”ни ўз каютамызга олиб тушардик ва эрталаб ўша зобит ҳамроҳлигида уни яна темир сандиқ ичига қулфлаб келардик. Бу маросим айниқса, Ширинни кўпроқ завқлантитарди. Унинг ҳар бир лаҳзасини келгуси кунгача завқ билан эслаб юрардик.

Уммондаги саёҳатимизнинг тўртинчи оқшомида мен қўлёмани очиб, дуч келган саҳифадаги қуйидаги рубойини ўқидим:

Эй онгсиз билмайсан бу олам ҳечдир,  
Негизинг шамолдир, бир тутам ҳечдир.  
Икки йўқлик аро қолмиш борлигинг,  
Атрофинг йўқлигу, ўрта ҳам ҳечдир.

“Икки йўқлик аро қолмиш борлигинг” жумласи менга жуда ёқиб қолиб, уни яна бир бор такрорладим. Бирдан Ширин кўллари билан оғзимни ёпди:

— Илтимос, бас қилинг!

У энтикиб нафас оларди. Унга ташвишланиб тикилдим. У синиқ овозда гап бошлади:

— Мен бу рубойини ёддан биламан. Бироқ бугун уни худди биринчи бор эшитаётгандекман. Худди бу аллақандай фало...

У гапини давом эттира олмай бироз нафасини ростлаб олди. Кейин хотиржам оҳангда:

— Қанийди ҳозир манзилимизга етган бўлсак! — деди.

Мен ҳайрон бўлиб елкамни қисдим.

— Агар жаҳонда беҳавф-хатар саёҳат қилиш мумкин бўлган кема битта бўлса, биз айнан унинг устидамиз. Капитан Смитнинг айтишича, уни ҳатто Худонинг ўзи ҳам чўктира олмайди!

Мен бу гапим ва ҳазилим билан унинг қалбида ишонч уйғотмоқчи эдим, афсус, тескариси бўлиб чиқди. У кўлларимдан ушлаб олганича шивирлади:

— Ҳеч қачон бундай деманг!

— Ширин, азизим, нега мени жинни қилаяпсан? Биласан-ку, бу ҳазил, холос.

— Бизда энг даҳрий киши ҳам бундай ҳазилни тилга олишга журъат қилмаган бўларди.

Унинг бутун вужуди титрар, мен эса нима бўлаётганини тушунмасдим. Унга тезроқ каютамызга тушишни таклиф қилдим ва йўлда йиқилиб кетмаслиги учун уни ростакамига суяб боришга тўғри келди. Эрталаб у бироз ўзига келгандек бўлди. Уни овунтириш мақсадида кеманинг мўъжизалар майдончасига олиб

бордим. Уни сакраб ўйновчи электр туя устига миндириб, бироз баҳри-дилини очдим. Бизнинг бу болаларча ўйинимиз ўз номи билан ҳафталик газета нашр қилувчи Слепер Харперни қизиқтириб қолди ва у завқланиб кулганича бизнинг ўйинимизга қўшилди. Кейин у бизни чойга таклиф қилиб, ўзининг Шарқ саёҳати саргузаштларини гапириб берди. Кейин овозига тантанавор оҳанг бериб Сун-Иат-сен лақабли, Хитой озодлик ҳаракати йўлбошчисининг номи билан аталувчи итини кўрсатди. Бироқ буларнинг барчаси негадир Ширин қиёфасидаги маъюсликни бутунлай арита олмасди.

Кечки овқат пайтида ҳам у жуда бўшашиб, ҳолсизланиб ўтирди. Мен бу оқшом одатий сайримизга чиқмасликка ва кўлёмани ўз темир сандигида қолдиришга қарор қилдим ва рафиқамни каютамизга бошладим. У жойига ётиши биланоқ беором уйкуга чўмди. Мен эса, ундан ташвишланиб ва бунчалик барвақт ухлашга одатланмаганим сабаб, оқшомнинг анча қисмини унга термулиб ўтказдим.

Алдаб нима ҳам қилай. Кема муз тоғига қачон урилганлигини сезмай ҳам қолдим. Кейинчалик менга тўқнашувнинг аниқ пайтини айтганларида, ярим оқшом бўлишидан бироз олдин кўшни каюталардан бирида газламанинг зўрлаб йиртилганидек овоз эшитганимни эсладим. Бошқа ҳеч қандай кучли зарбани сезмадим ҳам ва бироз мизғиб олишга уриндим.

Тўсатдан аллақим нимадир деб қичқириб, эшигимизни тақиллатганидан уйғониб кетиб, жойимдан сакраб турдим. Соатимга қарадим, у ўн та кам бирни кўрсатарди. Ички кўйлагимни кийиб, эшикни очдим. Йўлак бўм-бўш эди. Бироқ, узоқларда кимлардир қичқаришар, бундай пайтда уларнинг баланд овозда гапиришлари ғайритабиий туюларди. Ҳеч қандай ёмон ҳаёлларга бормай, Ширинни уйқусини бузмасдан, нима гаплигини билиб келиш учун ташқарига чиқдим.

Зинапоя устида кема хизматчиларидан бири бежавотир овозда “тўсатдан кичик бир носозлик рўй берганини, кема капитани барча биринчи класс йўловчиларини кеманинг энг баланд қисмида жойлашган Қуёш палубасида тўпланишига буйруқ берганлигини” айтди.

– Хотинимни уйғотишим шартмикан? Унинг бироз тоби йўқ эди.

– Капитан ҳамманинг чиқишини буюрди, – такрорлади хизматчи бефарқ овозда.

Каютамга қайтиб, Ширинни иложи борича мулойимлик билан уйғотишга уриндим, унинг пешонасини, қошларини силаб, қулоқларига шивирлаб номини такрорладим. Унинг инграган товушини эшитиб:

– Ширин, уйғонақол, азизим, биз палубага чиқишимиз лозим.

– Илтимос, бу кеч чиқмайлик, мен жуда жунжикиб кетаяпман.

– Гап сайр ҳақида эмас, капитан ҳаммани палубага чиқишини буюраяпти. Охири жумлам унга электр токи ургандек таъсир қилди. У “вой худо-й-им! – деганича жойидан сакраб турди. Мен унга унчалик шошилиш шарт эмаслигини айтиб, тинчлантиришга киришдим. Биз юқори палубага чиққанимизда, у ерда аллақандай безовталиқ ҳукм сураб ва йуловчиларни қутқарув қайиқларига тушириш бошлангани.

Мен сал илгари учратган кема хизматчисини кўриб унга яқинлашдим. У ҳамон ўзини йўқотмаган ҳолда:

– Энг аввал аёллар ва болалар туширилади! – дерди пинагини ҳам бузмай, худди бундай вазиятда қўлланиладиган қоидани ёдлаб олгандек.

Мен Ширинни қўлларидан тортиб қайиқлар томон бошламоқчи бўлдим, Бироқ у жойидан жилмади.

– Кўлёмма! Кўлёмма! – дерди у ўтиниб.

– Бундай тўс-тўполонда уни йўқотиб қўйишимиз мумкин. У темир сандиқда яхши сақланади!

– Йўқ! Мен кўлёмани олмасдан ҳеч қасқа бормайман!

– Биз ҳеч қасқа бормоқчи эмасмиз, ахир! – гапга аралашди кема хизматчиси.

– Биз йўловчиларни бир ёки икки соатга кемадан бироз узоқлаштирмоқчимиз холос. Агар менга ишонмасангиз, қайиққа тушмаслигингиз ҳам мумкин. Бироқ кемада капитан ҳўжайин...

Ширин бу гапга ишонмагани, албатта. Бироқ, у қаршилиқ қилмасдан, ўзини қайиқ томон бошлашларига қўйиб берди. Қайиққа тушиш олдидан бир зобит менга қичқирди:

– Жаноб, бу ёққа келинг, бизга бир эшкакчи керак.

Мен яқинлашдим.

– Бу қайиққа бир эшкакчи етмаяпти. Эшкак эшишни биласизми?

– Шезапек кўрфазида эшкак эшиб катта бўлганман.

Жавобимдан қаноатланган зобит менга қайиқдан жой олишни таклиф қилди ва Ширинга қайиққа тушишга ёрдам қилди. Қайиққа ўттизтача одам туширилган, бироқ ҳали анча жойлар бўш бўлса-да, унга фақат аёллар жойлашиши ҳақида буйруқ бўлди. Биз очиқ уммонга галата бир вазиятда чиқарилдик. Бироқ, мен ўзимни босиб олиб, эшкак эша бошладим. Лекин биз қаёққа қараб эшкак эшаётганимиздан, бу зим-зиё тун қўйнидаги қайси портга томон сузаётганимиздан беҳабар эдик. Мен бу ҳақда ҳеч нарса ўйламас, қайиқдагилар ҳам буни билмасдилар. Мен фақат бир нарсани, кемадан тезроқ узоқлашишни ва ярим миллар нарида туриб, кемадан бизга қайтиш ҳақида сигнал берилишини ўйлардим, холос.

Дастлабки дақиқаларда ҳаммамизнинг ягона ташвишимиз ўзимизни совуқдан яхшироқ ҳимоя қилиш бўлди. Муздек эсаётган шамол кемада ҳали ҳам муסיқа чалаётган оркестр садоларини эшитишимизга халал бермасди. Шу пайт назаримда керакли масофага сузиб бориб тўхтаганимизда, тўсатдан ҳаммамиз содир бўлаётган воқеанинг бутун даҳшатини пайқаб қолдик. “Титаник”нинг олд қисми баландга кўтарилиб борар, ундан таралаётган чироқ нурлари ҳам анча хиралашиб қолганди. Барчамиз даҳшатдан лол бўлиб, унга тикилиб қолдик. Тўсатдан кимнингдир ёрдам сўраб қичқирган товуши эшитилди. Қайиқни ўша тарафга бурдик. Ширин ва бошқа йўловчилар уммон юзида сузиб юрган бир йўловчини қайиққа чиқариб олдилар. Тезда тун қаъридан яна бир ёрдам сўраган қичқариқ эшитилди ва яна бир кишини сувдан қайигимизга чиқариб олдик. Бу иш билан овора бўлиб турганимизда, бирдан Шириннинг ваҳимали қичқирғини эшитдим ва “Титаник” энди сув юзасида тик бўлиб қолганини, унинг чироқлари бирин-кетин ўча бошлаганини кўрдим. “Титаник” тик ҳолатича беш минутча турди ва кейин улғувор бир тантана билан ўз қисмати сари океан қаърига чўкиб кетди.

15 апрел кўеши атрофни ёритганида аянчли манзарани кўриб, титраб кетдик. Ҳалокат ҳақидаги сигнални биринчи бўлиб эшитган ва чўкаётганларни қутқаришга етиб келган “Карпатия” кемаси бизни ўз бортига олди. “Титаник” сув қаърига чўкиб кетган пайтдан бери бир оғиз ҳам гапирмаётган Ширин ёнимда турар ва негадир кўзларини мендан олиб қочарди. Мен уни ҳушини жойига келтиришга уринар, бизлар мўъжиза туфайли омон қолганимизни, кўплаб йўловчилар ҳалок бўлганини, атрофимиздаги кўплаб кишилар ўз эрларидан, хотинларидан, болаларидан жудо бўлганини тушунтирмоқчи бўлардим. Бироқ, унга ҳадеб насихат қилаверишим ҳам ўринли эмасди. Ўша кўлэзма унга ҳар қандай бойликлардан аъло эканини, айнан шу кўлэзма бизни ўзаро боғлаб турганлигини яхши билардим. Шунча бахтсизликлардан кейин унинг ғойиб бўлиши Ширинга ёмон таъсир қилаётганлиги кўриниб турарди. Уни вақт даволаши мумкинлигини сезиб, ўз ҳолига қўйиб бердим.

18 апрел кечаси Нью Йорк портига яқинлашишимиз билан бизни шовқин-сурон билан кутиб олишди. Репортёрлар бизни кутиб олиш учун махсус қайиқлар ёллаб, кемамизга яқинлашардилар. Улар овоз кучайтиргич карнай орқали бизга мурожаат қилиб, қичқариб саволлар беришар, уларга айрим йўловчилар кўлларини карнай қилиб, бор овозлари билан жавоб беришга уринардилар.

“Карпатия” лангар ташлаши биланоқ, бошқа журналистлар ҳам ҳалокатдан омон қолганлар томон ташланишиб, воқеа тафсилотини ҳаққоний ва таъсирчан қилиб ҳикоя қилиб берувчи йўловчиларни топишга урина бошладилар. “Евенинг Сун” газетасининг ёшгина бир мухбири мени танлади. У, айниқса, капитан Смит ва ҳалокат пайтида кема экипажи ўзларини қандай тутганлари ҳақида қизиқа бошлади. Улар ваҳимага тушиб қолмадиларми? Улар содир бўлган воқеани, ҳақиқатни йўловчилардан яширдиларми? Асосан биринчи класс йўловчилари қутқарилганлиги ростми?

Унинг ҳар бир саволи мени ўйлашга, хотирамни кавлашга мажбур қиларди.

Шундай қилиб, биз дастлаб кемадан тушишда, кейин қирғоқда тик турганимизча узоқ суҳбатлашдик. Ўша пайт бутунлай жим бўлиб қолган Ширин

ёнимда турарди. Кейин у қандай ғойиб бўлганини сезмай қолибман. Мен безовталанишга ўрин йўқ деб ҳисоблардим. У биздан узоқлашиб кетиши мумкин эмасди. Албатта, у бизнинг яқинимизда, кўзимни олар даражада нур чақнатиб, расмга тушираётган фотограф йигитнинг орқасида турибди, — деб ўйлардим.

Журналист хайрлашаётиб, мен берган маълумотларнинг тўғри ёки нотўғрилигини назокат билан сўраб, мен билан кейинчалик яна учрашиш ниятида эканлигини айтиб, манзилимни ёзиб олди. Мен атрофга қарадим. Ширинни тобора баландроқ овоз билан чақира бошладим. У ҳеч қаерда йўқ эди. Мен уни жойимдан қимирламасдан кутишга қарор қилдим. У мени бу ердан топишига ишонардим. Уни бир, икки соат кутдим. Тез орада портда одамлар сийраклаша бошлади. Уни қаердан қидирсам экан?

Биринчи навбатда “Титаник” кемаси тегишли бўлган Вит Стар компаниясининг идорасига мурожаат қилдим. Кейин қутқарилганлар учун тунашга ажратилган барча меҳмонхоналарни айланиб чиқдим.

Лекин бирор жойдан хотинимдан дарак топилмай, яна портга қайтиб келдим. Порт кимсасиз эди.

Кейин Ширин биладиган, бориб, хотиржам тортиб мени кутиши мумкин бўлган ягона манзил — Аннаполидаги уйимга жўнадим. У бу ерга ҳам келмаган эди.

Ундан бирор хабар келиб қолармикин дея узоқ кутдим. Бироқ у мени бир умрга ташлаб кетганлигини тушундим. У ҳатто хат ҳам ёзмади. Кейинчалик ҳеч ким менинг ҳузуримда унинг номини тилга олмайдиган бўлди.

Бугунги кунга келиб ростдан ҳам у билан учрашганмидим? — дея ўзимдан-ўзим сўрайман. Балки булар менинг шарқона хаёлларим натижасидир? Кечалари катта хонада ёлғиз қолганимда, бунга шубҳалана бошлаганимда, хотираларим гужгон ўйнаганида, ўз ақлу шууримга ишонмай қолганимда, сакраб ўрнимдан туриб кетаману хонамдаги барча чироқларни ёқиб, бир пайтлар у менга ёзган хатларни титкилай бошлайман. Уларни худди яқиндагина олгандек шошилиб очаман, улардан анқиётган хушбўй уфорни ҳидлайман, уларни қайта-қайта ўқийман. Хатлардаги совуққон оҳанглар мени ўзимга келтиргандек бўлади, улар менда яна ишқ-муҳаббат олови билан яшаш орзусини уйғотади. Фақат шундан кейингина ҳовуримдан тушиб, чироқларимни ўчириб, ўтмиш хотираларимдан кўрқмасдан халос бўлиш учун ўзимни тўшакка отаман. Бироқ Жамолдин меҳмонхонасида у айтган “Ким билсин, яна йўлларимиз туташармикин?” деган жумла, Табризда ўтказган икки нурли тун, қишда Заргандада печка олдида у билан ўтказган кунларим қайта-қайта хаёлимда жонланаверади.

Айниқса, уммон узра саёҳатимиздаги кема устидаги охирги сайримиз ҳеч хаёлимдан кетмайди. Биз сайргоҳни кезиб юрардик. Ҳеч кимса йўқ қоронги бурчакка етгач, биз бир-биримизнинг қучоғимизга сингиб кетиб, эҳтирос билан ўпишдик. Шунда унинг юзларини силаш учун қўлимдаги қўлёмани тўсин устига қўйганлигим, Ширин буни пайқаб қолиб, бор овози билан кулиб юборгани, кейин тантанавор оҳангда осмонга қараб қуйидаги жумлаларни айтгани ҳамон эсимда:

— Хайём рубойлари Титаник билан саёҳат қиляпти! Шарқнинг сўнмас гули уммон тўлқинлари узра сузмоқда! О, Хайём! Биз мушарраф бўлган бахтли онларимизни кўрганимда эди!

*Тамом.*

*Француз тилидан  
Абдумурод КҶЧИБОЕВ  
таржимаси.*

# Миср ҳикоялари

## ТАВФИҚ АЛ-ҲАКИМ

### ВАЗИР ЖАЪФАР

**Б**ир вақтлар мен Мисрнинг кичик шаҳарларидан бирида прокуратурада терговчи бўлиб хизмат қилган эдим. Сирасини айтганда, ўша кезларда ҳеч ким вилоят прокуроричалик гашимга тегиб, ҳаётимни заҳарлаган эмас. Бу одамнинг топиб олгани чилим чекишу, одамларни таҳқирлаб масхаралаш эди. У одамларга ёмонлик қилмаса, куни ўтмайдиган бўлиб қолди. Шунинг ҳам айтиб қўяйки, мен ҳозир фақат унинг бу иллатлари унга тобе ходимлар ўртасида қандай намоён бўлиши тўғрисида гапиряпман, холос, унинг хизмат фаолияти доирасидаги кирдикорларини мутлақо тилга олаётганим йўқ — эҳтимолки, бу соҳадаги ўзбошимчаликларини “хизмат юзасидан мажбуран қилияпман” деган вазифа билан жиндай оқлаши мумкин. Одатда тергов олиб борилаётганда у гумондорларни оч қолдириб ва сув бермай қийнаб эди. Суд вақтида эса оқловчиларнинг ишига мунтазам равишда халақит бериб, уларга ўз ҳимояларидаги одамларни бемалол оқлашга йўл қўймас эди. Агар судланаётган одам жимжимадор ва илмоқли ибораларда берилган саволлар чангалзоридан адашиб, довдираб қолса, у буни кўриб, дил-дилидан хурсанд бўларди. Буни у ўз фаолиятида гоёта ўринли ва жоиз деб ҳисобларди. Бироқ мен ҳозир унинг фаолиятининг бу қирраси тўғрисида гапиряётганим йўқ, мен ҳозир унинг бизга — ўз ёрдамчиларига, идорасидаги ўз тобеинларига гайриинсоний муомаласи тўғрисида гапиряпман, холос. Лекин у ҳаммамизни баравар таҳқирламас, балки катталарнинг ичидан бирон-бир мададкори йўқларимизни қаттиқ эзарди. Бадавлат, қўли узун одамлар орасида қариндош-уруғлари борларимизга эса жуда қулай шароитлар яратиб берар, ҳар хил қўшимча ишлардан халос этиб қўяр ва қора ишларни менга ўхшаган ҳомийси йўқ “етим-есирлар” ва “ожиз бандалар” зиммасига юклаб қўярди.

Вазирликда менинг суянчигим йўқ эди, шунинг учун мен ўзимнинг ўрқачимгагина, яъни астойдил қиладиган меҳнатимга суянмоғим мумкин эди, холос. Прокурор менга ҳатто кечалари ҳам уйқу бермас эди — у мени ҳар хил майда-чуйда “ҳодисалар” бўйича протоколлар тузишга жўнатарди. Бирор жойда арзимаган ёнғин бўлиб қолса ҳамки, бунга мен югурар эдим, ҳолбуки, бунақа ишлар азалдан прокуратура терговчиларининг эмас, маҳаллий полициячиларнинг зиммасида эди. На байрам, на дам олиш кунлари ҳам ундан ижозат олиб, шаҳарнинг ташқарисига чиқиб, дам-пам олиб келишнинг ҳам имкони йўқ эди. Ёлғон бўлмасин, у бир марта менга Искандарияга боришга ижозат берган эди. Мен бориб, денгиз бўйида мириқиб дам олиб келгандим. Лекин нима бўлиб ўшанда менга бунақа илтифот қилганини ҳанузга қадар билмайман. Ўша куни у гоёта паришонхотир бўлган бўлса керак, илтимосимни тузукроқ англаб-англамай жавоб бериб юборган бўлиши мумкин. Чилимининг хўриллаб ўтириб, менинг ижозатимга у тўнғиллаб жавоб берди:

— Эрталаб ишга етиб келинсин.

“Фақат бир кечагагина бориб келмоқчиман, холос” деб унинг хотирини жам қилдим.

Мен симфоник мусиқани яхши кўраман. Ўша куни кечқурун эса Искандарияда “Сан-Стефано” хазинасида симфоник оркестрнинг концерти бўладиган эди. Дастурда Бетховен асарлари бор эди. Мен бу концертга тушишга



жуда-жуда орзуманд эдим. Бу ерда – авлоқ бир жойда, нодон ва чала мулла ҳамкасабаларим қуршовида. Ҳаммаёқда фаросатсизлик, жинойтчилик ҳукмрон бўлган бир муҳитда мен юксак санъат қувончларидан баҳраманд бўлиш имкониятидан бутунлай махрум эдим. Мен Искандарияга етиб келишим биланоқ билдимки, прокурор Искандария губернаторлигининг идорасига қўнғироқ қилиб, менинг зудлик билан қайтиб келишимни буюрибди. Биринчи поездга чиқишимни, ҳатто у юк поезди бўлган тақдирда ҳам, ундан қолмай йўлга чиқишим кераклигини уқдирибди. Қайтиб бориб, у ерда “содир бўлган намоишлар” бўйича ишни тергов қилмоғим керак эмиш. Мен ўша тундаёқ қайтишга мажбур бўлдим ва албатта, қайтиб келиб билдимки, ҳеч қанақа намоиш бўлмаган экан. Полиция идорасида мени шаҳарда ҳеч қанақа нохуш воқеа рўй бермаганига ишонтиришди. Прокурор, илло-билло, мени қўйнамоқни ихтиёр этиб қолганини англадим – шундан у лаззат оларди.

Бир-бирига ўхшаш зерикарли, диққинафас кунлар олдинма-кетин ўтиб борарди. Бу йил ёз, айниқса, иссиқ келди. Ёзнинг авж палласида шаҳарчамизга Қоҳирадан менинг эски қадрдоним артист ва режиссёр Умар Васфи раҳбарлигидаги театр труппаси гастролга келди. Аккаши театрида у менинг биринчи пьесамни сахнага қўйган эди. Мен Умар афандини ўша вақтдан бери яхши биламан ва истеъодини юксак қадрлар эдим. Ўша кунларнинг қувончи ҳали-ҳали эсимда – ахир, мен унда ҳали янги эдим ва бу менинг биринчи ишим эди-да!

Мен эски қадрдоним билан кўришиб, унинг труппасида қўйилган спектаклни кўриш иштиёқида эдим. Шунинг учун ўша оқшомдаёқ театрга боришга аҳд қилдим. Уйга қайтиб келиб, овқатландим-да, театрдан олдин тўйиб бир ухлаб олмоқчи бўлдим. Кундуз кунлари жазирама иссиқ эди. Мен эса кеча кун бўйи ва ҳатто кечаси ҳам ҳар хил ишларни тергов қилиб, жуда толиққан эдим. Шунинг учун дарҳол ухлаб қолдим. Аммо орадан кўп ўтмай, уйимнинг эшиги қаттиқ тақиллаганидан уйғониб кетдим. Прокурор қоровулни юборган экан – у менинг дарҳол прокурор ҳузурига етиб боришим зарурлигини айтди. Уйқум тузукроқ тарқамай, ансам қотиб, ётган жойимдан сапчиб туриб кетдим.

– Дарҳол етиб келсин дедими? Шу аҳволда-я! Тинчликми? Нима гап экан ўзи?

Энги билан терлаб кетган юзини артган қоровул жавоб берди:

– Худо ҳаққи билмайман.

Мен соатга қарадим – кундузги уч эди.

Куннинг энг жазирама вақтида мендан бу одамга нима керак экан-а! Мен билардим – бизнинг прокуроримиз тушликдан кейин ухлашни одат қилмаган. У бу вақтни бир пиёла қаҳва ичиб ва чилим чекиб ўтказарди. Қоровул менга ҳамма гапни айтиб берди. Прокурор қаҳва “қабул қилиши”ни эсон-омон тугатибди, чилимини чекиб бўлибди, жиндай мизгиб, дам олмоқчи бўлган қоровулни уйғотибди-да, прокуратурадаги ҳамма мирзаларни уйдан чақириб келишни буюрибди ва уларнинг ҳар қайсисига иш топиб бера бошлабди. Бундан кузатган ягона мақсади – уларни шундоқ иссиқда дам олиш имконидан махрум қилиш эди.

Мен ўйланиб қолдим, кейин қаршимда турган қоровулга қарадим. У шўрлик прокуратурадан менинг шаҳар чеккасидаги уйимгача бўлган анча узоқ масофани ўтгунча қора терга ботиб, тили осилиб қолганди. Кейин дедим:

– Кўчалар қалай? Иссиқдир?

– Баайни жаҳаннамнинг ўзи, – деб жавоб берди у.

Шунда мен уйимдаги салқингина йўлакка ишора қилдим:

– Манави ерда ўтириб, салқинда бироз нафасингни ростлаб ол! Манави идишда муздек сув ҳам бор.

– Ҳоятда миннатдорман бей-ога! Барака топинг, илоҳим! – деди хурсанд бўлган қоровул.

Уни йўлакда қолдириб, ўзим хонамга қайтдим, яна ўрнимга ётиб, қаттиқ уйқуга кетдим. Ўтган бўлса, орадан ярим соатча ўтгандир, яна эшикнинг қаттиқ тақиллашидан уйғонибман. Эшик олдида прокурор юборган яна бир қоровул турарди – у ҳам ўша топшириқ билан келибди. Уни нафасини ростлаб олишига ҳам қуймай, дарҳол сўрадим:

– Кўчалар қалай? Иссиқми?

– Сўрамаёқ кўйинг. Дўзахнинг ўзи.

Мен унга салқин йўлакдан жой кўрсатдим.

– Бирпас ўтириб, оғайнинг билан дам ол. Муздек сувдан ич.

У чин юракдан миннатдорчилик билдирди, мен эса хонамга қайтиб, ўрнимга ётдим-да, яна ҳеч нарса бўлмагандай уйкуга кетдим. Билмадим яна қанча вақт ўтдийкин – эҳтимол, ярим соат ўтгандир. Мен яна эшикнинг тақиллаганидан уйғониб кетдим. Яна битта қоровул келибди. Хонадан чиқиб, унга ҳам ўша осон савол билан мурожаат қилдим:

– Кўчалар қалай. Ҳали ҳам иссиқми?

– Чидаб бўлмайдиган дим, – деб зўрга жавоб берди учинчи қоровул.

Бу ёши ўтинқираб қолган одам эди. Толиққанидан зўрга оёқда турар, йиқилиб тушмаслик учун эшикнинг кесақисига суяниб олганди.

Уни ҳам йўлакка кирдим. Иккита шериги билан бирга салқинда бироз дам олишни таклиф қилдим. Ўзим эса, хонамга кириб, яна ўрнимга кириб ётдим. Лекин бу гал ухлашнинг иложи бўлмади. Мен мулоҳаза юрита бошладим: прокурорнинг учта қоровули бор, уларнинг учови ҳам ҳозир шу ерда. Улардан биронтаси ҳали-бери ишига қайтмайди. Бу ёғи нима бўларкин? Нима бўларди – иккидан бири бўлади-да: ё энди у полиция гуруҳини жўнатади ёки бўлмаса, ўзи ҳаллослаб кириб келади. Ҳар иккала ҳолда ҳам оқибати яхши бўлмайди. Нима қилмоқ керак? Бир амаллаб, бирон иложини қилмаса бўлмайди! Шу чоқ мен сапчиб ўрнимдан турдим-да, апил-тапил кийиниб, йўлакка чиқдим ва қоровулларга дедим:

– Бемалол ўзларингни уйларингдагидек ҳис этаверинглар. Яхшилаб дам олинглар. Агар иссиқдан кўрқсаларинг, иссиқ қайтмагунча, прокуратурага бормай турагулинглар. Агар биров келиб, “нима қилиб ўтирибсизлар?” деб сўраса. Мени уйдан топмаганларингни, қайтиб келишимни кутиб ўтирганингларни айтинглар.

\* \* \*

Уйдан чиққандан кейин ўзимга ўзим дедим: модомики, исён байроғини кўтарган эканман, роса ўн соат кўнглим тусаган нарсани қиламан. Энди у менинг қаерда эканимни билмайди. Уйимдан чиқиб кетар эканман, борадиган жойимни ҳеч кимга айтганим йўқ. Демак, мен эркинман. О, эркинлик онлари нақадар тотли! Майли, эркинлик бир лаҳзалик бўлса-да, ҳечқиси йўқ! Орқангдан прокуратуранинг қоровули ёки чопари эргашиб юрмаса, сайр қилиб, айланиб юриш қанчалик роҳат! Бугун театрга бораман. У ерда прокурордан ном-нишон ҳам бўлмайди. Прокурор икки дунёда ҳам театрга қадам босмайди. Йўқ, бугун оқшом давомида қаҳвахонада чилимини тортиб ўтираверади. Мен эса шаҳарни айланиб сайр қиламан. Бирон қаҳвахонада ўтирсам, мени бир зумда топиб олишлари мумкин, лекин шаҳар кўчаларида гурас-гурас одамлар орасидан мени қидириш кимнинг ҳам хаёлига келар эди.

Мана, мен оддий бир шаҳар фуқароси каби кўчаларда бемалол тентираб юрибман, ўтган-кетганларни бемалол томоша қиляпман. Мен энди уларга ортиқ прокуратура терговчисининг кўзи билан қараётганим йўқ. Терговчи ҳар бир одамда жиноятчини кўради, ҳар бир башара унга шубҳали туюлаверади. Мен терговчи бўлиб тайинланганимдан бери ўзимни вазиятнинг хўжайини деб ҳис қилаётганим йўқ, балки тенглар ичида тенгдош деб, узилмас ришталар орқали бутун жамият билан боғланган махлуқдай ҳис қиляпман.

Ҳамма деворларда келган труппанинг афишаларини кўряпман. Бугун “Хорун-ар-Рашид” драмаси кўйилар экан. Беихтиёр ўтмишда қолиб кетган олис кунлар эсимга тушади: ўша пайтларда Қоҳира кўчаларида сайр қилиб юриб, деворларда Аккоши гуруҳининг афишаларини кўрардим. Уларда мен ёзган “Куёв” деган комедиянинг биринчи томошаси ҳақида хабар қилинарди. Афишанинг пастиди майда ҳарфлар билан ёзилган исм-шарифимни ўқиб, ўзимни шу куннинг қаҳрамони деб ҳис қилган эдим. Ҳар қандай бошловчи

ёш ҳаваскор муаллиф сингари ўзимни аллақачон санъат арбоби деб билардим. Орзулар! Ёшлик орзулари!

Ўтган кунларни хотирамдан ўтказар эканман, Умар афанди менинг асаримни саҳнага қандай қўйганини ва унда асосий қаҳрамонлардан бирининг ролини ўша пайтлардаги энг машҳур, ҳозир раҳматли бўлиб кетган Муҳаммад Бехчет ўйнаганини эсладим. У пайтлар театрларда ўзининг кийим тикадиган устахонаси бўлмас эди, спектакллардаги либосларнинг ташвишини актёрларнинг ўзлари қиларди. Эсимда, Бехчет спектаклга ўзининг энг башанг кийимларини кийиб келгани, негаки, у спектаклда бадавлат одам ролини ижро этмоғи керак эди. Драмани саҳнага қўяётган Умар афанди унга бошдан-оёқ разм солиб чиқди-да, деди:

— Сен бу кийиминг билан бадавлат одамнинг ролини ўйнаш эмас, масжиднинг олдида ўтириб, тиланчилик қилсанг бўлар экан.

Бехчет унинг гапига қойилмақом қилиб жавоб берди:

— На чора! Театримизнинг энг яхши ва энг истеъодли артистининг либоси шунақа-да! Агар биз саҳнада чиндан-да, башанг, бадавлат одамлар қиёфасида кўринишимизни истасангиз, марҳамат қилиб, бизни театр ҳисобидан кийинтириб қўйинг.

Бу жавоб шу қадар ўринли туюлганки, Умар афанди режиссёр ва саҳналаштирувчи сифатида театр директори Заки Аккашидан Агаба ал Ҳадра кўчасида жойлашган тайёр кийимлар магазинидан янги костюм харид қилдиришга эришган. Артист Бехчет уни дарҳол кийиб олган.

Эртаси куни эрталаб директор Бехчетни янги костюмда шаҳар кўчаларида сайр қилиб юрганида учратган.

— Бу қанақаси бўлди! — деб қаттиқ уришиб берган директор. — Дарҳол бу костюмни ечиб қўйсинлар! Сен уни фақат спектакл вақтидагина кийишинг мумкин. Бошқа вақтда бу костюм худди Отелло ёки Шерюрак Ричарднинг либослари каби декорациялар ва бошқа реквизитлар билан бирга омборда сақланмоғи керак.

\* \* \*

Ниҳоят, оқшом ҳам чўкди. Шаҳар театрига бориб, мен эшик олдида полициячиларни кўрдим. Демак, спектаклни томоша қилгани вилоят губернаторининг ўзи ҳам келар экан. Мен партернинг ўрта жойидан чипта олдим. Менинг орқамда оддий, қашшоқ шаҳарликлар ва қишлоқлардан келган одамлар ўтиришарди. Сўнгги қаторларда маҳаллий хизматчилар ва савдогарлар ўтиришибди. Ҳадемай залга вилоят губернатори ўзининг муовини ва полиция бошлиғи ҳамроҳлигида кириб келди. Залдаги одамлар ўртасида шивир-шивир бошланди, ҳамманинг диққат-эътибори биринчи қаторга қаратилган эди. Кўнғироқ чалинди, парда кўтарилди ва “Хорун ар-Рашид” спектакли бошланди. Умар афанди вазир Жаъфар ролини маҳорат билан ижро этди. Мен уни кўрмаган йилларим мобайнида у катта тажриба орттирибди ва зўр маҳоратга эришибди.

Спектакл тамом бўлиши билан мен парда орқасига чиқдим ва Умар афандини излаб топдим. Бу кутилмаган учрашувдан у жуда хурсанд бўлиб кетди. У паригини олиб, уст-бошини ечиб, гримларини артиб чиққунича, мен уни кутиб турдим, кейин иккиимз бирга кўчага чиқдик.

Биз шаҳар бўйлаб сайр қилдик, ўтган кунларни эсладик, мириқиб гурунглашдик, кулишдик ва фақат санъат тўғрисида гаплашдик. Аввалига мен ундан артистлар дунёсидаги янгиликлардан, кейин ундан ўз фаолиятини қачон ва қандай қилиб бошлаганини айтиб беришини сўрадим. У фақат ўзига хос жозибадорлик билан жилмайди:

— Бу мавзуни тилга оладиган бўлсак суҳбатимиз эрталабгача ҳам тамом бўлмайди.

— Эрталабгача тугамаса, майли, тугамасин, — дедим мен шавқ билан. — Ахир бу суҳбатдан муҳимроқ нарса йўқ-ку, биз учун...

— Эрталаб ишга боришинг керакмасми? — деб сўради Умар афанди. —

Айтганча, сен ҳали ўзинг тўғрингда гапириб берганинг йўқ. Ҳозир нима иш қилиясан?

Дарҳақиқат, мен ҳали ўзим тўғримда ҳеч нарса деб оғиз очганим йўқ эди. Ишимни гапириб беришга унча иштиёқим ҳам йўқ эди.

– Кейин гапириб берарман. Ҳозирги ганимат фурсатларни санъатга бағишлай қолайлик. Мен сенинг қандай қилиб артист бўлганингни, бу йўлдаги биринчи қадамларингни билгим келади.

Умар афанди чуқур сўлиш олиб, гап бошлади:

– Бу воқеа ҳижрийнинг бир мингу уч юзинчи йили содир бўлган эди.

Ҳижрий! Умар афандининг бу сўзлари менга болалик йилларимни эслатди. Отам масжидда имомлик қилар ва мени диний руҳда тарбиялар эди. У мени “Хан Жаъфар” мадрасасига берди, у ерда мен ўқишни, ёзишни, “Қуръони Карим” сирларини ўргандим. Болалигимданоқ мен чопон кийиб, салла ўраб юришга ўрганганман. Катта бўлганимда маҳаллий масжиднинг имоми бўлмоғим керак эди. Билмадим, бахтимгами ёки бунинг аксими – бир куни тенгдошларим менга театр ҳақида гапириб беришди ва “Подшо Навуҳодоносор” деган спектаклга олиб боришди. Мен умримда биринчи марта театр тамошасини кўрдим. Балкон чиптаси бор-йўғи бир пиастр турар экан. Спектаклдаги бош ролни ҳозир раҳматли бўлиб кетган Маҳмуд Ҳабиб ўйнар эди. Шуниси эсимда – спектакл икки ой мобайнида сурункасига ҳар куни қўйилди ва биз дарсларни йиғиштириб қўйиб, ҳар куни театрга қатнадик. Табиийки, бу вақт ичида мен ота-онамдан фақат дакки едим ва юракни сиқадиған насиҳатлар эшитдим. Аммо оқшом тушгунича даккилар ҳам, панд-насиҳатлар ҳам паққос эсдан чиқиб кетар ва мен яна орқа-олдимга қарамай, театрга ошиқардим. Кейин биз ал-Кардахи гуруҳи пайдо бўлганини эшитдик. Унинг Қоҳира опера театрида томоша кўрсатишидан хабардор бўлдик. Бу гуруҳлагги артистлардан бири хонанда ва бастакор шайх Саляма Хигази эди. Аммо, афсуслар бўлғайким, чипталар ҳаддан ташқари қиммат бўлиб, балконнинг ўзи тўрт пиастр турарди. Мен бу гуруҳнинг томошасига атиги бир марта боришга муваффақ бўлдим, холос. “Аида” операси намоёйиш қилинаётган экан. Лекин ўзи ҳам кишини энгитириб юборадиган даражада зўр томоша эди-да! Мен декорацияларнинг ғаройиблигига, қадимги сарбозлар ва ҳабашларнинг башанг кийим-кечакларига лол қолиб, спектаклни анграйганча томоша қилгандим. Операдан кейин уйга келгач, ҳаяжондан эрталабгача ухлай олмадим. Эрталаб, ўрнимдан туриб қатъий аҳд қилдим: “Артист бўламан! Ҳар қандай қилиб бўлса-да, артист бўламан!”

Ёпирилиб келган хотиралардан бошимни кўтариб, яна илтимосимни такрорладим:

– Қани, айтақол. Қандай бўлган эди?

Умар афанди ҳикоясини бошлади:

– Бу воқеа ҳижрий бир минг уч юзинчи йилда рўй берган эди. У пайтлар Қоҳирада Хелдив опера театрида бир неча гуруҳ томоша кўрсатарди. Кунлардан бир куни ўзи билан томошага олиб борган оғайнимдан менга саҳна ортидаги актёрларни ёки лоақал улар қандай машқ қилишларини кўрсата олмайсанми, деб сўрадим. Икки кундан кейин у менга қувончли хабар келтирди – спектакллардан бирининг машқини бориб кўришимизга рухсат олган экан. Кеч тушиши билан биз оёғимизни қўлимизга олиб, театрга югурдик – таниқди режиссёр Насим афанди Габриэл Манбарави артистлар билан қандай шуғулланишини кўрмоғимиз керак эди. Биз келган пайтимизда у бир болани спектаклдаги хизматкор ролига тайёрлаётган экан. Насим афанди унга бир иборани қандай оҳангда айтиши кераклигини такрор-такрор уқтирмақда-ю, бироқ бола уни сира эшлаб тўғри айта олмай, режиссёрни роса хуноб қилмоқда эди. Шунда мен ортиқ чидаб туrolмадим ва саҳна ортидан овозим борица қичқирдим: “Шу ролни ижро этишга менга ижозат беринг, афандим!” Шу ерда ҳозир бўлганлар менинг шижоатимдан ва довюраклигимдан ҳайрон бўлишди. Режиссёр менинг илтимосимни инобатга олди ва болага ролнинг сўзлари ёзилган дафтарни менга беришини буюрди. Мен бу сўзларни ёд олмоғим керак эди. Бироқ мен аввалгидан ҳам баландроқ овозда бақирдим:

“Мен сўзларнинг ҳаммасини биламан. Машқ вақтидаёқ уларни ёдлаб олганман!” Менга ижозат беришди ва мен синовдан муваффақият билан ўтдим. Артистлар қарсақ чалиб, мени кутлашди. “Балли! Баракалла!” деган овозлар янгради. Фақат бояги болагина ўксиниб қолди. У кўзидаги ёшларини милтиратиб, гина қилди: “Бу ёғи қандоқ бўлди? Мен бу ролни ёд олгунимча неча кун меҳнат қилгандим, сиз бўлсангиз уни бугун келган одамга бериб ўтирибсиз?” Менинг артистлик фаолиятим ана шу хизматкор ролини ўйнашдан бошланган. Мени “Миллий идтиҳод” гуруҳига қабул қилишди. Бу гуруҳ Ал-Азхарни тугатган шайх Муҳаммад Басра томонидан ёзилган “Қирол Нуъмоннинг қизи — Ҳинд” деган пьесани тайёрлаётган экан. Кейин мен Маҳмуд Ҳабибнинг труппасига ўтдим ва улар билан бирга бутун Мисрни кезиб чиқдим. Аммо Ҳаддод труппасига ўтганимдан кейингина мен чинакам театр санъати билан танишдим. У машқ вақтида кўпинча биз — артистларга: “Ҳамиша ҳаётдагидек оддий ва содда бўлишга ҳаракат қилинглр” деб тайинларди. У табиий ва чиройли гапира олмайдиганларни, баъзан жигибийрон бўлиб, айюҳаннос солишгача бориб етадиган, ясама овозда гапирадиганларни жинидан баттар ёмон кўрарди. “Хириллаб қолгунча қичқирманг, жўнгина, оддийгина гапиринг” деб такрорлашни яхши кўрарди Ҳаддод. Унинг санъатга қарашлари бошқача эди.

Кейин Кардахи янги труппа тузганида мен унга қўшилдим ва “Мазлум” спектаклида зиндонбон ролини ўйнадим.

Умар афанди ҳикоясини давом эттирди, мен эса унинг гапини бўлмай, диққат билан тингладим. Тун жуда ажойиб, беғубор эди. Биз кўчанинг ўнг томонидан кетиб борардик. Бирдан бизга яқинлашиб келаётган полициячига кўзим тушди. Унинг қўлида қандайдир бир нарса оқариб кўриниб турарди. Ҳаммаси равшан бу — прокуратуранинг қоровули, прокурорнинг чақириқ қоғозини топшириш учун мени излаб юрибди. Мен Умар афандини кўлидан олиб, кўчанинг нариги бетига судрадим.

— Нима жин урди сени? Тинчликми? Нима бўлди ўзи? — деб сўради кўрқиб кетган Умар афанди.

— Полиция! Бу ердан қочамиз! — дедим мен ҳаяжон билан шивирлаб.

Шу сўзлар билан мен ҳайратда қолган Умар афандини кўчанинг қарама-қарши томонига судрадим. Тун қоронғи эди. Мен полициячи деб ўйлаган одам оддий шаҳарлик киши экан, у бир қўлида оқ редиска кўтариб олганди. Дарров тинчлана қолдим. Лекин энди дўстимнинг юраги така-пука бўлиб қолганди. У кетаётган жойида таққа тўхтаб, менга тикилди-да, рўйи-рост сўради:

— Нима гап ўзи? Барака топкур, айтсанг-чи, нега полициячидан кўрқиб кетдинг?

— Эртага ҳаммасини айтиб бераман — дедим мен. — Ҳозирча санъат ҳақидаги гурунгимизни давом эттирайлик.

Аммо менинг жавобим уни тинчлантирмади, балки, аксинча, янада қаттиқроқ ҳаяжонга солди. У санъат тўғрисида бошқа гапиришни истамаслигини айтди, у ҳатто ҳозирнинг ўзида гап нимада эканини тушунтириб бермасам, дарҳол мени ташлаб, кетиб қолишини айтиб, пўписа қилди. Ҳа, рост, бир вақтлар у саёқ артистлар тўдасида иш юритган, буни инкор қилмайди, лекин у ҳеч қачон полиция таъқиб қиладиган гуруҳ — жиноятчиларга дахлдор бўлмаган.

— Жиноятчиларга дейсанми? — деб ҳайрон бўлдим мен.

— Бўлмасам-чи? Мени маъзур тутадилар, лекин қотил бўлмаса, ўғри бўлмаса, ким полициячидан кўрқиб, ўзини панага уради?

— Қаёқдаги гапларни гапирасиз-а, Умар афанди! — дедим мен хотиржам кайфиятда.

— Мен бор ҳақиқатни билишни истайман. Майли, гап орамизда қолсин, лекин айт — сен кимсан? Нима билан шуғулланасан?

Зўр-базўр кулгимни яшириб, жавоб бердим:

— Нима билан шуғулланасан, деяпсизми? Ростини айтсам, менинг машғулоти чиндан-да, жиноятчилар дунёси билан боғлиқ.

— Ё, Парвардигор! — деб хитоб қилди ўлгудай кўрқиб кетган Умар афанди ва беихтиёр мендан ўзини олиб қочди.

— Шошмасангиз-чи, Умар афанди, — деб мен уни бу шахдидан

қайтармоқчи бўлдим. Лекин у қўлларини силкитиб, унга яқинлашмаслигимга ишора қилиб, деди:

– Менинг бу шаҳарда янги одам эканимдан фойдаланиб, бошимга кўнгилсизликлар ёғдирмоқчимисан?

– Шошманг, ахир, – деб таъкидладим яна. – Ҳозир ҳаммасини айтиб бераман.

Бироқ у мендан ўзини олиб қочишда давом этиб деди:

– Мен сени билмайман! Авваллари ҳам сира билган эмасман!

Шу сўзлар билан Умар афанди менга орқасини ўгирди-да, жон-жаҳди билан мендан қочиб кета бошлади.

Мен унинг кетидан қувдим. Югура-югура икковимиз қандайдир бир тор кўчага кириб қолдик. Бу ерда соқчилик қилиб юрган полиция гуруҳининг сержанти унинг йўлини тўсди. У актёрнинг ёқасидан олиб, сўради:

– Бунақа бемаҳалда қаёқдан қочиб келяпсан?

– Мен эмас, манави. Мен кимдан қочиб келардим. Манавини ушланглар!

Мен бу даҳанаки жангнинг нима билан тугашини кутиб турдим.

Полиция сержанти менинг дўстимни дағаллик билан туртди-да, югуриб келган полициячига буюрди:

– Ушланг уни!

Умар афанди эса юраги қинидан чиқиб кетай деб теварак-атрофга аланг-жаранг қарар ва менга ишора қилиб қичқаришдан тўхтамас эди.

– Мана – у! Мана-у! Мен уни билмайман. Худо ҳақи, билмайман!

– У деганинг ким? – деб сўради сержант ва мени кўриб буюрди:

– Қани, бери кел-чи, оғайни!

Менинг бўйсунушдан бошқа иложим йўқ эди. Шахдам қадам ташлаб, полициячининг олдига бордим. Афтидан, сержант маҳкама мажлисларида мени аввал кўриб юрган бўлса керак. Унга яқинлашишим билан оёқларини бир-бирига уриб, чест берди-да, дона-дона қилиб деди:

– Мени кечиргайлар, бей-афандим!

Шу пайт Умар афандининг юзида қандай даҳшат ва ҳайрат зухур бўлганини таърифлаб бериш жуда қийин! Буларнинг ҳаммаси жуда тез рўй берди – Умар афанди ҳеч нарсани англашга улгурмай ҳам қолди. Сержантга мурожаат қилиб, сўрадим:

– Нега сен бу жанобни қўлга оляпсан, сержант?

– Фармойишингизга мунтазирман.

– Унга тегма ўз ҳолига қўй, – деб буюрдим мен.

Умар афандини дарҳол қўйиб юборишди. Сержант эса менга мурожаат қилди:

– Яна қандай кўрсатмалар бор, бей-афанди?

– Бўлди! Сен – бўшсан! – дедим мен.

Сержант яна товонини бир-бирига уриб, чест берди-да, соқчиликда бирга юрган полициячилари билан нари кетди. Биз Умар афанди билан икковимиз қолдик. У ҳайрон бўлганидан ҳайкалдек қотиб қолганди.

– Нима бўлди сизга! – деб унга хитоб қилдим.

– “Нима бўлди” деганинг нимаси? Ҳеч нарсага тушунмай қолдим. Барака топкур, тушунтирсанг-чи, бу шаҳарда сен кимсан, ахир?

Шунда мен Умар афандига бу шаҳарда ким эканимни ҳам, бугун прокурордан нима учун қочиб юрганимни ҳам батафсил гапириб бердим. Дўстим менинг тўғримда ноўрин гумонларга боргани учун ўзидан кулди-да, хотиржам бўлди ва биз санъат ҳақидаги гурунгимизни давом эттирдик. Бироқ кўп ўтмай, мен бизнинг муносабатларимизда аввалги самимийлик ва соддалик қолмаганини ҳис қилдим. Умар афанди бирдан куюлиб қолди, мени “сизлай” бошлади. Унинг назарида мен ортиқ камтарин санъат мухлиси эмасдим. Тунги соат икки бўлди. У менга:

– Ҳойнаҳой, чарчаган бўлсангиз керак, жаноби олийлари? Вақт анча кеч бўлиб қолди, – деди.

“Жаноби олийлари” деган ибора қулоғимни тешиб юборай деди, улардан совуқ расмиятчиликнинг ҳиди келиб турарди. Мен бу иборанда киноя ёки пичинга ўхшаган бирор нарса бормикан деб қидирдим. Аммо афсуслар

бўлгайким, улар жуда жиддий оҳангда талаффуз этилган эди ва бундан буён орамизда расмий эҳтиромга қурилган муносабатларгина бўлиши мумкинлигидан далолат берарди. Мен кулиб, ҳазил-ҳузуллар қилиб, Умар афандига бунақа муомаланинг ҳожати йўқлигига, унинг бемаънилигига шама қилдим. Аммо унинг чехрасидаги ифодадан англадимки, дўстимни фикридан қайтара олмайман. У суд терговчиси қалбида санъатга чинакам муҳаббатни сақлаб қолиши мумкинлигига ишонишни истамас эди. Ахир, унга шаҳар кўчаларида полициячилар ялтоқилик билан честь беришади, у эса бемалол “Уни ушла!”, “Буни қўйиб юбор!” дея буйруқ бераверади. Мен унга жон-жаҳдим билан бизнинг орамизда бирон-бир муҳим фарқ йўқ эканини, санъат ходими ҳам, маҳкама амалдори ҳам бир хил одамлар эканини тушунтиришга ҳаракат қилдим. Ахир, биз ҳам одамлар олдида аввалдан белгилаб қўйилган ролларда намоён бўламиз, биримиз айбдор, биримиз айбловчи, яна биримиз гувоҳ, бошқа биримиз эса ҳимоячи сифатида кўринамиз. Фарқ фақат шундаки, биз аввалдан ёзилмаган ҳаётий фожеани ўйнаймиз, артистлар эса олдиндан ёзилган фожеани ижро этишади. Истаган маҳкама протоколини олиб кўринг, сиз у ерда ҳам худди трагедияга ўхшаш диалогларни кўрасиз, фақат маҳкамадаги актёрлар ўзларининг ҳақиқий қиёфаларини яширмай, гримсиз рол ўйнайди. Ниҳоят, хайрлашиш вақти ҳам келди. Мен уйимга йўл олдим. Умар афанди эса меҳмонхонага кетди. Биз эртасига кечкурун учрашишга келишиб олдик. Уйда ҳамма нарса тинч ва осойишта эди. “Бу бўрон олдидаги осойишталик” деган хаёл кечди кўнглимдан. Қаттиқ чарчаганимдан дарҳол ухлаб қолдим.

Эртаси куни мен ишга ўз вақтида келдим ва ҳар доимдагидек ишларни варақлай бошладим. Атрофимда ҳукм сураётган галати тинчлик кетидан бир ноҳушлик келадигандай туюлди менга. Нима гап бўляпти ўзи? Нега прокурор мени ҳузурига чақирмаяпти? Кечаги исён учун нега таъзимини бермаяпти? Ҳатто оддий кунларда ҳам у ўзининг хархашасини қанда қилмас эди, бугун бўлса, негадир ҳаммаёқ сув қуйгандай...

Пешин яқинлаб келмоқда, чалкаш ишлар ва протоколларни титкилаб, миям говлаб кетди. Мен бир пиёла қаҳва сўрадим ва янги газеталарни кўздан кечира бошладим. Тўсатдан ҳукумат ахборотига кўзим тушди. Унда ҳокимиятдаги ўзгаришлар ҳақида хабар қилинган, адлия вазири янги бўлгани тўғрисида айтилган эди. Янги вазир эски ходимлардан эмас эди. У ҳокимият тепасига келган янги партия аъзоси, бизнинг вазирлигимизда у биринчи марта бунақа юксак рутбани эгалламоқда. “Ие, гап бу ёқда экан-ку! — деб ўйладим мен. — Бугун прокурор мени нега тортқилаб юлқимаётганининг сабаби бор экан-да! Бунақа ишларга ҳозир унинг фурсати йўқ. У ҳозир адлия вазирининг алмаштирилиши ўзининг тақдирига қандай таъсир қилишини тусмоллаб билиш билан банд бўлиши керак”.

Газеталарни қўйиб, ишга чоғланиб тургандим, қоровул кириб, мени аллақандай Умар афанди сўраётганини айтди.

— Айт кирсин! — дедим мен.

Идорага Умар афанди ҳайиқибгина кириб келди ва минг бора узрлар айтиб, ёнидан икки варақ ёзилган қоғоз чиқарди. Қоғозларни менга тутқазар экан, деди:

— Сиз ҳақ экансиз, жаноби олийлари. Театр билан маҳкама ўртасида чиндан-да, муайян муштараклик бор экан.

Мен уни ўтиришга таклиф қилдим. У ўзининг кутилмаган ташрифи сабабларини гапириб берди.

— Бир замонлар, — деб бошлади у, — мен ҳали машҳур режиссёр Маҳмуд Ҳабибнинг театр труппасида ишлаб юрган кезларимда, менга Юқори Миср шаҳарларидан бирида гастролда бўлишга тўғри келган эди. “Хорун ар-Рашид”нинг навбатдаги қўйиладиган куни оқшом тушишини кутиб, театр эшиги олдида ўтирдим. Шу пайт бозор майдони томонидан икки фаллоҳ мен томонга кела бошлади. Улардан бирининг қўлида қандайдир қоғоз бор эди — кейинчалик уларнинг тушунтиришича, бу қоғоз Хорун ар-Рашид ёки қирол Нуғмон номига ёзилган арзнома экан. “Бозор майдонида ўқишни биладиган одамлардан эшитдикки, — деб ёзибди фаллоҳлар, — бу қироллар

бугун кечкурун шу ерга – театрга келишар экан. Биз маҳаллий ҳукмдорлар устидан ёзган ушбу аризамизни шахсан уларнинг қўлига етказмоғингизни илтимос қиламиз. Ҳар ҳолда, қироллар ҳамма нарсани адолат қилишига шубҳамиз йўқ”.

Умар афанди менга иккита аризани тутқазар экан, шундай қўшимча қилди:

– Ҳозир мен сизга айтадиган воқеа ўша эски воқеа-ю, фақат янги, замонавий шаклга эга. Замонлар ўзгариб кетди, одамлар ўсиб-улгайди, энди улар Хорун ар-Рашидга ёки унинг вазири Жаъфарга ариза ёзишмайди. Энди улар тўғри ҳокимият амалдорларига ёзишади. “Кўлимга манави арзномаларни тутқазган фаллоҳлар кеча томошага боришибди. Улар театрда ўз кўзлари билан биринчи қаторда ўтирган вилоят губернаторини, полиция бошлигини, жамийки аъёнларни, ҳатто полициячиларни ҳам кўришибди. Бинобарин, – деб хулоса чиқаришибди улар, – артистлар бошлиқларнинг назарида хурматга сазовор катта одамлар бўлар экан-да. Шундай бўлгач, улар ҳукмдорлар олдида воситачилик қилиб, бизга ҳомийлик қилишса бўларди”.

Иккала арзномани ҳам олиб, мен шу заҳотиёқ уларни ўқиб чиқдим. Фаллоҳлар маҳаллий ҳукмдорларнинг, шу жумладан, оқсоқолнинг ўзбошимчалигидан шикоят қилишарди. Мен тафтиш ўтказмоқ ва зарур чоралар кўрмоқ учун тегишли уезд идораларига жўнатиш тўғрисида кўрсатма ёзиб бергач, дўстимга мурожаат қилдим:

– Прокуратура вазир Жаъфарнинг илтимосини бажо келтиради.

Умар афанди сарой маросимларидаги қонун-қоидаларга риоя қилган бўлиб, бир қўлини пешонасига, иккинчи қўлини кўксига қўйиб таъзим қилди. Бу билан у ўзининг миннатдорлигини ифодаламакчи бўлган эди. Мен унга бир пиёла қаҳва олиб келишларини буюрдим. У шошмасдан, пуфлаб-пуфлаб қаҳва ичиб ўтирар экан, кўққисдан эшиклар қасир-қусур очилиб кетиб, хонага кўзлари чакнаган прокурорнинг ўзи кириб келди. Унинг газабнок қиёфаси, кескин хатти-ҳаракатлари, еб қўйгудек ўқрайишларидан бирор тузукроқ нарса кутиб бўлмасди. Лекин мен уни ҳайрон қоладиган даражада хотиржам кутиб олдим. Мен хатарнинг кўзига тик қарадим. Тутаққан шерни жаҳдидан туширмоқчи бўлган гладиатор унинг кўзига шундай қарайди.

– Ижозат бергайсиз, жаноби олийлари, сизга таништирай: вазир...

Мен “вазир Жаъфар” дейишга улгурмай қолдим – негаки, прокурор оғзимни очиргани кўймади. Кўз очиб югунча у ергача эгилиб таъзим қилди-да, беҳад катта эҳтиромлар намойиш этиб, менинг дўстимга – артистга қўлини узатди.

– Бизнинг бурчимиз, – деб гўлдиради прокурор, – адлия вазирлигини чин юракдан табриклашдир. – Уни бошқарув замонамизнинг энг атоқли арбоби, ҳазрати олийлари, вазир жанобларига...

Дастлаб мен ҳайратдан тилим калимага келмай қолди, лекин бироз ўтиб, ношуд прокуроримизнинг адашганини пайқаб қолдим. Бу ишдан воқиф бўлиб қолганимни сира сездирмаган ҳолда воқеаларнинг боришини кузата бошладим. Прокурорнинг таъзимига жавобан Умар афанди ҳам муносиб таъзим билан жавоб берди. У, албатта, нима бўлаётганини тушунгани йўқ, “жаноби вазир ҳазрати олийлари” деган иборани эса кеча кечкурун ўзи родини ўйнаган вазир Жаъфарга мурожаат сифатида қабул қилган. Умар афанди бажо келтирган таъзим эса ўта ясама бўлган ва адлия вазири қилиши мумкин бўлган таъзимга сира ўхшамай чиққан. Агар прокурор ўша дақиқада соғлом фикрлаш қобилиятини йўқотиб қўймаганда, агар у ҳукумат таркибидаги вазирлар алмашиши масаласи билан бу қадар банд бўлмаганида, у албатта, қаршисида турган одам вазир эмас, артист эканини фаҳмлаган бўларди. Унинг ергача эгилиб таъзим қилганини прокурор янги адлия вазирининг ўта камсуқумлигига йўйди. Катта чалкашликларнинг олдини олмақ ва вазиятдан ўз фойдамга фойдаланмоқ учун мен ҳам мужмалроқ қилиб гўлдирадим:

– Жаноб вазир – менинг эски қадрдоним...

Менга ҳамиша мутакаббирлик билан шафқатсиз муносабатда бўлгучи прокурор бу гал менга гоятда дўстона ва илиқ бир нигоҳ билан қаради. Бундан дадилланиб, гапимга қўшимча қилдим:

– Жаноб прокурор, марҳамат қилиб, вазир дўстимга айтсангиз – менинг хизматимдан мамнунмисиз-йўқми?



Прокурор шу заҳотиёқ Умар афандига ўтирилиб, менга ишора қилди-да, ҳаяжон ичида деди:

– Жаноби вазир, сизни ишонтириб айтаманки, ҳазрати олийлари, бу киши вилоятимиздаги энг яхши терговчи. Жуда иқтидорли, ишга берилган, маиший ҳаётда камсуқум, маънавий жиҳатдан жуда покиза, яхши тарбия кўрган, шунингдек, гоётда зийрак ақл эгаси. У менинг терговчиларим ичида ҳаммага ибрат қилиб кўрсатса, арзийдигани, ҳазрати олийлари!

Прокурордан менинг шаънимга шундай таъриф-тавсифни ундирганимдан гоётда мамнун эдим. Лекин ҳақиқат ошкор бўлиб қолмасин, деб ҳозирданоқ хавотир ола бошладим. Шунинг учун мисим чиқиб, шарманда бўлгандан кўра, вақтида этагимни ёпақолганим тузук деган тўхтама келдим.

– Ўзингизга маълум, – деб яна прокурорга мурожаат қилдим. – Мен жуда қаттиқ толиққанман, яхшилаб дам олмасам бўлмайди. Мендан марҳаматингизни дариг тутмасангиз, бугундан бошлаб мени икки ҳафталик таътилга чиқарсангиз...

Прокурор махтал қилмай жавоб берди:

– Албатта! Албатта! Менинг ҳеч қандай эътирозим йўқ. Хоҳласанг, ҳозирнинг ўзидаёқ таътилга чиқмоғинг мумкин. Сенинг ишларингни бошқа терговчига топшираман.

– Бағоят миннатдорман. Мен бир соатдан кейин жўнаб кетаман.

Прокурор бошини енгил ирғаб, фариштасифат қараш қилиб, розилигини билдирди ва Умар афандига мурожаат қилиб, деди:

– Жаноб вазир ҳазрати олийлари, бизни кига бугун келишни ихтиёр этадиларми?

– Йўқ, биз бу ерда кеча кечқурунданоқ ишларимизни бошлаб юборганмиз.

Прокурорга нимадир равшан бўлмай қолди, шекилли, мен шоша-пиша мужмал изоҳларимни тиқиштирдим:

– Кеча кечқурун жаноб вазир борган жойи...

Прокурорнинг бу сўзлардан англагани шу бўлдики, адлия вазирини тайинлаш ҳақидаги фармонга фақат кеча имзо чекилган. Умар афанди эса гап унинг кеча спектаклда ўйнаган роли ҳақида кетяпти, деб ўйлаб, соддадиллик билан сўради:

– Сиз, албатта, кеча кечқурун губернатор жаноблари билан бирга спектаклни томоша қилган бўлсангиз керак?

Аммо прокурор гап нима тўғрида кетаётганини яна тушунмади. Шунда мен сўраб-суриштиришлар оқибатида, икковлари ҳам ҳақиқатдан воқиф бўлиб қолмасликлари учун прокурорнинг ёнига бордим-да, унинг қулогига шивирладим:

– Бугун мен вазир ҳазрати олийларини дўстона зиёфатга таклиф қилганман. У киши мен билан холи ўтиришни ихтиёр этгандилар. Агар сиз икковимизга ҳам ҳозир жавоб берсангиз, жуда улуг иш бўлур эди.

– Марҳамат... марҳамат... Хизматингизга бажону дил тайёрман, – деди прокурор.

Мен дўстимни қўлтигидан олдим-да, кўчага судрадим.

\* \* \*

Биз кўчага чиқишимиз биланоқ, Умар афанди билан хайр-хўшлашиб, уйимга югурдим, уйда тезгина чамадонимни жойлаб, Искандарияга жўнаб қолдим. Менинг юрагим така-пука эди – прокурор Қоҳирада чиқадиган газеталарнинг янги сонларини олса, унда янги тайинланган адлия вазирининг суратини кўриб қолса, ҳамма гапни билиб олади деган хавотирда эдим. Аммо тақдир бу гал менга қулиб боқди – фош бўлиш хавфидан ва прокурорнинг қасд олишидан қутулиб қолдим. Эртаси куни газеталарда ўқиб қолдим – янги адлия вазирининг кўрсатмаси билан бу соҳада мансабдор одамлар ўртасида баъзи бир ўзгартиришлар содир бўлибди. Бизнинг прокуроримиз ҳам ишдан олиниб, бошқа олисроқ вилоятга яна ўша лавозимига тайинланибди.

Мен энди бутунлай беҳавотир яшамоғим мумкин эди.

Бу воқеа рўй бергандан бери кўп йиллар ўтиб кетди. Юридик соҳани

йиғиштириб қўйиб, бутунлай бошқа иш билан шуғуллана бошлаганимга ҳам анча бўлди. Ҳамманинг ўтақасини ёрадиган бу прокурор билан яна учрашганимда, у шикоят судидаги энг юқори мансабдан истеъфога чиққан эди. Мен уни Қоҳирадаги бир қаҳвахонада тасодифан учратиб қолдим. У жуда қариб, мункиллаб қолган эди. Мени учратиб, хурсанд бўлиб кетди. Ҳазилларимни эслаб, чин юракдан жилмайиб, шундай деди:

– “Вазир ҳазрати олийлари” эсингда борми?

– Вазир Жаъфарми? Бўлмасам-чи! – дедим мен ҳам жилмайиб.

Оғзини карракдек очиб куларкан, ясама тишларини кўз-кўз қилиб, собиқ прокурор деди:

– Ҳа, ҳа, афандим, мен улуг халифа Хорун ар-Рашиднинг вазирини назарда тутяпман. Фақат сен жўнаб кетгандан кейингина, унинг артистлигини билибман!

## НАЖИБ МАҲФУЗ

### БОЛАЛАР ЖАННАТИ

– Дадажон.

– Лаббай, қизим.

– Биз дугонам Нодия билан ҳамиша биргамиз.

– Жуда яхши-да, қизим.

– Синфда ҳам, танаффусда ҳам, ошхонада ҳам.

– Жуда соз. Ёқимтой, тарбия кўрган қиз у...

– Аммо илоҳиёт дарсига бошқа-бошқа синфларга қатнаймиз.

У хотинига қаради. Хотини дастурхонга кашта тикиб ўтирарди. У эрига қараб жилмайди. Хотинининг жилмайганини кўриб, у ҳам табассум билан деди:

– Илоҳиёт дарсидагина бошқа-бошқа синфларга кирасизлар-да. Ҳечқиси йўқ.

– Нега шунақа, дада?

– Негаки, сенинг дининг бошқа, уники – бошқа.

– Нега шунақа, ахир?

– Сен муслимасан, у – насроний.

– Сабаби нима, дада?

– Сен ҳали кичкинасан, қизим. Катта бўлганимда ўзинг билиб оласан.

– Мен катта бўлиб бўлганман.

– Йўқ, сен ҳали кичкинасан.

– Нега мен муслиманман?

Биринчи қадамданоқ тарбиянинг замонавий усуллари чипакка чиқармаслик учун сабр-қаноат ва эҳтиёткорлик билан иш юритмоқ зарур эди.

– Сенинг отанг мусулмон, онанг мусулмон, шунинг учун сен ҳам муслимасан.

– Нодия-чи?

– Унинг отаси насроний, онаси насроний. Шунинг учун унинг ўзи ҳам насроний.

– Унинг дадаси кўзойнак тақиб юргани учун шунақами?

– Йўқ. Бунга кўзойнакнинг дахли йўқ. Ўзи шунақа. Унинг бобоси ҳам насроний бўлган.

Ота авлод-аждоқларини узундан-узоқ санашга тушиб кетди. Бир жойга етиб қизи зериқади-ку... Шунда ўзи бошқа гапга ўтар. Лекин қизи яна ўша тутган жойидан давом эттираверди.

– Дада, қайси бири яхши – муслима бўлганми ё насроний бўлганми?

Ота бироз ўйланиб туриб, жавоб берди:

– Униси ҳам, буниси ҳам яхши.

– Ахир, бирортаси яхшироқ бўлиши керак. Ундоқ бўлса, мен ҳам насроний бўлақолай-да? Унда ҳамма жойда Нодия билан бирга бўлар эдик.

– Йўқ, қизим. Бунинг иложи йўқ. Ҳар ким ўз ота-онасининг имонида бўлмоғи шарт.

Чиндан ҳам, замонавий тарбия гоятда мушкул нарса-да!

– Катта бўлгунингча кутиб тургинг келмаяптими? – деб саволга савол билан жавоб берди ота.

– Йўқ, дада.

– Яхши. Сен мода нима эканини биласанми? Биров бир модага эргашади, бошқа биров иккинчи моданинг этагидан тутади. Муслима бўлиш – энг сўнгги мода. Шунинг учун сен муслима бўлиб қолмоғинг керак.

– Бундан чиқадики, Нодия эскича модада қолиб кетган экан-да?

Вой, Нодиянги билан бирга барака топкур қизим-ай! Ҳар қанча эҳтиёт бўлгани билан отаси бир жойда хатога йўл қўйди, шекилли-да! Энди бир амаллаб буни текисламаса бўлмайди.

– Бу дидга боғлиқ. Лекин ҳар бир одам ота-боболарининг динига сиғинмоғи керак.

– Мен дугонамга “сен эски модага риоя қиласан, мен эса янги модага амал қиламан” десам бўладими?

Отаси шоша-пиша қизининг гапини бўлди.

– Ҳамма дин ҳам ўз йўлига яхши. Мусулмонлар ҳам, насронийлар ҳам худога ишонадилар.

– Нега энди улар бошқа-бошқа хоналарда ишонишади?

– Чунки уларнинг ҳар қайсилари ўзларича ишонишади-да.

– “Ўзларича” дегани қанақа бўлади?

– Сен буни янаги йилга билиб оласан. Ёки ундан кейинги йили фаҳмлайсан. Ҳозирча эса мусулмонлар ҳам, насронийлар ҳам худога ишонишини билиб олсанг, шунинг ўзи кифоя.

– Худо дегани ким, дада?

Отаси ўзини йўқотиб қўйди. Узоқ ўйланди. Кейин сир бой бермасликка ҳаракат қилиб сўради:

– Бу тўғрида мактабда муаллиманг нима деган эди?

– Муаллимамиз Қуръондан бир сурани ўқиб берди. Биз фотиҳани ёд олдик. Лекин мен ҳеч нарсани тушунганим йўқ. Худо деганлари ким, дада?

Яна бироз ўйлангандан кейин отаси жилмайиб, мужмалроқ жавоб берди:

– Худо дунёдаги ҳамма нарсани яратган.

– Бор-йўғи шуми?

– Ҳа, бор-йўғи шу.

– “Яратгувчи” дегани нима?

– Ҳамма нарсани барпо қилганни “яратгувчи” дейишади.

– Ҳамма-ҳамма нарсаними?

– Ҳа, ҳамма-ҳамма нарсани.

– Қандай қилиб яратади?

– Ўзининг бепоён қудрати билан.

– У қаерда туради?

– Дунёнинг ҳамма жойида.

– Дунё йўқ бўлган пайтларда. қаерда турган?

– Юқорида, баланд-баланд жойда турган.

– Осмондами?

– Ҳа.

– Мен уни бир кўрсам, яхши бўларди-да.

– Бунинг иложи йўқ.

– Лоақал телевизор орқали ҳам иложи йўқми?

– Ҳатто телевизор орқали ҳам мумкин эмас.

– Ҳеч ким уни кўрган эмасми?

– Йўқ.

– Ундоқ бўлса, унинг юқорида туришини қаёқдан биласиз?

– Чунки ўзи шунақа – юқорида туради.

– Унинг юқорида туришини биринчи бўлиб ким билган?

– Пайгамбарлар.

– Пайгамбарлар?

- Ҳа, масалан, Муҳаммад пайғамбар.
- Қандай қилиб, билиб олган, дада?
- Унинг ҳам фавкуллода иқтидори бўлган-да.
- Унинг кўзи жуда ўткир бўлганми?
- Ҳа.
- Нима учун, дада?
- Негаки, Оллоҳ уни шунақа яратган.
- Барибир, нега ахир, шунақа яратган?
- Отанинг тоқати тоқ бўла бошлади. Унинг зардаси қайнаб жавоб берди:
- Шунинг учунки, у нима қиламан деса, ҳаммасини қилади. Ихтиёри ўзида.
- Унинг ўзи қанақа?
- У ҳамма нарсага қодир, жуда бақувват, қўлидан келмайдиган нарса йўқ.
- Сизга ўхшаган экан-да, а, дада?
- Ота кулиб юборишига сал қолди.
- Унинг тенги йўқ.
- Нима учун у осмонда яшайди?
- Ер унга кичиклик қилади. Лекин у ҳамма нарсани кўриб туради.
- Қизалоқ бир зумгина ўйланиб қолди, кейин деди:
- Лекин Нодия унинг ерда яшашини айтган эди.
- Бунинг боиси шундаки, у худди ерда яшаётгандек, бу ерда содир бўлаётган воқеаларнинг ҳаммасидан бохабар.
- Нодиянинг гапига қараганда, одамлар уни ўлдириб қўйган эмиш.
- Йўқ, у мангу ҳаёт, у ҳеч қачон ўлмайди.
- Нодия одамлар уни ўлдирган дейди.
- Йўқ, бўталоғим, одамлар уни ўлдирдик деб ўйлашган, лекин у ўлмаган,
- у – ҳаёт.
- Менинг бобом ҳам ҳаётми?
- Йўқ, бобонг ўлиб кетган.
- Уни одамлар ўлдирганми?
- Йўқ, ўз ажали билан ўлган.
- Нима сабабдан?
- Касал бўлиб қолган. Кейин ўлган.
- Синглим ҳам ўладими? У ҳам касал-ку?
- Хотинининг биров асабийлашиб, қўл силтаганини кўриб, отанинг қошлари чимирилди.
- Йўқ, худо хоҳласа, синглинг тузалиб кетади.
- Бобом нега ўлган бўлмаса?
- У нафақат бетоб эди, у жуда қариб қолган ҳам эди.
- Сиз ҳам бетоб бўлгансиз, сиз ҳам қарисиз. Нега сиз ўлмагансиз?
- Онаси аччиғи келиб, койиб берди, қизалоқ ҳайрон бўлиб, нигоҳини онасидан олиб, яна отасига қаратди.
- Худо ўзи бунни хоҳлаб, “қунинг битди” деса. биз унинг иродаси билан вафот этамиз, – деб бир амаллаб жавоб топди ота.
- Нима учун у бизнинг ўлишимизни истаб қолади?
- Ҳамма нарса унинг ихтиёрида.
- Ўлим деганлари яхши нарсами?
- Йўқ, қизим.
- Бўлмаса, худо нима учун ёмон иш қилади?
- Худонинг иродаси шунақа бўлгандан кейин, одамлар ўлиши керак-да.
- Ахир, ҳозиргина ўзингиз “бу яхши эмас” дедингиз-ку?
- Мен хато қилдим. Бўталоғим.
- Нима учун мен сизни ўласиз деганимда онамнинг аччиғи келди?
- Шунинг учунки, ҳозирча худо бунни хоҳламайди.
- Қачон хоҳлайди?
- У бизни бу дунёга келтиради-да, кейин яна ўзи қайтариб олади.
- Нега бундай қилади?
- Токи бу дунёда тирик юрар эканмиз, савоб ишларни кўпроқ қилмоғимиз учун-да...
- Биз бу дунёда ўлмай юраверсак бўлмайдимми?

- Агар одамлар бу дунёдан кетиб туришмаса ҳеч қарга сиғишмай қолишарди.
  - Ҳамма яхши нарсаларни қолдириб кетамизми?
  - Биз яна ҳам яхшироқ жойга кетамиз.
  - Қаёққа?
  - Юқорига.
  - Худонинг ёнигами?
  - Ҳа.
  - Кейин уни кўрамизми?
  - Ҳа.
  - Бу яхшими?
  - Албатта, яхши-да.
  - Шунинг учун бизнинг бу дунёдан кетишимиз керакми?
  - Лекин биз ҳали қўлимиздан келадиган яхши ишларнинг ҳаммасини қилиб улгурганимиз йўқ.
  - Бобом ҳамма савоб ишларни қилиб бўлганмиди?
  - Ҳа.
  - У нима иш қилган?
  - Уй қурган, боғ яратган.
  - Менинг тоғам Туту нима қилган?
- Отаси ночорликдан нима қилишини билмай, ёрдам сўрагандай хотинига қаради. Кейин деди:
- У ҳам бу дунёдан кетишидан аввал кичикроқ бир уй қурган.
  - Қўшнимизнинг боласи Лулу бўлса, доим мени ургани-урган. У биронта ҳам яхши иш қилган эмас.
  - У шум бола-ку!
  - У ўлмайдимми?
  - Худонинг иродаси бўлганида у ҳам ўлади.
  - Биронта савоб иш қилмаган бўлса ҳам ўлиб кетаверадими?
  - Ҳамма ўлади, ҳеч ким қолмайди. Лекин савоб иш қилганлар Худонинг хузурига боради, ёмон иш қилганлар жаҳаннам ўтида ёнади.
- Қиз хўрсинди, бироз индамай қолди. Отаси эса бутунлай ҳолдан тойганини ҳис қилди. У қизининг саволларига тўғри жавоб бердимми-йўқми деган ташвишда эди. Бу саволларнинг ҳаммаси унинг қалби тубида ётган бир дунё шубҳа-гумонларни тўзғитиб юборди. Шу чоқ қизи яна бидирлаб тилга кирди.
- Мен ҳамиша Нодия билан бирга бўлишни истайман.
- Отаси бироз саросимада қизига қаради, қизи гапига аниқлик киритди.
- Ҳатто илоҳиёт дарсида ҳам бирга бўлсам, дейман.
- Отаси қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди. Онаси ҳам кулди. Ота эснаб туриб деди:
- Бунақа масалаларни болаларинг билан муҳокама қилишинг мумкинлигини мен сира хаёлимга ҳам келтирмаган эканман.
- Хотини луқма ташлади.
- Қизимиз улғайиб катта бўлганида, кўнглингиздаги шубҳа-гумонларингизни унга оқизмай, томизмай, гапириб бераверасиз.
- Ота ялт этиб хотинига қаради – бу гапни у ҳазил қилиб айтдимми ёки чин айтдимми – билмоқчи бўлди, лекин хотини яна каштасини тикишга тушиб кетганди.

## АБДУРРАҲМОН АЛ-ҲОМИСИЙ

### НАБАВИЯ

Набавия ҳақидаги ҳикоямни тинглайдиган одамни қайдан топсам бўлади? Унинг оғир ўтмишини, қиз бошига ёғилган мудҳиш кулфатларни эшитадиган бирор одам бормикин? Қани энди, Набавияни биладиган одам бўлсаю, у менга қизнинг қардалигини айтиб берса. Мен қизнинг ёнига қанот боғлаб, учиб борардим.

Хотирамдан деярли ўчиб кетган қиз сиймоси кўз ўнгимда пайдо бўлса, томоғимга йиғи келиб, мени гиппа бўғиб олади. Ҳаёт гирдобларида мен уни йўқотиб қўйдим. Уни зулмат чангалидан қутқариб ололмадим. У ғойиб бўлди. Қаёққа? Эҳтимол, Азроил қизнинг мижиғланган баданини, таҳқирланган, эзилган қалбини кўриб, унга раҳми келгандир ва уни азоблардан фориг этгандир? Балки у ҳали ҳам бу расво дунёда ўз жаллодларининг ҳирсларини қондириб, бир амаллаб кунини кўриб юргандир? Ич-ичидан келаётган бир овоз менга Набавиянинг ҳаётлигидан хабар беришти. Қорачадан келган, қотма, юз тузилишлари нозик. Катта-катта кўзлар унинг тубида ҳадик сезилиб турадиган бу қизни кўрган одам бўлса – ўтиниб, ёлбораман, унинг қаердалигини менга айтинг. “Ана Набавия” деб кўрсатинглар, одамлар. Худо ҳақи, жумла жаҳонда бор жамийки яхшиликлар ҳақи – уни менга топиб беринглар, азизлар. Худо ҳақиға қасамлар бўлсинки, агар мен уни учратиб қолсам, қизни қутқариш учун ҳамма нарсани қилардим. Унинг нобуд бўлишига йўл қўймасдим. Шабнамлар бу қуруқшай бошлаган гулгунчанинг ташналигини қондирсин! Қаердасан ҳозир, Набавия? Эҳтимол, сени номусдан маҳрум этган, болалигингни тортиб олган, ёшлигингни бадном қилиб тортиб олган одамлардан даҳшатли ўч олишга тайёрланаётгандирсан?

Менга жавобан: “Хўш, нима бўпти? Бизнинг ҳаётимизда Набавияга ўхшаганлар сон мингта”. Бироқ ким менга шу гапни айтадиган бўлса, мен унга шундай деб жавоб берар эдим: инсон ҳаётини мажақлайдиган жамият фақат бир нарсага муносиб – уни кунпаякун қилмоқ керак, токи ундан асар ҳам қолмасин. Негаки, бундай жамият гулни тиканга, тозаликни – ахлатга, олийжанобликни разолатга айлантиради. Агар мен одамларга Набавия билан қандай учрашганимни айтиб берсам, унинг майиб бўлган ҳаётини ҳикоя қилсам, истаган одам менинг дардимни ҳам, қаҳримни ҳам англаган бўларди...

Юридик факультетда ўқиб юрган кезларимда, менинг Фавзи деган бир дўстим бўларди. Биз машғулотларга бирга тайёрланар, бирга сайр қилар, бирга ҳаёл сураар ва суҳбатлар қурадик. Ҳар биримизнинг жуда камсукумлик билан жиҳозланган кичкинагина хонамиз бўлгувчи эди. Университетда ўқиш учун пойтахтга вилоятдан келган талабаларнинг ҳаммаси ҳам шунақа яшарди.

Бир кун Фавзининг олдига кириб, қирларини йиғиштираётганини кўрдим. Мен “нима гап? Тинчликми?” деб сўрадим. Менга жавоб бериш ўрнига у Набавияни чақирди.

Эшикдан кўрқа-писа бир қорамағиз қиз кириб келди. Унинг бўйи пастгина, орқасига ташлаб олган сочи тимқора, эгнидаги кийим-боши қишлоқча эди. Фавзи унга қирларни олиб кетишни буюрди.

– Қир ювадиган қизми? – деб сўрадим мен.

– Йўқ, – деб жавоб берди Фавзи. – Киригиз бўлса беринг, ювиб берай, деб илтимос қилган эди. Лекин қанақа ювишини билмайман.

Набавия қирларни йиғиштириб, ваннахонага олиб кирмоқчи эди, бироқ бизнинг гапимизни эшитиб, лўқма ташлади:

– Ҳойнаҳой, ишимдан рози бўларсиз, жаноб. Ажаб эмаски, дўстларингизга ҳам мени тавсия қилсангиз...

Мен шу кун кечгача Фавзиникида бўлдим ва кетаётиб, Набавиядан менинг ҳам қирларимни ювиб беришини илтимос қилдим.

Набавия жума кун келди... Устидаги кўйлаги эски, бир-икки жойидан ситилган эди, елкасидаги йиртиқлардан бадани кўриниб турарди. Чехраси толиққан, кўзлари ҳоргин. Тунни бедор ўтказгани яққол сезилиб турарди. Қизалоққа раҳмим келиб кетди. Фавзи буни билса, албатта, “кўнгилчанлигингни кўйсанг-чи, хомхаёл бўлаверма” деб қойиб берарди.

– Бошқа гал ювиб бера қоласанми? – деб сўрадим Набавиядан.

– Йўқ, шу бугун юви бераман, хўжайин... — Унинг овозида кўрқув оҳанги бор эди, кўзларида ҳадиксираш сезиларди.

– Жуда толиқиб турибсан-ку? – дедим мен.

– Толиқиб? – деб кўрқа-писа қайтариб сўради қиз.

– Ана, башаранг ўзи айтиб турибди. Айни шу бугун кир ювдиришим шарт эмас.

– Лекин мен...

– Майли, ҳақингни бугун бера қоламан, кирни бошқа куни ювиб берарсан... Қизнинг юзи қувончдан ёришиб кетди, кўзлари чақнади, у менинг қаршимда полда ўтирар эди.

– Нонушта қилганмисан? – деб сўрадим мен.

– Ҳа, – деб жавоб берди қиз. Лекин унинг ёлгон гапираётгани кўриниб турарди.

Мен унга қорним очлигини айтдим ва кўчадан нон билан ловия олиб келиб беришини илтимос қилдим.

Нонушта қилиб бўлганимиздан кейин, Набавия деди:

– Хўжайин, мени оқсочликка олсангиз-чи? Мен овқат қилишни биламан, пол юваман, хонани супуриб-сидираман, кир юваман, нимаики иш буюрсангиз, ҳамма-ҳаммасини қиламан. Ахир, сиз... Ахир, сизнинг юмушларингизни қиладиган ҳеч кимингиз йўқ-ку?

Мен ўйлашиб қолдим – унинг таклифи чакки эмас эди. Кейин сўрадим:

– Сенга қанча ҳақ тўлашим керак бўлади?

– Ҳеч қанча. Фақат овқат билан бир бурчакдан жой берсангиз бас, ишлайвераман.

Мен унга ойига эллик пиастр бераман дедим.

Шундай қилиб, Набавия меникида қолди.

Машғулотлардан кейин университетдан қайтиб келганимда хонамининг саришталигини, мени кутиб турган лаззатли таомни кўриб хурсанд бўлардим.

Аввалига Набавиядан биронта рост гап эшитишнинг имкони йўқ эди. Бир куни ундан қариндош-уруеларини суриштириб қолдим. У отаси Мангур шаҳрида туришини айтди, онаси эса Қоҳирада яшар экан. Кейин маълум бўлдики, Набавия на отасини, на онасини билар экан.

Бошқа бир гал у қайлиғи бўлганини гапириб қолди. Қаллиғи ҳунар билим юртининг талабаси экан, лекин унинг ота-онаси туфайли қаллиғидан воз кечишга мажбур бўлибди.

Набавия унинг ташқи қиёфасини батафсил тасвирлаб берди. Қандай қилиб, қайлиғи уни кинога таклиф қилганини, қанақа совға-саломлар олиб берганларини сўзлади, севган одамидан жудо қилган қисматини қаргади. Кейин маълум бўлдики, ҳеч қанақа қаллиғ-паллиғ деган нарса бўлмаган экан. Қиз бечора лоақал шу тарзда ҳаётини жиндай безамоқчи бўлган экан.

У ўзининг эл қатори қиз эканига, унинг ҳам ота-онаси, қаллиғи борлигига, ота-онаси туппа-тузук одамлар эканига, ўзларига тўқ турмуш кечиришларига мени ишонтиришга уринарди.

Мен унинг ёлгонларига кўп ҳам парво қилмасдим. Ҳатто ўзимни ишонгандай қилиб кўрсатишга ҳам ҳаракат қилардим, негаки, кўриб турардимки, эзилиб кетган бу шўрлик қиз ёлғони билан ўзини таҳқирлар ва камситишлардан ҳимоя қилишга уринарди. Унинг ҳаёти эса турфа хил таҳқирлар ва камситишларга тўла эди.

Бир куни уйга яқинлашиб келар эканман, Набавиянинг паст овозда ашула айтаётганини эшитиб қолдим. “О, тун! Қанчадан-қанча шўрликлар устига пардангни тортасан! Фақат сенгина, о, сирли тун, дунёда қанча қиз бир тишлам нон учун номусини сотаётганидан хабардорсан!”

Тунги сукунат бағрида таралаётган бу мунгли оҳанг олис-олисларга бориб сингиб кетмоқда эди.

Мен Набавиядан сўрадим:

– Сенга нима бўлди?

– Ҳеч нарса, – деб жавоб берди қиз ва бирдан алам билан ўксиб йиғлаб юборди.

Ниҳоят, мен Набавияни ҳамма гапни рўйирост айтиб беришга кўндирдим. У менга юрагини очди. Набавиянинг қалби ғам-ҳасратга ва аламли изтиробларга тўла эди.

Набавия на отасини, на онасини биларди. Фақат аллақандай одамларнинг уйда яшаганини эсларди. Улар эр-хотин эди. Эртаю кеч шўрлик қизни уришганлари уришган эди, унинг томоғидан ўтаётган ҳар тишлам таом учун

таъна қилишар, “раҳмимиз келганидан сени боқиб ўтирибмиз” деб писанда қилишар, “текинхўр, ношукур, ялқов” деб дашномлар беришарди.

Набавия тонг қоронғусида уйқудан турар, полларни ювар, югуриб бозорга бориб келар, нонушта тайёрлар, кун бўйи бекаси ва хўжайиннинг кўзига яхши кўриниш учун елиб-югурар, тун яримлагандан кейингина уйқуга ётарди. Унинг ётадиган жойи йўлакда эди. У қуруқ полнинг устига ётарди-да, эрталаб тонг ёришмасдан яна югур-югурини бошламоқ учун уйқуга кирарди.

Бир кун кечкурун бека Набавияга чой қайнатишни буюрди. Набавия бехосдан чойнакни қўлидан тушириб юборди. Чойнак синди. Беканинг жон-пони чиқиб кетди. Ҳазабдан қизариб кетган, ола-кула кўзларидан ўт чақнаган бека Набавияга ташланиб, уни ура бошлади. Оғриқдан қизалоқ қанча баландроқ фарёд чекса, беканинг газаби шунча оловланиб борарди. У қизнинг сочидан чангаллаб, полда судраганича бурчакка олиб борди, у ерда унинг кўл-оёқларини боғлади-да, оташқуракни ўчоққа тиқиб қиздира бошлади.

Набавия дағ-дағ қалтираб, қўрқув ичида яна нима бўлишини, қандоқ қийноқларга дучор қилинишини кутарди. Бека эса бамисоли эсини йўқотиб кўйгандек кўринарди. У лағча чўғ бўлиб қизиган оташқуракни ўчоқдан олиб, қизнинг оёқларини савалай кетди. “Мен сенга кўрсатиб қўяман! Чойнак синдириш қанақа бўлишини билмас экансан!” — деб вайсарди у.

Набавия оғриқдан ғужанак бўлиб олганди. Қиз бечора туни билан йиғлаб чиқди. Таҳқирлар эртасига ҳам давом этди. Қоронғи тушганида Набавия куйган оёқларини зўрга босиб, кўчага чиқди.

Унинг борадиган жойи йўқ эди. Ун икки яшар қизалоқ совуқдан дийдираб, йўлканинг бир чеккасида қунишиб ўтирарди. Оёғидаги ярадан қон сизиб оқарди. Унинг ёнига полициячи келиб, ўшқирди:

— Нима қилиб ўтирибсан бу ерда?

У юраги така-пука бўлиб, жавоб берди:

— Ҳеч нарса. Уйқум келяпти. Ухлайман.

Полициячи унинг юзига қаради. Кейин нима бўлганини сўраб-суриштира бошлади. Қиз бўлган воқеани айтиб берди.

— Қани, юр, бўлмаса... Меникида турасан...

Набавия индамай унинг орқасидан эргашди. Улар катта кўчадан анча юришди, кейин тор кўчага бурилишди, бир уйга бориб, ичкари киришди-да, айланма зинадан юқори кўтарилишди. Улар кирган уй икки хонали эди. Полициячи чироқни ёқди ва қизга деди:

— Мен кетаман. Эрталаб келаман. Сен бемалол ётиб, ухлайвер.

Полициячининг меҳрибонлигини кўриб Набавия ҳайрон қолибди - ахир, у қизалоққа раҳми келиб, уни уйига олиб келди...

Аста-секин қиз ўзига келди. хонани кўздан кечира бошлади. Хоналардан бирида каттагина каравот, жавон, диван турар, унинг полига бўйра тўшалганди. Иккинчи хонада эса битта хонтахта. Учта курси бор эди. Деворларида эса бир нечта суврат илинган. Орадан кўп ўтмай, ҳорғинлик қизни енгди ва у ухлаб қолди.

Мен сўрадим:

— Сенга билим юртининг талабаси уйланаман деган экан. Нима бўлди?

— Э, йўқ. Бу гапларни ўзим тўқигандим.

— Ҳозирги гапларингни ҳам тўқиб чиқараётганинг йўқми?

— Йўғ-е... Ҳозирги гапларимнинг ҳаммаси рост.

Мен унга ҳаммавақт рост гапириш кераклигини айтдим.

У жавоб берди:

— Йигитнинг менга “уйланаман” дейишини жуда-жуда истаган эдим.

Менинг ҳам ота-онам бўлса дердим. Жиндай бахтли бўлишни хоҳлардим.

Қизалоқ индамай қолди.

Мен сўрадим:

— Ҳозир бирор гапни тўқиб чиқаргинг келмаяптими?

— Йўқ. Сизга фақат рост гапиргим келяпти. Сиз жуда меҳрибон одам экансиз. Шундай қилиб, эртасига эрталаб полициячи қайтиб келиб, мени уйготди. У нон, пишлоқ, редиска, хурмо, жиндай гўшт олиб келибди. Сизга буларни батафсилроқ гапириб беришга қийналяпман, хўжайин, фақат бир



нарсани айтаман, холос. Полициячи менинг номусимга тегди. Ҳолбуки, мен ўн икки ёшда эдим. Мен унга ҳам ўйнаш, ҳам оқсоч бўлдим.

– Йўғ-е. Бўлиши мумкин эмас, — деб хитоб қилдим.

– Ҳамма гапим рост, хўжайин.

– Кейин-чи?

– Нима “кейин-чи?”

– Буларнинг ҳаммаси қандай рўй бериши мумкин, Набавия?

У гапларини давом эттира олмай, бошини қуйи солди.

– Унинг уйида аҳволинг нима кечди? — деб сўрадим мен.

– У менга дурра, қўйлак олиб берди. Ҳатто ботинка совға қилди. Лекин “кўчага чиқмайсан” деб тайинлаб қўйди. “Гапимга кирмасанг, ўлдираман” деди.

– Хўш, кейин нима бўлди?

– Мен ундан жуда ҳам қўрқардим, хўжайин. Ростдан ўлдириб қўяди, деб ўйлардим. Остона ҳатлаб, ташқарига чиқишни хаёлимга ҳам келтирганим йўқ. Бир куни унинг олдига қишлоқдан қариндошлари келди. Уларга мени “оқсоч” деб таништирди. Уларнинг гап-сўзларидан англадимки, қариндошлари унга қишлоқда келин топишибди. Ўша кундан бошлаб, унинг менга муомаласи совуди. Афтидан, менинг ҳам ундан кўнглим қолишини хоҳлади, шекилли.

– Хўш, кейин-чи? Кейин нима бўлди?

– Кейин у мени уйдан ҳайдаб чиқарди, номусинга текканимни бирор одамга оғзингдан чиқарадиган бўлсанг, ўлдираман деб пўписа қилди. Мен чиқиб кетдим... Чарчоқдан зўрга қадам босиб, кўчама-кўча кўп тентирадим. Кейин бир хотинга рўпара келдим. Унга оқсоч бўлмоқчи эканимни айтдим. У менга кир ювувчи бўлишни маслаҳат берди ва Қоҳирадаги бошқа шаҳардан келган талабалар яшайдиган маҳаллани кўрсатиб қўйди. Мен талабаларнинг кирларини ювиб юрибман.

– Фақат кирини ювасанми?

– Улар мени истаган қўйларига солишади.

У лабларини қимтиб, индамай қолди, кейин алам билан деди:

– Мен — шўрликнинг нима иложим бор? Кимдан ҳимоя излашим керак?

– Полициячиникида кўп яшадингми?

– Бир йилча яшадим-ов...

– Уйи қаерда эди?

– Йўқ, йўқ, айтмайман. Қўрқаман...

– Ўзинг биласан...

– Аввалги хўжайинимникидан кетмаслигим керак эди. Лекин улар мени ёмон калтаклашарди.

– Кир ювиш билан анчадан бери шуғулланыпсанми?

– Роса бир йил бўлди. Полициячиникидан кетганимдан бери...

– Хафа бўлма, Набавия. Эҳтимол, сен меникида туришни хоҳламай қоларсан? Унда айт, сени қишлоққа, ота-онангнинг ёнига жўнатаман.

– Кечки таомни еганмисиз, хўжайин.

– Ҳа. Тамадди қилгандим. Сен-чи?

– Менми? Унча иштаҳам йўқ.

– Майли. Бориб ёт, бўлмаса...

Анчагача ухлаёлмай ётдим. Шифтга тикилиб, шўрлик қизнинг фожеона тақдирини ўйладим. Мен уни ҳаётнинг совуқ ҳамла хуружларидан ҳимоя қилишни истардим. Мен қизнинг кўксига ўхшаб йўталаётганидан хавотирда эдим.

Тонг отди. Тун бедор ўтгани учун жуда ланж кайфиятда тўшакдан турдим. Набавия ҳали уйғонгани йўқ. Уни уйғотгим келмади, кийиндим-да, энди чиқиб кетмоқчи бўлиб, кўзгалган эдим, тўсатдан кимдир эшикни қоқди. Келган одам Фавзи эди.

– Ие, ие, келсинлар. Хуш кўрдик...

– Ҳа, йўл бўлсин?

– Университетга.

– Бугун дарс бўлмайди, — деди Фавзи кулиб. - Кинога бормаймизми?

Мен жуда эрта турганимдан афсусландим. Чиқиб кетаётганимизда Фавзи

бурчакда устига юпқа чойшаб ёпиниб, бурчакда гужанак бўлиб ётган Набавияни кўриб қолди ва ҳайрон бўлиб сўради:

– Бу ким?

– Набавия...

– Яшавор-е! Сенга ҳам ақл кирадиган кун бор экан-ку...

– Сен адашяпсан, Фавзи.

– Ундай бўлса, ўзим ундан сўраб кўраман.

– Биласанми, Фавзи. Сенинг гапларинг менга малол келяпти.

Менинг аччигим келаётганини кўрган Фавзи жиндай юмшади.

– Билганингни қилавер, дўстим. Менга деса, умрингнинг охиригача хаёлпараст бўлиб қолавер.

Мен ҳам бироз жаҳдан тушдим, шўрлик қизнинг кечаси билан йўталиб чиққанини айтдим.

– “Йўталиб чиқди” дейсанми? Ундай бўлса, уни дарҳол уйингдан қувла...

– Йўқ, мен уни врачга олиб бораман.

– Хўп галати одамсан-да, дўстим. Албатта, сен нима қиламан десанг, ихтиёр ўзингда. Лекин менинг маслаҳатимга юрсанг, уни ҳозирнинг ўзида уйингдан ҳайдаб чиқар.

– Йўқ, мен уни врачга олиб бораман, унга дори-дармон олиб бераман, у шу ерда яшайди. Шу ердан у ё тузалиб чиқиб кетади, ё ўлиги чиқади. Шунда у бизга ўхшаганлардан халос бўлади.

– Сен мени бирор нарсада айбляяпсанми?

Фавзи даргазаб бўлиб хонадан чиқди. Чиқиб кетаётганда, пўписа қилди:

– Бу уйга қадам изи қилсам, отимни бошқа қўйганим бўлсин...

Очигини айтсам, дўстимнинг бу иши гашимга тегди, аччигим келди. Бунга ўхшаган одамнинг қалби йўқ. Бировнинг дарди уларга таъсир қилмайди. Бунақалар фақат муштлашишга ярайди, холос.

Кун энди бошланмоқда эди. Мен Набавияни шаҳардаги энг таниқли врачлардан бирининг хузурига бошладим. Врач уни синчиклаб кўриб чиқиб, нафас олиш йўллари шамоллаганини, бошқа ҳеч қандай кўрқинчли касали йўқлигини айтди. Бунга эшитиб, хурсанд бўлиб кетган қиз, менга миннатдорлик тўла нигоҳини тикиб, шивирлади.

– Худо хайрингизни берсин. Мендан қайтмаса, худодан қайтсин.

Набавия сукутга чўмиб ўтирарди. Эҳтимол, у ўзининг қайгули ўтмишини ўйлаётгандир. Бирдан у қўллари билан юзини яшириб, хўнграб йиғлаб юборди.

– Ҳа, нима бўла қолди?

– Билмайман...

– Биласан.

– Нега ишонмайсиз? Билмайман.

– Эҳтимол, бирор нарса эсингга тушиб кетгандир?

– Ҳа! Полициячи менинг номусимга теккани эсимга тушиб кетди. Кошки - у менга уйланган бўлсайди...

– Сен уни яхши кўрармидинг?

– Йўқ. Мен ундан кўрқардим.

– Нега бўлмаса, уни бот-бот эслаб турасан?

– Нега менга уйланмаганига сира ақлим етмайди. Мен...

– Ҳадеб ўтган гапларни кавлайверма, Набавия. Ундан кўра келажакни ўйла.

Набавия менинг хонамга кўникиб қолди. Менинг хонам гарчи унчалик файзли бўлмаса-да, унга жуда қулай ва файзли кўринарди. Нима бўлганда ҳам Набавия шу хонадан паноҳ топган эди.

Ҳар куни Набавия бозорга қатнар, сабзавот, гўшт, нон харид қилар, таом пиширар, хонани супириб-сидирар эди. Шу аҳволда у бир ой яшади, юзларига қон югурди, унга ҳаёт яна қайта бошлагандай эди.

Аммо кунлардан бирида пешинда эшик тақиллаб қолди. Набавия бозорга кетган, мен эса шу куни уйда қолган эдим. Эшик қоққан қирқ ёшлардаги,

семиз, пак-пакана бадбашара аёл экан. Унинг юзи қорачадан келган, кўзлари қисик, устига қора чодра ёпиниб олибди.

– Келинг, хизмат? – деб сўрадим мен.

– Менга Набавия керак эди.

– Ўзингиз ким бўласиз?

– Мен унинг холасиман.

– Холаси? Набавия бозорга кетган. Келинг, ичкарига кириг.

– Йўқ, мен бошқа гал келарман. Сизга малол келмаса. Келганимни айтиб қўйсангиз...

Аёл кетганидан сўнг, бу хотин Набавиянинг меникида яшадини қаёқдан билиши мумкинлигини ўйлай бошладим. Набавия бозордан келиши билан уни сўроққа тутдим:

– Қоҳирада қариндош-уруғларинг борми?

Набавия олиб келган нарсаларини жой-жойига қўйди. Кейин менга ўгирилиб, юзимга тик қаради.

– Ахир, сен на отам, на онамни биламан деган эдинг-ку?

– Ҳа, деган эдим.

– Яна мени алдаясанми, Набавия?

– Йўқ, хўжайин.

– Ундай бўлса айт – ким бу хотин?

– У менга қариндош эмас, хўжайин.

– Уни қаёқдан танийсан, бўлмаса?

– Уни бозорда кўриб, танишиб қолганмиз. У менинг турмушимни сўраб-суриштира бошлади. Мен унга бор гапни гапириб бердим. У менга мунчоқ олиб берди. Кейин “менга қиз бўласанми? Менинг фарзандим йўқ” деди.

– Сени хафа қилмоқчи эмасман-у, Набавия, лекин бу хотинга ишониб бўлмайдиган кўринади. Жуда ҳам сўхтаси совуқ экан. Менимча, у бузуқ аёлга ўхшайди. Шунақалар қизларни йўлдан уриб қўшмачилик қилади.

Набавия кўрқиб кетиб, ҳадик тўла кўзларини менга тикди:

– Энди нима қиламан, хўжайин?

– У хотин билан бошқа учрашма.

– Лекин у мени яхши кўради-да. хўжайин?

– Мунча содда бўлмасанг, Набавия?

Дилимда эса “Бечора қиз, бирор кимсанинг меҳрига мунча ташна бўлмаса” деган фикр ўтди.

Мен Набавиянинг қувончсиз, азоб-уқубатларда ўтган болалигини эсладим. Унинг ўсмирлигини, у йилларда чеккан жабру жафоларини хаёлимга келтирдим. Мен унинг меҳр-муҳаббатга муштоқлигини сезиб турардим, ахир, у ота-онанинг меҳрини кўрмай улғайган-да! Меҳр-муҳаббат эпкини жиндай эсиб ўтса-да, унинг соғинчга тўла қалби қуёшни кўриб барг ёзган гунчадек очилиб кетаверар эди. Лекин анави хотинга менинг ишончим йўқ эди.

– Нима учун бу аёл сени яхши кўришига ишонаясан?

– Унинг ўзи айтган. У мени қучоқлаб, ўпган...

– Майли, бу тўғрида ҳали сен билан яна гаплашамиз. Менинг маслаҳатларим сенга қор қилиб қолар дейман, нима дейсан?

– Нима десангиз шу, хўжайин. Ҳамма айтганингизни бажо келтираман.

Орадан бир неча кун ўтди.

Бир кун кечкурун Набавия мендан сўраб қолди.

– Онангизни анчадан бери кўрганингиз йўқми, хўжайин.

– Ҳа, анча бўлди.

– Жуда соғиниб қолгандирсиз?

– Нега буни суриштириб қолдинг?

– Негаки, онанинг меҳри – улуг нарсаси. Унга етадиган ҳеч нарсаси йўқ.

– Сен буни қаёқдан биласан?

– Онамдан биламан...

Ортиқ у ҳеч нарсаси демади, лекин мен унинг ўз сирини очишга тайёр эканини ҳис қилдим. Беихтиёр анави семиз бадбашара хотин эсимга тушди, бироқ бу оқшом мен ўз ишларим билан шу қадар банд эдимки, Набавия билан суҳбатни давом эттиришнинг сира иложи бўлмади.

Бир куни университетдан қайтиб келиб, мен Набавияни уйдан топмадим. Аввалига мен уни бозор-ўчарга кетгандир деб ўйладим. Бироқ оқшом чўкди, ҳаммаёқни қоронгилик босди ҳамки, ундан дарак йўқ эди. У қаёққа гойиб бўлдийкин? Наҳотки, унинг гойиб бўлиши анави хотиннинг келиши билан боғлиқ бўлса? Ёки бу ерда бирор янги ёлгон бормикин? Фикрларим чуваллашиб кетди. Эртасига ҳеч қаёққа бормай, уйда қолдим. Пешинда эшик тақиллади. Эшикни очиб, остонада ўша хотинни кўрдим. Роса ҳайрон бўлиб қолган эдим.

– Набавия қани?

– Набавия сизникида эмасми? Агар уни дарров топиб бермасангиз, полицияга хабар қиламан.

– Нима деб алжираяпсан, йигит! Қанақа полиция? Қани Набавия?

У газабланиб, бақириб-чақира бошлади.

– Сиз ёлгончи аёл экансиз, сиз унинг холаси эмассиз!

Аёл ханг-манг бўлиб қолгандай кўринди. У ўзининг чодрасига яхшилаб бурканиб олди-да, кетаётиб деди:

– Ҳа, мен унинг холаси эмасман. Мен унинг онасиман. У менинг измимга юради. Мен буни сенга исботлаб бераман...

Орадан тўрт ой ўтди, Набавиядан ҳамон дарак йўқ эди. Ахийри, мен ундан буткул умидимни уздим - энди қизни ҳеч қачон кўрмасам керак. Хаёлан мен унга яхшилиқ, тоза ҳаёт тиладим.

Оқшомлардан бирида остонада Набавия пайдо бўлганини кўриб, нечоғлиқ лол қолганимни кўрсангиз эди! Унинг кўзлари олазарак, юзида гуноҳкорлик ифодаси зуҳур этарди.

– Кир ичкарига.

У индамай ичкари кирди.

– Ўтир. Қаерда эдинг?

– Мен эрга тегдим.

– Бирон оғиз мен билан маслаҳатлашмай-а?

– У менга сизни розилик бермайди деди.

– Ким экан у?

– Самбо.

– Самбо деганинг ким экан?

– Ёш йигит. Менинг эрим.

– Эринг бўлса, қани у? Нима бўлди? Нега келдинг?

– Ажралишдик.

– Дарров-а?

– У менга бир чақа ҳам пул бермасди. Очдан оч ўтираверардим. Кейин менинг талогимни берди.

– Ажралганинг ҳақидаги ҳужжатинг қани?

– Унинг қўлида.

– Унинг ўзи қаерда?

– У Зайнаб маҳалласида яшайди.

– Майли, бу гапларни қўй. Ҳаммасини унут. Ҳеч нарсани ўйлама. Менинг гапимни қулогингга ол.

– Мен хато қилдим, хўжайин! Мени кечиринг.

Шундай деб Набавия хўнграб йиглаб юборди.

Эндиликда мен Набавиянинг меникидан нима учун кетиб қолганининг сабабини билдим, лекин ҳарчанд уринмай, нима учун унинг иккинчи марта гойиб бўлишининг сабабларини аниқлай олмадим. У қайтиб келганидан сўнг меникида йигирма кун турди-да, кейин яна гойиб бўлди. Мен унинг бу ишини на тушундим, на оқлай олдим. Унинг биринчи марта гойиб бўлиб қолганининг мендаги алами ҳали тарқамаган эди. Мен унинг қаршимдаги гуноҳини ҳис этишини ўйлаган эдим. Эндиликда шуни эсласам, ўзимга ўзим бамисоли бир жинойатчидай кўринаман.

Кунлар, кунлар кетидан ҳафталар ўтиб борарди. Шу аҳволда бир йил ўтди.

Бир куни ярим кечада Мизбах кўчаси бўйлаб уйга қайтиб келмоқда эдим. Тўсатдан бирор орқамдан чақириб қолди.

- Хўжайин! Ҳо-о, хўжайин.  
Орқамга ўгирилиб, Набавияни кўрдим.  
– Набавия! Сенмисан?  
Унинг рангида қон қолмаган, кўзлари ичига ботиб кетган, лаблари сўлгин эди.  
– Гуноҳимдан ўтинг, хўжайин...  
– Қаерларда юрибсан, Набавия?  
– Мендан сўраманг, хўжайин. Мен...  
Анави хотин эсимга тушди.  
– Холангми?  
– Ҳа, мени бу ерга ўша хотин олиб келди.  
Қиз ўқчиб-ўқчиб йўталди. Қуруқ йўтал унинг бемалол нафас олишига йўл бермаётган эди.  
– Мен билан кетасанми?  
У менга қаради-да, шошилиб деди:  
– Кетинг. Тезроқ кетинг бу ердан. Бўлмаса, улар сизни ҳам, мени ҳам ўлдиришади.  
– “Улар” деганинг ким?  
– Ким бўларди. Анави хотиннинг одамлари.  
– Улар ботина олмайди, – дедим мен Набавияни тинчителишга уриниб.  
– Улар — безорилар. Улар менинг ҳар бир қадамимни таъқиб қилишади.  
Менга ўхшаганларни таъқиб қилишади. Улар бу маҳалланинг қоронғи тор кўчаларида бизни пулга сотишади. Уни яна йўтал тутди. Шу чоқ унинг ёнига яғриндор бир йигит келди-да, қўпол оҳангда буюрди:  
– Қани, юр, Набавия! – Шундай деб унинг билагидан тутди-да, қизни судраб, зимистон тор кўчанинг қаърига сингиб кетди...

*Рус тилидан  
Озод ШАРАФИДДИНОВ  
таржималари.*



# Маъбудлар, браҳманлар, одамлар

Ҳинду дини тўрт минг ёшда

ВИЛЕМ ГАМПЕРТ

## ҲИНДУ ДИНИНИНГ ҚИСҚАЧА ТАРИХИ

**Х**индистоннинг диний тафаккури тарихи узоқ вақтгача деярли ўрганилмай келинди. Европа фани эса у билан бор-йўғи XVIII асрнинг иккинчи ярмидагина танишишга муяссар бўлди. Энг қадимги адабий манба — “Ригведа”да тўпланган кўшиқ-мадҳиялардан иборат битиклар ҳинд-европа орийлари кўплаб одамсимон худоларга сизиниб келган дея тахмин қилишга асос бўлган. Мазкур худолар ўз хатти-ҳаракатлари, қиёфалари ва феъл-атворлари билан орийлар билан тил воситасида муносабатда бўлган юнонлар, римликлар ва бошқа халқларнинг афсонавий қаҳрамонларига жуда-жуда ўхшаб кетган. Бироқ, “Ригведа”дан тахминан 200–500 йил кейин пайдо бўлган “Қора Яжурведа”нинг насрий нусхаси тўпланган ва браҳманлар динда содир бўлган талай ўзгаришлар ҳақида гувоҳлик беради. Браҳманлар тоифа (варна)си диний расм-русумлар ва қурбонликлар адо этишга тааллуқли ўта қаттиқ қоидалари билан ҳинд халқинигина эмас, балки эндиликда шон-шавкатли ҳинд-европа замонларига мансуб бўлган ўз шавкатли ўтмишининг соясигагина айланиб қолган осмоний худоларнинг ўзларини-да сиқиб чиқарди. Янаям кейинроқ, эрамизгача бўлган сўнгги асрларда, Ҳиндистонда дин ҳозирги вақтгача сақланиб келган кўриниш олган вақтда у чинакам ҳинду динига айланиб бўлганди, ҳинд аҳолисининг икки қисми ўртасида қаттиқ бўлиниш юзага келганига қарамай, орий бўлмаган турли маҳаллий маъбудларга сизиниш расм-русумлари бир-бири билан чатишиб кетганди.

Дастлабки ҳинд-орий дини тузилмасидаги бундай туб ўзгаришлар сабаби нимада эди? Узоқ вақтгача олимлар ҳеч нарсани аниқлай олмадилар: гўё ҳинд-орий босқинчилар Ҳиндистонга маданият ва тараққиётни олиб келган биринчи одамлар бўлганмиш, унганча бу ерда дравидлар, мундаларга ўхшаш авом қабиалар яшаб келганмиш.

1875 йилдагина инглиз қадимшуноси ва генерали Александр Каннингҳем Ҳараппада (ҳозирги Фарбий Панжоб, Покистон) топилган номаълум ёзувли муҳр ҳақидаги хабарни эълон қилди. 1927 йилдан бошлаб Ҳинд дарёсининг ўнг соҳилидаги Моҳенжо Доро қишлоғида, дарёнинг бутун ўзани бўйлаб Ҳимолай тоғи этақларигача бўлган жойларда, ундан кейин Ҳараппада, сўнг Рупару қишлоғида, Рожасгхна ва Гужарот штатларида мунтазам давом этган эллик йиллик қазилмалар бизга юксак даражада ривожланган шаҳар тамаддунини ва ўзига хос маданиятни кашф этди. Бу маданият ҳинднамо маданият ёки дастлабки қазилмалар олиб борилган жой номи билан Ҳараппа маданияти ёки дастлабки жуғрофий таърифларга кўра Ҳинд воҳаси маданияти деб аталди. У қадимги Миср ва, айниқса, қадимги Месопотамия маданиятлари сирасида муносиб ўрин эгаллайди, бу маданият халқлари билан бир неча асрларгача жонли савдо алоқалари ўрнатган. Бу алоқалар айрим саналарни аниқлашга имкон беради —

Моҳенжо Даро ва Ҳараппа тамадуни эрамизгача 2500—1500 йилларни ўз ичига олади; Гужарот маданиятига келсак, радиокарбон ёрдамида аниқлаш шуни кўрсатдики (органик моддаларадаги С радиоактив углерод таркибига кўра), Лотхалдаги Ҳараппа маданияти эрамизгача тахминан 2 000 йилда, Прабхасда эса ҳатто эрамизгача 1500 йилда пайдо бўлган. Шубҳасиз, Гужаротда бу маданият Ҳинд воҳаси аҳолиси билан боғлиқ.

Фарбдан ва шимоли-фарбдан бостириб келган босқинчиларнинг қаттиқ таъйиқи остида бу аҳоли воҳани ташлаб чиқиб, тарқаб кетган. Белужистонда топилган босқинчиликнинг дастлабки излари II мингйиллик бошига тўғри келади; асосий хуруж эса эрамизгача, тахминан, 1500 йилда Моҳенжо Даро ва Ҳараппанинг бутунлай йўқ бўлиб кетишига олиб келди.

Айрим олимларнинг (жумладан, академик Бедржих Грозний) қайта-қайта уринишларига қарамай, бу маданият учун хос бўлган ҳинднамо ёзувни аниқлашнинг иложи бўлмади. Ҳолбуки, ҳинднамо ёзувни тилларга бориб тақалувчи дравид ва мунда тиллари яхши ўрганилган, Ҳиндистоннинг шимоли-ғарбий сарҳадлари яқинида кенг тарқалган бурушаски тили ва Марказий Ҳиндистондаги наҳали тили ҳам киради. Зора кибернетика аралашуви бу мураккаб муаммони ҳал этишда ёрдам берса. Ҳозирча Ҳараппанинг ёзма мероси тилга кирганича йўқ, ўша олис замонлар дини ва унинг сўнгги давр ҳинду динига таъсири ҳақидаги барча мушоҳадалар озми-кўпми тўғри фарозлар сифатида қабул қилинмоқда.

Аммо бир нарса аниқ: агар Чанху Даро (Синд вилояти)даги қадимшунослик қазилмалари у ердаги расом ва ҳунармандлар шаҳарлари вайрон бўлгандан кейин ҳам янги жужукар хўжайинлари учун чинни буюмлар ясашда давом этган бўлсалар, унда тусмол қилиш мумкинки, Ҳараппа маданияти билан бирга Ҳараппа дини ҳам йўқ бўлиб кетмаган, у фотиҳлар хизматида кирган одамлар янгидан мудом яшаб қолган ва уларнинг диний тафаккурига таъсир этиш қудратига эга бўлган. Исогача бўлган славянлар, германлар, римликлар ва юнонларнинг диний тасаввурлари ўрта аср динига кириб келган ва Муқаддас китобларда акс этганига ўхшаб, Ҳараппа дини ҳам у ёки бу даражада, афтидан, ҳинд-орийлар эътиқоди ва динига таъсир кўрсатган бўлиши мумкин; айнан унинг “Ригведа” дини тузилмасида туб ўзгаришлар ясагани ва унга бизлар “Қора Яжурведа” ва браҳманлар ҳақидаги ҳукмимиз кўринишини бергани истисно этилмайди. Шарққа қочиб жон сақлаган Ҳараппа аҳолиси вақт ўтиши билан ё оддий қабилалар маданияти даражасигача тушиб қолган, ёхуд маҳаллий аҳоли ичига бутунлай сингиб кетган. Уларнинг дини кейинчалик браҳманизмга кириб, уни узил-кесил ҳинду дини (ҳиндуизм)га айлантирмагунча унинг ичида ривожланиб борган бошқа эътиқодлар билан кўшилиб кетган.

Кўрайлик-чи, қадимшунослик ашёлари бу нуқтаи назарни тасдиқлармикан. Гарчи Ҳараппа аҳолиси техник жиҳатдан хийла тараққий топган Месопотамия билан савдо алоқалари ўрнатган, мис, бронза қуйишни билган бўлса-да, унинг меҳнат, маиший ҳамда қурол буюмлари ишлаб чиқариш техникаси гарбнинг хийла мукамал техникаси таъсирига тушиб қолмади, тош қуроллар ва асбоб-ускуналардан фойдаланишда давом этаверди. Бундай қаттиққўлликнинг илдизи, маълумки, янги намуналар ва янги ашёлардан фойдаланишнинг маросимий тақиқлари борасидаги диний тасаввурларга бориб тақалади. Ҳозирги вақтларда ҳам сайёрамизнинг айрим бурчакларида хатна қилиш чоғида тош пичоқдан фойдаланадилар. Эҳтимол, Ҳараппа маданиятининг қаттиққўллиги бутунлай дин ва маросимчиликка бўйсундирилган ҳаётнинг барча жиҳатларига даҳл қилади — айнан шу ҳол бугунги кундаги ҳинду дини учун хос хусусиятдир. Тозалик борасидаги ҳаддан ташқари куончаклик ҳам кишини ҳайратга солади, Моҳенжо Даро ва бошқа жойлардаги деярли ҳар бир уйда топилган умивалниклар, ҳожатхоналар ва қудуқлар, уй ва қўча канализацияси, Моҳенжо Даро қалъасида жойлашган катта ҳовузли ҳаммом шундан гувоҳлик беради; бундай далилларни маросимий нопокликдан қаттиқ кўрқиб деган таърифдан ўзга ҳеч нарса билан изоҳлаш мумкин эмас. Айнан мана шу кўрқув браҳманлар, буюк кашфиётлар ҳақидаги битиклар (шраутасутралар), уй-рўзғор маросимларига даҳлдор ҳидоятлар, сўнгги

қадимийлик ва илк ўрта асрчилик (дҳармашастралар ёки смритилар) “қонунлар мажмуаси” гача бўлган дҳармасутралар орқали “Қора Яжурведа” дан қадимги ҳинд диний адабиёти ичига сингиб кетган. “Гуноҳ” тушунчаси қадимги ҳинд адабиётида махсус ахлоқий мазмунга эга бўлмаган. Гуноҳ — бу зарарли нарса, кичикроқ гуноҳлар ўз дахли билан уни каттароқ гуноҳкорга ўтказиб юбора олади, бу шундай бир кирки, мўъжизавий амалиётга кўра, уни ҳаммадан ҳам сув бартараф этади. Шу боис ирим-сиримларни адо этиш чоғида гуноҳ ва хатолардан фориг этувчи кўплаб расм-русумларда чўмилиш (ғусл қилиш) жуда муҳим аҳамият касб этади (уларни ижро этиш юқорида таъкидлаб ўтилган санскрит матнларда тилга олинади). Ҳозирги замон ҳинду динида, айниқса, муқаддас Ганга дарёсида ёки ибодатхоналар ҳовлисидаги ҳовузларда чўмилиш ва ғусл қилиш энг муҳим диний маросимлардан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳараппа тамаддунининг ҳинду дини билан боғлиқлигини тасдиқловчи яна баъзи муълумотлар мавжуд. Лойдан ясалган ҳайкалчаларни мисол қилиб келтириш мумкин, уларда қорни катта, шубҳасиз, Ҳараппа она-маъбудасини тажассум этувчи дуру гавҳарлар билан безатилган баланд соч турмакли аёл яланғоч ёки ярим яланғоч ҳолда тасвирланган. Бошқа ҳайкалчалардан фарқли ўлароқ, булар хийла кўпол ишланган, кишини уларнинг аҳоли қўйи қатламларига мансублиги ҳақида ўйлашга мажбур қилади, кейин бориб-бориб улар хийла имтиёзли хонадонларнинг санамига айланган. Бундай тахминнинг асослилигини шу нарса билан исботлаш мумкинки, худди шундай, аммо қимматбаҳо безаклари анча кўп ҳайкалчалар Белужистон ва Синд вилоятларининг қишлоқ жойларида топилган. Она-маъбудага сизиниш эрамиздан аввалги ва кейинги даврлардаги деярли барча маданиятларда оддий қабилалар орасида мавжуд бўлган, шу боис халқ ҳинду динида унинг айнан Ҳараппа маданияти билан қондош-жондош эканлигига ишониш қийин. Мазкур сиймо муҳрада аёл қиёфасида тасвирланувчи ҳинду қишлоқ маъбудасининг (грамадевга) ўтмишдоши бўлганлиги эҳтимолдан узоқ эмас. Бағридан дарахт ўсиб чиққанлиги унинг ўсимлик-наботот паноҳқори бўлмиш ер маъбудаси эканлигидан далолат беради.

Бир-биридан айтарли фарқ қилмайдиган уч муҳрада Шивасимон қиёфанинг топилиши ушбу муносабатнинг тўғрилигини исботловчи янада ишонарли далил бўлиб хизмат қила олади. Қаршимизда пастак тахта ёки ерда йога ҳолатида ўлтирган маъбуд турибди. Элефантдаги Шива каби у уч юзлик, Лакуминдаги Шива каби эрлик жинси очик ҳолда (демак, у — ҳосилдорлик маъбуд), бу ҳам йога ҳолатида, бошида елпигичсимон катта шох билан тасвирланган. Оралиғида юқори томон кенгайиб боровчи безаклари бўлган бу шохлар (Ҳараппадаги она-маъбудада ҳам шундай эди), дейлик Маҳабалипурамидаги Шиванинг тожига ўхшаб кетади, фақат у бундан кўра ўткирроқ шаклга эга. Уч қиррали безакдаги сиймо кўксида анча кейин топилган. Шиванинг олтин меҳробчасини илғаш қийин эмас. Маъбуд ҳайвонлар тасвири билан қуршалган (фил, йўлбарс, каркидон ва ҳўкиз, тахт остида — иккита ғазола), бу Шива Пашупати (ҳайвонлар ҳомийси)ни эсга солади. Гарчанд ҳинду динида Ҳараппа маъбудди тасвирини тўлалигича такрорлаши мумкин бўлган Шива тасвири бўлмаса-да, ҳамма жойда ҳалигидан ташқари будда диний мусаввирчилигида ҳам фақат айрим ўхшаш нусхаларигина учрайди, — олимлар бунга гап сўнгги топилган Шиванинг Ҳараппа прототиби ҳақида кетмоқда, деган яқдил фикрга келганлар.

Энди шу ўринда айнан Шива Натараж ҳолатини касб этган яланғоч раққоса ҳайкалчасига ҳам эътибор қаратмоқ керак бўлади.

Шива тимсолидан бошланган ва ҳозиргача ҳинду динида муҳим ҳисобланиб келаётган жинсий аъзога сизиниш (линг, лингам) Ҳараппа манзилгоҳларида топилган учи учли буюмлар ёрдамида намоеън этилган. Уни эркак жинсий аъзоси (линг)нинг гоят умумлашган ва услублаштирилган тасвири сифатида қабул қилганлар. Ўртасида тешикчаси бўлган япалоқ тошлар худди шу тариқа аёл жинсий аъзоси (йони)нинг ҳиндуларча тасвирининг ўтмишдошлари бўлган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас.

Шива тимсолининг гавда туриши ҳолати Ҳараппа замонларида йога идрокининг мавжудлигини кўрсатади. Уч япроқ тасвири матога ўралган соқоли



эркак ҳайкалчаси ҳам йога қиёфаси деб ҳисобга олинади, ҳайкалчанинг ярим юмуқ киприги кўзининг бурун учига тикилганидан далолатдир. Бундай талқин қилиш, эҳтимол, унчалик асосли бўлмаслиги ҳам мумкин, чунки гап мўғулча кўринишдаги қийиқ кўзлар ҳақида бораётган бўлиши мумкин.

Ҳараппа динида, афтидан, ҳайвонларга сифиниш жуда кенг тарқалганди, агар муҳрларда тасвирланган ва сиёсий аҳамиятга эга бўлган ҳайвон тасвирларини назарда тутаганидан бўлсак, бунинг ҳаққонийлигига ишонмасдан илож йўқ. Бу ерда хонаки ва ёввойи ҳайвонлар — йўлбарс, фил, каркидон, тимсоҳлар гоҳ турли қиёфа ва ҳолатларда, гоҳ одамлар билан биргаликда тасвирланади. Аини пайтда Ҳиндистоннинг ҳамма жойларида кузатиладиган тотемизм ҳоджаларига дуч келганимиз боисидан уларнинг ҳинду дини билан боғлиқлиги ҳақида комил ишонч билан сўз юритишимиз амри маҳол бўлиб кўринади.

Ўсимликларга, энг аввало дарахтларга сифиниш Ҳараппа динининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Айниқса, ҳинду ва будда динининг муқаддас дарахти ашваттҳ ёки пийпал бизда алоҳида қизиқиш уйғотади. Муҳрлардан бирида Шива тимсоли бошидаги безакни эслатувчи уч шоҳли маъбуда шу дарахт бутоқлари юзида тасвирланган.

Хулосамизда ўқувчига шуни эслатиб қўйишни хоҳлардикки, бўлғувси қадимшунослик топилмалари ва айниқса, ҳинд ёзуви тимсоллари сирларининг инкишоф этилиши Ҳараппа маданиятининг ҳинду динига муносабати ҳақидаги бугунги тасаввурларимизни бойитибгина қолмай, уни тубдан ўзгартириб юбориши ҳам турган гап.

## ЭМИШКА МЕРГАУТОВА ВА БОРИС МЕРГАУТ

### ВЕДАЛАРДАН БРАХМАНИЗМГА

Ҳинд тимсолидаги маданиятнинг йўқ бўлиб кетиши ва Ҳиндистондаги орийларга тааллуқли дастлабки тарихий маълумотлар ўртасидаги давр ҳақида кўп нарса маълум эмас. “Рамайна” дostonидаги маълумотларга ишонадиган бўлсак, бу ерда ўша вақтларда бир-бирдан қаттиқ фарқ қиладиган икки қабила яшаган. Бирлари энгилмас ва қудратли Киратлар қабиласи бўлиб, одам гўшти еб кун кўрган, унинг одамлари қалин қора сочларини тугиб юрганлар, баданлари тилларанг; бошқалари ҳаддан ташқари қора бўлган. Энг янги тадқиқотларга кўра, дастлабкилари коллар бўлиб, уларнинг унча катта бўлмаган тўдалари Малайя яриморотидаги овлоқ жойларда, Камбожада ва Никобар оролларида сақланиб қолган. Қора баданли қабилаларни биз дравидлар авлодига мансуб берамиз.

Геродотнинг шоҳидлик беришича, коллар одамхўр бўлган, улар ўз маъбудларига хом гўшт, иссиқ нон, гоҳо эса тирик одамни қурбонлиқ қилганлар. Аксинча, дравидлар авлоди дини қонли қурбонлиқлар талаб этмаган. Улар дарахтлар, тошлар, кундалар, уй-рўзгор буюмларига сифинганлар, уларга сув сепганлар, гуллар билан безатганлар, хушбўй мойлар суртганлар ва улар ёнида қурбонлиқ олови ёққанлар. Бу барча ишлар кейинчалик пувжа деб аталмиш қонсиз қурбонлиқ сифатида ҳинду динида пайдо бўлган.

Эрамизгача тахминан II мингйиллик ўрталарида Ҳиндистонга орийлар кириб кела бошлайдилар. Улар ўзлари билан қурбонлиқ қилиш (яжия) самарадорлиги эътиқодига асосланган динни олиб келадилар. Биз уларни веда дини деб атаймиз, чунки биз у билан мавжуд энг қадимги ҳинд битиклари — ведалар орқали танишганмиз. Бу дин мураккаб расм-русумларни адо этиши ва мўл-кўл қурбонлиқлар қилишни кўзда тутади. Бунда биринчи галда мол гўшти қовурдоғи ва сом асосий аҳамиятга эга бўлган. Сом — бу кайф берувчи ичимлик бўлиб, ўсимлик шарбатидан олинган. У қай тарзда олинган, қандай кўринишга эга бўлган — ҳалигача маълум эмас. Орийлар кўпроқ чорвачилик билан машғул бўлганлари ва биринчи галда Ҳинд дарёси ҳавзасида ўрнашганлар. Уларнинг кейинги тарқалиш йўлларида баданлари қора қабилалар яшаган ва уларни орийлар даслар, яъни қуллар деб атаганлар. Гарчанд бу қабилалар анча ривожланишнинг юксак маданий даражасида бўлган (кўплаб чорваси ва

деҳқончилик ерларига эга бўлганлар) ва ташқаридан келганларга қаттиқ қаршилик кўрсатган бўлсалар-да, улар қисман йўқ қилиб юборилганди, яна бир қисми ваҳший коллар билан биргаликда тоғларга сиқиб чиқариб юборилганди. Қабилаларнинг баъзилари голиблар сифатидаги турмуш тарзини қабул қилишга мажбур бўлиб, фотиҳлар хизматига бел боғлаганди. Бирмунча муддат ўтгандан кейин эса келгиндиларнинг табақавий тизимида ҳам муайян ўрин эгаллаганлар. Орийларнинг ўзлари ҳам мағлуб қабилалардан сунъий суғориш ва маданый экинлар экиш, энг аввало сули, каноп, кейинчалик шоли ва сезам (донидан мой олинадиган донли экин) етиштириш учун ариқ ва полизлар қазишни ўрганганлар.

Ведалар давридаги ҳиндлар жонли ва жонсиз, руҳ ва модда, муайян нарсалар ва мавҳум тушунчаларни бир-биридан жиддий фарқлаб ўтирмаганлар. Улар атрофимизни турли мавжудотлар — ҳайвонлар, ўсимликлар, маъбудалар ва жинлар қуршаб олган, улар одамларга ўхшайди ва бизнинг ҳаётимизга таъсир қилиши мумкин, деб ҳисоблаганлар. Шундай тасаввурлар қадимги ҳиндлар миясини шу қадар чуқур банд этганки, ҳатто ўз қўллари билан ясаган буюмларни, дейлик қурбонлик меҳроблари, уй-рўзгор буюмлари, қуроллар, ҳарбий ногора, шифобахш мойлар, ошиқларни ҳам “жонли”лар қаторига қўшиб, уларнинг барчасини ҳаракат қилиш қобилияти ва ирода кучига эга деб ҳисоблаганлар.

Табиий ҳодисалар веда ҳиндлари руҳониятига жуда катта таъсир кўрсатган. Қуёшнинг чарақлаган нури, шамолнинг қаттиқ эпкинни, бўронлар шиддати, осмонда узлуксиз чақадиган чақмоқлар, тонг юлдузининг муттасил пайдо бўлиши ва унинг сеҳрли товланиши — булар барчаси ё уларни ҳайратга солган, ё қалбларида даҳшат уйғотиб, ҳангу манг қилиб қўйган. Қадимги ҳинд бундай ҳодисаларнинг келиб чиқиш сабабларини тушунтириб беришдан ожиз эди, улар қонуниятларини билмасди ва шу боис табиат оламига одамлар ҳаётидан тажриба олиб кирган, табиий ҳодисалар кучига руҳоний ва илоҳий тус берган. Веда қўшиқларида биз олов тангриси (Агни), илоҳий тажассумли тонг шафағи (Ушас), осмони фалак ва осмон тангриси (Дйаус), қуёш ва қуёш маъбудди (Сурйа), шамол ва шамол тангриси (Вайу) билан учрашамиз. Аста-секин улар фаолиятининг доираси кенгайиб борди, бироқ бунда айрим маъбудлар ҳақидаги тасаввурлар ҳам тугал концепция шаклига эга бўлиб улгурмаганди: баъзи маъбудлар бир хил атрибутларда тасвирланарди, баъзиларига алоҳида хусусиятлар етишмай қоларди ёки етарли даражада аниқлик билан ифода этиб берилмасди. Баъзан эса у ёки бу маъбуд феъл-атвори умумий хусусиятлар билан биргаликда (барча маъбудларга хос бўлган куч, эзгулик, донолик сингари) иккинчи даражали хусусий фазилатлардан ташкил топар ва унинг ўзигагина хос бўлган хислатлар шулар ичига сингдириб юборилар эди.

Маъбудлар зумраси аниқ бир тизимга ҳам эга эмасди: ҳар бир қўшимча ўзи таърифу тавсиф қилаётган тангрисини биринчи ўринга қўяр ва унга олий хислатларни тақар эди. Бир қўшиқда тангрининг энг муҳими деб бошқа қўшиқларда иккинчи даражали деб тараннум этилиши ана шундан. Қариндош-уруғчилик муносабатлари ҳам у қадар аниқ белгилаб берилмаган — бир қўшиқда ота деб алқанадиган тангри бошқасида ўғил қиёфасида намоён бўлади, биттасида ака ё ука бўлса, бошқасида эр деб талқин этилади; бир қўшиқдаги маъбудда қайсидир маъбудга она бўлса, бошқасида — хотини. Орийларнинг маъбудлари келиб чиқишида кўплаб нуқтаи назарлар мавжуд бўлиб, улардан нечтасига сизинганлари аниқ белгилаб қўйилмаган; аксарият тангрилар ўн биттадан уч қарра бўлганлар, яъни ўттиз учта ҳисоблаб қилинган, шундан ўнтаси осмонда, ўн биттаси — ерда ва ўн биттаси ер ва осмон оралиғида жойлашган. Веда қўшиқларда кўплаб ноаниқликлар ва қарама-қарши фикрлар учрайди — шу нарсани эсдан чиқармаслик керакки, ўзининг сўнги узил-кесил ёзма таҳриригача улар ягона бус-бутунликка эга эмасди, аммо улар асосида биз веда тангрилар зумрасидаги айрим қиёфаларнинг ҳеч бўлмаганда асосий хусусиятларини тиклашимиз мумкин бўлади.

Энг кекса тангри Дйаус эди, уни яна Ота Дйаус (Дйаус Питер) ҳам дейишган. Орийлар унга Ҳиндистонга келгунарига қадар сизинганлари ҳақида қуйидаги ҳолатлар гувоҳлик беради: Дйаусга Юнонистонда Зевсга, Римда

Юпитерга, герман қабилаларида эса Тир ва Зийга сифингандек сифинганлар. “Ригведа”да у турли қиёфаларда ва сўнгисининг намоёнларида осмон билан бирлашиб кетади. Масалан, юлдузли тунги осмон жавоҳирлар билан музайян этилган қора отга муқояса қилинган, момақалдироқ ва чақмоқ билан алоқадорликда Дйаусни газабга минган ва бўкириб турган хўкиз деб аталган ва ҳоказо. Ер (Притхвий) унинг хотини бўлган ва уларнинг ҳар иккаласи ҳам ёруғ оламнинг, тангрилар ва одамларнинг энг қадимги ота-оналари сифатида тараннум этилган. Бироқ уларнинг шон-шавкати илк ведалар давридаёқ ўз итмомига етган ва уларнинг ўрнини Индр, Агни, Сом ва бошқалар эгаллаган.

Веда илоҳиётидаги энг оммабоп тангри Индр бўлган: “Ригаведа”нинг 1028 кўшинидан 250 таси унга бағишланган. Ҳинду дини пайдо бўлгунга қадар у орийларда қишни барбод этувчи нур ва иссиқлик тангриси бўлган. Ҳиндистоннинг субтропик минтақаларида дастлабки таассурот янгиси билан алмашиб туради — иссиқлик тангриси бўронлар ва ёмғирлар тангрисига, қурғоқчилик деви, Вритра деган аждаҳо билан олишувчи қудратли паҳлавонга айланади; Вритранинг қорнида тутқунлар — осмон сигирлари — булуллар ва осмон сувлари қамалиб ётади.

Индрнинг қариндош-уруғчилик алоқалари, у қадар ёрқин эмас, аммо шу нарса эҳтимолга яқинки, у Осмон ва Ернинг ўгли ҳисобланган, унинг “ота-оналари” ҳали умумий хонадонда умргузаронлик қилиб юрган даврларда ҳомила бўлган ва дунёга келган. Она биқинидан гайритабиий равишда туғилганидан кейин Индр сом деган мўъжизавий шарбатдан нўш этмагунга қадар кўздан яширин жойда сақланган. У ерда ортиқ қолиши мумкин бўлмаган, зеро у шу қадар баланд бўлиб ўсиб кетганки, осмонни ердан абадий ажратиб қўйган, улар ўртасидаги бўшлиқни тўлдириб турган ва тангрилар ва одамлар ҳаракат қилиб юрадиган ҳавонинг соҳиби бўлиб қолган. Унинг салтанатига ёвузлик кучларини ва улар доимий равишда кураш олиб борадиган тангриларнинг абадий рақиблари ва душманларини ўзида мужассам этган иблислар (асурлар ва рақшаслар) салтанати қарши қўйилган. Даставвал тангрилар кучли томон бўлмаганлар, улар тепаларига шамолдан ҳам учқур икки от қўшилган олтин жанг аравасидаги ажойиб жангчи, жасоратли Индр келганидан кейингина голиб кела бошлаганлар. Ведалар ҳофизи тангрилар билан биргаликда унга шундай деб мурожаат қилади:

Келгил, Индр, учқур аргумоқларингда,  
Унинг ёллари товус патларидек товланади.  
Агар сени сайёдлар қушни тутгандайин  
Ҳеч ким ўз тўрига тушира олмаса  
Сувсиз сахро қуюнидек, улар олдидан учиб ўтиб кел.  
Сен денгиздек теран донолик соҳибидирсан,  
Сигирлар подасидек саноғинг йўқ,  
Тафаккур сенга дохил бўлган, кулга сув оқиб киргани каби,  
Яйловдаги сигирларга  
Пок ниятли подачи қўриқчилик қилгани каби.

Индрнинг улуғворлиги ва қудрати ҳайратомуз даражада тумтароқли ва дабдабали ибораларда тараннум этилади: олдин туғилган ёки ҳозир туғилаётган тангрилардан ва одамлардан ҳеч ким унга тенг келиши мумкин эмас; у — коинот эгаси одамлар ва тангрилар доҳийси, ҳавода яшовчи иблислар қушандаси, абадийликнинг маст қилувчи шарбати сомнинг ҳимоячиси, гоҳо у шарбатдан шунчалик кўп ичиб юборадикки, ҳатто маст бўлиб қолади. Кейинчалик, орийлар маҳаллий қора баданли аҳолини енгганларидан сўнг улар оқ баданли жангчиларнинг бош ёрдамчиси сифатида ҳам Индрга топина бошлайдилар.

Индр — диний одатларни расм қилувчи эмас, у ҳар қаёққа қўли етадиган ҳукмдор, ўз кучи билан табиат оламидаги ҳамма нарсадан устун туради, унинг қўллаши ғалабани таъминлайди, унинг ҳаққига сом нўш қилиб қурбонлик расмини адо этганларни беҳад саховату муруввати билан сарафроз айлайди. Ҳинду динида ҳам у муҳим тангри бўлиб қолади, унда илоҳий қарама-қарши қудрат, ердаги ҳукмроннинг осмоний инъикоси сифатида намоён бўлади,

бирок у ерда у ведавийлик шон-шавкати ва кудратининг талайгина қисмидан маҳрум бўлади. Ҳинду динидаги Индр камчилик ва заифликлардан холи эмас, уни иблислар тез-тез салтанатидан бадарға қилиб турадилар ва асосий ҳинду тангрилари — Шива ва Вишну аралашувидан кейингина ўз тахтига қайтиб келади.

Ер тангрилари ичида марказий сиймо саналган ёш, навқирон олов тангриси Агни шарафига қарийб 200 кўшиқ бағишланган. Веда кўшиқларида хабар бериладики, у бекинмачоқ ўйнашни хуш кўради ва тангрилар уни паналардан — сувлар, булутлар, дарахтлар ва бошқа буталар ичидан топадилар. У ё осмон сувлари ичида дунёга келади ва чақин кўринишида ерга қараб учади, ёки ёниб кул бўлиб кетадиган қуруқ дарахтнинг ишқаланиши йўли билан туғилади. Бундай ҳолат ҳақида ўз ота-онасини еб кўядиган чақалоқ тўғрисида гапиргандек ҳикоя қиладилар. Агни оилавий бахт, соғлом зуррёт, муваффақият ва абадият, инсон хонадонига суюкли меҳмон ато этадиган саховатли, меҳрибон тангри. Қурбонлиқ олови тажассуми сифатида у барча расм-русумларда рол ўйнайди — осмон ва ер ўртасида воситачи бўлиб хизмат қилади ва одамларни худоларга қурбонлиқ қилади.

Веда илоҳиётида учинчи ўринни Индр жонидан яхши кўрадиган маст қилувчи ичимлик сом эгаллайди. Сом ҳақида энг аввал шу номдаги ўсимликдан шарбат тайёрлаган қурбонлиқ эгаси ўйлаган эди. Тоza ёки сут ва асал аралаштирилган суюқлик турли худоларга қурбонлиқ қилинган, бирок одамлар ҳам қуруқ қолмаган — сом нўш этиш расмидан кейин иштирокчилар қолдиқни нўш этганлар; шундай қилиб, сомни тангрилар ҳам ичганлар, одамлар ҳам ичганлар. Ғайриоддий бўлган ёки ғайриоддий таъсир кўрсатган ҳамма нарса ғайритабиий кучга эга деб тан олинган, сомнинг ўзини ҳам, кайф берувчи ҳар қандай ичимликни ҳам шундай аташган. Бу тангри даставвал фақат осмонда истиқомат қилган деб ҳисобланар эди, лекин бир куни лочин уни ерга олиб тушади ва ўшандан бери Сом осмон зуррети деб аталади. Анча кейинроқ уни ойга қиёс қилганлар ва ой ўз шаклини ўзгартириб туради, чунки у абадият шарбати тўлдирилган паймона бўлиб, тангрилар шарбатни нўш этганларида, ой кичрая бошлайди ва то Қуёш паймонани қайтадан тўлдириб қўйгунча кутиб туришга тўғри келади, деб “тушунтирганлар”.

Биринчи учликдан кейин дарҳол тахминан элик кўшиқда тараннум этилган ва бошқа кўплаб кўшиқларда эслатиб ўтиладиган Ашвинлар келади. Улар Ведаларгача даврда юзага келган. Ашвинлар фикр ёки лочиндек учкур, чиройли, чақноқ, кучли эгизаклар бўлиб, тангрилар ичида энг ёшлари саналади. Улар асал ва жавоҳирот тўла олтин аравада у ёқдан-бу ёққа кўчиб юради, араванинг учта чархи (ғилдираги), учта шотиси бўлиб, уни отлар ёки қушлар торган. Йккита ўриндиқ Ашвинларга тегишли, учинчиси қуёш тангриси Сурйаникидир, айни ҳолда эгизакларни қаллиқ қилиб олган ва аравага ўз ихтиёри билан чиқиб ўтирган ёш қиздир. Ашвинлар сиймоси ҳаддан ташқари ноаниқ, уларнинг қандай ҳодисани ўзларида намоён этишлари борасида турли тахминлар айтилган. Баъзан уларда тонг чоғи уфқи чулғаб олган нур ва зулматни кўрадилар, гоҳида тонгги ёки кечки шафақни, Эгизаклар буржини, ёмғирлар тангрисини, ой ва қуёшни, тонг ва шомни тасаввур этадилар. Кейинчалик улар тангрилар ва одамларни шифоловчилар, эр-хотин муҳаббатини ҳимоя қилувчилар ва зуррёт ато этувчилар деб ҳисоблай бошлаганлар.

Ашвинларнинг сингиси тонг юлдузи Ушас бўлган, у чарақлаб ёниб турувчи осмон қизи ҳисобланади. Ҳар куни эрталаб у тоғорани тарк этади-да, сингиси Тунни ҳайдаб юбориш, нур дарвозани очиш ва ўзининг кўз олғувчи либосларига чулганган, гўзаллигини оламга кўз-кўз қилган ҳолда чарақлаган ва жимжимадор, унга осон итоат этувчи саман отлар қўшилган шоҳона аравасида намоён бўлиши учун раққосалардек етиб келади.

Раққоса каби у сийналарини очиб,  
Ўзига ўзгача оро беради,  
Бамисоли сигир елинини кўз-кўз қилганидай.  
Бутун коинотга етгулик нур таратганча  
Тонг зулмат эшигини ланг очади.  
Бамисоли сигирларга оғил эшигини очиб юборган каби.

Мана, тагин унинг чақноқ нурлари пайдо бўлади,  
 У ўрнидан туради, беўхшов (тун)нинг қора кўланкасини ҳайдайди.  
 Расм-русумлар учун устунларни безатишгани каби  
 Осмон қизи ўз нурларини соча бошлайди.

Веда илоҳиётидаги бу энг гўзал, ҳеч қачон кексаймайдиган ва ўлмайдиган аёл сиймоси қуёш худоси Сурийани ўзига мафтун қилиб олиш ҳечам таажжубланарли эмас. Ошиқ ўз маъшуқасини таъқиб қилганидек, Сурия пуштиранг сийнаги Ушасни таъқиб этади, бироқ у нурлари билан қизга етдим деганда Ушас ғойиб бўлади ва эртаси кун тонг билан яна пайдо бўлади, ўз жозибаси билан сеҳрлаб, авраганча Сурийани яна орқасидан таъқиб этишга мажбур қилади. Кейин эса етти мовий аргумон узра гуриллаб ёниб турган сочларини кенг ёйиб, осмони фалакдан учиб кетади, борлиқ оламни ёритган қўйи одамларнинг нималар қилаётганини кузатади. Уни турлича тасвирлайдилар: гоҳ қуёш кўринишида, гоҳ от ё хўкиз кўринишида, гоҳ осмон гумбази бўйлаб думалаб кетаётган чарх (ғилдирак) кўринишида.

Савитар (Ундовчи ёки Ҳаракатга келтирувчи) қуёш тангриси билан боғлиқ; тилла бошли, тилла қўлли, тилла лабли ва тилла сочли, ярқираб турган тилла курол тутган бу тангри оқ оёқли олтин аргумоқлар тортиб кетаётган олтин аравада савлат тўкиб ўтирибди. Савитар табиатни жонлантиради, уни ҳаракатга келтиради: эрталаб одамларни ҳаракат қилишга ундайди, кечкурунлари эса ўзининг олтин қўлларини кўтарди-да, ётқизиб ухлатади. У — хонадон дўсти ва дуолар улашувчидир, у ёмон тушларни ҳайдайди, иблисларни таъқиб қилади ва гуноҳлардан халос этади. Уни ҳеч ким енголмайди, уни бутун башариятнинг энг қадимги волидаси Адити ва бир қориндан талашиб тушган ака-ука Адитйалар шарафлаб туради.

Ҳинду динининг бош тангриси Вишну бўлиб, унга ведаларда иккинчи даражали ўрин берилган ҳамда қуёш илоҳи сифатида тасвирланган. “Ригведа”нинг олти қўшигида у учта одими билан ер, ҳаво бўшлиғи ва коинотни кесиб чиққанлиги билан алқанади. Бу афсона ҳинду динига ўтиб қолган ва веда шарҳловчилари ёруғ оламнинг уч шакли (олов, нур ва қуёш) ёки қуёшнинг уч ҳолати (чиқиш, туш ва ботиш) сифатида изоҳлайдиган “Вишнунинг уч одими”, Вишнунинг пакана бўлиб қолган тажассуми билан боғлиқ афсонанинг марказий гоёси бўлиб ҳисобланади.

Пувшам ҳам қуёш тангриси саналади, у қорамол ва йўллар ҳимоячиси, йўқолган буюмларни топувчи, ўсиш худоси, марҳумлар ҳамроҳи; у бўтқа билан озиқланади, зеро унинг битта ҳам тиши йўқ.

Гоҳо қуёш, гоҳида эса нур ҳамма нарсани кўргувчи ва ҳақиқатгўй Митр (Дўст)ни гавдалантирган, у, афсуски, ўзи кам намоён бўлади. У — Варуннинг дўсти ва одатда иккаласига барабар мурожаат қилишади. Митр дунёга кундузи ҳукмронлик қилса, Варун — тунда ҳукмронлик қилади.

Олий ҳукмдор Варун сиймоси веда худоларининг концепцияларига мос келмайди. Масалан, ведаларда унинг ташқи кўриниши қарийб ҳеч жойда йўқ, бироқ унинг ахлоқий фазилатлари ҳақида батафсил гапирилади. Варун — бутун дунёда абадий жисмоний ва ахлоқий тартиб (риту)ни ўрнатиб туради. Унинг амри билан йил фасллари ўзгаради, бўрон қўзғалади, дарахтлар гуллайди. У қуёш томон йўл очади, тун ва куннинг алмашинувини, қушларнинг парвозини, дарёларнинг оқишини кузатади, баҳри муҳитларни тошириб юбормасликларидан эҳтиёт қилади. Барча ошкор ва ниҳон унга маълум, иккитаси маслаҳат қилганда у ҳар доим учинчиси бўлиб иштирок этади. Тун ҳукмдорининг кўплаб доно ва адашмайдиган кузатувчилари бор — юлдузлар минглаб кўзи билан оламга қараб туради (кундузи ҳар нарсани кўргувчи кўз вазифаси қуёш зиммасига юклатилади). У айбдорларни жазолайди ва кечирим сўраганларни афв этади.

Кўплаб веда тангрилари феъл-атворига ёт бўлган ахлоқий асос бу ўринда шу қадар кучли ифода этилганки, қандайдир бегона, эҳтимолки, Бобил таъсирини кўзда тутишга мажбур этади. Ведалардан кейинги даврда Варун сиймоси анча ўзгарди. Уни кўпроқ сув билан боғлайдиган бўлдилар, бироқ бунда олий даражали худо, олий адолат ўрнатувчидан денгиз худосига айлантирганлар.

Яна бир сиймо одатдаги веда тасаввурларига жавоб бермайди — бу бўронлар худоси ва жомоллар отаси, нуқул салбий хусусиятларни ўзида мужассам этган ягона худо Рудр (Ўкирувчи) ҳисобланади. Рудр — хатарли йиртқич сингари ҳамма нарсани барбод этувчи ва ваҳший махлуқ, фалакдаги малла қобон, абжир, кучлиларнинг кучлиси, тутқич бермас, ҳайратомуз шиддаткор. Сочи (юнги)ни бошига турмаклар олган, олтин тақинчоқлар ва ҳашамдор ифшонлар таққан бу тўқ жигарранг гавдаси йиртқичга ўз ихлосмандларини даволашга ва улар умрини узайтиришга қодир, шифобахш гиёҳлар ҳукмдори бўлмиш табиб сифатида сиғинганлар.

Диний расм-русумларда ҳам Рудрнинг алоҳида ҳолати акс этган. Барча осмоний худоларга мўлжалланган қурбонлардан унга фақат сарқитлар насиб этган. Бунда Рудрга сиғиниш қишлоқлардан олисдаги ташландиқ жойларда, сайхонликларда, йўлларнинг чорраҳаларида, кўпинча ҳаттоки олов ёқмасдан ижро этилган ва бу ўз маъносига кўра одатда одамларга нисбатан адоватда бўлган иблисларга келтирилган қурбонлиқни эслатиб турган. Бундай муносабат янада ҳайратланарлидир, у Рудрнинг қудратига ва унинг одамлар қалбига даҳшат солишига асло мос келмаган. Уни бошқа тангрилар каби шарқ томонда эмас, балки шимол томонда жойлаштирганлар. Булар барчаси шундай фикр юритишга олиб келадикки, даставвал Рудр орийларнинг тангрилари сирасига кирмаган, балки улар уни Ҳиндистоннинг энг қадимги аҳолисидан олишган, маълум ўзгаришлар ва ихлосмандларини чўчитувчи ва илоҳиёт ҳақида одатдаги тасаввурлар билан у қадар қовушмайдиган аввалги ҳислатлар юмшатиладиган кейин веда илоҳиёти таркибига киритилган, у ерда Рудр ҳеч қачон алоҳида аҳамиятга эга бўлмаган ҳам. Бироқ анча кейинги даврда унинг аҳамияти сезиларли ортди: бошқа ҳар қандай ведавий тангрига қараганда кўпроқ ўзгаришларга дучор бўлиб ва Шива билан қўшилиб, у ҳинду динининг энг асосий тангриларидан бири бўлиб қолди.

Қарийб барча ведавий тангриларнинг хотинлари бўлган: Аниники — Аснаий, Индрники — Индраний, Варунники — Варунаний, ҳолбуки, улар ведаларда жуда кам тилга олинади. Тўғри, бир қанча аёл сиймолари, масалан, Адити ёки Ушас қайсидир фазилатлари билан суюкли бўлганлар; Сарасватий ва Вач ҳам шулар қаторига киради.

“Ригведа”да Сарасватий — дарё номи бир вақтнинг ўзида маъбуда исми ҳам бўлиб, шу дарё бўйида унга қурбонлиқлар қилинган. У оналарнинг энг яхшиси, дарё ва маъбудларнинг энг яхшиси бўлиб, у кўшиқлар тўқишда ёрдам берган кўшиқчилар томонидан алоҳида эъзозланган.

Вач — нутқ, “сўз” тажассуми, ведалар онаси ва Индрнинг хотини; у Паражапатидан дунёга келган бўлиб, унга ярим шоҳ (фаришта)лар — гандҳарвлар сом эвазига ато этганлар. Вач ва Сарасватий кейинчалик ҳинду динида Брахманнинг хотини сифатида турли исмлар остида тилга олинувчи донолик тангриси сиймосида бир-бирига қўшилиб кетган.

Ярим илоҳларнинг ведавий олами ҳам ҳинду илоҳиётига кириб келган ва унда фахрли ўринни эгаллаган. Ведалардаги апсаралар туманлар тажассуми саналади; ҳинду динида улар “Рамаяна” ва пуронларда айтилишига кўра, сут баҳри муҳитининг тўлқинланиши туфайли пайдо бўлган соҳибжамол фаришталарга айланганлар. Ривоят қилинишича, кўпик ичидан чиқиб, улар тоза сувда чўмилмаганлар, шу боис уларни на худолар, на иблислар хотинликка олишган ва апсаралар барча учун ярим илоҳий аёллар бўлиб қолганлар. Улар жангларда ҳалок бўлган қаҳрамонлар ва худолар ҳаётини ёқимли қилишлари керак бўлган. Улардан энг гўзаллари худоларнинг амри бўйича дарвешларнинг бошини айлантириш ва уларни ҳаддан ташқари қаттиқ риёзат чекишдан чалғитиш учун соҳилларда пайдо бўлганлар. Агар қадимги Ҳиндистон аҳолиси дарвешликни дунёни ҳаракатга келтиришга қодир куч деб ҳисоблашганларини эслайдиган бўлсак, бу унчалик мантиққа тўғри келмайди. Дарвешлик худоларни яратди, оламларни йўқ бўлиб кетишдан сақлаб қолди ва янгилади, бандаларнинг ҳаддан ташқари бефарқлиги худоларни уларнинг тахтидан тушириб қўйди. Табиийки, апсараларнинг сеҳргарлиги жуда юксак баҳоланган; Индр саройида улар гандҳарвлар, самовий кўшиқчилар ва киннарлар, самовий раққослар — ярми одам, ярми қуш (ёки от) мавжудотлар билан кўнгилхушликлар қилиб, шодон

хаёт кечирганлар. Шуниси таажжублики, айнан мафтункор апсаралар соҳир овозлари ва равон ҳаракатлари билангина ажралиб турган ана шундай галати шерикларга эга бўлганлар.

Худолар ва ярим худоларнинг орийларгача бўлган илоҳлар шарофати билан улкан катталиққа ўсиб борган олақуроқ оломони кейинчалик чексиз ҳинду илоҳиётини ташкил этди. Уларнинг барчаси бир-бири билан ўзаро қариндош-уруғчилик ришталари билан боғланган эди, аммо бу ришталар қариндош-уруғчилик муносабатларига қарама-қарши тарзда антик мифологияда анча ноаниқ моҳият касб этар эди. Дарвоқе, коинот ҳақидаги тасаввурлар ҳам у айтган қадар аниқликка эга эмас эди.

Гарчанд ведавий даврда одамлар худоларга ишонч билан муносабатда бўлган бўлсалар-да, уларда худоларнинг кўнглини овлаш керак ва иложи борича улар газабини бартараф этиш лозим деган эътиқод мустаҳкамланиб борди. Шу боис расм-русумларнинг уста ижрочилари асосий эътиборни шундай удумга жалб этар эдиларки, унинг марказий нуқтаси қурбонлиқ қилиш бўлар эди. Қурбонлиқни адо этиш чоғида — “Ригведа” кўшиқлари билимдони Ҳотар худоларни чорларди, “Сомведа” билимдони удгатар қурбонлиқ расмига кўшиқ айтиб жўр бўлиб турарди, “Яжурведа” билимдони адҳ вартйу қурбонлиқ расмини бажо келтирарди, олий қоҳин-браҳман эса бутун маросимни кузатиб борарди.

Кейинчалик жамият тўрт асосий ижтимоий гуруҳ — варналарга бўлинганда ва йирик давлат тузилмалари юзага келиши билан шоҳ ҳокимияти сезиларли кучайганда қоҳинларнинг аниқроқ ихтисослашуви янада кўпроқ кўзга ташланди. Ведалар билимдони ва қурбонлиқ келтириш жараёнининг режиссёри браҳман одатдаги маросимий амалларда тўқис иштирок этиш учун жуда юқори ўринни эгаллаган. Янги ижтимоий қурилма уй аълиёси — пуροҳитнинг янги вазифасини пайдо бўлишига сабаб бўлди; шоҳ, айниқса, диний мураббийга, афсунгарлик расмлари ёрдамида унинг ҳокимиятини муҳофаза қила оладиган доимий маслаҳатгўйга муҳтож бўларди.

Бу давр ведаларнинг тўртинчи самҳита (тўплам) — “Атҳарвавед”да ўз аксини топган. У қолган уч ведаларда берилган янада қадимийроқ диний тасаввурларни акс эттириши шубҳасиз: унда кўплаб орийларгача бўлган унсурлар иштирок этади. Собибҳадан браҳманлар бу тўпламни узоқ вақтгача веда деб эътироф этишдан бўйин товлаб келган бўлсалар-да, бизгача етиб келган “Атҳарвавед” қоҳинлар гуруҳларининг муросага келишлари натижаси ҳисобланади, бунинг оқибатида манба ўзининг дастлабки фазилатларидан анчасини йўқотишга улгуради.

Қоҳинлар орасида фароғат келтирувчи маросимларни ижро этувчи атҳарванлар ва мазмуни “адоватли афсун”дан иборат бўлган маросимларни ижро этувчи ангираслар расман ажралиб турар эдилар. Дастлабкилари веда худоларини тан олар эдилар, бироқ қурбонлиқ расм-русумларини тўла равишда адо этмас эдилар. Анъанавий веда қурбонлиқлари жуда қимматга тушар эди ва фақат бадавлат одамларгина бунинг уддасидан чиқар эдилар, шу боис хийла оддий маросимлар пайдо бўлди; шу билан бирга ҳинду динида ҳозиргача озмунча роль ўйнамайдиган хонадон маросимларига асос солинган эди.

Орийларнинг Ганга водийси ва ундан нари жануб ва шарқ томон хатарли намчил чангалзорларга силжиб атҳарванлар олдига ўлим ва қасаллик хавфи остида қолган, табиат кучларига қарши курашда ночор, яъни қурбонлиқ қилиш, куф-суф қилдириш ва табиатга кўрсатишга қурби келмайдиган одамларни муҳофаза этишдек янги вазифани кўндаланг қўйди.

(Атҳарвавед) атҳарванларнинг бир қатор ғайритабиий салоҳиятларга эга эканлигини таъкидлайди. Улар одам умрини юз йилгача чўза олганлар ва асосан рақибларнинг сеҳр-жодулари, дуойибадлари сабабли дучор бўлган, ёмон кўз тегиши, шунингдек одамларнинг ўз қилмишлари, уларнинг худолар, ажодлар ва ўзига ўхшаганларнинг олдида содир этган гуноҳлари сабабли бошига тушган барвақт ажалдан қандай қутулиб қолиш воситаларини билганлар, бошқа сеҳргарнинг амалларини зарарсизлантира олганлар, бу киши соғлиғига, мулкига ёки ижтимоий ҳолатига даҳл қилган-қилмаганини айта олганлар. У келиши билан қишлоқдан ёвуз руҳлар, жин-ажиналар изсиз ғойиб бўлган. Атҳарванлар

хонадон соҳибининг фаровонлигини, насл аъзоларига итоатини, қорамол ва дон-дун мўллигини таъминлаганлар, оилавий ҳаётда ўзаро меҳр-муҳаббат, бахт ва ҳамжихатлик, қариндош-уруғлар ва фарзандлар билан муносабатларда аҳиллик қарор топишига эришганлар.

Одатда дуолар ва дуойибадлар ҳимоя маъносига эга бўлган, жин-алвастилар, душманлар ва касалликлардан сақлаб қолган. Борди-ю, рақибнинг қарғиши мусибатига гирифтон қилган бўлса, “хужум” — душманни хавфсизлантириш ёки ўлдиришга олиб келувчи қайтарма дуоларга ўхшаш янада ўткирроқ қарғиш ҳимоянинг энг яхши воситаси ҳисобланган. Рақиб ҳам худди шундай усулларга мурожаат қилишини кутиш табиий бир ҳол. Бинобарин, қураш, одатда, сеҳр-жоду усули соҳасида олиб борилган ва икки атҳарвандан энг кучлиси енгиб чиққан. Уларнинг қудрати тажриба, укув билангина аниқланган эмас, у тапасга — қаттиқ риёзатга, дарвешликка, тўла-тўқис ўз нафсини ўлдиришга боғлиқ бўлган.

Сеҳр-жодудан ташқари атҳарванлар одамларни мусибатлар ва касалликлардан сақлаш учун турли дорилардан ҳам фойдаланганлар. Улар айрим гиёҳ ва моддаларнинг фойдали таъсирларини билганлар, бошқача қилиб айтганда, анъанавий ҳинд табобати — “Аййурведа” бўйича тизимли билимлар мажмуи юзага келгунга довура дастлабки табиблик ролини ўйнаганлар.

Манбада бошқа ведаларда ҳам маълуми машҳур бўлган қурбонлиқлар тавсифи сақланиб қолган; унинг маросимий атамалари ҳам анча бой. Бу ерда қурбонлиқнинг асосий мақсади ўзини осмонда жой билан таъминлаш ва ерда фаровонликка эришишга интилиш сифатида шакллантирилган, аммо асосийси — расм-русумларнинг сеҳр-жоду кучи ёрдамида душманлари ва рақибларидан халослик топишдир. Шундан кейин навбатдаги, брахманлик босқичида биз рамзий қурбонлиқлар билан учрашамиз, уларни бажаришда сеҳр-жоду русумлари анча соддалаштирилган бўлади. Алоҳида ҳолатлар муносабати билан амалга ошириладиган ва ниҳоят бирон-бир муайян истакни ижро этиш учун бажариладиган барча қурбонлиқлар савага киради. Уларнинг барчаси фалакка етишувга, узоқ умр кўришга, бойлик ва фарзандга эга бўлишга, душманларни йўқ қилишга ва ҳоказоларга ёрдам бериши керак. Қурбонлиқларнинг сом нўш этиш ўрнига алмашган Браҳмаудан сава деб аталувчи биттаси устида бироз тўхталамиз. У брахманларга қайнатилган гуруч қурбонлиқ қилишдан иборат, улар бундан ташқари ҳақ эвазига олтин олганлар. Аввало тегишли сўзлар ирод қилинган ва олов ёқилган. Уй эгасининг хотини сигир териси устига ўрнатилган ҳовончага шоли ташлаган, шоли оқланган, ажраб чиққан тўпонни саватга солиб қўйган. Тўпон Агнига аталган ва ўчоқда ёқиб юборилган. Сўнг гуруч идишга солиниб, сув қуйиб қайнатилган, бу барча амаллар давомида дуолар ўқиб турилган. Кўшиқ айтилаётганда маросим ўтказилаётган жойда уй эгаси гуручли идиш атрофини уч марта айланган. Қайнатилган гуручни Адити маъбудасининг ўнг қўли тимсоли бўлган кафгир билан олганлар ва унга мол ёғи, сут сепганлар. Ҳосил бўлган ширгуручнинг тепа қисми ўйилиб, унга ёғ қуйганлар ва уни “Атҳарвавед”ни биладиган тўрт коҳинга инъом этганлар. Фақат шу брахманлар ва уларнинг авлоди шундай ширгуручни еганлар; бошқа одамларга ширгуруч катта зарар етказган. Кўринишдан анча жўн бу маросимнинг мақсади сом олиш ва нўш этиш маросимидан асло фарқ қилмаган (унинг айрим унсурлари сом нўш этиб қилинадиган қурбонлиққа ўхшаб кетади), — у қурбонлиқ қилган кишига узоқ умр, давлат, зуррёт ато этган, ўлимидан кейин эса фалакдаги оламда ҳаётини давом эттиришга ноил этган.

Бироқ рамзий қурбонлиқ атҳарванлар сизиниш амалиётининг сўнгги сўзи бўлмаган. Улар анъанаси ривожланишининг сўнгги босқичида расм-русумларнинг Браҳман тилга олган сеҳргарлик кучи қурбоннинг ўзига қиёс қилина бошлаган. Браҳман қурбонлиқнинг барча унсурларини қамраб олган: қурбонлиқ қилувчиларни ҳам, расм-русум асбобларини ҳам, қурбон қилинувчини ҳам; шу билан Браҳман қурбонлиқ маросимининг ўзининг энг олий асоси бўлиб қолган. Атҳарванлар шунга ишонишганки, бу сирли Браҳман — олий даражадаги гайритабиий куч, у фидойилик ва дарвешлик орқали олинади. Шу тариқа қурбонлиқ бир қанча босқичдан ўтиб келган — ҳақиқатан ҳам амалга ошириладиган моддий маросим, рамзий маросим ва хаёлан тасаввур этиладиган,



Брахманни соф англаш маросимига етилиб борган “ботиний” маросим. Брахман маросими ҳақидаги тасаввур кейинчалик упанишадларда ривожлантирилган ва ишлаб чиқилган.

Орийларгача бўлган аҳолидан қабул қилиб олинган ва орийларникига асло ўхшамаган расм-русумларни ёрқинлаштириш ва ҳаққонийлаштириш зарурати янги мифология яратилишига олиб келади. Унда Атитҳи, Брахманарин ва Вратйа муҳим роль ўйнайди, уларни жамоатчилик худолари деб атасак бўлади, чунки улар атҳарванлар динининг ёйилиши ва устунликка эришиши даврида юзага келди. Бундан ташқари, биз бу ерда упанишадлардаги маъбудларга ўхшаш маъхум маъбудларни ҳам учратамиз, булар ҳамма нарса унинг ичига доҳил бўлиб, яна ундан қайта юзага чиқадиган тангри Вена, ишқ-муҳаббат илоҳи Каъм, замон алоҳм Каъл ва айниқса коинотдаги ошқору ниҳон ҳамма нарсанинг ва ҳар қандай ҳаётнинг жамулжамини ўзида намоеън этувчи Скамбҳ тангрисидир.

“Атҳарвавед” илоҳиятнинг яна ўзига хос хусусиятларидан бири — аёллар тимсолларининг мўллиги. Тўлини ой, масалан, Пурнмаъсий маъбудасига, янги ой — бойликни, озик-овқатни ва ҳар қандай фаровонликни кўпайтирувчи саховатпеша Амавайга тун — соҳибжамол қиз Раътрийга қиёс қилинади.

Сути битмас-туганмас елинининг учларидан мингта сут жилғаси тизиллаб отилиб турувчи осмоний сигирда маъбуда Мидҳикаш тажассум топган, шунингдек ҳар кимга хоҳлаган озуқасини инъом этувчи мурувват соҳибаси Вараж ҳам шунда мужассамдир.

Чангалзорларда истиқомат қилувчи оддий қабилаларнинг диний тасаввурлари “Атҳарвавед” олами иблислар, чеҳрасиз арвоҳлар ва марҳумларнинг руҳлари билан тўлдириб ташлади. Одамларга ўхшаб хотин, бола-чақалари билан умргузаронлик қиладиган рақшаслар ва ятудҳанлар янги ой чиққанда кутурадилар ва бузуқликлар ва касалликлар ёғдирадилар, одамлар ва қорамолларга ҳамла қиладилар, уларнинг гўштларини хомлигича ейдилар, канвлар қон ва ҳаёт қувватини сўриб оладилар, ёвуз кимидинлар ўз қурбонларини япалоқ гилдирак билан уриб ўлдирадилар, балохўр кравйадлар эса куйдириш пайтида мурдаларни ғажийдилар. Иблисларнинг хотинлари ва дугоналари билан бир қаторда бу ерда мустақил зарарқунанда аёл зоти ҳам иштирок этади — ебтўймас Аъртий ухлаб ётган эркаклар олдига қип-ялонғоч ҳолда келади-да, уларга тармашиб, бор кучларини сўриб олади; заркокил Норрити бахтсизлик ва ўлим олиб келади, Анва қорин огриги дардини келтириб чиқаради, ёвуз инс-жинсларнинг қизи саданвий оғилхона ва омборхоналарда гув-гув қилиб, увиллаб изғирди, граҳм эса одамларни бўғинидан тутиб олиб, бод касалига гирифтор қиларди.

“Атҳарваведа” дини “Ригведа”нинг бутун руҳоний муҳитига қарама-қаршидир. “Ригведа”да бахшилар (ришилар) одамларга нисбатан эзгуларча муносабатда бўлган маъбудларнинг кўтаринки руҳда, қувонч ва миннатдорлик туйғусига тўлиб-тошган ҳолда куйлаганлар, “Ригведа” кўшиқлари маъбудларни қизгин эъзозлаш туйғуси билан йўғрилган. Анча олдинги давр қоҳин ва бахшилари маъбудларнинг одамларга астойдил яхшилик қилишларига асло шубҳа қилмас эдилар; атҳарванлар учун дуолар (мантрлар) энг аввало душманона сеҳргарлик кучларини бошқариш қуроли бўлиб қолган эди. Худоларга муҳаббат билан ишонч қўрқув ва шубҳага алмашди, улар олдида одамлар ялтоқланадиган бўлиб қолди; мантрлар ўз хоҳиш-иродасига қарши бадхоҳ кайфиятдаги осмон хилқатларининг кўнглини овлаш керак бўлган мўъжизавий таъсир воситасига айланди.

“Атҳарвавед”да энг кейинги диний манбалар — брахманларда тез-тез эсга олиб туриладиган маросим турига ўтиш акс эттирилган. Улар қурбонликнинг мураккаб расм-русумларини батафсил таъриф тавсиф этишдан ташкил топган. Тафсилотлар талқинидаги тафовутлар у ёки бу битикка топинадиган бир қанча мактаб пайдо бўлишига олиб келди, шулардан энг муҳимлари “Айтарейбрахман” (Айт.) ва “Шатпатҳбрахман” (Шат.)дир.

Брахманлар вужудга келган даврда орий келгиндиларининг шарққа ва жанубга ёриб киришлари кузатилган. Уларнинг маркази ҳозирги Деҳли музофотида, Дхобнинг Матҳурагача бўлган тоғли минтақалари жойлашган афсонавий Куру ва Панчал мамлакатларидан келиб ўрнашган. Кейинчалик бу минтақа

Брахмаварта номини олган, унинг анъаналари ва урф-одатлари, қадимги қонунлар мажмуига кўра, бутун Ҳиндистон учун намуна ва тимсол бўлиб қолиши керак эди.

Уша замонларда барча “икки бор туғилганлар” ҳам маданият элтувчилари бўлавермаган, яккахокимликни қоҳин-брахманларнинг олий табақаси эгаллаб олган. Ҳаддан ташқари мураккаб ва чигал расм-русумларни билиш брахманлар маъқеини шунчалик мустаҳкам қилиб юборгандики, улар ўзларини худолардан ҳам юқорироқ кўя бошлаганлар. “Шагпатҳбрахман”да шундай дейилган: “Икки хил худолар бўлади — бирлари худолар ҳисобланади, яна бирлари уларни алқайдиган кўшиқларни куйловчи худолар бўлади; булар одам қиёфасидаги худолар бўлиб, улар брахманлар дейилади. Улар ўртасида қурбонни тақсимлаш лозим бўлади: худоларга — қурбонлиқ эҳсонлари, одам худолар — олим брахманларга — мукофот берилган. Агар худоларнинг мана шу икки тури рози бўлса, улар қурбонлиқ қилувчиларни осмонга олиб чиққанлар”. (Шат. 2; 2; 6; 4, 3, 4).

Брахманнинг тўртта вазифаси бўлган: келиб чиқиши брахмандан бўлмоғи, ўзини рисоладагидек тутмоғи, ўз олимлиги билан шуҳрат топган бўлмоғи, шунингдек “одамларнинг пишиши”га ёрдам бермоғи, яъни бу олим учун одамларнинг етилишини кафолатлайдиган қурбонлиқлар қилмоғи лозим.

Аммо одамлар ҳам брахманларга нисбатан маълум мажбуриятлар олганлар — улар брахманларни иззат-икром қилишлари, уларга совға-саломлар бериб туришлари керак бўлган, уларни камситишлари, ўлдиришлари асло мумкин бўлмаган. Уларнинг мулкига ҳатто шоҳ ҳам дахл қилмаган. Борди-ю, брахман жонли ё жонсиз бисотидан кимгадир инъом қилгудек бўлса, брахманларнинг мулки ҳар доим бу инъомдан мосуво қилинган. Ўлдириш деганда фақат брахманларни ўлдириш тушунилган. Брахманнинг брахман бўлмаган билан баҳсида қози албатта брахманнинг фойдасига ҳукм чиқарган, зеро унга қарши бир оғиз гапириб бўлмасди.

Бу даврда Веда илоҳиётида яна ўзгаришлар содир бўлади. Ўзининг аввалги ҳолатини сақлаб қолган Анидан бошқа олдинги сафга Вишну ва Шива суриб чиқарилади. Шиванинг прототиби Рудр эзулик нусхаси сифатида тасаввур этилади, бироқ Пражапати бўлиб қолди. (маъноси “Мавжудотлар”). Аввалига ҳаммаёқ бўшлиқдан иборат бўлган, осмон ҳам, ер ҳам, ҳаво ҳам йўқ эди. Йўқликдан руҳ пайдо бўлди, руҳдан Пражапати келиб чиқди, Пражапатидан эса бошқа мавжудотлар вужудга келди. Дарвоқе, Пражапати ҳар нарсага қодир қурбоннинг самовий тимсоли бўлгани туфайлидан ҳам унга топинар эдилар, қурбон эса барча худолардан аъло туради деб эътироф этиларди.

Қурбон диний расм-русумлар ва муқаддас ривоятларнинг мавҳум бирикмаси сифатида намоён бўларди. Расм-русумлар ва ривоятлардан эса, кимёвий тажрибадан янги модда ҳосил қилинганга ўхшаб, буюк куч, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган қувват пайдо бўлади. Бу халос бўлган қувватлар ё Пражапатида (шунга тегишли равишда Вишнуда), ё ўзини қурбон қилган тақводорда, ё худ унда ҳам ва қурбонлиқ келтирилаётганда хизмат қилиб турган қоҳина ҳам ўз тажассумини топар эди. Қурбон — барча кучларнинг кучи, ҳамма нарсага дохил бўлади ва ҳамма нарсада яширин тарзда жо бўлади. Қоҳин бу кучни асраб-авайлаб қўриқламоғи керак, чунки бу куч ҳаддан ташқари мўрт, салгина назардан қочирилдими, у ҳар сонияда тирқираб кетиши мумкин. Қиттақкина эҳтиётсизлик жуда нохуш оқибатларга олиб келади. Шу боис тўпламларда қурбоннинг ҳеч ким томонидан безовта қилинмаслигига қаратилган кўплаб чора-тадбирлар санаб ўтилади.

Дунёда қурбонлиққа бевосита қизиқмаган одамнинг ўзи йўқ: “Қурбонлиқ қилишда иштирок этмаган хилқатлар ҳамма нарсадан айриладилар. Бироқ ҳали ҳамма нарсадан жудо бўлиб улгурмаганлар эса қурбонлиқ қилишда иштирок этсинлар: одамлардан кейин ҳайвонлар, худолардан кейин қушлар ва ўсимликлар, дов-дарахтлар — бутун борлиқ, бутун коинот қурбонлиқ қилишда иштирок этади. Қурбонлиқ қилиш мобайнида худолар, одамлар ва аждодлар биргаликда базм қилаётганда қурбонлиқ ўртадаги тўма бўлган эди. Ушанда худоларнинг қурбонлиққа қандай келганлари кўриниб турарди. Улар ҳозир ҳам келиб турадилар, аммо улар кўзга кўринмайдилар”. (Шат, 3, 6, 2).

Қурбонлиқ осмонни ер билан улаб туради: “Худолар бу ерда, пастда қурбон келтириляётган нарсалар билан яшайдилар, одамлар фалакдан оладиган инъомлари билан яшайдилар” (“Тайгтирилсамхита”, 3, 2, 9).

Диндорлар қурбонлигимиз бемаврид бўлиб қолмасайди деб хавотирланмасликлари керак: худоларнинг доим иштаҳалари очиқ ва улар қурбонлиқни бесабрлик билан кутиб турадилар. Аммо кимнингдир кўнглига қурбонлиқ қилиш келиб қолганини улар қандай биладилар? “Қарор одамнинг қалбида пишиб етилади, ўша ердан у руҳга бориб жойлашади, руҳдан шамолга ўтади, шамол эса одамнинг кўнглида нелар борлигини худоларга етказди” (Шат. 3, 4, 2). Худолар қурбонлиқ қилувчининг уйига олдиндан келиб оладилар. Уй соҳиби қурбонлиқ қилаётган нарсага қўлини теккизганда энг нозик палла бошланади. Худолар бирининг устидан бири сакраб ўтадилар ва ҳар бири қурбонлиқ менга аталган деб ўйлайди. Шу боис брахман маросимга таомилдагидек раҳбарлик қилиши шарт — кимга қурбонлиқ қилинаётганини айтиш керак, вассалом, шу билан худолар ўртасидаги баҳсга чек қўяди, акс ҳолда қурбонлиқдан кўзланган мақсадга эришилмайди.

Тўғри адо этилган қурбонлиқ зўр самаралар беради: “Борди-ю, худолар уларга аталган таомдан ҳеч бўлмаса бир гал тановул қилсалар ҳам қурбонлиқ қилаётган одам мангуликка дохил бўлғусидир” (“Каушитаки брахман” 2,8).

Аммо худолар ҳаммавақт ҳам одамлар билан дўстлашишга мойил бўлавермайдилар: уларда улар ҳали биргаликда яшаб юрган пайтлардаги нохуш хотиралар сақланиб қолган бўлади. Ўшанда одамлар улардан ҳали уни, ҳали бунни сўрайвериб, ўзларининг охири йўқ илтимослари билан жонларига тегиб кетган ва улар фалакларга кўчиб ўтишга қарор қилган эдилар. Аммо осмонда худолар фақат қурбонлиқлар эвазигагина жойли бўлиб олган эдилар. “Улар дедилар: “Одамлар бизларни таъқиб этмасликлари учун уларни нима қилмоқ керак?” Сўнг бамисоли асалари болидек қурбонлиқлардан шарбатни сўриб олдилар; шу тариқа қурбонлиқни бутун сутидан маҳрум этдилар, улар қурбонлиқ тигини олдилар-да, изларини яшириш учун ўткир томонини пастга қаратдилар ва гойиб бўлдилар” (Айт. 6,1,1; Шат.1,6,2).

Худолар барча бошқа хилқатлар зарари эвазига Ўлим билан битим тузиб, ўзларини одамлардан ҳимоя қилишга уриниб кўрдилар: “Ўлим деди: “Борди-ю, одамлар қурбонлиқлар ёрдамида мангуликка эришадиган бўлсалар, менга нима қолади?” Шунда худолар бошқа хилқатлар ўз жисмларини топширишлари керак ва улар жисмдан чиққанларидан кейингина мангуликка эришишлари мумкин, деган қарорга келдилар” (Шат, 10,4,3).

Тўғри қурбонлиқда худолар муваффақиятининг сири бўлганлиги боис маросимни барча техник тафсилотлари билан аниқ ва мукамал адо этиш шарт деб ҳисобланарди. Ҳозир ҳам қурбонлиқлар худолар қандай қилган бўлсалар, ўшандай адо этилмоқда” (Шат. 1,5,3).

Бундай тасаввурдан шу нарса келиб чиқар эдики, қурбонлиқ — илоҳий аъмол, ундан мақсад — одамнинг худога айланиши; борди-ю, ҳатто бевосита қурбонлиққа зид келмаса-да, инсоннинг бутун борлиги унга ёт эканлиги шундан. Худога тақлид қилмоқ — демакки, бир вақтнинг ўзида одамлик ҳолатидан чиқмоқдир. Шу боис бағишлов маросимларида аввал ўнг қўлдаги тирноқлар олинган, ҳолбуки, одамлар одатда чап қўлдан бошлар эдилар-да; мойни ҳам ўнг кўзга сурганлар, зеро одамлар одат бўйича чап кўздан бошлар эдилар ва ҳоказо. Худолар олами ва одамлар олами ўртасидаги зиддият шу қадар кучли эдики, худолар учун ёмон бўлган нарса одамлар учун яхши ҳисобланган.

Қурбонлиқ кўнгилдагидай натижа келтириши учун унга қоҳинга аталган садақа (дакшина) қўшилмоғи лозим бўлган. Брахманларда бу масалага кенг ўрин берилган. Садақанинг тўрт шакли мавжуд бўлган: қурбонлиқнинг муҳимлигига боғлиқ равишда олтин, сигирлар, отлар ва кийим-кечаклар; тўлов (садақа)нинг ўта юқори миқдорини кўрсатувчи манбалар маълумотлари очиқ-ойдин муболағалаштириб юборилган. Ахир сома (илоҳий шарбат) қурбонлиғи “ҳеч бўлмаганда юз сигир ҳажмидаги” инъомни талаб қилар эди, деган гапларга қандай ишониш мумкин? (Шат. 4,3,3). Ёки уч кеча давом этган махсус қурбонлиқ брахманларга мингга сигир келтирган эмиш (Шат. 4,5,8).

Дуроҳан “оғир юксалиш” маросими мисолида уни энг майда икиркиригача бажаришда ҳаддан ташқари сохталикка йўл қўйилишини пайқаш қийин эмас. Унда икки босқич мавжуд: тулуъ ва нозил бўлиш. Энг аввало қурбонлиқ келтирувчи фалак соҳиби билан тенглашмоғи даркор, бироқ ердаги ҳаётнинг ҳам ўз фараҳу севинчлари бўлгани боис у ер билан муддатидан олдин хайр-маъзур қилишга шошилмайди. Маросимнинг биринчи ярми унга абадият бахш этади, иккинчи ярми — уни бандалар оламига қайтаради. Аввало шу мақсадда шеърнинг ҳар бир чорагида бир тўхтаб, мадҳия ўқилади, бу гўё уни осмонга олиб чиқади, сўнгра — осмоннинг ҳавоси бор жойига тушиш учун шеърнинг ҳар ярмида бир тўхтаб қироат қилади; ундан сўнг бу дунёга қайтиб келиши учун шеърнинг ҳар тўрттадан уч қисмида бир тўхтаб қироат қилади. Шундан кейин қурбонлиқ қилувчи у ерда тепадан ёритиб турган кўёшда маҳкам ўрнашиб олиши учун бутун шеърни бир нафасда қироат қилади. Кейин атмосферада, ундан сўнг ушбу оламда ўрнашиб қолиш учун тескари тартибда қайтаради. Бироқ агар киши фалак ҳақида орзу қиладиган бўлса, нозил бўлиш расмини адо этишга ҳожат қолмайди. Шу тариқа у фалакдаги оламларга бориб қолади ва демакки, бу маросим бажарилгандан кейин ерда узоқ вақт ушланиб қолмайди.

Қурбонлиқ қилувчининг кўкка кўтарилиши веда космологияси мантигига мос келади. У қурбонлиқ эвазига насиб этган абадиятдан баҳраманд бўлгани фалакка бориб қолади: “Бунга эришмоқлик йўлини билган одам иккинчи ўлим устидан галаба қозонади ва бутун ҳаётга пешвоз чиқади” (Шат. 10,2,6). Унинг муддати кун ва тунларнинг шундай миқдоридан иборатки, у қариликка етгунича тугамайди. Бу ҳақда қуйидаги матнлар очиқ-ойдин гувоҳлик беради: “Кимки юз ва ундан ортиқ ёш умр кўрса, у абадиятга эришгай” (Шат. 10,4,3). Ердаги умр ва фалакда бўлиш оралигида мустаҳкам боғлиқлик мавжуд: “Кимки йигирмага етмай ўлса, фалакдаги умр муддати бир кун ва бир тун қилиб белгилаб қўйилган; кимки йигирма билан қирқ ёш оралигида ўлса, — ярим ой; кимки қирқ билан олтмиш оралигида ўлса, — бир ой; кимки саксон билан юз ёши оралигида ўлса, — бир йил. Бироқ кимки юз ва ундан ортиқ ёш умр кўрса, абадиятга ноил бўлгай” (Шат. 10,2,6).

Бу алоқадорликни брахманлар қурбонлиқ таомининг қиммати ва сифатига боғлиқ қилиб қўйганлар. Овқатга эҳтиёж ҳаётий кучга нисбатан тескари муносабатда бўлади, зеро очлик — бу ўлим дегани. Қурбонлиқ, албатта, абадият бўлмоғи лозим, чунки қурбонлиқ таоми амрити — қадимги ҳиндларнинг илоҳий таоми — абадият бағишловчи неъмат бўлиб, бунинг учун худолар иблислар билан бас бойлашлари керак бўлган.

Абадият (фалакдаги абадий ҳаёт)нинг қарама-қарши жиҳати — “иккинчи (такрорий) ўлим” (пунар-мратий)дир. У ҳақдаги тасаввурда қайта тажассум бўлишнинг қадимги ҳинд дини тарихининг анча кейинги даврида ҳукм сурган гоёси уруғларини қидирмоқлик хато бўлган бўлур эди. Брахманлардаги мавжуд “такрорий ўлим”га қараш анча жўн нарса ҳисобланади: у бор-йўғи навбатдаги ўлимни англатади, холос. Барча ўлганлар энди ҳеч қачон ўлмайдиган абадийларга ва яна бошқатдан ўлишлари керак бўлган қолганларга бўлинади: “Бунга қандай эришишни билганлар ушбу расм-русумни адо этадилар, ўлимдан кейин улар абадият учун бошқатдан туғиладилар. Кимки бу расм-русумни билмаса ва адо этмаса, ўлгандан кейин бошқатдан туғилишга ва яна ўлим қурбони бўлишга маҳқумдилар” (Шат. 10,4,3).

Ўлган, қурбонлиқ қилиш бадалига абадиятга ноил бўлган одам ўз жисм қобигини тарк этади — уни худолик билан келишган ҳолда ўлим билан биргаликда ерда қолдиради — ва фалакка равона бўлади. Жуда бўлмаганда у ажодлари, яъни ўлган, аммо аввалгидек бандалигича қолган ва ёвузлик ҳокимиятидан фориг бўлмаган одамлар йўлидан боради. Аждодларида жисм йўқ, улар гўёки бу оламнинг учинчи рутбасида яшаётган руҳлардир. Одамлар билан қиёс қилганда улар анча юқори зумрада турувчи хилқатлардир.

Қурбонлиқ адо этилаётган вақтда ажодлар дафн маросими таомидан юз ўғирмоқлари зарур, токи улар бу таомдан тановул қилиб, ўзларининг олий қадриятларини ерга урган бўлмасинлар.

Аждодлар газабнок, уларнинг қаҳри хатарли, шу боис улар билан иложи борича яхши муомалада бўлиши керак. Матнларда уларга қурбонлиқ келтириш лозим бўлган сабаблар қуйидагидек ифода этилади: “Маросим аждодлар ораларингиздан бирингизни ўлдирмоқчи бўлиб келмаслиги учун адо этилади. Иккинчи сабаби — аждодлар руҳига атаб қилинган қурбонлиқ эвазига худолардан кўп бўлиб қайтади. Бу — худолар ҳаётга қайтарганлари эвазига ихтиёрий равишда қилинган аъмолдир. Яна бир сабаб шундан иборатки, қурбонлиқ аждодларга бошқа, бундан-да яхшироқ оламга кўтарилишга имкон беради. У яна шунинг учун ҳам керакки, тўғри хулқ-атворга хилоф иш тутганлиги учун киши бошига тушган қасос ўтини пасайтиради ва қилмишлари кечиради.” (Шат. 2,6,1).

Марҳумнинг бундан кейинги тақдири қай тариқа узил-кесил ҳал бўлгунга қадар у адолат тарозусини эслатувчи синовга гирифтор бўлади: тарозунинг бир палласига яхши аъмоллари, иккинчи палласига ёмон аъмоллари қўйилади. Қайси палла босишига қараб ҳукм чиқарилади. Яхшилик ва ёмонлик тушунчасига бу ердан, афсуски, ахлоқий мазмун етишмайди; ҳаммаси фақатгина расм-русумлар нуқтаи назаридан баҳоланади: яхши аъмол — бу расм-русумларга китобларда ёзилганидек ривоят қилиш, ёмон аъмол — уларга хилоф иш тутиш. Бу гапларнинг нечоғли тўғрилигини қуйидаги ривоят исботлаб турибди:

“Варуннинг ўғли Бҳриг муқаддас ведаларни ўрганди, аммо ўзини отаси ва брахманлардан аъло деб биларди. Шунда Варун ўйлаб қолди: “Ўғлим ҳеч нарсани билмайди, мен уни ўқитишим керак”. Шундан сўнг у ўғлидан нафасни олиб қўйди, Бҳржу нафас олишдан тўхтади. Марҳум сифатида ўғил нариги дунёга равона бўлди. У ерда Бҳржу бир одамнинг бошқа бир одамни сўйиб, тўрт нимта қилганини ва еб қўйганини кўрди. Буни кўриб, у ҳалиги одамдан сўради: “Нега шундай бўлади ва бу нимани англатади?” Унга, бунинг сабабини бориб отанг Варундан сўра, деб жавоб беришди. У нари кетди ва яна шеригини нимталаб еб қўйган бир одамга дуч келди, шўрлик қурбон ёрдам сўраб аянчли қичқирарди. Бҳржу бу ажиб савдоларни кўриб қаттиқ таажжубга тушди ва бунинг не маъно англатишини сўради. Унга яна отаси Варунга мурожаат қилишини маслаҳат беришди. Учинчи жойда у тагин шундай манзарага дуч келди, бироқ ем бўлаётган одам жойидан қилт этмаётганди. Унга тагин Варунга мурожаат қилишини айтишди. Тўртинчи жойда икки хотин катта хазина қидирар эди, бешинчи жойда икки дарё оқарди: бирисида қон ва иккинчисида май. Биринчисини калтак билан қуролланган, қип-яланғоч қора одам кўриқларди, иккинчи дарёдан эса одамлар қосада хоҳлаганча мой олар эдилар. Олтинчи жойда йигит юзини кўк ва оқ нилуфарлар қоплаган, бол сизиб турган бешта дарёни кўрди. Аскарлар тўда-тўда бўлиб рақс тушар ва қўшиқ айтар, созларда куй чалар эдилар; бу ердаги ҳамма нарсдан хушбўй хид таралар, ҳамма нарса ҳаракатда эди. Бҳригу ҳайрон бўлди: нега бу ҳол юз бермоқда ва бу не маънони англатади? Унга яна ўша маслаҳатни — яъни, бориб отаси Варундан сўрашини айтишди. У қайтиб келгандан кейин Варун сўради: “Хўш, ўғлим, нималарни кўрдинг?”

“Бир одамни нимта-нимта қилиб еган одамни кўрдим”.

“Булар олдинги дунёда дарахтларни нобуд қилган ва олов ёқишдан олдин зарурий кундалик дуоларни ўқимай ёқиб юборган одамлардир. Бу дунёда дарахтлар одам қиёфасига кирганлар ва қасос олиш ниятида уларни еганлар”.

“Бундай қилмасликнинг иложи бор эдими?”

“Ҳа, дарахтларни китобларга ёзилган қондаларга риюя қилган ҳолда оловга ташлаш лозим эди”. Изоҳлар бундан кейин ҳам шу тарзда давом этади. Иккинчи жуфтлик тегишли расм-русумларга риюя қилмасдан ўлдирилган ҳайвонлар учун учинчи жуфтлик — удумларга риюя қилмай фойдаланилган ўсимликлар учун жазо олмақда эди. Икки аёл — бири Шраддҳа (“Садоқат”) ва иккинчиси Ашраддҳа (“Хиёнат”) эди, қон дарёси — ўлдирилган брахман қони, қора эркак эса — газаб туйғуси тимсоли. Май дарёси расм-русум сувидан пайдо бўлганди, беш дарё Варуннинг беш оламини англатарди. Булар барчасидан келиб чиқувчи хулоса гоят оддий: “Булар қандай адо этилишини биладиганлар ва ҳар кун оловга қурбонлиқ расмини бажариб борадиганларни нариги дунёда на одам қиёфасига кирган дарахтлар, на ҳайвонлар, на гуруч, на арпа ейди.

Унинг қурбонларини на Шраддҳа, на Ашраддҳа олади. У қон дарёсини четлаб ўтади ва май дарёсига етишади” (Шат. 11,6,1).

Одам ўз жисмини осмонга олиб чиқиб кетолмаслиги боисидан у бир қатор махсус маросимларни адо этиши керак бўлади, бу маросимлар биргаликда дикша деб аталади. Бундай гоё мураккаб расм-русумларни адо этишдан мақсад — кейинчалик икки: бири моддий ва ўладиган, иккинчиси маросимий ва ўлмайдиган жисмга эга бўлиш учун туғилиш ва ўлиш тимсоллари бўлган янги жисм билан ўзини таъминлашдир. Улардан биринчиси қурбон қилинади: “Кимки дикшани адо этса, ўзини барча худоларга қурбон қилган бўлади” (Айт. 6,3,9). Бироқ жисм қурбон қилинишидан олдин уни макруҳ қилиб турган ифлосдан тозаламоқ лозим бўлади. Қурбонлиқ қилаётган одам соч-соқолини, тирноғини олади, зеро булар бари “қурбонлиққа ярамайдиган ўлик этдир” ва шундагина қурбонлиқ маросими тоза, пок бўлади.

Дикша — одамни худога айлантирадиган иккинчи туғилиш. “Одам фақат қисман туғилади, фақат қурбонлиқ туфайлигини у чинакам туғилади” (“Майтрайани самхита”, 3,6,7).

Келтирилган мисоллар шуни кўрсатадики, янгидан туғилиш имконияти ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан бор деб қабул қилинган. Жинсий тафовутлардан бу ерда расм-русумнинг айрим қисмларини адо этиш учунгина фойдаланилган. Хусусан, мадҳияларни қироат қилаётганда қоҳин шеърнинг дастлабки икки чорагини алоҳида-алоҳида, қолган икки чорагини биргаликда талаффуз этади, бу гўё жинсий алоқа вақтида аёл сонларини керишини, эракнинг эса олдинга интилишини рамзий тарзда гавдалантиришга хизмат қилган. Қурбон кўплаб зуррэд келтириш учун қоҳин бамисоли жинсий алоқани “қайта қилиб кўрсатган”. Бир йилга чўзилган маросим тугагандан ва шунча муддат мобайнида ўзини тийиб тургандан кейин қурбон бўлувчи ўз эраклик кучини бошқатдан кўзгатиши керак бўлган, шу муносабат билан ёритилган жойда маросимий жинсий алоқа адо этилган. Брахманларда тантризмнинг энг кейинги жинсий расм-русумлари учун йўл очилган.

Дикша тушунчаси садоқат (шраддҳа) билан узвий боғлиқ, аммо ушбу ҳолда ҳам гап қадимги ҳинд тушунчасидаги “тўғрилиқ” “ҳаққонийлик”ни англатувчи саттва билан боғлиқ ахлоқий мезон ҳақида кетмаётир. Садоқатнинг энг муҳим узваридан бири қурбон бўлувчининг уни деб қоҳинлар адо этган расм-русумлар мева беришига бўлган чуқур эътиқод ва ишончи ҳисобланади. Бу эътиқод ўзгариб бўлмайдиган ақидага айланиб қолган: “Худоларга — қурбонлиқ, қурбонлиқ қилувчига — дуо, раҳмат” (Шат. 2,3,4). Садоқат деярли худоларнинг ўрнини босган, уларнинг ўрнини эгаллаган. Буюк маслакдошлар шраддҳа — дев — “илоҳий садоқатга ноил бўлганлар” унвонини олишган. Одамларнинг Одам Атоси Ману шунга мансуб бўлган. Унинг садоқатга муносабати шу қадар кучли бўлганки, “Бҳагавата-пурана”да Шраддҳа Манунинг ёри сифатида гавдалантирилади. Даставвал, демакки, у “садоқат қаҳрамони” ва қурбонлиқ маросими соҳасида олий мартаба эгаси бўлган эди. Мартабасини у жамиятдаги ўзгаришлар қурбонлиқ ажр расм-русумининг қонун билан алмаштирилишига олиб келгандан кейин ҳам сақлаб қолди. Шунда Ману ҳақидаги тасаввур ҳам ўзгарди — у қонун чиқарувчига айланди ва ҳуқуқни, ахлоқни ва жамиятнинг ички тузилишини бошқарувчи қонунлар мажмуи “Манусмрити” муаллифи деб эълон қилинди.

Брахманларга кўра, маросим — бу бир қатор тўғри танлаб олинган, муайян муддатларда ва белгиланган узоқликда содир этиладиган амаллар бирикмаси. Тегишли узварнинг мос тузилишини, нимани олишни хоҳлашларига боғлиқ равишда танлайдилар. Узоқ умр кўришга эришиш учун масалан, 100 та шеър ўқиш керак, зуррэд топиш учун эса — 720 та шеър ўқиш лозим. Борди-ю, қурбонлиқ қилувчи нопок бўлса ёки брахманга хабар қилмай қурбонлиқ қилаётган бўлса, у 800 шеър ўқиши шарт, борди-ю, арши аълога чиқмоқчи бўлса — 1 000 та. Муқаддас дуоларни қироат қилиш ҳам қурбонлиқнинг турли босқичларига мослаштирилган.

Қабул қилинган қоидалардан озгина оғиш ҳам кўз кўриб, қулоқ эшитмаган оқибатларга олиб келган. Хагарлар одамни ҳар қадамда таъқиб қилади: “Борди-ю, қозон бўш бўлса, унга қарамаслик керак, акс ҳолда қурбонлиқ қилувчига

хонавайрон бўлиш хавфи таҳдид солади. У қурбонлиқ қилинаётган жойнинг жануб томонидан чиқиб бориши керак, чунки ўша ерда ажодлар руҳи яшайди. Борди-ю, у жануб томон тушиб келса, у шулар орасида пайдо бўлиб қолади” (Шат. 3,1,1).

Хато айтиш, сўзлар ўрнини алмаштириб юбориш, шеърда оҳангни бузиш қурбонлиқ қилувчини хатар остига қўяди. “Шатҳпатҳбраҳман”да ҳикоя қилинадики, Индр ўлдириган ўглининг ўлимидан қутурган ва газабга минган Тваштир сома маросимини ўтказишга ошиқади ва Индр учун вожиб бўлган хурмат-иззатни ўрнига қўймайди. Индр чақирувсиз ҳам пайдо бўлади-да, замона зўрниги қабалида қурбонлиқ паймонасини қўлига олади ва биринчи бўлиб сомани нўш этади. Тутақиб кетган Тваштар оғзидан беихтиёр дуоибад янтрайди: “Индршатрур вардҳасв!”, бироқ азбаройи газабдан учинчи эмас, биринчи бўлганга урғу бериб юборади ва бу дуо маъносининг ўзгаришига олиб келади: “Индрнинг душманлари кўпайсин!” ўрнига “Индр душманининг кучи кўпайсин!” бўлиб қолади. Аинан шунинг учун ҳам Индр дуоибад шарофати билан пайдо бўлган Вритр устидан галаба қозонади. Борди-ю, Тваштар дуони тўғри талаффуз қилганида эди, Вритр Индрни енгган бўлар эди. Баъзи брахманлар қадимги расм-русумларга ёт бўлган афсунгарлик усулларини олиб кирганлар. “Борди-ю, ўз қўшининг галабасини таъминламоқчи бўлсанг, ўрдадан чиқаётиб ҳар икки томонингдаги ўтти ўриб ол-да, “Сени ким кўриб турибди? Шарманда бўлган қайнона қайнотадан яширингандек, тит-пити чиққан қўшининг гумдон бўлсин!” сўзларини айтиб, уни душман олдига ташла” (Айт. 12,11,7).

Гарчи бархманларда одамни қурбон қилиш ҳақида эслатиб ўтилса-да, уларнинг орийлар томонидан адо этилиши баҳсли бўлиб қолмоқда. Бизнинг назаримизда, бу орийларнинг манзарани тўлдириш учун матнга киритилган узоқ ваҳшиёна ўтмиши ҳақидаги хотира, холос. Бу ўринда одам ўз аҳамиятига кўра қўйидаги тартибда жойлашувчи беш қурбондан энг самаралиси деб тилга олинади: одам, от, ҳўкиз, қўчқор ва шохсиз така. Тош меҳроб куриш билан боғлиқ маросимда “энг аввал одам қурбон қилинади, зеро у жонли мавжудотлар ичида биринчи ўринни эгаллайди, сўнг от келади, ундан кейин от орқасидан эргашувчи ҳўкиз, сўнг ҳўкизга эргашиб қўчқор, сўнг қўчқорга эргашиб така келади. Қурбонлиқлар қадр даражасига қараб адо этилади” (Шат. 6,5,1). Маросимларнинг адо этиш чоғида брахманлар даврида қурбонлар фақат рамзий маънода ўлдирилган. Аньаналарга ўзгартирилган ижтимоий шароитларда ҳам аниқ риоя қилишга интилиш шунда ўз ифодасини топганки, қурбонларнинг бошлари олтиндан ёки сополдан ясалган. Боз устига қурбонлиқ чоғида одам ўрнига жониворни алмаштиришган деган тахмин ҳам йўқ эмас.

Кейинчалик иқтисод нуқтаи назаридан от ва ҳўкизларни қурбон қилишдан воз кечишган ва энг кенг расм бўлган қурбонлиқ жонивори арзон така бўлиб қолган. Бундай алмашув жуда оқилона ўйлаб чиқилган бўлиши керак, чунки заковатли қоҳинлар учун бу хамирдан қил суғургандек осон иш бўлган. Борди-ю, шохсиз (тўқол) така қурбон қилинса, қурбонлар бошқа турларининг барча ташқи белгилари сақланиб қолади: одамга ўхшаб, шохи йўғ-у, соқоли бор, отга шохи йўғ-у, ёли бор. Ҳўкизга ўхшаб қўштуёқ қўчқорнинг туёғи ҳам айнан унга ўхшаб айри, шундай бўлса-да, у бошдан-оёқ така. Хуллас, така қурбонлиқ қилинаётганда, унинг мисолида барчаси қурбон қилинган ҳисобланади” (Шат. 6,2, 2).

Маълумки, қотиб қолган расм-русумли маросимлар ҳақидаги фан ўз аҳамиятини буткул йўқотган. Тез-тез қулоққа “буни қандай қилишни биладиган”ни, яъни тепадан билим олганни алқовчи овозлар чалинар эди.

Бундоқ олиб қараганда брахманларда қурбонлиқнинг беш тури бўлган: жонли мавжудотларга, одамларга, ажодларга, худоларга ва брахманларга. “Ҳар куни овқат удуми — жонли мавжудотларга аталган удум адо этилади. Ҳар куни садақа беришга тўғри келади — одамларга аталган қурбонлиқ. Ҳар куни арвоҳларни эслаб туриш жоиз ҳисобланади — ажодлар руҳи ҳаққиға қилинадиган удум. Ҳар куни худоларга қурбонлиқ қилиш керак, тараша ёқшиш ҳам шунга қиради — бу худолар ҳақиға эҳсон. Браҳманга қилинадиган қурбон нима? Муқаддас таълимот моҳиятини чуқур англамоқ” (Шат. 11,5,6).

Бу ерда биз мутлақо янги, браҳман руҳига упанишад донишмандлари сафсаталари сари, санхъйа ва веданта сари йўл очган ёт ва бевосита зид йўналиш пайдо бўлганини кўраимиз. Санхъйа ва веданта таълимотига кўра, халос бўлиш учун турли маросимлар бажаришнинг кераги йўқ, зеро бунинг учун ўз-ўзини англаш (жнйан) бемалол кифоя қилади.

## ИВО ФИШЕР

### БРАХМАНИЗМДАН ҲИНДУИЗМГА

Расм-русумдан билимга, билимдан амалга, амалдан ихлосга, ихлосдан халос (мокша)га — ўз тараққиётининг тўрт минг йили давомида ҳинду дини босиб ўтган йўлдаги асосий шохобчаларнинг умумий чизмаси, тахминан, ана шундай. Бу жараённинг барча тафсилоти бизга яхши маълум деб айтолмаймиз — тадқиқ этилмаган бу қалин ўрмондан бир сўқмоққина кесиб ўтган, холос; сўқмоқ эса аксар ҳолларда дин ва хурофот айниқса қаттиқ чагишиб кетган жойларни айланиб ўтади. “Ҳиндуизм” деган атаманинг ўзидан европа ҳиндунослиги у ҳозирча қандай қилиб йўл очишини билмаётганини яшириш учунгина фойдаланиб келмоқда. Демак, бехос бошимиз тўқ этиб теккан бу қояни деярли кўр-кўрона пайпаслашдан ва унга қараб дастимиз нимага етади-ю, нимага етмаслигини ўрганишдан ўзга чорамиз йўқ.

Ҳинду дини асосида ҳаёт айланиши ва у билан боғлиқ бўлган ажр — савоб ва гуноҳ ишлар (карма) учун мукофот ҳақидаги бизга ҳам яхши маълум тасаввур ётади. Карма гоёси қачон ва қай вазиятда юзага келганини биз аниқ билмаймиз. Биз уни қадимги Ҳиндистон адабий ёдгорликларида у биринчи марта пайдо бўлган пайтдангина кузатишга қодирмиз, холос. Неча асрлар давомида хийла ўзгарган бу гоё ҳаётга ҳиндуизмча қарашнинг негизи бўлиб қолди. Бу қараш Ҳиндистонда деярли ҳамма жойда унинг тарихининг иқтисодий, ижтимоий ва маданий жиҳатларида ўрта аср жамиятининг шаклланишида муҳим роль ўйнайди. Карма ҳақидаги таълимотни унинг бошқа омиллар билан ўзаро муносабатларда тўғри тушуниш учун биз унинг манбаларига, эрамызгача бўлган биринчи минг йиллик бошига қайтишимиз керак.

Эрамызгача тахминан VII асрдаги вақт бутун қадимги дунё маданий ҳаётида туб ўзгаришлар билан изоҳланади. Ишонч билан айтиш мумкинки, бу ўзгаришлар барча замонларнинг энг йирик кашфиёти — темир ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ эди. На электрнинг кашф этилиши, на атомнинг парчаланиши инсоният учун бу қадар узоққа борувчи оқибат бўла олмаганди. Акс ҳолда ўша даврдаги тафаккур ривожланишида содир бўлган бундай сакрашни қандай изоҳлаш мумкин? Қарийб бир вақтнинг ўзида Хитойда Лао Цзе ва Конфуций, Юнонистонда Суқрот ва мумтоз фалсафа мактаби, Ҳиндистонда упанишад донишмандларидан тортиб Будда ва Жиннонинг энг йирик сиймоларигача бўлган турли диний-фалсафий фанлар воизлари пайдо бўлди.

Ҳар бир буюк техник кашфиёт тараққиёт учун чексиз имкониятлар яратади; инсон тезроқ ва яхшироқ ишлашни, енгил яшашни, хавфсизроқ бузиш ва йўқ қилишни ўрганади. Ҳар бир инқилобий давр ўз навбатида аҳолининг муайян қатламига таъсир кўрсатади: келажак учун хатар, шиддат билан ўзгараётган дунё олдида кўрқув пайдо қилади ва анъаналар ёритган тартиб асосларини зил кетказувчи ўзгаришларни чеглаб ўтишга уриниш келтириб чиқаради. Инсон ўз қаърига чуқур кириб кетади ёки коинотда мустаҳкам таянч топишга тиришади, бироқ уни топмагач, мушоҳадалар берилади ва нариги дунё ҳақида ўйлаб, унда пойдор ҳақиқатни қидиради.

Ҳиндистонда бу ўзгаришлар илк веда даври адабий ижодда, натижаси упанишадлар бўлган ижодда ўзининг ёрқин ифодасини топди. “Упанишад” сўзи “ўлтириш”, шоғирдларнинг уларга қурбонлик қилиш ҳақидаги анъанавий таълимотни баён этувчи, коинот ва инсон ҳаёти моҳиятининг ҳақиқий маъноси ҳақида ваъз қилувчи устозлари теварагида ўлтириши деб таржима қилинади, кейинроқ мазкур атама янада кенгроқ маъно касб этади ва диний ёки дунёвий нарса ҳақида гап кетиш ё кетмаслигидан қатъи назар солиҳларнинг тор



доирасигагина маълум ҳар қандай “сирли” таълимотни англатади. Энг қадимги замонларда бу сўз, албатта, қандайдир диний-фалсафий талқинлар мажмуини англатган: айрим мактабларнинг муаллифлари ўз билгиларича уларни оғзаки ибратли сўзлари билан тўлдирганлар. Фақат ўқувчилар учун мажбурий ҳисобланган асосий боблари кўп йиллар ўтгач, упанишад деб ном олган ёзма манбаларга тушган.

Эрамизгача I аср бошида Ҳиндистон маданий ва ижтимоий ҳаёти маркази гарбий туманлардан мамлакатнинг энг хос қисми — Ганганинг ўрта оқими вилоятларига кўчиб келади. Бу кўчув орийларни бошқача табиий, ижтимоий ва иқтисодий шароитга солиб қўйди. Тропик иқлимда ҳамма нарса бирдан равнақ топиб, тез ўларди. Бу ерда табиат шу қадар сахий ва гўзал, шу қадар хатарли ва инжиқ эдики, асти қўяверинг. Инсонни қуршаб олган бутун олам доимий ўзгариш ва ҳаракатда эди. Қабилаларни йирик-йирик бирлашмалари юзага келар, уларга мунтазам ўз қудратларини мустаҳкамлаб турувчи ҳукмдорлар раҳбарлик қилар эди. Савдогарларнинг, кейинчалик судхўрларнинг унча катта бўлмаган, аммо кучли қатлами шарофати билан шаҳарлар бунёд топади. Бу ерга кўшлаб хунармандлар оқиб кела бошлайди; янги услуб ёрдамида улар бир-биридан мукамалроқ буюмлар яратадилар. Шаҳар тамаддуни тарз-тариқаси ривожланади, тақдир унга тараққиёт ва бойлик, таълим ва бузуқлик элтувчи омил бўлишни насиб этади.

Бироқ айнан мана шу шонли замонда янги ҳаёт тарзини қабул қилишни истамайдиган одамлар пайдо бўлади. Уларнинг дини ҳинд жамияти тарихида энг жиддий бўҳронлардан бирини бошдан кечирмоқда эди. Худолар ва қурбонлиқнинг ҳар нарсага қодирлиги ҳақидаги эски тасаввурлар беиз йўқолди. Дарвоқе, шарқий туманларнинг аҳолиси ҳеч қачон бу дин тарафдорлари бўлмаган эди, брахманлар ҳукмронлиги бу ерда чуқур илдииз отмаганди. Бу ўлкалар аҳолисининг томирида бошқача қон оқарди, уларнинг шуурида фақат қаттиқ зоҳидона риёзат воситасида қўлга киритиш мумкин бўлган гаройиб афсунгарлик кучлари ҳақидаги ўзига хос гоёлар юзага келмоқда эди. Шарқий минтақалардан қурбонлиққа асосланган аънавий брахман дини қўйган мақсадлардан кўра янада олийроқ мақсадларга етишишга интиланган кўпдан-кўп турли маслақдошлар чиқиб келди.

Упанишадлар давридаги Ҳиндистоннинг заковат тараққиётида брахманлар ва роҳиблар эмас, балки ёруғ дунё ҳой-ҳаваслари ва лаззатларидан воз кечган одамлар асосий роль ўйнар эдилар. Дарвешлар қалин ўрмонлар орасида, шаҳарлардан узоқда ўрмонларда, ўликлар куйдириладиган очиқ жойларда ўрнашиб олар эдилар. Улар ўзларини очлиқ, ташналик, совуқ, намлик билан қийнар, ўзларининг қуриб-қовжираган баданларини даҳшатли қийноқларга солар эдилар: жазирама тропик куёшида қовурилишар, лангиллаб ёнаётган гулханлар ўртасида ўлтиришар, тикон тўшалган ёки пайкон учлари қадаб қўйилган ўрим узра чўзилиб ётишар, гайритабиий ҳолатга тушишар ва баданларининг айрим қисмлари қуриб, кичрайиб қолмагунча у ерда қолиб кетишарди. Айрим дарвешлар сочларини галати қилиб тугиб олар эди-да (брахманлардан фарқли ўлароқ улар кокил кўяр эдилар), бир жойдан бошқа жойга кўчиб юришар ва ўз олий ҳаётий мақсадига эришиш йўлини ихтиёр қилган барча мухлисларга ваъзлар ўқир эдилар. Улар фоний дунё нарса ва ҳодисалари тўғрисида мушоҳада қилишар, нариги дунёдаги ҳаёт ҳақида мавжуд гоёни инкор этувчиларга қарши фикрларни ўртага ташлар эдилар. Олий ҳақиқатни билишнинг қондириб бўлмас ташналиги уларни шундай қилишга даъват этар эди. Билимни улар асосий мақсад деб билар эдилар, улар буни коинотнинг энг катта куч деб эътироф этар эдилар. Ёмғирлар фаслидаги гуллар каби турли фанлар барқ уради ва сўнади. Дарвешлар ва саёқ зоҳидлар сони ортгандан-ортиб боради; уларга брахман донишмандлари ҳам келиб қўшиладилар. Сочлари тақир қилиб олинган ва қўлларига гаров (бамбук) ҳассани тутган ҳолда улар юртма-юрт кезар эдилар, баданларини арзимаган мато, кийик пўстаги ёки оддий хас билан ёпинганча қоқ ерда ётиб ухлар эдилар. Уларнинг бир-бирига гоёт қарама-қарши фикрлари ҳақида ҳаддан ташқари оз, шуни ҳам асосан уларнинг рақиблари ёзган китоблардан биламиз.

Бу даврнинг бизгача етиб келган ягона бутун ёдгорлиги упанишадлар бўлиб қолмоқда. Бизга уларнинг юзага келган жойи ва вақти деярли номаълум. Аввало улар ведавий қурбонлиқнинг чуқур ва рамзий аҳамияти ва маъносини изоҳлаб берувчи браҳман матнларига кириб келган. Сўнгра сирли билимдан иборат бу матнларнинг энг эзгу қисмлари браҳманлардан ажралиб чиқди ва мустақил битиклар сифатида қарала бошлади. Кейинчалик упанишадлар деб номланган қисмларнинг ажралиб чиқиши кўпинча кўр-кўрона содир бўлган эди; гоҳ фалсафа фанларининг энг сохта бўлимлари, гоҳ расм-русумлар борасидаги батафсил шарҳлари бўлган бўлимлар ажратиб олинган. Бу, албатта, упанишад ашёларининг тадқиқ этишни бирмунча қийинлаштирарди. Синчковлик билан сараларини танлаб олиш зарурати туғиларди — фақат олимнинг тажрибали нигоҳигина қимматбаҳо жавоҳирни оддий тошлардан фарқлай оларди. Утмишдаги таниқли тадқиқотчилардан бири бизнинг манбамизни “олтин бўлаклари бўлган ахлат уюми” деб атагани бежиз эмасди.

Упанишад матнлари ҳозирги кўринишга эга бўлган даврда уларнинг таълимоти браҳманларнинг мулкига айлиниб бўлганди. Аввал ҳаммаси гўё тескари эди: уларнинг ишловида дарвеш ҳақимлар, сайёҳ зоҳидлар, кучли насаб аъзолари ва қабила ҳарбий бошлиқлари муҳим роль ўйнар эдилар. Фалсафий мубоҳасаларда аёллар ва аҳоли қўйи қатлами вакиллари иштирок этарди. Фақат қишлоқда ёки ўрмонда оилалари, мол-қоллари билан яқин шогирдлари қуршовида хилватда яшовчи браҳман донишмандларига мансуб таҳриргина ҳақиқийси деб ҳисобланар эди.

Аввал таъкидлаб ўтилганидек, упанишадлар тизими турли даврлар ва мактаблар мевасидир. Улар концепцияси мазмунан ҳам, қадриятан ҳам ғоятда хилма-хилдир. Шу боис биз улардан сўнги даврда ҳинду дини ва фалсафасини ривожлантириш учун муҳим аҳамиятга эга бўлганларинигина еслашиб ўтмоқчимиз. Биз қурбонлиқ диний ақидаси ва рамзи, шунингдек, бу оламнинг сирли ҳодисаларини тушунтиришга бўлган, кейинчалик самарасиз деб ташлаб юборилган ва унутилиб кетган муваффақиятсиз уринишлар устида тўхталиб ўтирмаймиз.

Упанишад мутафаккирларининг фикру зикрини банд этган марказий муаммо ҳаёт ва ўлим муаммоси, ҳаёт элтувчининг ўзи нималиги ҳақидаги масала бўлган эди. Кейинчалик бунга азалдан ўлим билан баб-баравар қўйиб келинган уйқу ҳодисасининг сири билан боғлиқ муаммо келиб қўшилганди. Баъзи донишмандлар ва уларнинг мактаблари бу саволларга турлича жавоб берганлар. Бирлари ҳаёт элтувчисини сувда, бошқалари — шамолда, кўпроқ нафасда (пран), учинчи бирлари эса оловда қидирганлар ва ҳоказо. Олдинги ғоялар ошириб-тошириб мақталган, янгилари ўзига йўл очган: турфа хил билимлар мажмуи бир мақсадга — замонавийлик тилида олам ва одам ҳаётини бошқариб турувчи кучларни изоҳлаб беришга қаратилганди.

“Элтувчи” ҳақидаги ўша давр таълимотларидан ижодкорлари уни сувда қидирганларнинг қадимги концепцияси энг эсда қоларли таассурот пайдо қилади. Улар бунда тропик иқтисодиётнинг энг муҳим омили бўлган сувнинг ҳаётбахш кучини англашдан келиб чиққан эдилар. Осмондан қақроқ ерга челақлаб тўкилган сув одамзотнинг асосий емиши бўлмиш ўсимликларни уйғотади. Овқат билан одам унинг ҳаётини сақлаб қолувчи ва наслини давом эттиришга туртки бўлувчи қимматбаҳо намни қабул қилади. Одам ўлиб, жисми қуйдирилгач, нам тутун кўринишида унинг ичидан чиқади ва яна осмонга кўтарилади. Бутун жараён такрорланади. Ҳаётбахш намлик ойдан бошланади ва тагин ўша ерга қайтади. Шу тариқа ойлик даврлар ва сувнинг бутун айланиши ҳаракатга келади. Жоннинг кезиб юриши ҳақидаги энг муҳим ғоя яна шундай қарашлар билан боғлиқ, бу ғоянинг манбалари браҳман матнларида кузатилади. Унинг илдизи ўлгандан кейин одамлар аждодларининг дастлабки одам (Одам Ато) ҳукмронлик қиладиган оламда яшаши тўғрисидаги энг қадимги тасаввурларга бориб тақалади. Кейинчалик Яманинг ерости олами марҳумлар истиқоматгоҳига айланади. Бироқ, борди-ю, барча дунёвий нарсалар йўқ бўлишга маҳкум экан, нариги дунёдаги ҳаёт ҳам вақтинчалик ҳисобланмайдими? Қадимги ҳақимлар бу саволга комил ишонч билан қуйидагидек жавоб берадилар: у дунёдаги ҳаётнинг ҳам охири бор, одам яна бу дунёга қайтиб келишга мажбур бўлади. Бу билан аслида ҳаётнинг айланиши

ҳақидаги ҳиндуизм ривожининг сўнгги даврида батафсил ишлаб чиқилган таълимоти учун асос қўйилган. Масалан, илк упанишадлардан бирида ҳикоя қилинадиги, марҳумларнинг жони бир ой мобайнида роҳат-фароғатда бўлган Яма салтанатидан бўшлиққа, сўнг ҳаво (атмосфера)га кўчиб ўтади ва охир-оқибат ёмғир кўринишида яна ерга қайтиб келади.

Шуниси қизиқки, жоннинг кезиб юриши ҳақида браҳманларга биринчи бўлиб панчаллар шоҳи, жангчи-қшатрийлар тоифаси аъзоси хабар қилади. Кейинчалик бу таълимот ўз-ўзидан унга рамзий моҳият берган қоҳинлар, браҳманлар томонидан ривожлантирилди ва тарқатилди: айланишнинг айрим давр (фаза)лари қурбонлиқларнинг муайян белгилари ва босқичларига қиёс қилинган, бу қурбонлиқларда қурбонлиқ олови жуда муҳим аҳамиятга молик. Матнлар тили эса жуда ҳам жиддий ва тантанавор бўлиб, расм-русумларга оид рамзлар ва диний руҳ билан муайян этилган. Бу таълимот веданта фалсафасида катта ўрин тутганлигига ажабланмаса бўлади. Сув айланишининг сўнгроқ беш қурбонлиқ олови билан йўғрилиб кетган беш босқичи ҳақидаги тасаввур “беш олов таълимоти”нинг юзага келишига сабаб бўлди, унда “икки йўл” — “оталар йўли” ва “худолар йўли” концепцияси, айниқса, ўзгача моҳият касб этар эди. Бу таълимот веданта фалсафасининг бундан кейинги ривожи учун қимматли асос бўлиб хизмат қилди.

Кўпчилик одамлар ҳаёт манбаини нафас (пран)да кўрдилар: токи нафас олар экан, одам яшайди. Қатор вазиятларда турли ҳаётий кучлар бир-бири билан гаплашаётган ва баҳслашаётган, бу билан биринчилик ва ҳукмронлик учун курашаётган шахслар сифатида фаолият кўрсатадилар. Аммо барча баҳс ва жанжаллар нафаснинг тўла ғалабаси билан ниҳоясига етади: усиз яшаб бўлмайди, гарчанд чарчоқлик ҳолдан тойдирган барча бошқа ҳаётий кучлар ухлаб қолса-да, нафас ҳагто уйқуда ҳам инсонни тарк этмайди. Дарвоқе, ҳаёт манбаи бўлмиш нафас ҳақидаги фан ҳаётнинг барча зуҳурларини, жумладан онгдек муҳим жараёнини изоҳлаш даражасида ишончли бўлмаган эди. Шу боис унинг ривожланиши нафасни кузатиш, унинг турли ҳолатлари (нафас олиш, нафас чиқариш ва ҳоказо)ни таснифлаш йўлидан бордиги, бу кейинчалик йога тизимининг бошланиш нуқтаси бўлиб қолди.

Асосий таълимотлардан учинчиси упанишадларнинг ихлосмандлари ҳаёт манбаини оловда қидирдилар. Бу йўлда веда даври мушоҳадакорлиги ўз чўққисига етди. Бу таълимот, ўша вақтларда таҳмин қилганларидек ҳаётнинг асосий шарти ҳисобланган жисмоний илиқликни кузатишга таянган. Агар қулоқларни маҳкам бекитиб олса, ҳар бир одамда яшовчи оловни эшитиш мумкин. Шу билан бир вақтда у вужуд қабул қилиб оладиган барча озукани еб ташлайди. Баданга у қуёш нурлари воситасида киради ва одам ўлгандан кейин яна бутун ҳаётнинг энг буюк манбаи бўлмиш қуёшга қайтади. Оловнинг давра айланиши сувнинг давра айланишига ўхшайди: инсон ундан мукамал онг ёрдамидагина чиқа олиши мумкин, онг эса, ҳиндларнинг қадимги тасаввурларига кўра, нур билан қиёс қилинади. Жон ва онг ҳақидаги, ҳаётий кучлар (фикрлаш аъзолари) ҳақидаги, туш кўриш ва тушсиз қаттиқ уйқу ҳақидаги энг кейинги тасаввурлар айнан шу тушунча билан боғлиқ. Ҳаётнинг айнан оловли асоси ҳақидаги таълимот биринчи марта қадимги ҳинд диний-фалсафий дунёқарашнинг энг муҳим жиҳати — ҳаётнинг абадий айланиб туриши доирасида ҳар бир одамнинг бундан кейинги тақдирини олдиндан белгилаб берадиган инсоний хатти-ҳаракатлари ижодий кучи концепцияси билан боғлиқ эди.

Жоннинг кўчиб юриши ҳақидаги таълимот ривожлана бошлаши билан одам нима учун бу оламга қайта-қайта келишга мажбур ва нима учун бир ҳаётда унга бахт ва муваффақиятлар ёр бўлади-ю, бошқасида уни мудом мусибату изтироблар таъбиқ қилади деган саволга жавоб бериш имконияти юзага келди. Айримлар келажақдаги ҳаётини аниқлашда ўлувчининг сўнгги хоҳиши ҳал қилувчи омил деб ҳисоблаганлар. Бу фикр энг қадимги буддавийликда ҳам, “Бҳагавадагита”да ҳам мавжуд. Аммо “олов таълимоти”да бошқача тасаввурлар олдинга ёриб чиқади: бундан кейинги умрларидаги инсон тақдирини айнан ердаги ҳаётда содир этган яхши ёки ёмон ишларига боғлиқ бўлади; айнан мана шу ишлар ўз навбатида ўтмиш ҳаётлар ишларининг йигиндиси билан белгиланади ва ҳоказо.

Савобли ва гуноҳ ишлар учун (иш, қилмиш, уларнинг йиғиндиси — булар барчаси кармадир; шу маънода “карма қонуни” ҳақидаги ҳам гапирилади) жазо ва ажр гоёси даставвал сир сақланган. Қадимги дунёнинг машҳур донишманди Яжнвалкйанинг шоҳ Видеҳ Жанак билан упанишадлардан машҳур бир суҳбатидаёқ бу гоё ҳаётнинг абадий даврида айланиши (сансар) ҳақидаги тасаввур муносабати билан тилга олинади. Шу билан Ҳиндистоннинг деярли барча янада кейинги диний ва фалсафий тизимлари концепциясини яратиш учун икки пойдевор тоши қўйилган эди (моддион, скептицизм, шунингдек, афтидан насронийчиликнинг кучли таъсири остида бўлган айрим ислохотпараст ҳаракатларни истисно қилганда). Упанишадлардаги кўпгина гоё ва фикрлар биз алоҳида уқтириб ўтмаган аввалги мифологик тасаввурлар доирасида қолиб кетади (қуёшдаги эркак, кўздаги одам ва ҳоказо).

Упанишад донишмандларининг коинотнинг тузилиши ва пайдо бўлишига тааллуқли космологик қарашлари ҳам гоёт нотугал эди. Биз кўпинча ҳал этилмаган ёки ярим йўлда талаб кетилган муаммоларга дуч келамиз, масалан, гўё англашдан юзага келган ташқи оламни диний йўл билан изоҳлашда шундай ҳол юз бергани ва ҳоказо. Сеҳргарлик рамзи, мистика ва ўйламай чиқарилган хулосаларнинг хаёлий оқимида барибир ҳам қандайдир қунт ва бардош билан ёрқин тафаккурлар дурдоналарини топса бўларди. Бу ҳақиқатга эришиш, уни англаш сари тўғри йўлни топишга жиддий ва самимий интилиш ҳақида гувоҳлик беради. Ҳинду донишмандлари тафаккури ривожланишида диннинг бундан кейинги тараққиёти учун муҳим аҳамият касб этувчи навбатдаги босқич шундай интилишдан дарак беради.

Қайта тажассумга ва содир этилган қилмишлар учун ажру жазо ҳақидаги у билан боғлиқ бўлган таълимотга ишонч авваламбор баъзи гоёт ибтидоий тасаввурлардан ўсиб чиқди ва, афтидан, аҳолининг барча қатламлари томонидан эътироф этилмаган эди. Шундай тасаввур туғиладики, Будда таълимоти пайдо бўлган вақтга келиб (эрамизгача VI асрнинг иккинчи ярми) кўплар унга қўшилмаганди. Бироқ у ўша юз йилликдаёқ бутун Ҳиндистон бўйлаб ёйилди ва кўп ўтмай бутун ҳинд динининг энг муҳим қисмига айланди. У давр талабларига тўлиқ жавоб берар эди ва диний фалсафий тафаккур тараққиётида шундай имкониятлар яратдики, қадимги ҳинд жамияти бундай имконият пайдо қилишга қодир эмасди. Бу таълимотнинг энг кучли томони унинг ёрқин ахлоқий йўналганлиги эди. Ҳаётнинг айланишига ишонч ҳар бир жонли мавжудот, ўзликнинг ерга доимий тарзда такрор-такрор қайтиб келишини кўзда тутар эди. Бу билан одам барча бошқа мавжудотлар билан, айрим таълимотларга кўра, ўсимлик дунёси билан ҳам тенглаштирилар эди. У фақат бутун жараён доирасида ривожланишнинг олий поғонасида жойлашган бўларди, холос ва ҳеч қачон унинг иродасига боғлиқ бўлиб қолган табиат ва жонли мавжудотнинг эгаси эмас эди. Ҳаётнинг давра айланиши абадий ва ўзгартириб бўлмайдиган қонун деб қараларди, унга фақат бу аламгина эмас, балки худолар ва бошқа самовий оламларнинг яшовчилари билан қўшиб коинотдаги барча тирик мавжудоту махлуқот бўйсунар эди. Гарчи худолар даражасигача кўтарилса, инсон эртами, кечми ерга қайтишга ва туғилишлар силсиласида ўз заминий юкини кўтариб юришда давом этишга мажбур бўлади.

Диний таълимотнинг қайта тажассум топиш гоёси билан йўғрилганлиги, ўз-ўзидан маълумки, ўзликнинг (индивидуумнинг) шахсий ҳаёти учун ҳам ва жамият учун ҳам чуқур оқибатларга эга эди. Инсон бошқа мавжудотларнинг дўсти, янада бахтлироқ дўсти бўлиб бораверади. У табиат нидосига қулоқ солишни ва унга эҳтиётлик билан муносабатда бўлишни ўрганди. Атрофдаги нарсаларнинг гўзаллигини чуқур тушуниш ва англаш, наботот ва ҳайвонот олами қонунларини ҳайратомуз билиш, ҳаётдаги ҳар қандай ҳодисаларга зарар келтирмасликка ҳаракат қилиш — барчаси шу гоёнинг табиий натижаси эди. Бироқ дин ичида у салбий таъсир кўрсатиши мумкин эди: худолар ўз жилоси ва қўрқитувчи кучининг каттагина қисмини йўқотган эди, уларнинг ғайритабиий қудрати тасаввуротни ортиқ ҳайратга сололмасди ва самовий оламлар бирмунча даражада одамга яқинлашиб қолганди. Шу билан бирга диний тафаккурнинг бундан кейинги ривожланиши учун шароитлар яратилганди: бир томондан оқилона ва

хушёр мушоҳадалар эски худоларни уларнинг ўтмишдаги шонлари қуйқасидан маҳрум этар эди, бошқа томондан — номаълум нарсанинг мудҳиш даҳшати ичидан янги, сирли, қўрқинчли илоҳлар келиб чиқа бошлади, улар пайдо бўлишлари биланоқ зўрма-зўракилик билан диний туйғуларни кучайтира ва яшин зарбаси янглиғ, қўрқиб кетган ва ҳанг-манг бўлиб қолган инсонни тиз чўктира олди, юрагини муқаддас қўрқувга, жазавага, шукроналикка ва ҳаяжонга тўлдирди.

Карма ҳақидаги таълимот ҳам худди шундай таъсир кўрсатди. У барча замонларнинг энг долзарб муаммоларидан бири — дунёда ёвузлик ва изтироблар сабаби ҳақидаги масалани қониқарли тарзда (во ажабо!) тушунтириб берди. Инсон бошидан кечираётган нарса — унинг олдинги туғилишларидан ўз хулқ-атвори натижаси. Унинг ўзидан бошқа олий ҳакамнинг ўзи йўқ. У — ўзининг ҳозирги тақдири сабабчиси, у фақат унгагина (афтидан, ўтмишдаги унинг хулқ-атвори яратган шароитларга) боғлиқ бўладиган ва келажагини белгилайди. Бу тасаввур ҳинд жамияти ҳаётига ва алоҳида ўзликларнинг фикр қилиш тарзига чуқур таъсир кўрсатди. Гуноҳнинг наслдан-наслга ўтиши муаммоси, коинот яратувчиси ва эгаси — ягона Худонинг биру борлиги ва ҳар нарсага қодирлиги ўртасидаги қарама-қаршиликлар ҳақидаги, мухлислар ва мункирлар ҳақидаги масалалар ва насронийликнинг бошқа турфа ғоялари ҳиндлар учун ёт эди. Романтик ва маърифатпарвар Европа бу таълимотни, таҳсин ўқиб кутиб олди. XIX асрнинг энг йирик европалик мутафаккирларидан жуда кўпчилиги уни кашфиёт сифатида эътироф этдилар. Биргина Артур Шопенгауэрнинг ҳаяжонли сўзларини эслаш кифоя: у бунинг инсон руҳининг энг буюк инъоми ва бутун фалсафий тафаккурнинг юқори чўққиси деб ҳар солди.

Ҳозир ҳам Фарбданиг жуда кўп одамлар карма ғоясини жўшқин муҳаббат ила эътироф этмоқдалар, насронийлик жаннати ва дўзахининг ҳисобли тушунчаси, унинг ҳаётнинг онийлиги, бир маргалиги ва такрорланмаслигидан келиб чиқувчи ахлоқий саволларга жавоб бериш имконияти йўқлиги олдида уни ҳар тарафлама алқамоқдалар, шарафламоқдалар.

Айримлар шу ўринда упанишадларнинг яна кўринмайдиган иккинчи жиҳати ҳам борлигини унутиб қўядилар. Биринчидан, ёвузлик ва азоб-уқубатларнинг юзага келиш муаммосининг ўзи ҳал этилмади, балки ниҳоясиз ўтмишга суриб қўйилади, холос. Карма ғоясида бошқа теологик ғояларга қараганда догматик ишончлар озмунча эмас. Иккинчидан, яна бошқа салбий жиҳатни ҳисобга олиш лозим бўлади — карма ҳақидаги таълимот ёйилиши муносабати билан ҳинд жамияти учун унинг оқибатлари турган-битган ҳалокатлидир: у браҳманлар ва кшатрийларга инсонни табақа тизими доирасида мислсиз тарзда кишанда сақлашнинг кучли воситаси бўлиб қолганди. Палидлар ва жиноятчиларгина эмас, қуйи табақада туғилган виждонли одамлар ҳам манфурга чиқиб қолган эдилар, чунки уларнинг ўзлари ўз толесиз тақдирлари олдида гуноҳкорга айланган эдилар. Тўғри, улар “пок”лар даражасигача кўтарила олар эдилар, аммо келажақдаги қайсидир ҳаётларида, ўзларининг олдинги гуноҳлари учун уларнинг айни пайтдаги ҳолатларига мувофиқ бўлган барча мажбуриятларни оғишмай адо этиш эвазига тўлов тўлагандан кейин кўтарила олар эдилар. Инсон бошига тушган қўргуликлар, зарблар, мусибатларга чидар экан, бу унинг олдинги гуноҳлари учун ҳаққоний тўловдир, қоратерга тушиб хўжайинларига хизмат қилар экан, у бахтли он келишини кутади ва олдинда уни келажақдаги туғилишларида кутиб оладиган яхши тақдир борлигини англаган ҳолда енгил нафас олади. Аслида эски ҳаммом, эски тос — унда боқий ҳаётида ҳаққоний ажр ва жазога бўлган умиддан ўзга ҳеч вақо йўқ.

Биринчи минг йилликнинг биринчи ярмида узил-кесил ташкил топган табақа тизимининг мавжудлиги ҳақида ёхуд ҳозиргина дунёга келган фанлардан келиб чиқувчи қандайдир ижтимоий оқибатлар ҳақида гапириш қийин. Аслида бунинг тескариси — упанишадларнинг донишмандлари ғоялари қадимги ҳиндларга дунёни доимий ва ўсувчи ҳаракатчанлик нуқтаи назаридан тушунишга имкон бердилар, уларнинг қудратли заковат жўшқинликлари замирида мавҳум тафаккур ва аниқ фан тизимларининг ҳайратомуз ривожланиш уруғлари ётар эди. Уша пайтдаги файласуфлар шунинг шарофати билан билишнинг ҳайратланарли жасоратли назарияларини яратиш имкониятига эга бўладилар,

бунга ўхшаганларини биз ўша вақтдаги барча бошқа мамлакатларнинг маданиятларида беҳуда қидирар эдик.

Узаро боғлиқ ўлимлар ва ҳаётларнинг ниҳоясиз силсиласи ҳақидаги фикр, албатта, ўша вақтдаги буюк файласуфларда қизиқиш уйғотолмаганди. Ўлим ҳаммавақт одамда даҳшат туйғусини уйғотган ва унинг ҳақлиги ҳақидаги тасаввур улар олдида айтарли камалакранг истиқболлар очмаган. Қайта тажассум топиш ҳақидаги таълимнинг ривожланиши бунинг муқаррар оқибати ҳисобланмаган. Ҳиндувийлик учун тушқунлик ва шубҳачилик ортиши хос эканлиги шундан: фалаклардаги дунёларда вақтинчалик роҳат-фароғат кўринишидан тасалли ғоят заиф эди. Узил-кесил халоскорликка ўлимлар ва ҳаётларнинг такрорланишидан четланишга элтувчи йўл керак эди. Ҳал қилувчи палла етиб келганди — бу буюк маънавий уйғониш даври эди.

“Банда дон каби унади ва экин каби ўсади”. Қулогимда бутун тирик мавжудотнинг абадий қонунини шакллантирувчи оддий сўзлар ҳамон жаранглаб турибди, бирданига гўё сеҳрли таёқ муқомига қараб саҳнадаги барча манзара ўзгаради. Қадимги мифик тасаввурлар унутилиб, зулмат қаърида кўздан ғойиб бўлади ва мавҳум фикр юритишнинг гаройиб қобилияти порлайди, гайриоддий ғоялар пайдо бўлади — булар жасоратли ва эркин ақл меваларидир. Янги эпкинлар маънавий оламнинг у ёғидан кириб, бу ёғидан чиқади, ҳаёт ва атроф олам ҳақидаги янги ғоялар аниқ, ёрқин ифода этилган шаклларга эга бўла бошлайди. Оловли қалбнинг асоси каби фикр ҳақидаги эски тасаввур билишнинг мавҳум тушунчаси билан алмашади. Билиш элтувчиси сифатида қалб ҳамма нарсани билишга қодир, аммо унинг ўзини ақл билан билиб бўлмайди, у ақл учун англаб бўлмас нарсадир. Бу қалб қаттиқ ҳам эмас, юмшоқ ҳам эмас, узун ҳам эмас, қисқа ҳам эмас, шамол ҳам эмас, фазо ҳам эмас, у — ҳидсиз, таъмсиз, кўзсиз, қулоқсиз, тилсиз, миясиз, нафассиз, ўлчовсиздир. У ҳақида айтиш мумкин бўлган ягона нарса — у англаб бўлмасдир; “униси ҳам эмас, буниси ҳам эмас” деган гап айнан унинг ҳақда айтилган, (йўқларнинг йўғи).

Англаб бўлмас, йўқ қилиб бўлмас ва аниқлаб бўлмас қалб (жон)дан ташқари яна бир тушунча киритилади. Ҳаёт манбаи — олов ўрнига “бутун олам жонларига эгалик қилувчи, энг олий мавжудот бўлган зот пайдо бўлади, у ҳамма нарсанинг ибтидоси ўлароқ худодлар ва қудратлар устида туради. Турли усулларда, доимий тарзда бу ибтидонинг, узоқ замонлардан бери “Брахман” деб атаб келинаётган бу сирли жаҳоний кучнинг улуғворлиги тараннум этилади. Аввалига бу атама муқаддас калиманинг мўъжизавий ҳоқимиятини англаган. Олдинга яна битта қадам ташлангани кифоя бўлди ва қадимги донишмандлар рўбарўсида халоскор онг милт этди — бу пурвиқор, ҳар нарсага қодир Браҳман бўлиб, бутун коинотга ёриб кирар эди ва бир вақтнинг ўзида менинг жонимнинг бир қисми ҳисобланарди, бу — менинг ўзим эдим. Олий борлиқ, менинг жоним, менинг Атманим бу ерда фалак Браҳманига менгзатилади. У инсон қалбида жойлашибгина қолмайди, у шу қалб (жон)нинг ўзи, Атман, “Мен”ман.

Чуқур мистик жазава ичиди ёки, тўғрироғи, йогача тин олишга қаттиқ берилганда қадимги мутафаккирлар шахсий жон бирлигини ҳар нарсага қодир самовий ибтидо билан тушуниб етганлар. Упанишадлар мантларида Атман ва Браҳман бирлиги ҳақидаги фикр олдида ҳайрат ва ҳаяжон сўзлари кўп марталаб такрорланади.

Бу бирликни тўлиқ англаб етган одам ҳаётнинг бундан кейинги давра айланишларидан халос бўлади. Унинг жони Браҳман билан қўшилиб кетади ва шодлик ва гам, ҳаёт ва ўлим устидан галаба қозонади. Уйқуда инсон руҳи эркин бўлади, у қуш каби енгил парвоз қилади ва гоҳ коҳинга, гоҳ шоҳга айланади. Тушли уйқудан кейин тушсиз уйқу келади, алоҳида ҳушсизлик бу ҳолат ўлим каби чуқур, ҳушдан кетишга ўхшайди. Бу ҳолатдаги жон тажрибасини тасвирлаш қийин, бу ҳолат ортида Браҳман туради. Кимки Браҳманга етишса, у эркиндир.

Инсон тафаккури англаб бўлмас нарсани англашга, инсон тили — айтиб бўлмас нарсани ирод этишга беҳуда интилиб келган. Упанишадлардаги кўплаб рамзий тимсоллар ва вазиятлар бу нарсани фақат таъкидлашлари керак эди, холос. Ота ўғлига хурмо дарахтидан мева келтириб, уни икки паллага бўлишни

буюради, ўғил унда кўплаб майда уруғлар борлигини кўради ва ота уруғлардан бирини иккига бўлишни амр қилади. Уғил уруғ ичида ҳеч нарса йўқлигини кўргач, ота унга насиҳат қилади: кўз билан кўриб бўлмайдиган нарса улкан дарахт ўзида яшириб турган маъно, моҳият ҳисобланади. Моҳиятда бутун борлиқ асоси мавжуд. Бу айнан ўша “Мен”нинг ўзидир: “Бу эса сенсан, Шветакету!”

Кейинги упанишадларда қайта ва қайта ҳалиги асосий фикр такрорланаверади. Отанинг ўлига мурожаат қилган сўзларида у гоят қисқа ўз аксини топган, бу сўзга, санскритга аслиятда тат твам аси — “Сен ўшадирсан” бўлади (тат — “бу”, “ўша”, Браҳман, Биру бор, твам — “сен”, “мен”нинг ўзлиги, Атман). Бу формула бутун борлиқнинг ягона кўринмас тамойили билан бирлигини ифода этади, бу тамойил яхшилик ва ёмонликнинг нариги томонида, чуқур уйқудан узоқ-узоқларда ётади, аммо унинг ўзи ҳаддан ташқари жонлилик ва бардамлик ҳолатини намоён этади. “Атман” тушунчаси сифатида жон маъноси англашила бошлаган бир вақтда “Браҳман” сўзи шахсий тафовутларнинг битта ва ягоналикни англамайдиган самовий “Мен”и англашила бошлаган (санскритчада Браҳман средний родда келади). Атман — Браҳманни бундай тушуниш коинот барча ҳодисаларининг кўплигини бартараф этади: сувда эриган туздай, у сувни шўр қилади, ўзи эса номаълумлигича қолаверади, худди шундайин барча мавжудот ягона, ҳамма нарсада мавжуд бўлган англаб бўлмас самовий моҳиятдаги ўзининг асоси ва ҳақиқий борлигига эга. “Бу ҳаққоният! Бу Атман! Бу сенсан, Шветакету!”

Биз ҳинд тафаккури ривожланиши энг муҳим босқичи маъноси ва мақсадини ташкил этадиган нарсага яқинлашиб келдик. Айни пайтда гап қандайдир мукамал, тугал фалсафий тизим ҳақида кетмаяпти: кўп саволлар очиқлигича қолиб кетмоқда, кўп муаммоларга ҳали қўл урилмаган. Қаршимизда қадимги тафаккурнинг энг кейинги ҳиндувийликка катта таъсир кўрсатган олий юдуклар, гоёлар мана мен деб турибди. Бу ерда шундай йўналиш кўзга ташланадики, унда тарихининг сўнгги босқичидаги диний-фалсафий тасаввур ривожлана бошлайди. Упанишадларда шахсий ва самовий жонлар аксарият фақат салбий бўёқлар билан жилоланган. Айрим жойларда Браҳман ўз-ўзидан мавжуд бўлган борлиқ сифатида тасвирланган бўлса, бошқа бир ҳолда деярли олий илоҳиётга менгзалади. Анча кейинги упанишадда у ўзи билан барча нарсаларни қуршаб олган, жилвагар ва жисмсиз, ёвузлик қўл теккизмаган, ҳамма нарсени кўрувчи, ҳамма нарсадан воқиф ва ўзидан-ўзи мавжуд бўлувчи Тангри сифатида тасаввур этилган. Бошқасида, анча кейинги матнда донишмандлар яна-да илгарилаб кетадилар ва Браҳманда шахсий тамойилни эмас, балки илоҳий яратувчи — худо Рудр ёки Шивани кўрадилар, уни фақат зоҳидлик ва тавба-тазарру воситасидагина эмас, ҳис этиш ва англаш йўли билангина эмас, балки чексиз ихлос ва муҳаббат билан англаш мумкин. Шу ўринда биз янги даврнинг шундай бўсағасида турган бўламизки, бу вақтда қурбонлик ва билимнинг қадимги браҳман дини муҳаббат ва ҳурмат ҳақидаги таълимотга айланди. Бу таълимот гоҳо унчалик тўғри бўлмаса-да, Ҳинувийликнинг янги китоби деб аталувчи “Бхагавадита”да ўзининг ёрқин ифодасини топди.

Бироқ упанишад гоёлари биз эслатиб ўтганлардан ҳам анча қадимийроқ таълимотларга таъсирини ўтказган. Ўша вақтлардаги ҳаёлотлар тенденцияси турли таълимотларни ягона бус-бутунликка бирлаштириш, бутун ўтган давр мобайнида кўзга ташланган зиддатлар ва турлича қарашларни бартараф этишга интилишда ўз ифодасини топди. Бу яккахудолик тенденцияси абадий Браҳманнинг дуализми (кўпхудолиги)ни, бутун борлиқ сабабларини ва шахс жонининг ҳақиқий асосларини азоб-уқубатлар ва ўлимнинг вақтинчалик, саробсимон олами мавжудлиги билан асло чиқиштира олмади. Бир ҳаётдан бошқасига саёҳат қилувчи товбасиз жон билан бошқа, ўзининг барча гуноҳларини ювган, ўлимнинг олдини олган ва олий мақсадга етишган жон ўртасидаги қарама-қаршилик иссиз йўқолмади.

Фикрлашнинг мазкур икки йўналиши муносабатидан шундай тасаввур юзага келдики, жоннинг ўлим салтанати бўйлаб саргардон юриши унинг Браҳман билан бирлиги йўқлигидан келиб чиққан, унинг ҳаёт гирдибодидан ситилиб чиқиши шу ягоналикка эришиш деб тушунилган. Рухни чекланганлик ва тамом бўлганлик чангалида маҳкам сақлаб турувчи кучлар интилишда ва амалда намоён

бўлган. Қурбонлиқлар ва бошқа ташқи амаллар одамни Атманга олиб келишга ва “Мен”нинг ўзини унинг самовий “Мен” билан ўхшашликда очиб беришга қодир эмас. Бинобарин, инсон нафрат ва муҳаббатдан, хавф-хатар ва умидлардан қочиши керак; у яшаши ва “гўёки яшамаслиги” керак.

Упанишадаларда ўша даврнинг бир қатор бошқа концепциялари учун типик бўлган кўплаб ғоялари бор. Гарчи бирмунча бошқача ҳолатда баъзан эса бутунлай ўзгариб кетган шаклда бўлса-да, биз уларни анча кейинги ва ривожланган буддавийликда учратамиз. Упанишадаларда, масалан, инсон борлигининг ўткинчи ва азоб-уқубатларга тўла характери ҳақидаги яъни будда динининг асоси нима бўлганлиги ҳақидаги фикр яққол ўз ифодасини топган. Ҳар иккала тизимда ўз онгини тийиқлик, мушоҳада қилиш йўли билан халос этиш имкониятига бўлган эътиқод ҳам мос келади, бу тўла осойишталикнинг фароғатли ҳолатига етишишдек бўлиб, бунда бузук оламнинг барча номукамаллиги ва бутун бўлганчи ҳамишаликка ғойиб бўлади.

Шу билан бирга упанишадлар ва буддавийлик таълимотлари ҳар икки тизим учун жиддий ҳисобланган айрим ўринларда бир-бирига қарши чиқади. Биринчи галда бу упанишадларнинг ягона ва олий воқелиги, бутун борлиқнинг ҳамма нарса юзага келган ва вақтинча ёки ҳамишалик ҳамма нарса яна унга қайтиб борадиган асослар асоси ҳақидаги ғояга, энг кейинги ҳинду дини мактабларининг яккахудолик метафизикасига пойдевор тоши бўлган ғояга дахлдордир. Бундай воқелик тушунчаси оламнинг абадий ўзгаришларининг илк буддавийлик учун хос бўлган плюреалистик фалсафага қарама-қаршидир. Илк буддавийлик бутун эмпирик воқелигида ўзгармайдиган ҳеч нарса йўқ ва на моддий, на руҳий субстанциялар бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда алоҳида-алоҳида мавжуд бўлмайди деб таълим беради. Шу боис ҳаёт давра айланишидан халос бўлиш абадий биру борда эриб кетишдан иборат бўлиши мумкин эмас; охир-оқибатда, ҳаёт ва бутун атроф-теварақдаги оламни яратувчи жараёнларни келтириб чиқарган барча омиллар батамом йўқ бўлиб кетгандагина халоскорликка эришиш мумкин. Ҳар икки таълимотни иккига ажратиб турган чуқур жарлик айнан шу бўлади. Бир қадимги буддавийлик матнида Атман ва Браҳманнинг ўхшашлиги ҳақидаги ғоя ҳатто шунчаки бачкана бир нарса деб аталган.

Шу нарса кундай равшанки, узоқ йиллик умри давомида бу икки тизим бир-бирига ўзаро таъсир қилиб келган. Бироқ гарчанд ҳеч бўлмаганда беш қадимги, насрий упанишад Будда пайдо бўлгунга қадар юзага келгани маълум бўлса-да, “бир-бирига бевосита таъсир” ҳақида гапиришдан эҳтиёт бўлмоқ талаб қилинади. Ҳар иккала таълимотнинг марказий муаммолари ўша пайтдаги барча фалсафа мактаблари учун худди шундай бўлган эди ва упанишадларни бизгача ўша даврнинг бошқа, браҳманча бўлмаган адабиёти етиб келмагани учунгина буддавийлик қарашларининг бевосита манбаси деб ҳисоблашга ҳеч бир баҳона йўқ.

Бироқ айрим нуқтаи назардан упанишадлардан буддавийлик орқали ҳиндувийликка бевосита вақтинча ва ғоявий ворисликни кузатиш мумкин. Масалан, буддавийлик тавба-газарру (покланиш) ҳақидаги концепцияни охиригача ривожлантирди. Энг қадимги, шубҳасиз, Буддагача юзага келган буддавийлик таълимотида батамом покланиш, ҳаёт гирдибоди ва азоб-уқубатлардан халос бўлиш имкониятига ва унга эришув усулига ишора қилинган. Бунда албатта жуда ибтидоий шаклдаги, ҳиндувийликда яхши ўйланган ва назарий жиҳатдан ишлаб чиқилган тизим асосига айланган йога амалиёти муҳим аҳамият касб этган. Ундан анча кейинги тизимларга ҳам буддавийлик зоҳидликка доимий равишда алоҳида эътибор билан ана шундай кучли таъсир кўрсатди. Бу зоҳидликда мушоҳадага тўла ва осий руҳоний мақсадларни амалга оширишга қаратилган ҳаётга интилиш ўз ифодасини топган. Буддавийлик жамоасининг анча ёрқин ва ўз характериға кўра халқчил тузилмаси кўплаб ҳиндувийлик ибодатхоналари ва мазҳаблари учун, мактаб таълимининг ташкил этилиши эса браҳман мактаблари учун намуна бўлиб хизмат қилди.

Буддавийликнинг браҳманларнинг варна қоидаларига таъсири, айниқса, кучли бўлди. Будда “қонун гилдирагини ҳаракатга келтирди”, унинг ваъзлари барчага қаратилган эди ва шу боисдан табақавий тафовутларни эътироф эта олмас эди. Шундай бўлса-да, браҳманларнинг афзаллигини тан олишга мойил



эди. Браҳманлар ўша даврда ўзларини олий табақада туғилганлари учунгина руҳоний ва ақлий билимларга тўла ҳақли деб билар эдилар. “Одам браҳман бўлиб туғилмайди, одам нобраҳман бўлиб туғилмайди, ўз ишлари билан одам браҳман (яъни маърифатли — муалл.) бўлади, ўз ишлари билан одам нобраҳман бўлади”, — ўқиймиз энг қадимги будда матнларидан бирида. Қўшимча қилиб шуни айтишимиз мумкинки, маънавий тенглик ва хотин-қизларнинг маълумотли бўлишга ҳуқуқи ҳақидаги фикр ҳинду жамиятида, айниқса, кейинроқ бҳакти ҳаракатида ўз ифодасини топди.

Буддавийликнинг сипо ва хотиржам характери унга упанишадларнинг фалсафий тизимлари ва ўз халоскорлигини жисм ва руҳнинг доимий укубатида кўрган ўта зоҳидона мактаблари ўртасида воситачилик ўрнини эгаллагандек бўлди. Кейинчалик буддавийлик ва ҳиндувийлик бир-бири билан тобора яқинлашиб бораверди. Маҳаяна оқимининг анча кейинги йўналишлари файласуфлар учун эмпирик олам, дейлик, вақтинча, сароб бўлиб кўринарди; бошқа буддавийлик йўналишларига кўра соф ва бир текисдаги руҳоний унсур, илоҳий асослар асоси воқеликнинг олий шакли бўлиб майдонга чиққан эди. Буддавийлар фақат бир нарсани — олий мутлақнинг эмпирик коинот билан мос келишини тан олмас эдилар; уларнинг бу муаммога муносабати “бўлинмас ва нобўлинмас” сифатида ифодаланган эди. Буддавийликнинг Ҳиндистонда унинг йўқ бўлиб кетишидан олдин кузатилган анча кейинги шакллари ҳиндувийликнинг унга яқин бўлган шакллари фарқлаш қийин. Ҳинд динининг энг кейинги даври барча оккультик тенденциялари учун тасаллидек бўлиб қолган тантрлик эътиқодларини буддавийлик (тантр буддавийлиги) ва ҳинду динининг ўзига бўлишнинг деярли имкони йўқ.

Худди шундайин маҳал яна фалсафий веданти таълимоти таъсир кўрсатди. Оқибатда шу бўлдики, кейинги ведантанинг айрим вакиллари учун бирликда олинган воқеликнинг ўзи — бу “абადий пок, абადий ҳаётбахш, абадий фалак руҳларини поқловчи” дир, айни вақтда эса барча хилма-хилликлар — бориб турган саробдан ўзга нарса эмас (майя). Шунинг учун ҳам браҳманни дунёнинг соялар театридаги ҳаракатланувчи оқ парда ортида турган ҳаракатсиз иккинчи парда деб қараш мумкин. Иккала тизимнинг ўзаро ёриб кириши янги эранинг дастлабки асрларида, веданта фалсафасини яратувчиларнинг гоёларида ўз юқори чўққисига чиқмагунча янада кўпроқ даражада давом этди. Веданта фалсафасини яратувчилардан бири Шанкар бўлиб, уни кўпинча “сирли буддавий” деб аташарди, ҳалигача уни Ҳиндистонда ҳозирги замон ҳиндувийлигининг энг йирик намояндаси сифатида эъзозлайдилар.

## БОРИС МЕРГАУТ

### ҲИНДУВИЙЛИК ТАЪЛИМОТИ

#### *Ҳинду дини таълимотларининг муҳим асослари*

Ҳиндувийлик дунёқарашини асосида олам тасодифий бирикма, нарса ва ҳодисаларнинг аралаш-қуралашидан иборат эмас, балки силсилавий тарзда тартибга солинган бир бутунлик ёки коинот эканлиги ҳақидаги гоё ётади, фалакни ягона бус-бутунлик сифатида сақлаб турувчи, тутиб турувчи умумий абадий тартиб (низом) дҳарма (санскритча илдиз дҳр. — “тутмоқ”) деб аталади. Дҳармасиз олам бор бўлиши мумкин эмасди, у тарқалиб кетарди. Гарчанд баъзан муайян вақтда муайян жойда коинотда адҳарма, тартибни инкор этиш авжга чиққанда ҳам бу ҳодиса юз бермайди. Чунки тартиб бузилиши фақат коинотнинг бор қисмигагина тааллуқли бўлиб, дҳармани бутунлай йўқ қилиб бўлмайди.

Дҳарма қонун чиқарувчи худонинг тимсоли эмас, зеро у нарса ва ҳодисаларнинг ўзида бўлади. Биринчи галда у ўзида самовий бус-бутунликнинг қандайдир шахссизлик қонуниятини тажассум этади ва ўзлик (индивидуум)нинг тақдирини олдиндан белгилаб берувчи қонун сифатида фақат иккиламчи тарзда ҳосила бўлиб майдонга чиқади. Ҳар бир зарранинг бус-бутунликка нисбатан унинг муносабатидаги ўрни ана шундай изоҳланади ва тайин этилади.

Умумий, самовий дҳармадан ҳар бир алоҳида олинган нарсанинг дҳармаси келтириб чиқарилади, у ҳар бир насабнинг диний ижтимоий масъулиятлари йиғиндиси сифатида тушунилади.

Шу муносабат билан дҳарма нарса ва ҳодисаларнинг ўзида бўлган ҳолда барчага маълум имманент (ички, ботиний) ҳаққоният ҳисобланади, ҳар бир ҳиндуга ўз хатти-ҳаракатини ҳар тарафлама обдон ўйлаб кўриш тавсия этилади: тўғри аъмолидан яхшилик келиб чиқади, нотўғрисидаан эса — ёмонлик. Аъмол унинг дҳармага мувофиқ келиш-келмаслигига қараб баҳоланади. Ижобий баҳоланса, у яхши дегани бўлади ва яхши оқибатларга олиб келади, тартиб (низом)га зид бўлган аъмол эса ёмон дейилиб, азоб-уқубатга гирифтор қилади.

Ҳар бир аъмол ўзлик (индивидуум)нинг ният ва хоҳиши ҳисоблангани сабабидан жон хоҳишларнинг барча унсурларидан халос бўлмагунча дунё туғилаверади, тажассум топаверади. Бу гоё “абодий қайтиш” ҳақидаги таълимотда ўзининг аниқ ифодасини топган; туғилиш ва ўлим жисмнинг яратилиши ва йўқ бўлишинигина англатади, янги туғилишлар жоннинг саргардонлиги, ҳаётнинг давра айланиши (сансар) ҳисобланади.

Дунё — қувонч ва изтироблар бирикмаси. Ҳинду жамиятининг браҳманлик гоёсига кўра, одамлар ўтқинчи бахтгагина эришишлари мумкин, яъни чекланган миқдордаги ҳиссий лаззат (кама) ва нарсалар (артҳа) ва жамиятдаги ўз ҳолатидан наф ола билдилар, холос, бироқ шуни ҳам дҳармага мувофиқ тарзда оладилар. Шу билан бирга таъкидлаб ўтилганки, маънавий (руҳий) ривожланишнинг маълум даражасига етишган етук жонлар моддий манфаатлар ва лаззатларга интилмайдилар, балки абодий ҳаёт — оддий бандалардан рўёнинг қалин пардаси билан пана қилиб қўйилган мутлақ ҳаққониятни қидирадилар. Ҳаққоният (воқелик)ни эмпирик (амалий) онг билан англаб етиш мумкин эмас. Ҳозир ҳам тақводор ҳиндулар саркардалар, ҳукмдорлар ёки бойларни уначлик хуш кўрмайдилар, айни пайтда эса қаландарлар, дарвешлар ва авлиёлар, масалан, Маҳатма Ганди XX асрнинг буюк одамлари ҳисобландилар.

Яшашнинг маъноси шундаки, оламнинг кўплиги — бу ёлгон эканини ичидан англашдир, зеро биргина Ҳаёт, биргина Мавжудот ва биргина Мақсад бор. Ушбу ягоналикни англаб етишда ҳиндулар энг улуг хузурни, амниятни, халосни ва олий маънони тушунадилар. Ҳаёт ўзининг давомийлиги билан эмас, — балки коинотнинг ўзи ўзидалигини ва ўзининг ҳамма нарсалигини англаш билан абодий, чексиздир. “Юрак ҳаммадан ҳам кўпроқ менга бу оламда чексиз умр билан яшаш имконини берган муҳаббатдан суюнади”.

Воқеликни англатиши ва халоскорликка эриштириши мумкин бўлган воситалар йиғиндиси йога деб аталади. “Халос бўлмоқ” — демакки, борлиқнинг олий поғонасига кўтарилмоқ, хилқатлар ва нарсалар ўзида ҳамма нарсани бирлаштирувчи эркин руҳдан келиб чиқишини англаш дегани. Бу ягоналик фикр бир нуқтага жамланганда, жазави ҳолатига тушилганда амалга ошади: одам бандалик ўрнидан кўтарилади-да, соф борлиқ (сат), (онг), (чит) ва қувонч (ананд) баҳри муҳитига бориб қўшилади.

Биргина умрда инсон онгининг илоҳийликка айланиши мумкин эмас, шу боис ўзлик (индивидуум) ҳаёт чархпалагида такрорланувчи туғилишлар ва ўлимларнинг силсилалари орқали ўтиб боради. Одамларнинг ҳар бир гуруҳи муайян хулқ-атвор қойдасига риоя қилади, бу қоида йўлнинг муайян босқичига мувофиқ бўлади ва унинг изидан бориб, ундан баландроқ поғонага кўтарилиш имконига эга бўлиш мумкин.

Ҳинду идеологик қадриятлари шаршарасида соф метафизик монизм (адвайта) биринчи ўринда туради, уни англаб етиш фақат донишмандларгагина насиб қилади. Бу олий мақсадни мавҳум деб тушунганлар ундан оддийроқ, теологик орзуга эришиш йўлидан боришлари мумкин бўлади. Ушбу босқичда шахсиз мутлақ шахсли худо вазифасини бажаради, комиллик яхшиликка, халоскорлик — жаннатдаги ҳаётга ноил қилади, донолик (жняна) эса диндор ўз табиий мойиллигига кўра танлайдиган шахсли (индивидуал) худога муҳаббат (бҳакти) билан алмашади. Агар кишининг бу даражага етишуви ҳам мушкул бўлса, унда у ахлоқий ва диний қойдаларнинг маълум мажмуаларига қатъий риоя қилиши керак бўлади. Сўнгги ҳолда шахсли худо эҳромда унинг тасвири билан, мушоҳада ва фикрни бир жойга жамлаш — расм-русум, ибодат ва

муқаддас оятларни тиловат қилиш билан, муҳаббат — тўғри хулқ-атвор билан алмаштирилади. Ҳиндувийликнинг кўптарофламалик хусусияти ҳам шундан келиб чиқади; у ўз ақидаларини барчага ва алоҳида одамга зўрлаб тиқиштирмайди, у мақсадга етай-етай деб қолган одамгагина эмас, балки ҳалигача йўлини тополмай ва оддий тоат-ибодат йўриқларини ҳам уддалолмай юрган кишиларга ҳам ғамхўрлик кўрсатади.

Айтилган гаплар бизга Фарб ва Шарқ фалсафий тафаккури ўртасидаги фарқларни чуқурроқ тушуниш имконини беради. Аниқ мантиқий ифодалар ва арастуҳ мезонларга ўрганиб қолган европалик файласуф учун биргина анъананинг ўзи бир вақтнинг ўзида бир неча нуқтаи назарнинг мавжуд бўлишига йўл қўйиб бериши мумкинлиги ва бунда таълимотнинг яхлитлиги бузилмаган бўлиши лозимлиги англаб бўлмас ҳол ҳисобланган. Бу хилма-хил нуқтаи назарлар ва кўптарофлама воқеликни сақфи табиий билан тушунишнинг у билан боғлиқ бўлган услубийлари даршан (санскритча ўзак дрш — “кўрмоқ”дан олинган) деб аталади.

Позитивизм гуллаб-яшнаган даврда тадқиқотчиларнинг таҳлилий услубийта амал қилувчи аксарияти олтига даршанни бир-бирига зид келувчи ва рақобат қилувчи фалсафий тизимлар деб ҳисоблашган. Европада таълим олган айрим ҳиндлар ҳам бу фикрга қўшилидилар. Натижада, масалан, ведантада ахлоқ мавзуи бормиди ёки йўқмиди қабилдаги сўнгги йўқ ва мутлақо самарасиз баҳслар авж олиб кетарди. Даршанларни чуқурроқ, мағзини чақиб англаш баробарида тадқиқотчиларнинг мазкур масалага умумий ёндашуви ўзгарди. Масалан, Генон илмий ишларига асосланган Цимпер даршанлар ягона ортодоксал анъананинг олти жиҳатини ўзида намоён қилади, деган хулосага келди. “Гарчи уларда салпал, гоҳо эса ошкора зиддиятлар кўзга ташланса-да, уларни инсон онгининг турли даражаларига биргина ҳақиқатнинг бир-бирини тўлдирувчи тасвирлар деб ҳисоблаш лозим”.

Вреда ҳам даршанларга худди шундай муносабат билдиради: “Даршанлар антагонистик эмас, зеро улар ҳам ягона бус-бутунликни тиклайдилар, фақат турлича тарз-тариқа билан тартибга солинган бус-бутунликни тиклайдилар. Ния мантиққа бағишланган, вайшешика — физикага, санхья борлиқ қисмлари ва категориялари таснифига, йога — инсон шахсини методик йўл билан ривожлантиришга, миманса — ахлоққа ва веданта — метафизикага бағишланган.”

Тизимларнинг бир-бирига нақадар яқинлиги ва қариндошлигини кўрсатиш учун даршанлар одатда жуфт-жуфт қилиб тавсифланади: нйя ва вайшешика, санхья ва йога, миманса ва веданта.

## САНХЬЯ

Кўпроқ мантиқ билан шуғулланадиган нйя ва ўз космологияси билан вайшешика нарсаларнинг таҳлилий тадқиқотига таянган ҳолда диний тафаккурни ривожлантириш учун катта аҳамият касб этмай қўйганди. Қолган тўрт тизим кўпроқ сохта характерга эга эди.

Санхьяни дуалистик реализм ва худога динсиз ишонч деб изоҳлаш мумкин. Бу таълимотга кўра икки мустақил асос мавжуд эди: рух (пуруш) ва модда (пракрити). Пуруш — ҳеч қанақанги фаолиятсиз соф онгдир. Пракрити — битмас-туганмас ижодий қувват; унга, дарвоқе, онглилик ва ақлий қувват етишмасди. Ўзининг зўхурсиз кўринишида пракрити қарама-қаршиликлар бирлиги моҳиятидир, улар мувозанатда турган ҳолда ҳар қандай фаолият имконини истисно этадилар. Дунёнинг юзага келиши пурушнинг пракритига таъсири билан изоҳланади, бу энг нозик, ақл (буддхи), “мен”лик туйғуси (аханкар) ёки онг (манас)дан бошлаб, беш “дагал” физик унсур — ифор, ҳаво, олов, сув ва тупроққача бўлган 25 аносир, моҳиятларнинг юзага келишига олиб келади.

Пракрити — уч ўримдан ўрилган арқон: у гун деб аталувчи уч қисм, куч, тенденция, хосса, сифатлардан иборат, улар турли бирикмаларда омўхталанади ва хилма-хил нарсалар, амаллар ва ҳодисаларни вужудга келтиради. Гунларни бевосита қабул қилиб бўлмайди, уларнинг мавжудлигини улар фаолиятининг оқибатлари асосида аниқлаш мумкин. Биринчи гун, саттва, мувозанатни,

хотиржамликни, нурни, бахтни, қувончни ва уйғунликни, иккинчи гун ражас доимий интилишларга, жўшқинликларга, фаолликка, эҳтиросларга нисбатан сақфи табиий равишдаги рағбатни, учинчи гун тамас огирликни, лоқайдликни, гўрликни, совуққонликни, омиликни яратади. Бу барча учала гун ҳар доим биргаликда бўлади ва улардан бирининг у ёки бу бирикмадаги устунлиги ҳақидагина гапириш мумкин бўлади.

Пуруш ўлмас, руҳ бағишловчи асос бўлиб, жисмдан, фикрдан, шахсли “мен”дан, сезгидан жиддий фарқ қилади, бироқ муайян булганч ҳаётда гунлар таъсири остида бўлиб, моддий оламнинг кўплаб моҳиятлари ва ҳодисалари билан қиёсланади, бу маънавий тараққиётга халал берувчи гумроҳликка олиб келади.

Санкҳйанинг мақсади — руҳни модда ва жисм исканжасидан халос этиш. Бу таълимот пурушнинг ва модданинг 24 аносирини онгли равишда фарқлашнинг ўз услубиётини таклиф этади, чунки донолик бўлмаганда фақат дин ва худого топиниш инсонни ёруғ олам азоб-уқубатларидан қутқаролмайди. Ҳодисаларни оқилона ва танқидий таҳлил этиш шу нарсани англашга олиб келадик, руҳ бу олий туйғу, трансцендентал воқелиқ бўлиб, ўлиш ва туғилишга, таҳқирланиш ва азоблашга маҳкум этилмайди. Ўзлик (индивидуум) мазкур ҳақиқатнинг поқловчи англанишига етишмоғи учун у ўз эҳтиросларини жиловлаши, машқлар билан жисми ва фикрини тозаламоғи шарт бўлади, бу машқлар йога техникасида янада батафсилроқ тасвирлаб берилган. Шунини таъкидлаш зарурки, гап руҳ ва жисм ўртасидаги ҳақиқат ва фарқни оқилона эмпирик белгилаш ҳақида эмас, балки ҳақиқатни бевосита англаш ҳақида кетмоқда, бу шундай англашқи, у жаҳолат зулматини тарқатиб юборади ва инсон руҳини асирлик исканжасидан абадий халос қилади.

## ЙОГА

Мумтоз йога санкҳйа тугаган жойдан бошланади. “Йога сутр”нинг муаллифи Патанжали деярли барча диалектикани санкҳйадан олди, бироқ метафизик билиш халоскорликка олиб келади деб ҳисобламаган эди. “Йога — сутр”да таъкидланадиги, халоскорлик энг мураккаб руҳий-жисмоний техника ёрдамида биринчи навбатда ўзи билан ўзининг узоқ муддатли қаттиқ кураш натижасида бошланиши мумкин. Санкҳйа каби йога ҳам одатдаги англашни йўққа чиқаришга, уни янги, сифат жиҳатидан метафизик ҳақиқатни англашнинг алоҳида хоссасига эга бўлган бошқача англаш (онг) билан алмаштиришга ҳаракат қилади.

Йога бизнинг одатдаги расо онгимизни босиш қийинлигини яширмайди: назарияни билишдан ташқари қатъият, бир мақсадга интилиш ва шафқатсиз дарвешона ҳаёт тарзига риоя қилиш ва руҳий техниканинг барча тафсилотларига эга бўлиш билан боғлиқ гоятда аёвсиз шахсий интизом зарур бўлади. Санкҳйада эса ўз-ўзини гипноз қилиш, руҳий таҳлилдан ўтказиш ва руҳий техникага эга бўлиш каби нарсаларга иккинчи даражали нарсалар деб қаралади.

Руҳий тараққиёт йўлидаги ғовларни бартараф этиш учун “саккизлик услуби” таклиф этилади, булар: тийиқлик (ям), қонунларга риоя қилиш (ниям), тана машқлари (асан), нафасни онгли равишда бошқариш (пранойам), туйғуларни уларнинг манбаларидан чалғитиш (пратйаҳар), ҳушни бир жойга жамлаш (дҳаран) диққат (дхйан) ва транс ҳолатида фикрни бир жойга тўплаш (самадхи). Бу саккиз қисмдан биронтасини ўтказиб ҳам, эътибордан қолдириб ҳам бўлмайди. Бундай тақсимлаш Патанжали мумтоз йогасигагина хос бўлмай, у ҳиндувийликнинг деярли барча мазҳаб ва таълимотлари томонидан эътироф этилган.

1. Дастлабки икки қисм — ям ва нийам — ахлоқий жиҳатнинг аҳамиятига урғу беради. Куч ишлатмаслик (аҳммса)ни узлуксиз амалда қўллаш, ҳаққоний, ҳалол, сабрли бўлиш, яъни ҳар қандай хатти-ҳаракат, шу жумладан ёмон ниёт сўз билан зарар етказишдан ўзни тўхтатиб қолиш лозим бўлади. Аҳммса барча жонли махлуқотга зиён етказишдан муттасил тийилишни ва шу билан бир вақтда адоват ва нафрат туйғусининг йўқлигини англайди. “Ўлдирма” калимаси бу ўринда мутлақо ортиқча; ҳатто ўзини ўзи ҳимоя қилишда жуда иложи қолмаганда ҳам қотилликни оқлаб бўлмайди. Тўғрилик — бу сўзлар, тафаккур

ва ҳаққоният уйғунлиги. Жинсий алоқаларни тақиқлаш табиий ҳиссиётни бўғиш эмас, эҳтиросни жиловлашдир, жинсий алоқалар гуноҳ сифатида қораланмайди, фақат қимматли асабий ҳаётий кучни бекорга сарфлаш сифатида ва фикрни жамлашга халақит берувчи омил сифатида танбеҳ бериб ўтилади.

2. Қоидаларга риоя қилиш табиий эҳтиёж, шахс феъл-атворининг бир қисми бўлиши лозим бўлган муайян малакаларни оширишга дахл қилади. Бунга: баданни тоза тутиш, фикр тиниқлиги, қониқиш, зоҳидлик, муқаддас китобларни ўрганиш ва худо ҳақида мутассил фикр қилиш киради.

3. Бадан интизоми кўп даражада асанлар, яъни фикрни бир жойга тўплаш (инсон чопаётган ёки сайр қилаётган вақтида одатда диққатини бир жойга жамлай олмайди) учун кўпроқ қулай жисмоний шароитлар билан таъминлайдиган ҳолатларни ўзлаштиришни кўзда тутати. Фикрни бир жойга тўплашдан анча олдин қулай ҳолатга тушиб олиш керак. Патанжаланинг олдий ўғитларидан бири шуки, гавданнинг ҳолати тургун ва ёқимли бўлиши керак. “Йога сутр” шарҳловчилари турли гавда ҳолатлари ҳақидаги таълимотни миридан-сиригача ишлаб чиққанлар. Энг кенг тарқалгани бу “нилуфар ҳолати”дир: оёқлар чордона қурган, ўнг оёқ чап оёқ устида, чап оёқ ўнг оёқ устида ётади, қўл панжалари — тизза кўзида. Йога машқлари зўр жисмоний сабр-тоқатни талаб қилгани боисидан баданни чиниқтириш ва уни бошқаришни ўрганиш лозим. Ҳатҳ йога тизими, масалан, баданни мустаҳкамлабгина қолмайди, балки баданда кексайишдан келиб чиқувчи табиий патологик ҳодисаларни тўхтатиб қолади. Йоғлар аччиқ таом ва кайф берувчи ичимлик истеъмол қилишдан ўзларини тийишлари керак.

4. Бир маромда, текис нафас олиш одамнинг жисмоний ва руҳий ҳолатига самарали таъсир кўрсатади, бу тажрибалар йўли билан европалик олимлар томонидан ҳам исботланган. Машқ секин ва чуқур нафас олишдан бошланади, сўнг нафас тутиб турилади, ниҳоят, нафас чиқарилади. Бу уч палла учта давомийликка эга бўлиб, кишининг шахсий хусусиятлари ва машқ қилиш даражасига боғлиқ равишда ўзгариб туради. Нафасни қўлга олиш йоғларга уни узоқ вақтгача тутиб туриш ва шу билан жазави ҳолатини узайтириш имконини беради: шогирд бунга тажрибали мураббий ёрдамидагина ўрганиши мумкин.

Фарбдан йога урф бўлиб кетган замонларда Европада йоғлар машқларини тарғиб қилувчи кўплаб китоб ва китобчалар пайдо бўлганди. Айрим шинавандалар болдирлари гўштор эркаклар учун, агар у ёшлиқдан машқ қилиб келмаган бўлса, қийин бўлишини унутиб, нилуфар ҳолатида ўтиришга уринганлар. Осондек бўлиб кўринган нафас машқлари ундан ҳам кўпроқ урф бўлган. Бироқ улар ҳам турли юрак хуружлари, нафас қисиш ва вегетатив асаб тизими бузилишини келтириб чиқаришга қодир. Умуман, жисмоний йога фақат тўрт мучали соғ одамларгагина тўғри келишини ва одамга йўқотиб бўлган соғлиқни қайтариб беролмаслигини кўпинча унутиб қўядилар. Руҳониятнинг гайришуурий соҳасига гўё зўравонлик билан ёриб кирган вақтдаги фикрни жамлаш бўйича қилинадиган машқлар янада хавфли.

5. Туйғуларни уларнинг манбаларидан чалғитишга (ёки туйғуларни уларнинг табиий ташқи вазифасидан маҳрум этишга) сезги аъзоларини уларни кўзгатувчилар, — нарсалар, товушлар, ҳидлар ва ҳоказолардан ажратиш билан эришилади. Йог бирон хилват жойга кетади, ҳолатлардан бирига киради, кўзларини юмади ва бармоқлари билан кулоқларини беркитади, токи ёруғлик, товуш ва таъм сезгилари унинг фикрлаш тарзини бузмасин.

Ахлоқий тайёргарлик (ям ва ниям) тана ҳолати (асан), нафасни бошқариш (праниям) ва туйғуларни уларнинг вазифаларидан маҳрум этиш (пратйаҳар) — булар аслида жисмоний ва ахлоқий покланиш босқичидаги мажбурий тайёргарлик ва ёрданчи шароитлар мажмуи ҳисобланади, айни вақтда дҳарам ва дҳйан муқаддаслаштиришни, саматҳа эса — ягоналикни ўзида намоён этади.

6. Фикрни муайян тасаввурда, дейлик севимли шоҳ тимсолида ёки ўз баданининг бирон-бир қисмида жамлаш йогнинг руҳий ўз-ўзини камол топтиришнинг навбатдаги босқичига ўтиши мумкинлигини билдиради.

7. Мушоҳада чоғида фикрлар мутлақо тинч бўлиб, бир нуқтага қаратилган бўлади. То фикр унга дохил бўлиб, унинг ички моҳиятини англаб етмагунча

бу давом этаверади. Шундай қилиб, мушоҳада ҳар қандай нарсанинг ҳақиқий моҳиятини очиб беради.

8. Дҳян олий нуқтага етиб, кузатувчи мутлақ жазавага эга бўлгач, у бутунлай ўзининг “Мен”лигини унутади. Бадан ва онг ташқи тимсоллар ва таассуротлар учун ўликка айланади; фақат мушоҳада манбаигина ҳис этиб турилади. Самадҳдан олдин бевосита тўла халоскорлик ҳолати келади, у бамисоли унинг бўсағасида тургандай бўлади ва деярли ўзида “Мен”нинг ташқи олам билан алоқаларини бузаётгандай бўлади. Халос бўлган ҳолат ҳар қандай йога шахсий интизом ва руҳий муолажанинг сўнгги мақсади ҳисобланади. Соф жисмоний таъсирлар ўз-ўзидан ҳеч қандай қиммат касб этолмайди. Ҳатҳ йога ва бошқа машқларнинг маъноси шундан иборатки, улар инсоннинг олий ва жисмоний жиҳатдан шартланган (чекланган) ҳолатга ўтишига имкон туғдиради.

Самадҳи — бу ҳақиқатга сақфи табиий билан дохил бўлишдир (“руҳ яна ўзининг абадий ҳолатига етишади”). “Йог” олам пуруш ва пракрити ўртасидаги ибтидоий тафовутда намоён бўлгандаги даражагача кўтарилди; модда исканжасидан кутулган руҳнинг хушсиз жазавасида ўзининг табиий асосига қайтди.

“Йога сутр”га кўра, муайян поғоналарга эга бўлиш гайритабиий қобилиятларга эга бўлишга имкон туғдиради. Масалан, асанни ўзлаштириш гўё шу нарсага олиб келар эканки, бунда йог иссиқ ва совуқни писанд этмас экан, фикрни кўра, эшита ва узоқ масофаларга узата олар экан, самовий кенгликларни, сайёралар оламини, Кутб юлдузи ҳаракатини ва баданнинг тузилишини миридан-сиргача билар ва ниҳоят баданни кўзга кўринмас қила олар экан.

Бироқ шарҳларнинг матнлари гайритабиий кучларни қўллашдан эҳтиёт бўлишни ҳам уқтиради ва уларнинг кўпроқ халоскорлик йўлида гов бўлиб хизмат қилишини кўрсатиб ўтади. Уларни самадҳига тўсиқ бўлувчи омил деб билади ва шу билан бир вақтнинг ўзида уларни баркамолликлар сифатида эътироф этади, бу баркамолликлар йог руҳий тараққиётининг тескари натижаси ҳисобланади. Ҳақиқий йог ўзини қобилиятларга эга бўлиш қулига айлантириб қўймаслиги керак, зеро бу тўлиқ халоскорлик йўлида жиддий тўсиқ бўлиши ва у ўзи чақирган кучларнинг қурбонига айланиши мумкин. “Йога сутр”да шундай ақида баён этиладики, ҳар турли гайритабиий ҳодиса ва мўъжизалар ўзидан-ўзи ҳеч қандай маънавий қиммат касб этмайди.

“Маҳобҳорат”да қадимда, албатта, шахсли худога ихлосни даъват этувчи маҳаллий диний мазҳаблар билан боглиқ бўлган йога амалиётининг кўплаб тавсифлари мавжуд. Собитқадам браҳманларнинг тош қотиб қолган расм-русумларига нисбатан анъанавий иштиёқи ўз умрини яшаб бўлганди ва диндорларнинг кўпчилиги муайян диний тажрибага интиларди. Бу талаб ўшанда ҳали руҳоний-жисмоний машқлар тизимидан хиёлгина ажралиб қолган ўз назарияси билан фақат йогларнигина қондира олар эди. Шундан кейин у вишнувийлар ва шивавийларнинг ҳинду мазҳабларида, трантрвийликда жадал ривожланди; хусусан трантрвийликни тақводор ҳиндувийлар ҳали-ҳамон халоскорликка эришишдаги энг самарали йўллардан бири сифатида қараб келмоқдалар.

Ҳинд йоглари ва қаландарларининг мўъжиза ва найранглари ҳақида китоблар жуда кўп ёзилган. Гарчанд улар орасида алдоқчи ва фирибгарлар озмунча бўлмаган бўлса-да, уларнинг айримлари одамларни ухлатиб қўйиш ва турли ҳолатларга солишда ажойиб қобилиятларга эга бўлганлар. Шундай гаройиб найранглардан бири ҳақида XIV асрда ўтган араб сайёҳи Ибн Баттута ҳикоя қилади. Кўзбойлоқчи арқонни осмонга иргитган ва ёрдамчисига арқонга тирмашиб тепага кўтарилишни буюрган, сўнг қўлида пичоқ билан йигитчанинг ортидан кўтарилган ва унинг танасини нимта-нимта қилиб ерга ташлайверган. Пастга тушиб, у барча аъзоларни йиққан ва йигитча дик этиб ўрнидан туриб, томошабинларга таъзим қилган. Бизнинг асримизда бундай амал тасмага туширилган, шунда бутун томоша давомида йигитча кўзбойлоқчининг белбоғини устига ёпиб, ерда ётганлиги маълум бўлган. Шундай қилиб, айни вақтда гап оммавий гипноз ҳақида борган.

Кўплаб европалликлар одамни тириклайин ерга кўмиш ҳақида гувоҳлик берадилар. Бу маънода ўзини олти ҳафта дафн эттириб қўйган йог Ҳаридас (1837 й.да Лоҳурда) алоҳида эътиборга молик. Бу воқеа сикҳлар раҳнамоси

Ранжит Сингх саройида рӯй берган. Ёлгондакам эмаслигини билдириш мақсадида у турли эҳтиёткорлик чораларини кўришни буюрган. Ҳаридасни ичига ҳаво кирмайдиган тобутга жойлайдилар ва ҳукмдорнинг ўз муҳри билан муҳрлаб қўядилар. Тобутни боғ шийпонига жойлаштирадилар, шийпоннинг учала эшиги мўмиёланган, тўртинчисига қулф урилиб, устидан суваб қўйилган. Ҳукмдор инглиз капитани Осборн билан бирга текшириб чиққан ва нина кўзидек тирқиш қолмаганига амин бўлишган. Бунга ҳам қаноатланмаган ҳукмдор икки отлик гуруҳга шийпонни кечаю кундуз қўриқлаб туришни амр этган. Олти ҳафтадан кейин Ранжит Сингх эшикнинг сувоғини кўчириб, қулфини очишни айтган. Қулф ва тобутдаги муҳрлар бус-бутун турган. Мулозимлар Ҳаридаснинг ҳаракатсиз муздек танасини суғуриб олганлар ва табиблар уни текширишга киришганлар. Юрак уриши ва нафас олиши бутунлай тўхтаган, фақат бошигина тананинг бошқа аъзоларига қараганда бироз илиқроқ бўлган. Ёрдамчилар уни иссиқ сувли қозонга солганлар, бошдан-оёқ уқалаганлар, бурун ва қулоқ тешикларидан момиқ ва сақич бўлақларини чиқариб ташлаганлар, оғзини базўр очганлар ва танглайига ёпишиб қолган тилни асил ҳолатига келтирганлар. Бир вақтнинг ўзида қоқ мия устига иссиқ бугдой уни хаамири босганлар ва чаккаларига қиздирилган ёғ сурганлар. Кўп ўтмай танага қон югуриб, юрак ҳам аста-секин ура бошлаган. Мулозим йогнинг оғзига бир бўлак ёғ солган ва у ёғни ютиб юборган. Сўнг у кўзини очган ва қаршисида ҳукмдор турганини кўриб, эшитилар-эшитилмас қилиб: “Энди ишонасизми менга?” — деган. Бу ҳол тобутдан чиққандан кейин ярим соат ўтгач рӯй берган, яна ярим соатдан кейин эса Ҳоридас тўпланган томошабинлар билан бемалол гап сота бошлаган.

Оря самаж ислоҳотчи мазҳаби аъзози йог Бҳимсен 1896 й.да Будапештда батафсил тиббий кўриқдан ўтган эди, у шиша тобут ичида ўн кун ётиб чиққанди. Ҳар куни унинг неча бор нафас олиши, нафас чиқариши, юрак уриши ва ҳарорати ўлчаб турилган. Ўлим уйқуси вақтида у 6 кг вазнини йўқотган.

Аввал айтиб ўтганимиздек, йога таълимоти билан бу тариқа ютуққа эришиш муҳим аҳамият касб этмайди: аксинча, гайритабиий кучлардан фойдаланиш тўлиқ ҳалоскорлик йўлида гов бўлиб хизмат қилади. Гарчи “йога сутр”нинг ўзида гиёҳвандлик моддалари истеъмол қилиш комилликка эришиш усуллари билан бири деб ҳисобланса-да, бундай қилиш тавсия этилмайди.

## МИМАНСА

(пурва миманса)

Мимансанинг бош мақсади дҳарма моҳиятини англашдан иборат. Айниқса, қурбонлиқ расм-русумларини сўзсиз адо этиш шу концепция марказида туради. Ҳақиқатни англашга қаратилган фалсафий мушоҳадаларга қараганда расм-русумлар кўпроқ муҳим ҳисобланади. Миманси ведавий расм-русумлар анъаналарининг давом эттирилишини изоҳлаб беради ва асослайди. Расм-русумларнинг мимансадаги изоҳи браҳманларда таянч топмагач, — уларга ишонувчилар веда расм-русумларининг маъносини ҳам аллақачонлардан бери бировлар ёрдамисиз тушуна олмай келар эдилар — расм-русумлар маъносини янгича талқин этиш эҳтиёжи юзага келди. Бу йўналишда эрамизгача IV-II асрларда “Мимансасутра”да турли-туман қурбонлиқларни тавсифлаб берган Жаймини бир уриниш қилиб кўрди. Расм-русумлар (карма — “амал” категориясига мансуб) билимга бўйсундирилган упанишадлар фалсафасига қарама-қарши тарзда ва ведаларни тан олмаган буддавийлардан фарқли ўлароқ Жаймини уларнинг мутлақ муқаддаслигини таъкидлаган эди. Жаймини фикрига кўра, ведани худо ҳам, инсон ҳам яратмаган, аммо расм-русумларни бажаришга қаратилган билим ва кўрсатмаларнинг шахссиз илохий манбаси ҳисобланган. Бу мактабнинг айрим маслакдошлари расм-русумларга бўлган ўз майлларидан шу қадар чуқур кириб кетганларки, ведаларнинг расм-русумларга бевосита алоқадор бўлмаган қисмларини ҳеч бир маънога эга эмас ва кераксиз деб ҳисоблаганлар.

Миманса тарафдорлари ўз диққатларини браҳманларга қараганда кўпроқ расм-русумларнинг турли узвларига жамлайдилар; худолар аста-секин иккинчи планга тушиб қолганлар. Уларни ҳатто жонли мавжудот деб ҳисобламай қўйганлар

ҳам, расм-русумларни адо этишга бир амаллаб ярайдиган буюмлар деб қараганлар. Бироқ кейингиси билан боғлиқ бўлган ҳамма нарса фавқулодда аҳамият касб этган. Бунинг натижаси шундай бўлганки, ёрдамчи ведавий фанлар юзага келган, булар веданталар деб аталган, масалан фонетика (товушни ўрганиш) ведантаси мантрларни тўғри талаффуз этишни ўргатган ва уларни сайёраларнинг қулай жойлашуви ва расм-русумларни адо этиш вақтини белгилаш учун зарурий турли ўлчамлар, этимология ва астрономияга кўра таснифлаган.

Мимансада метафизикага иккинчи даражали нарса деб қараган. Воқелик мураккаб, аммо моддий бўлақлар, атомлар, фалақлар, дўзахлар, одам жонлари ва худолардан ташкил топган ягона бус-бутунлик деб ҳисобланган. Дагал моддий оламни ташкил этувчи унсурлар каби жонлар абадийдир. Унда содир бўладиган барча воқеа-ҳодисалар карма қонуни амалиёти мевасидир. Оламнинг пайдо бўлишини тушунтириш учун худонинг борлигига йўл қўйиш шарт эмас, чунки карма қонуни ўзидан-ўзи амал қилувчи хусусиятга эга ва атомларнинг бирикишларини, гуруҳлашувини бошқариб туради; жисм билан бирга ўлмайдиган, балки бошқа жисмга кўчиб ўтадиган жонлар ўтмиш ҳаётлардаги ўз қилмишларининг ахлоқий оқибатлари каффорати учун моддий олам ана шу тариха вужудга келтирилади.

Анча кейинги даврда мимансада қатор ўзгаришлар рўй берди ва халоскорлик сари элтувчи мустақиллик йўлидаги ўз аҳамиятини аста-секин йўқота борди. Худо ёки худолар мавжудлигига дастлабки мимансадаёқ ғойиб бўлган ишонч яна пайдо бўлди ва тизим янги вариантнинг муҳим қисми бўлиб қолди, бу тизимда қурбонлик ўзини ўзи учун эмас, балки ҳинду илоҳиётининг асосий худоларини тинчлантириш ва кўнглига раҳм-шафқат солиш учун қилинувчи қурбонлик деб қаралади.

### ВЕДАНТА (уттар-миманса)

Агар миманса ўз издошлари эътиборини ведаларда ёзилган мажбуриятларга қаратган бўлса, веданта упанишадларнинг фалсафий метафизик қарашларини ривожлантирди. Унинг асосий матни Бадараяннинг “Веданта-сутра”си эрамызгача тахминан II юзйилликда яратилган. Шарҳлардан энг машҳури Шанкарга мансуб (VII аср охири VIII аср боши). Унинг таъсири ва аҳамияти шунчалик улуғки, веданта ҳақиқда сўз кетганда, албатта Шанкар шарҳидаги веданта кўзда тутилган.

Шанкарга кўра, шахссиз Браҳман — мутлақ ҳақиқатдир ва ундан бошқа ҳеч қандай воқелик йўқдир. Браҳман — бу соф борлиқ, онг ва фароғат, бироқ булар унинг сифатлари эмас (у сифатлардан холидир), балки унинг моҳиятидир.

Олам — Браҳманнинг майда деб аталувчи сеҳрли қудрати амалининг натижаси. Фақат ҳеч нарсадан хабари йўқ нодонгина бу оламни бор деб ҳисоблаши ва фақат донишмандгина унинг ташқи қобигини ёриб чиқа олиши, сероб бўлиб кўринган алдоқчи ўйини ортида ягона ҳақиқат — Браҳманни топиши мумкин. Уни сўз билан ифодалаш мумкин эмас, чунки уни билиб бўлмайди. Унинг трансцендентал жиҳатини Шанкар Парабраҳман — олий ёки мутлақ, илоҳ деб атайди. Амалиёт нуқтаи назаридан Браҳманни мавҳум мутлақ сифатида англаш кифоя қилмайди. Унда ҳамма нарсага қодир ва ҳамма нарсани билгувчи, оламни яратувчи, сақлаб турувчи ва барбод этувчи зотни кўриш жоиз. Шу маънода у Ишвар (Тангри) сифатида намоён бўлади ва борлиқ оламга ишонувчилар учун сифиниш манбаи бўлиб хизмат қилади. Донолар эса аслида, ҳақиқатан ҳам на бу олам, на-да унинг яратувчиси борлигини биладилар, бу кўзбойлоқчининг қилиқларини кузатиб турган зукко ва зийрак одам кўзбойлоқчининг ўзи ҳам, у кўрсатган томошалар ҳам йўқ нарсалар эканини билиб тургандай бир гап.

Шанкар субъект ва объект ўртасидаги ҳар қандай фарқни инкор этади. Одам жисмдан, фикрдан ва руҳдан ташкил топган, бироқ жисм ҳам, фикр ҳам барча моддий ашёлар каби рўё, ўткинчи. Бедорлик чоғида у ўзини ўз фикри ва жисми билан бир хил деб билади, у ухлаётганида ва туш кўраётганида эса ашё (буюм, нарса)лар унга унинг фикрлари яратган сувратларга ўхшаб кўринади. Қаттиқ уйқуда туш кўрмай ётган одам нарсалар ҳақида қандайдир



тасаввурлар олишдан тўхтайти, унинг руҳи браҳман — соф онг ва фароғат билан бир хил бўлиб қолади.

Жисм тана билан боғлиқ бўлган руҳ ўзининг илоҳий моҳиятини унутди ва ўзини бамисоли чекланган, нодон зотдек тутди. Халоскорлик — бу ўзининг “Браҳман билан бир хиллигини англашдир. Абдий мавжудликка эга бўлувчи ва ўткинчи нарсаларни, яъни ўзгармас борлиқ ва ўзгарувчан оламни бир-биридан фарқлаш лозим бўлади. Шудан кейин инсон бу оламдаги мукофотдан ва бўлажак ҳаётдаги неъматдан тўла воз кечиши керак, у ўзи билан қўшиб, охир-оқибатда, ҳамма нарсадан юз ўгириши учун етарли даражада ахлоқий тайёргарликка эга бўлмоғи зарур. Браҳман билан бирлашишга муяссар бўлган руҳий муаллим (мурабий) руҳий тарққиётнинг зарурий шартин ҳисобланади. Расм-русумларни тушунтиришнинг, тушунишнинг ёки ижро этишнинг ҳожати қолмайди, чунки халоскорлик фақат салбий деб қараладиган нарса, дейлик иштиёқ туфайли изтироб чекишнинг тўхташи билан ифодаланувчи ҳолат эмас, Браҳман — бу фароғат, халоскорлик эса — бу у билан ягоналикка эришув, яъни унинг васили ваосил бўлишдир.

Сўнги етмиш йил мобайнида Фарб Шанкарнинг гўё ҳаётга нисбатан метафизик назариясидан келиб чиқувчи ҳиндувийлик қарашларининг турли шакллари билан танишиб келди. Ўзининг Америка ва Европа бўйлаб қилган икки маротабалик саёҳатлари давомида Вавекананд (1863-1902) даъват қилган “веданта” шулар ичидан энг машҳури ҳисобланади. Бироқ унинг таълимотида Шанкар фалсафасига ёт бўлган бир қатор замонавий гоғлар учрайди, шу боис уни “неоведанта” деб атаган дурустроқ. Энг янги замоннинг бошқа таълимотлари эса, дейлик таниқли тамил йоғи Раман Маҳарши (1952 йилнинг) даъвати ортодоксал веданта концепцияси доирасида қолиб кетади.

Хулосада шуни таъкидлаш жоизки, даршанлар ўртасидаги тафовутлар биринчи навбатда таълимотнинг иккинчи даражали бандларига тааллуқлидир. Улардан биронтаси ҳам мутлақо ва муайян мактабга мансуб эмас; улар бир-бирларига таъсир қиладилар ва бир-бирларини тўлдирадилар. Айтмоқчи, шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, Ҳиндистонда мутафаккирнинг ўзига хослиги (оригиналиги) ва кашфиётчилигини мақташ деярли уни ҳақорат қилиш билан барабар. Барча ҳинду ислоҳотчилари, файласуфлар ва метафизиклари ведалар ва веданталар таълимотига таянадилар ва улар шу нарсага аминдирларки, улар азал-азалдан белгилаб қўйилган нарсаларни фақатгина қайта ишлайдилар ёки ўзларича янгидан талқин қиладилар.

## ҲИНДУ ДИНИ МАЗҲАБЛАРИ

Ҳинду дини мазҳаблари (сампрадаё)ни у қадар аниқ аташмаганлари илдизига етмоқ учун эрамизнинг дастлабки асрларига қайтишимиз лозим бўлади. Йога амалиёти аста-секин кўр-кўрона диний оқим билан қўшилиб кетади, унинг бош мақсади шахсан худога жўшқин садоқат (бҳакти) ҳисобланади. Браҳман қонунчилари ва веда метафизиклари бу янги тенденциялар галабасини тан олишга ва улар билан яхшигина муроа қилишга мажбур бўладилар. Инсон, агар фикр ва туйғуларини ўзига бўйсундирса мақсадга эришади, жисмнинг дарвешона йога билан қийнашнинг ҳожати қолмайди деганда “Ману қонунлари” бир пулга арзимаё қолди, Шанкарнинг диндорларга қарата: бу йўлда қўлга киритиладиган гайритабий кучлар индивидуум (шахс)нинг олий фароғатларга етишувига қўймайди, деган эскартиши ҳам уч пуллик бўлиб қолди. Йога даъватчилари шундай яқдил фикрга келганларки, илоҳиётни атрибутларсиз (ниргун), яъни сифатларсиз тасаввур қилиш мумкин эмас ва шуни назарда тутганларки, атрибутлар (сагун) билан ифодаланувчи худо (Ишвар) жиҳатига фикрни жамлаш зарур. Коинотга нисбатан Ишвар уч функцияга эга: яратиш, сақлаб туриш ва барбод этиш. Шу боисдан ҳам ҳиндувийликнинг уч худода тажассум топган буюк учлиги (тримурти) тушунчаси мавжуд, булар: Браҳман — яратувчи, Вишну — сақловчи ва Шива — барбод этувчи.

Янги туғилишларга ишонадиган ва ҳаёт чархпалагидан халос бўлишда асосий мақсадни кўрадиган ҳиндулар учун яралиш ва йўқ бўлиш ҳақидаги тушунча бизга қараганда мутлақо бошқача маънога эга. Яралиш деганда улар дастлабки

ягоналикни йўқотиш ва ҳаддан ташқари ёқимсиз кўпчиликнинг яратилиши деб, йўқ бўлишни эса — фарқловчи онгнинг ғойиб бўлиши ва дастлабки ягоналикка қайтиш деб тушунадилар. Шу боис гарчи Браҳмага нисбатан улар чуқур фарзандлик ҳурматини сақлаб қолсалар—да, унда инсонни яхшилик ва ёмонлик, муҳаббат ва нафрат, иссиқ ва совуқ сингари асоратлар оламиги олиб кирган ва бу билан уни мутлақ ягоналик жаннатидан қувиб юборган худони кўрадилар. Бутун Ҳиндистонда Браҳмага бағишланган эҳромлар атиги ўн-ўн иккитадан ошмаслиги таажжубланарли эмас.

Биз кўпинча шундай фикрга дуч келамизки, ҳозирги замон Ҳиндулари бир-бирига рақобатда бўлган вишнупарастлар, шивапарастлар ва шактипарастлар мазҳабларига бўлинадилар ва уларнинг муносабатлари масалан, дейлик, протестантларга ўхшаб кетади. Ҳаққониятдан узоқликда уларнинг олдига тушадигани йўқ. Вишнувийлик, шивавийлик ва шактивийлик — булар худо зуҳурини англашнинг турли шакллари бўлиб, улар уни бирдек адолатли ва ҳаққоний деб тан оладилар. Ҳар бир диндор худонинг шундай жиҳатини ва худога олиб борадиган шундай йўлни танлашда эркин, бу худо унинг (диндорнинг) феъл-атворига энг кўп даражада жавоб беради. Бироқ агар у илоҳлар ўртасида саъй-ҳаракатларини тақсимлагудек бўлса, индивидуумнинг руҳий интилишлари қондирилмайди, бир худонинг қайсидир жиҳатини танлашга ва бир умр шунга содиқ бўлиб қолишга тўғри келади.

Ўтқир зеҳнга, тавофутни аниқлаш қобилиятига ва мушоҳада қилиш мойиллигига эга Ҳинду саралар учун, қаландарлар учун энг кенг тарқалган дин — шивавийликда тўхтайтиди. Уларнинг худоси ташқи томондан бир-бирига мувофиқ келмайдигандек бўлиб кўринувчи, аслида эса бир-биридан ажратиб бўлмайдиган икки ташқи сифатга эга. Қулайлик жиҳатидан у офаринишларнинг босиқ ва қудратли ҳукмдори Шива (Муруватбахш) ҳисобланади, унга нисбатан диндор муҳаббат ва садоқат билан муносабатда бўлади. Қаҳр жиҳатидан у — даҳшатли Рудр ёки Бхайрав бўлиб, ҳамма нарсани шафқатсизларча ер билан яксон қилади ва руҳий тараққиётга ҳалақит беради. Бироқ ўлим замон ва маконда бир вақтнинг ўзида абадий ҳаёт сари туғилиш бўлгани сабабидан барбод этувчи худо Шива рамзий маънода эркак жинсий аъзоси (лингам) кўринишида тасвирланади.

Агар диндор ҳиссиётли бўлса, унга Вишну тимсоли кўпроқ яқин бўлади, бу худо уни азоб-уқубатлар ва ғам-қайгулар водийсидан етаклаб, инсонни мудом ҳимоя қидиб боради. Вишну — чин ва содиқ дўст, у дунёдаги ёмонликлар каффоратчиси сифатида турли қиёфаларда ерга такрор ва такрор қайтади.

Худонинг ҳар бир жиҳатининг икки томони бор: эркак томони ва аёл томони. Аёл томони тегишли худонинг ижодий (яратувчанлик) қуввати ёки кучи (шакти)ни ифода этади. Браҳма — Сарасвати, Вишну — Лакшмий ва Шива — Парватий илоҳий жуфтликлари шундан келиб чиққан. Шивапарастлар орасида ҳам, вишнупарастлар орасида ҳам қадим замонлардан буён аёлнинг яратувчанлик кучига катта аҳамият берувчи ва Шакти — Буюк Онанинг қайсидир жиҳатини ўз илоҳаси қилиб танловчи алоҳида гуруҳлар мавжуд бўлган. Мана шу учинчи йўналиш шактивийлик деб аталади.

Шивавийлик, вишнувийлик ва шактивийлик ўртасида назарий қарама-қаршиликлар йўқ. Худонинг ягоналиги тўғрисидаги бу тасаввурни иконография ҳам тасдиқлайди. Биз аксар ҳолларда олий учлик тасвирини учратамиз, унда Браҳма, Вишну ва Шиванинг бошлари битта жисмдан, илоҳ ва илоҳанинг биргаликда қўйилган танасидан ёки битта қиёфада акс эттирилган (Ҳариҳар) Шива ва Вишнудан ўсиб чиқади. Халқ ривоятларида бошқа худоларга қарши бўлган такаббур вишнупараст устидан қулинади. Унга насиҳат қилмоқчи бўлиб унинг қаршисида Ҳариҳар қиёфасида Вишну пайдо бўлганда мугаассиб Шивани намоён этувчи ярмидаги кўз ва бурунни бўяб ташлайди, бу билан фақат Вишнуга тортиқ қилгани олиб келинган гулларнинг рангу бўйидан завқ ва баҳра олмасин демоқчи бўладилар.

Шивапарастларга қараганда вишнупарастлар ташқи расм-русумларга кўпроқ эътибор берадилар, шу боис уларнинг эҳромлари, одатда, Ҳинду бўлмаганлар учун ёпиқ бўлади.

## ВИШНУВИЙЛИК

Мифологик “Бхагавата-пурана”дан ташқари “Маҳобҳорат” даги машҳур фалсафий дoston “Бхагавадгита” (“Тангри қўшиғи”) ҳинд вишнупарастларининг энг оммавий муқаддас китоби ҳисобланади. У қисқача “Гита” деб аталади. Бу ҳайратомуз, ҳартарафлама музмонга эга манба аҳамияти вишнувийлик доиралари билан чекланиб қолмайди: бу китобни маълум даражада умуман ҳиндувийликнинг фалсафий асоси деб ҳисоблаш мумкин. Биз унда муайян даврнинг барча асосий фалсафий оқимлари синтезига ўхшаган нарсани кўраимиз. “Гита” упанишад таълимотининг қаймоғини совуқ, мавҳум шаклда эмас, балки давр диний ҳаётининг муайян ҳодисалари билан узвий боғлиқликда баён этиб беради. Айрим упанишадларда ҳаракатсиз, туссиз ва маъносиз қилиб кўрсатилган мутлақлик бу ерда жонли ва сеувчи, аммо мутлақлик сифатида ўз аҳамиятини тўла сақлаб қолувчи шахс худога айланади.

“Гита”га кўра, худо — икки жиҳатга: трансцендент ва имманент, шахссиз ва шахсли, сифатли ва сифатсиз жиҳатга эга олий коинот руҳидир. У оламни ҳеч нарсдан эмас, балки унинг ўзидан яратган, у ўзига ипдаги маржондай тизилган барча ҳодисалар ва нарсаларнинг ўртасида, Худо бутун олам қаърига жо бўлади ва барча мавжудотларнинг улар ички ҳўжайини ва мураббийи каби юраги ҳисобланади. У оламнинг ахлоқий негизини сақлаб туради, дўстлик қилади, инсонни мудом етаклаб юради ва дунёни гуноҳлардан фориғ қилади. Ҳамдардлик туйғуси туфайлидан у абадул-азал қайта тажассум топаверади ва шу тариқа одамларнинг қувонч ва ғамларига шерик бўлади. Мана шу қайта тажассум ва зухурлар борлиқ оламдаги эврилиш ва ҳодисалар моҳияти ҳисобланиб, улар олий илоҳнинг ишқий ўйини (лийла) сифатида намoён бўлади.

Мана шу ҳама нарсага жон ато этувчи мустақил руҳдан табиат қўйнига ҳаёт ва нур оқиб киради. У — ота, табиат эса онадир, ундан ёруғ олам туғилади. Шу боис олам модданинг механик маҳсулоти эмас ва алдоқчи рўё ҳам эмас, у бор нарса ва уни англаш мумкин.

Шахсий (индивидуал) жонлар онгли, абадий ва чексиздир. Улар мустақил руҳ олий муруввати ифодасининг моҳияти ва унинг ҳаётининг интеграл заррачаларидир. Улар туғилиш ва ўлим, ўзгариш ва йўқ бўлиш қонунларига бўйсунмайди, замондан, макондан ва сабабийликдан ташқари жойлашган бўлади ва фикр, сезги аъзолари жисмдан бутунлай алоҳидадир. Туғилиш ва ўлим — бу жон умрининг турли босқичлари бўлиб, инсон умрининг болалик, балогатлик ва кексаликдан иборат турли даврлари монанддир. Индивидуум томонидан “Мен” билан бир хилликка эга бўлгандагина жон изтиробларни бошдан кечиради. Бундай жон ёмонлик, эҳтирослар, туғилиш ва ўлим таъсирига маҳкам ва боғлиқдир.

Жоннинг олий мақсади — халоскорлик, унга унинг софлигини, илоҳийлигини ва аслида фалакнинг олий руҳига ўхшашлигини англаш натижасида эришиш мумкин. “Гита” шу мақсадга эришишнинг тўртта йўлини кўрсатади.

1. Йога. У бу ерда Патанжали каби у қадар тизимлаштирилмаган ва онгнинг бир нуқтага жам бўлишига ва доимий тарзда ўзгариб туришига олиб келувчи тайёргарлик (покланиш, баданни, сезги аъзоларини ва фикр қилишни қўлга олиш машқлари ва йога машқларининг ўзидан иборат, улар орқали эса мухлис жони илоҳ билан йўғрилиб кетади).

2. Жнйан- марг. Интуитив теранлашув воситаси билан олий руҳни англаш учун фикрни илоҳга йўналтирмақ керак. Фикр қўлнинг олий тафаккурни акс эттирувчи тип-тиниқ, тинч сатҳига ўхшамоғи лозим. Асос сифатида йога техникасидан, мафкуравий усткурма сифатида эса ведантанинг шахссиз илоҳ ва у билан мухлиснинг ўзаро бирликларини англашга олиб борувчи назариясидан фойдаланилади.

3. Карма-марг. Унга кўра, ҳатто зеҳни унча баланд бўлмаган, аммо амалий фаолиятига қодир индивидуум ҳам тўғри ишлар қилиш воситасида олий мақсадга эришиш имкониятига эга. “Гита” бундай одамларга зоҳидона ахлоқ меъёрларини тавсия этмайди. Уларнинг олий мақсади умуман амалдан бош тортиш бўлмаслиги керак, фақат гаразли, мукофотгалаб амаллардангина тийилмоқ зарур. Ўз-ўзига бу тариқа хизмат қилиш худога таъя қилган билан баравардир.

4. Бҳакти- марг. Шахс худога садоқат йўли барча учун — заифлар ва тубанлар, саводсиз ва омилар учун ҳам енгил, осон. Ҳиссиётли одам учун худога муҳаббат туйғуси табиийдир, чунки у худога суянчиққа суянгандай муҳтож, унинг иродасига чексиз равишда муте, фақат ўз садоқати моясинигина кўради, фақат у ҳақда гапиради ва ўйлайди. Худо инсон қалбида турли шаклларда намоён бўлади, улардан энг олийси Пурушоттам деб аталади. Унга Браҳма, Шива, Вишну ва унинг Кришна ва Рам сингари тажассумлари (автара) бўйсунадилар. Яна маҳаллий ва ҳатто рўзгор худоларига сизиниш ҳам рухсат этилади, зеро у жўшқин муҳаббат ва садоқат пайдо қилади, юракни тозалайди ва фикрни олий билимга йўналтиради.

“Гита” турли тарз-тариқали диний-фалсафий гоъларни (унда ягона илоҳий билим даъвати йўқ) бир-бирига уйғунлаштиришга ҳаракат қилади, бир-бирига қарама-қарши қоидаларнинг қўллиги шундан келиб чиққан. Биринчи гада бу энг қўп шарҳланган жойларга тааллуқдир. Мазкур шарҳлар (уларни тузиш анъанаси қадим замонлардан бошлаб, ҳали-ҳануз давом этмоқда) турли-туман фалсафий нуқтаи назарларни ва мазҳабий гоъларни акс эттиради. XX асрда “Гита”ни, масалан, таниқли ҳинд жамоат арбоби Б.Г.Тилак шарҳлаган, у ҳинд халқида карма-марг руҳида фаолликни уйғотишга интилган. Яна инқилобчи-мистик Авробинда Гҳош ҳам ўз шарҳларини жўшқин тантрчилик-шактивийлик руҳида ёзган.

Иккинчи мингйиллигимизнинг бошида диннинг бҳактичилик шакли мимансаннинг механик ритуализмига ва тойфачилик тизимини мустаҳкамлаш ва мураккаблаштиришга таъсир сифатида, айниқса ўзгача авж билан ривожланади. Ўз ақидаларининг хилма-хиллигига қарамай, тўрт асосий вишну мазҳаби дунёнинг саробдан иборатлиги ҳақидаги концепцияни кескин рад этади ва жоннинг борлигини ва хусусийлигини (индивидуаллигини) эътироф этади.

XI асрда Рамануж Шанкар ведантасини тамил бҳактлари — алварлар вишнуйилигига мувофиқлаштиришга ҳаракат қилиб кўради. Унинг таълимотига кўра, Браҳман ҳам жонни, ҳам моддани қамраб олувчи мутлақ борлиқ сифатида майдонга чиқади. Ундан ташқарида ва унга боғлиқ бўлмаган ҳолда ҳеч нарса йўқ, унга ўхшаган бошқаси ҳам йўқ, унга ўхшамаган бошқаси ҳам йўқ. Яхлит ва ягона бўлган ҳолда у оламнинг қўллаб моддий нарсалари ва жонларини ўз ичига олади. У ҳамма нарсани билувчи, ҳамма нарсага қодир, раҳм-шафқатли каби чексиз миқдордаги сифатларга эга.

Олам мавжуд, чунки у абадий моддадан яратилган. Зоҳир бўлмаган давр мобайнида у Браҳманда яширин, номальтум шаклда бўлади, чунки унинг учта гуни мувозанат ҳолатида жойлашган бўлади. Унинг шакллари зоҳир бўлган, аммо яна ғойиб бўлган чоғда у ҳали яратилмаган бўлади. Оламнинг яратилиш чоғида шаклсиз фарқланмаган энг нафис субстанция қуюқлашади, бунинг натижасида учала гун мувозанати бузилади ва учта унсур — олов, сув ва тупроқ юзага келади, улар турли мутаносибликларда қоришадилар. Бу қоришувлардан кўриниб турган оламнинг дағал моддий ашёлари ҳосил бўлади. Шундай қилиб, Шанкар айтганидек, яралган олам гўё, сароб эмас, балки бор нарсадир. Борди-ю, бир вақтлар Браҳманни мўъжизавий кучга эга зот сифатида тасвирлаган бўлсалар, бунга сабаб шу бўлганки, унинг яратувчилик кучи одамларга сеҳргарнинг жодулари каби ғайритабиий ва ҳайратомуз бўлиб туюлган. Олий борлиқ олам ва жонларнинг имманент (ички) тамойилидир. Браҳман, олам ва жонлар — бу бир бутунликдир. Браҳман бир вақтнинг ўзида трансцендент (хаёлий) ва имманент (ҳиссий)дир. Индивидуал (якка ҳолдаги) жон бор нарса, абадий ва бўлинмасдир. Унинг асосий сифати ўзининг “Мен”ини ҳис этишидир, у тушсиз уйку ҳолатида ҳам ва ҳатто халоскорлик ҳолатида ҳам давом этаверади. Жон худо билан қўшилиб кетмаган, зеро бирмунча миқдорда ундан фарқ қилади, аммо у худонинг бир қисмидир ва унга маржондай тизилгандир. Браҳман барча жонлар ва моддий ашёлар ичидан туриб бошқаради, шу боис у билан жон ўртасида бир қисм билан бир бутунлик ўртасида бўлгани каби ўхшашлик мавжуд; бу биргина воқеалик (реаллик)нинг икки турлича шакли ўхшашлигидир. Раманужнинг вишиштадвайт ёки “фарқловчи нодуализм” таълимотининг номи шундан келиб чиққан. Файришуурий импульслар таъсири остида жон жисмга ўхшатилади ва бунинг натижасида қувонч, гам ва шавқ ҳисларига берилади.

Халоскорликка эса аста-секинлик билан эришилади. Энг аввало одам ўз тоифаси ва ҳолатига мувофиқ тарзда мажбуриятларни бажариши ва расм-русумларни адо этиши керак, шунинг билан бирга ерда ёки арши аълода ўзи учун бирон музд ё мукофот тамаида бўлмаслиги керак. Мимансани ўрганиш шундай билим берадики, гарчи арши аълода бўлишни таъминласа-да, расм-русумлар ва қурбонлиқлар ҳеч бир ҳолатда халоскорликка олиб келмайди. Кейин киши веданталарни ўрганишга киришиши мумкин, уларни ўзлаштириб олгач, у Браҳман ҳар нарсага қодир яратувчи, сақловчи ва ёруғ оламнинг ҳамда жонли мавжудотларнинг ҳукмдори эканини, инсон жони жисм билан бир хил эмаслигини, чунки у Браҳманнинг бир қисми эканлигини англаб етади. Бироқ фалсафий ҳақиқатларни мушоҳада қилиш ва ўрганишнинг ўзи кифоя қилмайди. Веданта диний матнларни назарий жиҳатдан ўзлаштириш эмас, балки фикрлар ва дуоларни худога мақсадли равишда йўллаш, доимий равишда тавалло қилиш, унинг номини узлуксиз такрорлаб туриш, унга чексиз меҳр қўйишдан иборат. Бу Браҳманни тўғридан-тўғри ва бевосита англашга, жаҳолатнинг, карманинг йўқолишига ва шу билан жон ва тан алоқасининг барҳам топишига имкон туғдиради. Шундай қилиб, Браҳманни тушунган жой янги тугилишлардан ҳам абадий халос топади.

Индивидуум сўнгги мақсадга фақат ўз саъй-ҳаракатлари билангина эришмайди, яна худонинг марҳамати ҳам зарур бўлади. Диндор Вишну ва унинг тажассумларида ҳормай-толмай паноҳ исташи, ўзининг барча тўсиқларни тезроқ бартараф этувчи қайноқ муҳаббатини унга бахшида этиши керак. Халоскорлик жоннинг Браҳман билан бирлашиб кетишини билдирмайди. Халос бўлган одам фақат ҳеч бир нокомиллик доғи тушмаган соф онга эга бўлади, унинг илоҳийликка интилиши эса шундай кучни оладики, унга энди бошқа ҳеч нарсанинг кераги бўлмай қолади ва у жоҳилона ҳаётнинг абадий гирдибодидан кетади. Рамануж таълимоти ҳозир ҳам Шимолий Ҳиндистон ва Жанубий Ҳиндистон вишнупарастлик мазҳаблари аъзолари орасида кўплаб мухлисларига эга.

Бошқа бир етук вишну мутафаккири, дваитадвайт (“нодуалистик дуализм”) асосчиси Нимбарк (XII аср) худони ҳамма нарсени ўз ичига олувчи воқеалик деб тушунади, бу воқеаликда коинотнинг ўтмиши, ҳозир ва келажак ақс этади ва яшайди, шундай худо Васудев деб аталади (Кришна сифатларидан бири). Бу ҳамма нарсени қамраб олувчи, универсал ва ҳамма нарсага жо бўлувчи руҳ оламдаги ҳамма нарсени бошқаради ва барча жонларга уларнинг ичидан туриб ҳукмронлик қилади. Олам ва жон унда яшайди, унда ҳаракат қилади ва унда мавжуд бўлади. Бу жиҳатдан у ўзгармас ва объект, субъект ва билиш жараёнидан баб-баравар ажралмасдир, бу — фаолсиз Браҳман, зуҳур бўлмаган илоҳдир; бошқа жиҳатдан у — зуҳур бўлган, шахс худо, коинот яратувчиси, унинг холиқи, сақловчиси ва барбод этувчиси, чексиз даражада кўп ифодалару шаклларга эга. Олам номукамал, чекланган ва англаб бўлмасдир, шу билан бир вақтда худонинг бир қисми сифатида ҳаққоний ва абадий; у уч соҳани ўзига қамраб олади: худолар масканини худо; фарқлаб бўлмайдиган бирламчи субстанция (пракрити) тозалаган табиат соҳасини ва ҳаёт соҳасини. Ўзининг юзага келгунига қадар олам гоёси сифатида зуҳур бўлмаган шаклда мавжуд эди. Сўнгра холис, ўзини англамайдиган қувват (шакти) таъсири остида худо зоҳир бўла бошлайди. Коинот узил-кесил қуюлиб бўлгач эса у яна зуҳурсиз ва амалдан холи ҳолатига қайтади. Нимбарк одамларни ҳаётнинг тўртта босқичига риоя қилишга ва турли тоифалар учун чиқарилган қонун-қоидаларни бажаришга чақиради.

XIII асрда вишнупараст Модҳав веданта асосида кўпхудолик (дуалистик) илоҳийлик (теизм)нинг сўнгги тизимини яратди. У икки асосий категорияни ажратиб кўрсатди: ҳеч бир нарсага боғлиқ бўлмайдиган абсолют (мутлақлик) категорияси ва абсолютга бутунлай боғлиқ бўлган релятив категорияси. Худо ёки Браҳман мутлақ ҳақдир ва коинот эгаси Вишну билан бир хилдир. Алоҳида жонлар ва моддий ашёлар нисбий ҳаққониятдир.

Худони фақат онг билан билиб бўлмайди. Кўринадиган илоҳ сифатида Вишну унинг ижодий қуввати манбаи бўлмиш хотини Лакшмий билан арши аълода яшайди. Ёруғ оламда у ўзининг у ёки бу қайта тажассумида намоён бўлади;

Бироқ алоҳида илоҳларнинг бошқа кўплаб тимсоллари шаклига киришга ҳам қодир. У — ҳамма нарсани яратувчи, сақловчи ва барбод этувчи, коинотнинг энг олий мавжудотидир. Олам унинг ўзидан эмас, балки қандайдир нафис ҳақиқий ва абадий субстанциясидан яралган.

Алоҳида жонлар ўзгармас ва абадий, ҳаддан ташқари кичик ва бир-биридан алоҳида; булганувчи, унниқувчи омиллар сифатида жоҳиллик ва эҳтирос уларга хосдир. Хизматкор ўз хўжайинига тенг бўлолмаганидек, жон худо билан баравар келолмайди, унга ўхшамайди, ҳар доим унга боғлиқ бўлади. Халоскорликка эришгандан кейин у худога ўхшаб қолади, холос, аммо ҳеч қачон у билан қўшилиб кетмайди; шу ҳолатида у яна ўзини бошқа жонлардан алоҳида сақлаб қолади.

Онг ато этилган жонлар уч турга бўлинади: 1) азалу абад эркин жонлар (Лакшмийга ўхшаганлар); 2) бир вақтлар ҳаёт ва ўлим гирдибодига боғлиқ бўлган ва кейинчалик ундан халос бўлган жонлар ва; 3) боғлиқ бўлган жонлар. Улар барчасининг олий мақсади қутқарилиш, яъни жаҳолат, олам кишанларидан халос топишдир. Жон ва худо моҳиятини чинакамига англаш бу йўлда қўйилган дастлабки қадамдир. Бироқ худонинг марҳаматсиз халос топиб бўлмайди. Шу боис билимга қараганда бҳакти ихлосга кўпроқ аҳамият берилади. Худони ким кўпроқ, жон-дилдан севса, унинг марҳаматига сазовор бўлади ва халоскорликка эришади; бундай мавжудотнинг жони ўлгандан кейин жисмини ташлаб кетади ва абадий фароғатга ноил бўлади.

Модҳав таълимоти кўплаб вишнупарастлар, энг аввало Жанубий Ҳиндистон вишнупарастлари орасида ҳозиргача ҳам оммавий тарзда қўллаб келинмоқда.

Ўз мазҳабига мусулмонларни ҳам жон-жон деб қабул қилган буюк ислоҳотчи Чайтанйя (XV аср) вишнупарастлик динига янги тус берди. Унинг таълимотининг тоифачиликка қарши тенденциялари туфайли у Бенгалия ва Шимолий Ҳиндистонда кўплаб маслакдошлар орттирди.

Чайтанйя таълимотига кўра, Вишну — бирламчи ҳаққоният, меҳр-шафқат, фароғат ва муҳаббат худоси, у ёруғ оламга ёрдам бериш учун қайта ва қайта жисмоний шаклларга эга бўлади. Вишнунинг энг ёрқин тажассуми Кришнадир. Кўзга кўриниб турган олам бор нарсадир, чунки у худонинг иродаси, унинг қудрати билан яралган, аммо ўткинчи ҳамдир, зеро доимий равишда ўзгариб туради. Якка ҳолдаги жонлар икки хил бўлади: тобе ва холис. Кришнага чексиз муҳаббат билангина ўлимлар ва туғилишлар исканжасидан халос бўлиш мумкин. Кришнага жўшқин муҳаббат, бутун фикру зикрни унга қаратиш, унинг исмини тинмай замзама қилиш ва халоскорликка эришиб бўлганлар билан дўстлашишга интилиш халоскорликнинг энг самарали воситасидир.

## ШИВАВИЙЛИК

Фалсафа сифатида шивавийлик тизими эрамининг биринчи асрида ишлаб чиқилган. Унинг ҳар икки мазҳаби: Жанубий Ҳиндистон шайвасидҳантаси ва Кашмир пратйабҳигинйаси ҳам шахс худонинг борлиги ва унинг яккачилигини эътироф этгани сабабидан теистик (илоҳий) ҳисобланади, чунки улар худога бирламчи ва энг олий воқелик сифатида қарайдилар, қолган барча воқеликлар илоҳий ижодий қувват билан бир хил деб тушунилади.

Шайвасидҳанта воқеликнинг уч категориясини белгилаб қўяди: худо, жон ва модда. Энг олий воқелик — Шива. У ўзича абадийдир ва онгга эга бўлган жонлардан жиддий фарқ қилади ва унга ва онгга эга бўлган моддага боғлиқ бўлади. Бу — яна Пашупати деб аталмиш абадий, соф ва мукамал руҳ бўлиб, барча жонли мавжудотларнинг Рабби ҳамдир. Жисмсиз худо жонли мавжудотларга нисбатан ҳамдардлиги ва муҳаббати туфайли турли шаклларга эга бўлади, зеро улар худонинг сифатларсиз ва атрибутларсиз жиҳатида унга сизгина олмайдилар. Барча мавжудотларнинг Рабби ўзининг қоришиқли руҳий қуввати (шакти) воситасида яратади.

Жонлар абадий ва чексиз, замон ва маконда чегараланмаган. Уларнинг онгли фаолияти уларни моҳиятан худога дахлдор қилиб қўяди, бироқ улар моддий олам билан боғлиқ бўлганликлари боисидан бу дахлдорликни йўқотадилар.

Дахлдорлик характери учликдир: новоқифлик, самовий рӯё ва амалларнинг мевалари, Халоскорлик айнан моддий кишанлардан халос бўлишни англатади. Маънавий баркамоллик, ахлоқий ва ижтимоий меъёрларга эришиш, йога машқлари ва тўғри ишлар унинг воситалари бўлиб ҳисобланади. Бироқ Шиванинг инсонни халоскорликка олиб борадиган марҳамати энг муҳим омил бўлиб қолаверади.

Кашмирда X ва XI асрлар атрофида юзага келган Пратйабҳигинйа Шанкарнинг монизми билан бевосита боғлиқ бўлиб, Фраувальнер фикри бўйича, шивавийликнинг энг муҳим фалсафий тизими бўлиб ҳисобланади.

Шива — мутлақ борлик, оламни қандайдир моддий сабаблар бўйича эмас, балки ўз иродаси бўйича яратади. Унинг ижодий фаоллиги унинг ўзидан келиб чиқувчи кучнинг, коинотнинг олий ҳукмдори кучининг зуҳуридир. Оламга ва онгли мавжудотларга ўзининг муносабатида бу илоҳ бир вақтнинг ўзида имманент (ички) ва трансцендент (хаёлий)дир. У ўзгармас воқеликни, коинотнинг негизини ўзида намоён этади. Унинг қуввати (шакти) чексиз даражада қўп жиҳатларга эга, улар ичидан асосийлари — донолик, фароғат, ирода, билим ва ижодий фаоллик.

Онгли ва таъсирчан якка ҳолдаги жон Шивага ўхшайди, чунки илоҳий фазилатлар — коинотни англаш қобилияти ва эркин хоҳиш-ирода унга хос. Бироқ коинот рӯёси таъсири остида бўлган ҳолда у ўзини Шивадан нимаси биландир фарқ қиламан деб хато ўйлайди. Шу боис инсон энг аввало ўзининг Шива билан ўхшашлигини ёрқин тарзда англаш йўли билан халоскорликка эришади (пратйабҳигинйа — бутун фалсафий тизимнинг номи ҳам шундан келиб чиққан). Халоскорликка эришган диндор барча билан тинч-ҳамжихатликда яшайди, у ҳеч нарса ҳақида орзу қилмайди, чунки ҳаётдаги мақсадига етган бўлади.

Бу икки монистик мактабга қарама-қарши ўлароқ, Шимолий Ҳиндистоннинг энг кекса шивапараст мазҳаби шайвадаршан дуалистик характердаги тугал фалсафий тизимни яратди. Уни IV асрда Кашмирда Сатйшоги тарғиб қилди, у ердан у Гужарот ва Малвагача тарқалди, кейинчалик эса Жанубий Ҳиндистонга ҳам ёриб кирди.

Мазкур тизим жон ва моддий дунёни бир-биридан ажратиб қўяди. Моҳиятига кўра ҳамма нарсани билгувчи ва ҳамма нарсага қодир жон фақат билибгина қолмай, амал ҳам қилади. Бинобарин, худо — бу жон, у абадий барча билимларга ва ҳамма нарсани қилиш қудратига эга ва ҳеч қачон мана шундан бошқа ҳолатда бўлмаган. Булғаниш оқибатида бошқа мавжудотларда бундай сифатлар намоён бўлмаслиги мумкин, шу боис улар жонларини каффорат қилишга ягона қодир илоҳий муруватга боғлиқдир. Худонинг ўрнини босувчи ва унинг энг муҳим заминий ифодаси бўлиб хизмат қилувчи руҳий устоз (гуру) шогирдига оқ фотиҳа беради ва кейин аста-секин уни англашнинг бир босқичидан бошқасига етаклаб кетади.

*Давоми бор.*

*Рус тилидан  
Амир ФАЙЗУЛЛА  
таржимаси.*



## Миллий ва умуминсоний характер синтези

**К**ишиларни озодликка, порлоқ келажакка даъват этиб, аслида жамиятни гоёвий куллик исканжасида тутиб турувчи ҳукмрон мафкура инсон руҳини, шахс эркинлигини бўғишнинг бирдан-бир йўли эди. Коммунистик идеал, коммунизм деб аталмиш порлоқ келажак жамиятнинг барча қатламларини ўзига маҳлиё қилиб олган яқин ўтмиш кишилари руҳиятини эркисизлик, маънавий куллик зағб этиб олганлигини камдан-кам, асосан пешқадам зиёлиларгина теран англаб етган эдилар. Илгор зиёлилар — адибу шоирлар, драматург ва олимлар жамиятнинг барча аъзоларини ана шу ғафлат уйқусидан уйғотишга биринчилардан бўлиб бел боғладилар.

Улар нафақат Шарқ, балки Ғарб адабиётига хос тасвир усулларини, образ яратиш восита ва имкониятларини ўзаро муайян уйғунликда синтез қилиш йўлидан бориб, мураккаб ҳамда кўп маъноли рамзий образлар кашф этишда улкан муваффақиятларга эришдилар. Бунда улар Г.Маркес, Ч.Айтматов, Кобо Абэ, А.Камю сингари XX аср жаҳон адабиётининг йирик ва бетакрор намояндалари ижодидан, уларни воқеликни, замондошимиз шуурини қамраб олган чигал муаммоларни бутун мураккаблиги билан акс эттириш тамойилларидан ижодий баҳра олиш йўлидан бордилар.

Ўзбек адабиётидаги кичик прозани, хусусан, ҳикоячиликни таҳлил ва тадқиқ этиб, ўзларининг қимматли фикр-мулоҳазаларини билдирган У.Норматов, А.Расулов, Қ.Йўлдошев каби пешқадам олимлар ёш ёзувчиларимиз Х.Дўстмуҳаммад, Н.Эшонкул, Н.Норқобилов ҳикояларидаги янги қирраларни таъкидлаб, уларнинг моҳиятини очиб беришда фаоллик кўрсатмоқдалар.

Бугунги кунда жаҳон адабиётида урфга айланиб бораётган модернистик оқим — янгича тафаккур ва янгича фикрлаш тарзи ўзбек прозасида намоён бўлмоқда. Айни пайтда шунини таъкидлаб ўтмоқчимизки, модернистик услуб ўзбекча тафаккур, шарқона фикрлаш заминида ўзини зоҳир этмоғи жоиздир. Акс ҳолда у ўқувчи қалбига етиб бормаслиги шубҳасиздир.

Ҳам дунёвий, ҳам миллий адабий жараёнларни юракдан ҳис этган ҳолда ижод қилиб бу йўналишда сезиларли ютуқларни қўлга киритаётган адибларимиз йўқ эмас.

Ана шундай адиблардан бири Х.Дўстмуҳаммад бўлиб, унинг “Жажман”, “Ибн Муганний” каби ҳикоялари бу жиҳатдан алоҳида диққатга сазовор. Биз кўнглимиздаги ҳозирги ўзбек ҳикоячилигига доир фикр-мулоҳазаларни шу адиб ижоди тимсолида баён этишга ҳаракат қилдик. Жумладан, агар “Жажман” да инсондаги нафснинг ўлмаслиги, уни имкон борича жиловлаш лозимлиги каби абадий гоё илгари сурилган бўлса, “Ибн Муганний” да инсоннинг руҳий эркинликка эришиши йўлидаги исёни рамзий образ, рамзий хронотопда қилган хатти-ҳаракати ва кечинмалари воситасида акс эттирилган.

Ҳикоя бутунлай рамзий образ, тафсил ва ишораларга асосланганлиги, яширин фалсафий талқинга мойиллиги, аниқроқ қилиб айтганда, мураккаб бадий синтез маҳсули бўлганлиги учун бирданга аниқ таҳлил қилишга имкон бермайди. Икки карра икки — баробар тўрт қабилдаги ҳикояларга кўникиб қолган китобхоннинг бадий эстетик тафаккури асардаги ташқи рамзий ишоралар билан ички мазмуний қатламнинг алоқадорлигини тезда англаб етишга йўл бермаслиги табиий. Шунинг учун бўлса керак, ушбу ҳикоя ҳақида аниқ ва лўнда фикр юритилган танқидий мақола ва тадқиқотлар жуда кам. Шу маънода 90-йиллар ўзбек ҳикояларида миллий характер муаммоси бўйича кузатишлар олиб борган Г.Сатторованинг илмий ишини ушбу ҳикоя ҳақидаги илк йирик тадқиқот сифатида баҳолаш адолатдан бўлур эди.



У ҳикояни таҳлил этар экан, қуйидагича умумлаштирувчи хулосани билдиради: “Х.Дўстмуҳаммад талқинича, моддий дунё ташвишларига ружу қўйиш ҳам инсонни фалокатга олиб келади. Унинг бундай фикрга келишига сабаб бор. Маълумки, шўролар даврида фуқароларнинг асосий кўпчилиги фақат ейиш учун яшайдиган ижтимоий ҳайвонга айлантирилган эди. Энг даҳшатлиси – шўро одами бунга қўниққан эди”<sup>1</sup>.

Албатта, олиманинг бу фикрида ҳам жон бор, лекин инсон руҳий дунёсининг инқирозини, унинг озодлик нуридан бутунлай маҳрумлигини фақат шўролар даври билан баҳолаш тўғри эмас. Бу нарса озми-кўпми барча даврлар учун характерли ҳодиса.

Ҳикоя Ибн Муғаннийнинг қор босган ҳовлида машаққат чекиб ҳовли адоғидаги болохонали уй томон боришга интилиши тасвири билан бошланади. Шу машаққатли ҳаракат асосида ётган сирли ва маъхум сабабни ўқувчига етказиш мақсадида адиб узундан-узоқ жумла тузади. Мана шундан кейингина у ўз қаҳрамонининг беҳад қор уюмлари ичига кириб қолганлигини бадиий жиҳатдан асослашга ҳаракат қилади. Маълум бўлишича, Ибн Муғанний болалигидан қорни севар эди. Қор ёғиши билан у ташқаридан келмас эди. Йиллар ўтиши билан Ибн Муғанний улғайган, бола-чақаси билан умргузаронлик қиладиган ҳовлининг файзи кетди. Ҳикояда мана шундан кейин илгари адабиётда оқлик, эзгулик рамзи сифатида талқин қилиниб келинган қор рамзий образи бутунлай бошқа бир мажозий маънода, ёвузлик ва даҳшат маъносига бадиий талқин қилина бошлайди. Чунки қиш, куз ва баҳор мавсумларининг мазмун-моҳияти йўқолиб, бу ҳовлида тинимсиз қор ёғиши олатий ҳолга айланади. Муҳими шундаки, шамол бошқа жойлардаги қорларни ҳам учуриб келиб, Ибн Муғаннийнинг боғ-ҳовлисига сочади. Шунинг учун Ибн Муғанний барча оила аъзолари билан қор босган уйда банди бўлиб қолади.

Ҳикояда адиб XIX аср реалистик романчилигининг улкан намояндalари Стендал, Л.Толстойлар ижодида, шунингдек, XX асрнинг Т.Манн, Р.Роллан, У.Фолькнер, Э.Хемингуэй, Г.Грин каби йирик адибларининг асарларида инсоннинг ички дунёси руҳияти орқали унинг ўзлигини очиб бериш усулларидан бири онг оқимиға мурожаат этади. Одатда, онг оқими қаҳрамон кечинмаларини “ички монолог” воситасида ёритишнинг кенг тарқалган усулларидан бирига айланган эди. XX аср бошларидаги Фарб модернистик адабиётининг М.Пруст, Д.Жойс, Ф.Кафка ва Г.Стейн каби вакиллари онг оқимини ўзларининг етакчи ижодий услублари даражасига кўтаришга интилдилар. Лекин улар бунда эпик баённинг мантқиқ ва хронологик изчиллигига аҳамият бермадилар. Натижада, реал воқеликнинг бадиий асардаги яхлит тасвири ўз ўрнини субъектнинг хотираси ёки руҳий ҳолати билан боғлиқ ҳолдаги майда, алоҳида кечинмалар баёнига бўшатиб берди.

Х.Дўстмуҳаммад ҳам мазкур ҳикояда реалистик тасвирнинг онг оқимиға хос тамойилларига мурожаат қилади. Аммо, очигини айтиш керак, адиб ушбу тасвир усулини меъёриға етказиб қўллай олмаган. Бу нарса образнинг маънавий-ахлоқий қиёфасини, ундаги ўзгаришларни фақат тинимсиз ёғётган қор билан алоқадорликда таҳлил этишда намоён бўлади. Натижада, ҳикояда ижтимоий ҳаёт, реал воқелик фактлари билан шахснинг қиёфаси ўртасидаги боғлиқлик у қадар ишончли асосланмагандек бўлиб туюлади. Чунки асар бошиданоқ қор ҳақида гапирилади. Демак, қор ҳикоядаги бетакрор рамзий образ вазифасини адо этади. Унинг бетакрорлиги шундаки, рамзий образ сифатида қорнинг сурункали ёғиши ва кишиларни хавф остида қолдириш ҳолати ҳаётда кенг учрамайди. XX аср япон насрида Кобо Абэнинг “Қумдаги хотин” (1960) асарида рамзий-мажозий образ дунёни босиб ётган қум сифатида тасвирланса, Г.Маркеснинг “Ёлғизликнинг юз йили” романида бетиним ойлаб ёғётган ёмғир шаклида тасвирланади.

Юқорида айтилганидек, адабиёт ва санъатда қор образи софлик ва ёруғлик рамзи сифатида тасвирланиб келинган. Бу рамзий образ орқали ижодкор тириклик ва ҳаёт ҳақида фикрлашга ҳаракат қилади. Х.Дўстмуҳаммад эса кишилар ҳаётини

<sup>1</sup> Сатторова Г.Ю. 90-йиллар ўзбек ҳикоячилигида миллий характер муаммоси. Т.2002. 116-бет.

таҳликага солиб, тинимсиз ёғаетган қор образи орқали сиёсий тузумнинг инсон бошига келтирадиган аянчли оқибатларини кўрсатишга интилади.

Тадқиқотчи Г.Сатторова фикрича: “Модерн ҳикояларида алданиб, ҳаётнинг мазмун-моҳиятини англамай ўтган шўро даври одамнинг абсурд — қиёфасиз образи бадиий ифодасини топган”.

Бизнингча, асардаги қор образи кишиларга эзгулик, озод ва фаровон ҳаёт ваъда қилиб, улар ўрнига фақат азоб-уқубат келтирувчи ҳар қандай ижтимоий тузумга бир хилда нисбат берилуви рамзий образ. Ҳикоянинг модерн адабиётга мансублиги масаласида шунини айтиш керакки, асарнинг модернизмга мутлақо алоқаси йўқ. Аслида бу асар эзгулик, эркин ҳаёт учун курашга даъват этувчи рамзийлик билан реалликнинг ўзаро синтези асосида ёзилган реалистик асар. Чунки реализм инсон ҳаёти учун муҳим бўлган гоёни рамзий тасаввур билан реал борлиқни бадиий шартлилик воситасида синтезлашни инкор этмайди. Ҳикояни китобхонда гайритабиий тасаввур тугдиришига сабаб бўлаётган бир сабаб шундаки, адиб кичик бир ҳикоя миқёсида рамзий маъно касб этувчи бадиий образ ва тафсилларга ҳаддан ортиқ ўрин беради. Бир мисол: уйнинг шифтидаги тоқилар орасидан топилган яшил баҳмалга ўралган китоб тафсилотига адиб кучли рамзий маъно юклаган. Яъни бу китоб инсониятни юксак маънавиятга етакловчи бойлик рамзини англатса, унда ёзилган ягона жумла “Куй оламни сел қиладур”дан иборат тўртта калом инсоннинг орзу-истаклари рамзини ифодалайди.

Бу орқали ижодкор ажодлари ўтган ҳовли адоғидаги болохонали уй чордоғида осиб қўйилган созларни Ибн Муғанний хотирасида жонлантиради. Мана шундан кейин у ўз жонини хавф остига қўйиб, не-не машаққатлар чекиб, қарғалар ва каламушлар хуружига қарши курашиб ана шу уй томон интилади ва охир-оқибатда етиб боради.

Маълум бўладики, инсонлар шуурини, маънавий оламини оғир мафкуравий таъйиқлар остида тутиб турган тузум (қор)ни фақат кураш ҳамда шиддатли интилиш билан енгиш мумкин, деган улуғвор реалистик гоё рамзийлик ниқоби остида ифодаланган. Ибн Муғанний интилиб етишган созлар ва бу интилишга етаклаган китоб рамзий маънода ота-боболардан сақланиб қолган бой маънавий меросимизнинг шартли рамзий тасвиридан иборат. Чунки ҳар бир миллатнинг етук миллат даражасига кўтарилиши учун ана шу маънавий мерос асосий воситадир, деган етакчи хулоса ҳикоядаги рамзий тасвир моҳиятининг реалистик савиясини кўрсатиб туради.

Мазкур ҳикоянинг яна бир бетакрор хусусияти бор. Гарчи ҳикояни тадқиқотчилар миллий характер муаммосига боғлиқ ҳолда талқин этсалар ҳам, бизнинг назаримизда, асардаги гоё ва рамзий образлар нафақат ўзбек миллий характери билан, балки умумбашарий миқёсидаги инсоний характер мезонлари билан ўлчанишга лойиқ. Чунки қор умуминсоний онгни чулғаб олган муаммолар рамзи бўлса, Ибн Муғанний ўзбек қиёфасидаги башар зотининг фарзанди сифатида, унинг боғ-ҳовлиси эса ер куррасининг фалсафий-рамзий образи сифатида талқин қилинишга лойиқдир.

Юқорида билдирилган фикр-мулоҳазалардан хулоса шуки, мустақиллик даври ўзбек ҳикояларида объектив борлиқдаги воқеа-ҳодисалар, қаҳрамонлар фаолияти билан улардаги тафаккур жараёнини синтезлаш етакчи бадиий-эстетик тамойилга айланади. Ушбу жараёнда адиблар Фарбу Шарқ адабиётидаги рамзий-мажозий тасвир анъаналарини муайян уйғунликда синтезлаш йўлидан бормоқдалар. Х.Дўстмуҳаммаднинг “Ибн Муғанний” ҳикояси ана шундай синтезнинг гўзал намунаси саналишига лойиқ асар.

*Гулчеҳра ИМОМОВА,  
филология фанлари номзоди.*

## Эркин фикрлаш ва илмий таҳлил уйғунлиги

Дилфуза Раҳматуллаева. “Ўзбек театри: тарихий драма”.  
Тошкент. “Санъат” нашриёти. 2004.

**Д**илфуза Раҳматуллаеванинг монографияси жуда муҳим муаммо — XX аср ўзбек драматургияси ва театр санъати ривожига алоҳида ўрин тутган тарихий драма тадқиқига бағишланган. Маълумки, тарихий драма ўзбек театр санъати тараққиётининг деярли барча даврларида ўз долзарблигини йўқотмаган. Драматургиянинг энг мураккаб тури ҳисобланса-да, сахна санъати тарихининг бирор бир даври йўқки, тарихий драманинг етук намуналари яратилмаган бўлса. Бироқ, бадиий танқид тарихи шундан далолат берадики, тарихий мавзуда асар ёзиш қанчалик қийин бўлса, унга ҳолис баҳо бериш шунчалик мураккаб бўлган. Танқидчи етакчи мафкурага хизмат қилган ҳолда асарни тахтга кўтариши, ёки ерга уриши қийин эмас эди. Манба асосий гувоҳнома бўлиб, уни у ёки бу ҳолда тақдим этишда қўл келган. Бу ҳолат турли оқибатларга сабаб бўлганлигига тарих гувоҳ...

Тўғри, ўтган аср 50-йилларининг ўрталаридан сиёсий жараёндаги ўзгаришлар сабаб кўп асарлар янгитдан баҳолана бошланди. Бу ишларда асосан адабиётшунослар етакчилик қилдилар. Бироқ, аксар мунаққидлар ўз сўзларида туришди, ўзларини ҳимоялаш мақсадидан келиб чиқиб, айниқса, 20-йилларда фаолият кўрсатган адиблар ижодига бир томонлама, тенденциоз ёндошувдан қайтишмади. Ажаблანарлиси шундаки, тарихий драмаларни баҳолашда ҳатто шу бугунги кунда ҳам бу услуб яшаб келмоқда. Баъзан асардан ғайриоддий мантиқ қидириш ҳолатлари, уни бугунги мафкурага хизмат қилдиришни талаб этишига уринишлар кўзга ташланаётганини кузатиш мумкин. Бироқ, санъатга биринчи навбатда мустақил фикр тараққиётига омил бўлувчи, эркин фикрга ундовчи эстетик восита

сифатида ёндошиш лозимлигини унутмаслик лозим.

Тарихий драманинг яна бир жиҳатига эътибор бериш лозимки, у ўз эволюциясига эгадир. Дастлабки тарихий драмалардан то бугунги кунга қадар яратилаётган асарларни бир ипга тизиб кузатилса, бу ҳолат яққол кўзга ташланади. Шуларни эътиборга оладиган бўлсак, монографияга танланган мавзу жуда долзарб, тарихий драманинг бир аср давомидаги тараққиёт муаммоларини тадқиқ этиш нафақат илмий-назари, шунингдек, амалий аҳамиятга ҳам эга.

Монография муаллифи масала моҳиятига аниқлик киритиш ва муаммога чуқурроқ кириш мақсадида материал қамровини кенг олган. Тадқиқот айнан яхлитлиги билан эътиборлидир. Айниқса, унга икки алоҳида фан соҳаси — санъатшунослик ва адабиётшунослик кесишмасида ёндошилганлиги концепция моҳиятининг янада чуқур очилишига ёрдам берган. Бундай йўналиш бир-бирини тўлдириб, боғланиб, уйғунлашиб катта муаммони бутун бўлган ушбу ила мужассамлашишига олиб келган.

Дилфуза Раҳматуллаева санъатшунослик майдонига кириб келгандан бери мавзулар орасидан айнан тарихий драмани танлаб, кузатиб, ўрганиб, таҳлил ва танқид қилиб, баҳс ва тўқнашувлардан қочмасдан материаллар ичига кирганини алоҳида таъкидлаш лозим. Ҳажман ҳам, мазмунан ҳам катта бўлган ушбу монографияни ўқиш жараёнида айнан шу фикрларга келдимки, иш изчил, ижодий руҳдадир.

Ўтган аср ижтимоий нуқтаи назаридан қанчалик мураккаб, қарама-қарши бўлса, шунчалик бадиий кашфиётларга бой. Тарихий асарлар ҳам давр билан боғлиқ ҳолда, унинг юкини ўз елкасида кўтариб, ҳар бир камчилик, қийинчиликларни ҳис қилиб

келган, келмоқда ҳам. Шу маънода монография материали XX асрдаги тарихий ижтимоий вазиятни ҳам қамраган. Зеро, тарихий драма давр билан ҳамдард, ҳамоҳангликда ривожланди. Китоб муаллифи тарихий мавзу билан боғлиқ бу муаммоларнинг ечимида турли сиёсий мафкуравий қарашлардан юқори кўтарилиб, олим сифатида ўз муносабатини илмий асослашга, далиллар орқали ҳар бир бадиий ҳодисани объектив баҳолашга эришган.

XX аср ўзбек театри тарихи у ёки бу ракурсда ўрганилган. Муаллиф ўзига қадар ушбу мавзуни ўрганган олимлардан фарқли ўлароқ, адабий талқинни сахнавий талқин билан бойитиб, уни чуқурлаштириб, қиёсий ўрганишга бел боғлайди. У ўз олдига асарларни тадқиқ этиш вазифасини кўяр экан, илмий ҳалоллик ила масала моҳиятини ойдинлаштиришга киришади. Шу даврга қадар ижод этган олимларнинг тадқиқотларига ҳурмат, уларга илмий муносабат монографияда яққол кўзга ташланади.

Монография муаллифи тарихий драманинг ривожланиш тенденцияларини ўрганиш билан чегараланмайди. У ўзбек театршунослигида энг кам ўрганилган соҳа — театр назарияси муаммоларини ҳам тадқиқ этишга ҳаракат қилади. Хусусан, унда тарихий драманинг назарий муаммоларига, жумладан, тарихий драма, унинг хусусиятлари, тарихий драмада характер яратиш маҳорати, тарихий драманинг ички турлари, ҳар бир турига хос жиҳатлари илмий-назарий асослашга эришган.

Монографияга танланган мавзу даврларга бўлиб ўрганилган. Бу услуб ўзини оқлаган. Даврлаштиришда ижтимоий-сиёсий вазиятнинг бадиий жараёнга таъсири масалалари ҳам эътиборда тутилган. Тарихий драма сиёсий-мафкуравий таъсирларга ўта сезгир бўлса-да, даврлаштиришда нафақат ижтимоий-сиёсий вазият, шунингдек, бадиий жараённинг ўзига хос жиҳатлари ҳам эътиборга олинган. Шу маънода китобнинг учинчи бобида совет тузумининг сўнгги босқичи бўлган “қайта қуриш” даври ва истиқлол йиллари драматургияси бир бобнинг икки бўлими сифатида ўрганилгани бадиий жараён нуқтаи назаридан асосланган. Зеро, муаллиф “қайта қуриш” йиллари истиқлол йилларига келиб, тарихий драманинг бирдан уйғонишида катта пойдевор ролини ўтаганини илмий ва амалий жиҳатдан исботлаб бера олган.

Китоб муқаддима, 3 боб, хулосадан иборат. Ҳар бир боб тарихий драма тараққиётининг маълум бир босқичи таҳлиliga бағишланган бўлимларни ўз ичига олади. Бу каби ёндошув китоб муаллифига тарихий драма тараққиётини ўрганиш орқали ўзбек театрининг шаклланиши билан боғлиқ муаммоларни кенг пиланда ёритишга, ўзбек сахна санъатида кечган асрий жараёни босқичма-босқич ойдинлаштиришга олиб келган. Шу маънода биринчи бобда илк тарихий драма-ларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ жараёни тадқиқ қилиш-ла чегараланмай, муаллиф ўзбек театрининг дастлабки даврига оид муаммоларни ҳам кенг миқёсда ёритган.

Тадқиқотчи Фитрат, Чўлпон, Ғози Юнус ижодига бугунги кундаги прогрессив илмий таълимотларга таянган ҳолда ёндошар экан, ҳар бирининг театр санъати тарихидаги ўрнини холис баҳолашга эришади. Бадиий ҳодиса сифатида эътироф этилса-да, ушбу муаллифларнинг қатор асарлари сахнавий талқини ўз даврида муваффақият қозонмагани, бунга сабаб бўлган омиллар муаллиф эътиборидан четда қолмайди. Бундай ёндошув сабаб, ҳар бир асарнинг бадиий жараёндаги ўрнига аниқлик киритилади.

Иккинчи боб собиқ совет даври тарихий драмаса тадқиқига бағишланган. Бу даврда тарихий драманинг бир неча бор гуркираб, бир неча бор тин олгани кузатилади. Муаллиф давр моҳиятини ёрқинроқ очиш ниятида бобни 20-йилларнинг ўрталарига келиб мафкура тизгинларини ўз қўлига олган большевиклар партияси сиёсати таъсирида яратилган асарлар таҳлиliga бағишлайди. Ушбу бўлимда Ҳамзанинг “Бурунги қозилар ва Майсаранинг иши”, “Паранжи сирларидан бир лавҳа ёҳуд яллачилар иши”, Зиё Саид ва Мўминжон Муҳаммаджонларнинг “Қонли кун”, Зиё Саид ва Назир Сафаровларнинг “Тарих тилга кирди”, Комил Яшиннинг “Нурхон”, Комил Яшин ва Амин Умарийларнинг “Ҳамза” сингари драмалари таҳлил этилган. Асарларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган ижтимоий-сиёсий сабаблар вақтли матбуотда бу даврда эълон қилинган манбалар асосида далиллангани сабаб фикрлар илмий асосланган. Шу билан бирга асарлар бадиий ва сахнавий маҳорат нуқтаи назаридан ҳам баҳоланган.

40-50-йиллардаги жараён монографияда жуда оригинал талқин топган. Бу бўлимда шу пайтга қадар

сахна маданиятида алоҳида ўрин тутиб келган асарлар ҳам баъзан жуда ўринли танқид қилинади. Фикрларнинг далилланганлиги сабаб, тадқиқотчининг мулоҳазалари эътироз ўйғотмайди. Хусусан, “Алишер Навоий” драмаси таҳлилига эътибор берайлик. Ўзбек профессионал театр санъатининг гултожи сифатида эътироф этилиб, қатор тадқиқотчилар томонидан таҳлил этилган бу асар ҳақида янги фикр айтишга ўрин қолмагандек эди. Китоб муаллифи Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқар муносабатларининг драмада ёритилишининг тарихий ҳаққонийлиги нуқтаи назаридан таҳлил этади. Мавжуд, шунингдек, сўнгги даврда илмга киритилган янги манбалар билан асарни қиёсий ўрганиш натижасида мунаққид тилга олинган пьесада тарихий ҳақиқат бирмунча бузилиб, бўрттириб берилганини асослашга эришади. Бундай ўринларда муаллифнинг ўз фикрини дадил илгари суриш маҳорати ҳам намойён бўлган. Бундай муваффақиятли ўринлар монографияда талайгина. Хусусан, 60-70-йиллар театр санъатидаги кўтарилиш жараёни, унда тарихий асарларнинг ўрни, бир шахс ва даврга бағишланган драмаларни қиёсий-солиштирма усулида таҳлил этиш жуда эътиборли хулосаларга олиб келган.

1980-90-йиллардаги ижодий жараён муаллифнинг шахсий кузатувлари натижасида дунёга келган бўлиб, бу даврни ёритишда мунаққид мустақил фикрни намойён эта олган. “Ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар даврида тарихий драма (1985-2000 йиллар)” деб номланган сўнгги боб таҳлилга бўйсундирилган материалнинг бутунлай янгилиги, илмий хулосалар жиҳатидан оригиналиги билан ажралиб туради. Муаллифнинг хулосалари, хусусан, сўнгги даврда тарихий мавзуларда яратилаётган асарлар эстетик мақсадларни эмас, балки маърифий мақсадларни кўзлаб яратилаётгани ҳақидаги фикрлари жуда ўринли. Зеро, муаллиф таъкидлаётганидек, бу соҳада ютуқлар билан бирга баъзи муаммолар ҳам борлиги, хусусан асарлар миллий гурурни шакллантириш, маълум бир информация бериш билангина чегараланиб қолаётгани, бадий маҳоратни эгаллашда баъзи драматургларда бирмунча оқсаш борлиги ҳақидаги фикрлари тарихий драмани келажақда такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу бобда нафақат пойтахт, шунингдек, вилоят театрлари

спектакллари ҳам ўрганилганлиги бугунги баён бадий жараёни бир бутунликда олиб қаралганидан нишонандир. Спектакллар нафақат драматургик маҳорат, шунингдек, сахнавий маҳорат нуқтаи назаридан ҳам таҳлил этилган. Китобда ижобий сахнавий талқин топган асарлар қатори ушбу мавзуни ўзлаштиришдаги салбий ҳолатларга ҳам тўхталинган.

Ўзбек театршунослигида илк мартаба танланган муаммо тарихий-назарий йўналишда ўрганилди. Тарихий драма ўзбек театрининг профессионаллашуви, сахнавий маҳоратнинг чуқурлашувида муҳим аҳамият касб этганлиги исботланди. Театр санъати тарихи янгитдан даврлаштирилди. Даврлаштиришда ижтимоий-сиёсий жараёндаги ўзгаришлар, шунингдек, бадий жараёндан келиб чиқилди.

“Ўзбек театри: тарихий драма” монографияси ўзининг кенг қамровлиги, яхлитлиги, чуқурлиги, фалсафий, ижодий ёндошуви билан ажралиб туради, ижодий жараён нозик дид ила таҳлил этилган, ҳар бир ҳолатга нисбатан муаллифнинг ўз муносабати мавжуд. Фикрлар эркин ва дадиллиги ила ажралиб туради. Бу ҳолат баъзан ўқувчини баҳсга ундайди. Тўғри, айрим фикрларга мен ёхуд бошқа танқидчи қўшилмаслиги мумкин. Бу хусусиятни ҳам мен ижобий деб баҳолайман. Асосийси — муаллиф ўз фикрини императив ҳолда мажбурлаб ўтказишга интилмайди. Балки ўйлашга, баҳслашишга, мулоҳазаларга ундайди.

Кузатишимизча, тадқиқот бошидан охиригача мустақил бажарилган. У автор тафаккурининг маҳсули, унинг умумлашмалари, унинг қарашлари. Китобда Дилфуза Раҳматуллаева нафақат театршунос, шу билан бирга ўзбек адабий тилини яхши биладиган мутахассис сифатида ҳам кўзга ташланади. У театршунослик фанининг касбий луғатида янги сўз ва ибораларни киритиб, уни бойитган, кенгайтирган, уйғунлаштирган.

Юқорида таъкидланганидек, ишнинг эътиборли ва муваффақиятли жиҳатлари жуда кўп. Шу билан монографияни ўқиш жараёнида баъзи бир мулоҳазалар ва таклифлар туғилганини айтиб ўтиш лозим. Уларни мунозарага, баҳсга чорловчи фикрлар деб айтиш тўғрироқ бўлади. Жумладан, баъзи пьесалар таҳлилда, (хусусан “Тарих тилга кирди”, “Қонли кун”) асосан ғоявий жиҳатларига эътибор йўналтирилгани боис, бадий хусусиятлар эътибордан четда

қолади. Бу ҳолат ижодкорларнинг шахс сифатида ўз давридаги ўрни қандай бўлган деган саволни келтириб чиқаради.

Сўнгги боб хулосасида истиқлол даврида маълум бир шахслар ҳақида қатор асарлар яратилаётгани ижобий ҳолат сифатида таъкидланади. Фикримча, ҳаммавақт ҳам сон сифатни белгиламайди. Савияси паст спектаклларнинг кўпайиб кетиши томошабин дидини, савиясини пасайтириб юбориши янгилик эмас. Айрим замонавий сахна асарларини баҳолашда китоб муаллифи бағрикенглик қилади. Назаримда, баъзи бир театрлар ҳамда ижодкорларга нисбатан янада танқидийроқ муносабатда бўлиш лозим эди.

Танланган мавзунинг долзарблиги, концепциянинг янгилиги ва кўлами, ишнинг амалий аҳамияти ва назарий умумлашмаларга эга эканлиги, тадқиқотчининг эркин, мустақил ва мустаҳкам фикрлаш қобилияти, ўз фикрларини асослаб, далиллаш иқтидори, катта даврни жараён сифатида қабул қилиб, таҳлил этиш, умумлаштириш ва хулосаларга келиш лаёқати Дилфуза Раҳматуллаеванинг ушбу монографиясида намоён бўлган. Ўзбек театр санъатининг бир асрлик йўлини тарихий драма мисолида тадқиқ этишга йўналтирилган ушбу китоб нафақат мутахассислар, олий ўқув юртлари талабалари, шу билан бирга сахна амалиётчилари учун ҳам муҳим қўлланма бўлиб қолишига шубҳа йўқ.

*Марфуа ҲАМИДОВА,  
санъатшунослик фанлари  
доктори.*



Жозефина ТЕЙ

## Давр қизи

Қисса

Ҳақиқат — давр қизи.

*Қадимий инглиз матали.*

### 10

1483 йил ёз кунларининг бирида Стиллингтон Кенгашда Эдуард IV Елизавета Вудвиллга уйланишдан анча олдин уни Шрусбери биринчи графининг қизи — Элеонор Батлер хоним билан никоҳдан ўтказганини баён қилди.

— Стиллингтон нега аввал жим юрган экан, — хитоб қилди Грант, Brentни тинглаб.

— Эдуард уни тилини тийиб юришга мажбур қилган экан. Бу тушунарли.

— Демак, Эдуарднинг махфий никоҳлари одат тусига кирган экан-да, — тўнғиллади Грант норози оҳангда.

— Ҳадеб қаршиликка учрайвергач, бошқа нима ҳам қила оларди! Уйланиб қўяқоларди — тамом-вассалом. Унинг хушрўй ва келишган қиёфасидаги қирол аёллар устидан зафар қозонишга кўникиб қолганди, шунинг учун ҳам чекинишни сира хоҳламади.

— Ҳм. Унинг Елизавета Вудвиллга уйланиши ҳам шундай юз берганди. Олижаноб, мағрур ва тилласоч гўзал — ва махфий никоҳ. Эдуард бу сафар синалган йўлни тутди. Агар Стиллингтон алдамаган бўлса. Алдамади-ку, ахир?

— Эдуард даврида у, афтидан, аввалига Лорд-муҳрдор, кейин Лорд-девонбеги, ундан олдин Бретанда элчи бўлган эди. Эдуард ё унга қарздор эди ёки уни ҳаддан ташқари яхши кўрарди. Шундай экан, Стиллингтоннинг унга қарши иғво қўзғашидан ҳеч қандай маъни йўқ эди.

— Ҳа, ҳеч маъни йўқ эди.

— Ҳар ҳолда гап Стиллингтонда эмас. Бу масала парламентда муҳокама қилинади.

— Ҳали шунақа денг?

— Ҳа. Яшириб юриш мумкин бўлмай қолди. Тўққизинчи июн куни лордлар Вестминстерда узоқ кенгашдилар. Стиллингтон ва унинг гувоҳлари тинчланди, йигирма бешинчига мўлжалланган парламентнинг очилишига маъруза тайёрланди. Учинчи куни Ричард Йоркка унга кўшин юборишларини сўраб илтимоснома юборди.

— Ана холос! Мана — низонинг бошланиши.

— Ён биринчи куни у худди шундай илтимос билан ўз амакиваччаси лорд Невиллга мурожаат қилди. Афтидан, хавф таҳдид сола бошлаган.

— Тасаввур қиляяпман. Нортгемптонда вужудга келган қутилмаган ва умидсиз вазиятда шундай оқилона иш тутган одам оддий хавф олдида бошини йўқотмаса керак.

— Йигирманчи июнда у унча катта бўлмаган гуруҳ билан Тауэрга етиб келди. Ўзингиз биласизки, Тауэр Лондонда қирол қароргоҳи бўлиб хизмат қилади, у ер қамоқхона эмасди.

---

Охири. Боши ўтган сонда.

– Албатта, биламан. Қирол қасри Лондондаги ягона қалъа бўлган. Шунинг учун ҳам то қироллик зиндонлари пайдо бўлгунча жинойтчилар ўша ерда ушлаб турилган. Хўш, Ричард Тауэрга нима учун борган?

– Фитначилар кенгашини фош қилиш учун, албатта. Шунингдек, Гастингс, Стэнли ҳамда Или епископи Жон Мортон деган кимсани ҳибсга олиш учун борган.

– Мен ҳам худди шундай ўйловдим, эртами-кечми, барибир, Жон Мортонга етиб борамиз.

– У ерда Ричардни ўлдириш мақсадида фитна уюштирилгани ҳақидаги қарор эълон қилинганди, лекин унинг асли сақланиб қолмаган. Фитначилардан фақат биттаси қатл қилинган. Таассуфки, бу ҳар ака-ука Эдуард билан Ричарднинг дўсти лорд Гастингс эди.

– Агар тақводор жаноб Томас Морга ишониладиган бўлса, уни ҳовлига судраб чиқиб, дуч келган биринчи кундадаёқ бошини танасидан жудо қилишган.

– Ҳеч кимни судраб чиқишгани йўқ, – норози оҳангда бўлди унинг гапини Каррадин. – Унинг бошини бир ҳафтадан кейин олишди. Уша даврда ёзилган хатларнинг бирида бу воқеанинг аниқ санаси келтирилади. Бундан ташқари, гап фақат қасос ҳақида кетганда эди, унда Ричард Гастингснинг бевасига унинг мусодара қилинган мол-мулкларини қайтариб бермаган ва унинг ҳуқуқларини йўқотган ўғилларининг меросхўрлик ҳақларини тикламаган бўларди.

– Ҳа, Гастингснинг қатл этилиши муқаррар эди, – мингирлади Грант “Ричард III”ни варақлай туриб. – Ҳатто тақводор Томас ҳам шундай ёзади: “Протектор, шубҳасиз, уни севарди ва уни йўқотиш жуда қайғули эди.” Стэнли билан Жон Мортонга нима бўлди?

– Стэнли авф этилди... Нега инграяпсиз?

– Бечора Ричард! Шу билан ўзига ўлим ҳукми чиқарибди-да.

– Улим ҳукми? Нима учун, Стэнлини кечириб, у ўзига ўлим ҳукми чиқарганмиди?

– Шунинг учунки, Стэнлининг тўсатдан душманлар томонига ўтиб кетиши Ричарднинг Босворт жангини бой беришига сабаб бўлди.

– Бўлиши мумкин эмас!

– Агар Ричард Стэнлини ҳам Гастингс билан бирга қатл эттирганда у жангда ютиб чиқарди. Шунда бизларда на Тюдорлар, на улар тўқиб чиқарган букри махлуқ бўларди. Агар унинг олдинги ва бир ривоятдан иккинчисига кўчиб юрган ютуқлари ҳисобга олинса, Ричарднинг ҳукмронлиги энг муваффақиятли ва тарихда энг зиёли давр бўларди. Мортонни нима қилишди?

– Ҳеч нима қилишмади.

– Яна бир хато.

– Ҳар ҳолда, унча муҳим нарса эмас. Уни Букингем кафилигида қўйиб юборишди. Ричард томонидан фош қилинган фитна тепасида турганлар эса қатл этилди. Булар Риверс ва унинг шериклари эди. Жейн Шорга бўлса тавбатазарру қилдирилди.

– Жейн Шор? Бу ишга унинг нима алоқаси бор? Ахир у Эдуарднинг ўйнаши эди.

– Тўғри. Лекин кейин Гастингсга ўтганди. Ёки Дорсетга ўтган бўлиши ҳам мумкин. У Гастингс тарафдорлари билан Вудвиллар одамлари орасида воситачи вазифасини бажарарди. Ричарднинг сақланиб қолган хатларининг бирида ўша аёл – Жейн Шор ҳақида гапирилади.

– Нима деб?

– Қиролликнинг иш юритувчиси унга уйланмоқчи бўлганди. Бу пайтда Ричард қирол бўлганди.

– Унга розилик бердимми?

– Берди. Фаройиб хат. Лекин жаҳл билан эмас, балки қайғу билан ёзилган. Албатта, ҳазил аралаш.

– “О, Танграм, нақадар телба бу бандаларинг.”<sup>1</sup>

– Жуда тўғри.

<sup>1</sup> В. Шекспир. “Ёз туни ғаройиботлари”. III кўриниш. 2-саҳна.



– Бунда ҳеч қанақа қасоскор туйғу йўқ.  
– Ҳеч қанақа. Аксинча. Ҳайлаб кўриш ва хулосалар чиқариш менинг ишим эмас. Мен далиллар билан шуғулланаман. Лекин мен шунга аминманки, Ричарднинг қизгин истаги Йорклар ва Ланкастерлар ўртасидаги ўзаро урушларга чек қўйиш бўлган.

– Бу қадар ишонччи қайдан олдингиз?

– Мен тож кийдириш маросимида қатнашган меҳмонлар рўйхатини кўздан кечирдим. Ростини айтганда, улар ҳар қачонгидан кўп бўлган. Аммо, шуниси ҳайратланарлики, унда иштирок этишни истамаганлар бўлмаган. Йорклар томонидан ҳам, Ланкастерлар томонидан ҳам.

– Шу жумладан, бизнинг субутсиз Стэнли ҳамми?

– У ҳам бўлса керак. Мен уларнинг ҳаммасини яхши билмайман, шунинг учун номма-ном эслаб қолганим йўқ.

– Балки, Ричарднинг Йорклар ва Ланкастерлар ўртасидаги низога чек қўйиш истаги хусусида сиз ҳақдирсиз. Унинг Стэнлига мурувватини ҳам шу билан изоҳлаш мумкин.

– Нима, Стэнли Ланкастермиди?

– Йўқ. Лекин улардан энг кўрками бўлган Маргарет Бофортга уйланган эди. Бофортлар эса Ланкастерларга никоҳсиз чагишган қариндош эдилар. Аммо ўйлашимча, бундай қариндошчиликни унинг оиласининг ноқонуний келиб чиқиши ёки ўғли иситиб турарди.

– Унинг ўғли ким эди?

– Генрих Еттинчи.

Каррадин ҳайратдан ҳатто ҳуштак чалиб юборди.

– Демак, Генрих Еттинчининг онаси Стэнли хоним экан-да.

– Ҳа, Генрих унинг биринчи эри Эдмунд Тюдордан туғилган.

– Аммо Ричардга тож кийдиришганда қироличанинг узун этагини ўша хоним тутиб борганди, бу жуда фахрли. Бу менга жуда галати туюлди, шунинг учун ҳам эслаб қолдим. Қироличанинг этагини кўтариб бориш катта шараф, шундайми?

– Жуда катта. Шўрлик Ричард! Ёрдам бермади.

– Нима?

– Оқкўнгиллиги ёрдам бермади, – Грант жимиб қолди, Каррадин эса ўз қоғозларини шитирлатарди. – Демак, парламент Стиллингтоннинг кўрсатмаларини тинглади.

– Ҳа, албатта. Ана шу кўрсатмалар асосида Ричардга қиролик унвонини берувчи қарор чиқарилди.

– Стиллингтон руҳоний учун ҳеч ярашмайдиган иш қилибди. Агар олдинроқ гапирганда борми, бу унинг учун ҳалокатли тугарди.

– Сиз унга нисбатан адолатсизлик қиляяпсиз. Аввал айтиб бериш нимага керак эди? Бундан кимга ёмон бўларди?

– Элеонор Батлер хоним-чи?

– У монастирда вафот этди. Агар сизни жудаям қизиқтирса, Нориждаги Оқ Карлмелитлар ордени черковида дафн этилган. Эдуард тириклигида бундан ҳеч ким жабр кўрмаган. Тахт ворислиги ҳақидаги масала кўтарилгач эса, яхшими ёки ёмонми, у ҳақиқатни гапиришга мажбур эди.

– Сиз ҳақсиз, албатта. Парламентда болалар ноқонуний туғилган деб эълон қилинди ва Ричардга тож кийдирилди. Англиянинг барча аслзодалари иштирокида. Эдуарднинг хотини, қиролича қаерда эди? Ҳалиям яшириниб юрганмиди?

– Ҳа, яшириниб юрганди, лекин кенжа ўғлини акаси ёнига олиб келишга рухсат берди.

– Бу қачон юз берди?

Каррадин яна ёзувларини титкилади.

– Ун олтинчи июнда. Мана, ёзиб қўйибман: Кантерберий архиепископи илтимосига кўра “иккала бола ҳам Тауэрда яшяяпти”, деб.

– Демак, улар ноқонуний туғилгани сир бўлмай қолганидан сўнг, шундайми?

– Шундай, – Каррадин қоғозларини тахлаб чўнтагига солди. – Ҳозирча мана шу бугунга етарли бўлар. Ахир у энди қирол унвонида.

– Ҳа-я. Кейин нима бўлди?  
 – Нима бўларди. Генрих Еттинчи тахтга ўтиргач, қарор бекор қилинишини, кўлэзма аслияти ва унинг барча нусхалари йўқ қилиб ташланишини буюрди. Уни сақлаганлар ёки ўқиганлар учун жарима ва зиндон белгиланди.

Грант ҳайратдан қотиб қолди.

– Генрихга бу нечун керак бўлиб қолди?

– Сира ҳам тушунмайман. Нима бўлсаям, барибир, излаб топаман. Ҳозирча, то Озодлик ҳайкали сизга инглиз чойи ичиш вақти бўлганини эслатгунга қадар мана бу билан овунишингиз мумкин.

У шундай деб Грантнинг кўксига ёндафтардан йиртилган варақни қўйди.

– Нима бу?

– Бу ўша хат. Ричард Жейн Шор ҳақида худди шу хатда эслатган. Кўришгунча хайр.

Бир ўзи қолгач, Грант варақни ағдарди-да, ўқий бошлади:

“Шундан хабар топиб, ҳайрон бўлдимки, Том Лайном Билл Шорнинг хотини билан никоҳдан ўтиш ниятида экан. Афтидан, қаттиқ севиб қолганга ўхшайди. Унинг учун бу иш ҳал бўлган, шекилли. Азиз епископ, унга кимнидир юбориб, тўғри йўлга солишнинг иложи йўқмикин? Агар бунинг иложи бўлмаса, черков томонидан бу никоҳга тўсиқ йўқлиги туфайли мен унга розилик бераман. Бироқ уни никоҳ кунини мен Лондонга келадиган қунгача қолдиришга кўндиринг. Ҳозирча эса, менинг ўйлашимча, ушбу хат аёлнинг озод қилинишига етарли бўлар, фақат шу шарт биланки, хоним ўзини яхши тутиши лозим. Сизга эса шу давр мобайнида ул аёлдан отаси ёхуд сиз ишонадиган бирор бошқа кимса хабардор бўлиб туришни маслаҳат бераман”.

Хат чиндан ҳам Каррадин айтгандай “ғазаб билан эмас”, кўпроқ “қайгу” билан ёзилганди. Дарҳақиқат, агар эслайдиган бўлсак, хат Ричардга чексиз зарар етказган аёл ҳақида эди. Унинг олижаноблиги ва яхшилиги лол қолдирадиган даражада эди. Ушбу воқеадаги унинг олижаноблиги шахсий фойдасини кўзламасди. Унинг ягона нияти Йорклар билан Ланкастерларни яраштириш эди. Бу эса мамлакатни бирлаштиришга хизмат қиларди. Линкольн епископига ёзилган хат шахсий мактуб бўлиб, Жейн Шорнинг озод қилиниши ошику беқарор Том Лайномдан бошқа ҳеч кимга унчалик муҳим эмасди. Ричард бундай саховати билан бирор фойда кўрмасди. Бу ўринда бир нарса яққол кўзга ташланади: Ричарднинг дўстини бахтли кўриш истаги унинг қасоскорлигидан устун эди. Ошқора айтадиган бўлсак, агар ҳар қандай инсонда қасоскор туйғунинг йўқлиги ғайриоддий ҳисобланса, унда бундай ҳолат Ричард III сингари ёвуз одам учун гоаят ҳайратланарли эди.

## 11

Хат ҳақидаги ўйлар то Амазонка кечки чойни олиб келгунга қадар Грантни тарк этмади.

– Сизга хат бор. Ёқимли хабар, тўғрими? – деди Амазонка патнисда икки кесим нон, ёғ ва парҳез кулча олиб кираркан.

Грант биринчи бўлиб хатни олди. Унинг Лорадан эканини кўриб, жилдни очди.

“Азизим Грант (ёзарди Лора), тарих мени ҳеч нарса (қайтараман: ҳеч нарса) билан ҳайратга сололмайди. Шотландияда иккита ёдгорлик бор. Улар диний эътиқоди учун чўктирилган икки жафокаш шаънига ўрнатилган. Лекин ҳаммага маълумки, уларни ҳеч ким чўктиргани йўқ ва улар ҳеч қандай жафокаш эмаслар. Уларни сотқинлиги учун қатл этганлар – менимча, улар ҳужум қилиш ниятида бўлган Голландия фойдасига жосуслик қилганлар.

Ҳар ҳолда, жиноий жавобгарликда айбланиб, қатл этилганлар. Махфий кенгаш уларнинг илтимосномаси бўйича қатлни орқага сурди. Махфий кенгашнинг қарори ҳозиргача архивда сақланмоқда...

Сенинг тузалаётганингдан ҳаммамиз хурсандмиз. Агар ҳаракат қилсанг, таътилинг баҳорги балиқ ови мавсумига тўғри келади. Ҳозирги пайтда бизда сув қайтган, сенинг келишингга сув кўтарилади. Сен ҳам хурсанд бўласан, балиқлар ҳам.

Ҳаммамиздан салом,  
сенинг Лоранг.

*P.S.* Қизиқ, лекин қандайдир афсоналарни фош қилувчи ҳақиқий далилларни очган пайтингда газабларини сенга тўкиб соладилар. Кишилар ўз идеалларининг тугашини истамайдилар. Улар ўз аҳволларининг нокулайлигини англаб, бунга қаршилик кўрсатадилар.

Шунинг учун ҳам улар ҳақиқатни тан олмайдилар ва оқилона фикрлашдан бош тортадилар. Уларнинг лоқайдлигини тушунса бўлади. Лекин уларнинг туйғуси кучли ва фаолроқ.

Уларнинг гаши келади.  
Ғалати-а, тўғрими?”

“Яна “тонипэнди”, – ўйлади Грант. У жиддий ўйга толди, Англия тарихи дарсликлариди шу сўз билан ифодаласа бўладиган воқеалар нақадар кўп.

Ҳозир Томас Морнинг “Ричард III тарихи”га айна қайтадиган пайт, қани, бу китобда нима гаплар бор экан?

Воқеалар, барибир, уларнинг иштирокчилари ва гувоҳлари ҳамда Мортон томонидан баён қилинганди. У ўша йили июн ойи давомида нималар юз берганини аниқ билиши керак эди. Бироқ на Эленор Батлер номи, на тахт вориси – “Titulus Regius” ҳақидаги қонун улар томонидан бир марта ҳам эсга олинмаганди. Агар Мортонга ишонадиган бўлсақ, Ричард Эдуарднинг ўз ўйнаши Элизабет Люсига уйланиши воқеасидан фойдаланиб қолди. Лекин Элизабет Люси, Мортоннинг ўзи таъкидлаганидек, буни бутунлай рад этади. Қизиқ Эленор Батлерни Элизабет Люсига алмаштириш унга нима учун керак бўлиб қолдйкин?

Афтидан, кейинчалик Люси қиролга турмушга чиқмаган Элеонор Батлер билан бўлган воқеага унинг алоқаси йўқ дея ишонч билан айтиш учун шундай қилган. Чамаси шундай. Демак, Ричарднинг Эдуарднинг болалари никоҳсиз туғилган деган даъволари асосиз эканини исботлаш кимгадир керак бўлиб қолган. Модомики, Мортон Томас Морнинг қўли билан Генрих VII нинг буюртмаси бўйича ёзган экан, бу одам Генрихнинг ўзи бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Худди ўша Генрих VII нинг ўзи тахт ворислиги ҳақидаги қонунни йўқ қилиб юборган ва нухаларини сақлашни тақиқлаб қўйган. Каррадиннинг Генрих қонунни ўқимасданоқ бекор қилишга амр этгани ҳақидаги гапларини Грант энди эслади. Генрих учун ушбу қонунни кишилар бутунлай унутиб юборишлари жуда муҳим эди, шунинг учун ҳам уни йўқ қилдириб юборди.

Бу нарса унга нега шунчалар муҳим эди?

Нима учун айнан Генрих Ричарднинг тахтга ворислик ҳаққи борми ёки йўқлигига бепарқ эмасди? Эҳтимол, у: “Ричарднинг тахтга даъвоси асосиз, менинг эса ҳаққим бор” дейиши учундир. Бироқ, Генрих Тюдорнинг тахтга даъвоси ҳар қанча арзимас бўлмасин, у барибир Ланкастерлардан эди. Йоркларнинг ворислари эса умуман ҳисобга олинмасди. Унда барчани “Titulus Regius”нинг мазмунини унутишга мажбур қилиш нимага керак бўлиб қолди? Элеонор Батлерни яшириш ва қиролнинг хотини деб ҳеч кимнинг хаёлига келмаган ўйнашни саҳнага олиб чиқиш кимга керак эди?

Грант кечки нонуштага қадар шу муаммо устида бош қотирди. Шу пайт унга пастдан бир хатча бериб юборишди.

– Уни сизга бир ёш америкалик қолдириб кетибди, – деб хизматчи унга буклоғлиқ қоғозни узатди.

Грант миннатдорчилик билдирди ва ўзини сўрашдан тўхтатолмади:

– Сиз Ричард Учинчи ҳақида биласизми?

– Соврини қанақа?

– Соврин? – ҳайрон бўлди Грант.

– Бу, ахир, викторина эмасми?

– Йўғ-а, буни мен шунчаки қизиққанымдан сўраяпман, Ричард Уччинчи ҳақида биласизми деб?

– У биринчи бўлиб оммавий қирғин қилган...

– Оммавий? Менингча, унинг иккитагина жияни бор эди.

– Йўқ, йўқ, йўқ. Тарихдан унча кучли эмасман-у, буни аниқ биламан. Аввал акасини, амакиваччасини, бечора қиролни ўлдирди, кейин жиянларини бир ёқли қилди. Бари билан улгуржи ҳисоб-китоб қилди дегандай.

Грант ўйланиб қолди.

– Агар мен сизга у ҳеч кимни ўлдиргани йўқ десам нима дейсиз?

– Нима дердим: бу сизнинг ҳаққингиз, дердим. Ер теп-текис деб ўйлайдиган одамлар ҳам бор. Охирзамон 2000 йилда бўлади деб ўйлайдиганлар ҳам бор. Баъзилар Ернинг ёши беш минг йилдан кам эмас деб биладилар. Сиз якшанба кuni Марбл-Арчга<sup>1</sup> бориб кўринг-а, у ерда шундай нарсаларни эшитасизки...

– Демак, менинг сўзларим сизга ёқмас экан-да.

– Жуда ҳам ёқади-да, лекин афсуски, уларни унча ишончли деб тополмайман. Аммо мен сизга ҳалақит бермайман. Яна бир уриниб кўринг. Бозор кунларининг бирида ўзингизни “нотиқлар бурчаги”да бир синаб кўринг. Балки кўплаб издошлар топарсиз. Эҳтимол, бутун бир ҳаракатнинг ташаббускори бўлиб чиқарсиз.

У шундай деди-да, ниманидир хиргойи қилганича, дадил юриб, чиқиб кетди.

“Худо кўрсатмасин, агар иш шунгача бориб етса, – ўйлади Грант. – Яна озгина ва қарабсизки, мен Гайд-парк нотиқлари орасидаман”.

Грант Каррадин қолдириб кетган хатчани очди. Унда шундай ёзилганди: “Сиз ворислардан яна ким Ричарддан кейин ҳам яшаганини билишни истагандингиз. Яъни ўғил болалардан. Менга шундай шаҳзодалар рўйхатини беришни сўрамоқчи эдим, токи улар ҳақида маълумот тўплай. Бу фойдадан холи эмас, деб ўйлайман”.

Майли, бутун дунё бунга парвойи палак экан, Худога шукрки, мана шу ёш америкаликдек ишончли одам бор экан.

Грант авлиё ва тақводор Мор китобини бир чеккага қўйиб, тарих дарслигидан Англия тахтининг нечта вориси бўлганлигини қидира кетди. Шу ерда у яна ниманидир эслади. Мортон ҳақида ўйларкан, у рўйхат тузишни бир чеккага йиғиштириб қўйди-да, Жон Мортоннинг ўзига нима бўлганини аниқлашга киришди. Буни қарангки, Вудвиллар ва Ланкастерларнинг биргаликда амалга оширмоқчи бўлган режалари (унга кўра Генрих Тюдор Франциядан Англия соҳилига қўшин тушириш, уни бу ерда Дорсет, Вудвилл қавми кишилари ва Англиядаги норози аҳоли кутиб олиши керак эди) барбод бўлгач, Мортон Букингем герцогининг меҳмондўст уйидан ўзининг Илидаги овчилик мулкига қочиб ўтди ва у ердан қитъага йўл олди. Шундан кейин Босворт жангида голиб чиқиб, тожни қўлга киритган Генрих мулозимлари орасида пайдо бўлди. Кардинал унвонига эришган бу тарихчини “Мортон паншаҳаси” ибораси бўйича яхши эшлашади.

Кечанинг қолган қисмини Грант Йорк авлодлари бўйича тахт ворисларини излаш билан ўтказди. Улар анчагина экан. Эдуарднинг бешта боласи ҳамда Георгнинг ўғли ва қизи. Агар улар тан олинмаган бўлсалар – биринчининг беш фарзанди ноқонуний туғилган сифатида, иккинчининг икки фарзанди тахт вориси ҳақидаги қонунга биноан тахтни эгаллаш ҳуқуқидан маҳрум этилганлари туфайли – навбатда яна Ричарднинг катта опаси, Саффолк герцогиняси Елизаветанинг ўғли – Линкольн герцоги Жон де ла Поул ҳам бор эди.

Йорк авлодлари бўйича яна бир ворис борлиги маълум бўлди. Унинг мавжудлигини Грант хаёлига ҳам келтирмаганди. Буни қарангки, Миддлхэмдаги нозик бола Ричарднинг ёлғиз ўғли эмас экан. Муҳаббат ҳосиласи бўлган Жон Глостер ҳам бор эди. Унинг унвони йўқ эди, лекин отаси томонидан тан олиниб, унинг оиласида яшарди. Ўша пайтларда никоҳсиз туғилган болалар қисқартирилган тугроларини тортинмай олиб юришарди. Устига-устак, Вилгельм Фотих давридан бошлаб улар одат тусига киргандилар.

<sup>1</sup> Зафар арки. Гайд-парк шимоли-шарқида. Дам олиш кунлари у ерда нотиқлар ваъз айтадилар.

Грант ўз дафтарига қуйидагиларни қайд этиб қўйди:

Эдуард	Елизавета	Георг	Ричард
Эдуард, Уэльс шаҳзодаси; Ричард, Йорк герцоги; Елизавета, Сесил, Анна, Екатерина, Брижит.	Жон де ла Поул, Линкольн графи	Эдуард, Уорик графи Маргарет, Солсбери графиняси	Жон Глостер

У Каррадин учун яна битта нусха кўчирди. Грант ҳайратдан ёқа ушлади, кимга-кимга денг, биринчи навбатда, Ричарднинг миясига Эдуарднинг икки ўғлини четлатиш, уни халқ тўполонидан ҳимоя қилиши қаёқдан келди экан? Ворислар истаганча топиларди. Уларнинг ҳар бири ўз фуқароларида худди шундай нафрат туғдириши мумкин эди.

Болаларни ўлдириш бефойдагина эмас, балки аҳмоқлик ҳам бўлишини у илк бор англаб етди. Ричард Глостерга нималарни тўнкаб кўрмадилар, лекин ҳеч қайсисини эплай олмадилар — у аҳмоқ эмасди.

Грант қизиқиб кўрди, қани Олифант бу ҳақда нима деган экан? “Шуниси галати эдики, — деб ёзганди қария. — Ричард бирор марта ҳам улар ўлимининг сабаби ҳақида гапирмаганди”. Бу галатигина эмас, ақл ҳам бовар қилмасди.

Агар Ричард ўз акасининг ўғилларини ўлдиришга қарор қилган бўлса, буни жуда оқилона уюштирган бўларди. Шаҳзодалар безгақдан ўлиши мумкин эди. Шунда уларнинг мурдасини ҳамманинг кўриши учун қўйган бўлардилар. Чунки қирол оиласидан ўлганларнинг ҳаммасини шундай қилар эдилар. Шунда одамлар мархумларнинг бу дунёни ҳақиқатан тарк этганига ишонардилар.

У ёки бу одам қотилликка қодир эмас, деб ҳеч ким кафил бўлолмайди. Скотланд-Ярда ўтказилган узоқ йиллар давомида Грант буни яхши ўзлаштириб олганди. Лекин одам аҳмоқлик қиладими ёки йўқми, у энди аниқ айта оларди.

Шунга қарамай, Олифантда қотиллик бўлганига ҳеч ким шубҳа қилмасди. Ричардни у ҳам ёвуз деб ҳисобларди. Чамаси, тарихчи ўша асрлар, ёки Уйғонши сингари катта даврни қамраб олар экан, унинг ҳамма нарсани ипидан-игнасиғача ёзишга вақти қолмайди. Олифант авлиёларнинг ёзганларини ҳақиқат деб ўйлаганга ўхшайди.

Грант қўлида Олифант билан Ричарднинг Англия бўйлаб тож кийгандан кейинги йўлини кўздан кечириб чиқди. Оксфорд, Глостер, Уорстер, Уорик. Бутун ана шу йўлни Ричард голибона босиб ўтди. Ҳеч кимнинг норозилик билдиргани сезилмади. Фақат ялпи шодлик ва завқ-шавқ Эдуарднинг ўлимидан сўнг мамлакатни кўп йиллик уруш-жанжаллар ва ёш ўғил теварагида рақобат қаърига тортмайдиган мустаҳкам кучли ҳукмронликка умидворлик билан шоду хуррамлик.

Шунга қарамай, худди шу пайтда тантанавор юришлар асносида Ричард (деб ёзди Олифант авлиё ва тақводор Мор тилидан) Тиррелни орқага қайтариб, Тауэрда ўқиш билан машғул бўлган икки болани гумдон қилиш учун Лондонга юборади. Бу воқеа 7 ва 14 июл кунлари орасида Уорикда юз беради. Шу ёз палласи Ричард Йорк тарафдори ўлкасида, Уэльс билан чегарада ўзини ўта бехатар сезар эди. Ва айнан шу паллада у ворислик ҳуқуқидан маҳрум қилинган икки болани ўлдиришга жазм этди.

Бундай бемаъни гапга ишониш мумкинми? Наҳотки, тарихчилар ҳам оқилона фикр юригишдан маҳрум бўлишса? Грант кўп учрайдиган ишонувчан “буюк ақли пешалар” сингари улар ҳам шунчалар гумроҳми? У дарҳол аниқлаши керак. Агар қотиллик 1485 йил июлида содир этилган ва уни чиндан ҳам Тиррел амалга оширган бўлса, нега уни текшириш йигирма йилдан сўнг бошланган? Нега шунча вақт сукут сақлашган?

Ричард учун ёз жуда тез туғади ва умидларини оқламади. Кузга бориб Вудвилл — Ланкастерлар қўшинининг бостириб киришига уриниш бўлди. Бу босқинни

Мортон тайёрлаб, кейин ўз юрти соҳилларини тарк этган эди. Ланкастерлар ўз ролини қандай бажарганликлари билан Мортон фахрланиши мумкин эди: улар француз кемаларида келишди ва ўзлари билан француз армиясини бошлаб келишди. Вудвиллар фақат арзимаган кучларини бир-биридан олис шаҳарлардагина жамлашга қодир бўлиб чиқдилар. Улар Гилдфорд, Солсбери, Мейдстон, Ньонбери, Эксетер ва Бреккондагина қўшин тўпладилар, холос. Инглизлар ўзлари умуман билмайдиган Генрих Тюдор билан ҳам, жуда яхши таниш бўлган Вудвиллар билан ҳам бирор иш бошлашни истамасдилар. Ҳатто Англия иқлими ҳам уларга қарши эди ва Дорсетнинг ўз ўғай опаси Елизаветани Англия қироличаси, Генрих Тюдорнинг хотини сифатида кўриш умиди чиппакака чиқди. Чунки Генрих чап соҳилга қўшин туширмакчи бўлганида, Девон ва Корнуолл аҳолиси қўлига қурол олиб бунга йўл қўймади. У Францияга қайтишга ва қулай об-ҳавони кутишга мажбур бўлди. Шу тариқа кузги ёмғир ва инглизча лоқайдлик Мортоннинг режасини пучга чиқарди ва Ричард учун нафасини ростлаб олишга имкон туғилди. Лекин баҳорга чиқиб бошига оғир мусибат тушди: ўғли ўлди. Яна бир йилдан кейин хотини Анна ҳаётдан кўз юмди.

Энди у бостириб киришга янги уринишни кутиши, Англиянинг мудофааси ҳақида қайғуриши ва бўшаб қолган қирол газнаси борасида бош қотириши керак эди.

У қўлидан келадиган ҳамма ишни қилди. Намунали парламент унинг номи билан аталди. Ричард Шотландия билан узоқ кутилган сулҳни тузди ва жиянини Яков III нинг ўғлига берди. У Франция билан тинчликни сақлашга қатъият-ла интилди. Лекин Франция ўз саройида эркатойи Генрих Тюдорни ушлаб турарди. Генрихнинг Англияга бостириб кириши вақт масаласи билан боғлиқ эди.

Грант бирдан Стэнли хонимни эслаб қолди. Генрихнинг онаси бўлган Стэнли хоним Ланкастерларнинг оташин тарафдори эди. Қизиқ, Ричарднинг бахтиёр ёзига чек қўйган кузги босқинда бу аёл қандай роль ўйнаган экан? Грант излаб-излаб, керакли жойни топди. Стэнли хоним ўғли билан хоинона ёзишмалар бораётганликда айбланди. Ва Ричард яна у билан ўз зарарига жуда юмшоқ йўл тутди. Аёлнинг мол-мулки мусодара қилинди ва эрининг васийлигига топширилди. Худди Стэнли хонимнинг ўзи сингари. Янада ишончлироқ асралиш учун. Тақдир тақозоси билан лорд Стэнли, эҳтимолки, худди хотини сингари босқин ясалишдан яхши хабардор эди.

Худо ҳаққи, ёвуз қирол, қоида бўйича ҳаракат қилмаётганди.

Грант кўзини уйқу элтганида бирдан ўз овози қулоғига чалингандай бўлди: “Агар болалар июлда ўлдирилган эрсаю Франциядан уюштирилган босқин октябрда юз берган бўлса, нега улар болаларнинг ўлдирилганидан Ричардга қарши уруш баҳонаси сифатида фойдаланмадилар?”

Хужум қилиш, шубҳасиз, қотиллик ҳақидаги гап-сўз пайдо бўлишидан олдин режалаштирилган эди. Ўн бешта кемани жиҳозлаш ва беш минглик ёлланма қўшинни тўплаш анча вақтни олган бўлиши керак. Лекин шу вақт мобайнида Ричарднинг жинояти ҳақидаги хабар, агар шундай бўлган эрса, халқ орасида кенг тарқалган бўлиши табиий. Нега энди Ричарднинг душманлари унинг жинояти ҳақида овозлари борича бақириб, ўз байроқлари остига кўплаб одам тўпламаган эканлар?”

## 12

“Ховлиқма, ҳовлиқма, — деди ўзига Грант эрталаб уйғонгач. — Сен жуда ишқибоз бўлиб кетяпсан. Бу эса тергов эмас”.

Шундай қилиб, у ички интизомга риоя этиб прокурор бўлди қолди. Борди-ю, Элеонор Батлер ҳақидаги фараз сохта бўлиб чиқса-чи? Стиллингтон томонидан тўқиб чиқарилган бўлса-чи? Нима, парламентнинг ҳар иккала палатаси барқарорроқ ҳокимият ўрнатиш учун бу ишга панжа орасидан қараган бўлса-чи?

Бу нарса шаҳзодаларнинг ўлдирилишига бирор йўл очиш имконини берарканми? Йўқ, йўл очиб беролмайди.

Агар ушбу фараз сохта бўлса, унда биринчи бўлиб Стиллингтонни бир ёқли қилиш керак эди. Элеонор хоним аллақачон монастирда оламдан кўз юмган эди ва тахтга ворислик қилиш ҳақидаги қонунга истаган вақтда тупуриш мумкин

эмасди. Стиллингтон бўлса шундай қила оларди. Бироқ у ҳеч нарса бўлмагандай жимгина яшаб юраверди. Шу тариқа у ўзи тахтга ўтқазган одамдан кейин ҳам яшади.

Тож кийдиришдек оддий маросимга тайёргарликдаги кескин ўзгариш — моҳирона саҳналаштирилган томошамиди ёки қуёш чарақлаб турган кунда гумбурлаган момақалдироқдай юз берган Стиллингтоннинг эътирофига табиий акс-садомиди? Гувоҳлар ҳузурида Батлер билан никоҳ шартномасига имзо қўйилганда Ричард неча ёшда эди? Ун бирдами? Ун иккидами? У, эҳтимолки, бу ҳақда умуман шубҳа қилмагандир.

Агар Батлер воқеаси Ричарднинг фойдасига ўйлаб чиқарилган бўлса, унда у Стиллингтонга миннатдорлик билдириши керак эди. Лекин Стиллингтоннинг кардинал унвонини олганига ёки юқори мартабага ёхуд лавозимга эришганига бирор ишора ҳеч қаерда йўқ.

Лекин, барибир, Батлер билан бўлган воқеанинг аниқлигини Генрихнинг у билан боғлиқ бўлган ҳар қандай хотирани йўқ қилиб юборишга шошилгани ҳам кўрсатиб турибди. Агар бу нарса сохта бўлса, Стиллингтонни фош этиб, Ричардни бир ёқли қилиш Генрих учун ҳеч гап эмасди. Бироқ у бу ишни ёпиб юборди.

Шу пайт Грант яна ўзини ҳимоя томонида туриб иш кўраётганини ҳис этди. Умуман, бу ишларидан воз кечса-чи? Унинг столида эътибордан четда қолиб ётган машҳур муаллифлар китобларига мурожаат қилиб то Каррадин келгунча Ричард Плантагенетни эздан чиқаргани маъқул эмасмикин?

Сесил Невиллнинг авлодлари ҳақида наридан-бери қоралама қилди-да, хатжилдга солиб, устига Каррадин масканини ёзиб, Пигалицадан уни почта кутисига ташлашни илтимос қилди. Кейин китоблар тахламига суяб қўйилган Ричард расмини тескари ўгириб қўйди. Сержант Вильямс ҳакам деб баҳолаган бу одам ҳадеб ўзини ҳаяжонга солавермасин, деди-да. Сўнгра Саймс Уикли романини қўлга олди.

— Бугунги кўринишингиз менга сира ёқмаяпти, — деди хатни олгач, етиб келган Каррадин. — Янги муаммолар пайдо бўлдимми?

— Агар Ричардни назарда тутсак, ҳеч қандай янгилик йўқ. Лекин менда сиз учун янги бир “тонипэнди” бор, — деди Грант ва Каррадинга чўкиб кетган, аслида эса чўкмаган аёл ҳақидаги ҳикояни тутқазди.

Брент хатни зўр қизиқиш билан ўқиб чиқди.

— Мана бу бошқа гап! Бу “тонипэнди”га гап йўқ. Жуда зўр, ажойиб! Сиз бу ҳақда олдин ҳеч эшитмаганмидингиз? Шундан сўнг сизни шотландиялик деб бўладими?

— Менинг бувам шотландиялик эди, — аниқлик киритди Грант. — Мен пуританликлар умуман “дин учун” ўлишмаганини, албатта билардим. Лекин улар, аниқроғи, иккитаси умуман ўлмаганини тасаввур ҳам қилмагандим.

— Уларнинг ҳалокати “дин учун” эмасмиди? — қайта сўради Каррадин. — Нима, сиз бунинг ҳаммаси уйдирма деб ўйлайсизми?

Грант кулиб юборди:

— Эҳтимол. Тўғриси бу ҳақда мен ҳеч ўйлаб кўрмагандим. Шотландияда ўлим ҳукмини фақат оғир жиноятчиларгагина чиқаришарди.

— Мен бўлсам пуританлар авлиё одамлар деб юрардим.

— Сиз XIX аср ранг-тасвирига қарайвериб, шундай хулоса чиқаргандирсиз. Ўша ковенанторлар<sup>1</sup> ҳозирги Ирландиядаги ИРАнинг<sup>2</sup> айнан ўзи. Шафқатсиз озчиликнинг бу қадар қонхўрлиги насронийлик тарихида кўрилмаган эди. Агар бозор кунни қисқа ибодат ўрнига черковга борсангиз, душанба кунни уйқудан уйғонганингизда омборингиз ёниб кетган ёки отингизнинг пайлари қирқилган бўларди. Борди-ю, сиз ошқора норозилик билдирсангиз, отиб ташлашлари ҳеч гапмас. Купша-кундузи Файф йўлида архиепископ Шарпни ўлдирган одамлар — ўша пайтдаги қаҳрамонлар — мана шулар эди. Мухлислари уларни “Худо йўлида жасур курашчилар” деб ҳисоблашарди. Англиянинг ғарбий соҳилида

<sup>1</sup> Шотланд пуританларининг кальвинизмни ҳимоя қилиб Шотландия мустақиллиги учун ҳаракати.

<sup>2</sup> Ирландия Республикаси Армияси — миллатчи ташкилот.

яшовчи бу пуританлар ёвузликлари билан ном чиқаришганди. Епископ Хонименни Эдинбургда “Тангри сўзи тарғиботчиси” ўлдирди. Карсфери ибодатхонасидаги кекса руҳонийни ҳам шу одамлар ўлдирганди.

– Худди Ирландиядагидек, тўғрими? – деди Каррадин.

– И-е, улар ИРАдан бадтар эдилар. Чунки у ерда бешинчи колонна муҳим роль ўйнади. Уларга пул Голландиядан оқиб келарди, қуролни ҳам ўша ёқдан олардилар. Улар Шотландияда ҳокимиятни ўз қўлларига олишга тайёр эдилар. Уларнинг тарғиботлари гиж-гижловчи тусда эди. Улар жуда усталик билан жиноятга иғво қилардилар. Ҳозирги ҳукуматларнинг ҳеч қайси бири бунақа ҳаракатларга йўл қўяолмасди. Пуританларни авф этиш бирин-кетин давом этарди.

– Буни қаранг-а! Мен улар худога ўзларича эътиқод эркинлиги учун курашадилар, деб ҳисоблардим.

– Уларга худога қандай эътиқод қилишни хоҳлашса, шундай йўл тутишларига ҳеч ким ҳалақит бермасди. Лекин улар черковни бошқаришга ўз усулларини тиқиштириш учун фақат Шотландиядагина эмас – ишонасизми? Англияда ҳам ҳамма ишни қилишга уринадилар. Сиз ковенанторларнинг манифестини ўқиб кўришингиз керак. Уларнинг таълимотига қўра, диний эътиқод эркинлиги улардан бўлак ҳаммага тақиқланган бўлиши керак эмиш.

– Сайёҳларга кўз-кўз қилиш учун қабр тошлари ва ёдгорликларни айтмайсизми...

– Ҳаммаси – “тонипэнди”... Ҳа, айтмоқчи, “тонипэнди”га ўхшаш сохталаштирувчилар иши қандай кетяпти?

– Афсуски, мен Генрих тахт ворислари ҳақидаги қонунни йўқ қилиш учун нега бунчалик жон куйдирганини аниқлай олмадим. Уни бутунлай унуттириб юборишга ҳаракат қилинганди. Лекин унинг илк нухаси Тауэр архивидан чиқиб қолди. У 1611 йилда эълон қилинди ва тўла матни “Буюк Британия тарихи”га киритилди.

– Демак, гап тахт ворислари ҳақидаги қонунда эмаскан-да. Қонунда ёзилганидек Ричард тахтни қонунан эгаллади. Авлиё ва тақводор Мор эса нотўғри ёзган. Ҳеч қандай Элизабет Люси бу ишга алоқадор эмас.

– Люси? Элизабет Люси ким ўзи?

– Сизнинг билмаслигингизни эсдан чиқарибман. Морнинг гувоҳлик беришича, Ричард акаси Эдуарднинг ўзи ўйнашларидан бири – Элизабет Люси деган кимсага уйланганини тасдиқлаган эмиш.

– Лекин бу ёлгон-ку!

– Мор ҳам шуни қайд қилган.

– Элеонор Батлерни яшириш уларга нимага керак бўлиб қолди? – хитоб қилди Каррадин.

– Чунки, унинг Эдуард билан никоҳи рост эди, болалари эса чиндан ҳам ноқонуний туғилган эдилар. Агар бу рост бўлса, шаҳзодалар ҳуқуқини ҳеч ким ҳимоя қилмайди, демак, Ричард учун улар ҳеч қандай хавф туғдирмайди. Вудвилл-Ланкастерлар кўшинининг бостириб киришларини ҳимоя қилиш учун эмас, балки Генрих фойдасига амалга оширилганини тушунапсизми? Ҳолбуки, Дорсет ҳам уларнинг ўғай акаси эди. Бунинг устига, болаларнинг ўлдирилиши ҳақидаги хабар унғача етиб бормаганди. Дорсет-Мортон исёнига келсак, бунга болаларнинг умуман алоқаси йўқ. Улар Генрихга умид боғлашганди. Агар голиб чиқсалар, Дорсет қиролга куёв бўлар, унинг ўғай синглиси эса қироличага айланарди. Чўнтагида ҳемири бўлмаган, хўрланган бир одам учун жуда яхши мартаба, шундай эмасми?

– Ҳа, ҳа. Дорсет нима учун ўғай укасини тахтга қайта ўтқазишга ҳаракат қилмаганини тушуниш мумкин. Агар боланинг қирол бўлишига Англия кўнишига заррача умид бўлганда ҳам Дорсет, эҳтимол, ўша болакайга ён босарди. Мен яна бир қизиқ далилга дуч келдим. Қиролича қизлари билан тез орада яширинган жойидан қайтиб келади. Буни мен сиз унинг ўғли Дорсет ҳақида эслаганингиздан кейин хотирладим. Қиролича ўша бошпанасидан оддийгина чиқиб қўя қолгани йўқ, гўё ҳеч нарса билмагандек яшайверди. Қизлари саройга келиб туришди. Сизга қандай совға тайёрлаганимни билгингиз келмаяптими?

– Албатта.



– Буларнинг ҳаммаси шахзодалар “ўлдирилгани”дан кейин юз берганди. Ва яна бир сюрприз. Ёвуз амаки томонидан унинг ўғиллари “ўлдирилган”идан сўнг, хоним Франциядаги учинчи ўғли Дорсетга хат ёзиб, уйга қайтиб келишини ва Ричард билан ярашишни сўрайди. Ричард унга ёвузлик қилмайди, дейди.

Хонага жимлик чўкди. Деразага ёмғир томчиларининг урилишигина эшитиларди.

– Шарҳлаб бермайсизми? – сўради Каррадин.

– Тушуниб турибман, – жавоб берди Грант. – Ҳуқуқшунослик нуқтаи назаридан Ричарднинг саъй-ҳаракатларида жиноят таркиби йўқ. Жиноят учун далилларнинг ўзи етишмайди.

– Тўғри. Ўша сиз берган рўйхатдаги кишиларнинг ҳаммаси то Ричард Босворт остонасида ўлдирилгунга қадар эркин ва озод яшаб, фаровон ҳаёт кечирганидан хабар топганимдан кейин бунга ишонч ҳосил қилдим. Эдуарднинг болалари сарой базмларида рақсга тушганлар, мўмайгина нафақа олиб турганлар. Ричард қариндошлари тўдасидан биттасини ўзининг меросхўри қилиб белгилади. Унинг ўз ўғли ўлган эди.

– Айнан кимни меросхўр қилди?

– Демак, у Георгнинг болаларини тахтни эгаллашдан маҳрум этиш ҳақидаги қонунни бекор қилган экан-да?

– Худди шундай. Агар эсингизда бўлса, у Георгга ҳукм чиқарилишига қарши бўлганди.

– Ҳатто авлиё ва тақводор Мор ҳам буни тан олади. Демак, ўша ёвуз Ричард ҳокимият тепасида турган пайтда Англия тахтининг ворислари озодликда юришган, ўз ишлари билан шуғулланишган экан-да.

– Фақат ўйнаб-қулиб юришгангина эмас, сарой ҳаётининг таркибини ҳам ташкил этишган. Зеро, бутун қиролликнинг ҳаёти қирол оиласининг аъзолари сифатида уларга боғлиқ бўлган. Мен Йорк шаҳри ҳаётидан хабарларни ўқиб қолдим. Уларни Дэвис деган кимса ёзиб борган экан. Георгнинг ўғли Уорик-кенжа ва унинг амакиваччаси, ёш граф Линкольн Кенгаш аъзолари бўлишган. Бу 1485 йили уларга йўлланган хатдан кўриниб турибди. Бундан ташқари худди ўша Йорк шаҳрида тантанали бир вазиятда Ричард ўз ўғли билан бирга Уорикни ҳам рицарлик шарафига муяссар қилган. – Каррадин бирдан ўз ҳикоясини тўхтатди-да, Грантдан сўради: – Сизнинг бу ҳақда китоб ёзиш ниятингиз йўқми?

– Китоб? – ҳайрон бўлиб қайта сўради Грант. – Худо асрасин. Қаердан олдингиз бу гапни?

– Чунки миямга шундай фикр келди. Бу Деҳқонлар кўзғолонидан қизикроқ-ку.

– Ҳўш, ҳўш!

– Менинг нимага қодирлигимни отамга исботламоқчи эдим. У мени ҳеч нарсага ярамайди деб ўйлайди. Ахир, мени на мебель, на маркетинг, на нарх-навонинг ошиши ёки пасайиши қизиқтиради. Агар менинг китобимни ўз кўзлари билан кўришса, балки, менинг беҳуда уринмаганимга ишонишар. Майли, баъзи-баъзида мақтанган бўлсам ҳам, ҳечқиси йўқ.

Грантнинг кўзлари қувонди.

– Сўраш эсимдан чиқибди, Кросби-плейс сизга ёқдими?

– Ҳа, бўлмасам-чи?! Агар Каррадин Учинчи бу уйни кўрганидами, уни Штатларга кўчириб ўтказиб, қаердадир Аппалачида ўрнатган бўларди.

– Агар сиз Ричард ҳақида китоб ёзсангиз, у худди шундай қилади. Уни ўз уйининг соҳибдоши деб ҳисобларди. Китобингизни қанақа номламоқчисиз?

– “Тарих алдайди” – бу Генри Форднинг сўзи.

– Аъло.

– Лекин мен ишга киришишдан олдин кўп нарса ўқишим, кўплаб далилларни топишим керак.

– Бусиз иш битмайди. Асосий нарсага ҳали анча бор.

– Яъни?

– Ниҳоят, болаларни ким ўлдирган?

– Ҳа-я!

– Агар болалар тирик бўлса, Тауэр Генрихга ўтгач, уларга нима бўлди?

– Мен ҳали бу билан шуғулланаман. Ҳозирча эса, тахт ворислиги ҳақидаги

қонунни Генрих нима учун ҳаммадан яширганини аниқламоқчиман.

Брент кетишга энди отланган ҳам эдики, бирдан Ричарднинг тўнқариб қўйилган расмига кўзи тушди. У расмни олиб яна аввалги ҳолидай қилиб қўйди.

— Бардам бўл, — буюрди у Ричардга. — Тез орада сени ўз қонуний жойингга қайтараман.

Эшикни ўз ортидан ёпаркан, Грантнинг овозини эшитди:

— Мен ҳозир бир тарихий воқеани эслаб қолдим. Лекин унинг “тонипэнди”га алоқаси йўқ.

— Қайси воқеа? — Брент жойида қотиб қолди.

— Гленкодаги қирпичоқ.

— У ростдан ҳам бўлганмиди?

— Бўлган эди.

Брент бошини ичкари суқди.

— Хўш, жаноб Грант?

— Одамларни қиличдан ўтказишга амр этган одам ковенантатор экан.

## 13

Каррадин кетганидан сўнг орадан ўн беш дақиқа ҳам ўтмай, оғзи қулоғида Марта кириб келди. Қўлида гулдаста, китоб боғлами ва конфет қутиси бор эди. Лекин Грант Кэтберт Олифантнинг XV аср тарихига шўнгиган эди. У Марта билан паришонхотирона саломлашди.

— Агар сенинг куёвинг икки ўғлингни ўлдирса, ундан нафақа сифатида пул олган бўлармидинг?

— Бу савол, менимча, жуда дабдабали, — деди Марта, гулларни столга қўйиб, қўзлари билан гулдонни қидираркан.

— Ростини айтсам, мен барча тарихчиларни тентак деб биламан. Мана бунга кулоқ солинг-а: “Бева қироличанинг хатти-ҳаракатини тушуниш қийин эди: ё уни бошпанасидан жудо қилишларидан кўрқиб, ёки Вестминстерда ёлғиз яшаш жонига тегиб, ўз ўғилларининг қотили билан ярашиб яшашга қарор қилди”.

— Ё Тангрим, — хитоб қилди Марта, унга самимий ҳайрат билан тикилиб.

— Нима деб ўйлайсан, тарихчилар ўз айтганларига ишонадиларми?

— Қайси бева қиролича?

— Елизавета Вудвилл, Эдуард Тўртинчининг хотини.

— Мен бир вақтлар уни ўйнаган эдим. Бу қироллар ижодкори Уорик ҳақида пьесадаги кичкинагина роль эди.

— Яхши. Майли, мен оддий полициячиман, — деди Грант. — Майли, мен шундай жамиятда етишмаганман. Эҳтимол, менинг яхши одамлардан омадим чопгандир. Лекин ўз болаларининг қотили билан дўстлашадиган аёллар қаерда бўлади?

— Юнонистонда, — жавоб берди Марта. — Қадимги Юнонистонда.

— Бунақалар у ерда ҳам топилмайди.

— Унда жиннихонада бўлади. Елизавета Вудвиллда буни ҳеч ким сезмаганми?

— Ҳар ҳолда ҳеч ким ҳеч қачон бунақа нарсани сезмаган. Ахир, у йигирма йилдан ошиқ қиролича бўлган эди.

— Бунинг ҳаммаси майнавозчиликка ўхшайди, нега тушунмайсан, — деди Марта гулларни гулдонга қўяр экан. — Майнавозчиликка, фожиага эмас. “Ҳа, у Эдуардни ва жажжи Ричардни ўлдирди, лекин у шундай латофатлики, менинг бодим билан эса, деразаси шимолга қараган хонада яшаш жуда зарарли”.

Грант кулиб юборди — унга яхши кайфияти қайтганди.

— Албатта, сен ҳақсан. Қандайдир бемаънилик. Бу тарихчилар қизиқ халқда. Уларда ҳақиқий вазиятни баҳолаш қобилияти умуман бўлмайди. Улар учун тарих — томоша. Унга тирқишдан қараб, хув олисда кичик қиёфалар ҳаракат қилаётганини кўриш мумкин.

— Эҳтимол, сен судлов ишларини ўқийвериб, жонли одамларни, улар ҳаётда ўзини қандай тутишини кўришни эсдан чиқариб юборгансан.

— Сен уни қандай ўйнар эдинг? — сўради Грант бирдан Мартанинг касби уни сабъ-ҳаракатлар моҳиятига киришини ўргатганини эслаб.

— Кимни?

– Кимни бўларди, йилига етти юз ўлчов нафақа учун ўз болаларининг қотилига дўст бўлиш ва сарой базмларида қатнашиб туриш ҳуқуқини олиш ниятида бошпанасини тарк этган аёлни-да.

– Фақат мен эмас. Агар улар Эврипид томонидан тўқиб чиқарилмаган ва жиннихонада ўтирмаган бўлса, бунақа аёллар бўлмайди. Бу роль кўча томошаси учун, холос. Улар оқ шеър билан ёзилган бўлиб, шеърый фожиага зиддир. Ўз фарзандлари қотили билан дўстлик ришталарини боғлаган аёлни ўйлаб чиққан ким ўзи?

– Ҳеч ким. Елизавета Вудвилл монастирдаги бошпанасини тарк этиб, дарҳақиқат, Ричарднинг қўлидан нафақа олган эди. Унга нафақа тайинлашдигина эмас, тўлаб туришди. Унинг қизлари саройда рақс тушишарди, ўзи бўлса, Францияга биринчи никоҳидан туғилган ўлига хат ёзиб, уни Англияга қайтиб, Ричард билан ярашишга чақирарди.

– Бу галати ишлар ҳақида ўзинг нима деб ўйлайсан?

– Буни болаларнинг соғ-омон бўлганлари билангина изоҳлаш мумкин. Уларнинг замондошларидан ҳеч ким буни рад этмайди.

Марта қўлида мимоза شوҳчасини ўйнарди.

– Ҳа, эсимда, тахт ворислиги ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақидаги қонунда ҳеч қандай айблов йўқлигини айтган эдинг. Ўшанда Ричард аллақачон ўлиб кетди. – Марта нигоҳини қўлидаги мимозадан столдаги расмга, кейин Грантга ўтказди. – Бинобарин, сен изқувар сифатида шаҳзодаларнинг ўлимига Ричарднинг ҳеч қандай алоқаси йўқ деб ҳисоблайсан, шундайми?

– Мутлақо, ишончим комилки, Генрих Лондонга келиб, Тауэрни эгаллаб олган пайтда болалар соғ-омон бўлишган. Акс ҳолда Генрих тўполон кўтарган бўларди. Болаларнинг йўқлиги Ричардни айблаш учун яхши баҳона эди-ку, ахир. Буни бошқача қандай изоҳлаш мумкин. Ёки эътирозинг борми?

– Йўқ, йўқ, албатта йўқ. Буни сира тушуниб бўлмайди. Мен ҳамиша жуда катта жанжал кўтарилган, Ричардни шунда айблашган деб ўйлардим. Кўриб турибман, сиз менинг кўзичоғим билан тарихга жиддий киришганга ўхшайсизлар. Мен сенга шу иш билан шуғулланишни таклиф қилганимда, оёғинг безовта қилишидан овунасан, деб ўйлагандим. Бу билан тарихни янгилашга ҳисса қўшаман деб хаёлимга ҳам келтирмагандим. Дарвоқе, Атланта Шергольд сенга тиш қайраб юрибди.

– Нега энди? Мен уни танимайман ҳам.

– Барибир, у сен учун тўпсонча тайёрлаб қўйди. Брент бутунлай Британия музейига михланиб қолди. Судраб ҳам олиб чиқолмайсан. Бордию уни ўша ердан олиб чиқиб кетса ҳам хаёли у жойда бўлади. Атланта ўзини унингсиз тасаввур қилолмайди, у бўлса пьесанинг охиригача ўтиролмайди, музейга чопади. У билан тез-тез кўришиб турасанми?

– У яқиндагина кетди. Уни яқин кунлар ичида кўришим даргумон.

Лекин у янглишганди. Кечки нонушта олдида хизматкор хат олиб келди. Унда Брентдан телеграмма бор эди.

“Лаънати врг тузатиб бўлмас ҳол юз берди нқт Кройленд аббатлиги рақибининг лотинча хабарлари эсингиздами свл. Мен уни ҳозиргина ўқидим нқт Унда болаларнинг ўлими ҳақидаги гаплар бор нқт Ишимиз расво бўлди врг Менинг ажойиб китобим ҳеч қачон дунё юзини кўрмайди нқт Қизиқ врг сизларнинг дарёнгизда чўкиб ўлсаммикин ёки бу британияликлар имтиёзими свл. Брент”.

Огир сукунатни хизматкорнинг овози бўлди.

– Жавоб бўладими, сэр? Ҳақи тўланган.

– Нима? Йўқ, йўқ. Ҳозирмас. Кейинроқ.

– Эшитаман, сэр, – деди хизматкор, нақд икки варақни эгаллаган телеграммага ҳурмат билан қараркан. Унинг уйида телеграмма ноёб нарса ҳисобланарди. У дадил юриб, қайтиб кетди.

Грант телеграмманинг мазмуни устида бош қотирарди. Уни яна ўқиб чиқди.

– Кройленд, – деди у ўйчан бир ҳолатда. Унда нимадир танишга ўхшайди. Бу номни олдин учратмаганди. Уни Каррадин қандайдир монастир хабарларида эслатгандай бўлувди. – Кройленд, – такрорлади у. – Кройленд қаердадир Кембриж ёки Норфолкда бўлиши керак. Қаердадир, шу графликлар сарҳадида...

Пигалица кечки овқатни олиб келди ва ликопчани унга яқинроқ сурди. Грант буни сезмади.

– Шундай бўлса, пудингга қўлингиз бемалол етадимиз? – у бу сўзни такрорлади, чунки Грантдан жавоб бўлмаганди. – Жаноб Грант, қўлингиз етадимиз ёки чеккароққа қўяйми?

– Ёки!

– Нима дедингиз?

– Ёки, – такрорлади Грант секингина шифтга тикилганча.

– Ўзингизни ёмон ҳис қилияпсизми, жаноб Грант.

Шифтдаги таниш ёриқлар ўрнига у бирдан Пигалицанинг атир-упа суртилган ташвишли юзини кўрди.

– Жуда яхшиман. Аввалгидан анча яхшиман. Салгина шошманг, илтимос қиламан, мана бу телеграммани жўнатиб юборинг. Ҳозир матнни ёзиб бераман. Сизнинг гуручли пудингиз туфайли ёндафтаримни ололмаёпман.

Пигалица унга ёндафтарини узатди. Грант телеграмма матнни ёзди: “Шунга ўхшаш хабарларни Франциядан изланг. Грант”.

Шундан сўнг у овқатни иштаҳа билан еди-да, ухлашга тайёрланди. У қандайдир ҳароратни ҳис қилди, кимдир тепасига энгашигандай бўлди. У ўша заҳоти кўзини очди ва боши узра энгашиб турган серташвиш Амазонкани кўрди. Унинг қўлида сариқ хатжилд бор эди.

– Нима қилишимни билолмай қолдим, – деди Амазонка, – сизни уйғотмоқчи эмасдим-у, балки бу жуда муҳимдир деб ўйладим. Мана телеграмма. Ҳозир бермасам, у ўн икки соатга кечиккан ҳисобланади. Ҳамшира Ингэм навбатчилигини тугаллаб кетди. Ҳамшира Бриггс эса, фақат соат ўнда келади. Бошқа кимдан ҳам сўрардим. Мен сизни уйғотиб юбормадимми, ишқилиб?

Грант уни “жуда яхши қилдинг” деб ишонтирди ва Амазонка енгил нафас олди. Бундан Ричарднинг расми тўнтарилишига сал қолди.

Грант то телеграммани ўқиб бўлганча Амазонка унинг каравоти ёнида кутиб турди. У телеграмма яхши хабар олиб келмайди деб ўйларди.

Яна Каррадин?

“Сиз яна битта айблов топилиши керак деб ҳисоблайсизми? Брент”.

Тўланган жавоб бланкасига Грант ёзди:

“Ҳа нқт Францияда бўлгани маъқул”.

– Чироқни ўчиришингиз мумкин, – деди Амазонкага. – Мен энди еттидан олдин уйғонмайман.

Каррадинни у кўп кутмади. Анча тўлишган, шекилли. Тиржайиб турарди.

– Жаноб Грант, сиз мўъжизасиз. Сизнинг Скотланд-Ярдда ҳамма шунақами? Ёки сиз алоҳидамисиз?

Грант ўз кўзларига ишонмасди.

– Наҳотки излар Францияга олиб борса?

– Лекин ишончим комил эмасди. Деярли умид қилмагандим...

– Уни қаердан топдингиз? Хабарлар орасиданми? Хатданми?

– Ундан ҳам, бундан ҳам эмас. Айтсам, ҳайрон қоласиз. Ҳатто хафа бўласиз ҳам. Буни қарангки, Франциянинг биринчи вазири Турда бош штаблар хузурида сўзлаган нутқида ўша миш-мишлар ҳақида эслаб ўтибди.

– Сизнинг ўрнингиз Скотланд-Ярдда, Брент. Хўш, нима депти ўша Биринчи министр?

– Мен французча унча яхши гапиролмайман. Балки ўзингиз ўқирсиз? – дея Брент унга бир варақ қоғозни узатди. Унда болалар қўли билан шундай ёзилганди: “Сиздан илтимос, қирол Эдуард ўлимидан сўнг бу мамлакатда юз берган воқеаларга бир назар солинг. Унинг болалари ўсиб-улғайгани, кейин уларни ўлдириб жазосиз қолган қотилга тож кийдирилгани ва буни халқ маъқуллаганини кўриб қўйинг”.

– “Бу мамлакатда”, – такрорлади Грант. – Англияга қарши қанчалар нафрат. У ҳатто бегуноҳ болалар Англия халқининг иродаси билан ўлдирилган деб ҳисоблайди. Бизларни ваҳшийлар деб ўйлашади!

– Мен худди шуни назарда тутган эдим. Худди конгрессдагидек ҳисоб-китоб қилишлар. Аслида эса Франция регентлиги ўша йили Ричардга ўз элчихонасини олти ой кечикиб юборди. Афтидан, улар миш-мишнинг

ёлгонлигини аниқлашган бўлса керак. Ричард уларнинг кириб келиши учун химоя ёрлиғига имзо чекди. Агар французлар уни болалар қотили сифатида айблайверсалар, асло бундай қилмаган бўларди. Сира ҳам. Аниқ санасини айта оласизми?

— Мана улар. Кройленд монастирининг роҳиби воқеани 1483 йил ёзининг сўнгида ёзади. Унинг ёзишича, болалар ўлдирилгани ҳақида миш-миш юрибди, ҳеч ким билмайди. Бош штатлардаги бемаъни тухмат 1484 йилнинг январида пайдо бўлганди.

— Аъло даражада, — деди Грант.

— Нима учун сиз миш-мишларнинг иккинчи оқими ҳам бўлган деб ҳисоблайсиз?

— Иккинчи текширув. Кройленд қаерда жойлашганини сиз биласизми?

— Билаган, Болотада, Или ёнида. Лекин сиз Мортон Букингемдан қочганидан сўнг Болотада яшириниб юрганини биласизми?

— Мортонми? Бўлмасам-чи!

— Агар Мортон — болалар ўлими ҳақида миш-мишлар тарқатувчи бўлса, унда бундай шум хабар у қитъада пайдо бўлгач, яна тарқалган. Мортон Англиядан 1483 йилнинг кузида қочган, миш-мишлар 1384 йил январидан тарқалган. Ҳа, айтмоқчи, Кройленд — чекка аббатлик, қочоқ епископнинг яшириниши учун жуда қулай жой.

— Мортон! — қайтарди овозини чиқариб Каррадин. — Қаерда иш Мосуво бўлса, ўша ердан Мортоннинг ҳиди келди.

— Буни сиз ҳам сездингизми?

— У Ричардга қарши фитнанинг марказида турарди. Ричардга тож кийдиришаётганда кўзғолонга ундаган ҳам ўша эди. Унинг қитъага олиб борувчи илон изидан ҳам сотқинлик ҳиди келарди.

— Ҳалиги, илон изи хусусида — бу сизнинг гумонларингиз, холос. У билан судга бориб бўлмайди. У Ла-Маншни кесиб ўтгач, нима билан шуғулланганига келсак, бу ерда ҳаммаси тушунарли. У бутунлай ивгогарлик тайёрлаш билан шуғулланади. У ўзининг Кристофер Эревик деган оғайнисини билан Генрихга хизматда бўлди. Ричардга қарши нафрат уйғотиш учун Англияга яширин чопарлар юбориб турди.

— Суд қандай далилларни ҳисобга оладию қандайларини рад этади, менга, албатта, сизгачалик яхши маълум эмас. Лекин, менимча, илон изларига оид менинг гумонларим анча ҳақиқатга яқин, ишонаверинг. Мортон Ричардга қарши иш бошлаш учун қитъага сузиб ўтишни кутиб, қўл қовуштириб ўтирган деб ўйлаш ўта гўлиқ бўлса керак.

— Албатта йўқ. Мортон учун Ричарднинг кетиши ҳаёт ва мамот масаласи эди. Агар Ричард тахтда узок ўтирса, Мортоннинг мартабаси тугарди. У яшашдан умуман маҳрум бўларди. Ўзининг қўп сонли бенефицийларидан<sup>1</sup> маҳрум бўлиб, фақат оддий руҳонийлигини сақлаб қоларди, холос. Ахир, у — Жон Мортон, архиепископ бўлишга бир баҳя қолган одам-а! Агар у Генрих Тюдорни тахтга ўтқазишга муваффақ бўлса, Кентерберий архиепископи ўрнини эгаллаш билан бирга кардинал рутбасини ҳам оларди. Ҳа, Мортон учун Ричард тахтда ўтириб қолмаслиги керак эди.

— Мана, кўрдингизми, — деди Brent, — кўпоровчилик иши учун ундан мосроқ қиёфани топиш амри маҳол. Ор-номуссиз ва виждонсиз одам. Болаларнинг ўлими ҳақидаги миш-мишни ҳам тарқатган ўша!

— Бунга унинг ўзи ҳам ишонган бўлиши мумкин.

— Болаларни ўлдиришган деган гапгами?

— Ҳа. Буни бошқалар қўли билан ҳам амалга оширган бўлишлари мумкин эди. Ланкастер тарафдорлари Англияда қанчалар миш-миш тарқатишмади, дейсиз. Бу ерда оддий хусумат ҳам, ошқора ташвиқат ҳам бор. Эҳтимол, у кимнингдир сўнги уйдирмасига учгандир.

— Балки! Менингча эса, бу қотиллик юз бериши учун ҳамма ишни айнан ўша қилган, — деди Brent.

<sup>1</sup> Даромадли черков лавозимлари.

— Мен унчалик қатъиятли эмасман, — қулди Грант. — Кройленддаги бизнинг роҳибда нима янгилик бор?

— Кам таскин берадиган хабар. Ўша мен юборган ваҳимали телеграммадан кейин шунга амин бўлдимки, унга ҳам ишониш мумкин эмаскан. Роҳиб ўтириб олиб, қулогига чалинган гийбагларни ёзиб бораверган. Масалан, унинг ёзишича, Ричардга иккинчи тож кийдирилиши Йоркда ўтказилган экан. Бу бутунлай ёлгон. Агар ўта машҳур воқеаларни шунчалик бузиб талқин қилар экан, ахборотчи сифатида унга ишониб бўларканми? Лекин у тахт вориси ҳақидаги қонун билан таниш эди-ку. У барча воқеаларни ҳамда улар билан боғлиқ ҳодисаларни ёзган. Элеонор хоним ҳақида ҳам.

— Жуда қизиқ. Ҳатто Кройленд монастирида ҳам қирол Эдуард кимга уйланганидан хабар топишганмиди?

— Ҳа. Авлиё ва тақводор Мор Элизабет Люси билан боғлиқ воқеани анча кейинроқ ўйлаб чиқаргани тўғрироқ бўлса керак.

— Ричард тўғрисида гўё у ўз оиласини шарманда қилиш ҳисобига тахтга эришмоқчи бўлгани ҳақидаги уйдирмани гапирмаса ҳам бўлади.

— Нима деяпсиз?

— Гўё Ричарднинг васвасаси билан черков минбаридан унинг акалари Эдуард ва Георг кимдандир орттириб олинган ва у, Ричард қонуний никоҳдан тугилган ягона ўғил, шунинг учун ҳам тахтга ягона даъвогар экани айтилибди.

— Сал жўялироқ нарса ўйлаб тополмаган экан-да, бу бизнинг авлиё Мор? — вишиллади тишлари орасидан Грант.

— Ҳа-да. Айникса, худди ўша пайтда Ричард ўз онасининг уйида яшаётгани ҳисобга олинса!..

— Ана! Худди шуни эсдан чиқарибман. Изқуварнинг хотираси — бошқа гап! Сиз жуда тўғри айтдингиз — Мортон миш-миш тарқатувчи бўлган. Борди-ю, ўша миш-миш яна қаердадир пайдо бўлса-чи?

— Ҳар нарса бўлиши мумкин, албатта. Лекин гаров ўйнайманки, бўлмайди. Болалар йўқолгани ҳақидаги хабар кенг тарқалганига мен унча ишонмайман.

— Нимага?

— Агар халқ орасида кескинлик сезилган бўлса, ифвогарона гап-сўзлар тарқалса, Ричард жиддий чоралар кўрган бўларди. Анча кейинроқ, масалан, у ўз жияни ёш шаҳзодаларнинг катта опаси Елизаветага уйланмоқчи бўлаяпти деган миш-миш тарқалганда Ричард тезда жавоб йўлини тутганди. У дарҳол турли шаҳарларга чопар юбориб, бу миш-мишнинг асосизлигини билдирганди. Ричард шундай газаблангандики, шаҳар оқсоқолларини тўплаб, Лондондаги катта залда бу ҳақда ўз фикрларини баён қилганди.

— Албатта, сиз ҳақсиз. Агар қотиллик ҳақидаги миш-мишлар кенг тарқалган бўлсайди, Ричард, эҳтимолки, омма олдида бу гапларни ошкора рад этган бўларди. Нима бўлганда ҳам бу жиянига уйланиш ҳақидаги уйдирмаларга қараганда анча жиддий тўхмат эди.

— Ҳа, албатта. Ахир ўша даврларда жиянига уйланиш учун черковдан махсус рухсатнома олиш етарли эди. Эҳтимол, бу қоида ҳозир ҳам амал қилаётгандир. Ҳар ҳолда бу менинг ишим эмас. Демак, биз шуни аниқладикки, Ричард уйланиш ҳақидаги миш-мишларга барҳам бериш учун шундай тадбирлар кўрган экан, унда қотиллик ҳақидаги миш-мишларни, агар у мавжуд эрса, тўхтатиш учун янада жиддий чоралар кўрган бўлиши керак. Бундан келиб чиқадиган хулоса шундайки: халқ орасида болаларнинг ғойиб бўлиши ёки улар теварагида ифлос шовқин-сурон рўй бермаган.

— Болота билан Франция ўртасида ингичка ариқчадан ташқари, албатта. Бошқа томондан кўриниб турибдики, болаларнинг тақдири ҳеч кимни қизиқтирмасди. Ҳар қандай полиция терговида шубҳа қилинаётган одамнинг хулқ-атворидаги салгина ўзгаришни ҳам кўздан қочирмаслик жуда муҳим. Айтайлик, нима учун ҳар пайшанба кинога борадиган Х деган кимса айнан шу кеча бормасликка қарор қилди? Нима учун У қайтишга ҳам чипта олди-ю, ундан фойдаланмади? Буларнинг ҳаммаси жуда муҳим. Лекин бу ерда Ричард ҳали тахтда экан, то унинг ўлимигача, ҳамма ўзини ҳаммиша одатдагидек тутади.

Ёш шахзодаларнинг онаси ўз бошпанасини тарк этиб, қайтиб келади-да, Ричард билан дўстлигини давом эттиради. Унинг қизлари сарой аҳли орасида пайдо бўладилар. Ўғиллари эса, оталарининг ўлими туфайли тўхтаб қолган ўқишларини давом эттирадилар. Уларнинг амакиваччалари Кенгашдан жой эгаллайдилар ва Йоркда муҳим шахслар ҳисобланадилар. Улар номига битилган хатлар шундан далолат бериб турибди. Шафқатсиз қотиллик юз бергани ҳақида ҳеч қандай гап-сўз йўқ.

– Йўқ, жаноб Грант, яхшиси, мен, барибир, ўз китобимни ёзаман.

– Сиз уни, албатта, ёзасиз. Шу билан сиз Ричарднинг пок номини тиклайсизгина эмас, Елизавета Вудвиллнинг номус-орини ҳам ҳимоя қилган бўласиз. Чунки, етти юз ўлчов йиллик нафақа ҳамда шахсий имтиёз учун ўғилларининг ўлдирилишига кўниб яшади деб унга тўхмат қилишган эди.

– Аммо, китобни бошлаш учун менга камида болаларга нима бўлгани ҳақидаги тахминий фикр керак.

– Сизда шундай тахмин бўлади.

Каррадин Темза узра сузиб бораётган булутлардан кўз узиб, шубҳали нигоҳини Грантга қадади.

– Ниманга ўйлаб қолдингиз? Ҳозир қаймоқ ёнига келиб қолган мушук ҳолатига тушгансиз.

– Э, мен, сиз йўқлигингизда, бекорчиликдан ҳар хил полиция ишлари билан шуғулландим.

– Полиция ишлари билан?

– Ҳа-да. “Бу кимга фойдаю, кимга зарар” дегандай. Биз шуни аниқладикки, болаларнинг ўлиmidан Ричард бир мирилик ҳам фойда кўрмаган бўларди. Шунинг учун ҳам бу ишдан ким фойда кўриши мумкинлигини излашимиз керак. Мана шунда “Titulus Regius”, тахт вориси ҳақидаги қонун қўл келади.

– Қонуннинг бунга нима алоқаси бор?

– Генрих Еттинчи шахзодаларнинг катта опаси Елизаветага уйланади.

– Шундай.

– Шу билан у йоркчиларни тахтни эгаллашига кўндиради.

– Хўш-хўш?

– Тахт ворислиги ҳақидаги қонунни ўзгартириб, шу билан у хотинини қонуний туғилган деб эълон қилади.

– Тушунарли.

– Лекин, Эдуарднинг болаларини қонуний туғилган деб эълон қилиб, у икки болага Елизаветадан олдин тахтни эгаллаш ҳуқуқини қайтаради. Қонуннинг бекор қилиниши ўз моҳияти билан шахзодаларнинг каттасини Англия қироли қилиб қўйганди.

Каррадин завқидан тилини такилатди, кўзойнаги шишалари ордидан қорачиғлари ялтираб кетди.

– Демак, – таъкидлади Грант, – мана шу далиллар асосида терговни давом эттираемиз.

– Бўпти! Бунинг учун нима керак?

– Бунинг учун Тиррелнинг кимлигини яхшироқ билиш керак. Лекин энг қизиги – ўша пайтда атрофдагилар ўзларини қандай тутишган. Аслида улар билан нима юз берган. Улар ҳақидаги ёдномалар мени қизиқтирмайди. Эдуарднинг ҳокимият тепасига келиш воқеасини қандай тиклаганимиз эсингиздами?

– Ҳа. Сизга айнан нима керак?

– Ричард ҳалок бўлганидан кейин Йорклар хонадони меросхўрлари қандай яшашган. Ҳолбуки, улар соғ-омон қолишган, бунинг устига бой-бадавлат бўлишган. Ҳар бирини алоҳида-алоҳида аниқлаш мумкинми?

– Оддий иш.

– Тиррел ҳақида атрофлича билинг. У қанақа одам эди, айнан нима иш билан шуғулланарди.

– Яхши, – Каррадин жанговарчасига ўрнидан турди. – Жаноб Грант, раҳмат сизга, ҳаммаси учун... Сиз оёққа тургач, Тауэрга экскурсияга олиб бораман. Тез орада туришингизга рухсат беришадими ўзи?

– Сиз Тиррел ҳақида хабар олиб келишингиздан олдин, албатта.

## 14

Бироқ, то Каррадин қайтиб келганига қадар Грантга туришга рухсат беришмади. Лекин у энди каравотда ўтира оларди.

– Сиз тасаввур ҳам қилолмайсиз, – деди у, – девор шифтга нисбатан бугунлай бошқа, жуда ажойиб манзара. Шифтнинг дунёси кичик ва чиркин.

Унинг муваффақиятларини кўриб, Каррадиннинг қувонгани Грантни тўлқинлантириб юборди ва улар дарҳол ишга киришиб кетишди. Ниҳоят, Грант сўради:

– Ҳўш, Генрих даврида ёш Йорклар қандай яшашган экан?

– Ҳа-я! – хитоб қилди Брент, – пальтоси чўнтагидан қоғозлар ўрамани оларкан. – Қайсидан бошлай? – деди жойлашиб ўтираркан.

– Биз Елизавета ҳақида нима биламиз? Генрих унга уйланди, у қиролича бўлди, кейин ўлди. Шундан сўнг Генрих телба Анна Испанскаяга совчи юборди.

– Ҳа. Елизаветанинг тўйи 1486 йилнинг баҳорида, йўқ, олдинроқ, январда бўлиб ўтди. Босвортдаги жангдан беш ой ўтгач, ўлими эса 1503 йил баҳорида юз берди.

– Ун етти йил ўтибди. Бечора Елизавета, унга етмиш йил ўтгандай туюлгандир. Генрих хотинига жуда қаттиққўл эди. Оиланинг бошқа аъзолари-чи? Эдуарднинг бошқа болалари нима бўлди? Иккитасининг қисмати бизга номаълум. Сесилнинг аҳволи нима кечди?

– Уни қиролнинг кекса амакиси – лорд Уэльсга узатишди ва яшаш учун Линкольнширга жўнатишди. Анна билан Екатерина вақти келгач, эрга тегишди, улар Ланкастерлар хонадонига келин бўлиб тушишди. Энг кенжа қиз Брижит Дортфордда сочини қирқтириб, роҳибаликка ўтди.

– Ҳозирча бирор жиддий нарса кўзга ташланмайди. Яна ким бор эди? Георгнинг ўғли.

– Ҳа, ёш Уорик. Тауэрда умрбод зиндонбанд қилинганди. Қочиб уринди деган баҳона билан қатл қилинган.

– Шундай. Георгнинг қизи Маргарет-чи?

– У графиня Солсбери бўлди. Генрих Саккизинчи даврида уни сохта айблов билан қатл этилиши, шубҳасиз, судлов хатосининг – бегуноҳ инсонга ўлим ҳукми чиқаришнинг мумтоз намунаси.

– Тахтга даъвогар бўлган иккинчи номзод – Елизаветанинг ўғли-чи?

– Сиз Жон де ла Поулни назарда тутяпсизми? У холасиникида – Бургундияда яшарди, то...

– Унинг холаси Маргарет – Ричарднинг синглисимиди?

– Ҳа. У Семнела<sup>1</sup> исёни пайтида ҳалок бўлган. Лекин унинг кенжа укаси бор эди, сиз уни рўйхатдан тушириб қолдиргансиз. Генрих Саккизинчи томонидан қатл этилган. Бу уқа ҳаётини сақлаб қолиш шарти билан Генрих Еттинчига таслим бўлганди. Уйлашимча, Генрих уни бузишга жазм этмади. Лекин Генрих Саккизинчи гуноҳдан тап тортмасди. У кенжа де ла Поул билан чекланиб қолмади. Сиз рўйхатингиздаги яна тўрттасини эсламадингиз: Эксетер, Сарри, Букингем ва Монтегюни айтаяпман. Генрих VIII уларнинг ҳаммасини қатл эттирди.

– Ричарднинг никоҳсиз туғилган ўғли-чи? Унинг тақдири нима бўлди?

– Генрих Еттинчи унга йилига йигирма минг фунт нафақа тайинлади. Бироқ Генрих Саккизинчи тахтга ўтириши билан Жон Глостер унинг биринчи қурбони бўлди.

– Гуноҳи нима экан?

– Гуноҳи – Ирландия унга меҳмондўстлик кўрсатибди.

– Ҳазиллашяпсизми?

– Ҳечам-да. Ирландия ўша пайт роял ҳаракат маркази эди<sup>2</sup>. Йорклар хонадони Ирландияда машҳур эди ва у ердан таклифнома олиш, Генрихнинг эътирофига, ўзига ўлим ҳукми чиқаришга тенг эди. Лекин ростини айтса, Генрих ёш Жондан сира ташвишланмаса ҳам бўларди. Зеро, у “жуда оққўнгили йигитча эди”, – дейилади маълум пьесада, эсингиздами?

<sup>1</sup> Семнела исёни – Атиргуллар уруши тугаши билан Дублинда тож кийдирилганда Эдуард VI номи остида кўтарилган қўзғолон, 1487 йилда Генрих VII бостирган.

<sup>2</sup> Қонуний қирол ҳокимияти тарафдорлари ҳаракати.



– Генрихга нисбатан тахтга унинг кўпроқ ҳаққи бор эди, – деди қатъий Грант. – Чунки у қиролнинг ягона никоҳсиз ўғли эди. Генрих бўлса бор-йўғи қиролнинг кенжа ўғлидан никоҳсиз туғилган ўғлининг чевараси эди.

Бироз вақт жим қолишди.

– Тўғри, – деди Каррадин.

– Нима тўғри?

– Сизнинг ўйлаганингиз.

– Мен ҳақманми? Мана шу иккови – ягона, мен рўйхатга киритмаганим.

Орага яна жимлик чўкди.

– Уларнинг ҳаммаси бегуноҳ ўлдирилганди, – сукунатни бузди Грант. – Қотиллик қонун ниқоби остида амалга ошириларди. Лекин иккита бегуноҳ норасидани ўлимга ҳукм этиш мумкин эмасди-ку, ахир.

– Ҳа, – рози бўлди Каррадин ва қушлар чуғури келаётган деразага ўтирилди.

– Ҳа, нимадир баҳона қилиш керак эди-да. Ахир йўлда улар туришарди.

– Ҳамма гап шунда-да.

– Нимадан бошлаймиз?

– Худди аввалгига ўхшаб, Ричарднинг тахтга йўлини кузатганимиздек, бошлайверамиз. Сиз шунга аниқланг, Генрих ҳукмронлигининг дастлабки ойлари иштирокчиларнинг ҳаммаси қаерда ва нима билан машғул эдилар. Унинг подшолигининг биринчи йилидан бошланг. Худди ўша пайтлар нимадир рўй бериши керак.

– Ҳа, рўй берган.

– Тиррел ҳақида бирор нарса топилдими? У ким эди ўзи?

– Топилди. У, умуман, мен ўйлаган одам эмас экан. Мен уни бирор хушомадгўй ювиндихўр деб ўйлардим. Сиз-чи?

– Мен ҳам шундай ўйлардим. Аслида-чи?

– Аслида у муҳим зот бўлган эканлар. Унинг тўла номи Жеймс Тиррел бўлиб Жиппингдан экан. Эдуард Тўртинчи даврида турли комиссияларда қатнашган. Берикни қамал қилиш пайтида ҳарбий бурчини бажаргани учун унга шахсий дворян унвони берилган. Ричард даврида анча муваффақият қозонган, лекин Босвортдаги жангда қатнашганми, йўқми, номаълум. Мен буни аниқлай олмадим. Буни қарангки, кўпчилик ўша ерга жуда кечикиб боришган. Шунинг учун бу унчалик муҳим эмас. Умуман, мен тасаввур қилганимдек, Тиррел ўша малайлар тўдасидан эмаскан.

– Жуда қизиқ-ку! Генрих Еттинчи даврида унга нима бўлди?

– Чиндан ҳам қизиқ воқеа юз берди. Йоркларнинг шундай содиқ ва омадли ҳамкори бўлган Тиррелдек одам учун унинг кейинги тақдири жуда бахтли бўлди. Генрих уни шимолий Франциядаги Гюин шахрига вакил, кейин Римга элчи қилиб тайинлади, ундан сўнг Этапледаги<sup>1</sup> сулҳ шартномасига вакил бўлди. Генрих унга Уэльсадаги мулкидан Гюинда оладиган даромадига тенг келадиган миқдорда бир умрлик рента билан сийлади. Нима учунлиги тушунарли эмас.

– Менга эса тушунарли.

– Нима учун?

– Нима бало, унинг барча имтиёзлари Англияда берилмагани сизни ҳайрон қолдирмаяптими? Ҳатто умрбодлик рентаси ҳам.

– Ҳа, ҳайрон бўлдим. Лекин бу нимани англатади?

– Ҳозир у ҳеч нарсани англамайди. Балки Гюин унинг бронхитига яхши таъсир қилгандир? Тарихий воқеаларни қанча кўп қовлаштираманг, шунча кўп жумбоқ пайдо бўлади. Худди Шекспир фожиалари билан бўлганидай. Уларни истаганча талқин қилиш мумкин. Унинг Генрих Еттинчи билан тотувлиги қанча давом этди?

– О, анча узоқ! 1502 йилгача ҳаммаси яхши борарди.

– 1502 йилда-чи?

– Генрихнинг қулоғига шу нарса чалиндики, Йоркларнинг Тауэрдаги лагеридан кимнингдир қочиши ва Германияга ўтишига тайёргарлик кўришда Тиррел аралашган экан. Генрих Гюин қасрини қамал қилиш учун махсус бўлинма

<sup>1</sup> Англия билан Франция ўртасида 1492 йили тузилган сулҳ шартномаси.

жўнатди. Қирол шошилиб бўлинма кетидан лорд-муҳрдорни юборди. Бу нималигини биласизми? – Грант бош иргади. – Лорд-муҳрдорни жўнатди – бу инглизлардаги қанақа унвон ўзи! – Тиррел учун ҳимоя ёрлиқ билан, агар у Калдаги кемада канцлер билан музокараларга киришишга рози бўлса.

– Бўлиши мумкин эмас!

– Буёғи нима бўлганини билишни истайсизми? Тиррел Тауэрда, қафас ичида ўзига келди. 1502 йилнинг 6 майида эса “шошилиш равишида судсиз-сўроқсиз боши танасидан жудо қилинди”.

– Унинг иқрори-чи?

– Бўлмаган.

– Менга бундай қараманг. Бунда менинг айбим йўқ.

– Лекин у болаларни ўлдирганига иқдор бўлган-ку.

– Бу ҳақда турли манбалар гувоҳлик беради, лекин буларнинг ҳаммаси қуруқ гап, иқдорнинг асл матни эса йўқ, тушунапсизми?

– Демак, Генрих уни бостириб чиқармаган?

– Йўқ. Сарой тарихчиси Полидор Вергилий қотиллик қандай содир этилганини тасвирлаган. Лекин бу ҳам Тиррелнинг ўлиmidан кейин ёзилган.

– Аммо у болаларни Ричарднинг сўзига кириб ўлдирганига иқдор бўлган эрса, уни нега суд қилишмаган?

– Сира тушунолмаман.

– Тўхтанг-чи, Тиррелнинг иқдори унинг ўлиmidан кейин маълум бўлганми?

– Тиррел иқдорига кўра, у ҳали 1483 йилдаёқ, йигирма йил олдин, Уорикдан Лондонга қистаб келган, зиндон назоратчисидан... исми эсимдан чиқибди, калитни олибди...

– Блэкенбери. Сэр Роберт Блэкенбери.

– Тўғри... калитни зиндон назоратчиси Роберт Блэкенберидан бир кечага олибди, болаларни ўлдирибди, калитни қайтариб берибди-да, Ричард ҳузурига қайтиб келибди. Унинг иқдор бўлиши шаҳзодаларнинг сирли ғойиб бўлиши ҳақидаги миш-мишларга чек қўйди. Шу билан ҳеч қандай ошкора тергов олиб борилмадимми?

– Ҳеч қандай.

– Мен шунинг ўзи билангина судга бормасдим.

– Бу ҳақда ўйлашга ҳам ҳожат йўқ. Бунақанги ёлгонни ҳечам эшитмагандим.

– Наҳотки, улар калитни берганмидинг, йўқми дея Блэкенберидан сўраб ҳам кўришмаган бўлса?

– Блэкенбери Босвортда ўлдирилганди.

– Тушунарли. Марҳумдан қандай жавоб кутиш мумкин! Биласизми, Блэкенберининг ҳалокати бизнинг қўлимизга яна бир далилни тутқазаяпти.

– Ростданми?

– Агар калитлар чиндан ҳам Ричарднинг буйруғи билан бир кечага бериб турилган бўлса, бу ҳақда Тауэрнинг кўплаб майда хизматчиларига маълум бўлиши керак эди. Улардан кимдир Генрих Тауэрга келгач, унга оғзидан гуллаб қўймаганига ишониш қийин. Айниқса, шаҳзодалар йўқолган пайтда. Блэкенбери ва Ричард ўлдирилди. Лекин хизмат юзасидан каттароқ бўлган бирортаси болаларни унга топшириши керак эди. Агар топшириладиган ҳеч ким бўлмаса унда: “Зиндон назоратчиси бир куни кечаси калитларни бериб юборган эди, ўшандан бери биз болаларни кўрганимиз йўқ” деб баёнот бериши керак эди. Шунда калитларни олган одам теварагида катта шовқин кўтарилиши турган гап эди. У Ричардга қарши биринчи гувоҳ ва Генрих учун биринчи кузир бўларди.

– Эҳтимолдан ҳоли эмас, лекин Тауэрда Тиррелни ҳамма яхши биларди, ахир ва у топилмасдан ўтиб кетиши қийин эди. Ушанда Лондон унча катта эмасди, Тиррел эса таниқли зот эди.

– Тўғри. Агар ҳаммаси шундай бўлган бўлса, Тиррелни қатл этардилар. Уни ҳеч ким ҳимоя қилолмасди. – Грантнинг қўли сигаретга чўзилди. – Шундай қилиб, биз Генрих Тиррелни 1502 йилда қатл эттирган деб тахмин қилишдан бошқа иложимиз йўқ. Кейин эса у ўз тарихчилари ёрдамида Тиррел йигирма йил бурун шаҳзодаларни ўлдирган дея баёнот берган.

– Жуда тўғри.

— Ва бирор марта ҳам шундай шафқатсиз ёвузлик қилганига иқрор бўлган Тиррел устидан суд нега бўлмагани ҳақида оғиз очмаган.

— Бирор марта ҳам. Ҳар ҳолда бу менга маълум эмас. Биласизми, у ҳаминша айланма йўллардан фойдаланган. Ҳеч қачон тўғридан-тўғри ҳаракат қилмаган, айниқса, бунақа нозик ишларда. Бу қотилликка ўхшамаслиги керак эди. Генрих йиллар давомида бу ишни яширишга имкон берадиган қандайдир қонуний асос излади. Ўйлайвериб, мияси чатнар ҳолга келганди. Қирол бўлгач, ишни нимадан бошлади деб ўйлайсиз?

— Нимадан?

— Босворт жангида Ричард сафдошларини сотқинликда айблаб, уларни қатл эта бошлади. Буни у қонунга қандай бўйсундирди? Ўз подшолигини Босворт жангидан бир кун олдиндан ҳисоблаб иш тутди. Шундай сохталikka қўл урган одамнинг қўлидан ҳар қандай ифлослик келади. — Брент Грант таклиф қилган сигаретни олди. — Лекин бу унга ҳамирдан қил суғургандай ўтмади, — деди тантанавор. — Йўқ, ўтмади. Инглизлар, офарин, “етар, бас” дейишди унга. Жойига ўтқазиб қўйишди.

— Қандай қилиб?

— Жуда эҳтиром билан, соф англизларча, унга парламент қарорини тақдим этдилар. Мазкур қарорда эса, қирол хизматида бўлган ҳар қандай одам сотқинликда айбланмайди ва у ҳибсга олинмайди деб таъкидланганди. Қиролни шу қарорга имзо чекишга мажбур қилишди. Чинакам инглизча темир илтифот. Бизга сизнинг бунақа айбсиз хийлаларингиз ёқмаяпти деб кўчаларга чиқиш, тошбўрон қилиш ва бақриқ-чақриқлар қилиб ўтиришмади. Мана сизга қарор ва марҳамат қилиб уни бажаринг, дейишди. Ҳа, қарорни тақдим этувчиларга қандай хўмрайиб қараганини тасаввур қилаяпман. Майли, мен кетдим. Энди бемалол ўтириб, ўзингизни яхши ҳис қилаётганингиздан жуда хурсандман. Ҳадемай Гринвичга борадиган вақтимиз ҳам келиб қолади.

— Гринвичда нима бор?

— Яхши меъморчилик ва шаҳарни у бошидан бу бошигача кесиб ўтган лойқа дарё.

— Бори шуми?

— Кўришга арзиғулик нарсалар кўп.

— Бўпти, борганимиз бўлсин!

Каррадин кетгач, Грант чалқанча ётиб, кетма-кет сигарет тутатар, Йорклар томонидан Ричард пайтида муваффақият қозонган, Генрих даврида эса гўрга тикилган меросхўрлар тарихи устида бош қотирарди.

Эҳтимол, улардан кимлардир қилмишига яраша жазо олгандир. Каррадин томонидан тўпланган маълумотлар, барибир, ўша давр ҳақида тўла тасаввур беролмасди. Лекин шуниси қизиқки, Тюдорларнинг тахт сари йўлда учраганларнинг ҳаммаси ўз вақтида ўлиб кетишди!

Грант Каррадин олиб келган китобга ишонқирамай қараб қўйди. Бу Жеймс Гэрднер деган кимсанинг “Ричард III нинг ҳаёти ва подшолиги” эди. Брент, агар доктор Гэрднер китобини ўқисангиз, афсусланмайсиз, деб кетди. Унинг гапига қараганда бу китобни олқишлаб кутиб олишганмиш.

Грант китобни варақладию қизиқиб қолди. Доктор Гэрднернинг таъкидлашича, болаларнинг ўлими Ричарднинг иши экан. Лекин ҳалол ёзувчи ва олим сифатида у айрим далилларни яшириб ўтишни лозим топмабди. Ўзининг тутуруқсизлигини сезмаган ҳолда доктор Гэрднер Ричарднинг катта ақл эгаси, очиқ кўнгилли, жасур, ёқимли, машҳур ва садоқатли одам бўлганини тан олибди. Шу оҳангда ҳикоясини давом эттириб, Ричарднинг онасига тўхмат қилгани ва ҳимоясиз икки болани ўлдирганини ҳам ёзибди. “Айтишларича,” — дейди бу олижаноб доктор ва ўша мудҳиш эшитганларини тавсифлайди ва ривоятга икки қўллаб имзо чекади. Ричарднинг феъл-атворида қабиҳлик ва аблаҳлик бўлмаган, лекин докторга ишонадиган бўлсак, у беғуноҳ болаларнинг қотили экан. Ҳатто душманлари ҳам унга ишонар эдилар, лекин у ўз жиёнларини ўлдирди, мана сизга. У жуда ҳалол одам эди — лекин, барибир, ўз манфаати йўлида қотиллик қилди.

Эҳ-ҳе, доктор Гэрднер не найранглар кўрсатмади, не тилёғламаликлар қилмади дейсиз! Бу тарихчиларнинг мияси қандай тузилганлиги Грантни яна

бир бор ҳайратга солди. Бунақа ишлар оддий одамларнинг эсига ҳам келмайди, улар бўлса, ўйлаб топадилар. Грантга на адабиётда, на ҳаётда Гэрднер тасвиридагидек Ричардга ўхшаш ёки Олифант ёзганидек, Елизавета Вудвиллга монанд бирор жонзотни учратишга тўғри келмаганди.

Лора ҳақ эди — одамзод ўзининг олдиндан тузиб қўйган фикридан сира воз кечолмайди. Қабул қилинган умумий тушунчалар ички қаршиликка дуч келаверади, зиддият уйғотади. Доктор Гэрднер ҳам шундай: кўрқиб кетган гўдакдек оёқ тираб туриб олади, муқаррар нарсага бўйсуншни истамайди.

Грант ўз ҳаётида бир вақтлар одам ўлдирган, лекин ҳалол ва олижаноб кишиларни кўп учратган. Аммо бунақа йўл билан ва шундай ниятда қилинмаган бу қотилликлар. Гэрднер томонидан “Ричард III нинг ҳаёти ва подшолиги” да тасвирланган одам ўлдириши мумкин, фақат алам ва аччиқ устида. Айтилик, у хиёнати учун хотинини ўлдириши мумкин. Ёки қинғир ишлари билан фирмасини хонавайрон қилган ва болалари келажагини йўққа чиқарган шеригини ҳам аямаслиги мумкин. Жиноятнинг сабаби қандай бўлмасин, атайлаб эмас, қабиҳ ниятда эмас, балки кучли руҳий инқироз туфайли юз бериши мумкин.

Шундай фазилатларга эга бўлган Ричард ўлдиришга қодир эмас, деб бўлмайди. Лекин шуни таъкидлаш мумкинки, шундай фазилатларга эга бўлгани учун ҳам у бундай қотилликка қодир эмасди.

Қотиллик ўта нўноқлик билан амалга оширилган, Ричард эса ўта қобилятли эди. Қотиллик ахлоқсизликдир, Ричард эса юксак ахлоқий тамойилларга содиқ эди. Қотиллик шафқатсизлик ҳисобланади, Ричард бўлса, раҳмдил ва шафқатли эди.

Агар унинг тан олинган барча обрў-эътибори ва қадр-қимматини санайдиган бўлсак, шу нарса яққол кўзга ташланадики, мазкур фазилатларнинг ҳар бирининг ўзиёқ унинг жиноятга қодир эмаслигини намоён қиларди. Ҳамма фазилатлари биргаликда эса шундай юксак девор тиклардики, бошқача ўйлашга ҳожат ҳам қолмасди.

## 15

— Битта одамни сиз эсдан чиқардингиз, — деди Грантга Каррадин, бир неча кундан сўнг палатага чопиб кираркан. — Рўйхатингизда ўша одам йўқ.

— Салом. Ким экан у?

— Стиллингтон.

— И-е, и-е! Муҳтарам Бат епископи. Агар Генрих Ричарднинг ҳақлигини тасдиқлаб, унинг шахсий хотинини ҳуқуқларидан маҳрум қилувчи тахт ворислиги ҳақидаги қонундан шунчалик нафратланар экан, демак, унинг ижодкоридан ҳам газабланиши керак эди?! Хўш, қария Стиллингтонга нима бўлди? Адашиб қатл этишдимиз?

— Афтидан, қария ўйнагиси келмади.

— Нимани?

— Генрих ёқтирган ўйинларни-да. Бутунлай рад этди. Унинг тузоққа тушгиси келмади, шекилли. Ҳар ҳолда у игвога учмасликка ҳар қанча уринмасин, қилмишлари жазо олиш учун етарли эди.

— Нима, сиз қария Генрихдан устун келди, демоқчимисиз?

— Йўғ-е, Генрихдан устун келишга ҳеч ким муваффақ бўлолмаган. Чолни қамаб қўйишди, холос, лекин чиқариб юборишни эсдан чиқаришди. Шундай қилиб у уйига ҳеч қачон қайтиб келмади.

— Негадир бугун жуда хурсандсиз. Нима бўлди?

— Ҳа, қувончимнинг чеки йўқ.

— Излаган нарсангизни топдингиз, шундайми?

— У биз ўйлаганимиздан анча кейин юз берган экан. Бутунлай бошқа босқичда.

Дастлабки ойлар одатдагидек ўтаверди. Генрих ўз ҳуқуқини қўлга олди, ишларни тартибга солди. Шаҳзодаларнинг опасига уйланди, ҳамфикрлари ёрдамида парламентни тахт ворислиги ҳақидаги қонунни бекор қилдиришга мажбур этди. Шаҳзодалар ҳақида ҳеч қерда ярим оғиз ҳам сўз айтилмади ва Ричард ҳамда унинг фуқароларига қарши янги қонун қабул қилди. Шу тариқа қиролга садоқат билан хизмат қилганлар сотқинга айланиб қолдилар: чунки у ўз подшолигини

Босворт жангидан олдинги кундан ҳисоблашга буюрди. Генрих биргина қалам тортиш билан мусодара қилинган тоғ-тоғ мол-мулкларни ўзлаштириб олди. Кройленд роҳиби Генрихнинг бу қилигидан ёқасини ушлади. “Эй, раҳмдил Парвардигор, – деб ёзди у. – Бундан кейин бизнинг қиролларимизни жангда ким ҳам ҳимоя қиларди, ахир уларнинг сафдошларини ўлим, бола-чақасини эса қашшоқлик кутади-ку?”

– Генрих ўз ватандошлари билан ҳисоблашмасди.

– Ҳа. Эҳтимол, у бир кунмас, бир кун англизлар буни англаб етишларини тушунарди. Балки улар уни ўзлариники ҳисоблашмасди ҳам. Нима бўлганда ҳам воқеалар бошланишда қутилганидек бўлди. 1485 йилнинг августида Генрих ғалаба қозонди, кейинги йилнинг январида Елизаветага уйланди. Қиролича ўз тўнғичини Винчестерда туғди. Унинг онаси бола туғилишида ва чўқинтирилишида ҳозир нозир бўлди. Бу 1486 йили сентябрида юз берди. Кузда бева қиролича Лондонга – уйига қайтди. Лекин феврал ойида, буни эслаб қолинг, уни зўрлаб монастирга жойлашди – ва у умрининг охиригача ўша ерда бўлди.

– Елизавета Вудвиллми? – сўради Грант ҳайрат билан. У буни сира кутмаган эди.

– Ҳа, ўша. Елизавета Вудвилл, ёш шаҳзодаларнинг онаси.

– У монастирга ўз ихтиёри билан бормаганини қаердан биласиз? – сўради Грант. – Аслзода хонимлар, сарой ҳаёти жонларига тегиб сочларини қирқтирадилар, – бунинг ҳайратланарли жойи йўқ. Монастирдаги ҳаёт унча оғир эмасди, билсангиз. Аксинча, бадавлат хонимлар учун жуда қулай эди, ўйлашимча.

– Генрих уни барча имтиёзлардан маҳрум этди ва Бермондсидаги монастирга жўнашини амр этди. Бу воқеа катта шовқин кўтарилишига сабаб бўлди. Гап-сўз тарқалди, тушуняпсизми?

– Тушуниб турибман. Нақадар шармандалик! У бунинг сабабини тушунтирдими?

– Ҳа.

– Уни нега хонавайрон қилди?

– Ричардга яхши муносабатда бўлгани учун.

– Жиддий гапираяпсизми?

– Бўлмасам-чи.

– Ҳужжатларда ҳам шундай дейилганми?

– Йўқ. Генрихнинг шахсий тарихчиси шундай гумон қилади.

– Вергилийми?

– Ҳа. Елизаветани монастирга қамаш ҳақидаги Кенгаш қарорида “... айрим мулоҳазаларга кўра” дейилган.

Унча узоқ бўлмаган сукунатдан сўнг Грант тўнғиллади:

– Унда баҳона топиш истейдоди йўқ эди. Унинг ўрнида бўлганимда ўн баравар тузукроқ ваз кўрсатардим.

– Ҳамма ишониб, қараб тураверади, деганмикан. Эътибор беринг-а, Елизаветанинг Ричард билан иноқлиги уни қарийб бир ярим йил ташвишга солмаган. Унча ҳамма ишлар силлиқ кетган. Генрих ҳокимият тепасига келгач, Елизаветага совғалар берган, ер-мулк суюрғол қилган.

– Гап нимада экан, нима деб ўйлайсиз?

– Мен яна баъзи бир нарсаларни топдим. Булар янги гоё беради. Менда бир улкан тахмин туғилди.

– Ҳўш...

– Ўша йилнинг июнида...

– Қайси йилнинг?

– 1486 йилнинг-да. Елизавета билан турмуш қурганининг биринчи йили. Январда у никоҳдан ўтди, сентябрда эса Винчестерда шаҳзода Артурни туғди, ўшанда онаси Елизавета ҳам ёнида эди.

– Бу эсимда. Кейин-чи?

– Ўша йилнинг июнида сэр Жеймс Тиррел ялпи авф бўйича озод қилинди. Ўн олтинчи июнда.

– Бу ҳеч нарсани билдирмайди. Бунақаси кўп бўлган. Жазонинг сўнгги

йилида. Ёки янгисини эълон қилиш олдидан. Бу фақат ўтмиш гуноҳлардан соқит қиларди, холос.

– Мен буни биламан. Биринчи авф ҳеч кимни ҳайрон қолдирмайди.

– “Биринчи” деганингиз нимаси? Нима, “иккинчиси” ҳам бўлганми?

– Бўлмасам-чи? Менинг “сюрпризим” мана шу-да. Роппа-роса бир ойдан сўнг сэр Жеймса иккинчи авф эълон қилинди. Агар, аниқ айтсак, 1486 йилнинг ўн олтинчи июлида.

– Ҳа-а, – деди Грант чўзиб. – Фалати.

– Чиндан ҳам фалати, камдан-кам учрайдиган ҳодиса.

Худди шу саволни Британия музейида мен билан ёнма-ён ўтирган бир чолга ҳам бердим. У тарих билан шуғулланади ва менга жуда катта ёрдам берди. Ўша чол бу ҳақда биринчи бор эшитаяпман, деди. Генрих Еттинчи ёдномаларидан айрим кўчирмаларни кўрсатган эдим – у дод деворди.

Грант бўлса ҳамон мулоҳаза юритарди:

– 16 июнда Тиррел биринчи бор авф этилди. 16 июлда иккинчи бор авф қилинди. Ноябрь ойида ёки сал кейинроқ шаҳзодаларнинг онаси шаҳарга қайтади. Феврал ойида эса у умрбод монастирға ҳукм қилинади. Ўйлашга мажбур қиладимми?

– Албатта.

– Сизнингча, буни ўша Тиррел қилдими?

– Бўлиши мумкин. Ҳар сафар биз излаётган жойда калаванинг учи йўқолади, худди ўша жойда Тиррел ўз фаразлари билан пайдо бўлади. Йўқолган шаҳзодалар ҳақидаги дастлабки миш-мишлар қачон пайдо бўлганди? Яъни бу ҳақда қачон ошқора гапира бошлашганди?

– Генрих ҳукмронлигининг дастлабки кунларида бўлса керак.

– Жуда тўғри. Мана бизни қийнаётган жумбоққа жавоб.

– Қайси жумбоқ?

– Болалар йўқолганлиги теварагида нега миш-миш тарқалмаганининг сабаби энди тушунарли. Худди шу вазият қотил – Ричард деб ҳисоблаётганларни ҳам боши берк кўчага киритиб кўярди. Дарҳақиқат, агар ўйлаб кўрилса, бу унга нега бунчалар осон кечди? У тирик пайтида жуда кучли, фаол ва таъсирчан муҳолифатга эга эди. У буларни эркин қўйиб берганди. Бутун мамлакатга ёйилган бу кучлар ҳамон ҳаракат қилаётганди. Агар болалар йўқолиб қолгудай бўлса, у Вудвилл – Ланкастерлар гуруҳи билан олишишга мажбур бўларди. Генрихга эса ўзгалар фикри ҳам, миш-мишлар ҳам хавф сололмасди. Унинг муҳолифлари панжара ортига яширилганди. Фақат қайонасигина қандайдир хавф солиш мумкин эди. Лекин у қайнонасини дарҳол зиндонга ташлади-да, кераксиз жойга бурнини тикмасин деб унинг эшигини маҳкам беркитди.

– Бу рост. Лекин Елизавета ногўғри қадам босди, шекилли. У болалардан қачон хабар олмай қўйди?

– У болаларининг йўқолганини билмаслиги ҳам мумкин эди. Генрих унга тўғридан-тўғри: “Мен кўришиб туришимизни истамайман. Сиз болаларга ёмон таъсир кўрсатаяпсиз. Мана қизларингизга ҳам монастирдан чиқишга рухсат бердингиз, улар ҳалиги одам базмларида рақсга тушмоқдалар!” – деган эди.

– Сиз ҳақсиз. У қайнонаси ҳақиқий шубҳа туғдиришини кутиб туrolмасди ва шиддатли ҳаракат қиларди. “Сиз аҳмоқ аёл ва ёмон онасиз. Монастирға боринг-да, ўз жонингизни қутқаринг, болаларингиз эса сиздан ва ёмон таъсирингиздан тўсиб қўйилади”.

– Худди шундай. Англиянинг ўзига келганда эса, ҳеч бирорта қотил бу ерда ўзини хавф остида ҳис қилмасди. Унинг “сотқинликда” айбловчи уйдирмасидан кейин ёш шаҳзодалар саломатлиги тўғрисида суриштириш у ёқда турсин, умуман ҳеч ким овозини чиқаролмай қолди. Ҳамма оёқ учида юрадиган бўлиб қолди. Қани гинг деб кўришсин-чи!

– Тагин болаларнинг Тауэрда яшаётганини билатуриб денг?

– Ҳа, Тауэрда Генрихнинг одамлари ҳукм юритарди. Улар Ричарднинг “ўзинг яша, бошқаларнинг яшашига ҳам қўйиб бер” деган шиоридан жуда узоқ эдилар. Йорклар билан Ланкастерлар иттифоқи тўғрисида-ку, гап ҳам бўлиши мумкин эмасди. Тауэрда фақат Генрихнинг одамлари бўлиши керак эди.

– Амалда худди шундай бўлган. Сизга маълумдир, Генрих – Англия қироллари орасида шахсий тан соқчиси бўлган биринчи ҳукмдор эди.

– Қизиқ, у ўз хотинига укалари ҳақида нима деган экан?

– Ҳа, бу жуда мароқли. У ҳақиқатни айтиши мумкин эди.

– Генрихми? Ҳеч қачон! Генрихга ўхшаган одам икки карра икки – тўрт эканини сира тан олмас эди. Бунинг учун руҳий кучга эга бўлиш керак – Генрих эса қисқичбақа, у ҳеч маҳал тўғри юрмасди.

– Агар у шафқатсиз бўлганида шундай қиларди ҳам. Аёл унга қандай қаршилик кўрсата оларди? Ҳатто истаган тақдирда ҳам-а? Лекин унда шундай истак бўлганмикин? У тахт учун битта ворис туғиб берди, бағрида яна биттасини кўтариб юрибди. Унинг қурашишга ҳоли бормиди?!

– Генрих шафқатсиз – садист эмасди, – деди Каррадин алам билан. У Генрихнинг ана шу шубҳали фазилатини ҳам тан олгиси келмасди. – Аксинча, қотиллик унга завқ бағишламасди. У бу ёвузликни ниқоблашга уринарди. Унга қонуний асос топишга ҳаракат қиларди. Агар сиз тўшакда у ўз кўнглини кўтариш учун Елизаветага укаларингни ўлдирдим деб мақтанган деб ўйласангиз, янглишасиз.

– Эҳтимол, сиз ҳақдирсиз, – деб жавоб берди Грант ва чалқанча ётиб олиб Генрих ҳақида ўйлай кетди. – Уни қандай аташ мумкин? Ҳақир бир одам. Ҳеч нарсага арзимайдиган пасткаш кимса.

– Худди шундай. Ҳатто бошидаги сочи ҳам жуда кам эди унинг.

– Мен унинг ташқи қиёфасини назарда тутганим йўқ.

– Албатта.

– У нимаики қилса – бари пасткашлик эди. Масалан, кўкларга кўтариб мақталган “Мортон паншахаси”ни олинг: бутун тарихда аҳолидан даромад ундиришнинг ундан пасткашроқ усулини учратмайсиз. Гап фақат унинг хасислигидагина эмас. У бошдан-оёқ пасткаш эди.

– Шубҳасиз. Доктор Гэрднер Генрихнинг қилиқларини феъл-атворига мослаш учун бекор уринмаган, ахир. Дарвоқе, унинг китобидан таассуротингиз қандай?

– О, ажойиб мутолаа. Худо ҳаққи, ҳурматли доктор жиноят оламида анча-мунча муваффақиятга эришиши мумкин эди.

– Қаллоблик қилгани учунми?

– Ҳечам қаллоблик қилмаган. У пок одам бўлган. Фақат унинг мулоҳазалари ўта содда.

– Нимани назарда тутаяпсиз?

– Кишиларнинг кўпчилиги А дан кейин Б келишини яхши билишади. Ҳатто болалар ҳам. Лекин жиноятчиларнинг кўпчилиги буни билмайди. Бунга ишонмаслигингиз мумкин. Кўпчилик жиноятчиларни эпчил ва зеҳнли болалар деб ўйлашади. Аксинча, жиноятчининг мияси ўта ибтидоий. Улар мулоҳаза юрита олмайдилар. А дан Б гача бир амаллаб етиб олишлари мумкин. Лекин у ёғига кучлари етмайди... Ҳа, айтмоқчи, китобингиз нима бўлаяпти?

– Бошланиши жуда мароқли. Унинг қанақа бўлишини тасаввур қилаяпман. Мен баён қилиш шаклини назарда тутаяпман. Қарши бўлмасиз, деган умиддаман.

– Нега қарши бўлишим керак экан?

– Мен ҳаммасини бир бошдан ёзмоқчиман. Гапни сиз билан танишганимдан бошлайман. Ишни Ричардни тавсифлашдан бошлаб қандай хулосаларга келганимизни акс эттирмоқчиман.

– Ажойиб гоя.

– Жиддий айтаяпсизми?

– Албатта.

– Жуда хурсандман. Давом эттираман. Ҳар иккаласи ҳақида ҳам ёзиш керак, токи, одамлар уларнинг ишларига қараб, хулоса чиқарсинлар. Сиз биласиз, масалан, Юлдузлар палатаси<sup>1</sup> Генрихнинг ихтироси эди.

– Наҳотки, Генрихнинг? Бутунлай унутибман. “Мортон паншахаси” ва Юлдузлар палатаси. Товламачилик ва истибдоднинг мумтоз намунаси.

– Улар Ричард даврида парламент томонидан қабул қилинганмиди? Вой, худойим-эй, ҳали қанча ўқишим керак! Атланта мен билан гаплашмай қўйди.

<sup>1</sup> Юлдузлар палатаси – олий қироллик суди, қирол зўравонлигининг қуролига айланганди. 1641 йилдаги Англия буржуа инқилоби томонидан тугатилди. Вестминстер саройи залининг юлдузлар билан безатилган шифти шарафига шундай аталган.

Сиз ҳақингизда эса эшитгиси ҳам йўқ. Атланта – менинг ягона илинжим. Лекин бу унча муҳим эмас... Яъни муҳим, лекин унчамас... Сиз ҳалиги, мени тушунасиз...

– Мен сизни тушунаман. Сиз ҳақиқий ишингизни топдингиз.

– Худди шундай! Мен ҳақиқий ишимни топдим. Энг зўри мана шу. Атланта орқасидан Англияга келиб, ўз ишимни топдим. Жуда зўр, тўғрими? – Каррадин диққат билан Грантга қаради. – Сиз жиддий айтаяпсизми, жаноб Грант, нима, китобни ўзингиз ёзмоқчи эмасмисиз? Ахир, зўр иш-ку.

– Ҳеч нарса ёзмайман. “Скотланд-Ярдда йигирма йил”ни ҳам кутманг мендан.

– Нима? Ҳатто мемуар ҳам ёзмайсизми?

– Ҳатто мемуар ҳам. Менингча, бундай китоблар етарли.

– Бу китоб, албатта, ёзилиши керак, – деди Каррадин ўқсингандай.

– Розиман! Бу ёзилиши лозим. Ҳа, мен сиздан бир нарсани сўрамоқчи эдим: икки марта авф этилишга эришгандан сўнг Тиррел Францияда ўз ўрнини тезда топдими? Тўғри, 1486 йил июлида Генрихга қандайдир хизмати учун у Гюин қасрида коннетабл лавозимини эгаллади.

– Бу ҳақда қачон сўрайсиз деб анчадан бери кутаётгандим. Бу лавозимга ўша заҳотиёқ эришган.

– Шунақами? Демак, яна бир маржон шодадан ўз ўрнини топди. Бу унга лойиқ бўш ўринмиди, ёки Генрих уни уйдан узоққа атайлаб жўнатдими?

– Уйлашимча, аксинча. Уйдан узоқроқ кетишини Тиррелнинг ўзи хоҳлади.

– Ҳа, сиз ҳақсиз. Тиррел чет элга кетдигина эмас, ўша ёқда қолиб кетди.

– Фақат угина эмас. Жон Дайтон ҳам шундай қилди. Лекин, барибир, қотиллик ишига аралашган бу кимсаларнинг қандай одам эканлигини сира аниқлай олмадим. Тюдорларга алоқадор муаллифлар бу ҳақда турлича ёзадилар. Баъзан бир-бирига зид фикрларни айтадилар. Тарихчи Полидор Вергилийнинг айтишича, қотиллик юз берганда Ричард Йоркда бўлган. Авлиё ва тақводор Морга ишонадиган бўлсак, бу воқеа аввалроқ, Ричард Уорикка борганда юз берган. Барча ҳужжатларда турли шахслар қайд қилинган. Билл Слейтер кимлиги номаълум – у сизда Қора Билл дейилган. Яна Майлс Форрест дегани ҳам бор. Лекин Жон Дайтон аниқ бўлган. Графтоннинг ёзишича, у Калда анча узоқ яшаган, ҳамманинг нафратига учраб қашшоқликда ўлган.

– Агар Дайтон қашшоқликда ўлган бўлса Генрихга хизмат қилгани даргумон. У ўзи нима билан шугулланган?

– Биз назарда тутаётган Дайтон руҳоний эди ва қашшоқ яшамаган. Яхшигина даромади бўлган. Жон Дайтонга Генрих Линкольншир графлигидаги Грантэм яқинида жойлашган Фульбек қавмларини ҳадя қилган. Бу 1487 йилнинг 2 майида бўлганди.

– Ҳа, яхши, – деди Грант. – 1487 йилда, чет элда яшайди. Қашшоқ эмас.

– Жуда қизиқ-а?

– Ҳа, ажойиб! Балки бизга кимдир тушунтириб берар, ҳамма нафратланган Дайтонни нега ушлаб олишмади ва қиролнинг яқин одамларини ўлдиргани учун дорга тортгани уйига судраб келишмади.

– Йўқ. Бизга ҳеч нарса тушунтиролмайдди. Тюдорлар даврининг ҳеч қайси тарихчиси Б дан нарига ўтолмаган.

Грант кулди:

– Кўриб турибман, сиз жуда тез ўзлаштираяпсиз.

– Бўлмасам-чи. Мен фақат тарих билан шугулланаётганим йўқ. Мен яна Скотланд-Ярд остонасида ўтириб инсон тафаккурини ҳам ўрганаёпман. Мана, менда бори шу. Агар сиз ўзингизни етарли даражада соғлом ҳисоблаётган бўлсангиз, кейинги келишимда сизга китобимнинг икки бобини ўқиб бераман. – Бироз жим қолди-да, Брент кўшиб кўйди: – Агар мен уни сизга бағишласам, қарши эмасмисиз?

– Мен уни Каррадин Учинчига бағишлаганингиз маъқул деб ўйлайман, – дея ҳазиллашиб эътироз билдирди Грант.

– Йўқ, агар сиз бўлмаганингизда мен бу китобни асло бошламаган бўлардим. Шу боис сиздан жуда миннатдорман.

– Мен ҳам хурсандман, албатта, – деди Грант.



Каррадин хурсанд бўлиб, қандай келган бўлса, шундай енгил чиқиб кетди. Грант бўлса, шу бугун олган янги маълумотларни онгида жамлаб, фикран ақл тарозисида чамалаб кўрди-да, ўйга берилди.

## 16

Йўлаб бўлмас олтин сочли гўзал ташқи дунёдан ажратиб қўйилди.

– Қайдан олди у олтин сочни? – бу фикр унинг миясига илк бора келди. Кумушранг соч, тўғрироғи. У оқ-сарик сочларини чамбар қилиб олганди. Афсуски “сарғиш” сўзи шу қадар ишлатилдики, бошқа маънода қўлланила бошлади.

Уни тириклайин кўмиб қўйишди. Унинг мавжудлиги бошқаларни ҳижолатга қўймасин, дейишди-да. Ташвиш унинг ҳаётининг мазмунига айланди. Унинг Эдуард билан никоҳи бугун Англияни ларзага солди. У ихтиёрсиз равишда Уоркиннинг ўлимига сабаб бўлди. Унинг ўз қариндошларига муҳаббати Англияда янги фирқа тузилишига туртки бўлди ва Ричарднинг тахтни тинчгина эгаллашига ҳалақит берди. Лекин, барибир, ҳеч ким унга ёмонлик тиламади. Ҳатто ишонувчан Ричард ҳам унинг қариндошлик садоқатини кечирди. Лекин буларнинг ҳаммаси Генрих келгунча эди.

У йўқликка маҳкум эди. У, Елизавета Вудвилл, бева қиролича ва ҳозирги қироличанинг онаси. Тауэр тутқунларининг волидаси. Ричард даврида у эркин-эмин яшади, ҳеч нарсага муҳтож бўлмади.

– Яна бир парадокс!

Грант психологик мулоҳазалардан воз кечиб, терговчи мисол фикрлай бошлади. Энди ўз хужжатларини тартибга солмаса бўлмайди. Бу Брентнинг китобига ҳам асқотиб қолади.

У ён дафтарига ҳафсала билан ёзди:

“Иш: Тахминан 1485 йилда Тауэрдан икки бола (Уэльс шаҳзодаси Эдуард ва Йорк герцоги Ричард)нинг йўқолиши”.

Грант гумон қилинаётган айбдорларнинг белгиларини ҳам ёзсаммикин деб ўйлади. Йўқ, яхшиси, олдин Ричардни бир ёқли қилай. У яна бир сарлавҳа ёзди ва тагига қисқача хулоса қайд қилди:

### Ричард III

Дастлабки тавсиф

Ижобий. Давлат арбобининг обрў-эътибори – жуда яхши. Шахсий ҳаёти – бенуқсон. Хулқ-атворининг асосий белгиси. – Соғлом фикр юритиш.

Кўзда тутилаётган жиноятига оид:

а) Унга фойда келтирмас эди. Бундан ташқари Йорклар хонадонидан тахтга даъвогар яна тўққиз киши бор эди, улардан уч нафари эркак;

б) тирик пайтида унга қотиллик айблови қўйилмаганди;

в) шаҳзодаларнинг онаси умрининг охиригача у билан дўстона алоқада бўлди, унинг қизлари эса сарой базмларида қатнашарди;

г) Йорклар хонадонининг бошқа ворисларига ҳеч қандай нохушлик ҳис этмади, уларни саховат билан моддий таъминлаб турди, барчасига қирол оиласи аъзолари унвонини берди;

д) унинг тахтга шахсий ҳуқуқини парламент қонуни ва умумхалқ маъқуллаши билан тасдиқланди. Болалар ворислик ҳуқуқига эга эмасдилар ва унга ҳеч қандай хавф солмасдилар;

е) у хавфсирайдиган ягона нарса болалар эмас, балки ёш Уорик эди. Чунки тахтга ворис сифатида Ричарддан кейин Уорик турарди. Ричард ўз ўлимининг ўлимидан кейин уни ўзининг вориси қилиб тайинлади.

### Генрих VII

Дастлабки тавсиф

Авантюрачи, хорижий давлатлар саройларида яшовчи мансабпараст. Шуҳратпараст она фарзанди. Унинг шахсий ҳаёти тўғрисида ҳеч нарса маълум

эмас. Давлат ва бошқа ҳеч қандай хизматда бўлмаган. Хулқ-атворининг асосий белгиси — макр, ҳийла.

Гумон қилинаётган жиноятига оид:

а) Болаларни тирик қолдирмаслик жуда муҳим эди. Болалар туғилишининг қонунийлигини тан олмаган тахт ворислиги қонунини бекор қилиб, шу билан у ака-уканинг каттасига Англия тахтини берди ва кичигини унинг вориси қилиб қўйди;

б) унинг ўзи томонидан парламентга тақдим этилган Ричардни тахтдан ва мулкий ҳуқуқлардан маҳрум этиш тўғрисидаги қонун лойиҳасида у Ричардни сийқаси чиққан зўравонликда ва шафқатсизликда айблади, лекин ёш шахзодалар ҳақида бир оғиз сўз айтмади. Уз-ўзидан келиб чиқадиган хулоса: ўша пайтда болалар ҳали тирик эди ва қаердалиги ҳам маълум эди;

в) у тахтга ўтирганидан бир ярим йил ўтгач, болаларнинг онаси ўз мол-мулкидан маҳрум этилиб, роҳибаликка сочлари қирқиб ташланди;

г) у дарҳол қолган ворисларни ҳибсга олди ва улардан ҳалос бўлиш учун қулай пайтга келгунча қамоқда ушлаб турди;

д) тахтни эгаллашга унинг заррача ҳам ҳаққи йўқ эди. Ричарднинг ўлиmidан сўнг юридик равишда Англия қироли ёш Уорик бўлганди”.

Грант ҳамма далилларни моддалар бўйича жой-жойига қўйиб чиққач, бирдан у Ричард ўзининг ўғай ўғли Жонни қонуний ворис қилиб тайинлашга ҳаққи борлигини эслаб қолди. Бундай даъвогарлар старлича топиларди. Дарвоқе, Бофорлар оиласининг барчаси, Генрихнинг онасини ҳам қўшиб ҳисоблаганда, никоҳсиз, ноқонуний туғилган болалар эдилар. Ричарднинг хаёлига бу келмаган экан-да. Ҳолбуки, бу оққўнгил йигитчани ўз ўғли сифатида тан олиб, ўз ёнида сақларди. Ворис қилиб у Жонни эмас, ўз акасининг ўғлини тайинлади. Фам-андухдан қадди букилса ҳам у ўз оиласига содиқ қолди. У Плантагенетларнинг тахти ноқонуний туғилган боланинг жойи эмас, деб ҳисоблади. Чунки қонуний даъвогар — акаси Георгнинг ўғли бор эди.

Айнан шу воқеада оилавий боғлиқлик жуда кучли ҳис қилинади. Эри билан ҳамиша бирга юрган Сесилдан тортиб, то Ричардгача бунга қаттиқ риоя қилганлар.

Грант илк бор худди мана шундай оилавий муҳит Ричарднинг бегуноҳлигига ишончини мустаҳкамлаганини чуқур ҳис қилди. Гўё у ўлдирган ўша болалар ўз акаси Эдуарднинг фарзандлари эди, ахир. У уларни туғилганидан бери яхши биларди. Аксинча, Генрих учун улар бор-йўғи рамзий сиймо эдилар. Унинг йўлида гов эдилар. Эҳтимол, уларни кўрмаган ҳамдир. Ўйлаб қоласан киши: уларнинг қайси бири кўпроқ шубҳа туғдиради?

Тўплаган барча маълумотларни таҳлил қилиб чиққач, Грант онги тиниқлашганини ҳис этди. У, масалан, аввал Генрихнинг тахт ворислиги ҳақидаги қонунга муносабати икки баравар шубҳали бўлиши кераклигини сезмасди. Генрих таъкидлаганидек, агар Ричарднинг тахтга даъвоси бемаъни бўлса, унда мазкур ҳужжатни яна бир ўқиб бериши оқилона иш бўларди, токи унинг бемаънилигини ҳамма билиб қўйсин. Лекин Генрих бундай қилмади. Ричард ҳақидаги ҳар қандай хотирани йўқ қилиш учун бутун кучини ишга солди. Уз-ўзидан келиб чиқадиган муқаррар хулоса: қонунда ёзиб қўйилганидек, Ричарднинг тахтга даъвоси рад этиб бўлмас ҳақиқат эди.

## 17

Каррадин касалхонада яна пайдо бўлган куни Грант биринчи марта мустақил равишда ётган ўриндигидан деразагача юриб кўрди. У шу қадар ғурурланиб кетдики, Пигалица бу бир яшар боланинг ҳам қўлидан келади деб эслатди. Лекин Грант бўш келмади.

— Сизлар бўлсангиз мени бу ерда умрбод ётади деб ҳисобладинглар.

— Аксинча, биз шундай тез тузалиб кетаётганингиздан жуда хурсандмиз, — деди Пигалица. — Лекин жой тезроқ бўшаётганидан янада хурсандмиз. — У малла сочларини силкитиб, пошналарини тақиллатганча йўлакдан юриб кетди.

Грант каравотда ётаркан, ўз ўрнига нафратсиз қараб қўйди. Ҳа, деразагача ва орқага бемалол юриб, бориб келди-ку. У ҳозир ўзини Эверест чўққисига чиққандек ҳис қиларди.

Эртага уйига, волидаси Тинкер хоним бағрига қайтиб боради. Куннинг ярмини каравотда ўтказди, ҳасса ёрдамида юради, лекин, барибир, ўзига ўзи хўжайин. Бундан кейин у ҳеч кимга ўзига васийлик қилишига йўл қўймайди.

Уни олдинда шан ҳаёт кутмоқда ҳали!

У ўз қувончини сержант Вильямс билан баҳам кўрди. Сержант сафардан қайтиши билан хабар олиш учун Грант ҳузурига кирганди. Энди бўлса, Мартанинг келишини сабрсизлик билан кутаётир.

– Ҳалиги тарихий китоблар сизга ёқдими?

– Жуда ёқди. Уларда ёзилганнинг бари ёлгон эканини билиб олдим.

Вильямс кулди.

– Ўйлашимча, бу мумкин эмас, – деди у. – Махфий хизматга бу ёқмаса керак. Сизга “хиёнатчи” ёрлигини ёпиштиришади ёки қиролларни ҳақоратлашда айблашади. Билиб бўладими? Сизнинг ўрнингизда бўлсам эҳтиёткорлик қилардим.

– Энди мен тарих дарсликлариди ёзилганларга асло ишонмайман. Умидим фақат худодан.

– Истиснолар ҳам бўлади-ку, – бўш келмади Вильямс, маъқул келишув йўлини топишга уриниб. – Қиролича Виктория бўлган эди-ку. Юлий Цезарчи? Ахир бу Британияни фатх этиши эмасмиди? 1066 йилда нима бўлганини ҳам эсдан чиқарманг.

– Мен жудаям шубҳалана бошлаяпман, 1066 йилда ростдан ҳам бирор нарса юз берганмикин? Эссексдаги ишни бир ёқли қилганга ўхшайсиз-а. Яна ўша Укажонимизнинг қилиқларими?

– Жуда ўжар, шайтонча. Бутун умр унинг учун ҳамма нарса осон кечаверган. У ҳали тўққиз ёшга тўлмасдан онасининг майда-чуйдасини тортқилаб кечаверган. Агар уни ўз вақтида камар билан яхшилаб савалашгандами, ҳозир ҳаётини сақлаб қолиш мумкин эди. Энди бўлса бодом гуллашга улгурмай уни оситади. Бу йил баҳор эрта келади. Ҳозир қоронғи кеч тушаётир, мен бўлсам ҳар оқшом боғда ўралашаман. Энди сиз ҳам тоза ҳаводан нафас олишингиз керак.

Вильямс хайрлашиб, кетди. Грант бошқа келувчини кутаётганди. У эшикнинг аста чертилганини эшитиб, севиниб кетди.

– Кираверинг, Brent, – деди у қувноқ.

Brent кирди.

Лекин у аввалги, хурсанд чиқиб кетган Brentга ўхшамасди. Жуда ғамгин, кайфияти йўқ эди.

Унинг хонада аламзада бир ҳолатда наридан-бери юраётганини ташвиш билан кузатиб турди. Қоғоз ўрамлари ҳам йўқ эди унинг чўнтаклариди.

– Нима ҳам қила олардинг, – файласуфларча мулоҳаза юритарди Грант. – Лекин вақтни қандай яхши ўтказдик-а? Қачондир шундай бўлиши турган гап эди. Илмий муаммони ҳал этиш осон эканми? Нега энди мен тарихчи олимлардан ақллироқ бўлишим керак экан? Ўзимча одамнинг юзига қараб унинг қандай инсон бўлганлигини аниқлашга уриниб кўрдим. Ўз хатомни тан олишим керак...

– Хайрли кун, жаноб Грант.

– Хайрли кун, Brent.

Албатта, ҳаммадан йигитга ёмон бўлди. Унинг ёшида ҳали мўъжизага ишониш мумкин.

– Негадир хафа кўринасиз, – деди Грант хурсанд. – Нимадир ёрилди?

– Ҳаммаси ёрилди.

Каррадин стулга ўтирди ва деразага ғамгин тикилиб қолди.

– Наҳотки ўша шайтонваччалар ҳалиям жонингизга тегмаган бўлса? – сўради ғазабнок Brent.

– Нима бўлди ўзи? Шаҳзодаларни Ричарднинг ўлимигача гумдон қилишганидан хабар топдингизми?

– Ундан ҳам бадтар.

– Тасдиқловчи ҳужжатлар топилдими? Ёки хатларми?

– У ҳам эмас, бу ҳам эмас. Янада бадтар. Қандай тушунтирсам экан. – У бадтар тундлашди. – Китобим ҳам расво бўлди, жаноб Грант.

– Нима учун?

– Кимга ҳам керак? Бу воқеалар аллақачон ҳаммага маълум.

- Маълум? Нимаси маълум экан?
- Шуниси маълумки, болаларни Ричард ўлдирмаган экан.
- Анчадан бери маълум эканми?
- Ҳа, юз йиллардан бери.
- Тўхтанг, огайни. Ўшандан бери бор-йўғи тўрт юз йил ўтди-ку.
- Нима фарқи бор? Неча юз йиллардан бери буни яхши билишаркан...
- Ҳадеб саннайверманг-да, гапнинг пўсткалласини айтинг. Ўша реабилитация, оқлаш қачондан бошланган?
- Қачон бошланган дейсизми? Биринчи имкон тугилиши билан.
- Айнан қачон?
- Тюдорлар сулоласи тугаб, бу ҳақда гапириш хавfli бўлмай қолганидан сўнг.
- Яъни Стюартлар даврида, шундайми?
- Ҳа, ўшалар даврида. Ўн еттинчи асрда, Бак деган кимса далилларни эълон қилди. Ўн саккизинчи асрда Гораций Уолпол, ўн тўққизинчи асрда эса қандайдир Маркэм ҳам худди шундай қилишди.
- Йигирманчи асрда-чи?
- Бундан хабарим йўқ.
- Агар сиз ҳам шундай иш қилсангиз нимаси ёмон?
- Лекин бу бутунлай бошқа нарса, тушунасизми? Бу ҳатто кашфиёт бўлмайди!
- Грант жилмайишдан ўзини тиёлмади.
- Э, кўйсангиз-чи! Буюк кашфиётлар унақа кўп миқдорда бўлмайди. Сиздан илк кашфиётчи чиқмадимиз, кампания бошлаб юборинг.
- Нимага қарши кампания бошлайман?
- “Тонипэнди”га қарши.
- Брентнинг юзидаги лоқайдлик бутунлай йўқолди. У бирдан ўзгарди-қолди.
- Жуда аҳмоқона ном, бундан бадтарини ўйлаб топиш қийин!
- Агар уч юз эллик йилдан бери Ричард ўз жианларини ўлдиргани йўқ деган гапни такрорлашдан чарчамас, мактаб дарсликларидан эса бунинг аксини зўр бериб такрорлар эканлар, сизнинг фаолиятингиз учун кенг йўл очилади. Дарҳол ишга киришинг!
- Ҳатто Уолполнинг кучи етмаган бўлса, менинг кўлимдан нима ҳам келарди?
- Сув тошни тешади-ку, ахир.
- Жаноб Грант, ҳозир менинг жилғачалик ҳам кучим йўқ.
- Ҳа, афтингиздан кўриниб турибди. Бунақа кайфият билан Англия оммасининг жигига тегишнинг ҳеч ҳожати йўқ. Кучингиз етмайди.
- Мени ҳали ҳеч нарса ёзгани йўқ, деб ўйлаяпсизми?
- Бунинг аҳамияти йўқ. Ҳа, айтгандай, кўпинча биринчи китоб яхши чиқади. Бутун қалб кўри ўшанга тўкилади-да. Фақат, мактабдан кейин тарих бўйича бирорта китоб ўқимай туриб, муаллиф сифатида сизга ақл ўргатмоқчи бўлишади. Улар сизни Ричардни “оқлаш”га уринишда айблашади. Бу эса оқлашнинг ўзидан кўра анча аламли жаранглайди. Айрим кишилар Британия қомусига қараб сизни ерпарчин қилишади. Ҳақиқий тарихчилар эса сизга эътибор бермайдилар ҳам.
- Нега энди. Эътибор беришга мажбур қиламан! – қизишиб кетди Каррадин.
- Йўғ-е! Мана бу энди салтанат фотихларининг шижоатини эслатади.
- Бизда салтанат йўқ, – эътироз билдирди Каррадин.
- Бор, бор, – тинчлангирди уни Грант. – Сиз нимадир ёзишга улгурдингиз шекили?
- Ҳа, икки боби тайёр.
- Уларни нима қилдингиз? Ташлаб юбордингиз, эҳтимол.
- Йўқ, лекин оловга қалаб юборишимга сал қолди.
- Нима ҳалақит берди?
- Меники электр камин, – шундай деди-да, Каррадин енгил нафас олиб, оёғини узатди-да, хохолаб кулиб юборди. – Худо ҳаққи, энди анча ўзимга келдим. Бирам инглизларнинг жигига теккум келаяптики... Менда Каррадин Биринчининг қони уйғонди, шекилли.
- Жуда кучли қон эканлиги кўриниб турибди.

— Ҳа, жуда кучли ёғоч кесувчи бўлган экан. Бу борада донг таратиб, Уйғониш услубидаги қасрга эга бўлибди. Эндиликда кўпчиликнинг фикрига кўра, биринчи навбатда Каррадин Уччинининг тан олишича, Каррадинлар қони анча суюқлашган эмиш. Лекин қандайдир бир лаҳзада мен ўзимни Каррадин Биринчи деб ҳис қилдим. Мана энди мен яхши ҳис қилиб турибман, ўша кекса қароқчи бироз ўрмон ерини сотиб олмоқчи бўлганда, кимдир унга буни тушингда кўрасан, деган экан. Буни эшитиб, менинг кўлим қичишди, худо ҳаққи.

— Мана, ниҳоят, — деди Грант тинчликсеварлик оҳангида. — Уша бағишловни тезроқ ўз кўзим билан кўрсам эди. — У стол устида турган ён дафтарни олиб Брентга узатди. — Мен, мана бу ерда терговчи хулосасини қоралаган эдим. Балки сизга асқотиб қолар.

Каррадин эҳтиром ила унинг кўлидан ён дафтарни олди.

— Варақни йиртиб ўзингиз учун олиб қўйишингиз мумкин. Мен кўлимни ювиб қўлтигимга урдим.

— Бир-икки ҳафта ўтгач, сиз ҳақиқий иш билан шуғуллана бошлайсиз. Илмий ишга кўлингиз тегмаса ҳам керак, — деди Каррадин афсусланиб.

— Бунақанги мароқлиси бошқа ҳеч қачон бўлмайди, — деди самимий Грант. У китоблар тахламига суяб қўйилган расмга яширинча қараб қўйди. — Сиз ишонмаслигингиз мумкин, кайфиятингизни кўриб, кўнглим чўкиб кетди. Ҳаммаси расво бўлди деб ўйладим. — У яна расмга қараб қўйди-да, ўйчан бир тарзда сўзида давом этди. — Марта уни Лоренцо Азаматга ўхшайди деб ҳисоблайди. “Унинг ошнаси Жеймс бўлса, бу авлиёнинг қиёфаси, дейди. Менинг докторим оддий бир мажруҳ атайди. Сержант Вильямс буюк ҳакамлар шундай бўлишига ишончи комил. Катта ҳамшира эса ҳақиқатга энг яқин келди.

— У нима деди?

— У бу буюк жафокашнинг башараси, деб айтди.

— Ҳа, ҳа, худди шундай. Ҳайрон қоладиган жойи йўқ, тўғрими?

— Тўғри. Не балолар тушмади унинг бошига! Сўнгги икки йил мобайнида ҳамма бараварига унга ёпишди. Аввалига ҳаммаси яхши кетаётгандек эди. Англия ниҳоят оёққа турди. Фуқаролар уруши ўтмишда қолиб кетди. Ҳукумат ишонч билан тинчликка эришиб, ялпи равнақ топиш учун савдо-сотиқнинг жонланишига имкон берди. Ва бирдан, бор-йўғи икки йил ичида ҳаммаси барбод бўлди — хотини, ўғли, ўзи.

— Лекин, барибир, тақдир уни бир нарсадан асраб қолди.

— Нимадан?

— У ўз номининг бир неча юз йилларга иснодга қолишини билмай кетди.

— Ҳа. Бунақа шармандаликни у кўтара олмасди. Биласизми, Ричард ҳокимиятни эгаллаб олиши ҳақида ўйламаганига мени нима ишонтирди?

— Йўқ. Айтинг-чи?

— Мени шу нарса ишонтирдики, Стиллингтон ўз янгилиги билан жар солганда, Ричард Шимолдан кўшин сўради. Агар Ричард Стиллингтоннинг нима ҳақида гапирмоқчи эканини билганида, аллақачон кўшин киритган бўларди. У кўшинни Лоңдонга ёки яқин атрофдаги графликлардан бирига киритарди. Унинг аввал Йоркдан, кейин эса амакиваччаси Невиллдан ёрдам сўраши шундан далолат бермоқдаки, Стиллингтоннинг иқрори уни ғафлатда қолдирган эди.

— Ҳа, ҳа. У регентликни<sup>1</sup> ўз зиммасига олиш учун келганида, ёнида мулозимлари бор эди, холос. У фақат Нортгемптондагина Вудвилларнинг қилмишларидан хабар топди. Бу унинг руҳини туширолмади. Вудвилларнинг икки минглик кўшинини тор-мор келтириб, Лондонга юрди. У ерда унга ҳеч нарса хавф солмаётганини яхши биларди. Дарҳақиқат, тож кийиш маросимидан бўлак ҳеч нарса юз бермади. Стиллингтоннинг иқроридан кейин у Шимолдан дарҳол ўз армиясини юборишларини сўради. Ута қалтис вазият уни бутун Англияни босиб ўтишга мажбур қилди. Сиз ҳақсиз. Бу ҳеч қутилмаган вазият эди. — Брент кўзойнагини тўғрилади, асосий гапга ўтди: лекин биласизми, Генрихнинг айби ҳақида энг ишончли далил нима?

— Нима?

<sup>1</sup> Р е г е н т л и к — ҳокимиятни вақтинча бажариш.

- Сирлилик.
- Сирлилик?
- Ҳа. Махфийлик. Яширин келишувлар. Сирли машваратлар.
- Фейл-атвори шунақа эди деб ўйлайсизми?

– Йўқ, йўқ. Мен бошқа нозик томонларини айтмаяпман. Шуниси аниқки, Ричард ҳеч қандай махфийликка эҳтиёж сезмасди. Генрихнинг нияти, аксинча, болаларнинг сирли равишда йўқолиши асосига қурилганди. Шу пайтга қадар ҳеч кимнинг ҳаёлига келмадики, ушбу яширин хунрезликлар Ричардга нима учун керак эди? Нима, у эсини еб қўйганмиди? Йўқ, бу унинг қўлидан келмасди. Эртами, кечми, барибир, болалар Тауэрда йўқ эканлигини тушунтириб беришига тўғри келарди-ку. Ахир у узоқ вақт подшолик қилишига ишонарди. Бунақа мураккаб ва хавfli йўлни танлаш унга нима учун керак бўлиб қолди деб ҳеч ким бош қотириб ўтирмасди-ку. Ахир бунинг оддий йўли ҳам бор эди-ку. Болаларни бўғиб ўлдириб, видолашувга қўйса ҳам бўларди. Бугун Лондон аҳли мурдалар ёнидан ўтиб безгақдан бевақт вафот этган болаларни дуо қилмасмидилар? Ричард мана шундай йўл тутиши керак эди. Ахир, у болаларни ўлдириб, шу билан улар фойдасига бўлган чиқишларнинг олдини олар ва шу боисдан ўз манфаати йўлида болаларнинг ўлими ҳақидаги хабарни мумкин қадар тезроқ эълон қилиши лозим эди. Акс ҳолда унинг режаси чиппақка чиқарди. Генрих – бошқа гап. У болаларни орадан олиб ташлашнинг бошқа усулини излашга мажбур бўларди. Сирлилик унга жуда зарур эди. Генрих болалар қачон ва қандай ўлганини яшириши лозим эди. Умуман, болаларга нима бўлганини ҳеч ким билмаслиги керак эди.

– Сиз ҳақсиз, Брент. Минг бора ҳақсиз, – хитоб қилди Грант, суҳбатдошининг қизишган юзига ҳавас билан қараб. – Сизнинг жойингиз Скотланд-Ярдда, жаноб Каррадин!

Брент кулги билан жавоб қилди.

– Мен энди “тонипэнди”дан халос бўлолмасам керак. Гаров бойлашаман – улар биз ўйлаганимиздан анча кўпроқ. Ишончим комилки, тарихий асарлар бунақаларга тўлиб ётибди.

– Ўз Олифантингизни эсдан чиқарманг, ҳа, айтмоқчи, – деди Грант бирдан эслаб қолгандай, жавонча қутисидан семизгина китобни оларкан. – Қани энди барча тарихчиларни улар ўз асарларини ёзишга киришишдан олдин психология машқини ўтишга мажбур қилинса эди.

– Бу уларни тўхтата олмайди. Одамнинг ўзи билан қизиқадиганлар тарихий асар ёзмайди. У романлар ёзади ёки руҳшунос, ҳакам бўлади.

– Ёки қаллоб.

– Ҳа, қаллоб. Ёки фолбинлик билан шугулланади. Инсон моҳиятини тушунмоқчи бўлган одам тарихий асарлар ёзмайди. Ахир, тарих – бу ўша қалайи аскарчалар-ку.

– Э, қўйсангиз-чи! Мунча қаттиққўл бўлмасангиз? Бу жуда илмли ва иқтидорли...

– Мен буни айтаётганим йўқ. Тарих билан шугулланиш текис тахта устида шаклчаларни ҳаракат қилдириш дегандай гап. Ҳалиги, математикага яқин нарса-да.

– Агар математикага яқин бўлса, унда ўчоқбоши гийбатларига у ерда ўрин йўқ, – деди бирдан Грант аччиқланиб. Авлиё ва тақводор Томас Мор унга ҳамон тинчлик бермасди.

Хайрлашув олдидан у сэр Олифантнинг қалин китобини яна бир варақлашга жазм этди.

– Жуда қизиқ-да, – деди у, – уруш жасоратларини мақташга ҳеч ким сўзини аямайди. Бу борада ҳеч қанақа маълумотлар ҳам йўқ, фақат ривоятга мадҳия. Шон-шарафни улуғлаш васвасаси жуда кучли-да.

– Рицарлар ўз рақибларининг нимага қодирлигини шу тариқа билганлар, – эслатди унга Каррадин. – Ана шу ривоят асосида баллада яратилган бўлиб, уни душман қароргоҳидагилар тўқишган.

– Ҳа. Лорд Стэнли доирасидагилардан биттаси тўқиган. “Рицарь шунда ёлворди қирол Ричардга”, – у бир неча саҳифани ағдарди-да, керакли жойни

қидирди: – “Халол рицарь сэр Уильям Харрингтон” эди ўша одам, – дея ўқий кетди у балладани:

Сенга зарба бермайди ҳеч ким  
 Овора бўладилар (лаънати қурумсоқлар),  
 Бошқа муддатни кутгил,  
 Тақдирни кўп шоширма.  
 Ўйноқлар аргумоғинг,  
 Интилади жангга шай,  
 Бошлангуси янги кун.  
 Ва унда тантаналар  
 Бошланади пайдар-пай.  
 Сенга тегар тожу тахт,  
 Бўларсан бизга қирол.  
 “Йўқ, қиличим урмайман мен,  
 Боши узра қораймас тожи.  
 Чекинмайман ортага бир қадам  
 Токи олар эканман нафас!  
 Тангри иродаси – эртага эмас,  
 Бугун ўлгум паймонам тўлиб,  
 Бугун ўлгум мен қирол бўлиб!”  
 Қандай деса шундайин бўлди,  
 Қулабди у қилич тигидан –  
 Халок бўлди у қирол бўлиб!

– “Боши узра қораймас тожи” – такрорлади Каррадин ўйга толиб. – Шундан кейин ўша тожни дўлана бутазоридан топишди.

– Кейин оламан деб, кимдир яшириб қўйган бўлса керак.

– Мен тожни ҳамиша баланд барқут қопланган, ҳалиги қирол Георгга кийдиришган эди-ку, ўшанақа бўлса керак деб тасаввур қилардим. Бор-йўғи оддий чамбар экан-да.

– Уни дубулга устидан кийса ҳам бўлади.

– Худо ҳаққи, – хитоб қилди Брент, – агар Генрихнинг ўрнида бўлганимда, бу тожни ҳечам киймасдим. Ҳечам! – Бироз жимликдан сўнг Грантдан сўраб қолди: Йорк шаҳрининг йилномасида Босворт ёнидаги жанг ҳақида нима ёзилганини биласизми?

– Йўқ, билмайман.

– “Бугун бутун шаҳар учун чексиз қайғу кунидир, зеро, жанг майдонида шонли қиролимиз Ричард қилич тигидан ҳалок бўлдилар” – мана нима деб ёзилган.

Орага чўккан сукунатда дераза ортидаги чумчуқлар чуғурлаши янада кучайди.

– Тахтни зўрлик билан эгаллаб олган манфур подшонинг ўлими ҳақидаги таъзияномага сираям ўхшамайди, – сукунатни бузди Грант.

– Умуман ўхшамайди, – жавоб берди Каррадин. – “Бутун шаҳарнинг чексиз қайғусига”, – такрорлади у ҳар бир сўзга ургу бериб. Улар шундай қайғуга ботган эдиларки, янги тузум ҳам, ноаниқ келажак ҳам, бу қотиллик эди ва у бизни чексиз ғам-андухга солди деб аниқ ёзишга ҳалақит бера олмасди.

– Эҳтимол, улар ўлдирилган қирол жасадига нисбатан қилинган ҳақоратларни эндигина эшитиб қолиб, даҳшатга тушгандирлар.

– Ҳа. Улар яхши билган ва севган одамни ўлдирилган махлуқ сингари судрашгани ва бошини осилтириб эгарга боғлашганини тасаввур қилиш осон эканми?

– Буни душманга ҳам раво кўриб бўлмайди. Бироқ ҳиссиёт Генрих ёки Мортон одамларининг энг яхши фазилати эмасди.

– И-е! Мортон! – Брент худди иргангандай айтди бу номни. Лекин Мортон бу дунёни тарк айлаганда, ҳеч ким ғам чеккани йўқ, менга ишонаверинг. Мана, Лондон хабарлари муаллифи у ҳақда нима ёзибди: “Ҳозир яшаётганлар орасида унинг бўлишини хоҳламасди, чунки одамларнинг нафрати шу қадар кучли эди”.

Грант ўгирилиб, неча кечаю кундуз ёнида турган расмга қараб қўйди.

– Биласизми, – деди у, – Мортон жуда кўп нарсага, шу жумладан, кардинал унвонига эришганига қарамай, у Ричард билан олишувда мағлуб бўлди.

– Марсия ёмонмас, – деди Брент ғамгин.

– Ҳа, унча ёмон эмас, – деди Грант Олифантнинг китобини ёпаркан. Грант уни Каррадинга берди. – Баъзилар кўпроқни хоҳлашганди. Лекин камроққа эришдилар.

Брент кетгач, Грант буюмларини тахлай бошлайди. Ўқилмаган оммабоп романларни касалхонанинг кутубхонасига – бошқа мижозлар учун ҳада қилса бўлади. Лекин тоғлар кўриниши акс этган альбомни ўзига қолдириш керак. Амазонкага унинг дарсликларини қайтариб бериши эсдан чиқмаса бўлгани. Кечқурун овқат олиб кирганда топшираман деб китобларни тайёрлаб қўйди. Улардан бирини очиб, Ричарднинг ёвузлигидан ҳикоя қилувчи жойини топди. Мана ўша бадбахт тарих. Мактаб дарслигида, оқ қоғозга қоп-қора қилиб ёзиб қўйилибди. Унинг чинлигига ҳеч имо-ишорасиз ёзилибди. Аниқ, тушунарли ва шикоятга ўрин йўқ, дегандай.

Грант китобни энди ёпаман деган эди ҳамки, Генрих VII ҳукмронлигига бағишланган бўлимнинг биринчи хатбошига кўзи тушиб қолди. Унда шундай ёзилганди: “Тюдорларнинг вазифасига рақиблардан, айниқса, Йорклар хонадонининг меросхўрларидан кутулиш кирарди. Генрих VII тахтга ўтирган пайтгача омон қолган ворислар назарда тутилари, албатта. Тюдорлар бу борада анча чаққон чиқишди. Бироқ рақибларни батамом тигдан ўтказишга фақат Генрих VIII муваффақ бўлди”.

Грант бу ошкора иқрорни эти жунжикиб ўқиди. Зеро, бу оммавий қирғин қилинганини тасдиқларди. Бу бутун бир сулоланинг авлодларини қирғичоқ қилишганини ошкора тан олиш эди. Ричард III га икки жиянини ўлдирганини тўнкашаяпти. Унинг номи ёвузлик тимсоли бўлиб қолди. Ҳолбуки, вазифаси “бутун бир уруғни қириб ташлашдан” иборат бўлган Генрих VII зийрак ва узокни кўра биладиган сиёсатчи ҳисобланган.

Грант кўлини силтади. Тарих – шундай нарсаки, уни тушуниб бўлмайди. Йўқ, у тарих муаллифлари билан асло чиқиша олмайди. Грант ўзининг Скотланд-Ярдига қайтади, зеро, у ерда ҳар бир нарса ўз номи билан аталади, қонун эса ҳеч кимга ён босмайди.

У ҳар иккала китобни ҳам ҳафсала билан тахлади ва Амазонка кечки нонуштани олиб кирганда, унга ташаккур билдириб, тантанали вазиятда топширди. Грант чиндан ҳам ундан миннатдор эди. Агар Амазонка мактаб дарсликларини сақламаганида, эҳтимол, Грант Ричард Плантагенет тўғрисида ҳеч қачон билмаган бўларди.

Амазонка Грантнинг мулозаматли сўзларидан уялиб кетди. “Наҳотки, – деб ўйлади у, – касаллигим даврида мен шунчалар кўполлашиб кетган бўлсам, мендан бирор яхши гап кутишмаётган экан-да. Нақадар шармандалик!”

– Биз сизни соғинамиз, – деди Амазонка ва унинг катта-катта кўзлари ёшга тўлиб кетгудай бўлди. – Бизлар сизга ўрганиб қолувдик. Фақат сизгагина эмас, унга ҳам, – у расмга ишора қилди.

Шунда Грантнинг миясига бир фикр келди.

– Сиздан ёрдам беришингизни сўрасам-чи?

– Майли. Агар кўлимдан келадиган иш бўлса.

– Расмни олинг, дераза ёнига олиб боринг, ёругроққа тутиб, унга диққат билан бир яхшилаб қаранг. Хўпми?

– Хўп. Лекин нима учун?

– Шундай. Марҳамат юзасидан. Мен вақтни ҳисоблайман.

Амазонка кўлида расм билан дераза олдига борди.

Грант соат милларига қараб турди. Қирқ бешгача санаб, сўради:

– “Хўш, қандай?” – жавоб олмагач, саволини қайтарди.

– Қизиқ, – деди қиз. – Агар яхшилаб қаралса, у шундай ёқимли кўринарканки, тўғрими?

*Тамом.*

*Рус тилидан  
Файзи ШОҲИСМОИЛ  
таржимаси.*